ISSN 2091-5659

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТЎПЛАМИ

СОБРАНИЕ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

№ 36

2026 йил 7 - 12 сентябрь

Расмий нашр

Официальное издание

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари жойлаштирилади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

БИРИНЧИ БЎЛИМ

896. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2026 йил 9 сентябрдаги ЎРҚ-1170-сон Қонуни

897. «Аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2026 йил 9 сентябрдаги ЎРҚ-1171-сон Қонуни

898. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ов қилиш ва овчилик хўжаликлари фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2026 йил 9 сентябрдаги ЎРҚ-1172-сон Қонуни

899. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига электрон тижорат соҳасини такомиллаштиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2026 йил 10 сентябрдаги ЎРҚ-1173-сон Қонуни

900. «Болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2026 йил 11 сентябрдаги ЎРҚ-1174-сон Қонуни

901. «Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2026 йил 11 сентябрдаги ЎРҚ-1175-сон Қонуни

902. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2026 йил 11 сентябрдаги ЎРҚ-1176-сон Қонуни

903. «Суд ҳокимияти органлари фаолиятини молиялаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2026 йил 11 сентябрдаги ЎРҚ-1177-сон Қонуни

ИККИНЧИ БЎЛИМ

904. «Тошкент халқаро молия маркази фаолиятини йўлга қўйиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 10 сентябрдаги ПФ-188-сон Фармони

905. ««Статистикани ривожлантириш-2030» миллий стратегиясини тасдиқлаш ҳамда рўйхатга олиш маълумотларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 10 сентябрдаги ПФ-190-сон Фармони

906. «Тиббиёт ва фармацевтика соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 10 сентябрдаги ПФ-191-сон Фармони

907. «Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини жорий қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 10 сентябрдаги ПФ-192-сон Фармони

908. «Барқарор иш ўринларини яратиш ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш орқали аҳоли даромадларини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 11 сентябрдаги ПФ-193-сон Фармони

909. «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 9 сентябрдаги ПҚ-317-сон қарори

910. «Тиббиёт ва фармацевтика соҳасида узлуксиз касбий таълим тизимини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 10 сентябрдаги ПҚ-319-сон қарори

911. «Халқаро шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 11 сентябрдаги ПҚ-320-сон қарори

912. «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 11 сентябрдаги ПҚ-321-сон қарори

913. «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 11 сентябрдаги ПҚ-322-сон қарори

914. «Электротехника саноатини ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқиш ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 12 сентябрдаги ПҚ-325-сон қарори

915. «Аҳолини суюлтирилган газ билан таъминлаш тизимини ислоҳ қилиш ва бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 12 сентябрдаги ПҚ-326-сон қарори

УЧИНЧИ БЎЛИМ

916. «Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 7 сентябрдаги 472-сон қарори

917. «Жамоат саломатлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида трансмиллий наркотаҳдидларга қарши курашиш мавзусидаги халқаро форум якунлари бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 7 сентябрдаги 473-сон қарори

918. «Нодавлат суд-экспертиза ташкилотларининг суд экспертларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 8 сентябрдаги 474-сон қарори

919. «Навоий вилояти «яшил» техникуми фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 8 сентябрдаги 476-сон қарори

920. «Илмий-техник ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш орқали аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасини 2030 йилгача ривожлантириш дастурини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 8 сентябрдаги 479-сон қарори

921. «Давлат харидлари қийматини баҳолашнинг шаффоф тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 8 сентябрдаги 480-сон қарори

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

922. “Banklarning qimmatli qog‘ozlar bozorida investitsiya vositachisi, investitsiya aktivlarining ishonchli boshqaruvchisi va investitsiya maslahatchisi sifatida professional faoliyatni amalga oshirishiga oid talablar to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar va qo‘shimcha kiritish haqida” O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi, O‘zbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar milliy agentligining qarori *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 9-sentyabr ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 1782-6-son)*

923. “Бюджет тизими бюджетлари маблағлари мақсадли сарфланиши устидан назорат қилиш соҳасида «Хавфни таҳлил қилиш» электрон тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти бошлиғининг буйруғи *(Адлия вазирлиги томонидан 2026 йил 9 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3935-сон)*

924. “Karantinli va inson uchun xavfli bo‘lgan boshqa yuqumli kasalliklar tarqalishi xavfi mavjud bo‘lganda aholini profilaktik emlashdan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida” O‘zbekiston Respublikasi sog‘liqni saqlash vazirining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 9-sentyabr ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3936-son)*

925. “Banklarda aktivlar sifatini tasniflash va aktivlar bo‘yicha ehtimoliy yo‘qotishlarni qoplash uchun zaxiralar shakllantirish hamda ulardan foydalanish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida” O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining qarori *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 10-sentyabr ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3937-son)*

926. “Banklarni sanatsiya qilishda baholash o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida” O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining qarori *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 10-sentyabr ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3938-son)*



БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЛАРИ

QMMB: 03/26/1170/0911-son
09.09.2026-y.

36 (1264)-son
896-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING QONUNI

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2026 йил 17 февралда қабул қилинган
Сенат томонидан 2026 йил 19 майда маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш ҳамда давлат назоратини кучайтириш, шунингдек интенсив усулда боғ ва токзорлар барпо этиш, иссиқхона хўжаликларини ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга рақобат муҳитини ривожлантириш ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, соҳада фаолият олиб бораётган субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини янада кучайтириш, шунингдек қишлоқ хўжалиги соҳасидаги республика ижро этувчи ҳокимият органларининг расмий номларини аниқлаштириш зарурияти юзага келмоқда.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг номи аниқлаштирилишини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноатни ривожлантириш агентлиги ўзининг ҳамда мева-сабзавотчилик йўналишидаги маҳсулот етиштирувчи, қайта ишловчи субъектларнинг, иссиқхона хўжаликларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судларга берилган аризалари, шикоятлари ва даъволари юзасидан давлат божини тўлашдан озод этилишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Ушбу Қонун мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга, мева-сабзавотчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга, аграр соҳадаги республика ижро этувчи ҳокимият органларининг яхлит тизимини шакллантиришга хизмат қилади.

QMMB: 03/26/1170/0911-son
09.09.2026-y.

1-modda. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 16 февралда қабул қилинган **«Уруғчилик тўғрисида»**ги ЎРҚ–521-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 2, 46-модда, № 11, 791-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 5, 465-модда; 2024 йил, № 1, 7-модда; 2025 йил, № 12, 1323-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **15-модданинг матнидаги** «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **16-модда**:

номидаги «**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги**» деган сўзлар «**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмининг биринчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **17-модданинг**:

номидаги «**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги**» деган сўзлар «**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **20-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **21-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **22-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **23-модданинг учинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган **«Давлат божи тўғрисида»**ги ЎРҚ–600-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 201-модда, № 5, 298-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 7, 661-модда, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 76-модда, № 3, 214,

216-моддалар, № 4, 340-модда, № 5, 463, 464, 467-моддалар, № 12, 1186-модда; 2023 йил, № 2, 103-модда, № 3, 186-модда, № 4, 265, 269-моддалар, № 6, 444, 445-моддалар, № 7, 538-модда, № 9, 710-модда; 2024 йил, № 1, 5, 6, 7-моддалар, № 2, 101, 105, 107, 108, 111, 112-моддалар, № 7, 628-модда, № 8, 819, 823, 831-моддалар, № 9, 958-модда, № 10, 1076, 1079-моддалар, № 11, 1191-модда, № 12, 1279, 1280, 1285-моддалар; 2025 йил, № 1, 4, 6-моддалар, № 2, 188, 189, 195, 197-моддалар, № 4, 519, 520-моддалар, № 5, 648-модда, № 7, 828-модда, № 8, 968, 971-моддалар, № 10, 1153-модда, № 11, 1237-модда, № 12, 1322, 1328-моддалар; 2026 йил, № 1, 2, 4-моддалар) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) **8-модданинг**:

биринчи қисми қуйидаги мазмундаги **41[1]-банд** билан тўлдирилсин:

«41[1]) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноатни ривожлантириш агентлиги – ўзининг ҳамда мева-сабзавотчилик йўналишидаги маҳсулот етиштирувчи, қайта ишловчи субъектларнинг, иссиқхона хўжаликларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида берилган аризалар, шикоятлар ва даъволар юзасидан»;

иккинчи қисмидаги «37[1] ва 47-бандларида» деган сўзлар «37[1], 41[1] ва 47-бандларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **9-модданинг**:

биринчи қисми қуйидаги мазмундаги **27[1]-банд** билан тўлдирилсин:

«27[1]) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноатни ривожлантириш агентлиги – ўзининг ҳамда мева-сабзавотчилик йўналишидаги маҳсулот етиштирувчи, қайта ишловчи субъектларнинг, иссиқхона хўжаликларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида берилган аризалар, шикоятлар ва даъволар юзасидан»;

иккинчи қисмидаги «22[1]» рақами «22[1], 27[1]» рақамлари билан алмаштирилсин;

3) **10-модданинг**:

биринчи қисми қуйидаги мазмундаги **21-банд** билан тўлдирилсин:

«21) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноатни ривожлантириш агентлиги – ўзининг ҳамда мева-сабзавотчилик йўналишидаги маҳсулот етиштирувчи, қайта ишловчи субъектларнинг, иссиқхона хўжаликларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида берилган аризалар ва шикоятлар юзасидан»;

иккинчи қисмидаги «11 ва 12-бандларида» деган сўзлар «11, 12 ва 21-бандларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 5 августда қабул қилинган **«Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–937-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2024 йил, № 8, 817-модда) **25-моддасининг биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

QMMB: 03/26/1170/0911-son
09.09.2026-y.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри,
2026 йил 9 сентябрь
№ ЎРҚ–1170

QMMB: 03/26/1171/0916-son
10.09.2026-y.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING QONUNI

Аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2025 йил 7 октябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2026 йил 13 июнда маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва амал қилиш соҳаси

Ушбу Қонуннинг мақсади аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши:

табиий шовқинларга;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, қўриқлаш хизмати, шошилинч ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш, табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш, шунингдек жамоат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ кечиктириб бўлмайдиган ишларни амалга ошириш натижасида юзага келадиган шовқинга;

миллий байрамларни, оммавий спорт тадбирларини ва оммавий маданий тадбирларни ўтказиш, шунингдек диний расм-русумлар ва маросимларни бажариш натижасида юзага келадиган шовқинга нисбатан татбиқ этилмайди.

2-модда. Аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик

Аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

QMMB: 03/26/1171/0916-son
10.09.2026-y.

3-модда. Шовқиннинг йўл қўйиладиган даражаси ва шовқиннинг зарарли таъсири

Одамни сезиларли даражада безовта қилмайдиган, инсон организмининг функционал тизимларида ва шовқинга сезгир бўлган аъзоларида жиддий ўзгаришларга олиб келмайдиган ҳамда санитария қоидалари ва нормаларида белгиланадиган шовқин даражаси шовқиннинг йўл қўйиладиган даражаси ҳисобланади.

Шовқиннинг йўл қўйиладиган даражадан ошиб кетиши натижасида одамда сезиларли даражада безовталикнинг юзага келиши, шунингдек организмнинг функционал тизимларида ва шовқинга сезгир бўлган аъзоларида жиддий ўзгаришлар пайдо бўлиши шовқиннинг зарарли таъсиридир.

2-боб. Аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини тасдиқлайди ва уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз ваколатлари доирасида қабул қилади;

давлат органларининг аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

шовқиннинг зарарли таъсири учун компенсация тўловлари миқдорини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

5-модда. Аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатли давлат органи ва унинг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатли давлат органидир (бундан буён матнда ваколатли давлат органи деб юритилади).

QMMB: 03/26/1171/0916-son
10.09.2026-y.

Ваколатли давлат органи:

аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш соҳасидаги дастурларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз ваколатлари доирасида қабул қилади;

турар жойларда, жамоат биноларида, аҳолининг яшаш ҳудудларида ва дам олиш зоналарида, шунингдек иш жойларида аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш соҳасидаги санитария қоидалари ва нормаларини ишлаб чиқади ҳамда тасдиқлайди;

аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш соҳасидаги илмий тадқиқотларни ташкил этади;

аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида аҳолини хабардор қилади;

шовқиннинг зарарли таъсирига эга бўлган ёки шундай таъсир кўрсатиши мумкин бўлган объектларнинг рўйхатини шакллантиради ва юритади;

инсоннинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатадиган шовқин манбаси билан ишлашда санитария қоидалари ва нормаларига юридик ва жисмоний шахслар томонидан риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади.

Ваколатли давлат органи қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўз ваколатлари доирасида:

фуқароларнинг осойишталигини таъминлаш ва нормал дам олишини бузиш ҳолларининг олдини олиш учун ташкилий чора-тадбирларни амалга оширади;

фуқароларнинг осойишталиги ва нормал дам олишини бузиш ҳолатлари юзасидан мурожаатларни кўриб чиқади;

маиший шовқинга қарши курашиш талабларини бузиш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади;

автомототранспорт воситаларини даврий техник кўрикдан ўтказишда уларнинг ички ва ташқи шовқин кўрсаткичларининг қонунчилик талабларига мувофиқлигини текширади;

шовқин даражаси белгиланган нормадан ортиқ бўлган транспорт воситаларини бошқариш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади;

аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш бўйича тадбирларни амалга оширувчи ҳамда уларда иштирок этувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

QMMB: 03/26/1171/0916-son
10.09.2026-y.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ўз ваколатлари доирасида:

қурилиш майдонларида меҳнат фаолияти ҳамда қурилиш техникаси ва транспорт воситаларининг ҳаракатланиши, ишлаши натижасида (биноларни қуриш, бузиш, таъмирлаш, бошқа жойга кўчириш, транспорт воситасида ташиш, юклаш, тушириш ва бошқалар) ҳосил бўладиган шовқинларнинг белгиланган нормаларга мувофиқлигини назорат қилади ҳамда аниқланган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича материалларни кўриб чиқиш учун ваколатли давлат органига юборади;

кўп квартирали уйларни, жамоат бинолари ва иншоотларини қуришда шовқиннинг йўл қўйиладиган даражасига риоя этиш, қурилиш майдонларида ва уларга туташ бўлган ҳудудларда яшайдиган аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш мақсадида соҳага инновацион технологияларни жалб этган ҳолда, шовқин пасайтиргичларни қўллаш амалиёти жорий этилишини ташкил этади;

шовқиннинг зарарли таъсирига эга бўлган ёки шундай таъсир кўрсатиши мумкин бўлган қурилиш объектлари тўғрисидаги маълумотларни ваколатли давлат органига тақдим этади;

қурилиш майдонларида аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилишини ва амалга оширилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

8-модда. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ўз ваколатлари доирасида:

ходимлар фаолиятни амалга оширадиган иш жойларида юзага келадиган шовқиннинг йўл қўйиладиган даражасига мувофиқ бўлиши устидан назорат қилади;

ходимлар фаолиятни амалга оширадиган иш жойларида юзага келган шовқиннинг зарарли таъсири тўғрисидаги мурожаатларни кўриб чиқади;

иш жойларидаги шовқин даражасини баҳолайди;

шовқиннинг зарарли таъсирига эга бўлган ёки шундай таъсир кўрсатиши мумкин бўлган объектлар тўғрисидаги маълумотларни ваколатли давлат органига тақдим этади;

QMMB: 03/26/1171/0916-son
10.09.2026-y.

ходимлар фаолиятни амалга оширадиган иш жойларида юзага келадиган шовқиннинг зарарли таъсиридан аҳолини ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитасининг аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси ўз ваколатлари доирасида:

ишлаб чиқариш корхоналарининг технологик ускуналарида, шу жумладан ёрдамчи қурилмаларида юзага келадиган саноат шовқинларининг белгиланган норма талабларига мувофиқлигини назорат қилади ҳамда аниқланган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича материалларни кўриб чиқиш учун ваколатли давлат органига юборади;

ишлаб чиқариш корхоналарининг технологик ускуналарида, шу жумладан ёрдамчи қурилмаларида юзага келадиган шовқиннинг зарарли таъсирини камайтириш мақсадида тегишли корхоналар томонидан объектларни шовқин пасайтиргичлар билан жиҳозлаш ва бошқа турдаги инновацион технологияларни қўллаш юзасидан зарур кўрсатмалар беради;

саноат ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган шовқиннинг зарарли таъсиридан аҳолини ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

шовқиннинг зарарли таъсирига эга бўлган ёки шундай таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш объектлари тўғрисидаги маълумотларни ваколатли давлат органига тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

10-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳудудий дастурларни тасдиқлайди ва уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади.

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари:

аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳудудий дастурларнинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини таъминлайди;

QMMB: 03/26/1171/0916-son
10.09.2026-y.

аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади;

аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш соҳасидаги устувор йўналишларни аниқлаш учун давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

3-боб. Аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирлар

11-модда. Шовқиннинг йўл қўйиладиган даражаси белгиланадиган объектлар ва вақт оралиқлари

Ваколатли давлат органи томонидан аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш мақсадида шовқиннинг йўл қўйиладиган даражаси турар жойлар, жамоат бинолари, аҳолининг яшаш ҳудудлари ва дам олиш зоналари ҳамда иш жойлари учун алоҳида белгиланади.

Турар жойлар, жамоат бинолари, аҳолининг яшаш ҳудудлари ва дам олиш зоналари учун шовқиннинг йўл қўйиладиган даражаси қуйидаги вақт оралиқлари учун белгиланади:

соат 07.00 дан 23.00 гача (дам олиш кунлари ва қонунчилик билан белгиланган ишланмайдиган байрам кунлари соат 09.00 дан 22.00 гача);

соат 23.00 дан 07.00 гача (дам олиш кунлари ва қонунчилик билан белгиланган ишланмайдиган байрам кунлари соат 22.00 дан 09.00 гача).

Турар жой биноларида ва уларга туташ ҳудудларда қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари ўтказилаётганда соат 09.00 дан 18.00 гача бўлган вақт оралиғида шовқиннинг йўл қўйиладиган даражасидан ошадиган шовқинни юзага келтирадиган манбалардан фойдаланиш мумкин, бундан дам олиш кунлари ва қонунчилик билан белгиланган ишланмайдиган байрам кунлари мустасно.

Баъзи ҳудудлар учун шовқиннинг йўл қўйиладиган даражасига қўшимча талаблар қонунчилик билан белгиланиши мумкин.

12-модда. Фуқароларнинг осойишталигини ва нормал дам олишини бузадиган ҳоллар

Шовқиннинг йўл қўйиладиган даражасидан юқори бўлган, фуқароларнинг осойишталигини ва нормал дам олишини бузадиган шовқинлар жумласига қуйидагилар киради:

турар жой бинолари ҳудудида инсонларнинг маиший, уй-хўжалик фаолияти натижасида юзага келадиган шовқин;

қурилиш майдонларидаги меҳнат фаолияти туфайли ҳамда қурилиш техникаси ва транспорт воситаларидан юзага келадиган шовқин;

QMMB: 03/26/1171/0916-son
10.09.2026-y.

ишлаб чиқариш корхоналари томонидан технологик ускуналарни, шу жумладан ёрдамчи қурилмаларни ишлатиш, шунингдек ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай турдаги ишларни бажариш вақтида юзага келадиган шовқин;

турли тоифадаги транспорт воситаларининг ишлаши ва ҳаракатланиши натижасида юзага келадиган шовқин;

оилавий тадбирларни ўтказиш чоғида, савдо комплекслари, умумий овқатланиш корхоналари ва кўнгилочар объектлар, аҳолига хизмат кўрсатиш корхоналари фаолияти натижасида юзага келадиган, шу жумладан товуш қурилмаларидан чиқариладиган шовқин;

пиротехника буюмларидан фойдаланиш натижасида юзага келадиган шовқин.

13-модда. Фуқароларнинг осойишталигини ва нормал дам олишини бузишга йўл қўйилмайдиган вақт оралиғи

Ушбу Қонунда белгиланган тартибда иш кунлари соат 23.00 дан 07.00 гача бўлган вақт оралиғида, дам олиш кунлари ва қонунчилик билан белгиланган ишланмайдиган байрам кунлари соат 22.00 дан 09.00 гача бўлган вақт оралиғида шовқиннинг йўл қўйиладиган даражасидан ортиқ шовқин чиқариш орқали фуқароларнинг осойишталигини ва нормал дам олишини бузишга йўл қўйилмайди.

Фуқароларнинг осойишталигини ва нормал дам олишини бузишга йўл қўйилмайдиган вақт оралиғида белгиланган нормадан ортиқ шовқинга мунтазам равишда йўл қўяётган объектлар фаолияти аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи учун ҳақиқий хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга ваколатли давлат органи, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан, ўн иш кунидан ортиқ муддатга ушбу органларнинг аризасига биноан суд тартибида тўхтатиб турилиши мумкин.

14-модда. Шовқиннинг зарарли таъсирини баҳолаш

Шовқиннинг зарарли таъсири Ўзбекистон Республикаси ҳудуди учун умумий бўлган, ошириб юборилиши инсонга салбий таъсир кўрсатадиган шовқининг йўл қўйиладиган даражаси асосида баҳоланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида шовқиннинг зарарли таъсири ваколатли давлат органи томонидан тегишли давлат органлари ва ташкилотлари билан биргаликда баҳоланади.

Шовқиннинг зарарли таъсири муайян ҳудудларда ва аҳоли пунктларида шовқиннинг зарарли таъсири даражасини ҳисоблаш ҳамда унинг юзага келиши эҳтимолини аниқлаш орқали баҳоланади.

QMMB: 03/26/1171/0916-son
10.09.2026-y.

Шовқиннинг зарарли таъсирини баҳолаш натижаларига кўра, ҳудудларда ва аҳоли пунктларида шовқиннинг таъсирини акс эттирувчи хариталар тузилади.

Шаҳарсозликда муайян ҳудуднинг шовқин хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, шовқин таъсирини акс эттирувчи хариталар тузилади, бунда бинолар ва иншоотлар шундай хариталарга мувофиқ лойиҳалаштирилади ҳамда қурилади.

15-модда. Шовқиннинг зарарли таъсири учун компенсация тўловлари

Шовқиннинг зарарли таъсири натижасида етказилган зарар учун суд тартибида компенсация ундирилиши мумкин.

Шовқиннинг зарарли таъсири учун компенсация тўлаш шовқиннинг зарарли таъсирининг олдини олишга қаратилган тадбирларни бажаришдан озод этмайди.

Шовқиннинг йўл қўйиладиган даражасидан юқори бўлган меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимларнинг меҳнати учун меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка асосан оширилган миқдорда ҳақ тўланади.

Компенсация тўловларининг миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

4-боб. Жисмоний ва юридик шахсларнинг аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари

16-модда. Жисмоний ва юридик шахсларнинг аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳуқуқлари

Жисмоний ва юридик шахслар аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш соҳасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

тегишли ҳудуддаги шовқиннинг зарарли таъсири даражаси ҳамда аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборот олиш;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилишида иштирок этиш;

аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиш;

шовқиннинг зарарли таъсири натижасида етказилган зарарнинг ўрни айбдор шахслар томонидан қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;

QMMB: 03/26/1171/0916-son
10.09.2026-y.

аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи органларнинг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан юқори турувчи органларга ёки мансабдор шахсларга ёхуд судга белгиланган тартибда шикоят қилиш.

Жисмоний ва юридик шахслар қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

17-модда. Жисмоний ва юридик шахсларнинг аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш соҳасидаги мажбуриятлари

Жисмоний ва юридик шахслар аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш соҳасида:

аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликка риоя этиши;

аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш соҳасидаги назорат қилувчи органлар ҳамда мансабдор шахсларнинг қонуний қарорлари ва кўрсатмаларини бажариши шарт.

5-боб. Якунловчи қоидалар

18-модда. Низоларни ҳал этиш

Аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш соҳасида юзага келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

19-модда. Аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик

Аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

20-модда. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар киритиш

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5,

QMMB: 03/26/1171/0916-son
10.09.2026-y.

126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 319, 320-моддалар, № 7, 533, 534, 535, 537, 539-моддалар, № 8, 634-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921, 923, 924-моддалар, № 12, 1004-модда; 2024 йил, № 1, 5, 7, 8, 9-моддалар, № 2, 102, 111, 115, 116-моддалар, № 3, 243, 245-моддалар, № 6, 530, 532-моддалар, № 7, 629-модда, № 8, 826, 829, 831-моддалар, № 9, 954, 964, 965-моддалар, № 10, 1070, 1071, 1073, 1077, 1078, 1083, 1084-моддалар, № 11, 1187, 1188, 1189-моддалар, № 12, 1279, 1280, 1282, 1286, 1287-моддалар; 2025 йил, № 1, 5, 8-моддалар, № 2, 187, 188, 196, 198, 201-моддалар, № 3, 368, 376-моддалар, № 4, 517, 521-моддалар, № 5, 643, 644-моддалар, № 6, 729-модда, № 7, 828, 829,

QMMB: 03/26/1171/0916-son
10.09.2026-y.

832-моддалар, № 8, 968, 971-моддалар) қуйидаги ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин:

1) **125-модда**:

иккинчи қисмининг диспозициясидаги «шунингдек шовқин даражаси» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

учинчи қисмининг диспозицияси «рухсатномасиз қайта жиҳозланган» деган сўзлардан кейин «шунингдек шовқин даражаси белгиланган нормалардан ортиқ бўлган» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **192-модда**:

биринчи қисмининг:

диспозициясидаги «соат 23.00 дан 06.00 гача» деган сўзлар «соат 23.00 дан 07.00 гача бўлган вақт оралиғида, дам олиш кунлари ва қонунчилик билан белгиланган ишланмайдиган байрам кунлари соат 22.00 дан 09.00 гача бўлган вақт оралиғида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

иккинчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади».

21-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

22-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ушбу Қонун 4-моддаси биринчи қисмининг олтинчи хатбошисида назарда тутилган шовқиннинг зарарли таъсири учун компенсация тўловлари миқдорини ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ичида белгиласин;

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

QMMB: 03/26/1171/0916-son
10.09.2026-y.

23-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **Ш. Мирзиёев**

Тошкент шаҳри,
2026 йил 9 сентябрь
№ ЎРҚ–1171

QMMB: 03/26/1172/0917-son
10.09.2026-y.

36 (1264)-сон
898-модда

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING
QONUNI

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ов қилиш ва овчилик хўжаликлари фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2026 йил 24 февралда қабул қилинган
Сенат томонидан 2026 йил 13 июнда маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда ов қилиш ва овчилар тайёрлаш тартибини тизимлаштириш, соҳага илғор технологияларни татбиқ этиш, овчилик хўжаликларида биохилма-хилликни кўпайтириш, ов туризми инфратузилмасини ривожлантириш орқали маҳаллий аҳолини иш билан таъминлаш, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга овчилик хўжаликларини ташкил этиш учун ер участкалари ажратиш тартибини аниқ белгилаш, ов қилишни фақат белгиланган ов қилиш жойларида амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш, овчиликка тааллуқли ҳужжатларни бериш жараёнларини рақамлаштириш зарурияти юзага келмоқда.

Мазкур Қонун билан айрим қонун ҳужжатларига овчилик гувоҳномалари ва йўлланмаларини бериш тартибини такомиллаштиришга, ёввойи ҳайвонларни тутишга доир квоталарни белгилаш ҳамда тақсимлашнинг илмий асосланган тартибини мустаҳкамлашга, ов қилишни фақат овчилик хўжаликларига бириктирилган жойларда, шунингдек эркин ов қилиш жойларида амалга оширишни белгилашга, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерларда ҳамда ўрмон фонди ерларида овчилик хўжаликларини ташкил этишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Ушбу Қонун овчилик соҳасида ягона ва шаффоф ҳуқуқий механизмларни яратишга, давлат назоратини кучайтиришга, ёввойи ҳайвонлар ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлашга хизмат қилади.

QMMB: 03/26/1172/0917-son
10.09.2026-y.

1-modda. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган **«Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»**ги 545–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 19 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ–408-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 9, 273-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 8, 470-модда; 2020 йил, № 7, 447-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 5, 466-модда, № 6, 570-модда; 2023 йил, № 9, 711-модда; 2024 йил, № 8, 831-модда, № 11, 1287-модда; 2025 йил, № 12, 1329-модда) **37-моддасининг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Овчилик ва (ёки) балиқ овлаш хўжалигини юритиш тартиби, шунингдек балиқ овлаш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 июлда қабул қилинган **«Қурол тўғрисида»**ги ЎРҚ–550-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 7, 388-модда; 2020 йил, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 5, 466-модда; 2024 йил, № 2, 105-модда; 2026 йил, № 1, 2-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **11-модданинг саккизинчи қисмидаги** «овчилар жамоат бирлашмаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **13-модда еттинчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «овчилар жамоат бирлашмаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **23-модданинг олтинчи қисмидаги** «овчилар жамоат бирлашмаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 8 июлда қабул қилинган **«Ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисида»**ги ЎРҚ–627-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 7, 447-модда; 2022 йил, № 3, 216-модда; 2024 йил, № 1, 7-модда, № 8, 831-модда, № 10, 1073-модда, № 12, 1287-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) **3-модда** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ов қилиш қоидалари ва ов қилиш жойларида ов қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси томонидан белгиланади»;

2) **5-модданинг биринчи қисмидаги** «Ҳақиқий» деган сўз чиқариб ташлансин;

QMMB: 03/26/1172/0917-son
10.09.2026-y.

3) **9-модда**:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ов қилиш овчилик хўжаликларига бириктирилган ов қилиш жойларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси томонидан белгиланадиган эркин ов қилиш жойларида амалга оширилади»;

иккинчи ва **учинчи қисмлари** тегишинча **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

4) **14-модданинг тўртинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **15-модданинг**:

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ёввойи ҳайвонларни тутишга доир ҳар йилги квота ёввойи ҳайвонларнинг кўп миқдорда тутиладиган турларига, шунингдек ёввойи ҳайвонларнинг камёб ва оз сонли турларига нисбатан белгиланади. Ёввойи ҳайвонларни тутишга доир квота ҳайвонот дунёси объектларининг давлат кадастри маълумотларидан, ёввойи ҳайвонлар сонини ҳисобга олиш ва тутиладиган ёввойи ҳайвонларни ҳисобга олиш маълумотларидан, республикадаги мавжуд ўрмон хўжаликларидан ҳамда шундай фаолият билан шуғулланувчи бошқа жисмоний ва юридик шахслардан олинган ёввойи ҳайвонларни ҳисобга олиш маълумотларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси томонидан белгиланади»;

иккинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи – еттинчи қисмлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси талабномалар асосида ёввойи ҳайвонларни тутишга доир квота лойиҳасини тайёрлайди. Бунда Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган камёб ва йўқолиб бораётган ёввойи ҳайвонлар турларини табиий яшаш муҳитидан ажратиб олишга доир квота лойиҳаси 25 ноябрга қадар (қўшимча квота учун 25 апрелга қадар) Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган камёб ва йўқолиб бораётган ёввойи ҳайвонлар турларини табиий яшаш муҳитидан ажратиб олишга доир квота лойиҳаси бўйича олиб борилган илмий изланишлар ва чоп этилган илмий тадқиқотлар асосидаги хулосасини 5 декабрга қадар (қўшимча квота учун 5 майга қадар) Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитасига тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ёввойи ҳайвонларни тутишга доир квоталарни 10 декабрга қадар

(қўшимча квота учун 10 майга қадар) бўлган муддатда тасдиқлайди, квотани тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилади ҳамда уни Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши қўмитасига, Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитасининг вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар Экология ва иқлим ўзгариши бош бошқармаларига (бундан буён матнда Экология қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари деб юритилади) юборади.

Ёввойи ҳайвонларни тутишга доир тасдиқланган квоталарга мувофиқ Экология қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари 20 декабрга қадар (қўшимча квота учун 20 майга қадар) квоталарни берилган талабномаларга мувофиқ тақсимлайди ҳамда ҳайвонот дунёсидан фойдаланишга доир рухсатномаларни беради.

Ёввойи ҳайвонларни тутишга доир ҳар йилги квота ҳамда қўшимча квота Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитасининг расмий веб-сайтида эълон қилинади»;

6) **17-модда иккинчи қисмининг**:

ўн иккинчи хатбошисидаги «экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши ҳудудий органига» деган сўзлар «Экология қўмитасининг ҳудудий бўлинмасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн учинчи хатбошисидаги «9-моддасининг иккинчи қисмида» деган сўзлар «9-моддасининг учинчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **18-модданинг**:

тўққизинчи хатбошисидаги «экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши ҳудудий органларига» деган сўзлар «Экология қўмитасининг ҳудудий бўлинмаларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўнинчи хатбошисидаги «экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши ҳудудий органларига» деган сўзлар «Экология қўмитасининг ҳудудий бўлинмаларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **19-модданинг**:

ўн тўртинчи хатбошисидаги «экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши ҳудудий органларига» деган сўзлар «Экология қўмитасининг ҳудудий бўлинмаларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн тўққизинчи хатбошисидаги «экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши органларининг мансабдор шахсларини» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси тизимидаги мансабдор шахсларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **23-модда**:

тўртинчи ва **бешинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ов қилиш мавсумида ҳафтанинг икки куни – сешанба, чоршанба – Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида қушларни

QMMB: 03/26/1172/0917-son
10.09.2026-y.

ов қилиш учун ёпиқдир. Бундан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг хулосаси инобатга олинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси томонидан бериладиган рухсатномалар асосида илмий, тиббий ва назорат ишларини амалга ошириш учун қушларни тутиш ҳоллари ҳамда ушбу модданинг олтинчи ва саккизинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Синовдан ўтказиладиган ҳар битта итга тўғри келадиган уч бош қушни отган ҳолда, овчи итларнинг балиқчи қушларга доир дала синовларини – 15 мартдан 1 майга қадар ва беданага доир дала синовларини – 1 апрелдан 15 майга қадар ўтказишга рухсат берилади. Синовларни ўтказиш жойлари ҳамда тартиби Экология қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари билан келишувга кўра овчилик хўжаликлари томонидан аниқланади»;

қуйидаги мазмундаги **олтинчи**, **еттинчи** ва **саккизинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Овчилик хўжаликлари питомникларда ёввойи ҳайвонларни тўлиқ боқичда етиштириш йўлга қўйилган ҳолда ўзларига бириктирилган ов қилиш жойларига қўйиб юборилган ёввойи ҳайвонлар сонига тенг миқдордаги ёввойи ҳайвонларни уларнинг урчиш пайтидан ташқари йил давомида ов қилишни ташкил этиши мумкин. Бунда ёввойи ҳайвонларни тутишга доир рухсатнома олиш талаб этилмайди.

Ёввойи ҳайвонларнинг урчиш пайти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Зоология институтининг хулосаси асосида белгиланади.

Ўлжа олиш мақсадида ов қилиш рухсатномалар асосида ёввойи ҳайвонларнинг урчиш пайтидан ташқари, ов мавсумидан қатъи назар, ҳафтанинг барча кунларида амалга оширилиши мумкин»;

10) **24-модданинг учинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **25-модданинг**:

иккинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисмидаги «экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши ҳудудий органларига» деган сўзлар «Экология қўмитасининг ҳудудий бўлинмаларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) **27-модда биринчи қисмининг еттинчи хатбошисидаги** «экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши ҳудудий органларининг» деган сўзлар «Экология қўмитаси ҳудудий бўлинмаларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

QMMB: 03/26/1172/0917-son
10.09.2026-y.

13) **28-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Овчилик гувоҳномаси муомалага лаёқатли, ўн саккиз ёшга тўлган, овчилик гувоҳномасини олиш учун махсус ўқув курсларини тугатган ва тест синовларидан муваффақиятли ўтган жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси томонидан икки йил муддатга берилади.

Овчилик гувоҳномасини расмийлаштирганлик учун жисмоний шахслардан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида, пенсиядаги ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслардан базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида тўлов ундирилади.

Овчилик гувоҳномасининг амал қилиш муддати талабгорнинг аризасига кўра узайтирилиши мумкин.

Овчилик гувоҳномасининг амал қилиш муддатини узайтириш уни бериш учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади. Бунда овчилик гувоҳномасининг амал қилиш муддатини узайтириш учун махсус ўқув курсларида қайта ўқиш талаб этилмайди.

Овчилик гувоҳномасини бериш тартиби ва овчилик гувоҳномасини олиш учун талабгорларни махсус ўқув курсларида ўқитиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси томонидан белгиланади.

Овчилик гувоҳномасининг амал қилиши унинг амал қилиш муддати ўтганлиги муносабати билан тугаган деб ҳисобланади.

Овчилик гувоҳномасининг амал қилишини муддатидан олдин тугатиш учун қуйидагилар асос бўлади:

овчилик гувоҳномаси эгасининг унинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги аризаси;

овчилик гувоҳномаси эгасининг вафот этиши;

суднинг овчилик гувоҳномаси эгасини белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топиш тўғрисидаги қарори;

суднинг ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жазони назарда тутувчи қонуний кучга кирган қарори»;

14) **29-модданинг**:

биринчи қисмидаги «экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши ҳудудий органлари» деган сўзлар «Экология қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши ҳудудий органига» деган сўзлар «Экология қўмитасининг ҳудудий бўлинмасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15) **30-модданинг**:

биринчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

QMMB: 03/26/1172/0917-son
10.09.2026-y.

учинчи қисмидаги «экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши ҳудудий органининг» деган сўзлар «Экология қўмитаси ҳудудий бўлинмасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

16) **31-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Овчилик йўлланмаси (ёввойи ҳайвонларни тутиш карточкаси) ёввойи ҳайвонларни тутишга доир олинган квоталар асосида берилади ва унинг эгасига мавсумий ёки бир марталик овни амалга ошириш ҳуқуқини тақдим этади.

Овчилик йўлланмаси (ёввойи ҳайвонларни тутиш карточкаси) овчиларга махсус электрон дастур орқали:

овчилик хўжаликларига бириктирилган ов қилиш жойларида – овчилик хўжаликларининг эгалари бўлган юридик шахслар томонидан;

эркин ов қилиш жойларида – Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси томонидан берилади.

Овчилик йўлланмаси (ёввойи ҳайвонларни тутиш карточкаси) уни олганлик учун тўлов киритилганидан кейин берилади.

Овчилик йўлланмасида (ёввойи ҳайвонларни тутиш карточкасида) қуйидагилар кўрсатилади:

жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми;

ов қуролини сақлаш ва олиб юришга доир рухсатнома рақами;

рақами ва берилган санаси;

овчилик хўжалигининг номи (овчилик йўлланмаси овчилик хўжалиги томонидан берилганда);

ов қилишга рухсат этиладиган ҳудуд;

ёввойи ҳайвон турининг номи;

тутиш учун рухсат этилган ёввойи ҳайвонлар сони;

ов қилиш муддати;

ов қилиш тури;

овчилик йўлланмасининг (ёввойи ҳайвонларни тутиш карточкасининг) нархи.

Овчилик йўлланмалари (ёввойи ҳайвонларни тутиш карточкалари) берилганлиги учун тўлов миқдори:

овчилик хўжаликларига бириктирилган ов қилиш жойларида – овчилик хўжаликларининг эгалари бўлган юридик шахслар томонидан;

эркин ов қилиш жойларида – Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси томонидан белгиланади.

Овчилик йўлланмаларини (ёввойи ҳайвонларни тутиш карточкаларини) бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси томонидан белгиланади»;

QMMB: 03/26/1172/0917-son
10.09.2026-y.

17) **32-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ёввойи ҳайвонларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш, муҳофаза ҳамда такрор кўпайтириш тадбирларини ўтказиш билан боғлиқ хўжалик фаолиятини илмий асослантирилган тарзда режалаштириш ва амалга ошириш овчилик хўжалигини юритишдир.

Овчилик хўжалигини юритиш ҳуқуқи овчилик хўжаликларини ташкил этиш учун ер участкаларини ижара ҳуқуқи асосида ажратиш бўйича электрон онлайн-аукцион ғолиби бўлган юридик ёки жисмоний шахслар билан Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ўртасида овчилик хўжалигини юритиш учун овчилик хўжаликларига туташ ҳудуддаги ов қилиш жойларини бириктириш юзасидан ов қилиш жойларини бериш тўғрисидаги шартнома имзоланган кундан эътиборан юзага келади.

Овчилик хўжаликларини ташкил этиш учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлардан ҳамда ўрмон фонди ерларидан 10 гектаргача ер участкаси овчилик базалари ва 100 гектаргача ер участкаси питомниклар барпо этиш учун битта лот сифатида инвестициявий ҳамда шартномавий мажбуриятлар белгиланган ҳолда юридик ва жисмоний шахсларга электрон онлайн-аукцион орқали 49 йил муддатга қуйидаги босқичларда ижара ҳуқуқи асосида ажратилади:

биринчи босқичда – 10 йил муддатга;

инвестициявий ва шартномавий мажбуриятларни бажариш натижаларига кўра:

иккинчи босқичда – 10 йил муддатга;

учинчи босқичда – 29 йил муддатга.

Бунда икки йил муддат ичида ёввойи ҳайвонларни етиштириш ва такрор кўпайтириш бўйича питомниклар инфратузилмаси ёки такрор кўпайтириш участкаси ташкил этилмаса, ижара шартномаси бекор қилинади.

Овчилик хўжаликларини ташкил этиш учун ер участкаларини ижара ҳуқуқи асосида ажратиш бўйича электрон онлайн-аукцион ғолиби бўлган юридик ва жисмоний шахсларга овчилик хўжаликларига (овчилик базаларига ва питомникларга) туташ ҳудуддаги ов қилиш жойлари Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси билан тўғридан-тўғри тузиладиган ов қилиш жойларини бериш тўғрисидаги шартномага асосан овчилик хўжалигини юритиш учун бириктириб берилади. Бунда электрон онлайн-аукцион ғолиби бўлган юридик ва жисмоний шахслар овчилик хўжалигини юритиш учун туташ ҳудуддаги ов қилиш жойларини бериш тўғрисидаги шартномани тузишдан бош тортган тақдирда, электрон онлайн-аукцион натижалари бекор қилинади ва ер участкалари қайта электрон-онлайн аукцион савдоларига чиқарилади.

Овчилик хўжаликларини ташкил этиш учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлардан ҳамда ўрмон фонди ерларидан ер участкаларини ажратиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ов қилиш жойлари ер эгалари ёки ердан фойдаланувчилар билан келишувга кўра ҳамда улардан ерлар олиб қўйилмаган ҳолда бириктириб берилади.

QMMB: 03/26/1172/0917-son
10.09.2026-y.

Бириктирилган ов қилиш жойларидан фойдаланганлик учун ундириладиган йиллик ҳақ миқдори Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси томонидан белгиланади.

Овчилик хўжаликлари Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси томонидан тасдиқланадиган форматда ишлаб чиқилган ва келишилган, ўн йилга мўлжалланган техник-иқтисодий асоснома материаллари асосида фаолият юритади.

Техник-иқтисодий асоснома материаллари ва ов қилиш жойларини бериш тўғрисидаги шартнома овчилик хўжаликларини юритишнинг комплекс тадбирларини амалга ошириш, шунингдек овчилик ресурсларидан оқилона, барқарор фойдаланишга, уларни муҳофаза қилишга, такрор кўпайтиришга ҳамда бириктирилган ов қилиш жойларининг ҳудудини овчилик хўжалигини юритиш учун яроқли ҳолатда сақлаб туришга қаратилган жорий ва истиқболдаги режалаштиришни ривожлантириш бўйича ишларни ташкил этиш ҳамда юритиш учун асосий норматив-техник ҳужжатлардир»;

18) **34-модданинг**:

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Овчилик хўжалигини юритиш учун ов қилиш жойларини бериш тўғрисидаги шартнома овчилик хўжаликларини ташкил этиш учун электрон онлайн-аукцион орқали ажратилган ер участкаларининг ижара муддатига мутаносиб бўлган муддатга тузилади»;

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Овчилик хўжалигини юритиш учун ов қилиш жойларини бериш тўғрисидаги шартноманинг намунавий шакли Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси томонидан тасдиқланади»;

19) **36-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

20) **41-модданинг матнидаги** «Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

21) **1-илова**:

«ҚУШЛАР» позициясига оид Изоҳнинг иккинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«УМУРТҚАСИЗЛАР» позициясига оид Изоҳнинг:

бешинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

QMMB: 03/26/1172/0917-son
10.09.2026-y.

олтинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

22) **2-илованинг изоҳидаги (ҳаволасидаги)** «Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ушбу Қонун 3-моддаси 17-бандининг ўн биринчи хатбошисида назарда тутилган овчилик хўжаликларини ташкил этиш учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлардан ҳамда ўрмон фонди ерларидан ер участкаларини ажратиш тартибини ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ичида ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси:

ушбу Қонун 3-моддаси 1-бандининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган ов қилиш қоидаларини ва ов қилиш жойларида ов қилиш тартибини ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ичида ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

ушбу Қонун 3-моддаси 13-бандининг олтинчи хатбошисида назарда тутилган овчилик гувоҳномасини бериш тартибини ва овчилик гувоҳномасини олиш учун талабгорларни махсус ўқув курсларида ўқитиш тартибини ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ичида ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

ушбу Қонун 3-моддаси 16-бандининг йигирма биринчи хатбошисида назарда тутилган овчилик йўлланмаларини (ёввойи ҳайвонларни тутиш карточкаларини) бериш тартибини ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ичида ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

QMMB: 03/26/1172/0917-son
10.09.2026-y.

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри,
2026 йил 9 сентябрь
№ ЎРҚ–1172

QMMB: 03/26/1173/0918-son
11.09.2026-y.

36 (1264)-сон
899-модда

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING QONUNI

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига электрон тижорат соҳасини такомиллаштиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2026 йил 10 февралда қабул қилинган
Сенат томонидан 2026 йил 18 майда маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда замонавий рақамли технологияларни кенг жорий этиш, электрон тижорат соҳасини ривожлантириш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга бугунги кунда рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши электрон тижорат иштирокчилари учун замонавий логистика инфратузилмасига эга миллий электрон тижорат макони яратилишини ҳамда электрон тижорат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари янада такомиллаштирилишини тақозо этмоқда.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига электрон шаклдаги хизматларни кўрсатувчи ёки электрон савдо платформалари орқали товарларни реализация қилувчи чет эл юридик шахсларига солиқ солинишини, уларнинг ҳисобга қўйилишини ва ҳисобдан чиқарилишини, солиқ ҳисоблаб чиқарилишини, улар томонидан солиқ ҳисоботлари тақдим этилишини ҳамда солиқ тўланишини белгилашга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

Шунингдек «Электрон тижорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига электрон тижорат, электрон савдо платформаси, электрон тижорат иштирокчилари ва операторларининг (электрон савдо платформаси операторларининг, буюртмалар агрегатори операторларининг, рақамли стриминг хизмати операторларининг) ҳуқуқ ва мажбуриятлари, электрон тижорат соҳасида тўловларни, трансчегаравий электрон тижоратни амалга оширишнинг, рақамли маҳсулотлар экспорти ва импортининг ўзига хос хусусиятлари белгиланишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

QMMB: 03/26/1173/0918-son
11.09.2026-y.

Ушбу Қонун рақамли иқтисодиётни ва электрон тижорат платформаларини (сервисларини) янада ривожлантиришга, электрон тижоратнинг шаффоф ва очиқ экотизимини яратишга ҳамда рақамли маҳсулотлар (хизматлар) харидорларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–599-сонли Қонуни билан янги таҳрирда тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда, № 11, 652-модда, № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил, № 1, 6-модда, № 4, 294-модда, 4-сонга илова, № 8, 800-модда, № 9, 901-модда, № 10, 968, 969, 972, 973-моддалар, № 12, 1199-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 5, 461, 464, 467-моддалар, № 6, 570-модда, № 7, 664, 666-моддалар, № 12, 1190-модда; 2023 йил, № 6, 444, 446-моддалар, № 7, 540-модда, № 12, 1011-модда; 2024 йил, № 2, 106, 110, 111-моддалар, № 4, 346-модда, № 5, 458, 459-моддалар, № 8, 822, 831-моддалар, № 9, 958-модда, № 10, 1076-модда, № 11, 1190-модда, № 12, 1283, 1284, 1296, 1297-моддалар; 2025 йил, № 2, 188, 194-моддалар, № 4, 519, 520, 521, 522-моддалар, № 5, 644, 645-моддалар, № 6, 729, 731-моддалар, № 8, 971, № 10, 1153-модда, № 12, 1322, 1324, 1328, 1329-моддалар) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) **19-модда** қуйидаги мазмундаги **саккизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Реализация қилиш жойи Ўзбекистон Республикаси деб эътироф этиладиган электрон шаклдаги хизматларни кўрсатувчи ёки электрон савдо платформалари орқали товарларни реализация қилувчи чет эл юридик шахсларига ҳужжатлар қоғозда ёки телекоммуникация каналлари орқали электрон шаклда жўнатилганидан сўнг ўттиз кундан кейин олинган деб ҳисобланади»;

2) **129-модданинг**:

ўн иккинчи қисмидаги «хизматлар кўрсатувчи ва» деган сўзлар «хизматлар кўрсатувчи ёки электрон савдо платформалари орқали товарларни реализация қилувчи ҳамда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн учинчи қисмидаги «ўн учинчи» деган сўзлар «ўн иккинчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн тўртинчи қисмидаги «ўн учинчи» деган сўзлар «ўн иккинчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн бешинчи қисмидаги «ўн учинчи» деган сўзлар «ўн иккинчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн олтинчи қисмидаги «ўн учинчи – ўн олтинчи» деган сўзлар «ўн иккинчи – ўн бешинчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

QMMB: 03/26/1173/0918-son
11.09.2026-y.

3) **39-бобнинг номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«39-боб. Электрон шаклда хизматлар кўрсатувчи ёки электрон савдо платформалари орқали товарларни реализация қилувчи чет эл юридик шахсларига солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари»;

4) **278-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Реализация қилиш жойи Ўзбекистон Республикаси бўлган электрон шаклдаги хизматларни кўрсатувчи ёки электрон савдо платформалари орқали товарларни реализация қилувчи чет эл юридик шахслари жисмоний шахсларга бундай хизматларни кўрсатишга ва товарларни реализация қилишга оид қисм бўйича солиқ тўловчилар деб эътироф этилади.

Электрон савдо платформалари орқали жисмоний шахсларга товарлар реализация қилинганда, харидорнинг яшаш жойи ва товарларни етказиб бериш жойи Ўзбекистон Республикаси бўлса, товарларни реализация қилиш жойи Ўзбекистон Республикаси деб эътироф этилади.

Агар чет эл юридик шахслари жисмоний шахсларга ушбу Кодекснинг 282-моддасида белгиланган хизматларни электрон шаклда кўрсатса ёки электрон савдо платформалари орқали товарларни реализация қилса ҳамда уларни реализация қилиш жойи Ўзбекистон Республикаси бўлса, бундай хизматларни кўрсатувчи ва (ёки) товарларни реализация қилувчи чет эл юридик шахслари билан топшириқ, воситачилик, агентлик шартномалари ёки бошқа шунга ўхшаш шартномалар асосида бевосита жисмоний шахслар билан ҳисоб-китобларда иштирок этадиган воситачилар бўлган чет эл юридик шахслари ёки Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари бундай хизматларни реализация қилишга доир операцияларга нисбатан солиқ агентлари деб эътироф этилади.

Агар бундай хизматлар ва (ёки) товарлар воситачилар бўлган бир нечта юридик шахснинг ҳисоб-китобларида изчил кетма-кетликда иштирок этган ҳолда кўрсатилса ва (ёки) реализация қилинса, бевосита жисмоний шахслар ҳамда хизматлар кўрсатувчи ва (ёки) товарларни реализация қилувчи чет эл юридик шахслари билан ҳисоб-китобларда иштирок этаётган воситачи бўлган чет эл юридик шахслари ёки Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари, уларда ушбу хизматларни кўрсатувчи ва (ёки) товарларни реализация қилувчи чет эл юридик шахси билан шартнома мавжудлигидан қатъи назар, солиқ агентлари деб эътироф этилади.

Агар чет эл юридик шахслари Ўзбекистон Республикасининг электрон савдо платформалари орқали хизматлар кўрсатса ва (ёки) товарларни реализация қилса ҳамда уларни реализация қилиш жойи Ўзбекистон Республикаси бўлса, ушбу хизматларни кўрсатувчи ва (ёки)

QMMB: 03/26/1173/0918-son
11.09.2026-y.

товарларни реализация қилувчи чет эл юридик шахсларининг фойдасига ҳисоб-китобларни амалга оширувчи мазкур электрон савдо платформалари операторлари бундай операцияларга нисбатан солиқ агентлари деб эътироф этилади.

Агар бундай хизматлар Ўзбекистон Республикасининг юридик шахсларига ва Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассасалар орқали амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари бўлган юридик шахсларга кўрсатиладиган бўлса, бундай хизматларнинг харидорлари бўлган мазкур шахслар солиқ агентлари деб эътироф этилади»;

5) **279-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«279-модда. Электрон шаклда хизматлар кўрсатувчи ёки электрон савдо платформалари орқали товарларни реализация қилувчи чет эл юридик шахсларини ҳисобга қўйиш ва ҳисобдан чиқариш тартиби

Агар чет эл юридик шахси жисмоний шахсларга ушбу Кодекснинг 282-моддасида кўрсатилган, реализация қилиш жойи Ўзбекистон Республикаси деб эътироф этиладиган электрон шаклдаги хизматлар кўрсатадиган бўлса ёки электрон савдо платформалари орқали товарларни реализация қилса ва, агар бу юридик шахснинг ўзи воситачиларсиз товарларни (хизматларни) олувчи бўлган жисмоний шахслар билан ҳисоб-китобларни амалга оширса, чет эл юридик шахсини солиқ органида ҳисобга қўйиш (ҳисобдан чиқариш) ҳисобга қўйиш (ҳисобдан чиқариш) тўғрисидаги ариза ва Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси томонидан рўйхати тасдиқланадиган бошқа ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Шундай хизматларда ва (ёки) шундай товарларни реализация қилишда солиқ агенти деб эътироф этиладиган воситачи бўлган чет эл юридик шахсини солиқ органида ҳисобга қўйиш (ҳисобдан чиқариш) худди шундай тартибда амалга оширилади.

Ҳисобга қўйиш (ҳисобдан чиқариш) тўғрисидаги ариза чет эл юридик шахслари томонидан солиқ органига электрон шаклда хизматлар кўрсатиш ёки электрон савдо платформалари орқали товарларни реализация қилиш бошланган (тугатилган) кундан эътиборан ўттиз календарь кундан кечиктирмай берилади»;

6) **280-модда**:

биринчи қисмидаги «хизматларни» деган сўз «хизматларни кўрсатиш ёки электрон савдо платформаси орқали товарларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Чет эл юридик шахслари электрон савдо платформалари орқали жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикаси реализация қилиш жойи деб эътироф этиладиган товарларни реализация қилганда, солиқ базаси

QMMB: 03/26/1173/0918-son
11.09.2026-y.

мазкур товарларнинг уларни реализация қилишнинг ҳақиқий нархларидан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқариладиган солиқ суммаси ҳисобга олинган ҳолдаги қиймати сифатида аниқланади»;

учинчи – олтинчи қисмлари тегишинча **тўртинчи – еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

7) **281-модданинг**:

номидаги «кўрсатишда» деган сўз «**кўрсатувчи ёки электрон савдо платформалари орқали товарларни реализация қилувчи**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Кодекснинг 282-моддасида белгиланган электрон шаклдаги хизматларни кўрсатувчи ёки электрон савдо платформалари орқали товарларни реализация қилувчи чет эл юридик шахслари солиқ органига солиқ ҳисоботини солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали, белгиланган формат бўйича электрон шаклда тақдим этади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 сентябрда қабул қилинган **«Электрон тижорат тўғрисида»**ги ЎРҚ–792-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2022 йил, № 9, 896-модда; 2025 йил, № 4, 519-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **3-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**буюртмалар агрегатори** – Интернет жаҳон ахборот тармоғидан ва телекоммуникация тармоғидан фойдаланган ҳолда электрон тижорат иштирокчиларига хизматларни (ишларни) тақдим этишга доир шартномалар тузиш ҳамда тўловларни амалга ошириш учун техник, ташкилий ва ахборот инфратузилмаси билан таъминловчи аппарат-дастурий мажмуа ёки ахборот-коммуникация тизими;

буюртмалар агрегатори оператори – буюртмалар агрегаторига эгалик қилувчи ва (ёки) уни бошқарувчи юридик шахс;

рақамли маҳсулотлар – интеллектуал мулк объектларининг электрон кўчирма нусхалари (рақамли товарлар), шунингдек электрон ахборот муҳитида моддий натижага эга бўлмаган муайян ҳаракатларни ёки муайян фаолиятни амалга ошириш, шу жумладан «булутли технологиялар»ни (рақамли хизматларни) олишга ҳамда уларга обуна бўлишга доир хизматлар;

рақамли стриминг хизмати – Интернет жаҳон ахборот тармоғидан ва телекоммуникация тармоғидан фойдаланган ҳолда электрон тижорат иштирокчиларига рақамли маҳсулотлардан реал вақт режимида (онлайн) фойдаланиш имкониятини берувчи, шунингдек шартномалар тузиш ҳамда тўловларни амалга ошириш учун техник, ташкилий ва ахборот инфратузилмаси билан таъминловчи аппарат-дастурий мажмуа ёки ахборот-коммуникация тизими;

рақамли стриминг хизмати оператори – рақамли стриминг хизматига эгалик қилувчи ва (ёки) уни бошқарувчи юридик шахс;

QMMB: 03/26/1173/0918-son
11.09.2026-y.

электрон савдо платформаси – Интернет жаҳон ахборот тармоғидан ва телекоммуникация тармоғидан фойдаланган ҳолда электрон тижорат иштирокчилари ўртасида товарлар (ишлар, хизматлар) олди-сотдисини амалга оширишга доир шартномалар тузиш ҳамда тўловларни амалга ошириш учун техник, ташкилий ва ахборот инфратузилмаси билан таъминловчи аппарат-дастурий мажмуа ёки ахборот-коммуникация тизими;

электрон савдо платформаси оператори – электрон савдо платформасига эгалик қилувчи ва (ёки) уни бошқарувчи юридик шахс;

электрон тижорат – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда тадбиркорлик фаолияти доирасида товарларни сотишга, ишларни бажаришга ва хизматларни кўрсатишга доир жисмоний ва (ёки) юридик шахслар ўртасида шартномалар тузиш жараёнига оид муносабатлар»;

2) **4-модданинг бешинчи хатбошисидаги** «субъектларининг» деган сўз «иштирокчилари ҳамда операторларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **5-модданинг бешинчи хатбошисидаги** «субъектларининг» деган сўз «иштирокчилари ҳамда операторларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **7-модда иккинчи қисмининг**:

олтинчи хатбошисидаги «субъектларининг» деган сўз «иштирокчилари ҳамда операторларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўнинчи хатбошисидаги «субъектларига» деган сўз «иштирокчилари ҳамда операторларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **3-бобнинг номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**3-боб. Электрон тижорат иштирокчилари ҳамда операторлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**»;

6) **8-модда иккинчи қисмининг**:

иккинчи хатбошисидаги «майдончасида» деган сўз «платформасида» деган сўз билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошисидаги «майдончасида» деган сўз «платформасида» деган сўз билан алмаштирилсин;

7) **9-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «майдончасини» деган сўз «платформасини» деган сўз билан алмаштирилсин;

8) қуйидаги мазмундаги **10^1-модда** билан тўлдирилсин:

«**10^1-модда. Трансчегаравий электрон тижоратни амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари**

Электрон тижорат иштирокчилари ҳамда операторлари турли давлатлар ҳудудида жойлашган ва улардан бири Ўзбекистон Республикаси

QMMB: 03/26/1173/0918-son
11.09.2026-y.

ҳудудида жойлашган ҳолда амалга ошириладиган электрон тижорат тури трансчегаравий электрон тижорат ҳисобланади.

Трансчегаравий электрон тижорат тартиб-таомиллари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

9) **11-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Электрон тижорат операторлари жумласига қуйидагилар киради:

электрон савдо платформаси операторлари;

буюртмалар агрегатори операторлари;

рақамли стриминг хизмати операторлари»;

10) **12-модда**:

биринчи қисмининг учинчи хатбошисидаги «субъектларига» деган сўз «иштирокчиларига» деган сўз билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг:

бешинчи хатбошисидаги «субъектларига» деган сўз «иштирокчиларига» деган сўз билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошисидаги «субъектлари» деган сўз «иштирокчилари» деган сўз билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «субъектларининг» деган сўз «иштирокчиларининг» деган сўз билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи** ва **олтинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Электрон тижорат иштирокчилари ўртасида электрон тижорат операторининг ахборот тизимлари орқали тузилган шартнома юзасидан ўзининг фаолияти бўйича мажбуриятларининг ижро этилиши, шунингдек харидорга сифатсиз товар (иш, хизмат) етказиб берилиши ёки номақбул сифатли ноозиқ-овқат товари алмаштирилиши натижасида келиб чиқадиган низолар бўйича сотувчи асосий жавобгар ҳисобланади.

Сотувчи томонидан харидорнинг қонуний талабларини қаноатлантириш имконияти бўлмаган тақдирда, башарти шартнома шартларида ёки қонунчиликда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, электрон тижорат оператори харидор олдида субсидиар жавобгар бўлади»;

бешинчи қисми еттинчи қисм деб ҳисоблансин;

11) **13-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13-модда. Электрон савдо платформаси операторининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Электрон савдо платформаси оператори ушбу Қонун 12-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган электрон тижорат оператори ҳуқуқларидан ташқари ўз электрон савдо платформасида товарларни (ишларни, хизматларни) бевосита, мустақил равишда сотиш ҳуқуқига ҳам эга.

Электрон савдо платформаси оператори ушбу Қонун 12-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган электрон тижорат оператори мажбуриятларидан ташқари:

QMMB: 03/26/1173/0918-son
11.09.2026-y.

фаолиятнинг лицензияланадиган турларини амалга ошираётган ёки фаолиятни (ҳаракатларни) рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар асосида ёхуд хабардор қилиш тартибида амалга ошираётган сотувчиларнинг тегишли лицензияларини ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларини ёхуд хабарномаларини текшириши;

қонунчиликка мувофиқ муомаладан олиб қўйилган ёки муомаласи чекланган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) реализация қилинишига барҳам берилиши бўйича чоралар кўриши;

электрон савдо платформасидан фойдаланувчиларнинг шахсга доир маълумотлари конфиденциаллигини таъминлаши, шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиши;

электрон савдо платформасида тўловларни амалга оширишда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларига риоя этилишини таъминлаши;

электрон савдо платформаси фаолияти билан боғлиқ мурожаатларни қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқиши;

ваколатли давлат органига тегишли ахборотни қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда тақдим этиши;

товарларни (ишларни, хизматларни) таклиф қилиш ва тартиблаштириш алгоритмлари шаффофлигини таъминлаши;

харидор томонидан шарҳлар қолдирилиши имкониятини яратиши, уларни ўзгартирмаслиги ва уларнинг сақланишини таъминлаши (бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно);

электрон савдо платформасидан фойдаланиш қоидаларини, шартнома (оммавий оферта) шартларини, шунингдек қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ошкор этилиши мажбурий бўлган бошқа маълумотларни электрон савдо платформасида жойлаштириши шарт.

Агар электрон савдо платформаси оператори электрон тижорат соҳасидаги ўз фаолиятини тўхтатиб турмоқчи бўлса ёки хизмат кўрсатиш қоидаларига ўзгартиришлар киритмоқчи бўлса, бу ҳақда камида ўттиз кун олдин тегишли электрон савдо платформасида эълон бериши керак (бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно)»;

12) **3-боб** қуйидаги мазмундаги **13[1]** ва **13[2]-моддалар** билан тўлдирилсин:

«13[1]-модда. Буюртмалар агрегатори операторининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Буюртмалар агрегатори оператори ушбу Қонун 12-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган электрон тижорат операторининг ҳуқуқларидан ташқари талаблар, таклифлар ва бошқа омиллардан келиб чиққан ҳолда харидор учун кўрсатиладиган хизматларнинг (ишларнинг) якуний қийматини мустақил шакллантириш ва белгилаш ҳуқуқига эга.

QMMB: 03/26/1173/0918-son
11.09.2026-y.

Буюртмалар агрегатори оператори ушбу Қонун 12-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган электрон тижорат операторининг мажбуриятларидан ташқари:

фаолиятнинг лицензияланадиган турларини амалга ошираётган ёки фаолиятни (ҳаракатларни) рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар асосида ёхуд хабардор қилиш тартибида амалга ошираётган сотувчиларнинг тегишли лицензияларини ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларини ёхуд хабарномаларини текшириши;

қонунчиликка мувофиқ муомаладан олиб қўйилган ёки муомаласи чекланган хизматларнинг (ишларнинг) реализация қилинишига барҳам берилиши бўйича чоралар кўриши;

буюртмалар агрегаторидан фойдаланувчиларнинг шахсга доир маълумотлари конфиденциаллигини таъминлаши, шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиши;

буюртмалар агрегаторида тўловларни амалга оширишда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларига риоя этилишини таъминлаши;

буюртмалар агрегаторининг фаолияти билан боғлиқ мурожаатларни қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқиши;

ваколатли давлат органига тегишли ахборотни қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда тақдим этиши;

хизматларни (ишларни) таклиф қилиш ва тартиблаштириш алгоритмлари шаффофлигини таъминлаши;

харидор томонидан шарҳлар қолдирилиши имкониятини яратиши, уларни ўзгартирмаслиги ва уларнинг сақланишини таъминлаши (бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно);

буюртмалар агрегаторидан фойдаланиш қоидаларини, шартнома (оммавий оферта) шартларини, шунингдек қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ошкор этилиши мажбурий бўлган бошқа маълумотларни буюртмалар агрегаторида жойлаштириши шарт.

Агар буюртмалар агрегатори оператори электрон тижорат соҳасидаги ўз фаолиятини тўхтатиб турмоқчи бўлса ёки хизмат кўрсатиш қоидаларига ўзгартиришлар киритмоқчи бўлса, бу ҳақда камида ўттиз кун олдин тегишли буюртмалар агрегаторида эълон бериши керак (бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно).

13²-модда. Рақамли стриминг хизмати операторининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Рақамли стриминг хизмати оператори ушбу Қонун 12-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган электрон тижорат оператори ҳуқуқларидан ташқари ўз рақамли стриминг хизматида рақамли маҳсулотлардан

QMMB: 03/26/1173/0918-son
11.09.2026-y.

фойдаланиш қоидаларини мустақил белгилаш, шунингдек қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ контентни (ахборот ресурси мазмунини) модерация қилиш ҳуқуқига эга.

Рақамли стриминг хизмати оператори ушбу Қонун 12-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган электрон тижорат операторининг мажбуриятларидан ташқари:

рақамли стриминг хизматида жойлаштирилган рақамли маҳсулотларга нисбатан муаллифлик ҳуқуқига ва турдош ҳуқуқларга риоя этилишини таъминлаши, интеллектуал мулк объектларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини мониторинг қилиши ва уларнинг олдини олиш чораларини кўриши;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ муомаласи чекланган ёки тақиқланган рақамли маҳсулотларнинг тарқатилишига барҳам берилиши бўйича чоралар кўриши;

фойдаланувчиларга тақдим этилаётган рақамли маҳсулотлар ва стриминг хизматлари сифатининг белгиланган талабларга мувофиқлигини таъминлаши;

рақамли стриминг хизматидан фойдаланувчиларнинг шахсга доир маълумотлари конфиденциаллигини таъминлаши, шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиши;

рақамли стриминг хизматида тўловларни амалга оширишда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларига риоя этилишини таъминлаши;

рақамли стриминг хизмати фаолияти билан боғлиқ мурожаатларни қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқиши;

ваколатли давлат органига тегишли ахборотни қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда тақдим этиши;

рақамли маҳсулотларни таклиф қилиш ва тартиблаштириш алгоритмлари шаффофлигини таъминлаши;

харидор томонидан шарҳлар қолдирилиши имкониятини яратиши, уларни ўзгартирмаслиги ва уларнинг сақланишини таъминлаши (бундан қонунчиликда назарда тутилган холлар мустасно);

рақамли стриминг хизматидан фойдаланиш қоидаларини, шартнома (оммавий оферта) шартларини, шунингдек қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ошкор этилиши мажбурий бўлган бошқа маълумотларни рақамли стриминг хизматида жойлаштириши шарт.

Агар рақамли стриминг хизмати оператори электрон тижорат соҳасидаги ўз фаолиятини тўхтатиб турмоқчи бўлса ёки хизмат кўрсатиш қоидаларига ўзгартиришлар киритмоқчи бўлса, бу ҳақда камида ўттиз кун олдин тегишли рақамли стриминг хизматида эълон бериши керак (бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно)»;

QMMB: 03/26/1173/0918-son
11.09.2026-y.

13) **16-модданинг учинчи қисми**:

иккинчи хатбошисидаги «(ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг фамилиясини, исмини, отасининг исмини)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **саккизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«товарларни (ишларни, хизматларни) қайтариш ва (ёки) тўланган маблағларни харидорга қайтариб бериш тартиби ва шартларини»;

саккизинчи хатбошиси тўққизинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

14) **23-модда**:

тўртинчи қисмидаги «белгиланган тартибда кейинчалик инкассация қилиш шарти билан» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи**, **олтинчи** ва **еттинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Электрон тижорат операторлари, электрон тижоратда сотувчи бўлган юридик шахслар, якка тартибдаги тадбиркорлар, шунингдек электрон тижоратда сотувчи ёки буюртма асосида товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчи ёхуд йўловчиларни енгил автотранспорт воситаларида ташиш фаолиятини амалга оширувчи ўзини ўзи банд қилган шахслар (бундан буён матнда ўзини ўзи банд қилган шахслар деб юритилади) электрон тижорат доирасидаги ҳисоб-китобларни фақат алоҳида банк ҳисобварақларидан (якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда ўзини ўзи банд қилган шахслар – электрон ҳамёнларидан ҳам) фойдаланган ҳолда амалга оширади.

Ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг электрон тижорат доирасидаги фаолияти натижасида маблағлар тарзида олинган даромадлари ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг банк картасига бириктирилган алоҳида банк ҳисобварағида ва (ёки) электрон ҳамёнида ҳисобга олинади.

Ўзини ўзи банд қилган шахслар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

учинчи шахслар (сотувчилар) учун тўловни қабул қилиш;

товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчининг ёки электрон тижорат операторининг ҳисобварағидаги маблағларни кейинчалик инкассация қилиш учун ҳисобдан чиқариш мақсадида ўзини ўзи банд қилган шахснинг алоҳида банк ҳисобварағига ва (ёки) электрон ҳамёнига маблағларни олдиндан жойлаштириш;

етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) учун тўлов сифатида нақд пул қабул қилишга, бунда алоҳида банк ҳисобварағидан ва (ёки) электрон ҳамёндан товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчига ўтказилган маблағларга тенг бўлган миқдорда нақд пулни инкассация қилмасдан ўз ихтиёрида қолдириш»;

15) **24-модданинг иккинчи қисмидаги** «Савдо майдончаларининг» деган сўзлар «Электрон савдо платформаларининг ва буюртма агрегаторларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

QMMB: 03/26/1173/0918-son
11.09.2026-y.

16) **27-модда** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Агар электрон тижорат оператори томонидан «эскроу» хизмати кўрсатилаётган бўлса, сотувчи харидорга маблағларни қайтаришни рад этган тақдирда, электрон тижорат оператори сотувчи билан тузилган шартномада белгиланган тартибда маблағларни харидорга мустақил равишда қайтариш ҳуқуқига эга»;

17) **6-боб** қуйидаги мазмундаги **27[1]-модда** билан тўлдирилсин:

«27[1]-модда. Рақамли маҳсулотлар экспорти ва импортининг ўзига хос хусусиятлари

Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали моддий ташувчиларда олиб ўтиладиган рақамли маҳсулотларнинг божхона расмийлаштируви (декларациялаш) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Рақамли дистрибуция усуллари билан экспорт ёки импорт қилинаётган рақамли маҳсулотларга божхона расмийлаштируви амалга оширилмайди.

Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги хорижий электрон савдо платформалари орқали рақамли маҳсулотлар рақамли дистрибуция қилиш йўли билан экспорт қилинганда:

рақамли маҳсулот учун хорижий валютадаги тушум рақамли маҳсулотнинг сотилганлиги бўйича экспорт қилувчининг ҳисобига хорижий электрон савдо платформаси хизматлари қиймати чегириб ташланган ҳолда келиб тушади;

мазкур тушумнинг келиб тушиш муддати хорижий электрон савдо платформасининг қоидаларига мувофиқ белгиланади».

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ушбу Қонун 2-моддаси 8-бандининг тўртинчи хатбошисида назарда тутилган трансчегаравий электрон тижорат тартиб-таомилларини ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ичида белгиласин;

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

QMMB: 03/26/1173/0918-son
11.09.2026-y.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **Ш. Мирзиёев**

Тошкент шаҳри,
2026 йил 10 сентябрь
№ ЎРҚ–1173

QMMB: 03/26/1174/0920-son
12.09.2026-y.

36 (1264)-сон
900-модда

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING
QONUNI

Болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2025 йил 23 декабрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2026 йил 9 июлда маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш давлатнинг мажбурияти сифатида белгиланди.

Мазкур устувор тамойилни амалда рўёбга чиқариш, болаларнинг, шу жумладан етим болаларнинг ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг давлат томонидан ижтимоий ҳимоя қилинишини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш зарурияти юзага келди.

Ушбу Қонун билан айрим қонун ҳужжатларига давлат томонидан етим болаларнинг ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтиришга, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаларининг етим болаларни ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ҳамда уларни муқобил жойлаштириш борасидаги ваколатларини белгилашга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

QMMB: 03/26/1174/0920-son
12.09.2026-y.

Мазкур Қонун етим болаларнинг ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишга, уларнинг оила муҳитида тарбияланиши учун зарур шарт-шароитларни яратишга, уларни муқобил жойлаштириш шаклларида олган фуқароларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 11, 23-моддалар, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589, 592-моддалар, № 10, 671-модда, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 881, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 204-модда, № 5, 296-модда, № 12, 689-модда; 2021 йил, № 1, 5, 11, 13, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 973-модда, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 216-модда, № 4, 337-модда, № 6, 575-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185-моддалар, № 4, 265, 269-моддалар, № 5, 319-модда, № 9, 713-модда; 2024 йил, № 1, 8-модда, № 2, 115-модда, № 9, 964-модда, № 10, 1070, 1073, 1077, 1083-моддалар, № 12, 1280, 1286, 1292-моддалар; 2025 йил, № 1, 8-модда, № 2, 196, 201-моддалар, № 3, 376-модда, № 6, 727-модда, № 8, 968, 969-моддалар, № 9, 1042-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

QMMB: 03/26/1174/0920-son
12.09.2026-y.

1) **19-модданинг ўн иккинчи қисми** «бундан ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишлар кўрилаётган ҳоллар мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **60-модданинг иккинчи қисмидаги** «ҳомийлик қилувчи муассасалар ва ташкилотларнинг» деган сўзлар «васийлик ёки ҳомийлик қилувчи муассасалар ва ташкилотларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **218-модданинг биринчи қисмидаги** «ҳомийлигига топшириши» деган сўзлар «васийлигига ёки ҳомийлигига топшириши» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **531-модданинг ўн биринчи қисмидаги** «ҳомийлигига бериш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса, суд бу ҳақда болалар турган жойдаги васийлик органига» деган сўзлар «васийлигига ёки ҳомийлигига бериш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса, суд бу ҳақда болалар турган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383,

QMMB: 03/26/1174/0920-son
12.09.2026-y.

385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 319, 320-моддалар, № 7, 533, 534, 535, 537, 539-моддалар, № 8, 634-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921, 923, 924-моддалар, № 12, 1004-модда; 2024 йил, № 1, 5, 7, 8, 9-моддалар, № 2, 102, 111, 115, 116-моддалар, № 3, 243, 245-моддалар, № 6, 530, 532-моддалар, № 7, 629-модда, № 8, 826, 829, 831-моддалар, № 9, 954, 964, 965-моддалар, № 10, 1070, 1071, 1073, 1077, 1078, 1083, 1084-моддалар, № 11, 1187, 1188, 1189-моддалар, № 12, 1279, 1280, 1282, 1286, 1287-моддалар; 2025 йил, № 1, 5, 8-моддалар, № 2, 187, 188, 196, 198, 201-моддалар, № 3, 368, 376-моддалар, № 4, 517, 521-моддалар, № 5, 643, 644-моддалар, № 6, 729-модда, № 7, 828, 829, 832-моддалар, № 8, 968, 971-моддалар, № 11, 1233, 1236, 1237-моддалар) қуйидаги ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин:

1) **47-модда**:

номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**47-модда. Болаларни тарбиялаш, уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик, тарбия ва таълим бериш жараёнида уларга нисбатан зўравонлик содир этиш**»;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Таълим ташкилотида вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятлар ўз зиммасига юклатилган шахс томонидан тарбия ва таълим бериш жараёнида вояга етмаган болага нисбатан жисмоний зўравонлик содир этиш, шунингдек уни камситиш ёки хўрлаш каби ҳаракатларда ифодаланган тарзда таҳқирлаш, башарти жиноят аломатлари, шунингдек ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа ҳуқуқбузарликлар аломатлари мавжуд бўлмаса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

QMMB: 03/26/1174/0920-son
12.09.2026-y.

иккинчи – олтинчи қисмлари тегишинча **учинчи – еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

учинчи қисмидаги «Худди шундай» деган сўзлар «Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисмидаги «учинчи қисмида» деган сўзлар «тўртинчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

еттинчи қисмидаги «бешинчи қисмида» деган сўзлар «олтинчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **47^1-модданинг**:

номидаги «**Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган**» деган сўзлар «**Етим болалар ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

диспозицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Етим болалар ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни шундай болалар турган муассаса раҳбари ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахси томонидан васийлик ва ҳомийлик органига хабар қилмаслик, худди шунингдек улар томонидан етим болалар ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳақида атайин нотўғри маълумотлар бериш»;

3) **47^2-модданинг номи** ва **диспозицияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«47^2-модда. Етим болаларни ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни муқобил жойлаштиришда қонунчилик талабларини бузиш

Етим болаларга ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга васийлик ва ҳомийлик белгилашда, уларни фарзандликка, тутинган (фостер) оилага беришда ёхуд уларга етим болалар ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун муқобил жойлаштиришнинг бошқа шаклларини белгилашда қонунчилик талабларини бузиш»;

4) **245-модданинг биринчи қисмидаги** «47-моддасининг иккинчи – олтинчи қисмларида» деган сўзлар «47-моддасининг иккинчи – еттинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **247-модданинг матнидаги** «47-моддасининг биринчи ва бешинчи қисмларида» деган сўзлар «47-моддасининг биринчи ва олтинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **248-модда тўртинчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «47-моддаси учинчи ва тўртинчи қисмларида» деган сўзлар «47-моддаси тўртинчи ва бешинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган **«Нотариат тўғрисида»**ги 343–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 42-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг

QMMB: 03/26/1174/0920-son
12.09.2026-y.

Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2006 йил, № 9, 498-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда; 2020 йил, № 1, 3-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 5, 464-модда; 2024 йил, № 10, 1076-модда, № 12, 1286-модда; 2025 йил, № 10, 1153-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **6-модда тўртинчи қисмининг олтинчи хатбошиси** «васийликдаги шахснинг мол-мулкини тақсимлашга доир битимлар ҳамда унинг тақдирини ҳал қилишга қаратилган бошқа битимлар ҳақидаги» деган сўзлардан кейин «болани фарзандликка бериш (олиш), болани васийликка ёки ҳомийликка бериш ҳақидаги аризада имзонинг ҳақиқийлиги шаҳодатланганлиги тўғрисидаги» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **18-модда биринчи қисмининг ўн учинчи хатбошиси** «васийликдаги шахснинг мол-мулкини тақсимлашга доир битимлар ҳамда унинг тақдирини ҳал қилишга қаратилган бошқа битимлар ҳақидаги» деган сўзлардан кейин «болани фарзандликка бериш (олиш), болани васийликка ёки ҳомийликка бериш ҳақидаги аризада имзонинг ҳақиқийлиги шаҳодатланганлиги тўғрисидаги» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган 409–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 6, 175-модда; 2003 йил, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 248-модда, № 9, 422-модда, № 12, 595-модда; 2008 йил, № 4, 187-модда, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 4, 136-модда, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 9, 334-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 10, 605-модда; 2019 йил, № 3, 165-модда, № 5, 267-модда, № 8, 469-модда, № 9, 588, 592-моддалар, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 6, 337-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 11, 1061-модда, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 5, 464-модда; 2023 йил, № 2, 104-модда, № 3, 187-модда, № 4, 269-модда; 2024 йил, № 2, 115-модда, № 8, 818, 823, 828-моддалар, № 12, 1285-модда) **132-моддасининг учинчи қисмидаги** «ҳомийлик ва васийлик органининг» деган сўзлар «васийлик ва ҳомийлик органининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 607–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5–6-сонга илова; 2003 йил, № 1, 8-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 157-модда; 2008 йил, № 4, 189-модда; 2009 йил, № 9, 328-модда; 2010 йил, № 9, 334,

QMMB: 03/26/1174/0920-son
12.09.2026-y.

335-моддалар; 2011 йил, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 8, 469-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 199-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 970-модда; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 5, 464-модда; 2023 йил, № 4, 265-модда, № 5, 316-модда; 2024 йил, № 2, 105-модда; 2025 йил, № 4, 515-модда, № 10, 1153-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **5-модданинг матнидаги** «ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни» деган сўзлар «етим болаларни ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **105-модданинг**:

номидаги «ёки алимент тўлашдан озод қилиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи қисмидаги «ёки уни алимент тўлашдан озод қилиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

учинчи қисмидаги «ёки уни тўлашдан озод қилиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) **106-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«106-модда. Етим болаларга ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга таъминот бериш

Етим болаларга ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга таъминот бериш, уларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш давлат томонидан тўлиқ амалга оширилади»;

4) **146-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Давлат ёки нодавлат муассасаларининг тўлиқ таъминотида бўлган вояга етмаган болага алимент тўлаши шарт бўлган отани ёки онани алимент тўлашдан озод қилишга йўл қўйилмайди»;

5) **VI бўлимнинг номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«VI БЎЛИМ. ЕТИМ БОЛАЛАРНИ ВА ОТА-ОНА ҚАРАМОҒИДАН МАҲРУМ БЎЛГАН БОЛАЛАРНИ МУҚОБИЛ ЖОЙЛАШТИРИШ ШАКЛЛАРИ»;

6) **19-бобнинг номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«19-боб. Етим болаларни ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш ва муқобил жойлаштириш»;

QMMB: 03/26/1174/0920-son
12.09.2026-y.

7) **148-модданинг**:

номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**148-модда. Етим болаларнинг ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш**»;

матни «тарбия, даволаш» деган сўзлардан кейин «соғломлаштириш» деган сўз билан тўлдирилсин;

8) **149** ва **150-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**149-модда. Етим болаларни ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш ва ҳисобга олиш**

Васийлик ва ҳомийлик органлари етим болаларни ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлайди, бундай болаларни ҳисобга олади ва етим қолишнинг ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлишнинг ҳар бир ҳолатига қараб, болаларни муқобил жойлаштириш шаклларини танлайди, шунингдек бундан буён уларга таъминот бериш, уларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш шарт-шароитларини назорат қилиб боради.

Васийлик ва ҳомийлик органидан ташқари бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг етим болаларни ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш ва муқобил жойлаштириш бўйича фаолият юритишига йўл қўйилмайди.

Ташкилотларнинг (ички ишлар органларининг, судларнинг, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларининг, соғлиқни сақлаш муассасаларининг, таълим ташкилотларининг ва бошқа муассасаларнинг), фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мансабдор шахслари, нотариуслар ва бошқа фуқаролар болалар етим қолганлигидан ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлганлигидан хабардор бўлгач, йигирма тўрт соат ичида бу ҳақда болалар ҳақиқатда турган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органларига хабар бериши шарт. Васийлик ва ҳомийлик органи бундай маълумотларни олган кундан эътиборан уч иш куни ичида боланинг турмуш шароитини текшириб чиқиши (бирламчи баҳолаш) ва бунда боланинг етим қолганлиги ёхуд ота-она ёки қариндошлари қарамоғидан маҳрум бўлганлиги аниқланса, уни муқобил жойлаштириш масаласи ҳал бўлгунига қадар боланинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаши шарт.

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига хабар қилмаганлик, шунингдек бундай болаларни муқобил жойлаштиришда қонунчилик талабларини бузганлик учун ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган муассасаларнинг раҳбарлари ва органларнинг мансабдор шахслари қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

QMMB: 03/26/1174/0920-son
12.09.2026-y.

150-модда. Етим болаларни ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни муқобил жойлаштириш

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар оилага (фарзандликка олиниши, васийлик, ҳомийлик белгиланиши ёки тутинган (фостер) оилага) берилиши, бундай имконият бўлмаганда эса, етим болалар ёхуд ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун мўлжалланган муассасаларга (тарбия, даволаш, соғломлаштириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасасига ва шунга ўхшаш бошқа муассасаларга) тарбияга берилиши лозим.

Етим болаларни ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган оилага ёки муассасаларга тарбиялаш учун муқобил жойлаштириш масаласи ҳал бўлгунига қадар васийлик (ҳомийлик) мажбуриятларини бажариш вақтинча васийлик ва ҳомийлик органларининг зиммасига юклатилади»;

9) **152-модда**:

биринчи қисми:

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«васийлик ёки ҳомийлик мажбуриятларини бажаришдан четлаштирилган шахслар, шунингдек тутинган ота-оналар, агар болани тутинган (фостер) оилага олиш тўғрисида улар билан тузилган шартнома уларнинг зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаганлиги, ўз ҳуқуқларини суиистеъмол қилганлиги, тарбиясидаги болалар билан шафқатсиз муносабатда бўлганлиги, сурункали алкоголизмга ёки гиёҳвандликка мубтало бўлганлиги оқибатида бекор қилинган бўлса»;

тўртинчи – тўққизинчи хатбошилари тегишинча **бешинчи – ўнинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

саккизинчи хатбошисидаги «ушбу модда биринчи қисмининг олтинчи хатбошисида» деган сўзлар «ушбу модда биринчи қисмининг еттинчи хатбошисида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўққизинчи хатбошисидаги «ушбу модда биринчи қисмининг олтинчи ва еттинчи хатбошиларида» деган сўзлар «ушбу модда биринчи қисмининг еттинчи ва саккизинчи хатбошиларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Етим болаларни ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни фарзандликка олиш истагини билдирган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда махсус ўқув курсини тамомлаганлик тўғрисидаги сертификатга эга бўлиши керак»;

иккинчи қисми учинчи қисм деб ҳисоблансин;

10) **161-модданинг матнидаги** «маъмуриятининг» деган сўз «жойлашган ҳудуддаги васийлик ва ҳомийлик органининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

QMMB: 03/26/1174/0920-son
12.09.2026-y.

11) **174-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Васийлик ва ҳомийлик вояга етмаганларга нисбатан «Инсон» ижтимоий хизматлар маркази директорининг қарори билан, вояга етганларга нисбатан эса туман, шаҳар ҳокимининг қарори билан белгиланади»;

12) **22-бобнинг номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**22-боб. Болаларни тутинган (фостер) оилага олиш**»;

13) **194** ва **195-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**194-модда. Тутинган (фостер) оилага бериладиган болалар**

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етмаган болалар, шу жумладан тарбия, даволаш ва соғломлаштириш муассасаларидаги, шунингдек аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаларидаги ҳамда шунга ўхшаш бошқа муассасалардаги болалар тутинган (фостер) оилага берилади.

Тутинган (фостер) оила оилага тарбияга бериш (патронат) шаклида ҳамда болаларга оилага яқин муҳитда ғамхўрлик кўрсатишнинг қонунчиликда белгиланган бошқа шаклларида ташкил этилади.

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар оилага тарбияга (патронат) фақат уларнинг қариндошларига берилади.

Болаларни тутинган (фостер) оилага олишни истаган шахс васийлик ва ҳомийлик органлари билан келишилган ҳолда болаларни олдиндан танлаб олади, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Болаларни тутинган (фостер) оилага бериш уларнинг хоҳишини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Ўн ёшга тўлган болаларни уларнинг розилиги билан тутинган (фостер) оилага бериш мумкин.

Болаларни тутинган (фостер) оилага бериш тартиби ва шартлари қонунчилик билан белгиланади.

195-модда. Болаларни тутинган (фостер) оилага олиш тўғрисидаги шартнома

Болаларни тутинган (фостер) оилага олиш тўғрисидаги шартнома васийлик ва ҳомийлик органлари билан тутинган ота-она ўртасида тузилади.

Болаларни тутинган (фостер) оилага олиш тўғрисидаги шартномада болаларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш, тарбияга олган тутинган ота-онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, васийлик ва ҳомийлик органларининг болаларни тарбияга олган оилага нисбатан мажбуриятлари, шунингдек бундай шартномани бекор қилиш асослари ва оқибатлари кўрсатилиши керак.

QMMB: 03/26/1174/0920-son
12.09.2026-y.

Шартнома тузилишидан олдин болани тарбияга олаётган шахснинг турмуш шарт-шароитлари ва оила аъзоларининг соғлиғи текширилади.

Болаларни оилага тарбияга (патронат) олган шахсларга оилага тарбияга олинган боланинг таъминоти учун ҳар ойда нафақа, шунингдек кийим-бош ва пойабзал олиш учун ҳар йили бир марталик тўлов қонунчиликда белгиланган миқдорда тўлаб борилади.

Болаларга оилага яқин муҳитда ғамхўрлик кўрсатишнинг бошқа шаклида ҳар бир тарбияланувчининг яшаш харажатлари ҳамда парвариш қилиниши учун тутинган ота-онага тўланадиган маблағлар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тўланади»;

14) **196-модданинг**:

номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**196-модда. Болаларни тутинган (фостер) оилага олиш тўғрисидаги шартномани бекор қилиш**»;

биринчи қисмидаги «Болаларни тарбияга олиш тўғрисидаги келишув» деган сўзлар «Болаларни тутинган (фостер) оилага олиш тўғрисидаги шартнома» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «Болаларни оилага тарбияга олиш тўғрисидаги келишувни» деган сўзлар «Болаларни тутинган (фостер) оилага олиш тўғрисидаги шартномани» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15) **197-модданинг**:

номидаги «**Оилага тарбияга**» деган сўзлар «**Тутинган (фостер) оилага**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмидаги «Оилага тарбияга» деган сўзлар «Тутинган (фостер) оилага» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «Оилага тарбияга» деган сўзлар «Тутинган (фостер) оилага» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

16) **198-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Вояга етган ҳар икки жинсдаги шахслар тутинган ота-она бўлиши мумкин, бундан ушбу Кодекс 152-моддаси биринчи қисмининг иккинчи – ўнинчи хатбошиларида назарда тутилган шахслар мустасно.

Етим болаларга ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга тутинган ота-она бўлиш истагини билдирган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда махсус ўқув курсини тамомлаганлик тўғрисидаги сертификатга эга бўлиши керак.

Тутинган ота-оналарни танлаш васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан амалга оширилади.

Тутинган ота-она тарбияга олинган болага нисбатан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади»;

17) **199-модданинг**:

номидаги «**тарбияга**» деган сўз «**тутинган (фостер) оилага**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

QMMB: 03/26/1174/0920-son
12.09.2026-y.

матнидаги «тарбияга» деган сўз «тутинган (фостер) оилага» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

18) **200-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«200-модда. Тутинган (фостер) оилага берилган болаларнинг турмуш шароитларини ва уларнинг тарбияланишини кузатиб бориш ҳамда мониторинг қилиш

Васийлик ва ҳомийлик органлари тутинган (фостер) оилага берилган болаларнинг турмуш шароитларини ва уларнинг тарбияланишини кузатиб боради ҳамда мониторинг қилади»;

19) **227-модданинг тўртинчи қисми** «васийлик ва ҳомийлик органлари» деган сўзлардан кейин «иштирокида суд» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

20) **237-модданинг тўртинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган 713–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 4-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 6, 260-модда; 2007 йил, № 1, 3-модда, № 4, 156-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 12, 470-модда; 2011 йил, № 12/2, 365-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 10, 673, 676-моддалар; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 4, 199-модда, № 11, 792-модда; 2020 йил, № 9, 539-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 973-модда; 2022 йил, № 3, 216-модда; 2024 йил, № 8, 830, 831-моддалар; 2025 йил, № 2, 188-модда, № 3, 370-модда, № 4, 515-модда) **108-моддасининг номи** ва **биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«108-модда. Васийликка ёки ҳомийликка олинган шахснинг турар жойини алмаштириш

Васийликка ёки ҳомийликка олинган шахснинг фойдаланишида ёхуд мулкида бўлган турар жойни алмаштириш учун тегишли васийлик ва ҳомийлик органининг розилиги талаб қилинади».

QMMB: 03/26/1174/0920-son
12.09.2026-y.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган **«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»**ги 258–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9–10, 169-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8, 367-модда, № 12, 598-модда; 2008 йил, № 4, 184, 187-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда; 2010 йил, № 9, 337, 340-моддалар; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 7, 389-модда, № 8, 469-модда, № 10, 671-модда, № 12, 880-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар; 2022 йил, № 4, 337-модда, № 6, 570-модда; 2023 йил, № 4, 269-модда; 2024 йил, № 2, 111-модда, № 8, 827-модда, № 10, 1073-модда; 2025 йил, № 4, 522-модда, № 6, 729-модда, № 8, 970-модда, № 10, 1153-модда) **36-моддаси биринчи қисмининг 1-бандидаги** «ҳомийлик ва васийлик органлари» деган сўзлар «васийлик ва ҳомийлик органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январда қабул қилинган **«Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»**ги ЎРҚ–139-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 1, 1-модда; 2009 йил, № 12, 471-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 12, 881-модда; 2020 йил, № 3, 199-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 5, 464-модда; 2023 йил, № 3, 185-модда, № 4, 265-модда; 2024 йил, № 9, 958-модда; 2025 йил, № 2, 198-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) **3-модданинг тўртинчи хатбошиси** «шунингдек «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **24-модда**:

олтинчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги «оилага тарбияга олиш (патронат)» деган сўзлар «тутинган (фостер) оилага олиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **саккизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Етим болаларга ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга ғамхўрлик кўрсатиш ҳамда уларни тарбиялаш хизматига нодавлат ташкилотлар давлат ижтимоий буюртмаси, аутсорсинг ёки бошқа турдаги шартномалар асосида жалб этилиши мумкин»;

саккизинчи қисми тўққизинчи қисм деб ҳисоблансин;

3) **29-модданинг учинчи қисмидаги** «Тиббий-психологик-педагогик комиссиянинг» деган сўзлар «Психологик-тиббий-педагогик комиссиянинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

QMMB: 03/26/1174/0920-son
12.09.2026-y.

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 17 апрелда қабул қилинган **«Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–154-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 августда қабул қилинган ЎРҚ–633-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 8, 490-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 6, 575-модда) **31-моддасига** қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

биринчи қисмдаги «ҳомийлик ҳамда васийлик органининг» деган сўзлар «васийлик ва ҳомийлик органининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмдаги «ҳомийлик ҳамда васийлик органи» деган сўзлар «васийлик ва ҳомийлик органи» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 2 январда қабул қилинган **«Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»**ги ЎРҚ–364-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 1, 1-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда; 2020 йил, № 1, 3-модда, № 9, 539-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 970-модда; 2023 йил, № 4, 265-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **3-модданинг**:

иккинчи хатбошисидаги «жойлаштиришнинг» деган сўз «муқобил жойлаштиришнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошисидаги «жойлаштиришнинг» деган сўз «муқобил жойлаштиришнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **7-модда**:

биринчи қисмининг учинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги «туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларининг болаларни ҳимоя қилиш шуъбалари» деган сўзлар «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисми «Ўзбекистон Республикасидан ташқарида яшайдиган» деган сўзлардан кейин «етим қолган ёки» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

бешинчи қисмидаги «жойлаштириш бўйича» деган сўзлар «муқобил жойлаштириш бўйича» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) қуйидаги мазмундаги **8^1-модда** билан тўлдирилсин:

«8^1-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ўз ваколатлари доирасида:

васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этади;

васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқади ҳамда уларни амалга оширишда иштирок этади;

болаларни оилада тарбиялаш шаклининг устуворлигини таъминлайди;

васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди;

васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган болаларга муносиб турмуш ва таъминот шароитларини таъминлайди;

оила ва болаларни қўллаб-қувватлаш муассасалари тармоқларини, хизматларини, васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларга ҳамда уларнинг оилаларига маслаҳат ёрдами, ҳуқуқий, ижтимоий, психологик ёрдам ва хизматлар кўрсатиш марказларини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар кўради;

ахборот тизимини юритади;

ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни ва уларнинг оилаларини қўллаб-қувватлаш масалаларини ҳал этади;

етим болаларга ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга ғамхўрлик қилаётган шахсларни рағбатлантириш механизмларини яратади ҳамда такомиллаштиради;

муқобил жойлаштириш шаклларига берилган болаларнинг турмуш шароитларини ва уларнинг тарбияланишини мониторинг қилади;

васийлик ва ҳомийлик соҳасида халқаро ҳамкорликни белгиланган тартибда амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин»;

4) **9-модда**:

номидаги «**Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг ҳамда**» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

биринчи қисмининг:

биринчи хатбошисидаги «Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

бешинчи – ўнинчи хатбошилари тегишинча **тўртинчи – тўққизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

саккизинчи хатбошисидаги «оила ва болаларни қўллаб-қувватлаш муассасалари тармоқларини, хизматларини» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи қисмидаги «Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

QMMB: 03/26/1174/0920-son
12.09.2026-y.

5) **10-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10-модда. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ўз ваколатлари доирасида:

васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги давлат дастурларини амалга оширишда иштирок этади;

васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги ҳудудий дастурларни ишлаб чиқади, уларни маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органига тасдиқлаш учун киритади ҳамда амалга оширади, бундан васийлик ва ҳомийлик соҳасининг вояга етмаганларга доир қисми мустасно;

васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги вазифаларни бажарувчи туман, шаҳар тиббиёт бирлашмалари фаолиятини назорат қилишни ҳамда мувофиқлаштириб боришни амалга оширади;

васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларнинг, шунингдек васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

ахборот тизимини юритади.

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Туманлар, шаҳарлар ҳокимлари васийликни ёки ҳомийликни белгилаш ва тугатиш бўйича, шунингдек васийларни ёки ҳомийларни ўз мажбуриятларини бажаришдан озод этиш ёхуд четлаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилади, бундан вояга етмаганларга нисбатан васийлик ва ҳомийликка оид қарорлар мустасно»;

6) **12-модданинг**:

номидаги «**Туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари болаларни ҳимоя қилиш шуъбаларининг**» деган сўзлар «**Инсон» ижтимоий хизматлар марказларининг**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисми:

биринчи хатбошисидаги «Туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларининг болаларни ҳимоя қилиш шуъбалари» деган сўзлар «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошисидаги «жойлаштирилганлиги» деган сўз «муқобил жойлаштирилганлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўққизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«етим болаларга ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга нисбатан васийлик ёки ҳомийлик белгиланиши зарурлигини аниқлаб, васий ёки ҳомий этиб тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилади»;

QMMB: 03/26/1174/0920-son
12.09.2026-y.

ўн иккинчи хатбошисидаги «жойлаштиришни» деган сўз «муқобил жойлаштиришни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

ўн тўртинчи – йигирманчи хатбошилари тегишинча **ўн учинчи – ўн тўққизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **йигирманчи – йигирма олтинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«етим болаларнинг ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ижтимоий ҳолати ва турмуш шароитларини баҳолашдан ўтказади ҳамда баҳолаш натижалари асосида болаларнинг ижтимоий мақомини белгилайди;

етим болаларнинг ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг қонуний вакили сифатида ҳар қандай жисмоний ва юридик шахслар билан бўлган муносабатларда, шу жумладан судда муқобил жойлаштириш шакллари бўйича тарбияга олинган (бундан фарзандликка олинган болалар мустасно) болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади, уларнинг номидан ҳамда уларнинг энг устун манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилади;

етим болаларни ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни муқобил жойлаштириш шакллари бўйича тарбияга олган шахслар, ташкилотлар томонидан болаларга ғамхўрлик кўрсатилишининг, тарбия берилишининг ва қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа хизматлар кўрсатилишининг мониторингини олиб боради;

етим болаларнинг, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг моддий таъминот олиш ҳуқуқларини таъминлашда алимент тўловларини, боланинг соғлиғини тиклаш ва реабилитацияси учун қўшимча харажатларни ота-онадан ёки ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахслардан бола фойдасига ундириш бўйича судга ариза (даъво аризаси) киритади;

боланинг ота-онасини бедарак йўқолган деб топиш ва (ёки) вафот этган деб эълон қилиш бўйича судга ариза киритади;

етим болаларга ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга мерос асосида ёки мол-мулкка эгалик қилишнинг бошқа шакллари асосида тегишли бўлган, давлат рўйхатидан ўтказилган кўчар ва кўчмас мол-мулк улар вояга етгунига қадар бошқа шахсларга берилишининг олдини олиш чораларини кўради;

етим болаларнинг ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ўз вазифаларини амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотни, ҳужжатларни ҳамда уларнинг кўчирма нусхаларини барча давлат органлари, ташкилотлар ва муассасалардан сўров асосида бепул олади»;

QMMB: 03/26/1174/0920-son
12.09.2026-y.

иккинчи қисмидаги «Туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларининг болаларни ҳимоя қилиш шуъбалари» деган сўзлар «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **15-модданинг**:

биринчи қисмидаги «жойлаштирилганлиги» деган сўз «муқобил жойлаштирилганлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахснинг яшаш жойи ва унинг мулкий аҳволи ўзгарган тақдирда, «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари уч иш куни ичида ахборот тизимига тегишли ўзгартиришларни киритиши шарт. Туман, шаҳар тиббиёт бирлашмалари мазкур ўзгартиришлар тўғрисида етти иш куни ичида туман (шаҳар) ҳокимликларини хабардор этиши ҳамда унинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдини мазкур шахснинг янги яшаш жойидаги туман, шаҳар тиббиёт бирлашмасига юбориши шарт. Бунда шахсий ҳужжатлар йиғмажилдининг кўчирма нусхаси туман, шаҳар тиббиёт бирлашмасининг архивида қолиши шарт»;

8) **16-модданинг**:

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахслар аниқланганда, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари, таълим ташкилотлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари, нотариуслар, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мазкур шахслар аниқланган кундан эътиборан йигирма тўрт соат ичида улар ҳақидаги маълумотларни ахборот тизими орқали ёки ёзма шаклда болалар ҳақиқатда турган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органларига юборади»;

иккинчи қисми «қонунчиликда белгиланган тартибда текширувдан» деган сўзлардан кейин «(бирламчи баҳолашдан)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

9) **17-модда биринчи қисмининг**:

иккинчи хатбошисидаги «туман (шаҳар) ҳокимлигининг болаларни ҳимоя қилиш шуъбасига» деган сўзлар «туман (шаҳар) ҳокимлигига ҳамда «Инсон» ижтимоий хизматлар марказига (вояга етмаганларга оид қисми бўйича)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошиси «тасдиқловчи ҳужжатларни» деган сўзлардан кейин «ёхуд мазкур ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотларни тегишли ахборот тизимларидан мустақил равишда» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

10) **18-модданинг биринчи** ва **иккинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ахборот тизимини тегишлилиги бўйича туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари ҳамда «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари юритади.

QMMB: 03/26/1174/0920-son
12.09.2026-y.

Ахборот тизимига ушбу Қонун 16-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган органлар ва шахслар, шунингдек васийлик ва ҳомийлик органларидан келиб тушадиган васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахслар тўғрисидаги, шу жумладан уларнинг муқобил жойлаштирилганлиги ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилган кўчар ва кўчмас мол-мулки ҳақидаги маълумотлар киритилади»;

11) **19-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Васийлик ва ҳомийлик вояга етмаганларга нисбатан «Инсон» ижтимоий хизматлар маркази директорининг қарори, вояга етганларга нисбатан эса туман, шаҳар ҳокимининг қарори билан белгиланади»;

12) **21-модданинг**:

биринчи қисми «туман, шаҳар ҳокимининг» деган сўзлардан кейин «ёки «Инсон» ижтимоий хизматлар маркази директорининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

учинчи қисми «Туман, шаҳар ҳокими» деган сўзлардан кейин «ёхуд «Инсон» ижтимоий хизматлар маркази директори» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

13) **22-модданинг**:

биринчи қисми:

қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«узрсиз сабабларга кўра ўз боласини туғуруқхонадан ёки бошқа даволаш муассасасидан, тарбия, соғломлаштириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш муассасасидан ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардан олишдан бош тортган ҳолда ўзининг ота-оналик мажбуриятларини бажармаган шахслар»;

бешинчи – тўққизинчи хатбошилари тегишинча **олтинчи – ўнинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

саккизинчи хатбошисидаги «ушбу модда биринчи қисмининг олтинчи хатбошисида» деган сўзлар «ушбу модда биринчи қисмининг еттинчи хатбошисида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўққизинчи хатбошисидаги «ушбу модда биринчи қисмининг олтинчи ва еттинчи хатбошиларида» деган сўзлар «ушбу модда биринчи қисмининг еттинчи ва саккизинчи хатбошиларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14) **23-модданинг тўртинчи қисмидаги** «жойлаштиришнинг» деган сўз «муқобил жойлаштиришнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15) **24-модданинг биринчи қисмидаги** «туман, шаҳар ҳокими қарори» деган сўзлар «туман, шаҳар ҳокимининг ёки «Инсон» ижтимоий хизматлар маркази директорининг қарори» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

16) **25-модданинг**:

биринчи қисмидаги «туман, шаҳар ҳокими қарори» деган сўзлар «туман, шаҳар ҳокимининг ёки «Инсон» ижтимоий хизматлар маркази директорининг қарори» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

QMMB: 03/26/1174/0920-son
12.09.2026-y.

иккинчи қисмидаги «туман, шаҳар ҳокими қарорида» деган сўзлар «туман, шаҳар ҳокимининг ёки «Инсон» ижтимоий хизматлар маркази директорининг қарорида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

17) **26-модданинг**:

биринчи қисмидаги «Туман, шаҳар ҳокими» деган сўзлар «Инсон» ижтимоий хизматлар маркази директорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисмидаги «туман, шаҳар ҳокими» деган сўзлар «Инсон» ижтимоий хизматлар маркази директорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи қисмидаги «Туман, шаҳар ҳокими» деган сўзлар «Инсон» ижтимоий хизматлар маркази директори» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

18) **29-модданинг**:

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Васийни ёки ҳомийни ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилиш тўғрисидаги қарор вояга етганларга нисбатан туман, шаҳар ҳокими томонидан васийлик ва ҳомийлик органининг илтимосномаси асосида, вояга етмаганларга нисбатан эса «Инсон» ижтимоий хизматлар маркази директори томонидан қабул қилинади»;

тўртинчи қисмидаги «жойлаштиришнинг» деган сўз «муқобил жойлаштиришнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

19) **30-модданинг**:

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Васий ёки ҳомий ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ёхуд ўз ҳуқуқларини суиистеъмол қилган ҳолларда, уларни ўз мажбуриятларини бажаришдан четлаштириш тўғрисидаги қарор вояга етганларга нисбатан туман, шаҳар ҳокими томонидан васийлик ва ҳомийлик органининг илтимосномаси асосида, вояга етмаганларга нисбатан эса «Инсон» ижтимоий хизматлар маркази директори томонидан қабул қилинади»;

учинчи қисмидаги «жойлаштиришнинг» деган сўз «муқобил жойлаштиришнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

20) **32-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахс билан бирга яшаётган васийнинг ёки ҳомийнинг яшаш жойини ўзгартириши, шунингдек васийнинг ёки ҳомийнинг, шу жумладан васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқиши васийлик ва ҳомийлик органининг ёзма рухсати ва ўн ёшга тўлган вояга етмаганнинг розилиги билан амалга оширилади»;

21) **36-модда**:

бешинчи қисмининг иккинчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

QMMB: 03/26/1174/0920-son
12.09.2026-y.

«Рўйхатнинг бир нусхаси васийга ёки ҳомийга топширилади, иккинчи нусхаси васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг васийлик ва ҳомийлик органи томонидан юритиладиган шахсий ҳужжатлар йиғмажилдида сақланади, учинчи нусхаси эса, ахборот тизимига васийлик ёки ҳомийлик белгиланган вояга етганларга тегишли маълумотларни киритиш учун туман (шаҳар) ҳокимлигига юборилади, бундан вояга етмаган мол-мулкининг рўйхати мустасно»;

қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Вояга етмаган мол-мулкининг рўйхати икки нусхада тузилади ва бир нусхаси васийга ёки ҳомийга топширилади, иккинчи нусхаси эса ахборот тизимига киритилади»;

олтинчи, **еттинчи** ва **саккизинчи қисмлари** тегишинча **еттинчи**, **саккизинчи** ва **тўққизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

22) **37-модда биринчи қисмининг олтинчи хатбошиси** «бундан вояга етмаганларнинг васийлари мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

23) **45-модданинг матни** «Туман, шаҳар ҳокимининг» деган сўзлардан кейин «Инсон» ижтимоий хизматлар маркази директорининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

11-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 22 январда қабул қилинган ЎРҚ–460-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 1-илова, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 5, 261-модда, № 9, 592-модда, № 10, 671-модда, № 11, 791, 792-моддалар, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1, 3-моддалар, № 3, 198, 199-моддалар; 2021 йил, № 1, 8-модда, 4-сонга илова, № 8, 803-модда, № 9, 903-модда; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 8, 787-модда; 2023 йил, № 4, 269-модда, № 12, 1007-модда; 2024 йил, № 2, 115-модда, № 8, 827-модда, № 9, 964, 969-моддалар, № 11, 1191-модда, № 12, 1280, 1286-моддалар; 2025 йил, № 1, 8-модда, № 3, 373-модда, № 6, 729-модда, № 9, 1042-модда, № 10, 1153-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) **42-модда**:

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола фойдасига ота-онадан ёки уларнинг биридан ундирилиши белгиланган алимент миқдорини камайтириш бўйича ишларда «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари жалб этилади»;

тўртинчи ва **бешинчи қисмлари** тегишинча **бешинчи** ва **олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

QMMB: 03/26/1174/0920-son
12.09.2026-y.

2) **303-модданинг бешинчи қисмидаги** «ушбу ҳал қилув қароридан кўчирма нусхасини» деган сўзлар «ушбу ҳал қилув қарорининг кўчирма нусхасини тегишли васийлик ва ҳомийлик органига ҳамда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 17 январда қабул қилинган ЎРҚ–517-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Консуллик устави** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 1, 6-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 3, 216-модда; 2023 йил, № 11, 923-модда) **30-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Консуллик муассасалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида яшаётган, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаган шахслар, Ўзбекистон Республикасининг муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган фуқаролари устидан, шунингдек соғлиғининг ҳолатига кўра ўз ҳуқуқларини мустақил равишда амалга оширишга ҳамда ўз мажбуриятларини бажаришга қодир бўлмаган вояга етган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига нисбатан васийлик ёки ҳомийлик белгилаш чораларини кўради.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган етим қолган ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаросини фарзандликка, васийликка ва ҳомийликка олишни хоҳлайдиган, консуллик округи ҳудудида доимий яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, чет эл фуқароларининг ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг илтимосига кўра консулликнинг мансабдор шахси уларни фарзандликка, васийликка ва ҳомийликка олишнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартиби тўғрисида хабардор қилади.

Консулликнинг мансабдор шахси ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган фуқаролар ҳақида хабар беришни сўраб консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг ваколатли органларига мурожаат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқароси консуллик округи ҳудудида етим ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлиб қолганлиги, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлганлиги, муомалага лаёқатсизлиги ёки муомала лаёқати чекланганлиги, шунингдек соғлиғининг ҳолатига кўра ўз ҳуқуқларини мустақил равишда амалга оширишга ҳамда ўз мажбуриятларини бажаришга қодир бўлмай қолганлиги ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни қабул қилиб олган ёхуд мазкур ҳолатлар ўзига маълум бўлиб қолган консулликнинг мансабдор шахси бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигини хабардор қилади, Ўзбекистон Республикасининг бундай фуқароси устидан васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига кўмаклашади ҳамда унинг мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чораларини кўради».

QMMB: 03/26/1174/0920-son
12.09.2026-y.

13-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 июлда қабул қилинган **«Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»**ги ЎРҚ–547-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 7, 385-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2023 йил, № 11, 923-модда) **25-моддаси учинчи қисмининг ўн тўртинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«етим болаларнинг ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг шахсга доир маълумотларига ишлов берилаётганда, бу болалар муқобил жойлаштирилаётганда ҳамда васийлик ва ҳомийликни таъминлаш бўйича бошқа чора-тадбирлар амалга оширилаётганда».

14-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 16 декабрда қабул қилинган **«Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида»**ги ЎРҚ–595-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 12, 889-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 4, 290-модда, № 10, 968-модда; 2023 йил, № 3, 185-модда; 2024 йил, № 9, 958-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **33-модданинг иккинчи қисмидаги** «Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар мактабгача ва мактаб таълими бошқармалари ҳузуридаги тиббий-руҳий-педагогик комиссия» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда психологик-тиббий-педагогик комиссия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **34-модда** қуйидаги мазмундаги **ўн иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги билан келишувга кўра, кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотида, инклюзив гуруҳларга эга мактабгача таълим ташкилотида ҳамда қўшма турдаги мактабгача таълим ташкилотида ривожланишида жисмоний ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар учун гуруҳларни санитария-гигиена талаблари ҳисобга олиниб, мазкур гуруҳларни тўлдиришнинг энг кўп миқдори қисқартирилган ёки оширилган ҳолда ташкил этишга йўл қўйилади»;

3) **44-модда**:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Педагогик фаолиятни амалга ошириш жараёнида болаларга нисбатан жисмоний ва (ёки) руҳий зўравонликка оид ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилган шахслар бир йил муддат давомида мактабгача таълим ташкилотларида педагогик фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас»;

иккинчи ва **учинчи қисмлари** тегишинча **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

15-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган **«Давлат божи тўғрисида»**ги ЎРҚ–600-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 201-модда, № 5, 298-модда, № 10, 593-модда,

QMMB: 03/26/1174/0920-son
12.09.2026-y.

№ 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 7, 661-модда, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 76-модда, № 3, 214, 216-моддалар, № 4, 340-модда, № 5, 463, 464, 467-моддалар, № 12, 1186-модда; 2023 йил, № 2, 103-модда, № 3, 186-модда, № 4, 265, 269-моддалар, № 6, 444, 445-моддалар, № 7, 538-модда, № 9, 710-модда; 2024 йил, № 1, 5, 6, 7-моддалар, № 2, 101, 105, 107, 108, 111, 112-моддалар, № 7, 628-модда, № 8, 819, 823, 831-моддалар, № 9, 958-модда, № 10, 1076, 1079-моддалар, № 11, 1191-модда, № 12, 1279, 1280, 1285-моддалар; 2025 йил, № 1, 4, 6-моддалар, № 2, 188, 189, 195, 197-моддалар, № 4, 520-модда, № 5, 648-модда, № 7, 828-модда, № 8, 968, 971-моддалар, № 10, 1153-модда, № 11, 1237-модда) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартириш киритилсин:

1) **8-модда биринчи қисми**:

45-бандининг учинчи хатбошиси «болаларни ота-оналаридан уларни ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум этмасдан олиб қўйиш ҳақидаги» деган сўзлардан кейин «боланинг соғлиғини тиклаш ва реабилитация қилиш учун қўшимча харажатларни ота-онадан ёки ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахслардан бола фойдасига ундириш ҳақидаги» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **45[1]-банд** билан тўлдирилсин:

«45[1]) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг ҳудудий бўлинмалари – нафақа олувчилардан ортиқча (ноқонуний) тўланган нафақаларнинг суммаларини ундириш билан боғлиқ даъволар юзасидан»;

2) **15-модда**:

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Туғилган болага фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари томонидан туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномани расмийлаштириш чоғида ушбу бола отаси ёки онасининг яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган манзилига рўйхатга қўйилаётганда, шунингдек етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола васийсининг (ҳомийсининг), тутинган ота-онасининг яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган манзилига рўйхатга қўйилаётганда давлат божи ундирилмайди»;

тўртинчи – тўққизинчи қисмлари тегишинча **бешинчи – ўнинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

16-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган **«Таълим тўғрисида»**ги ЎРҚ–637-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 9, 538-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда; 2023 йил, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 2, 101-модда, № 9, 958, 964-моддалар, № 11, 1188-модда; 2025 йил, № 2, 188-модда, № 10, 1155-модда) **38-моддасининг учинчи қисмидаги** «тиббий-психологик-педагогик комиссиянинг» деган сўзлар «психологик-тиббий-педагогик комиссиянинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

QMMB: 03/26/1174/0920-son
12.09.2026-y.

17-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 майда қабул қилинган **«Психиатрия ёрдами тўғрисида»**ги ЎРҚ–690-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 5, 415-модда; 2024 йил, № 2, 115-модда) **41-моддасига** қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

биринчи қисмдаги «тиббий-психологик-педагогик комиссиянинг» деган сўзлар «психологик-тиббий-педагогик комиссиянинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмдаги «Тиббий-психологик-педагогик комиссиянинг» деган сўзлар «Психологик-тиббий-педагогик комиссиянинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

18-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 июнда қабул қилинган **«Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида»**ги ЎРҚ–781-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2022 йил, № 6, 576-модда; 2024 йил, № 8, 830-модда, № 10, 1072-модда) **25-моддасининг тўққизинчи қисмидаги** «тутинган оилага» деган сўзлар «тутинган (фостер) оилага» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

19-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 1 февралда қабул қилинган **«Педагогнинг мақоми тўғрисида»**ги ЎРҚ–901-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2024 йил, № 2, 101-модда; 2025 йил, № 10, 1155-модда) **15-моддаси** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Педагогик фаолиятни амалга ошириш жараёнида вояга етмаганларга нисбатан жисмоний ва (ёки) руҳий зўравонликка оид ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилган шахсларнинг бир йил муддат давомида қуйидаги таълим ташкилотларида педагогик фаолият билан шуғулланишига йўл қўйилмайди:

мактабгача таълим ташкилотлари;

умумий ўрта ва ўрта махсус таълим ташкилотлари;

профессионал таълим ташкилотлари;

болалар учун қўшимча таълим ташкилотлари»;

иккинчи, **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** тегишинча **учинчи**, **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

20-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

21-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

QMMB: 03/26/1174/0920-son
12.09.2026-y.

22-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **Ш. Мирзиёев**

Тошкент шаҳри,
2026 йил 11 сентябрь
№ ЎРҚ–1174

QMMB: 03/26/1175/0921-son
12.09.2026-y.

36 (1264)-son
901-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING QONUNI

Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2025 йил 10 июнда қабул қилинган
Сенат томонидан 2026 йил 9 июлда маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тазйиқ ва зўравонликдан ишончли ҳимоя қилишнинг институциявий ҳамда ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштиришга, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳамда уларнинг вояга етмаган фарзандларига ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини жорий этишга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тазйиқ ва зўравонликка учраган хотин-қизлар ҳамда болалар билан ишлаш бўйича ваколатли орган этиб белгиланди, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳамда уларнинг вояга етмаган фарзандларига ижтимоий хизматлар кўрсатилишини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг ваколатларини, шунингдек тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳамда уларнинг вояга етмаган фарзандларига кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар ва ёрдам турларини қонун ҳужжатларида аниқлаштириш зарурияти юзага келмоқда.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатларини аниқлаштиришга, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларни ҳамда уларнинг вояга етмаган фарзандларини йўқотилган биометрик паспортлар

QMMB: 03/26/1175/0921-son
12.09.2026-y.

(идентификацияловчи ID-карталар) ўрнига биометрик паспортлар (идентификацияловчи ID-карталар) берганлик учун, никоҳ тузилганлиги тўғрисида ва туғилганлик ҳақида такрорий гувоҳномалар берганлик учун давлат божини тўлашдан озод этишга, «Инсон» ижтимоий хизматлар марказларига тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларнинг йўқотилган банк картасини тиклаш учун тижорат банкларига мурожаат қилиш тўғрисида нотариал тасдиқланган ишончномаларга тенглаштирилган ишончномаларини тасдиқлаш ҳуқуқини беришга, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳамда уларнинг вояга етмаган фарзандларига давлат ҳисобидан малакали юридик ёрдам кўрсатиш тизимини йўлга қўйишга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

Ушбу Қонун тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларнинг ҳамда уларнинг вояга етмаган фарзандларининг манзилли ва самарали ижтимоий ҳимоя қилинишини кучайтиришга, шунингдек ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163–I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256–I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11–12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106, 109-моддалар, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 9, 510-модда, № 12, 773-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 3, 161, 166-моддалар, № 5, 267-модда, № 10, 671-модда, № 12, 880, 886-моддалар; 2020 йил, № 1, 3, 4-моддалар, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 801-модда, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 217, 218-моддалар, № 4, 340-модда, № 5, 464-модда, № 6, 570, 577-моддалар, № 11, 1061, 1062-моддалар; 2023 йил, № 10, 795-модда, № 11, 921-модда; 2024 йил, № 2, 111, 114-моддалар, № 6, 530-модда, № 11, 1193-модда; 2025 йил, № 2, 188, 194-моддалар, № 4, 522-модда) **136-моддаси** қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларнинг банк картасини тиклаш учун тижорат банкларига мурожаат қилиш тўғрисида «Инсон» ижтимоий хизматлар маркази директори томонидан тасдиқланган ишончномалари».

QMMB: 03/26/1175/0921-son
12.09.2026-y.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган **«Нотариат тўғрисида»**ги 343–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 42-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2006 йил, № 9, 498-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда; 2020 йил, № 1, 3-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 5, 464-модда; 2024 йил, № 10, 1076-модда, № 12, 1286-модда) **26-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларнинг банк картасини тиклаш учун тижорат банкларига мурожаат қилиш тўғрисида «Инсон» ижтимоий хизматлар маркази директори томонидан тасдиқланган ишончномалари».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган **«Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–561-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 9, 586-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 12, 1194-модда; 2023 йил, № 4, 265-модда; 2024 йил, № 10, 1076-модда) **28-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчи махсус марказга олти ойгача муддатга жойлаштирилиши мумкин. Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчини махсус марказга жойлаштириш ҳамда ундан чиқариш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган **«Давлат божи тўғрисида»**ги ЎРҚ–600-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 201-модда, № 5, 298-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 7, 661-модда, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 76-модда, № 3, 214, 216-моддалар, № 4, 340-модда, № 5, 463, 464, 467-моддалар, № 12, 1186-модда; 2023 йил, № 2, 103-модда, № 3, 186-модда, № 4, 265, 269-моддалар, № 6, 444, 445-моддалар, № 7, 538-модда; 2024 йил № 1, 5, 6, 7-моддалар, № 2, 101, 105, 107, 108, 111, 112-моддалар, № 7, 628-модда, № 8, 819, 823, 831-моддалар, № 9, 958-модда, № 10, 1076, 1079-моддалар, № 11, 1191-модда, № 12, 1279, 1280, 1285-моддалар; 2025 йил, № 1, 4, 6-моддалар, № 2, 188, 189, 195, 197-моддалар, № 4, 519, 520-моддалар, № 5, 648-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **12-модда** қуйидаги мазмундаги **6-банд** билан тўлдирилсин:

«6) Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳузуридаги Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳудудий марказларига жойлаштирилган хотин-қизлар – уларга ва уларнинг вояга етмаган фарзандларига тегишинча никоҳ тузилганлиги тўғрисида ва туғилганлик ҳақида такрорий гувоҳномалар берганлик учун»;

2) **13-модданинг тўртинчи қисми** «ногиронлиги бўлган шахслар» деган сўзлардан кейин «Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳузуридаги Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳудудий марказларига жойлаштирилган хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 16 июнда қабул қилинган **«Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–848-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2023 йил, № 6, 447-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) **9-модда** қуйидаги мазмундаги **5-банд** билан тўлдирилсин:

«5) «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган тазйиқ ва зўравонлик содир этилганлиги муносабати билан суриштирув, дастлабки тергов органларига ёки судга мурожаат қилган тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчилар»;

2) **11-модда** қуйидаги мазмундаги **еттинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳамда уларнинг вояга етмаган фарзандларига қуйидагилар тўғрисидаги ишлар бўйича давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилади:

алиментларни ундириш ҳақидаги;

болаларнинг таъминоти учун қилинадиган қўшимча харажатларни ундириш тўғрисидаги;

уйга киритиш, турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ва кўчириш ҳақидаги;

оталикни белгилаш ёки оталик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги;

боланинг яшаш жойини белгилаш ҳақидаги;

бола билан кўришиш тартибини белгилаш тўғрисидаги;

никоҳдан ажратиш ҳақидаги;

мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги;

мол-мулкни бошқа шахснинг қонунга хилоф эгалигидан талаб қилиб олиш ҳақидаги;

мол-мулкка етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги;

ишга тиклаш ҳақидаги;

иш ҳақини ундириш тўғрисидаги»;

QMMB: 03/26/1175/0921-son
12.09.2026-y.

3) **16-модданинг**:

иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«ариза тазйиқ ва зўравонликка учраганлиги муносабати билан судга мурожаат қилган хотин-қизлар томонидан берилган тақдирда – ушбу Қонун 11-моддасининг еттинчи қисмида назарда тутилган иш судда кўриб чиқилаётганлиги тўғрисидаги маълумотнома»;

тўртинчи қисмидаги «Ушбу модда иккинчи қисмининг тўртинчи, бешинчи ва олтинчи хатбошиларида» деган сўзлар «Ушбу модда иккинчи қисмининг тўртинчи – еттинчи хатбошиларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **17-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **ўнинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«тазйиқ ва зўравонликка учраганлиги муносабати билан судга мурожаат қилган, давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган хотин-қизларнинг илтимосига кўра суд томонидан»;

5) **18-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **олтинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«ариза тазйиқ ва зўравонликка учраганлиги муносабати билан судга мурожаат қилган хотин-қизлар томонидан берилган тақдирда – ушбу Қонун 11-моддасининг еттинчи қисмида назарда тутилган иш судда кўриб чиқилаётганлиги ҳақидаги ахборот»;

6) **19-модданинг биринчи қисми**:

қуйидаги мазмундаги **олтинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«тазйиқ ва зўравонликка учраганлиги муносабати билан судга мурожаат қилган хотин-қизлар билан боғлиқ бўлган, ушбу Қонун 11-моддасининг еттинчи қисмида назарда тутилган иш судда кўриб чиқилаётганлиги тўғрисидаги маълумотнома мавжуд бўлмаганда»;

олтинчи ва **еттинчи хатбошилари** тегишинча **еттинчи** ва **саккизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

QMMB: 03/26/1175/0921-son
12.09.2026-y.

8-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри,
2026 йил 11 сентябрь
№ ЎРҚ–1175

QMMB: 03/26/1176/0922-son
12.09.2026-y.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING
QONUNI

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2026 йил 24 февралда қабул қилинган
Сенат томонидан 2026 йил 13 июнда маъқулланган

Мамлакатимизда суд ҳокимияти мустақиллигини ва судьялар дахлсизлигини таъминлаш, одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қилаётган омилларни бартараф этиш, фуқароларнинг адолатли суд тизимига бўлган ишончини ошириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга судга ҳурматсизлик қилиш ҳолларининг олдини олишга қаратилган самарали механизмларни ишлаб чиқиш ва суд ишларини ҳал этишга аралашганлик учун жавобгарлик чораларини аниқлаштириш зарурияти юзага келмоқда.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига суд ишларини ҳал этишга аралашганлик учун жиноий жавобгарлик чораларини аниқлаштирувчи ўзгартириш, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига эса суд биносида тартибни бузиш тарзида судга ҳурматсизлик қилганлик учун маъмурий жавобгарлик чораларини белгиловчи қўшимча киритилмоқда.

Ушбу Қонун суднинг мустақиллигини ва судьялар дахлсизлигини таъминлашга, уларнинг фаолиятига ҳар қандай аралашувларнинг олдини олишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда,

QMMB: 03/26/1176/0922-son
12.09.2026-y.

№ 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, № 3, 217-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 966, 968, 973-моддалар, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 466-моддалар, № 6, 575-модда, № 10, 981-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 187, 188-моддалар, № 4, 265-модда, № 5, 319-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921-модда; 2024 йил, № 1, 8-модда, № 2, 111-модда, № 3, 245-модда, № 8, 818-модда, № 9, 954, 964-моддалар, № 10, 1070, 1071, 1077, 1079, 1083-моддалар, № 11, 1186-модда, № 12, 1280, 1287-моддалар; 2025 йил, № 2, 196-модда, № 3, 376, 377-моддалар, № 5, 643, 647-моддалар, № 8, 968-модда, № 9, 1084-модда, № 10, 1156-модда, № 11, 1236-модда; 2026 йил, № 1, 5-модда) **236-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тергов қилишга аралашиш, яъни муайян ишнинг ҳар томонлама, тўла ва холисона ўрганилишига тўсқинлик қилиш мақсадида суриштирувчига, терговчига ёки прокурорга турли шаклда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказиш, –

уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Суд ишларини ҳал этишга аралашиш, яъни муайян ишнинг ҳар томонлама, тўла ва холисона кўриб чиқилишига тўсқинлик қилиш ёхуд адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқарилишига эришиш мақсадида судьяга ёки халқ маслаҳатчисига турли шаклда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказиш, –

уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳаракатлар мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлса, –

муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

QMMB: 03/26/1176/0922-son
12.09.2026-y.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 319, 320-моддалар, № 7, 533, 534, 535, 537, 539-моддалар, № 8, 634-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921, 923, 924-моддалар, № 12, 1004-модда; 2024 йил, № 1, 5, 7, 8, 9-моддалар, № 2, 102, 111, 115, 116-моддалар, № 3, 243, 245-моддалар, № 6, 530, 532-моддалар, № 7, 629-модда, № 8, 826, 829, 831-моддалар, № 9, 954, 964, 965-моддалар, № 10, 1070, 1071, 1073, 1077,

QMMB: 03/26/1176/0922-son
12.09.2026-y.

1078, 1083, 1084-моддалар, № 11, 1187, 1188, 1189-моддалар, № 12, 1279, 1280, 1282, 1286, 1287-моддалар; 2025 йил, № 1, 5, 8-моддалар, № 2, 187, 188, 196, 198, 201-моддалар, № 3, 368, 376-моддалар, № 4, 517, 521-моддалар, № 5, 643, 644-моддалар, № 6, 729-модда, № 7, 828, 829, 832-моддалар, № 8, 968, 971-моддалар, № 11, 1233, 1236, 1237-моддалар, № 12, 1322, 1327, 1328, 1329-моддалар; 2026 йил, № 1, 2, 6-моддалар) **180-моддасининг диспозицияси** «суд мажлиси пайтида» деган сўзлардан кейин «ёки суд биносида» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри,
2026 йил 11 сентябрь
№ ЎРҚ–1176

QMMB: 03/26/1177/0923-son
12.09.2026-y.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING QONUNI

Суд ҳокимияти органлари фаолиятини молиялаштириш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2026 йил 17 мартда қабул қилинган
Сенат томонидан 2026 йил 13 июнда маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади суд ҳокимияти органлари фаолиятини молиялаштириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Суд ҳокимияти органлари фаолиятини молиялаштириш тўғрисидаги қонунчилик

Суд ҳокимияти органлари фаолиятини молиялаштириш тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимияти органлари фаолиятини молиялаштириш тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Суд ҳокимияти органлари фаолиятини молиялаштиришнинг асосий принциплари

Қонунийлик, очиқлик, шаффофлик, одил судловни таъминлаш учун молиявий ресурсларнинг етарлилиги, судлар фаолиятининг молиявий мустақиллиги суд ҳокимияти органлари (бундан буён матнда судлар деб юритилади) фаолиятини молиялаштиришнинг асосий принципларидир.

2-боб. Судлар фаолиятини молиялаштиришнинг манбаси, асоси ва ўзига хос хусусиятлари

4-модда. Судлар фаолиятини молиялаштириш манбаси ва асоси

Судлар фаолиятини молиялаштириш фақат Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан амалга оширилади.

Навбатдаги йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунида қуйидагиларнинг фаолиятини молиялаштириш учун маблағлар назарда тутилади:

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг;

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг;

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг.

Судлар фаолиятини молиялаштириш одил судловни тўлиқ ва мустақил амалга ошириш имкониятини таъминлаши керак.

5-модда. Судлар фаолиятини молиялаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари

Навбатдаги йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда судьяларнинг ва суд аппарати ходимларининг моддий таъминоти, шу жумладан судьяларнинг ва суд аппарати ходимларининг иш ҳақи, уларнинг меҳнати учун рағбатлантирувчи тўловлар, судлар фаолиятини моддий-техника ва молиявий жиҳатдан таъминлаш учун харажатлар ҳамда судьяларнинг ва улар оила аъзоларининг ижтимоий таъминоти инобатга олиниши керак.

Қонунчиликка мувофиқ судьяларга ва суд аппарати ходимларига пул мукофотлари ҳамда бир марталик моддий ёрдам учун маблағлар белгиланган тартибда ажратилади.

Судлар фаолиятини таъминлашга навбатдаги молия йили учун маблағлар, қоида тариқасида, ўтган молия йилида ажратилган маблағлардан кам бўлмаган миқдорда ажратилади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети даромадлари прогнозининг ижросидан келиб чиқиб судлар фаолиятини молиялаштириш харажатларини камайтириш мумкин эмас.

Судьяларнинг ва суд аппарати ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ҳамда уларни моддий рағбатлантириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

6-модда. Навбатдаги йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасини тайёрлашда ва келишишда судлар фаолиятини молиялаштириш тартиби

Навбатдаги йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасининг судлар фаолиятини молиялаштиришга оид қисми бўйича бюджет сўрови тегишинча Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти (бундан буён матнда Департамент деб юритилади) томонидан тайёрланади.

Ўзаро келишмовчиликлар мавжуд бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан навбатдаги йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасига Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ва Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг таклифлари илова қилинади.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан навбатдаги йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш чоғида ушбу лойиҳанинг судлар фаолиятини молиялаштиришга оид қисмида бошқа харажатлар қаторида одил судловни амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш, судьяларнинг ва суд аппарати ходимларининг моддий таъминоти, Департаментни моддий таъминлаш, судьяларнинг ва улар оила аъзоларининг ижтимоий таъминоти, судьяларни ҳимоя қилиш, судларни зарур ресурслар билан таъминлаш харажатлари ҳисобга олиниши керак.

7-модда. Навбатдаги йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасининг судлар фаолиятини молиялаштириш бўйича муҳокамасида судларнинг иштирок этиши

Навбатдаги йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталаридаги муҳокамаларида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг ва Департаментнинг вакиллари таклиф этилиши мумкин.

3-боб. Судлар фаолиятини молиялаштириш учун ажратилган маблағларни тақсимлаш ва тасарруф этиш

8-модда. Судлар фаолиятини молиялаштириш учун ажратилган маблағларни тақсимлаш тартиби

Судлар фаолиятини молиялаштириш учун ажратилган маблағларни тақсимлаш:

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди учун – Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди томонидан;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди учун – Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан;

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши учун – Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан;

ҳарбий судлар, Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари, жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судлари, туманлараро иқтисодий судлар, туманлараро маъмурий судлар учун – Департамент томонидан амалга оширилади.

Ажратилган маблағларни жорий молия йили учун тегишли даража ва йўналиш бўйича тақсимлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мажлисида, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленумида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг мажлисида тасдиқланади.

9-модда. Судлар фаолиятини молиялаштириш учун ажратилган маблағларни тасарруф этиш

Навбатдаги йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига биноан судлар фаолиятини молиялаштиришга тегишли молия йили учун ажратилган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ мустақил равишда тасарруф этилади.

4-боб. Якунловчи қоидалар

10-модда. Суд ҳокимияти органлари фаолиятини молиялаштириш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик

Суд ҳокимияти органлари фаолиятини молиялаштириш тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

11-modda. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш

1. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–360-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, 12-сонга 1-илова; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 10, 605-модда, № 12, 772-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 7, 431, 433-моддалар, № 12, 783-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 5, 265-модда, № 8, 470-модда, № 9, 588-модда, № 11, 791-модда, № 12, 884, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 203-модда, № 11, 652-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 7, 13-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 803, 804-моддалар, № 10, 973-модда, № 12, 1198-модда; 2022 йил, № 5, 464-модда, № 6, 577-модда; 2023 йил, № 4, 272-модда, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 9, 958-модда, № 10, 1080-модда, № 12, 1285, 1297-моддалар; 2025 йил, № 2, 201-модда, № 10, 1155-модда, № 12, 1324, 1327-моддалар) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) **95-модда**:

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Давлат бюджетининг лойиҳасида Давлат бюджети даромадлари прогнозидан келиб чиқиб судлар фаолиятини молиялаштириш харажатларини камайтириш мумкин эмас»;

учинчи, **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи**, **бешинчи** ва **олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

2) **127-модда**:

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Жорий молия йили учун мўлжалланган Давлат бюджети тақчиллигининг тасдиқланган чекланган миқдори ортган тақдирда, судлар фаолиятини молиялаштириш харажатларини қисқартиришга йўл қўйилмайди»;

учинчи, **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи**, **бешинчи** ва **олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида»**ги ЎРҚ–427-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 4, 135-модда; 2019 йил, № 9, 591-модда; 2020 йил, № 11, 652-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 9, 904-модда; 2024 йил, № 9, 964-модда; 2025 йил, № 6, 727-модда) **34-моддасига** қуйидаги ўзгартириш ва қўшимча киритилсин:

номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**34-модда. Кенгаш фаолиятини молиялаштириш**»;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Кенгаш фаолиятини молиялаштириш тартиби алоҳида қонун билан белгиланади».

3. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 27 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»**ги ЎРҚ–687-сонли Конституциявий Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 4, 292-модда; 2024 йил, № 2, 117-модда) **91-моддаси** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Конституциявий суднинг фаолиятини молиялаштириш тартиби алоҳида қонун билан белгиланади».

4. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 28 июлда қабул қилинган **«Судлар тўғрисида»**ги ЎРҚ–703-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 7, 663-модда; 2024 йил, № 2, 117-модда, № 8, 823-модда, № 9, 964-модда; 2025 йил, № 1, 8-модда, № 6, 727-модда, № 8, 969-модда, № 12, 1329-модда) **90-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**90-модда. Судлар фаолиятини молиялаштириш**

Судлар фаолиятини молиялаштириш тартиби алоҳида қонун билан белгиланади.

Ҳар бир суд алоҳида бино, қўриқлаш ва автотранспорт билан таъминланади».

12-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Конституциявий суди, Судьялар олий кенгаши ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

13-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

14-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **Ш. Мирзиёев**

Тошкент шаҳри,
2026 йил 11 сентябрь
№ ЎРҚ–1177



ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОН ВА ҚАРОРЛАРИ

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
FARMONI

2026 yil « 10 » сентябрь ПФ–188 -son

Тошкент халқаро молия маркази фаолиятини йўлга қўйиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Тошкент халқаро молия маркази тўғрисида”ги Конституциявий Қонуни 8-моддасига мувофиқ Тошкент халқаро молия маркази фаолиятига оид биринчи навбатдаги зарур чора-тадбирларни амалга оширишни ташкил этиш мақсадида **қарор қиламан**:

I. Тошкент халқаро молия марказининг органлари ва мансабдор шахслари фаолиятини йўлга қўйиш

1. Тошкент халқаро молия маркази (кейинги ўринларда – Молия маркази) бошқарувчиси учун давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг миллий даражадаги сиёсий гуруҳи учун белгиланган меҳнат шартлари ва имтиёзлар татбиқ этилсин, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар эса меҳнат шартномасида кўрсатилиши белгилансин.

2. Қуйидагилар Молия маркази бошқарувчисининг **асосий вазифалари этиб белгилансин**:

(а) Молия маркази фаолиятини бошлашга тайёрлаш учун зарур бўлган биринчи навбатдаги ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишни мувофиқлаштириш;

(б) Молия маркази маъмурияти ва Молиявий хизматлар бошқармаси низомлари, уларнинг ташкилий тузилмаси ва мансабдор шахслари номзодлари ҳамда Бош судья номзоди юзасидан таклифларни Молия маркази кенгашига киритиш;

(в) Молия маркази фаолиятини йўлга қўйиш бўйича давлат органлари томонидан амалга оширилиши лозим бўлган зарур чора-тадбирлар бажарилишини мувофиқлаштириш;

(г) Ўзбекистон Республикасининг "Тошкент халқаро молия маркази тўғрисида"ги Конституциявий Қонунида (кейинги ўринларда – Конституциявий Қонун) Молия маркази бошқарувчиси зиммасига юклатилган бошқа вазифаларни амалга ошириш.

3. Қуйидагилар:

(а) Тошкент халқаро молия маркази кенгаши тўғрисидаги низом **1-иловага** мувофиқ;

(б) Ўзбекистон Республикаси давлат органлари билан келишилган ҳолда қабул қилинадиган Тошкент халқаро молия маркази қарорлари рўйхати **2-иловага** мувофиқ;

(в) Тошкент халқаро молия маркази фаолиятининг дастлабки босқичида қабул қилиниши лозим бўлган марказ қарорлари рўйхати **3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

4. Молия маркази бошқарувчиси ушбу Фармон расмий эълон қилинган кундан эътиборан **икки ой ичида** Молия маркази кенгашининг биринчи мажлисини ташкил этсин.

5. Молия маркази маъмурияти:

(а) масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу Фармоннинг 2-иловасида белгиланган қарорлар **2026 йил 1 декабрга қадар** қабул қилинишини;

(б) ушбу Фармоннинг 3-иловасида белгиланган қарорларнинг ишлаб чиқилиши ва Молия маркази кенгашига киритилишини таъминласин.

6. Рақамли технологиялар вазирлиги Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **уч ой муддатда** Молия маркази органларини давлат ахборот тизимларига улаш, шунингдек, улар томонидан бериладиган электрон ҳужжатларни ахборот тизимларида қабул қилиш ва тан олиш тартибини белгиловчи идоравий ҳужжатларни қабул қилсин.

7. Ташқи ишлар вазирлиги Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати ҳамда Молия маркази маъмурияти билан биргаликда **уч ой муддатда** Молия маркази органлари ва иштирокчилари ходимлари, инвестициявий солиқ резидентлари ҳамда уларнинг оила аъзолари учун кириш визаларини расмийлаштириш, Ўзбекистон Республикасига кириш ва ундан чиқиш, шунингдек, соддалаштирилган миграция ҳисобини юритиш тартибини ўрнатишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

II. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

8. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсан жавобгар этиб Бош вазир ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоров ва Ж.A. Ходжаев ҳамда Марказий банк раиси Т.А. Ишметов белгилансин.

9. Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Раҳбари С.Ш. Мирзиёева зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 10 сентябрдаги ПФ–188-сон Фармонига
1-илова

Тошкент халқаро молия маркази кенгаши тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Тошкент халқаро молия маркази тўғрисида”ги Конституциявий Қонуни (кейинги ўринларда – Конституциявий Қонун) 25-моддасининг еттинчи қисмига мувофиқ, Тошкент халқаро молия маркази кенгашининг (кейинги ўринларда – Кенгаш) ҳуқуқий мақоми, таркиби, ваколатлари ва функцияларини, унинг аъзоларини лавозимга тайинлаш ва уларнинг ваколатларини тугатиш тартибини, мажлислар ўтказиш ва қарорлар қабул қилиш қоидаларини, шунингдек, унинг фаолиятини ташкилий, ахборот, таҳлилий ва бошқа жиҳатдан таъминлаш тартибини белгилайди.
2. Мазкур Низомда қўлланилган атамалар Конституциявий Қонунда белгиланган маъноларда қўлланилади.
3. Кенгаш ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Конституциявий Қонунга, мазкур Низомга ва Тошкент халқаро молия марказининг (кейинги ўринларда – Молия маркази) қарорларига, шунингдек, тўғридан-тўғри қўлланиладиган ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилади.
4. Кенгаш ва унинг аъзолари самарадорлик, шаффофлик, ҳалоллик, профессионаллик, ҳуқуқий аниқлик, тартибга солишни олдиндан кўра билиш, суд мустақиллиги принциплари асосида фаолият юритади.
5. Кенгашда иш юритиш инглиз тилида ташкил этилади, Кенгаш мажлислари заруратга кўра ўзбек тилига таржима қилган ҳолда ўтказилади. Кенгаш кўриб чиқиши учун киритиладиган ҳужжатлар, баённомалар, қарорлар, кўрсатмалар ва Кенгашнинг бошқа ҳужжатлари инглиз тилида расмийлаштирилади. Зарур ҳолларда Кенгаш ҳужжатларининг давлат тили ёки бошқа тиллардаги таржималари тайёрланиши мумкин.

2-боб. Кенгашнинг ҳуқуқий мақоми ва вазифаси

6. Кенгаш Молия марказининг олий бошқарув органи ҳисобланади. Кенгаш доимий фаолият юритувчи коллегиал орган бўлиб, камида беш нафар аъзодан иборат бўлади.

7. Кенгаш Молия марказининг умумий стратегияси, йўналиши ва бошқарувини белгилаш ҳамда Конституциявий Қонунда белгиланган Молия марказининг мақсадлари, вазифалари ва принциплари амалга оширилишини таъминлаш учун масъулдир.

8. Кенгаш ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни амалга оширишда мустақил фаолият юритади. Давлат органи, мансабдор шахс, Молия марказининг иштирокчиси ёки бошқа шахс Кенгаш фаолиятига аралашиши мумкин эмас, бундан Конституциявий Қонунда бевосита назарда тутилган ҳоллар мустасно.

9. Кенгаш ўз ваколатларини Молия марказининг бошқа органлари мустақиллиги ва лозим даражада фаолият юритишини таъминлаган ҳолда амалга оширади. Кенгашнинг ҳеч бир қарори, буйруғи, кўрсатмаси Молиявий хизматлар бошқармасининг лицензиялаш, тартибга солиш, назорат, текширув, ҳуқуқни қўллаш ва кундалик тартибга солиш фаолиятидаги операцион мустақиллигига ёки Тошкент халқаро тижорат судининг одил судловни амалга оширишдаги суд мустақиллигига зарар етказмаслиги керак.

10. Кенгаш индивидуал тартибда лицензиялаш, назорат, ҳуқуқни қўллаш, текширув ёки суд масалалари бўйича қарор қабул қилмайди, бундан Конституциявий Қонун, мазкур Низом ёки Молия марказининг қарори билан Кенгашга муайян ваколат бевосита берилган ҳоллар мустасно.

11. Ўзбекистон Республикаси Кенгашнинг қарзлари, мажбуриятлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги учун жавобгар бўлмайди, Кенгаш эса Молия марказининг иштирокчилари ёки бошқа ҳар қандай шахснинг қарзлари, мажбуриятлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги учун жавобгар бўлмайди, бундан қўлланиладиган қонунчиликда жавобгарлик бевосита назарда тутилган ҳоллар мустасно.

3-боб. Кенгашнинг функциялари ва ваколатлари

12. Кенгаш Молия марказини бошқариш, стратегик ривожлантириш, институционал жиҳатдан мустаҳкамлаш, самарали фаолият юритишини ва халқаро майдондаги мавқеини таъминлаш учун зарур умумий ваколатларга эга.

13. Кенгаш Молия марказини ривожлантиришнинг умумий йўналиши ва стратегиясини белгилайди, ўрта муддатли ва йиллик стратегик режаларни, асосий самарадорлик кўрсаткичларини, уларни амалга ошириш “йўл

харита”ларини ҳамда муайян секторлар, фаолият турлари, хизматлар, институтлар, ҳуқуқий режимлар ёки тартибга солиш асосларини ишга тушириш бўйича режа-жадвалларни тасдиқлайди.

14. Кенгаш Молия маркази ва Молия маркази органларининг йиллик бюджетларини, жамланма бюджетларини, аудиторлик хулосаларини, йиллик фаолият ҳисоботларини, аудитдан ўтказилган молиявий ҳисоботларини ва бошқа ҳисоботларини тасдиқлайди.

15. Агар тегишли ваколат Молия марказининг бошқа органига бевосита берилмаган бўлса, Кенгаш тегишли масала юзасидан Молия марказининг қарорларини қабул қилади.

16. Кенгаш Молия марказининг ҳуқуқий ва институционал асосларини, шу жумладан, Молия маркази қарорларини ишлаб чиқиш ва эълон қилиш, жамоатчилик муҳокамалари ўтказиш, тартибга солиш таъсирини баҳолаш тўғрисидаги қарорларни, Англия ва Уэльс ҳуқуқини қўллашга оид қарорларни, Молия маркази қарорларининг расмий реестри, иш юритув тилига оид қоидалар, бошқарув стандартлари ва умумий институционал мувофиқлаштириш масалаларига оид қарорларни тасдиқлайди ва уларнинг бажарилишини назорат қилади.

17. Кенгаш шахсларни Молия марказининг иштирокчилари деб эътироф этиш, юридик шахсларни таъсис этиш, рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, тартибга солинмайдиган ва қўшимча фаолият турларини ташкил этиш ва амалга ошириш, шунингдек, Молия маркази доирасида бизнесни рўйхатдан ўтказиш ва корпоратив бошқарувнинг умумий асосларига оид Молия марказининг қарорларини Молиявий хизматлар бошқармасининг тартибга солиш ваколатларига дахл қилмаган ҳолда қабул қилади, тасдиқлайди ёки мувофиқлаштиради.

18. Кенгаш Молия марказига бўйсунувчи ёки у билан боғлиқ тузилмалар, институтлар, қўмиталар, комиссиялар, ишчи гуруҳлар, ваколатхоналар ва бошқа органларни ташкил этади, уларнинг ташкилий шакли, ваколатлари, функциялари, ҳисобдорлиги ҳамда уларни қайта ташкил этиш ёки фаолиятини тугатиш тартибини белгилайди.

19. Кенгаш инвесторларни жалб этиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, Молия марказини тарғиб қилиш ва Молия маркази органлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида Молия марказининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида ваколатхоналарини ташкил этиши мумкин.

20. Кенгаш Молия марказининг бошқарув асосларини, Молия маркази маъмурияти тўғрисидаги низом, Молиявий хизматлар бошқармаси тўғрисидаги низом, шунингдек, бошқа органлар ёки институтларнинг ички ҳужжатларини тасдиқлайди.

21. Агар тегишли масалалар Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки бошқа орган ваколатига киритилмаган бўлса, Кенгаш Молия маркази органларининг юқори лавозимли мансабдор шахсларини лавозимга тайинлаш, уларга ҳақ тўлаш, лавозимидан озод этиш ва ҳисобдорлиги ҳақидаги қарорларни тасдиқлаши мумкин. Лавозимга тайинлаш ёки лавозимдан озод этиш бошқа орган ваколатига киритилган ҳолларда, Кенгаш номзодлар юзасидан тавсиялар бериши, фикр билдириши ёки улар учун касбий ва мустақиллик мезонларини белгилаши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Президент Администрацияси Раҳбари томонидан лавозимга тайинланган давлат фуқаролик хизматчилари Кенгаш аъзоси ёки Молия маркази органи раҳбари сифатида фаолият юритиш ҳуқуқи эга ҳисобланади.

22. Кенгаш Молия маркази бошқарувчисининг (кейинги ўринларда – Бошқарувчи) асослантирилган тавсиясига кўра Молиявий хизматлар бошқармаси кенгаши раиси ва аъзоларини тайинлаш, қайта тайинлаш, уларнинг фаолият шартларини белгилаш, ваколатларини тўхтатиб туриш ёки тугатиш бўйича қарорларни қабул қилади.

23. Кенгаш Молия марказида қўлланиладиган йиғимлар, тўловлар, жарималар, маъмурий санкциялар ва бошқа тўловларни тасдиқлайди ёки улар ваколатли Молия маркази органлари томонидан тасдиқланишини таъминлайди. Бунда Конституциявий Қонуннинг 28-моддасига мувофиқ Молиявий хизматлар бошқармасининг норма ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш ваколатларига дахл қилинмайди.

24. Кенгаш Молия марказининг махсус ҳуқуқий режими доирасида берилган солиқ, божхона, виза, меҳнатга оид ёки бошқа имтиёзларни камайтириши, чеклаши ёки уларга жиддий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган таклифларни кўриб чиқади ҳамда Кенгаш розилиги талаб этилган ҳолларда розилик бериши ёки розилик беришни рад этиши мумкин. Кенгаш Конституциявий Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ Молия маркази маъмурияти томонидан тақдим этиладиган солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференцияларини даврий қайта кўриб чиқиш ҳақидаги ҳисоботларни кўриб чиқади.

25. Кенгаш Тошкент халқаро тижорат судининг Бош судьяси лавозимига тайинлаш учун номзод юзасидан таклифни Ўзбекистон Республикаси Президентига киритади, Бош судья томонидан киритилган таклиф асосида Тошкент халқаро тижорат суди судьяларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва бошқа хизмат шартларини

қарор билан белгилайди, шунингдек, бундай ваколатлар Кенгашга берилган ҳолларда суд мустақиллигини сақлаган ҳолда бошқа юқори лавозимларга номзодларни кўрсатади ёки тавсия қилади. Бошқарувчи Кенгашга кўриб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Президентига таклиф этиш учун Тошкент халқаро тижорат судининг Бош судьяси лавозимига номзодларни тавсия қилади.

26. Кенгаш Молия марказини барқарор ривожлантириш, унинг органлари ва институтларини молиялаштириш, узоқ муддатли активларни харид қилиш, салоҳиятни ошириш, халқаро миқёсда тарғиб қилиш, рақамли трансформация ва Молия маркази мақсадларига мувофиқ бошқа мақсадлар учун жамғармалар, захиралар ёки бошқа молиявий механизмларни ташкил этиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлайди.

27. Кенгаш Молия маркази ва Молия маркази органларининг жамланма йиллик молиявий ҳисоботларини аудитдан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикасида ва халқаро миқёсда тан олинган касбий малакага эга бўлган бир ёки бир нечта мустақил аудиторни тайинлайди, уларни жалб қилиш шартларини белгилайди ва уларнинг ҳисоботларини кўриб чиқади.

28. Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси билан келишган ҳолда Молия маркази органлари фаолияти учун ажратилган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши устидан назорат тартибини белгилайди.

29. Кенгаш Молия марказининг етакчи халқаро молия маркази сифатида эътироф этилишини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг илғор, самарали, шаффоф ва ишончли халқаро молиявий юрисдикция сифатида тарғиб қилинишини рағбатлантиради.

30. Кенгаш Молия маркази органларига институционал мувофиқлаштириш, маъмуриятчилик, стратегик ва идоралараро ҳамкорлик масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи ва сиёсий кўрсатмалар бериши мумкин, бунда бундай кўрсатмалар индивидуал тартибга солиш, назорат, ҳуқуқни қўллаш ёки суд қарорларини қабул қилишга таъсир қилмайди.

31. Кенгаш Молия марказининг мақсадларига мувофиқ бўлган ҳамда Конституциявий Қонунга, мазкур Низомга ёки қўлланиладиган қонунчиликка зид бўлмаган бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

4-боб. Кенгаш таркиби

32. Кенгаш Раис ва Кенгашнинг бошқа аъзоларидан иборат бўлиб, аъзоларнинг умумий сони беш нафардан кам бўлмаслиги керак.

33. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига кўра Кенгаш раиси ҳисобланади.

34. Кенгаш аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

35. Кенгаш аъзоларининг камида учдан бири Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати тизимида илгари ёки ҳозирги пайтда ҳеч қандай лавозимни эгалламаган, халқаро молия, тижорат ҳуқуқи соҳасидаги мутахассислардан иборат бўлиши керак. Молия маркази кенгашининг раисидан ташқари Молия маркази кенгашининг аъзолари қайта тайинланиш ҳуқуқи билан беш йил муддатга тайинланади. Мазкур тартибда тайинланган Молия маркази кенгаши аъзосининг ваколатлари беш йиллик муддат тугагунига қадар фақат асослар мавжуд бўлганда Молия маркази кенгаши аъзолари кўпчилигининг ёзма қарори билан тугатилиши мумкин, бунда ушбу қарорнинг сабаблари Ўзбекистон Республикаси Президентига ёзма равишда тақдим этилади. Кенгаш аъзолигига номзодларни аниқлашда касбий обрў-эътибор, ҳалоллик, малака ҳамда халқаро молия, капитал бозорлари, молиявий тартибга солиш, банк иши, суғурта, рақамли активлар, финтех, тижорат ҳуқуқи, низоларни ҳал этиш, корпоратив бошқарув, давлат бошқаруви, инфратузилма, технологиялар ёки инвестицияларни тарғиб қилиш соҳасидаги тажриба инобатга олинади.

36. Кенгаш аъзолиги шахсан амалга ошириладиган лавозим ҳисобланади. Кенгаш аъзоси ўз аъзолигини, мажлисда иштирок этишини ёки овоз бериш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиши мумкин эмас.

5-боб. Кенгаш раиси ваколатлари

37. Раис Кенгашга умумий раҳбарлик қилади, мажлисларни чақиради ва уларга раислик қилади, кун тартибини тасдиқлайди, ўзи раислик қилган мажлисларнинг қарорларини имзолайди, Кенгашнинг стратегик йўналишини таъминлайди ҳамда раисга берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

38. Кенгаш мажлисида овозлар тенг бўлган тақдирда, раиснинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

39. Раис Кенгаш мажлисида иштирок этмаган тақдирда, мажлисга Бошқарувчи раислик қилади. Бошқарувчи раислик қилганда Кенгаш раисининг процессуал ваколатларини амалга оширади, бироқ овозлар тенг бўлган тақдирда ҳал қилувчи овозга эга бўлмайди ва бунда масала қабул қилинмаган деб ҳисобланади.

6-боб. Кенгашга аъзоликни тугатиш

40. Кенгаш аъзосини лавозимидан муддатидан олдин озод этиш учун асослар жумласига унинг мажбуриятларни жиддий бузиши, аъзоликни давом эттиришга мос келмайдиган хатти-ҳаракатлар содир этиши, қасддан ҳуқуққа хилоф ҳаракат

қилиши, қўпол эҳтиётсизликка йўл қўйиши, конфиденциаллик ёки манфаатлар тўқнашувига оид талабларни жиддий бузиши, жиноят содир этганлик учун судланганлик ҳақидаги ҳукмнинг қонуний кучга кириши, мустақил аъзо учун белгиланган мустақиллик мақомини йўқотиши, ўз функцияларини узоқ муддат давомида бажара олмаслиги ёки унинг Молия маркази манфаатларини кўзлаб фаолият юритишига жиддий тўсқинлик қиладиган бошқа ҳолатлар киради.

41. Кенгаш аъзосининг ваколатлари, агар аъзо қайта тайинланмаган бўлса, тайинлаш муддати тугаганда, раисга ёзма равишда истеъфо аризаси тақдим этилганда, асослар бўлганда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимдан озод этилганда, вафот этганда ёки қўлланиладиган қонунчиликда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз, бедарак йўқолган ёки вафот этган деб эълон қилинганда ҳам тугатилади.

42. Бошқарувчининг Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонига асосан лавозимидан озод этилиши, агар фармонда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, унинг Кенгаш аъзоси сифатидаги ваколатлари ҳам бир вақтнинг ўзида тугатилишига олиб келади.

43. Агар қолган аъзолар сони белгиланган энг кам миқдордан кам бўлмаса, Кенгашнинг айрим аъзолари ваколатларининг тугатилиши Кенгаш фаолиятини тўхтатишга олиб келмайди. Аъзолар сони беш нафардан камайганда, янги аъзоларни тайинлаш чоралари кечиктирилмасдан амалга оширилади.

44. Аъзолар сони беш нафардан камайган ҳолларда янги аъзолар тайинлангунга қадар Кенгаш муҳим аҳамиятга эга Молия маркази қарорларини қабул қилмайди, бундан Молия маркази манфаатлари, ишчанлик обрўси, фаолиятининг барқарорлиги, бозор яхлитлиги ёки ҳуқуқий аниқликни таъминлаш учун кечиктириб бўлмайдиган қарор қабул қилиш зарур бўлган ҳоллар мустасно.

7-боб. Молия марказининг бошқарувчиси – Бош котиб

45. Бошқарувчи Кенгашнинг Бош котиби сифатида фаолият юритадиган Кенгаш аъзоси ҳисобланади. Бошқарувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

46. Бошқарувчи Кенгаш мажлисларини тайёрлашни ташкил этади, кун тартиби лойиҳаларини шакллантиради, иш ҳужжатлари ўз вақтида юборилишини таъминлайди, раис қатнашмаган мажлисларга раислик қилади, Кенгаш қарорлари, буйруқлари ва кўрсатмалари ижросини мувофиқлаштиради ҳамда ижро бўйича Кенгашга ҳисобот беради.

47. Бошқарувчи Молия марказининг стратегияси, умумий сиёсатлари, режалари, ташкилий тузилмаси лойиҳаси ва ижро ҳисоботларини Кенгаш тасдиғига киритади, бундай ҳужжатлар бошқа ваколатли орган томонидан киритиладиган ҳоллар бундан мустасно.

48. Бошқарувчи Молия маркази органлари фаолиятини мувофиқлаштиришда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлат органлари билан Молия маркази органлари ўртасидаги ҳамкорликни ташкил этишда иштирок этади. Бошқарувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқаридаги давлат органлари, халқаро ташкилотлар, тартибга солувчи органлар, молия марказлари, инвесторлар, тараққиёт институтлари ва бошқа ташкилотлар билан муносабатларда Молия маркази номидан вакиллик қилади.

49. Бошқарувчи Молиявий хизматлар бошқармаси ижрочи директорини лавозимга тайинлаш, қайта тайинлаш, ваколатларини тўхтатиб туриш ёки лавозимдан озод этиш бўйича Молиявий хизматлар бошқармаси кенгашига асослантирилган тавсиялар киритади. Бошқарувчи Молиявий хизматлар бошқармаси кенгаши биринчи марта шакллангунга қадар ёки унинг мажлиси ўтказилгунга қадар Молиявий хизматлар бошқармаси ижрочи директорини 12 ойдан кўп бўлмаган муддатга лавозимга тайинлайди.

50. Бошқарувчи Молиявий хизматлар бошқармаси ижрочи директорининг ўринбосарларини лавозимига тайинлаш, қайта тайинлаш, ваколатларини тўхтатиб туриш ёки тугатиш юзасидан қарорлар қабул қилади.

51. Бошқарувчи Молия маркази маъмуриятининг ижрочи директорини лавозимга тайинлайди, қайта тайинлайди ва лавозимидан озод қилади.

52. Бошқарувчи зарур ҳолларда Молия маркази органлари билан келишган ҳолда, Молия маркази манфаатларидан келиб чиқиб, Кенгаш томонидан белгиланган ваколатлар доирасида учинчи шахслар билан шартномалар, битимлар ва ўзаро англашув меморандумларини тузишга ҳақли.

53. Бошқарувчи қўмиталар ва ишчи гуруҳлар тузиш, экспертлар ва мутахассисларни жалб этиш, Молия маркази органлари ҳамда тегишли давлат органларидан ахборот, мувофиқлаштириш ва маъмурий кўмак сўраш, шунингдек, Кенгашнинг тегишли қарорлари билан ўзига юклатилган бошқа вазифаларни бажаришга ҳақли.

54. Бошқарувчи ўз функцияларини бажариши учун зарур ташкилий, маслаҳат ва техник кўмакдан фойдаланади, бундай кўмак Молия маркази маъмурияти томонидан, тегишли ҳолларда эса Молия марказининг бошқа органлари томонидан кўрсатилади.

8-боб. Кенгаш аъзоларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва одоб-аҳлоқ қоидалари

55. Кенгаш аъзоси мажлисларда овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиш, кун тартибига масалалар киритишни таклиф қилиш, кўриб чиқиш учун тақдим этилган иш ҳужжатларини олиш, Молия марказининг органларидан қўшимча маълумот, тушунтиришлар ва эксперт баҳоларини сўраш, баённомада қайд этиладиган ёки унга илова қилинадиган алоҳида фикр билдириш ҳамда мазкур Низом ва Молия маркази қарорларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларни амалга ошириши мумкин.

56. Кенгаш аъзоси ўз вазифаларини виждонан, оқиллик, касбий маҳорат ва масъулият билан бажариши, фақат Молия маркази манфаатлари ва унинг мақсадларига эришишни кўзлаши, Кенгаш ишида шахсан (масофавий) ва мунтазам иштирок этиши, мажлисларга пухта тайёргарлик кўриши, Конституциявий Қонун, ушбу Низом, Молия маркази қарорлари ва қўлланиладиган одоб-ахлоқ кодекси талабларига риоя қилиши, конфиденциал ахборотни сақлаши ҳамда Молия марказининг ишчанлик обрўсига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан тийилиши шарт.

57. Кенгаш аъзоси манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслиги шарт. Аъзо тегишли масала кўриб чиқилишидан олдин Кенгаш кўриб чиқиши учун киритилган масала бўйича ўзининг ҳар қандай бевосита ёки билвосита шахсий, молиявий ёки касбий манфаати мавжудлиги ҳақида Кенгашга маълум қилиши шарт.

58. Манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлган Кенгаш аъзоси тегишли масалани муҳокама қилишда ва у бўйича овоз беришда иштирок этмайди. Бироқ Кенгаш ошкор этилган ҳолатни кўриб чиқиб, манфаатлар тўқнашувини аҳамиятсиз деб топса ёки у қарорнинг холис қабул қилинишига таъсир кўрсатмайди деб ҳисобласа, бундай аъзонинг муҳокама ва овоз беришда иштирок этишига рухсат бериши мумкин. Манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумот ва Кенгашнинг бу ҳақидаги қарори баённомада қайд этилади.

59. Кенгаш ўз аъзолари ва қўмиталари аъзолари, шунингдек, Молия маркази органлари ходимлари учун одоб-ахлоқ кодексини, шунингдек, манфаатлар тўқнашувини тартибга солувчи батафсил қоидаларни қабул қилади.

60. Кенгашнинг ҳар бир аъзоси конфиденциал деб белгиланган ёки ўз функцияларини бажариши муносабати билан унга ошкор этилган ёхуд у томонидан олинган барча ахборотни сир сақлаши шарт. Бундай ахборот учинчи шахсларга, шу жумладан, давлат органлари ва ижро этувчи ҳокимият органларига ошкор этилмайди, бундан ошкор қилиш қўлланиладиган қонунчилик билан рухсат этилган ёки талаб қилинган, Тошкент халқаро тижорат

судининг қарори билан белгиланган, маълумот тегишли бўлган шахснинг ёзма розилиги мавжуд бўлган ёки тасдиқланган ҳамкорлик механизмларига мувофиқ ваколатли маҳаллий ёки хорижий органлар билан ҳамкорлик қилиш мақсадида амалга ошириладиган ҳоллар ёхуд жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш, санкцияларга риоя этиш, молиявий барқарорлик, солиқ маъмуриятчилиги учун, жиноят ишлари бўйича тергов ёки бошқа оммавий-ҳуқуқий функцияларни амалга ошириш мақсадлари учун зарур бўлган ҳоллар мустасно.

61. Конфиденциаллик мажбурияти лавозим тугатилгандан кейин ҳам сақланиб қолади. Конфиденциалликни ҳар қандай бузиш тегишли жавобгарликка сабаб бўлади.

62. Кенгаш аъзолари ўз мажбуриятларини бажариш ва ваколатларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда виждонан содир этилган ҳар қандай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун учинчи шахслар олдида жавобгар бўлмайди. Бундай дахлсизлик қасддан қилинган ножўя хатти-ҳаракат ёки қўпол эҳтиётсизликка нисбатан қўлланилмайди, ушбу ҳоллар Тошкент халқаро тижорат суди томонидан Молия марказининг қарорларига мувофиқ кўриб чиқилади.

9-боб. Кенгаш мажлислари

63. Кенгаш ўз ваколатларини мажлисларда, мазкур Низомда рухсат этилган ҳолларда эса ёзма тартибда амалга оширади.

64. Кенгаш мажлислари заруратга кўра, бироқ йилига камида икки марта ўтказилади. Мажлислар раис томонидан ўз ташаббусига кўра, Бош котибнинг таклифига кўра, Кенгаш аъзоларининг камида учдан бир қисми ёзма талабига кўра ёки Кенгаш ваколатига кирадиган масала бўйича Молия маркази органининг асослантирилган талабига кўра чақирилади.

65. Мажлис ҳақидаги хабарнома, кун тартиби лойиҳаси ва иш ҳужжатлари билан бирга, қоида тариқасида, мажлис ўтказилишидан камида ўн календарь кун олдин аъзоларга юборилади. Шошилинч ҳолларда раис барча аъзолар хабардор қилиниши ва уларга иштирок этиш учун оқилона имконият берилиши шарти билан мажлисни қисқароқ муддатда чақириши мумкин.

66. Мажлис кун тартиби мажлис очилишида Кенгаш аъзоларининг таклифларини инобатга олган ҳолда мажлисга раислик қилувчи томонидан тасдиқланади. Юборилган кун тартиби лойиҳасига киритилмаган масалалар ҳозир бўлган аъзолар кўпчилигининг розилиги билан кўриб чиқилиши мумкин, Молия марказининг муҳим аҳамиятга эга қарорлари лойиҳалари бундан мустасно.

Шошилинч чора кўриш зарурати бўлган ҳоллардан ташқари муҳим аҳамиятга эга қарор лойиҳалари бўйича материаллар олдиндан юборилган бўлиши керак.

67. Кенгаш мажлисида Кенгаш аъзолари умумий сонининг кўпчилиги иштирок этса, мажлис ваколатли ҳисобланади. Аъзонинг уни эшитиш, эшитилиш ва овоз бериш имконини берадиган видеоконференцалоқа ёки бошқа реал вақт режимидаги алоқа орқали иштирок этиши мажлисда иштирок этиш деб эътироф этилади.

68. Кенгаш қарорлари мажлисда иштирок этаётган аъзолар овозларининг кўпчилиги билан қабул қилинади. Ҳар бир аъзо битта овозга эга бўлади. Агар Кенгаш яширин овоз бериш тўғрисида қарор қабул қилмаса, овоз бериш жараёни очиқ тарзда ўтказилади.

69. Мажлисда муҳокама қилишни талаб этмайдиган масалалар бўйича Кенгаш қарори ёзма тартибда қабул қилиниши мумкин. Молия марказининг муҳим аҳамиятга эга қарори ёзма тартибда фақат масаланинг шошилинчлиги бундай тартибни талаб этган ҳолларда ёки барча аъзолар ёзма тартибда қабул қилинишига рози бўлган ҳолларда қабул қилиниши мумкин.

70. Ёзма тартибда қарор лойиҳаси ва унга тегишли материаллар овоз бериш муддати кўрсатилган ҳолда барча аъзоларга юборилади, мазкур муддат, етарлича асослантирилган шошилинч ҳоллардан ташқари, беш иш кунидан кам бўлмаслиги керак. Ёзма тартибда қабул қилинган қарор, агар уни аъзолар умумий сонининг учдан икки қисми қўллаб-қувватлаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

71. Кенгашнинг ҳар бир мажлиси бўйича баённома юритилади. Баённомада мажлис жойи, санаси ва шакли, ҳозир бўлган аъзолар, таклиф этилган шахслар, кун тартиби масалалари, муҳокаманинг асосий жиҳатлари, қабул қилинган қарорлар, овоз бериш натижалари, алоҳида фикрлар ва берилган топшириқлар қайд этилади.

72. Баённома Бош котиб ёки Кенгаш томонидан белгиланган бошқа шахс томонидан, Кенгаш қарори эса раис ёки Бош котиб томонидан имзоланади.

73. Кенгаш ўз мажлисларига Молия маркази органлари, давлат органлари, тартибга солувчи органлар, судлар, халқаро ташкилотлар вакиллари, инвесторлар, экспертлар ва муайян масалани кўриб чиқиш учун иштироки зарур ёки мақсадга мувофиқ бўлган бошқа шахсларни таклиф қилиши мумкин. Таклиф этилган шахслар конфиденциаллик талабларига риоя этиши шарт.

74. Кенгаш қабул қилган қарорлар ҳақидаги ахборот Молия марказига нисбатан қўлланиладиган эълон қилиш мажбурияти ва шаффофлик талабларига мувофиқ оммага маълум қилинади.

10-боб. Кенгаш қарорлари ва ҳужжатлари

75. Кенгаш қарорлар, кўрсатмалар, буйруқлар, низомлар, қоидалар, кодекслар, сиёсатлар ва бошқа мажбурий ҳужжатлар шаклида Молия марказининг қарорларини, шунингдек, норматив хусусиятга эга бўлмаган қарорлар, тавсиялар ва ички ташкилий ҳужжатларни қабул қилади.

76. Молия марказининг қарорларини ишлаб чиқиш, ваколатли органлар билан келишиш, рўйхатдан ўтказиш, кучга киритиш, эълон қилиш, ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби Молия маркази маъмурияти томонидан таклиф этиладиган ва Кенгаш томонидан тасдиқланадиган махсус Молия маркази қарорлари билан белгиланади, бундан Молиявий хизматлар бошқармаси томонидан ўз махсус ваколати доирасида чиқариладиган Молия марказининг қарорлари ҳамда Конституциявий Қонуннинг 29-моддасига мувофиқ Тошкент халқаро тижорат судининг Бош судьяси томонидан чиқариладиган қоидалар, кўрсатмалар ва йўриқномалар мустасно бўлиб, улар Кенгаш тасдиғисиз кучга киради.

77. Молия марказининг муҳим аҳамиятга эга қарори қабул қилинишидан олдин Кенгаш жамоатчилик муҳокамаси ўтказилиши, шунингдек, тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича ҳисобот тайёрланиши ва эълон қилинишини таъминлайди. Белгиланган тартибга мувофиқ бундай муҳокама ёки баҳолашни ўтказиш талаб этилмаган ҳоллар, шунингдек, шошилинчлик ёки ўтиш даври механизмлари туфайли бошқача тартиб белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

78. Кенгаш томонидан қабул қилинган Молия марказининг қарорлари расмий реестрда инглиз тилида эълон қилинади. Кенгашнинг расмий реестрда инглиз тилида эълон қилинмаган ҳужжати ҳуқуқий кучга ва юридик таъсирга эга бўлмайди ҳамда Молия марказининг шахслари учун мажбурий ҳисобланмайди.

79. Кенгаш қарори, агар унда кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса, расмий реестрда эълон қилинган санада кучга киради.

80. Кенгаш томонидан ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлар, буйруқлар ва кўрсатмалар улар йўналтирилган Молия маркази органлари ва Молия марказининг шахслари учун мажбурийдир. Кенгаш ҳужжатлари Конституциявий Қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Тошкент халқаро тижорат суди томонидан қайта кўриб чиқилиши мумкин.

11-боб. Иштирокчиларнинг маслаҳат қўмитаси ва бошқа қўмиталар

81. Кенгаш Молия марказининг иштирокчилари, ҳуқуқ ва молия соҳасидаги мустақил экспертлар ҳамда Кенгаш муносиб деб ҳисоблайдиган бошқа шахслардан иборат Иштирокчиларнинг маслаҳат қўмитасини ташкил этади.

82. Иштирокчиларнинг маслаҳат қўмитаси Молия марказининг муҳим аҳамиятга эга қарорларининг лойиҳалари қабул қилинишидан олдин улар бўйича мажбурий бўлмаган маслаҳат-хулосалар беради. Қўмитанинг таркиби, ваколат муддати, иш тартиби ва унинг фаолиятини таъминлаш тартиби Кенгаш қарори билан белгиланади.

83. Кенгаш Иштирокчиларнинг маслаҳат қўмитаси тавсияларини лозим даражада кўриб чиқади. Кенгаш бундай тавсиялардан жиддий равишда четга чиққан тақдирда, четга чиқиш сабабларини эълон қилади.

84. Кенгаш ўз аъзолари орасидан ёки ташқи экспертларни жалб қилган ҳолда доимий ёки вақтинчалик (ad hoc) қўмиталар, комиссиялар ва ишчи гуруҳларни ташкил этиши мумкин.

85. Кенгаш ўз қўмиталари, комиссиялари ва ишчи гуруҳларининг таркиби, ваколатлари, ҳисобдорлик ва иш тартибини белгилайди. Кенгаш томонидан қўмиталарга муайян ваколатлар бевосита берилмаган ҳолларда, улар маслаҳат берувчи ҳамда масалаларни Кенгаш муҳокамасига тайёрловчи тузилмалар сифатида фаолият юритади.

86. Кенгаш ўз қўмиталари, Иштирокчиларнинг маслаҳат қўмитаси ва Кенгаш томонидан ташкил этилган ҳар қандай бўйсунувчи тузилмалар ёки институтлардан даврий ҳисоботларни сўраши мумкин.

12-боб. Молия маркази органлари ва давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик

87. Молия марказининг органлари Конституциявий Қонунга, Молия марказининг қарорларига ҳамда Кенгашнинг мувофиқлаштирувчи ёки сиёсий кўрсатмаларига мувофиқ ўзаро ҳамкорлик қилади, бунда бундай ҳамкорлик Молиявий хизматлар бошқармаси ёки Тошкент халқаро тижорат судининг функционал мустақиллигига дахл қилмаган ҳолда амалга оширилади.

88. Кенгаш Молия марказининг мақсадларига эришиш, шунингдек, Молия маркази органларига берилган ваколатлар, вазифалар ва функцияларни самарали амалга ошириш мақсадида вазирликлар, идоралар, назорат қилувчи ва тартибга солувчи органлар, судлар, давлат ҳокимияти органлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа ваколатли органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

89. Кенгаш Молия марказининг самарали фаолият юритиши учун зарур бўлган ҳамкорлик, ахборот алмашиш, тартибга солиш масалаларини мувофиқлаштириш, техник ёрдам, маъмурий кўмак, судлар билан ҳамкорлик ва ўзаро муносабатларнинг бошқа шаклларини тартибга солувчи асосий қоидаларни белгилаши мумкин.

90. Кенгаш ўз ваколатларини амалга ошириши учун зарур бўлган ахборот, мувофиқлаштириш ва маъмурий кўмакни, конфиденциаллик талабларига риоя этган ҳолда, тегишли органлардан сўраши мумкин.

91. Кенгаш Молия маркази ва унинг органларининг халқаро ҳамда идоралараро ҳамкорлигига оид умумий устувор йўналишлар, минимал талаблар, келишиш ва тасдиқлаш тартиблари, шунингдек, ҳисобот бериш талабларини белгилаши мумкин.

13-боб. Бюджет, аудит, ҳисобот ва шаффофлик

92. Кенгаш Молия маркази органларининг жамланма йиллик бюджетини ва жамланма йиллик молиявий ҳисоботларини кўриб чиқади, тасдиқлайди ва тақдим этади, шунингдек, Молия марказининг йиллик бюджетлари, аудиторлик хулосалари ва фаолият ҳисоботларини тасдиқлайди.

93. Кенгаш тасдиқланган бюджетлар ижросини назорат қилади, бюджет ижросини, белгиланган тартибда ресурсларни қайта тақсимлаш бўйича таклифларни кўриб чиқади ҳамда молиявий ресурслар самарали, шаффоф ва Молия марказининг мақсадларига мувофиқ йўналишларда фойдаланилишини таъминлайди.

94. Кенгаш мустақил аудиторларни тайинлайди, уларни жалб этиш шартларини белгилайди, аудиторларнинг зарур ҳисоб ҳужжатлари, маълумотлар ва бошқа ҳужжатлардан фойдаланишини таъминлайди, аудит натижаларини кўриб чиқади ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан масъул шахсларга тегишли топшириқлар беради.

95. Кенгаш ҳар бир молиявий йил тугаганидан кейин тўрт ой ичида йиллик шаффофлик ҳисоботлари ва Молия марказининг жамланма йиллик молиявий ҳисоботи расмий реестрда ва тегишли расмий веб-сайтларда инглиз тилида бепул оммавий фойдаланиш учун эълон қилинишини таъминлайди.

14-боб. Кенгаш фаолиятини таъминлаш

96. Кенгаш фаолиятини ташкилий, таҳлилий, ҳуқуқий, ахборот, логистика, молиявий ва ҳужжатлар билан таъминлаш Конституциявий Қонун, Молия марказининг қарорлари ва Кенгаш қарорларига мувофиқ Молия маркази маъмурияти томонидан амалга оширилади.

97. Кенгаш аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қоплаб берилади. Кенгаш аъзоларига уларга юклатилган вазифаларни бажарганлиги учун Бошқарувчи ва Кенгаш аъзоси ўртасида тузиладиган келишувга мувофиқ ҳақ тўланиши мумкин.

98. Молия маркази маъмурияти таркибида Кенгаш котибияти ташкил этилиши мумкин. Котибият мажлис ҳужжатларини тайёрлайди, ёзувларни юритади,

қарорлар ижросини мониторинг қилади, ҳужжатлар айланишини ташкил этади, қўмиталар фаолиятини қўллаб-қувватлайди ҳамда Кенгаш ҳужжатларини эълон қилиш ва архивлашни таъминлайди.

99. Молия марказининг органлари, тегишли қарорларда назарда тутилган ҳолларда эса Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари ва ташкилотлари, қўлланиладиган конфиденциаллик мажбуриятларига риоя этган ҳолда, Кенгашга ўз ваколатларини амалга ошириш учун зарур ахборот, мувофиқлаштириш ва маъмурий кўмакни тақдим этади.

100. Кенгаш ҳужжатлар билан ишлаш, архивлар, ахборот хавфсизлиги, киберхавфсизлик, оммавий коммуникациялар, расмий муҳрлар ва бланклардан фойдаланиш, қарорларни эълон қилиш, ахборотдан фойдаланиш ва конфиденциал ахборотни ҳимоя қилиш бўйича ички қоидаларни тасдиқлаши мумкин.

15-боб. Якуний қоидалар

101. Мазкур Низомнинг бирор-бир қоидаси Конституциявий Қонунга зид бўлган тақдирда, Конституциявий Қонун қоидалари қўлланилади. Бунда мазкур Низом Конституциявий Қонунга зид бўлмаган қисмида амал қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 10 сентябрдаги ПФ–188-сон Фармонига
2-илова

Ўзбекистон Республикаси давлат органлари билан келишилган ҳолда қабул қилинадиган Тошкент халқаро молия маркази қарорлари РЎЙХАТИ

Т/р	Биргаликда қабул қилинадиган қарорлар	Асосий мазмуни	Ўзбекистон Республикасининг масъул давлат органлари	Конституциявий Қонуннинг тегишли моддаси
1.	Фаолиятни Молия маркази ҳудудига тааллуқли деб эътироф этиш тартиби тўғрисидаги қарор	Фаолиятнинг Молия маркази ҳудудига ёки Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳудудларига тааллуқлилигини аниқлаш мезонлари ва тартиб-таомиллари.	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Адлия вазирлиги	5-модда
2.	Ўзбекистон солиқ резидентларига молиявий хизматлар кўрсатиш тартиби тўғрисидаги қарор	Молия маркази иштирокчилари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, бироқ Молия маркази ҳудудидан ташқарида жойлашган шахсларга молиявий хизматлар кўрсатиш шартларини белгиловчи тартиб.	Марказий банк, Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги	5-модда
3.	Молия маркази ва Марказий банкнинг ҳисобот, ахборот алмашиш ва валюта назорати тўғрисидаги қарори	Соддалаштирилган ҳисобот, ахборот алмашиш ва назорат механизмлари; валюта операциялари бўйича ҳисобот; Молия маркази органлари ва Марказий банк ўртасида ахборот алмашиш; капитални эркин репатриация қилиш ва валютани эркин конвертация қилиш принциплари.	Марказий банк	17-модда
4.	Молия марказининг инвестициявий солиқ резидентлиги дастури тўғрисидаги қарор	Дастур қоидалари, инвестицияларнинг малакали шакллари, ҳажмлари ва воситалари, эътироф этиш мезонлари ва иштирок этиш тартиб-таомиллари; ҳалолликка оид маълумотларни ошкор этиш ва солиқ резидентлигига оид тартиблар.	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Солиқ қўмитаси	13 ва 18-моддалар

Т/р	Биргаликда қабул қилинадиган қарорлар	Асосий мазмуни	Ўзбекистон Республикасининг масъул давлат органлари	Конституциявий Қонуннинг тегишли моддаси
5.	Молия марказининг солиқ имтиёзлари, малакали иштирокчи талаблари ва даромадларни алоҳида ҳисобга олиш тўғрисидаги қарори	Солиқ имтиёзлари шартлари, Молия марказининг малакали иштирокчиларига қўйиладиган қўшимча талаблар, иқтисодий моҳият ва унга боғлиқ шартлар; солиқдан озод қилинган даромадлар, солиқ солинадиган даромадлар ва чегириладиган харажатларни алоҳида ҳисобга олиш; листингдаги қимматли қоғозлар ва солиқ резидентлигига оид шартлар.	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Солиқ қўмитаси	18-модда
6.	Молия марказида солиқ тизими ва маъмуриятчилиги тўғрисидаги қарор	Молия марказида солиқ тизими ва солиқ маъмуриятчилиги.	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Солиқ қўмитаси	18-модда 19-модда
7.	Молия марказида божхона маъмуриятчилиги тўғрисидаги қарор	Молия марказида фойдаланиладиган ёки истеъмол қилинадиган товарларга нисбатан божхона маъмуриятчилиги.	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Божхона қўмитаси	18-модда
8.	Хорижий ишчи кучини жалб қилиш, ахборот алмашиши ва миграция ҳисоботи тартиби тўғрисидаги қарор	Молия маркази иштирокчилари ва органларига чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни ишга қабул қилиш, малака талаблари, квоталар ва ахборот алмашиш тартиби.	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Адлия вазирлиги	21-модда
9.	Давлат бюджети маблағларидан самарали фойдаланиш устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги қарор	Молия маркази органларига ажратилган Давлат бюджети маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш устидан назорат қилиш тартиб-таомиллари.	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ҳисоб палатаси	22-модда

Т/р	Биргаликда қабул қилинадиган қарорлар	Асосий мазмуни	Ўзбекистон Республикасининг масъул давлат органлари	Конституциявий Қонуннинг тегишли моддаси
10.	Консолидациялашган назорат ва пруденциал чоралар бўйича ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисидаги қарор	Молия маркази иштирокчисининг Молия маркази ҳудудида ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳудудларида тартибга солинадиган ташкилотлари ёки филиаллари мавжуд бўлган ҳолларда Молиявий хизматлар бошқармаси ва Марказий банк ўртасида консолидациялашган назорат, ахборот алмашиш ва пруденциал чоралар бўйича ҳамкорлик.	Марказий банк	17 ва 28-моддалар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 10 сентябрдаги ПФ–188-сон Фармонига
3-илова

Тошкент халқаро молия маркази фаолиятининг дастлабки босқичида қабул қилиниши лозим бўлган марказ қарорлари РЎЙХАТИ

Т/р	Молия маркази қарори	Асосий мазмуни
1.	Англия ва Уэльс ҳуқуқини қўллаш тўғрисидаги қарор	Молия марказида Англия ва Уэльс умумий ҳуқуқини, шу жумладан адолат ҳуқуқи қоидалари ва принципларини қўллаш, шунингдек, Англиянинг муайян қонун ҳужжатлари рўйхати ва Молия марказининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқадиган ўзгартиришлар.
2.	Молиявий хизматлар ва бозорлар тўғрисидаги қарор	Молиявий хизматлар ва бозорларнинг асосий ҳуқуқий асослари, шу жумладан авторизация, лицензиялаш, назорат, тартибга солиш ваколатлари, эътироф этилган ташкилотлар, бозор инфратузилмаси, қимматли қоғозларни таклиф этиш ва листинг, жамоавий инвестиция фондлари, бозорда суиистеъмол қилиш, ҳуқуқни қўллаш ҳамда молиявий хизматларга оид ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўтказиш.
3.	Компаниялар тўғрисидаги қарор	Компаниялар ва Молия марказининг бошқа иштирокчиларини ташкил этиш, таъсис этиш, рўйхатдан ўтказиш, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, корпоратив бошқаруви, ҳисоблари, аудити, ҳужжатларни тақдим этиши, корпоратив маъмуриятчилиги ва тугатилиши.
4.	Банкротлик ва реструктуризация тўғрисидаги қарор	Банкротлик, тўловга қобилиятсизлик, маъмурий бошқарув, ташқи бошқарув, реструктуризация, кредиторлар билан келишувлар, тугатиш ва ликвидация, тўловга қобилиятсизлик бўйича мутахассислар ҳамда трансчегаравий тўловга қобилиятсизлик.
5.	Кўчмас мулк ва ижара муносабатлари тўғрисидаги қарор	Молия маркази ҳудудида рўйхатдан ўтказилган кўчмас мулк ва биноларга эгалик қилиш, ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш ва уларни бошқа шахсга ўтказиш, ижара, ипотека ва кўчмас мулк билан боғлиқ бошқа битимлар.
6.	Меҳнат муносабатлари тўғрисидаги қарор	Меҳнат муносабатлари, меҳнат шартномалари, ходимларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ходимларни бириктириш, иш жойида ҳимоя чоралари, меҳнат муносабатларини тугатиш, ҳуқуқий ҳимоя воситалари ва тегишли меҳнат стандартлари.

Т/р	Молия маркази қарори	Асосий мазмуни
7.	Маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қарор	Шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш ва қайта ишлаш, маълумотлар субъектларининг ҳуқуқлари, маълумотлар контролёрлари ва қайта ишловчиларнинг мажбуриятлари, маълумотларни халқаро узатиш, назорат, ҳуқуқни қўллаш ва конфиденциаллик талаблари.
8.	Инвестиция фондлари тўғрисидаги қарор	Жамоавий инвестиция фондларини ташкил этиш, рўйхатдан ўтказиш, бошқариш, корпоратив бошқарув, активларни сақлаш, фаолият юритиш ва маркетинг, шу жумладан инвесторларни ҳимоя қилиш ҳамда зарур ҳолларда фондларни паспортлаш тартиблари.
9.	Профессионал хизматлар тўғрисидаги қарор	Молия марказида профессионал хизматларни тартибга солиш, шу жумладан юридик, бухгалтерия, аудит, солиқ, корпоратив ва бошқа профессионал хизмат кўрсатувчилар учун тегишли малака, хулқ-атвор, бошқарув ва талабларга риоя этиш шартлари.
10.	Банк фаолиятини тиклаш ва санация қилиш тўғрисидаги қарор	Тиклаш ва санация қилиш, интервенция, барқарорлаштириш ва санация ваколатлари, ҳимоя чоралари, санацияни молиялаштириш ҳамда муаммоли банклар ва тегишли доирага кирувчи бошқа молиявий институтларга нисбатан чоралар кўриш.
11.	Маъмурий масалалар тўғрисидаги қарор	Молия марказининг тижорат қонунчилиги доирасида қўлланиладиган маъмурий текширувлар, ахборот тўплаш, ҳуқуқбузарликлар, санкциялар, жарималар, ҳуқуқни қўллаш тартиб-таомиллари, процессуал адолат, келишувга эришиш ваколатлари ва бошқа маъмурий чоралар.
12.	Бенефициар мулкдорлик ва назорат тўғрисидаги қарор	Бенефициар мулкдорлар ва назорат қилувчи шахсларни идентификация қилиш, текшириш, ҳисобга олиш ва улар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш, мулкдорлар ва назорат қилувчи шахслар реестрлари, хабар бериш, шаффофлик мажбуриятлари ва тегишли талабларга риоя этиш.
13.	Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қарор	Молия марказида чакана товарлар ва хизматларни тақдим этишнинг минимал стандартлари, шу жумладан ҳалол муомала, нарх белгилаш ва ахборотни ошкор қилиш, қайтариш ва ҳуқуқий ҳимоя воситалари, шикоятлар, тақиқланган амалиётлар ва тартибга солувчи орган томонидан ҳуқуқни қўллаш.
14.	Масъулияти чекланган шерикликлар тўғрисидаги қарор	Масъулияти чекланган шерикликларни ташкил этиш, рўйхатдан ўтказиш, ҳуқуқий мақоми, аъзолик, бошқарув, корпоратив маъмуриятчилиги, ҳисоблар, ҳужжатларни тақдим этиш, тугатиш ва ликвидация қилиш.

Т/р	Молия маркази қарори	Асосий мазмуни
15.	Корпоратив назоратни ўзгартириш (Takeover) тўғрисидаги қарор	Молия марказининг тегишли компаниялари устидан назоратни қўлга киритиш ёки бундай назоратни бирлаштиришга қаратилган таклифлар, қўшиб юбориш (олиш) ва бошқа битимларни тартибга солиш; ахборотни ошкор қилиш, тенг муносабатда бўлиш ҳамда бундай битимлар устидан махсус назоратни амалга ошириш тартиби.
16.	Трастлар тўғрисидаги қарор	Молия маркази ҳуқуқи билан тартибга солинадиган ёки Молия марказида бошқариладиган трастларга оид махсус қоидалар, шу жумладан ишончли бошқарувчилар, ҳимоячилар, сақлаб қолинган ваколатлар, ҳуқуқни танлаш, ҳуқуқни қўллаш ҳамда Англия траст ҳуқуқи ва адолат ҳуқуқи принциплари билан ўзаро муносабат.
17.	Молиявий ҳисоблар бўйича ахборотни автоматик алмашиш ягона стандарти (CRS) тўғрисидаги қарор	Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Молиявий ҳисоблар бўйича ахборотни автоматик алмашиш ягона стандартини (CRS) жорий этиш, шу жумладан молиявий ҳисобварақлар бўйича лозим даражада текшириш, идентификация қилиш, ҳисобот бериш, ҳисоб ва ҳужжатларни сақлаш, талабларга риоя этиш ва ахборот алмашиш талаблари.
18.	Хорижий ҳисобварақлар бўйича солиққа риоя этиш талаблари (FATCA) тўғрисидаги қарор	FATCA доирасида тегишли молиявий институтлар ва ҳисобварақларга нисбатан лозим даражада текшириш, ҳисобот бериш, ҳисоб ва ҳужжатларни сақлаш ҳамда талабларга риоя этиш мажбуриятларини жорий этиш.
19.	Тижорат лицензиялари тўғрисидаги қарор	Молия марказида тижорат фаолияти ва юридик шахсларни лицензиялаш ва рўйхатдан ўтказиш, шу жумладан лицензия тоифалари, шартлар, муддатини узайтириш, ўзгартириш, амал қилишини тўхтатиб туриш ва бекор қилиш, назорат қилинадиган фаолият турлари ва филиалларни рўйхатдан ўтказиш.
20.	Тижорат рухсатномалари тўғрисидаги қарор	Вақтинчалик ва муайян фаолият турига оид тижорат рухсатномалари, талабларга мувофиқлик, ариза бериш ва тасдиқлаш тартиб-таомиллари, шартлар, амал қилиш муддати, узайтириш, тўхтатиб туриш, бекор қилиш ва талабларга риоя этиш.
21.	Шарҳлаш тўғрисидаги қарор	Таърифлар, талқин қилиш қоидалари, умумий принциплар, муддатларни ҳисоблаш, қонунчиликка ҳаволалар, Молия марказининг қуйи даражадаги қарорларини қабул қилиш ваколатлари ҳамда Молия марказининг ҳуқуқий асосларига умумий татбиқ этиладиган бошқа қоидалар.
22.	Электрон битимлар тўғрисидаги қарор	Электрон имзолар, электрон шартномалар, электрон ёзувлар ва ҳужжатлар, электрон коммуникациялар ҳамда технологияларга асосланган бошқа битимлар ва ҳужжатларни тақдим этишнинг юридик тан олиниши ва ижро этилиши.

Т/р	Молия маркази қарори	Асосий мазмуни
23.	Фондлар тўғрисидаги қарор	Фондларни ташкил этиш, рўйхатдан ўтказиш, бошқарув, маъмурий юритиш, фаолиятни давом эттириш, миграция ва тугатиш, шу жумладан муассислар, кенгашлар, васийлар, бенефициарлар ҳамда оилавий бойликни бошқариш ёки ворисликни режалаштириш тузилмалари.
24.	Молия марказида солиқ ва божхона тўғрисидаги қарор	Молия маркази ҳудудида қўлланиладиган солиқ ва божхона қоидалари, шу жумладан Молия маркази органлари ва иштирокчиларига солиқ солиш, солиқ маъмуриятчилиги, товарлар ва хизматларга нисбатан божхона тартиби, имтиёзлар ва преференциялар, ҳисобот бериш ва талабларга риоя этиш мажбуриятлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ваколатли солиқ ва божхона органлари билан мувофиқлаштириш.
25.	Тошкент халқаро тижорат суди тўғрисидаги қарор	Тошкент халқаро тижорат судини ташкил этиш, унинг таркиби ва юрисдикцияси; суд тизими, судьяларни тайинлаш ва интизоми; одил судловни амалга ошириш; фуқаролик ишлари бўйича далиллар; суд харажатлари ва зарарни қоплаш; суд қарорлари ва ажримлари; суд қарорлари ва қарзларни ижро этиш.
26.	Молия маркази қарорларини қабул қилиш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қарор	Молия маркази қарорларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш, қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш, эълон қилиш, кучга киритиш, ўзгартириш ва бекор қилиш; расмий реестрни юритиш; жамоатчилик муҳокамаси; тартибга солиш таъсирини баҳолаш ва қарорлар қабул қилиш жараёнига оид бошқа талаблар.
	Қоидалар	
27.	Бозорлар ва қимматли қоғозлар тўғрисидаги қоидалар	Қимматли қоғозлар ва молиявий воситаларни таклиф этиш, чиқариш, проспектлар, листинг, савдога қўйиш ва савдо қилиш, шунингдек биржа, клиринг, ҳисоб-китоб ва бошқа бозор инфратузилмаси талаблари.
28.	Бозор тўғрисидаги қоидалар	Бозордаги хулқ-атворга оид талаблар, шу жумладан бозорда суиистеъмол қилиш, инсайдерлик, манипуляция, чалғитувчи хатти-ҳаракатлар, ахборотни ошкор қилиш мажбуриятлари ҳамда тартибли ва шаффоф бозорлар стандартлари.
29.	Бизнесни юритиш тўғрисидаги қоидалар	Мижозларни таснифлаш, мувофиқлик ва мақбуллик, ахборотни ошкор қилиш, молиявий тарғибот, манфаатлар тўқнашуви, мижоз активлари, шикоятлар, инвесторларни ҳимоя қилиш ва тартибга солинадиган фирмалар учун бизнесни юритишнинг бошқа стандартлари.

Т/р	Молия маркази қарори	Асосий мазмуни
30.	Виртуал активлар ва рақамли қимматли қоғозлар тўғрисидаги қоидалар	Молиявий хизматлар доирасида виртуал активлар ва рақамли қимматли қоғозларни тартибга солиш, шу жумладан таърифлар, уларни чиқариш, сақлаш, савдо, биржа фаолияти, брокерлик, бозор инфратузилмаси, тегишли деривативлар ва технологик хатарлар.
31.	Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни ва оммавий қирғин қуролларини молиялаштиришга қарши курашиш ва санкциялар тўғрисидаги қоидалар	Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролларини молиялаштиришга қарши курашиш ҳамда санкцияларга риоя қилиш, шу жумладан мижозларни лозим даражада текшириш, бенефициар мулкдорликни текшириш, маблағлар ва бойлик манбаини назорат қилиш, операцияларни мониторинг қилиш, шубҳали фаолият тўғрисида хабар бериш ва ҳисобларни сақлаш.

Изоҳ: *Мазкур жадвалда келтирилган қарорлар Молия маркази фаолиятини дастлабки босқичда йўлга қўйиш учун зарур бўлган Молия маркази қарорлари ҳисобланади ҳамда улар бирлаштирилган ҳолда қабул қилиниши мумкин. Молия маркази органлари ўз ваколатлари доирасида бошқа зарур Молия маркази қарорларини қабул қилиш ҳуқуқига эга.*



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
FARMONI

2026 yil « 10 » сентябрь ПФ–190 -son

“Статистикани ривожлантириш – 2030” миллий стратегиясини тасдиқлаш ҳамда рўйхатга олиш маълумотларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикасида расмий статистика тизимини модернизация қилиш, расмий статистикани тайёрловчилар фаолиятини самарали мувофиқлаштириш, статистика маълумотлари сифатини ошириш, халқаро стандартлар, рақамли технологиялар ҳамда маъмурий ва муқобил маълумотларни кенг қўллаш асосида фойдаланувчиларга йўналтирилган замонавий статистика хизматларини ривожлантириш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар ушбу Фармоннинг **асосий мақсадлари** этиб белгилансин:

(а) аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш натижалари асосида **ижтимоий-иқтисодий** ҳамда **қишлоқ хўжалиги статистикасини** такомиллаштириш;

(б) Миллий статистика тизимини **келгуси 5 йилда** халқаро стандартларга мос равишда ривожлантиришга қаратилган **стратегияни** тасдиқлаш;

(в) 2030 йилга қадар тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган **ҳисобот юкини 20 фоизга** қисқартириш;

(г) расмий статистикани шакллантиришда фойдаланиладиган маъмурий ва **муқобил маълумотлар** манбалари сонини 2030 йилга қадар **1,7 бараварга** ошириш;

(д) келгуси 5 йил давомида **сунъий интеллект** технологияларини жорий этиш ҳисобига **маълумотларга ишлов бериш** муддатини **20 фоизга** қисқартириш ва бир маълумот учун **сарфланадиган харажатлар** миқдорини **25 фоизга** мақбуллаштириш;

(ж) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 2026–2027 йилларда **бизнесни рўйхатга олишни** ташкил этиш ва **мультииндикатор кластер кузатувларининг** 7-раундини ўтказиш.

II. “Статистикани ривожлантириш – 2030” миллий стратегияси

2. Қуйидагилар 2026–2030 йилларга мўлжалланган **“Статистикани ривожлантириш – 2030”** миллий стратегиясининг **устувор йўналишлари** этиб белгилансин:

(а) барча расмий статистикани тайёрловчилар фаолиятини ягона ёндашув асосида **мувофиқлаштириш**, маълумотлар сифатини таъминлашнинг **институционал салоҳиятини ошириш**;

(б) халқаро стандартлар ва замонавий статистик моделларга мувофиқ **статистика услубиятларини** такомиллаштириш;

(в) **рақамли трансформация**, ҳисобот юкини камайтириш ва маълумотлар инфратузилмасини модернизация қилиш;

(г) **маъмурий**, **муқобил** ва **рақамли маълумотлар** манбаларидан, шунингдек, геофазовий маълумотлар ва сунъий интеллект технологияларидан фойдаланишни кенгайтириш;

(д) **фойдаланувчиларга** йўналтирилган статистика, маълумот **саводхонлиги** ва **халқаро ҳамкорлик**ни ривожлантириш.

3. Қуйидагилар:

(а) "Статистикани ривожлантириш – 2030" миллий стратегияси (кейинги ўринларда – Стратегия) **1-иловага** мувофиқ;

(б) Миллий статистика тизими самарадорлигини ошириш бўйича "йўл харитаси" **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

III. Аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш натижаларидан самарали фойдаланиш

4. Белгилансинки, **2027 йил якунига қадар** аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш натижаларидан фойдаланган ҳолда Миллий статистика қўмитасида (кейинги ўринларда – Қўмита):

(а) аҳолининг статистик регистрини шакллантириш ва қуйидаги шартларни таъминлаш орқали аҳоли сонини ҳисоблаш ва эълон қилиб бориш амалиёти жорий этилади:

(i) давлат органларининг аҳолига оид маълумотлар базалари ўзаро мувофиқлаштирилади ва маълумотларни доимий янгилаб бориш учун аҳолининг статистик регистрига интеграция қилинади;

(ii) аҳолининг статистик регистри "Киберхавфсизлик маркази" ДМ томонидан **киберхавфсизлик талабларига мувофиқлик юзасидан экспертизадан** ўтказилиб, тегишли хулоса олинганидан сўнг амалиётга жорий этилади ва ахборот тизими хавфсизлиги доимий тартибда мониторинг қилиб борилади;

(iii) аҳолининг статистик регистридан алоҳида рухсат берилган ходимлар томонидан **фақат статистик мақсадларда** жамланма статистик маълумотларни шакллантириш учун фойдаланилади. Бунда мазкур регистрда юритиладиган индивидуал маълумотлардан давлат органлари ҳамда бошқа юридик ва жисмоний шахслар томонидан фойдаланиш **қатъиян тақиқланади**;

(б) қишлоқ хўжалигининг статистик регистри шакллантирилади ва ундаги маълумотларнинг доимий равишда янгилаб борилиши таъминланади.

Бунда рўйхатга олиш натижалари ва қишлоқ хўжалиги ерларига оид мавжуд идоравий маълумотлар базалари ўртасидаги тафовутларга аниқлик киритиш ва ўзаро бирхиллаштириш бўйича **3-иловага** мувофиқ вақтинчалик фаолият юритувчи идоралараро ишчи гуруҳ тузилади;

(в) аҳолининг статистик регистри ва **қишлоқ хўжалигининг статистик регистри**га давлат органларининг ахборот тизимлари **4-иловага** мувофиқ рўйхат асосида интеграция қилинади ва янгилаб борилади;

(г) 2026 йил якунига қадар асосий макроиқтисодий ҳамда ҳудудлар ва тармоқлар кесимида ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларни аниқлаштириш мақсадида **миллий ҳисоблар тизими** кўрсаткичлари қайта баҳоланади.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) ҳокимликлари:

(а) тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда тармоқ ва ҳудудларни **ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари**, бош режалар, ижтимоий инфратузилмани жойлаштириш схемалари, қишлоқ ва деҳқон хўжалиги ҳамда **аграр соҳа инфратузилмасини ривожлантиришга оид дастурлар**, прогноз кўрсаткичлари ва чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда қайта кўриб чиқишда устувор равишда **аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш натижаларидан фойдалансин;**

(б) Қўмитанинг ҳудудий органлари билан биргаликда **ҳар чорак якунлари бўйича** ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини акс эттирувчи **расмий статистик кўрсаткичларни комплекс таҳлил** қилиб борсин ҳамда асосий кўрсаткичларнинг ўзгариш динамикаси, ҳудудлараро тафовутлар ва уларга таъсир этувчи омиллар, мавжуд муаммолар ҳамда фойдаланилмаётган имкониятларни баҳолаб борсин;

(в) ҳар ярим йил якунлари бўйича ҳудудларнинг статистика кўрсаткичларини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) кенгашларига киритиб, муҳокама қилиб борсин.

IV. Бизнесни рўйхатга олишни ташкил этиш

6. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бизнесни рўйхатга олиш (кейинги ўринларда – бизнесни рўйхатга олиш тадбири) 2026 йил 1 октябрь ҳолатига **2026 йил 15 октябрь – 30 ноябрь** саналарида ўтказилсин ва унинг **асосий мақсадлари** этиб қуйидагилар белгилансин:

(а) мамлакатда фаолият юритаётган барча иқтисодий бирликларни **тўлиқ хатловдан ўтказиш** орқали субъектлар сони, таркиби, иқтисодиёт тармоқлари бўйича тақсимоти ва фаолият ҳолатига аниқлик киритиш;

(б) статистик регистрларда корхона ва ташкилотларга тегишли маълумотларнинг **долзарблиги, тўлиқлиги ва ишончлилигини** таъминлаш ҳамда танланма кузатувларни ташкил этиш учун сифатли **статистик асосларни** шакллантириш;

(в) кузатилмайдиган иқтисодиёт кўламини баҳолаш, миллий ҳисоблар тизими кўрсаткичлари сифатини ошириш учун зарур **маълумотлар базасини** такомиллаштириш;

(г) республика ва ҳудудлар даражасида ижтимоий-иқтисодий ривожланишни режалаштириш жараёнларини **ишончли маълумотлар** билан таъминлаш.

7. Белгилансинки, **2027 йил 1 январдан бошлаб** статистика органлари томонидан ҳар чоракда ўтказиладиган танланма кузатувлар учун **микрофирмалар ва кичик корхоналар йилда фақат бир маротаба** танлаб олиниши мумкин.

Бунда расмий статистика кўрсаткичларининг барқарорлиги ва сифатини таъминлаш мақсадида Қўмита ахборот тизимларига интеграция қилинган **маъмурий маълумотларнинг узлуксизлиги ва долзарблиги 5-иловадаги рўйхатга** мувофиқ давлат органлари ва ташкилотлари томонидан таъминланади.

V. Маълумотларни бошқариш тизимини такомиллаштириш

8. Маълумотлар бошқарувида замонавий ёндашувларни жорий этиш ва уни институционал жиҳатдан такомиллаштириш мақсадида **6-иловага** мувофиқ таркибда Маълумотларни бошқариш комиссияси (кейинги ўринларда – Комиссия) тузилсин.

Бунда Қўмита Комиссиянинг ишчи органи этиб белгилансин ва Комиссия зиммасига **7-иловага** мувофиқ вазифалар юклатилсин.

9. Қўмита:

(а) уч ой муддатда Комиссия тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

Бунда **Комиссиянинг ҳар бир аъзоси** маъмурий маълумотлар сифатини таъминлаш ва уларнинг интеграциясини самарали ташкил этишга **масъул ва шахсан жавобгар** этиб белгилансин;

(б) 2026 йил 1 декабрга қадар Комиссия таркибига киритилган давлат органлари ва ташкилотларида маълумотларни бошқариш ҳолатини **тўлиқ хатлов**дан ўтказсин;

(в) хатлов натижалари кўра **2027 йил 1 майга қадар** маълумотларни бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича **чора-тадбирлар режасини** ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин;

(г) Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда **2027 йил 1 июлга қадар** давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ўз ваколатларини амалга ошириш мақсадида юритиладиган маъмурий маълумотлар услубиятининг халқаро тавсияларга ва сифатининг белгиланган талабларга мувофиқлиги юзасидан ҳар икки йилда бир марта **аудитдан ўтказиш** тартибини ишлаб чиқсин ва амалиётга жорий этсин;

(д) Комиссия фаолияти ҳамда маъмурий маълумотларнинг услубияти ва сифати бўйича ўтказилган аудит натижалари юзасидан Республика статистика кенгашига **ҳар чорак якуни** бўйича ахборот киритиб борсин.

10. Қўмита бошқарув ходимларининг белгиланган умумий чекланган сони доирасида **Қўмита раисининг маълумотларни бошқариш тизими ва сунъий интеллект технологияларини жорий этиш бўйича ўринбосари** лавозими жорий этилсин.

11. Рақамли технологиялар вазирлиги Қўмита билан биргаликда **2027 йил 1 июлга қадар** Очиқ маълумотлар портали негизида қуйидагиларни назарда тутувчи **Миллий маълумотлар платформаси**ни ишлаб чиқсин:

(а) давлат органлари ва ташкилотлари **маълумотлар тўпламларини** ягона форматлар, классификаторлар, идентификаторлар ва метамаълумотлар талаблари асосида босқичма-босқич **интеграция қилиш**;

(б) очиқ маълумотлар, маъмурий маълумотлар, эгасизлантирилган **50 та микромаълумот** ва сунъий интеллект моделларини ўқитиш учун яроқли маълумотлар тўпламларини жойлаштириш, уларни янгилаб бориш ва сифатини назорат қилишни йўлга қўйиш;

(в) BI-таҳлил, машинавий ўқитиш, API-сервислар, маълумотларни каталоглаш, версиялаш ва **фойдаланувчилар учун қулай маълумот алмашинуви** воситаларини жорий этиш;

(г) маълумотлардан хавфсиз фойдаланиш, махфийликни таъминлаш ва маълумотларни эгасизлантириш жараёнларини ташкил этиш;

(д) маълумотлар савдоси ва алмашинувини назарда тутувчи **маълумотлар биржа**сини ташкил этиш.

12. Қўмита халқаро ва маҳаллий малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институтида **2027 йил 1 июлга** қадар қуйидаги мақсадли модулларни ўз ичига олган "**Маълумотларга асосланган бошқарув мактаби**" малака ошириш тизимини жорий этсин:

(а) вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимлари учун – маъмурий маълумотлар сифати, метамаълумотлар, маълумотларни бошқариш ҳамда мақсадли дастурлар ва лойиҳалар натижадорлигини таҳлил қилишда маълумотлардан фойдаланиш;

(б) статистика органлари ходимлари учун – рақамли статистика, маълумотлар сифати, маъмурий ва муқобил маълумотлар, сунъий интеллект, маълумотлар илми, геофазовий маълумотлар ва рақамли таҳлил;

(в) бизнес вакиллари учун – бизнес-таҳлил, бозорни баҳолаш, рақобат муҳитини таҳлил қилиш, инвестиция ва бизнес-режалаштиришда маълумотлардан кенг фойдаланиш;

(г) ОАВ вакиллари, тадқиқотчилар, талабалар ва бошқа фойдаланувчилар учун – маълумотлар саводхонлиги, тадқиқотларда маълумотлардан фойдаланиш ва уларни тўғри талқин қилиш, маълумотлар журналистикаси, визуализация ва таҳлилий контент тайёрлаш.

Бунда малака ошириш курслари рақамли платформа орқали масофавий ҳамда анъанавий ва масофавий ўқитишни бирлаштирган ҳолда ташкил этилади.

13. Давлат органлари ва ташкилотлари **2027 йил 1 сентябрдан бошлаб** маъмурий маълумотларни йиғиш, уларга ишлов бериш, уларни умумлаштириш, таҳлил қилиш, тарқатиш ва сақлаш билан шуғулланувчи тегишли ходимларини “Маълумотларга асосланган бошқарув мактаби” малака ошириш тизими курсларида **икки йилда камида бир марта** мажбурий тарзда ўқитиш чораларини кўрсин.

14. Қўмита, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Истиқболли кадрларни тайёрлаш бўйича **“Эл-юрт умиди” жамғармаси** миллий статистика тизими учун юқори малакали кадрларни нуфузли хорижий университетларнинг **бакалавриат, магистратура ва докторантура** дастурлари бўйича жамғарма маблағлари ҳисобидан мақсадли тайёрлашни ташкил этсин. Бунда:

(а) таълим йўналишлари ва йиллик мақсадли квоталар Қўмитанинг кадрларга бўлган эҳтиёжи юзасидан асосланган таклифлари бўйича очиқ стипендия танлови квоталари доирасида Жамғарма Бошқарув кенгаши томонидан тасдиқлансин ҳамда номзодларни саралаш ва таълим харажатларини молиялаштириш белгиланган тартибда амалга оширилсин;

(б) таълим дастурларини тамомлаган мутахассислар шартномада белгиланган муддат давомида Қўмита тизимида ишлаб бериши ҳамда эгаллаган билим ва кўникмаларини амалиётга жорий этиши таъминлансин.

VI. Статистик кузатувлар ва баҳолашларни ўтказиш ҳамда рақамли технологияларни ривожлантириш

15. Қўмита **2027 йил якунига қадар** рўйхатга олиш натижасида янгиланган тўпламлар асосида Статистика дастури ва "Ўзбекистонда статистика тизими салоҳиятини мустаҳкамлаш" лойиҳаси доирасида ажратилган маблағлар ҳисобидан **ижтимоий-иқтисодий ва уй-жой хўжаликлари кузатувларини** ташкил этишни таъминласин.

16. Қўмита, Марказий банк, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги статистика маълумотларини тайёрлашда халқаро стандартлар ва кодексларга риоя этилиши юзасидан **2027–2028 йилларда Халқаро валюта жамғармаси томонидан** баҳолаш (ROSC Assessment) ўтказилишини ташкил этсин.

17. Қўмита Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

(а) 2027 йил 1 июлга қадар статистика маълумотлари, метамаълумотлар, классификаторлар ва кўрсаткичлар тавсифини сунъий интеллект технологиялари ва воситалари томонидан автоматик ўқиш ва қайта ишлашга мўлжалланган машинада ўқиладиган форматларда эълон қилишни таъминласин;

(б) 2027 йилдан бошлаб статистика маълумотларини тайёрлаш билан боғлиқ жараёнларда сунъий интеллект технологиялари ва воситаларидан босқичма-босқич фойдаланиш амалиётини йўлга қўйсин.

VII. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

18. Вазирлар Маҳкамаси **икки ой муддатда** Қўмита учун халқаро андозалар асосида янги замонавий маъмурий бино қуриш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин. Бунда маъмурий бинони қуриш харажатлари Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши инобатга олинсин.

19. Қуйидагилар Стратегияни амалга ошириш ва бизнесни рўйхатга олиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

(а) Давлат бюджетидан йиллик статистика дастурлари ҳамда аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш учун ажратилган ва иқтисод қилинган маблағлар;

(б) Жаҳон банки билан ҳамкорликда амалга оширилаётган "Ўзбекистонда статистика тизими салоҳиятини мустаҳкамлаш" лойиҳаси доирасида Халқаро тараққиёт уюшмаси томонидан ажратилган имтиёзли қарз маблағлари;

(в) халқаро молия институтлари ва донор ташкилотлар грантлари.

20. Қўмита манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **бир ой муддатда**:

(а) бизнесни рўйхатга олиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ҳукумат қарори лойиҳасини;

(б) қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига **8-иловага** мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

22. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж. Қўчқоров ва Миллий статистика қўмитаси раиси Б. Ҳамраев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 10 сентябрдаги ПФ–190-сон Фармонига
1-илова

“СТАТИСТИКАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – 2030” МИЛЛИЙ СТРАТЕГИЯСИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. “Статистикани ривожлантириш – 2030” миллий стратегияси (кейинги ўринларда – Стратегия) халқаро экспертлар тавсиялари, миллий статистика тизими бўйича глобал ва соҳавий баҳолашлар ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ўтказилган маслаҳатлашувлар асосида ишлаб чиқилган.

Стратегия статистик маълумотларни тайёрлаш, уларни бошқариш ва фойдаланувчилар билан ишлаш жараёнларини ягона стратегик йўналишда ривожлантиришни назарда тутади.

Мазкур Стратегия 2026–2030 йилларда Ўзбекистон Республикасида расмий статистика соҳасини модернизация қилиш, миллий статистика тизимини самарали мувофиқлаштириш, статистик маълумотлар сифати, ишончлилиги, очиқлиги ва фойдаланувчилар учун амалий аҳамиятини оширишга қаратилган асосий ҳужжат ҳисобланади.

Стратегия 2030 йилга қадар Миллий статистика қўмитаси, вазирликлар, идоралар ва расмий статистиканинг бошқа тайёрловчилари томонидан амалга ошириладиган институционал, методологик, рақамли, кадрлар салоҳиятини ошириш ҳамда фойдаланувчиларга йўналтирилган ислоҳотларнинг асосий йўналишларини белгилайди.

Стратегияда расмий статистика давлат бошқаруви, иқтисодий режалаштириш, ижтимоий сиёсат, ҳудудий ривожланиш, Барқарор ривожланиш мақсадлари мониторинги, миллий ислоҳотларни баҳолаш ҳамда жамоатчилик ишончини мустаҳкамлашнинг муҳим воситаси сифатида қаралади.

Стратегия расмий статистикани фақат статистик маълумотларни тайёрлаш жараёни сифатида эмас, балки давлат органлари, тадқиқотчилар, бизнес субъектлари, фуқаролар ва халқаро ҳамкорларни ишончли статистик маълумотлар билан таъминлайдиган тизим сифатида ривожлантиришни назарда тутади.

Мазкур ҳужжат “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган ислоҳотларни далилларга асосланган ҳолда режалаштириш, мониторинг қилиш ва баҳолаш, давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва ҳисобдорлигини кучайтириш, ҳудудий ва соҳавий ривожланишни таҳлил қилиш ҳамда миллий мақсадли кўрсаткичлар бўйича ишончли маълумотларни шакллантириш вазифалари билан бевосита боғлиқ.

Стратегия Миллий барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича зарур индикаторларни шакллантириш, халқаро ҳисобдорликни таъминлаш, кўрсаткичларни ҳудудлар, жинс, ёш, аҳоли гуруҳлари ва бошқа муҳим йўналишлар кесимида ишлаб чиқиш ҳамда “ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик” тамойилини статистик маълумотлар орқали қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Стратегия Ўзбекистон Республикасининг “Расмий статистика тўғрисида”ги Қонунида белгиланган расмий статистика фаолиятининг мустақиллик, тушунарлилик ва шаффофлик, аниқлик ва ишончлилик, беғаразлик ва холислик, статистик махфийлик ҳамда долзарблик тамойилларини амалий механизмлар орқали ривожлантиришни назарда тутади.

Шунингдек, Стратегия рақамли трансформация, маълумотларни бошқариш, халқаро стандартлар асосида идоралараро маълумот алмашинуви, киберхавфсизлик, шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш, статистик регистрлар ва маълумотлар омборини ривожлантиришга оид ислоҳотлар билан уйғун ҳолда амалга оширилади.

2-боб. Жорий ҳолат тавсифи

2. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда расмий статистика соҳасида муҳим ҳуқуқий ва институционал ўзгаришлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Расмий статистика тўғрисида”ги ва “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги қонунлари, шунингдек, соҳага оид Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари асосида Миллий статистика қўмитасининг мақоми ва ваколатлари мустаҳкамланди.

Статистика фаолиятини мустақил амалга ошириш, маълумотлар сифатини таъминлаш, халқаро стандартларга мувофиқлик ва фойдаланувчилар эҳтиёжларига йўналтирилган ёндашув учун зарур ҳуқуқий ва ташкилий асослар яратилди.

Миллий статистика қўмитаси тизимида 2023 йилда 2 200 нафардан ортиқ ходим фаолият юритган бўлса, 2026 йил 1 июнь ҳолатига уларнинг сони 1 441 нафарни ташкил этган. Шундан 265 нафари (18,4%) марказий аппаратда (Маълумот учун: Нидерландия – 100%, Канада – 71,0%, Буюк Британия – 66,5%, Молдова – 53,5%), 38 нафари Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институтида, 1 138 нафари ҳудудий статистика органларида фаолият юритмоқда.

Бу ҳолат статистик ишлаб чиқариш ҳажми ва маълумотларга бўлган талаб ортиб бораётган шароитда кадрлар салоҳиятини ошириш, жараёнларни стандартлаштириш ва автоматлаштиришни янада тезлаштириш заруратини юзага келтиради.

2020–2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси статистикасини ривожлантиришнинг миллий стратегияси доирасида янги статистик кузатувлар жорий этилди, уй хўжаликлари ва бизнес субъектлари бўйича танланма кузатувлар ривожлантирилди, иқтисодий ва ижтимоий статистика методологиялари такомиллаштирилди.

Шунингдек, рақамлаштириш бўйича бир қатор ижобий натижаларга эришилди ҳамда Барқарор ривожланиш мақсадлари индикаторлари билан ишлаш тизимли равишда йўлга қўйилди.

2020–2025 йилларга мўлжалланган миллий стратегиянинг мақсадли йўналишлари бўйича амалга оширилган ишлар расмий статистика тизимида сезиларли ижобий натижалар берди.

Сўнги йилларда статистика ҳисоботлари сони 113 тадан 47 тагача, хусусан, 2025 йилда ҳисобот шакллари 65 тадан 47 тага, яъни 27,6 фоизга қисқартирилди.

Танланма кузатувлар сони 19 тадан 34 тагача ошиб, 78 фоизга кенгайди. Статистика услубиятлари сони 116 тадан 221 тагача, яъни 90 фоизга ошди, метамаълумотлар сони эса 17 тадан 207 тагача, яъни 12 баробарга кўпайди.

Бу кўрсаткичлар анъанавий ялпи ҳисоботлардан танланма кузатувлар, маъмурий ва муқобил манбалар, методологик асосланган ва метамаълумотлар билан қўллаб-қувватланган статистик ишлаб чиқаришга ўтиш жараёнини акс эттиради.

Шунингдек, аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирлари ўтказилиб, демографик, ҳудудий, ижтимоий-иқтисодий ва қишлоқ хўжалигига оид статистик маълумотларни янгилаш учун муҳим ахборот базаси шакллантирилди.

Рақамли трансформация йўналишида “Статистика” интеграциялашган ахборот тизими орқали 3 мингдан ортиқ кўрсаткичлар фойдаланувчиларга тақдим этилмоқда, 65 дан ортиқ электрон интеграциялар йўлга қўйилган, тизим 3 тилда фаолият юритади ва юклаб олишлар сони 85 мингдан ошган.

E-Stat 4.0 ахборот тизими орқали электрон ҳисобот топшириш амалиёти ривожлантирилиб, тизим фойдаланувчилари сони 15 минг нафардан 350 минг нафарга етди. Тизим бир вақтнинг ўзида 500 мингдан ортиқ фойдаланувчи ҳисоботларини қабул қилиш, ҳисоботларни мантиқий текшириш имкониятига эга.

Очиқ маълумотлар ва фойдаланувчилар билан ишлаш соҳасида ҳам амалий натижаларга эришилган.

Миллий статистика қўмитасининг расмий сайти Очиқ маълумотлар институти рейтингида “Platinum” даражасини олган, веб-сайт орқали кўрсатиладиган интерактив хизматлар сони 13 тага етган, веб-сайт фойдаланувчилари сони йилига 730 минг нафарни ташкил этмоқда.

Фойдаланувчилар таркибида давлат идоралари ходимлари 38 фоиз, жисмоний шахслар 27 фоиз, тадбиркорлар 19 фоиз, илмий тадқиқотчилар 11 фоиз ва бошқа фойдаланувчилар 5 фоизни ташкил этади.

Порталда 13 мингдан ортиқ очиқ маълумотлар тўплами жойлаштирилган, порталдан фойдаланувчилар сони 2026 йилда 650 минг нафарга етган. Очиқ маълумотлардан фойдаланиш мақсадлари таркибида тадқиқот ишлари 35,5 фоиз, шахсий мақсадлар 27,8 фоиз, бошқа мақсадлар 22,4 фоиз, оммавий ахборот воситалари 6,4 фоиз ва иловалар ишлаб чиқиш 8,0 фоизни ташкил этмоқда.

Бу маълумотлар очиқ маълумотлардан қайта фойдаланиш салоҳияти мавжудлигини, бироқ тадқиқотчилар, ОАВ, бизнес ва дастурчилар учун қулай сервисларни янада кучайтириш зарурлигини кўрсатади.

Шу билан бирга миллий статистика тизимида маълумотларни таҳлил қилиш, бизнес-таҳлил, сунъий интеллект, ахборот технологиялари инфратузилмаси, метамаълумотлар ва микромаълумотлардан хавфсиз фойдаланиш бўйича салоҳиятни янада ошириш зарурати сақланиб қолмоқда.

Миллий статистика қўмитаси фақатгина 2 та микромаълумотлар тўпламларини эълон қилиш билан чекланиб қолмоқда.

Ҳудудий бўлинмаларда кадрлар салоҳиятини кучайтириш ва иш жараёнларини стандартлаштириш ҳам алоҳида эътибор талаб этади.

Айрим статистика маълумотларини тайёрлаш жараёнлари ҳали етарли даражада маъмурий маълумотлар билан интеграциялашмаган, уларни автоматлаштириш даражаси турлича.

Сифатни бошқариш бўйича ягона институционал ёндашувни кучайтириш, маъмурий маълумотлардан фойдаланишни кенгайтириш, таҳлилий ва ахборот технологиялари салоҳиятини ошириш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Хусусан, ҳозирги кунда фақатгина 60 та маъмурий маълумотларни олиш бўйича интеграциялар мавжуд. Йилига 150 мингга яқин тадбиркорлик субъектларидан маълумот йиғилади, аммо уларни тозалаш ва таҳлил қилиш узоқ вақт талаб қилади, шу сабабли сунъий интеллект ечимлари биринчи навбатда автоматлаштириш жараёнларига жорий қилинади.

Миллий статистика тизими таркибида расмий статистикани тайёрловчилар ҳуқуқий жиҳатдан белгиланган бўлса-да, уларнинг бу йўналишдаги фаолиятини амалий мувофиқлаштириш, ягона статистик методология, идоралараро маълумот алмашинуви, сифат стандартлари ва статистика дастурлари доирасида ҳамкорлигини янада кучайтириш зарур.

Шунингдек, статистик маълумотлардан амалда фойдаланиш, аҳоли, тадбиркорлар ва оммавий ахборот воситалари учун статистик саводхонликни ошириш бўйича тизимли чоралар ҳали етарли даражада шаклланмаган.

Натижада расмий статистика маълумотларининг амалий қиймати, улардан таҳлил, тадқиқот, жамоатчилик назорати ва далилларга асосланган қарор қабул қилишда фойдаланиш имкониятлари тўлиқ намоён бўлмаяпти.

Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик, очиқ маълумотлар экотизимини ривожлантириш, E-Stat 4.0, GPS технологиялари, SIAT портали, SDMX бўйича синов ишлари ва халқаро баҳолашлар миллий статистика тизимини модернизация қилиш учун мустаҳкам асос яратди. Эндиликда ушбу ютуқларни изчил, натижага йўналтирилган ва барқарор институционал ўзгаришларга айлантириш талаб этилади.

Мавжуд муаммолар сабаб-оқибат таҳлили қуйидагича баҳоланади.

Биринчидан, айрим статистик жараёнлар маъмурий маълумотлар билан етарли даражада интеграциялашмагани ва автоматлаштириш даражасининг турличалиги бир хил маълумотларни қайта йиғиш, респондентлар юкининг сақланиб қолиши ва маълумотларни қайта ишлаш муддатларининг узайишига олиб келади. Ушбу муаммонинг хавф даражаси юқори.

Иккинчидан, сифатни бошқариш бўйича ягона институционал ёндашув ва барча расмий статистикани тайёрловчиларни қамраб оладиган аудит амалиёти етарлича мустаҳкамланмагани маълумотлар изчиллиги, таққосланувчанлиги ва фойдаланувчилар ишончига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Ушбу муаммонинг хавф даражаси юқори.

Учинчидан, метамаълумотлар, микромаълумотлардан хавфсиз фойдаланиш, маълумотлар махфийлиги, шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш ва киберхавфсизлик бўйича механизмларнинг етарли даражада ривожланмагани тадқиқот салоҳиятини чеклайди ҳамда маълумотлар хавфсизлигига оид репутацион ва ҳуқуқий хавфларни келтириб чиқариши мумкин. Ушбу муаммонинг хавф даражаси юқори.

Тўртинчидан, статистик маълумотлардан фойдаланиш, очиқ маълумотларни қайта ишлатиш, аҳоли ва оммавий ахборот воситалари вакилларининг статистик саводхонлиги бўйича тизимли чоралар етарли эмаслиги расмий статистиканинг амалий қиймати ва жамоатчилик ишончини тўлиқ намоён қилишга тўсқинлик қилади. Ушбу муаммонинг хавф даражаси ўрта.

Бешинчидан, маълумотлар таҳлили, бизнес-таҳлил, сунъий интеллект, ахборот технологиялари, геофазовий таҳлил, метамаълумотлар ва сифатни бошқариш бўйича кадрлар салоҳиятини янада ошириш зарур. Бу салоҳият етарли бўлмаганда янги статистик кўрсаткичлар, экспериментал статистика, рақамли иқтисодиёт, яшил иқтисодиёт, гендер ва ҳудудий кўрсаткичларни ишлаб чиқиш суръати чекланади. Ушбу муаммонинг хавф даражаси юқори.

Шу сабабли 2026–2030 йилларда асосий вазифа мавжуд ютуқларни алоҳида ташаббуслар даражасида қолдирмасдан, уларни маълумотлар сифати, хавфсизлиги, рақамли интеграция, ресурслар тақсимоти, фойдаланувчилар билан ишлаш ва натижаларни мониторинг қилишга асосланган барқарор институционал ўзгаришларга айлантиришдан иборат.

Жаҳон банкининг Статистика самарадорлиги индекси (SPI) миллий статистика тизимининг институционал салоҳияти, маълумотлар сифати, очиқлиги, фойдаланувчиларга йўналтирилганлиги ва халқаро стандартларга мувофиқлигини баҳолашда муҳим халқаро мезон ҳисобланади.

2025 йил натижаларига кўра, Ўзбекистон ушбу индексда 81,5 балл билан 62-ўринни эгаллаган бўлиб, бу миллий статистика тизимида сўнгги йилларда ижобий ўзгаришлар амалга оширилганини кўрсатади. Стратегия доирасида 2030 йилга қадар Ўзбекистонни SPI индексида юқори натижага эришган топ-50 та давлат қаторига киритиш мақсад қилинмоқда.

3-боб. Стратегиянинг мақсади ва асосий йўналишлари

3. Стратегия мақсадига эришиш институционал ислоҳотлар, статистик методологияни такомиллаштириш, рақамли трансформацияни жадаллаштириш, маъмурий ва муқобил маълумотлар манбаларидан самарали фойдаланиш, кадрлар салоҳиятини ошириш ҳамда фойдаланувчилар билан очиқ мулоқотни ўзаро боғлиқ ҳолда амалга оширишни талаб этади.

Ушбу мақсад ва йўналишлар "Ўзбекистон – 2030" стратегияси, Миллий барқарор ривожланиш мақсадлари, расмий статистика соҳасидаги миллий қонунчилик, рақамли давлат бошқаруви ва маълумотларни бошқариш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар билан уйғун ҳолда белгиланади.

Бу миллий ривожланиш мақсадларини ишончли статистик маълумотлар билан таъминлаш, тармоқлар ва ҳудудлар кесимида натижаларни баҳолаш ҳамда халқаро таққосланувчанликни оширишга хизмат қилади.

Стратегиянинг ҳар бир устувор йўналиши юқори даражадаги стратегик режалаштириш ҳужжатлари билан ўзаро мувофиқ, бир-бирини тўлдирувчи ва натижага йўналтирилган тарзда амалга оширилади.

Стратегиянинг асосий мақсади – 2030 йилга қадар ишончли, замонавий, мослашувчан, фойдаланувчилар эҳтиёжларига йўналтирилган ҳамда халқаро стандартларга мувофиқ миллий статистика тизимини шакллантириш.

Стратегия Ўзбекистонда инклюзив ва барқарор ривожланишни қўллаб-қувватлаш учун юқори сифатли статистик маълумотлар ва маълумотларни бошқариш хизматларини тақдим этадиган ишончли миллий статистика тизимини ривожлантиришга қаратилган.

Таъсир кўрсаткичи (Impact): 2030 йилга қадар Жаҳон банкининг Статистика самарадорлиги индексида Ўзбекистонни топ-50 та давлат қаторига киритиш.

Мазкур Стратегияни амалга ошириш натижасида 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасини Жаҳон банкининг Статистика самарадорлиги индексида энг юқори натижага эришган топ-50 та давлат қаторига киритишга эришилади. Ушбу кўрсаткич миллий статистика тизимининг институционал салоҳияти, маълумотлар сифати, очиқлиги, фойдаланувчиларга йўналтирилгани ва халқаро стандартларга мувофиқлигини баҳолашда асосий якуний натижа мезони сифатида хизмат қилади.

4. Стратегиянинг асосий мақсадига эришишда стратегик йўналишлардан келиб чиқиб, қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

1-вазифа: Миллий статистика тизимини мувофиқлаштириш, барча расмий статистикани тайёрловчилар учун аниқ бошқарув механизмлари, стандартлар ва сифат кафолатларини белгилаш.

Натижа кўрсаткичлари:

2030 йилгача расмий статистиканинг бошқа тайёрловчиларини 100 фоиз аудит билан қамраб олиш (2025 йилда аудит ўтказилмаган).

2-вазифа: статистика соҳаларини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш.

Натижа кўрсаткичлари: фойдаланувчилар эҳтиёжи асосида янгиланган методологиялар улушини 75 фоизга етказиш (2025 йилда 10 фоиз).

3-вазифа: рақамлаштириш, "ақлли" сўровлар, регистрлар ва маъмурий маълумотлар орқали уй хўжаликлари ва бизнес учун ҳисобот юкини камайтириш.

Натижа кўрсаткичлари: 2030 йилгача статистика ҳисоботи шакллари сонини 38 тага тушириш (2026 йил 1 январь ҳолатига 47 та статистика ҳисоботи).

4-вазифа: ҳудудий ва соҳавий ривожланишни ҳамда гендер жиҳатларни мониторинг қилиш учун батафсил маълумотларни тақдим этиш.

Натижа кўрсаткичлари:

2030 йилгача мунтазам эълон қилинадиган кўп ўлчамли индикаторлар тўпламлари сонини 10 тага етказиш (2025 йилда 1 та).

5-вазифа: маъмурий, геофазовий, мобил ва бошқа муқобил маълумотлар манбаларидан хавфсиз ва сифатли фойдаланишни кенгайтириш.

Натижа кўрсаткичлари:

расмий статистикада мунтазам қўлланадиган маъмурий маълумотлар манбаларини 100 тага етказиш (2025 йилда 60 та).

6-вазифа: экспериментал статистикани ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш ва ишлаб чиқаришга босқичма-босқич интеграция қилиш учун асос яратиш.

Натижа кўрсаткичлари:

ишлаб чиқилган ва синовдан ўтказилган экспериментал статистика маълумотлари сонини 5 тага етказиш (2025 йилда мавжуд эмас).

7-вазифа: расмий статистиканинг тезкорлиги, аниқлиги ва таҳлилий қийматини замонавий методлар, маълумотлар илми ва сунъий интеллектдан фойдаланиш орқали ошириш.

Натижа кўрсаткичлари:

2030 йилгача сунъий интеллект ва маълумотлар илми асосида жорий этилган пилот ва ишлаб чиқариш ечимлари сонини 5 тага етказиш (2025 йилда мавжуд эмас).

8-вазифа: замонавий тарқатиш воситалари, инфографика, маълумотлар саводхонлиги ва фойдаланувчилар билан мулоқотни кучайтириш.

Натижа кўрсаткичлари:

фойдаланувчилар қаноат ҳосил қилиши ва расмий статистикага ишончи даражасини камида 80 фоизга етказиш (2026 йил учун базавий кўрсаткич аниқланади).

9-вазифа: очиқ маълумотлар, маълумотлардан қайта фойдаланиш экотизими ва фойдаланувчилар учун рақамли хизматларни ривожлантириш.

Натижа кўрсаткичлари:

Халқаро очиқ маълумотлар рейтинги (ODIN)да Ўзбекистоннинг кўрсаткичини 86 баллга етказиш (2024 йилда 83 балл).

10-вазифа: халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва кадрлар салоҳиятини ошириш.

Натижа кўрсаткичлари:

2030 йилгача халқаро ўқув дастурлари, тренинг ва семинарларда 175 нафар ходим малакасини ошириш (2025 йил ҳолатига 50 нафар, 2026 йилдан бошлаб ҳар йили 25 нафардан).

Миллий статистика қўмитаси марказий аппаратининг маълумотлар таҳлили бўйича кўникмаларга эга бўлган ходимлари улушини 60 фоизга етказиш (2025 йилда 20 фоиз).

4-боб. Очиқ маълумотларни ривожлантириш

5. Очиқ маълумотлар расмий статистиканинг шаффофлиги, фойдаланувчилар учун қулайлиги ва амалий аҳамиятини оширишда муҳим йўналиш ҳисобланади. Стратегия доирасида маълумотларни нафақат очиқ, балки қайта фойдаланишга қулай, машинада ўқиладиган, тушунарли ва ишончли шаклда тақдим этишга алоҳида эътибор қаратилади.

Ушбу йўналишнинг асосий мақсади очиқ маълумотлардан давлат органлари, тадқиқотчилар, бизнес, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва кенг жамоатчилик томонидан самарали фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришдан иборат. Очиқ маълумотлар далилларга асосланган қарорлар қабул қилиш, ислоҳотлар натижаларини баҳолаш, ҳудудий таҳлил ва жамоатчилик назоратини кучайтиришга хизмат қилади.

Стратегия доирасида очиқ маълумотлар қамрови босқичма-босқич кенгайтирилади. Жумладан, ҳудудлар кесимидаги кўрсаткичлар, вақт қаторлари, маъмурий маълумотлар асосида шакллантирилган статистика, юқори талабга эга маълумотлар тўпламлари ва фойдаланувчилар учун муҳим бўлган бошқа ахборотлар очиқ форматларда тақдим этилади. Маълумотларни эълон қилишда сифат, долзарблик, таққосланувчанлик ва фойдаланиш қулайлиги асосий мезонлар сифатида қаралади.

Очиқ маълумотлардан фойдаланишни осонлаштириш мақсадида Очиқ маълумотлар портали ва бошқа рақамли платформалар орқали статистик маълумотларни ягона, қулай ва интеграциялашган тарзда тақдим этиш ишлари давом эттирилади.

Стратегияда очиқ маълумотларни тарқатишнинг замонавий воситаларини жорий этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Интерактив панеллар, визуализациялар, инфографикалар ва амалий дастурий интерфейслар фойдаланувчиларга маълумотларни тез топиш, таҳлил қилиш ва қайта ишлаш имконини беради. Шу билан бирга тадқиқот ва таҳлил мақсадларида анонимлаштирилган микромаълумотлардан хавфсиз фойдаланиш механизмлари босқичма-босқич ривожлантирилади.

Миллий статистика қўмитаси очиқ маълумотлардан фойдаланувчилар жамоасини шакллантириш ва улар билан мунтазам мулоқотни кучайтиришга ҳам эътибор қаратади. Университетлар, илмий-тадқиқот муассасалари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти, бизнес ва халқаро ҳамкорлар билан ҳамкорликда маълумотлардан фойдаланиш маданиятини ошириш, статистик саводхонликни ривожлантириш ва расмий статистикага бўлган ишончни мустаҳкамлаш бўйича ишлар олиб борилади.

2030 йилга бориб очиқ маълумотлар экотизими янада ривожланади, статистик маълумотлар фойдаланувчилар учун қулай, тушунарли ва қайта ишлашга тайёр шаклда тақдим этилади. Очиқ маълумотлар тўпламлари сони ва сифати ошади, микромаълумотлардан хавфсиз фойдаланиш имкониятлари кенгаяди ҳамда расмий статистикадан амалда фойдаланиш даражаси юқори босқичга кўтарилади.

5-боб. Миллий статистика тизими иштирокчилари ва уларнинг роли

6. Стратегиянинг мақсадли аудиторияси расмий статистика маълумотларини ишлаб чиқувчи, тақдим этувчи, бошқарув қарорларида фойдаланувчи ҳамда жамоатчилик назорати, тадқиқот ва таҳлил жараёнларида қўлловчи барча субъектларни қамраб олади.

Мақсадли аудитория билан ишлашда фойдаланувчилар эҳтиёжларини мунтазам ўрганиш, статистик маҳсулотларни тушунарли ва қулай шаклда тақдим этиш, маълумотлардан хавфсиз ва самарали фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, статистик саводхонликни ошириш асосий ёндашув ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, миллий статистика тизими иштирокчилари фақат маълумот тайёрловчи ёки фойдаланувчи сифатида эмас, балки маълумотлар сифати, улардан фойдаланиш самарадорлиги ва далилларга асосланган қарор қабул қилиш жараёнининг ўзаро боғлиқ иштирокчилари сифатида қаралади.

Қуйидаги ҳар бир иштирокчиларнинг роли уларнинг маълумотлар билан ишлашдаги функцияси, эҳтиёжи ва масъулиятидан келиб чиқиб белгиланади:

давлат органлари ва ташкилотлари – ижтимоий-иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш, тармоқ ва ҳудудларни ривожлантириш дастурларини шакллантириш, бюджетлаштириш, ислоҳотлар натижадорлигини баҳолаш ҳамда далилларга асосланган қарор қабул қилиш учун ишончли статистик маълумотлардан фойдаланади;

расмий статистика тайёрловчилари – ягона статистик методология, классификаторлар, метамаълумотлар, эълон қилиш тақвими ва халқаро стандартлар асосида статистик маҳсулотларни тайёрлашда иштирок этади;

маъмурий маълумотлар эгалари – маъмурий маълумотлар сифатини таъминлаш, уларни статистик мақсадларда фойдаланишга яроқли ҳолда тақдим этиш, идоралараро маълумот алмашинуви ва маълумотларни бошқариш талабларига риоя этиш бўйича ҳамкорлик қилади;

тадбиркорлик субъектлари – ҳисобот юкини камайтириш, бизнесни рўйхатга олиш, статистик регистрлар ва маъмурий маълумотлар асосида маълумот тақдим этиш жараёнларини соддалаштиришдан манфаатдор ҳисобланади;

илмий-тадқиқот муассасалари, олий таълим ташкилотлари ва экспертлар – таҳлил, тадқиқот, прогнозлаш, моделлаштириш ва инновацион статистик методларни синовдан ўтказишда расмий статистика маълумотларидан фойдаланади;

оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти институтлари – статистик маълумотларни жамоатчиликка тўғри, холис ва тушунарли етказиш, очиқлик ва ҳисобдорликни таъминлашда иштирок этади;

аҳоли ва кенг жамоатчилик – очиқ маълумотлар, интерактив дашбордлар, рақамли хариталар, визуал материаллар ва статистик саводхонлик дастурлари орқали статистик маълумотлардан фойдаланади;

халқаро ташкилотлар ва ҳамкорлар – халқаро таққосланувчан статистик маълумотлардан фойдаланиш, техник кўмак, халқаро баҳолашлар ва стандартларни жорий этишда ҳамкорлик қилади.

Мақсадли аудитория сегментлари билан ишлашда ҳар бир гуруҳнинг маълумотларга бўлган эҳтиёжи, фойдаланиш даражаси, техник имкониятлари ва статистик саводхонлиги инобатга олинади. Ушбу ёндашув расмий статистика маълумотларининг амалий қийматини ошириш, фойдаланувчилар ишончини мустаҳкамлаш ва статистика тизимининг жамиятдаги аҳамиятини кучайтиришга хизмат қилади.

6-боб. Стратегияни амалга ошириш бўйича устувор чора-тадбирлар

7. Стратегияни амалга ошириш иловага мувофиқ чора-тадбирлар дастури асосида ташкил этилади.

Стратегияни амалга ошириш бўйича устувор чора-тадбирлар белгиланган мақсад ва асосий йўналишларни амалий натижаларга айлантиришга қаратилган. Ушбу чора-тадбирлар институционал бошқарув, статистик методология ва рақамли инфратузилмани ривожлантириш, маълумотлар манбалари ва фойдаланувчилар билан алоқаларни кенгайтириш, кадрлар салоҳиятини ошириш ҳамда халқаро ҳамкорлик йўналишларини қамраб олади.

Чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилади. Дастлаб бошқарув, мувофиқлаштириш ва методологик асослар мустаҳкамланади, кейин устувор соҳаларда замонавий ёндашувлар кенг жорий этилади, якуний босқичда эса ислоҳотлар миллий статистика тизимининг доимий амалиётига интеграция қилинади.

8. Стратегияни амалга ошириш қуйидаги уч босқичда ташкил этилади:

2026 йил – асосларни яратиш босқичи.

Ушбу босқичда ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилади, сифатни таъминлаш, статистик кузатувларни такомиллаштириш ҳамда маъмурий маълумотларни интеграция қилиш бўйича асосий механизмлар шакллантирилади.

2027–2028 йиллар – кенгайтириш босқичи.

Ушбу даврда устувор статистика соҳаларини модернизация қилиш, маъмурий маълумотлар ва муқобил маълумотлар манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, такрорланувчи ҳисобот шаклларини босқичма-босқич қисқартириш, кадрлар салоҳиятини ошириш ҳамда рақамлаштириш лойиҳалари амалга оширилади.

2029–2030 йиллар – мустаҳкамлаш босқичи.

Ушбу босқичда ислоҳотлар статистика амалиётига тўлиқ интеграция қилинади, яъни узлуксиз такомиллаштириш механизмлари жорий этилади, синов лойиҳалари натижалари баҳоланади ҳамда самарали ечимлар асосий статистик ишлаб чиқариш жараёнларига татбиқ этилади.

7-боб. Стратегияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар

9. Стратегияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар миллий статистика тизимининг нафақат техник ва институционал ривожланишини, балки унинг давлат бошқаруви, жамият, бизнес ва илмий-тадқиқот фаолияти учун амалий қийматини ҳам акс эттиради.

Мазкур натижаларнинг барқарорлиги ислоҳотларнинг амалий жараёнларга изчил жорий этилиши, кадрлар салоҳиятини ошириш, ресурсларни мақсадли йўналтириш ҳамда фойдаланувчилар билан доимий мулоқотни таъминлашга боғлиқ бўлади.

2030 йилга қадар Стратегияни амалга ошириш натижасида қуйидаги асосий натижаларга эришиш назарда тутилади:

миллий статистика тизими ягона стандартлар, умумий сифат талаблари ва самарали мувофиқлаштириш механизмлари асосида фаолият юритиши таъминланади;

расмий статистиканинг сифати, тезкорлиги, ишончлилиги ва халқаро таққосланувчанлиги ошади;

маъмурий ва муқобил маълумотлар манбалари, танланма кузатувлар ва статистик регистрлар асосида кўп манбали статистик ишлаб чиқариш кенгайтирилади;

бизнес учун ҳисобот юки сезиларли даражада камайтирилади;

аҳоли, бизнес ва бошқа статистик регистрлар расмий статистика ишлаб чиқаришнинг таянч манбаларига айланади;

статистик маълумотларни тарқатишнинг очиқ, замонавий ва фойдаланувчилар учун қулай воситалари орқали маълумотлардан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилади;

микромаълумотлардан хавфсиз фойдаланиш, метамаълумотлар ва сифат ҳисоботларини ривожлантириш орқали илмий-таҳлилий фаолият учун зарур имкониятлар кенгайтирилади;

статистика ходимлари, маълумотлар таҳлилчилари ва ахборот технологиялари мутахассисларининг касбий салоҳияти мустаҳкамланади;

Ўзбекистон статистик инновациялар, салоҳиятни ошириш ва минтақавий ҳамкорлик маркази сифатида шаклланади;

расмий статистика давлат органлари, фуқаролар, бизнес субъектлари, тадқиқотчилар ва халқаро ҳамкорлар томонидан ишончли, очиқ ва жамоат манфаатига хизмат қилувчи муҳим ахборот манбаи сифатида эътироф этилади.

Шунингдек, Стратегия доирасида замонавий давлат бошқаруви ва фойдаланувчилар эҳтиёжларидан келиб чиқиб, статистик кўрсаткичлар қамрови босқичма-босқич кенгайтирилади. Бунда рақамли иқтисодиёт, яшил иқтисодиёт, ҳудудий ривожланиш, гендер тенглик, ижтимоий ҳимоя, меҳнат бозори, миграция, атроф-муҳит, инновациялар, маъмурий ва муқобил маълумотлар манбалари асосида шакллантириладиган янги статистик йўналишлар бўйича кўрсаткичлар ишлаб чиқилади. Янги кўрсаткичларни жорий этишда уларнинг долзарблиги, халқаро таққосланувчанлиги, методологик асосланганлиги ва фойдаланувчилар учун амалий аҳамияти асосий мезон сифатида белгиланади.

8-боб. Стратегияни амалга оширишдаги эҳтимолий хавф-хатарлар ва уларни юмшатиш

10. Хавф-хатарларни бошқариш Стратегияни амалга оширишнинг алоҳида ёрдамчи элементи сифатида эмас, балки ҳар бир устувор йўналишнинг ажралмас қисми сифатида қаралади. Миллий статистика қўмитаси хавф-хатарлар, ўзаро боғлиқ жараёнлар ва амалга оширишдаги тўсиқларни мунтазам мониторинг қилиб боради.

Хавф-хатарларни юмшатиш амалга ошириш режалари, ресурсларни мақсадли йўналтириш, кадрлар салоҳиятини ошириш, техник ёрдамни мувофиқлаштириш, маълумотлар сифати аудити ҳамда фойдаланувчилар билан очиқ мулоқот орқали қўллаб-қувватланади.

Стратегияни амалга ошириш жараёнида қуйидаги асосий хавф-хатарлар юзага келиши мумкин:

Институционал хавфлар:

мувофиқлаштириш етарли даражада бўлмаслиги;

малакали кадрларни сақлаб қолиш ва ўзгаришларга мослашишдаги қийинчиликлар;

Юмшатиш чоралари:

миллий статистика тизими иштирокчилари ўртасида мувофиқлаштиришни кучайтириш, масъул ижрочилар ва муддатларни аниқ белгилаш, шунингдек, ходимларни қайта тайёрлаш, мотивация қилиш ва институционал билимларни сақлаш чоралари амалга оширилади.

Иқтисодий хавфлар:

молиявий ва инсон ресурсларининг чекланганлиги;

Юмшатиш чоралари:

мавжуд молиявий ва инсон ресурслари устувор йўналишларга мақсадли йўналтирилади, давлат бюджети, халқаро молия институтлари, грантлар ва техник кўмак маблағлари босқичма-босқич жалб қилинади ҳамда улардан самарали фойдаланиш таъминланади.

Технологик ва ахборот хавфлари:

рақамли трансформация жараёнларида кечикишлар;

маъмурий маълумотлар сифатининг етарли даражада бўлмаслиги;

махфийлик ва маълумотлар алмашинуви билан боғлиқ хавфлар;

Юмшатиш чоралари:

Ахборот тизимларини модернизация қилиш, маъмурий маълумотлар алмашинувини ягона форматлар ва сифат талаблари асосида йўлга қўйиш, шунингдек, статистик махфийлик, шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш, киберхавфсизлик механизмлари кучайтирилади.

Хавф хатарларни олдиндан аниқлаш, баҳолаш, мониторинг қилиш ва юмшатиш ислоҳотларнинг изчиллиги ва барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

9-боб. Стратегияни амалга оширишнинг ресурс ва молиявий таъминоти

11. Стратегияда белгиланган мақсад ва вазифаларни тўлиқ, сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш учун молиявий, моддий-техник ва инсон ресурсларидан фойдаланишнинг қуйидаги тизими жорий этилади:

Стратегия доирасидаги ислоҳотлар ва лойиҳалар қуйидаги манбалар ҳисобидан молиялаштирилади:

Давлат бюджети маблағлари:

ҳар йили қабул қилинадиган Давлат дастурлари доирасида соҳавий вазирлик ва идораларга ажратиладиган мақсадли маблағлар;

халқаро молия институтлари грантлари;

Жаҳон банки билан ҳамкорликда амалга оширилаётган “Ўзбекистонда статистика тизими салоҳиятини мустаҳкамлаш” лойиҳаси доирасида ажратилган Халқаро тараққиёт уюшмасининг имтиёзли қарзи;

Осиё тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия институтларининг имтиёзли кредитлари;

БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг статистика соҳасини ривожлантиришга ва салоҳиятини оширишга йўналтирилган грант маблағлари.

Шу билан бирга Стратегияни амалга ошириш миллий статистика тизими иштирокчиларининг институционал ресурслари, ривожланиш бўйича ҳамкорлар кўмаги, техник ёрдам, лойиҳа асосида молиялаштириш ва халқаро ҳамкорликнинг бошқа воситалари орқали қўллаб-қувватланади.

Молиявий маблағлардан фойдаланишнинг шаффофлигини таъминлаш мақсадида:

барча харажатлар ва молиявий кўрсаткичлар рақамли платформадаги очиқ бошқарув тизимида акс эттирилади;

жамоатчилик назоратини ўрнатиш мақсадида маблағларнинг сарфланиши бўйича ҳар йиллик аудиторлик ва экспертлик хулосалари эълон қилиб борилади.

Ресурслардан фойдаланиш Стратегия устувор йўналишлари, амалга ошириш босқичлари, натижа кўрсаткичлари ва техник ёрдамни мувофиқлаштириш механизмлари асосида ташкил этилади.

10-боб. Стратегияни амалга оширишни мониторинг қилиш ва ҳисобдорлик тартиби

12. Стратегия ижросини мониторинг қилиш қонунийлик, холислик, очиқлик ва ишончлилик тамойиллари асосида Стратегик режалаштириш ва ривожланишнинг рақамли платформаси (кейинги ўринларда – Рақамли платформа) ҳамда “Ijro.gov.uz” тизими орқали амалга оширилади.

Мониторинг ва ҳисобот бериш механизми:

Миллий статистика қўмитаси Стратегия ва “Статистикани ривожлантириш – 2030” миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурининг (кейинги ўринларда – Дастур) бажарилишини мувофиқлаштиради, умумий мониторингни амалга оширади, умумлаштирилган ҳисоботларни тайёрлайди, Стратегиянинг самарали амалга оширилишини баҳолайди ҳамда тавсия ва кўрсатмаларни белгиланган тартибда тақдим этади;

чора-тадбирлар ижросига масъул ташкилот (идора) Дастурда белгиланган чора-тадбирларни самарали амалга оширади ва маълумотларини тайёрлайди ҳамда ҳисоботни умумлаштириш учун мувофиқлаштирувчи ташкилотга йўналтиради.

Чора-тадбирлар ижросига масъул ташкилот (идора) ҳар бир тадбир бўйича амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар, бевосита фаолият натижаси кўрсаткичлари (output) ва самарадорлик кўрсаткичлари (outcome)нинг бажарилиши ҳақида батафсил маълумот тақдим этади.

Ҳисоботда бажарилган ишларни тасдиқловчи асослантирувчи ҳужжатлар, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ишлаб чиқилган методологиялар, жорий этилган ахборот тизимлари, ўтказилган тадбирлар, сарфланган ресурслар, мавжуд муаммолар ва кейинги босқичда амалга ошириладиган ишлар тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилади.

Тақдим этиладиган маълумотлар аниқ, текшириладиган, ўлчанадиган ва белгиланган натижа кўрсаткичлари билан боғланган бўлиши зарур.

Миллий статистика қўмитаси ҳисоботни умумлаштириш учун масъул ташкилотлардан тегишли маълумотларни қабул қилади, умумлаштиради, таҳлил қилади ва ўрганишлар асосида тавсия ва кўрсатмаларни белгиланган тартибда Рақамли платформа ҳамда "Ijro.gov.uz" тизимига киритади.

Ҳар чорак якуни бўйича бевосита натижадорлик (output) ва самарадорлик (outcome) кўрсаткичлари ижроси тўғрисидаги маълумотларни ҳисобот даври сўнгги ойининг 25-санасига қадар Рақамли платформа ҳамда "Ijro.gov.uz" тизимига киритади.

Ҳар йил якуни бўйича таъсир кўрсаткичлари (impact) ижроси тўғрисидаги маълумотларни ҳисобот даври сўнгги ойининг 25-санасига қадар Рақамли платформа ҳамда "Ijro.gov.uz" тизимига киритади.

Шунингдек, мониторинг натижалар дашборди, амалга ошириш режаси, самарадорлик кўрсаткичлари, ҳисоботлар ва муҳокамалар орқали амалга оширилади.

Мониторинг жараёни "Ўзбекистон – 2030" стратегияси мақсадлари ва самарадорлик кўрсаткичларини кузатиш тизими, Барқарор ривожланиш мақсадлари индикаторлари ҳамда расмий статистика соҳасидаги миллий кўрсаткичлар билан уйғунлаштирилади. Бу Стратегия натижаларини юқори даражадаги стратегик мақсадларга қўшган ҳиссаси нуқтаи назаридан баҳолаш имконини беради.

11-боб. Стратегияни амалга ошириш самарадорлигини баҳолаш механизми

13. Стратегияни амалга ошириш самарадорлиги ички ва ташқи баҳолашлар орқали белгиланган натижа кўрсаткичлари, амалга ошириш босқичлари ва кутилаётган натижалар асосида ташкил этилади. Ташқи баҳолашлар Жаҳон банки билан ҳамкорликда амалга оширилаётган "Ўзбекистонда статистика тизими салоҳиятини мустаҳкамлаш" лойиҳаси доирасида ажратилган Халқаро тараққиёт уюшмасининг имтиёзли қарз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Оралиқ баҳолашлар ислоҳотларнинг амалга оширилиш суръати, ресурслардан фойдаланиш ҳолати, хавф-хатарлар ва эришилган натижаларни таҳлил қилишга хизмат қилади. Ушбу баҳолашлар асосида зарур тузатиш чоралари белгиланади ҳамда амалга ошириш жараёнларининг изчиллиги таъминланади.

Якуний баҳолаш 2030 йилга қадар амалга оширилган ислоҳотларнинг расмий статистика сифати, тезкорлиги, фойдаланувчилар ишончи, статистик маълумотлардан амалда фойдаланиш даражаси ва институционал барқарорликка таъсирини аниқлашга қаратилган бўлади. Шунингдек, унда Стратегиянинг асосий мақсадлари қай даражада бажарилгани, қайси ташаббуслар амалиётга мустаҳкам жорий этилгани ҳамда кейинги давр учун зарур устувор йўналишлар баҳоланади.

Баҳолаш натижалари чора-тадбирлар дастурларини янгилаш, техник ёрдамни қайта йўналтириш, статистик методология ва статистик маълумотларни эълон қилиш амалиётини такомиллаштириш, фойдаланувчилар билан ишлашни кучайтириш ҳамда миллий статистика тизими бошқарувини янада ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

12-боб. Якунловчи қоидалар

14. Мазкур Стратегия 2026–2030 йилларда Ўзбекистонда расмий статистикани янги босқичга олиб чиқиш, уни давлат бошқаруви, жамият, бизнес ва фойдаланувчилар учун ишончли, тезкор ва амалий аҳамиятга эга ахборот манбаига айлантиришга хизмат қилади.

Стратегиянинг муваффақиятли амалга оширилиши Миллий статистика қўмитаси, расмий статистикани тайёрловчилар, давлат органлари ва ташкилотлари, ривожланиш бўйича ҳамкорлар, академик доиралар, бизнес субъектлари ҳамда фойдаланувчилар ҳамжамиятининг ўзаро ҳамкорлиги ва мувофиқлаштирилган фаолиятига боғлиқ.

Мазкур Стратегия Ўзбекистонда далилларга асосланган давлат бошқаруви, ислоҳотлар мониторинги, халқаро ҳисобдорлик, очиқ маълумотлар ва жамоатчилик ишончи учун мустаҳкам асосни яратади.

“Статистикани ривожлантириш – 2030” миллий стратегиясига
илова

“Статистикани ривожлантириш – 2030” миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар ДАСТУРИ

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг мақсади ва самарадорлик кўрсаткичи:		**96-Мақсад**: Фуқароларнинг ахборотни эркин излаш, олиш ва тарқатишга доир ҳуқуқларини амалга ошириш кафолатларини янада кучайтириш.						
Стратегиянинг умумлашган ҳисоботи учун масъул ташкилот		Миллий статистика қўмитаси						
Стратегиянинг мақсади:		2030 йилга қадар ишончли, замонавий, мослашувчан, фойдаланувчига йўналтирилган ва халқаро стандартларга мувофиқ миллий статистика тизимини шакллантириш.						
Стратегиянинг таъсир кўрсаткичлари (impact)		**Ўлчов бирлиги**	**Ҳисоблаш формуласи**	**Амалдаги кўрсаткич**	**Оралиқ кўрсаткичлар**	**2030 йилдаги якуний кўрсаткич**	**Маълумот манбаи ва тақдим этишга масъул ташкилотлар**	**Маълумот тақдим этиш даврийлиги**
1.	Жаҳон банкининг Статистика самарадорлиги индекси (SPI)да Ўзбекистонни топ-50 та давлат қаторига киритиш	Ўрин	Жаҳон банкининг Статистика самарадорлиги индекси методологияси асосида	2025 йил 62 ўрин	2026 йил – 58 ўрин, 2027 йил – 55 ўрин, 2028 йил – 53 ўрин, 2029 йил – 52 ўрин	2030 йил – 50 ўрин	Миллий статистика қўмитаси (Жаҳон банки маълумотлари асосида)	Ҳисобот йили учун кейинги йилнинг декабрь ойида (йиллик)
2.	**Стратегиянинг 1-вазифаси:**	**Миллий статистика тизимини мувофиқлаштириш, барча расмий статистикани тайёрловчилар учун аниқ бошқарув механизмлари, стандартлар ва сифат кафолатларини белгилаш**						
Стратегиянинг натижа кўрсаткичлари (outcome)		**Ўлчов бирлиги**	**Ҳисоблаш формуласи**	**Амалдаги кўрсаткич**	**Оралиқ кўрсаткичлар**	**2030 йилдаги якуний кўрсаткич**	**Маълумот манбаи ва уни тақдим этишга масъул ташкилотлар**	**Маълумот тақдим этиш даврийлиги**
2.1	Расмий статистиканинг бошқа тайёрловчиларини статистик аудит билан қамраб олиш	Бирлик	Аудит ўтказилган ташкилотлар сони (кумулятив) / расмий статистикани бошқа тайёрловчилари жами сони ×100	2025 йилда аудит ўтказилмаган	2026 йил – 20%, 2027 йил – 40%, 2028 йил – 60%, 2029 йил – 80%	2030 йил – 100%	Миллий статистика қўмитасининг расмий веб-сайтидаги йил давомида ўтказилган аудитлар бўйича ҳисоботи, Миллий статистика қўмитаси, расмий статистиканинг бошқа тайёрловчилари	Ҳар йили декабрь

Чора-тадбирлар ва бевосита фаолият натижаси кўрсаткичлари (output)									
Чора-тадбирлар номи		**Чора-тадбирни амалга оширишнинг якуний натижаси**	**Ўлчов бирлиги**	**Амалдаги ҳолат (кўрсаткич)**	**Якуний ҳолат (кўрсаткич)**	**Молиялаштириш ҳажми ва манбаи**	**Чора-тадбирлар ижросига масъул ташкилот / идора**	**Маълумот манбаи ва уни тақдим этишга масъул ташкилотлар**	**Ижро муддати**
2.2	Расмий статистикани тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш	“Расмий статистика тўғрисида”ги намунавий қонун талаблари, муқобил маълумотлардан фойдаланиш ва маълумотларни бошқариш тамойиллари янги қонун лойиҳасида акс эттирилади	Ҳужжат	Амалдаги қонунчилик “Расмий статистика тўғрисида”ги намунавий қонун ва муқобил маълумотлардан фойдаланиш талабларини тўлиқ қамраб олмаган	“Расмий статистика тўғрисида”ги, “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги ва бошқа қонунларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш бўйича қонун лойиҳаси	Халқаро донорлар ва ижрочилар маблағлари	Миллий статистика қўмитаси, расмий статистиканинг бошқа тайёрловчилари	Миллий статистика қўмитаси	2028 йил декабрь
2.3	Расмий статистика тайёрловчиларида сифат бўйича ўзини баҳолаш тизимини йўлга қўйиш	Барча расмий статистика тайёрловчилари ўзини баҳолаш тизимини йўлга қўяди	Баҳолаш/ аудит	Маълумотлар сифати бўйича ўзини баҳолаш тизими йўлга қўйилмаган	Ҳар йили сифат баҳолаш ҳисоботлари шакллантирилади	Бюджет ва техник кўмак	Барча расмий статистика тайёрловчилар, Миллий статистика қўмитаси	Расмий статистиканинг бошқа тайёрловчиларининг сифат ҳисоботлари	2028 йил мартдан бошлаб
2.4	Миллий статистика қўмитаси тузилмасини халқаро тажриба асосида янгилаш	Функциялари қайта тақсимланиб, методология, сифат, регистрлар, метамаълумотлар, АТ ва фойдаланувчилар билан ишлаш бўйича масъулиятлар аниқ белгиланади	Ҳужжат	Тузилма ва функциялар замонавий статистика ишлаб чиқариш талабларига мослаштиришни талаб этади	Миллий статистика қўмитаси марказий аппаратининг янгиланган тузилмаси	Ижрочилар маблағлари	Миллий статистика қўмитаси	Миллий статистика қўмитасининг расмий веб-сайти	2027 йил январь

2.5	Давлат органлари учун маъмурий маълумотлар сифати ва стандартлари бўйича ўқув дастурларини жорий этиш	Давлат органлари ходимлари маълумотлар стандарти бўйича тайёрланади	Давлат органи	Давлат органлари учун тизимли ўқув дастурлари ташкил қилинмаган	20 та давлат органи қамраб олинади	Ижрочилар маблағлари	Вазирлик ва идоралар, Миллий статистика қўмитаси, Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти	Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институтининг расмий веб-сайти	2027 йил январь - 2030 йил декабрь
2.6	Устувор маъмурий маълумотлар тўпламлари паспортларини шакллантириш	Маъмурий тўпламлар статистик фойдаланишга тайёр ҳолга келтирилади	Фоиз	Амалда маъмурий маълумотлар тўпламларининг тўлиқ метамаълумотларга эга паспортлари мавжуд эмас	80% устувор маълумотлар тўпламлари паспортланади	Ижрочилар маблағлари	Миллий статистика қўмитаси, маъмурий маълумот етказиб берувчилар	Миллий статистика қўмитасининг расмий веб-сайти	2027 йил декабрь
3.	**Стратегиянинг 2-вазифаси:**		**Статистика соҳаларини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш**						
Стратегиянинг натижа кўрсаткичлари (outcome)			**Ўлчов бирлиги**	**Ҳисоблаш формуласи**	**Амалдаги кўрсаткич**	**Оралиқ кўрсаткичлар**	**2030 йилдаги якуний кўрсаткич**	**Маълумот манбаи ва уни тақдим этишга масъул ташкилотлар**	**Маълумот тақдим этиш даврийлиги**
3.1	Фойдаланувчилар эҳтиёжи асосида янгиланган методологиялар улушини ошириш		Фоиз	Янгиланган методологик ҳужжатлар сони / жами методологик ҳужжатлар ×100	2025 – 10%	2026 – 20%; 2027 – 35%; 2028 – 50%; 2029 – 65%	2030 – 75%	Миллий статистика қўмитаси	Ҳисобот йили учун кейинги йилнинг январь ойида (йиллик)
Чора-тадбирлар ва бевосита фаолият натижаси кўрсаткичлари (output)									
Чора-тадбирлар номи		**Чора-тадбирни амалга оширишнинг якуний натижаси**	**Ўлчов бирлиги**	**Амалдаги ҳолат (кўрсаткич)**	**Якуний ҳолат (кўрсаткич)**	**Молиялаштириш ҳажми ва манбаси**	**Чора-тадбирлар ижросига масъул ташкилот / идора**	**Маълумот манбаси ва уни тақдим этишга масъул ташкилотлар**	**Ижро муддати**
3.2	МҲТ–2025 га ўтиш чораларини кўриш	Миллий ҳисоблар тизими (МҲТ) – 2025 га босқичма-босқич ўтиш бўйича “йўл харитаси” ишлаб чиқилади	Ҳужжат	МҲТ–2025 га ўтилмаган	МҲТ–2025 га ўтиш бўйича “йўл харитаси”	Халқаро донорлар ва ижрочилар маблағлари	Миллий статистика қўмитаси, Марказий банк, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, тегишли вазирлик ва идоралар	Миллий статистика қўмитаси	2027 йил декабрь

3.3	Тўлов баланси бўйича статистикани такомиллаштириш ва амалиётга илғор тажрибаларни жорий этиш	Тўловлар балансини шакллантириш услубиёти (BPM-7)га босқичма-босқич ўтиш бўйича "йўл харитаси" ишлаб чиқилади	Ҳужжат	Интеграллашган тўлов баланси ва халқаро инвестициявий мавқе (BPM-7) қўлланмасига мувофиқ кўрсаткичларни шакллантириш йўлга қўйилмаган	BPM-7 га ўтиш бўйича "йўл харитаси"	Халқаро донорлар ва ижрочилар маблағлари	Марказий банк, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги, Миллий статистика қўмитаси, тегишли вазирлик ва идоралар	Марказий банк	2027 йил декабрь
3.4	Давлат молияси статистикасини такомиллаштириш	Давлат молияси статистикаси қўлланмаси GFSM-2014 га босқичма-босқич ўтиш бўйича "йўл харитаси" ишлаб чиқилади	Ҳужжат	Давлат молияси статистикасини GFSM-2014 талабларига мувофиқ янгилаш зарурати мавжуд	Давлат молияси статистикаси қўлланмаси GFSM-2014 га ўтиш бўйича "йўл харитаси"	Халқаро донорлар ва ижрочилар маблағлари	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Миллий статистика қўмитаси, тегишли вазирлик ва идоралар	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	2027 йил декабрь
4.	**Стратегиянинг 3-вазифаси:**		**Рақамлаштириш, "ақлли" сўровлар, регистрлар ва маъмурий маълумотлар орқали уй хўжаликлари ва бизнес учун ҳисобот юкини камайтириш**						
Стратегиянинг натижа кўрсаткичлари (outcome)			**Ўлчов бирлиги**	**Ҳисоблаш формуласи**	**Амалдаги кўрсаткич**	**Оралиқ кўрсаткичлар**	**2030 йилдаги якуний кўрсаткич**	**Маълумот манбаи ва уни тақдим этишга масъул ташкилотлар**	**Маълумот тақдим этиш даврийлиги**
4.1	Респондентлар учун статистик ҳисобот юкини камайтириш		Бирлик	Ҳисобот давридан олдинги йилдаги ҳисобот шакллари сони – қисқартирилган ҳисобот шакллари сони	2025 йил 65 та	2026 йил – 47 та 2027 йил –45 та 2028 йил – 43 та 2029 йил – 40 та	2030 йил – 38 та	Миллий статистика қўмитасининг расмий веб-сайти	Ҳисобот йили учун кейинги йилнинг март ойида (йиллик)
Чора-тадбирлар ва бевосита фаолият натижаси кўрсаткичлари (output)									
Чора-тадбирлар номи		**Чора-тадбирни амалга оширишнинг якуний натижаси**	**Ўлчов бирлиги**	**Амалдаги ҳолат (кўрсаткич)**	**Якуний ҳолат (кўрсаткич)**	**Молиялашти-риш ҳажми ва манбаси**	**Чора-тадбирлар ижросига масъул ташкилот / идора**	**Маълумот манбаси ва уни тақдим этишга масъул ташкилотлар**	**Ижро муддати**
4.2	Танлама бош режасини тайёрлаш	2026 йил аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш натижалари, геофазовий маълумотлар ва панелли кузатув ёндашувлари	Ҳужжат	Янги рўйхатга олиш натижалари асосида танлама бош режаси ишлаб чиқилмаган	Янгиланган ҳолда тасдиқланган танлама бош режаси	Халқаро донорлар ва ижрочилар маблағлари	Миллий статистика қўмитаси	Миллий статистика қўмитасининг услубий материаллар электрон кутубхонаси	2027 йил март

		асосида танлама бош режаси ишлаб чиқилади							
4.3	Статистик бизнес регистрини жорий этиш	Маъмурий манбаларни интеграция қилиш орқали статистик мақсадларда динамик статистик бизнес регистри жорий қилинади	Ахборот тизими	Динамик статистик бизнес регистри тўлиқ жорий этилмаган	Маъмурий манбаларга интеграция қилинган статистик бизнес регистри	Халқаро донорлар ва ижрочилар маблағлари	Миллий статистика қўмитаси, Адлия вазирлиги, Солиқ қўмитаси, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги	Миллий статистика қўмитасининг расмий веб-сайти, Адлия вазирлиги, Солиқ қўмитаси, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги	2027 йил сентябрь
4.4	Уй хўжаликлари танланма кузатувини такомиллаштириш	Уй хўжаликлари танланма кузатуви услубиёти такомиллаштирилиб, CATI-CAPI уйғунлашган дизайни ва панель кузатув ёндашуви жорий этилади	Ҳужжат	Уй хўжаликлари кузатувларида панель дизайн имкониятлари тўлиқ жорий этилмаган	CATI-CAPI уйғунлашган ва панель кузатув ёндашуви	Халқаро донорлар ва ижрочилар маблағлари	Миллий статистика қўмитаси	Миллий статистика қўмитасининг услубий материаллар электрон кутубхонаси	2028 йил январь
5.	**Стратегиянинг 4-вазифаси:**		**Ҳудудий ва соҳавий ривожланишни ҳамда гендер жиҳатларни мониторинг қилиш учун батафсил маълумотларни тақдим этиш**						
Стратегиянинг натижа кўрсаткичлари (outcome)			**Ўлчов бирлиги**	**Ҳисоблаш формуласи**	**Амалдаги кўрсаткич**	**Оралиқ кўрсаткичлар**	**2030 йилдаги якуний кўрсаткич**	**Маълумот манбаи ва уни тақдим этишга масъул ташкилотлар**	**Маълумот тақдим этиш даврийлиги**
5.1	Мунтазам эълон қилинадиган кўп ўлчамли индикаторлар тўпламлари сони		Бирлик	Гендер, ҳудудий ва соҳавий маълумотлар тўпламлари сони (кумулятив)	2025 – 1 та	2026 – 2 та; 2027 – 3 та; 2028 – 4 та; 2029 – 5 та	2030 – 6 та	Миллий статистика қўмитаси	Ҳисобот йили учун кейинги йилнинг февраль ойида
Чора-тадбирлар ва бевосита фаолият натижаси кўрсаткичлари (output)									
Чора-тадбирлар номи		**Чора-тадбирни амалга оширишнинг якуний натижаси**	**Ўлчов бирлиги**	**Амалдаги ҳолат (кўрсаткич)**	**Якуний ҳолат (кўрсаткич)**	**Молиялаштириш ҳажми ва манбаи**	**Чора-тадбирлар ижросига масъул ташкилот / идора**	**Маълумот манбаи ва уни тақдим этишга масъул ташкилотлар**	**Ижро муддати**
5.2	Миллий маълумотлар каталогини ишлаб чиқиш	Расмий статистика, маъмурий маълумотлар, метамаълумотлар ва маълумотлар манбалари бўйича	Ҳужжат	Маълумотлар манбалари ва метамаълумотлар бўйича ягона электрон каталог мавжуд эмас	Миллий маълумотлар каталоги	Ижрочилар маблағлари	Миллий статистика қўмитаси, Рақамли технологиялар вазирлиги, тегишли вазирлик ва идоралар	Миллий статистика қўмитасининг расмий веб-сайти	2028 йил сентябрь

		ягона электрон каталог шакллантирилади							
5.3	Касалликларнинг халқаро таснифи (ICD-11)ни жорий этиш	ICD-11 статистик жараёнларга жорий этилади	Ҳужжат	Соғлиқни сақлаш статистикасида ICD-11 жорий этилмаган	Жорий этилган касалликлар-нинг халқаро таснифи (ICD-11)	Ижрочилар маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Миллий статистика қўмитаси	Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий веб-сайти	2028 йил декабрь
5.4	Мультииндикатор кластер кузатувларини ўтказиш (MICS-7)	Оналар ва болалар тўғрисидаги батафсил маълумотлар йиғилади	Ҳужжат	Мультииндикатор кластер кузатувларининг еттинчи раунди (MICS-7) ўтказилмаган	Мультииндика-тор кластер кузатувларининг еттинчи раундини ўтказиш бўйича Вазирлар Маҳкамаси қарори	Ижрочилар маблағлари	Миллий статистика қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги	Миллий статистика қўмитасининг расмий веб-сайти, Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси	2027 йил декабрь
6.	**Стратегиянинг 5-вазифаси:**		**Маъмурий, геофазовий, мобил ва бошқа муқобил маълумотлар манбаларидан хавфсиз ва сифатли фойдаланишни кенгайтириш**						
Стратегиянинг натижа кўрсаткичлари (outcome)			**Ўлчов бирлиги**	**Ҳисоблаш формуласи**	**Амалдаги кўрсаткич**	**Оралиқ кўрсаткичлар**	**2030 йилдаги якуний кўрсаткич**	**Маълумот манбаи ва уни тақдим этишга масъул ташкилотлар**	**Маълумот тақдим этиш даврийлиги**
6.1	Расмий статистикада мунтазам қўлланадиган маъмурий маълумотлар манбаларини ошириш		Бирлик	Маъмурий маълумотларни олиш бўйича интеграциялар сони (кумулятив)	2025 – 60 та	2026 – 65 та; 2027 – 70 та; 2028 – 80 та; 2029 – 90 та	2030 – 100 та	Миллий статистика қўмитасининг расмий веб-сайти	Ҳисобот йили учун кейинги йилнинг январь ойида (йиллик)
Чора-тадбирлар ва бевосита фаолият натижаси кўрсаткичлари (output)									
Чора-тадбирлар номи		**Чора-тадбирни амалга оширишнинг якуний натижаси**	**Ўлчов бирлиги**	**Амалдаги ҳолат (кўрсаткич)**	**Якуний ҳолат (кўрсаткич)**	**Молиялашти-риш ҳажми ва манбаи**	**Чора-тадбирлар ижросига масъул ташкилот / идора**	**Маълумот манбаи ва уни тақдим этишга масъул ташкилотлар**	**Ижро муддати**
6.2	Қишлоқ хўжалиги статистикасида геофазовий маълумотлар ва сунъий интеллектдан фойдаланишни йўлга қўйиш	Мавсумий экин турлари бўйича ер майдонлари ҳақидаги маълумотларнинг муқобил манбалар билан мослигини сунъий интеллект	Ахборот тизими	Қишлоқ хўжалиги статистикасида геофазовий маълумотлар ва сунъий интеллектдан фойдаланиш даражаси чекланган	Мавсумий экин турлари бўйича ер майдонлари ҳақидаги маълумотлар-нинг муқобил манбалар билан мослигини	Халқаро донорлар ва ижрочилар маблағлари	Миллий статистика қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Кадастр агентлиги, "Ўзбеккосмос" агентлиги	Миллий статистика қўмитаси	2027 йил декабрь

		технологиялари ёрдамида аниқлаш механизмларини ўз ичига олган ахборот тизимини ишлаб чиқиш			сунъий интеллект технологиялари ёрдамида аниқлаш механизмларини ўз ичига олган ахборот тизими				
7.	**Стратегиянинг 6-вазифаси:**		**Экспериментал статистикани ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш ва ишлаб чиқаришга босқичма-босқич интеграция қилиш учун асос яратиш**						
Стратегиянинг натижа кўрсаткичлари (outcome)			**Ўлчов бирлиги**	**Ҳисоблаш формуласи**	**Амалдаги кўрсаткич**	**Оралиқ кўрсаткичлар**	**2030 йилдаги якуний кўрсаткич**	**Маълумот манбаси ва уни тақдим этишга масъул ташкилотлар**	**Маълумот тақдим этиш даврийлиги**
7.1	Ишлаб чиқилган ва синовдан ўтказилган экспериментал статистика маълумотлари сони		Бирлик	Пилот методологияси тасдиқланган ва синов ҳисоботи тайёрланган маҳсулотлар сони	Экспериментал статистика мавжуд эмас	2026 – 1 та; 2027 – 2 та; 2028 – 3 та; 2029 – 4 та	2030 – 5 та	Миллий статистика қўмитаси, Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти	Ҳисобот йили учун кейинги йилнинг январь ойида (йиллик)
Чора-тадбирлар ва бевосита фаолият натижаси кўрсаткичлари (output)									
Чора-тадбирлар номи		**Чора-тадбирни амалга оширишнинг якуний натижаси**	**Ўлчов бирлиги**	**Амалдаги ҳолат (кўрсаткич)**	**Якуний ҳолат (кўрсаткич)**	**Молиялаштириш ҳажми ва манбаи**	**Чора-тадбирлар ижросига масъул ташкилот / идора**	**Маълумот манбаи ва уни тақдим этишга масъул ташкилотлар**	**Ижро муддати**
7.2	Муқобил маълумотлар манбаларини статистик ишлаб чиқаришда синовдан ўтказиш ва жорий этиш	Мобил қурилмалар маълумотлари синовдан ўтказилади	Маълумотлар тўплами	Расмий статистикани ишлаб чиқаришда мобил қурилмалар маълумотларидан фойдаланилмайди	Мобил қурилмалар маълумотлари асосида 2 та йўналишда: аҳоли ва туризм кўрсаткичлари шакллантирилади	Халқаро донорлар ва ижрочилар маблағлари	Миллий статистика қўмитаси, Рақамли технологиялар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Телекоммуникацияларни тартибга солиш агентлиги	Миллий статистика қўмитасининг расмий веб-сайтидаги синов натижалари ҳисоботи	2030 йил декабрь

8.	Стратегиянинг 7-вазифаси:	Расмий статистиканинг тезкорлиги, аниқлиги ва таҳлилий қийматини замонавий методлар, маълумотлар илми ва сунъий интеллектдан фойдаланиш орқали ошириш						
Стратегиянинг натижа кўрсаткичлари (outcome)		Ўлчов бирлиги	Ҳисоблаш формуласи	Амалдаги кўрсаткич	Оралиқ кўрсаткичлар	2030 йилдаги якуний кўрсаткич	Маълумот манбаи ва уни тақдим этишга масъул ташкилотлар	Маълумот тақдим этиш даврийлиги
8.1	Маълумотлар илми ва сунъий интеллект асосида автоматлаштирилган статистик жараёнлар сони	Бирлик	Сунъий интеллект ва маълумотлар илми амалиётга жорий қилинган жараёнлар сони	Мавжуд эмас	2026 – 1 та; 2027 – 2 та; 2028 – 3 та; 2029 – 4 та	2030 – 5 та	Миллий статистика қўмитасининг расмий веб-сайти	Ҳисобот йили учун кейинги йилнинг январь ойида (йиллик)

Чора-тадбирлар ва бевосита фаолият натижаси кўрсаткичлари (output)								
Чора-тадбирлар номи		Чора-тадбирни амалга оширишнинг якуний натижаси	Ўлчов бирлиги	Амалдаги ҳолат (кўрсаткич)	Якуний ҳолат (кўрсаткич)	Молиялаштириш ҳажми ва манбаи	Чора-тадбирлар ижросига масъул ташкилот / идора	Маълумот манбаи ва уни тақдим этишга масъул ташкилотлар	Ижро муддати
8.2	Сунъий интеллект моделларини ўқитиш учун яроқли маълумотлар тўпламларини шакллантириш	Сунъий интеллект моделларини ўқитишга яроқли эгасизлантирилган ва машинада ўқиладиган маълумотлар тўпламлари тасдиқланади ва платформага жойлаштирилади	Маълумотлар тўплами	Сунъий интеллект учун яроқли, эгасизлантирилган ва машинада ўқиладиган маълумотлар тўпламлари етарли даражада шакллантирилмаган	Миллий маълумотлар платформасига жойлаштирилган 50 та маълумотлар тўплами	Ижрочилар маблағлари	Миллий статистика қўмитаси, Рақамли технологиялар вазирлиги, вазирлик ва идоралар	Миллий маълумотлар платформаси, Миллий статистика қўмитаси, Рақамли технологиялар вазирлиги	2028 йил июнь
8.3	Маълумотлар хавфсизлиги ва эгасизлантириш механизмларини жорий этиш	Миллий маълумотлар платформасида шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш, маълумотларни эгасизлантириш, ролларга асосланган кириш ҳуқуқи, хавфсиз API ва “дизайн бўйича махфийлик” тамойили асосида	Маълумотлар тўплами	Миллий маълумотлар платформасида маълумотлар хавфсизлиги, эгасизлантириш ва кириш ҳуқуқларини бошқариш механизмлари тўлиқ жорий этилмаган	Шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш, эгасизлантириш, ролларга асосланган кириш ҳуқуқи ва хавфсиз API механизмлари жорий этилади	Ижрочилар маблағлари	Рақамли технологиялар вазирлиги, Миллий статистика қўмитаси, Киберхавфсизлик маркази, Адлия вазирлиги	Миллий маълумотлар платформаси, Рақамли технологиялар вазирлиги, Миллий статистика қўмитаси	2027 йил октябрь

		махфийликни таъминлаш механизмлари жорий этилади							
9.	**Стратегиянинг 8-вазифаси:**		**Замонавий тарқатиш воситалари, инфографика, маълумотлар саводхонлиги ва фойдаланувчилар билан мулоқотни кучайтириш.**						
Стратегиянинг натижа кўрсаткичлари (outcome)			**Ўлчов бирлиги**	**Ҳисоблаш формуласи**	**Амалдаги кўрсаткич**	**Оралиқ кўрсаткичлар**	**2030 йилдаги якуний кўрсаткич**	**Маълумот манбаи ва уни тақдим этишга масъул ташкилотлар**	**Маълумот тақдим этиш даврийлиги**
9.1	Фойдаланувчилар қаноат ҳосил қилиши ва расмий статистикага ишончи даражасини ошириш		фоиз	Ижобий баҳолаган респондентлар / сўровда қатнашганлар ×100	2026 – базавий сўров натижаси бўйича аниқлаш-тирилади	2026 – базавий сўров натижаси; 2027 –+5 ф.б.; 2028 – +10 ф.б.; 2029 – +15 ф.б.	2030 – +20 ф.б. ёки камида 80%	Миллий статистика қўмитасининг расмий веб-сайти	Ҳисобот йили учун кейинги йилнинг март ойида (йиллик)
Чора-тадбирлар ва бевосита фаолият натижаси кўрсаткичлари (output)									
Чора-тадбирлар номи		**Чора-тадбирни амалга оширишнинг якуний натижаси**	**Ўлчов бирлиги**	**Амалдаги ҳолат (кўрсаткич)**	**Якуний ҳолат (кўрсаткич)**	**Молиялашти-риш ҳажми ва манбаи**	**Чора-тадбирлар ижросига масъул ташкилот / идора**	**Маълумот манбаи ва уни тақдим этишга масъул ташкилотлар**	**Ижро муддати**
9.2	Расмий статистикадан фойдаланувчиларнинг қониқиш даражаси ва ишончи бўйича йиллик сўров ўтказиш	Қайта алоқа натижалари статистик маҳсулотларни яхшилашда қўлланади	Сўров	Фойдаланувчилар қаноат ҳосил қилиши ва ишончи бўйича сўров тизимли эмас	Ҳар йили камида бир маротаба сўров ўтказилади	Ижрочилар маблағлари	Миллий статистика қўмитаси	Миллий статистика қўмитасининг расмий веб-сайти	Ҳисобот йили учун кейинги йилнинг апрель ойида (йиллик)
9.3	Фойдаланувчилар билан ишлашни кенгайтириш	Фуқаролар, тадқиқотчилар ва бошқа фойдаланувчилар билан доимий алоқа каналлари яратилади ҳамда ҳар йили фойдаланувчилар конференцияси ўтказилади	Тадбир	Фойдаланувчилар билан мулоқот каналлари ва йиллик конференциялар тизимли йўлга қўйилмаган	Йилига бир мартадан Расмий статистикадан фойдаланувчи-лар конференцияси ўтказилади	Ижрочилар маблағлари	Миллий статистика қўмитаси, Оммавий ахборот воситалари учун контент тайёрлаш маркази	Миллий статистика қўмитасининг расмий веб-сайти	Ҳар йили декабрь ойида (йиллик)

9.4	Таълим муассасаларида маълумот саводхонлигини ошириш мақсадида статистик танловлар ташкил этиш	Таълим муассасаларида статистик танловлар (статистик иншо, диктант, олимпиада ва стипендиялар)ни ташкил этиш	Тадбир	Таълим муассасаларида статистик танловлар тизимли йўлга қўйилмаган	Йилига бир мартадан маълумот саводхонлигини оширишга қаратилган статистик танловлар ўтказилади	Ижрочилар маблағлари	Миллий статистика қўмитаси, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги	Миллий статистика қўмитасининг расмий веб-сайти	Ҳисобот йили учун кейинги йилнинг апрель ойида (йиллик)
10.	**Стратегиянинг 9-вазифаси:**		**Очиқ маълумотлар, маълумотлардан қайта фойдаланиш экотизими ва фойдаланувчилар учун рақамли хизматларни ривожлантириш**						
Стратегиянинг натижа кўрсаткичлари (outcome)			**Ўлчов бирлиги**	**Ҳисоблаш формуласи**	**Амалдаги кўрсаткич**	**Оралиқ кўрсаткичлар**	**2030 йилдаги якуний кўрсаткич**	**Маълумот манбаи ва уни тақдим этишга масъул ташкилотлар**	**Маълумот тақдим этиш даврийлиги**
10.1	ODIN халқаро очиқ маълумотлар рейтингида баҳони яхшилаш		Балл	Open Data Watch ташкилотининг услубияти асосида ҳар икки йилда бир маротаба	2024 йил - 83 балл	2026 йил – 84 балл 2028 йил – 85 балл	2030 йил – 86 балл	Миллий статистика қўмитасининг расмий веб-сайти, Open data watch ташкилотининг Очиқ маълумотлар рейтинги (Open Data Inventory - ODIN) эълон қилинадиган веб-сайти	Ҳисобот йили учун кейинги йилнинг декабрь ойида (йиллик)
Чора-тадбирлар ва бевосита фаолият натижаси кўрсаткичлари (output)									
Чора-тадбирлар номи		**Чора-тадбирни амалга оширишнинг якуний натижаси**	**Ўлчов бирлиги**	**Амалдаги ҳолат (кўрсаткич)**	**Якуний ҳолат (кўрсаткич)**	**Молиялашти-риш ҳажми ва манбаи**	**Чора-тадбирлар ижросига масъул ташкилот / идора**	**Маълумот манбаи ва уни тақдим этишга масъул ташкилотлар**	**Ижро муддати**
10.2	Очиқ маълумотлардан қайта фойдаланиш экотизимини ривожлантириш	Open Data Day, хакатонлар, амалий тренинглар ва фойдаланувчилар билан фикр алмашиш механизмлари орқали академик доиралар, ОАВ, фуқаролик жамияти ва	Тадбир	Очиқ маълумотлардан қайта фойдаланиш бўйича мунтазам тадбирлар ва фойдаланувчи фикрини ўрганиш тизими етарли даражада шаклланмаган	Ҳар йили очиқ маълумотлар бўйича камида битта амалий тадбир ўтказилади ва фойдаланувчи-лар таклифлари маълумотлар устуворлигини белгилашда	Халқаро донорлар ва ижрочилар маблағлари	Миллий статистика қўмитаси, Рақамли технологиялар вазирлиги, фуқаролик жамияти институтлари	Миллий статистика қўмитасининг расмий веб-сайти, Ўзбекистон Республикаси очиқ маълумотлар портали	Ҳисобот йили учун кейинги йилнинг март ойида (йиллик)

		хусусий сектор иштирокида маълумотлардан қайта фойдаланиш қўллаб-қувватланади			инобатга олинади				
10.3	Давлат органлари ва ташкилотларининг очиқ маълумотлар соҳасидаги фаолияти рейтингини жорий этиш	Давлат органлари ва ташкилотларининг очиқ маълумотлар тўпламларини эълон қилиш, янгилаш, сифатини таъминлаш, метамаълумотлар билан тўлдириш ва қайта фойдаланишга яроқлилигини баҳолаш бўйича рейтинг тизими жорий этилади	Рейтинг	Вазирлик ва идоралар кесимида очиқ маълумотлар сифати, долзарблиги ва қайта фойдаланишга яроқлилигини баҳолайдиган рейтинг тизими мавжуд эмас	Очиқ маълумотлар рейтинги методологияси тасдиқланади ҳамда 2027 йил 1 январдан бошлаб рейтинг натижалари ҳар чоракда эълон қилиб борилади	Ижрочилар маблағлари	Миллий статистика қўмитаси, Рақамли технологиялар вазирлиги	Ўзбекистон Республикаси очиқ маълумотлар портали	Ҳисобот даври учун кейинги чоракнинг учинчи ойида (чораклик)
11.	**Стратегиянинг 10-вазифаси:**		**Халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва кадрлар салоҳиятини ошириш**						
Стратегиянинг натижа кўрсаткичлари (outcome)			**Ўлчов бирлиги**	**Ҳисоблаш формуласи**	**Амалдаги кўрсаткич**	**Оралиқ кўрсаткичлар**	**2030 йилдаги якуний кўрсаткич**	**Маълумот манбаси ва уни тақдим этишга масъул ташкилотлар**	**Маълумот тақдим этиш даврийлиги**
11.1	Халқаро ўқув дастурлари, тренинг ва семинарларда ходимлар малакасини ошириш		Нафар	Малака оширган ходимлар сони (кумулятив)	2025 – 50 нафар	2026 – 75 нафар; 2027 – 100 нафар; 2028 – 125 нафар; 2029 – 150 нафар	2030 – 175 нафар	Миллий статистика қўмитасининг расмий веб-сайти	Ҳисобот йили учун кейинги йилнинг март ойида
11.2	Миллий статистика қўмитаси марказий аппаратининг маълумотлар таҳлили бўйича кўникмаларга эга бўлган ходимлари улушини ошириш		Фоиз	Маълумотлар таҳлили бўйича ўқув курсларини муваффақиятли тамомлаган ва амалий кўникмаларга эга ходимлар сони / Миллий статистика	2025 йил – 20%	2026 йил – 30%; 2027 йил – 40%; 2028 йил – 50%; 2029 йил – 55%	2030 йил – 60%	Миллий статистика қўмитасининг расмий веб-сайти, Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар	Ҳисобот йили учун кейинги йилнинг март ойида (йиллик)

			қўмитаси марказий аппарати ходимлари умумий сони × 100 (кумулятив)				институти маълумотлари	
Чора-тадбирлар ва бевосита фаолият натижаси кўрсаткичлари (output)								
Чора-тадбирлар номи		**Чора-тадбирни амалга оширишнинг якуний натижаси**	**Ўлчов бирлиги**	**Амалдаги ҳолат (кўрсаткич)**	**Якуний ҳолат (кўрсаткич)**	**Молиялашти-риш ҳажми ва манбаси**	**Чора-тадбирлар ижросига масъул ташкилот / идора**	**Маълумот манбаси ва уни тақдим этишга масъул ташкилотлар**	**Ижро муддати**
11.3	Кўп йиллик икки томонлама ҳамкорлик меморандумлари ва дастурларини йўлга қўйиш	Илғор статистика органлари билан методология, АТ, регистрлар ва маълумотларни тарқатиш соҳаларида кўп йиллик ҳамкорлик дастурлари амалга оширилади	Тадбир	Илғор статистика органлари билан ҳамкорликни кенгайтириш зарурати мавжуд	Ҳар йили биттадан имзоланган икки томонлама ҳамкорлик меморандуми	Халқаро донорлар ва ижрочилар маблағлари	Миллий статистика қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги	Миллий статистика қўмитасининг расмий веб-сайти	Ҳисобот йили учун кейинги йилнинг январь ойида (йиллик)
11.4	Халқаро ташкилотларнинг йилига 5 тадан техник кўмакларини жалб қилиш	Статистика соҳаларини халқаро стандартларга мослаштириш ва такомиллаштириш мақсадида техник кўмаклар жалб қилинади	Тадбир	Статистика соҳаларини халқаро стандартларга мослаштиришни жадаллаштириш зарурати мавжуд	Ҳар йили 5 тадан халқаро ташкилотлар-нинг техник кўмаги жалб қилинади	Халқаро донорлар ва ижрочилар маблағлари	Миллий статистика қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги	Миллий статистика қўмитасининг расмий веб-сайти	Ҳисобот йили учун кейинги йилнинг январь ойида (йиллик)
11.5	Ташқи аудитни ўтказиш	Устувор статистик маҳсулотлар ва ислоҳот йўналишлари бўйича мустақил тармоқ баҳолашлари ўтказилади	Тадбир	Устувор статистик маҳсулотлар ва ислоҳот йўналишлари бўйича ташқи баҳолаш амалиёти етарли даражада тизимлаштирилмаган	Мустақил тармоқ баҳолаши ва ташқи аудит ҳисоботи	Халқаро донорлар ва ижрочилар маблағлари	Миллий статистика қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги	Миллий статистика қўмитасининг расмий веб-сайти	2029 йил декабрь

11.6	Маълумотларга асосланган бошқарув ва саводхонлик бўйича малака ошириш тизимини жорий этиш	Вазирлик ва идоралар, бизнес вакиллари, статистика органлари ходимлари, ОАВ, тадқиқотчилар, талабалар ва бошқа фойдаланувчилар учун маълумотлардан фойдаланиш, маълумотлар сифати, бизнес таҳлил, маълумотлар журналистикаси ва визуализация бўйича мақсадли ўқув модулларини қамраб олган маълумотларга асосланган бошқарув мактаби малака ошириш тизими жорий этилади	ўқув курслари	Маълумотларга асосланган бошқарув ва маълумотлар саводхонлиги бўйича турли фойдаланувчи гуруҳларига мўлжалланган мақсадли малака ошириш тизими тўлиқ шакллантирилмаган	Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институтида маълумотларга асосланган бошқарув мактаби малака ошириш тизими жорий этилади ҳамда камида 4 та мақсадли ўқув модули ишлаб чиқилади	Ижрочилар маблағлари, халқаро донорлар ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар	Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти, Миллий статистика қўмитаси, тегишли вазирлик ва идоралар	Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институтининг расмий веб-сайти	2027 йил

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 10 сентябрдаги ПФ–190-сон Фармонига
2-илова

Миллий статистика тизими самарадорлигини ошириш бўйича “ЙЎЛ ХАРИТАСИ”

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
1. Миллий статистика тизимининг ҳуқуқий, ташкилий ва услубий асосларини такомиллаштириш				
1.	Давлат органлари ва ташкилотларида маълумотлар бошқарувчиларини тайинлаш.	1. Амалдаги раҳбар ўринбосарларидан бирига маълумотларни бошқариш бўйича ўринбосар ваколатларини юклатиш бўйича буйруқ қабул қилиш ва уларнинг вазифаларини белгилаш. 2. Маълумотлар бошқарувчиларининг Маълумотларни бошқариш комиссияси йиғилишларида иштирокини таъминлаш.	2026 йил декабрь Доимий	Миллий статистика қўмитаси, давлат органлари ва ташкилотлари
2.	Беш йиллик кадрлар сиёсатини тасдиқлаш.	Ишга қабул қилиш, компетенциялар, мотивация, ходимлар ҳаракатчанлиги ҳамда этикани қамраб олувчи Миллий статистика қўмитасининг стратегик инсон ресурслари сиёсатини қабул қилиш.	2026 йил декабрь	Миллий статистика қўмитаси, Бошқарув самарадорлиги агентлиги
3.	Миллий сифатни таъминлаш асосларини яратиш.	1. БМТнинг миллий сифатни таъминлаш асосларига мувофиқ миллий сифат сиёсатини қабул қилиш. 2. Маълумотларни тақдим этиш тартиби, муддатлари, форматлари, сифатини баҳолаш, махфийликни таъминлаш ва идоралараро ҳамкорлик механизмларини белгилаб берувчи маъмурий маълумотлардан расмий статистика мақсадларида фойдаланиш қоидаларини ишлаб чиқиш.	2026 йил декабрь 2027 йил март	Миллий статистика қўмитаси, Адлия вазирлиги
4.	Муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) тизимини ислоҳ қилиш.	Натижадорлик, жамоавий иш, ўрганиш ва фойдаланувчиларга хизмат кўрсатишни рағбатлантириш мақсадида Миллий статистика қўмитаси тизимидаги ходимлар фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI)ни ва баҳолаш жараёнларини қайта кўриб чиқиш.	2027 йил январь	Миллий статистика қўмитаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Бошқарув самарадорлиги агентлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
2. Миллий статистика тизимининг инфратузилмасини такомиллаштириш				
5.	Аҳолининг статистик регистрини яратиш.	Маъмурий манбаларни интеграция қилиш орқали аҳоли регистрини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.	2027 йил декабрь	Миллий статистика қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги
6.	Қишлоқ хўжалигининг статистик регистрини ишлаб чиқиш.	Қишлоқ хўжалиги субъектларини ва ердан фойдаланиш маълумотларини қамраб оладиган қишлоқ хўжалиги регистрини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.	2027 йил декабрь	Миллий статистика қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Кадастр агентлиги, “Ўзбеккосмос” агентлиги
7.	Расмий статистиканинг бошқа тайёрловчилари статистик салоҳиятини ошириш.	Статистик маълумотлар тайёрлашда иштирок этувчи вазирликлар ва бошқа давлат органларининг моддий-техника базасини кучайтириш. Заруратга кўра, замонавий дастурий таъминот ва АКТ жиҳозларини, шу жумладан, сервер ускуналарини харид қилиш.	2029 йил декабрь	Миллий статистика қўмитаси, расмий статистикани бошқа тайёрловчилари
3. Замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш				
8.	Расмий статистикада ижтимоий-демографик маъмурий маълумотлардан фойдаланишни кенгайтириш.	Миллий статистика қўмитаси учун “Ягона миллий меҳнат тизими” ИДАК ва Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маълумотлари, шунингдек, ногиронлик ва таълимга оид индивидуал маълумотларни онлайн олиш имкониятини яратиш.	2027 йил июнь	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Ижтимоий ҳимоя

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
				миллий агентлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Миллий статистика қўмитаси
9.	Тадқиқотчилар учун микромаълумотларга кириш моделини ишга тушириш.	Ўзбекистон бўйича эгасизлантирилган микромаълумотлардан тадқиқот мақсадларида фойдаланиш моделини жорий этиш. Бунда эгасизлантирилган индивидуал маълумотларга босқичли кириш бўйича ҳуқуқий ва операцион механизмларни тасдиқлаш.	2029 йил декабрь	Миллий статистика қўмитаси, Адлия вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
4. Тармоқлар статистикасини такомиллаштириш				
10.	Хизматлар статистикаси қамровини кенгайтириш.	1. Бозор хизматлари, рақамли хизматлар, транспорт, логистика, АКТ, профессионал хизматлар ва дам олишга оид статистик ҳисобни юритишни такомиллаштириш. 2. Бозор хизматларини баҳолаш усулларини янгилаш ҳамда муқобил манбалар маълумотларидан фойдаланишга ўтиш.	2027 йил сентябрь	Миллий статистика қўмитаси, Рақамли технологиялар вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Солиқ қўмитаси, Марказий банк, тегишли вазирлик ва идоралар
11.	Транспорт статистикасини такомиллаштириш.	1. Транспорт соҳасига оид маълумотларни халқаро экспертлар иштирокида хатловдан ўтказиш. 2. Транспортга оид мавжуд маъмурий ва бошқа маълумотлар асосида расмий статистикани шакллантириш услубиётини ишлаб чиқиш. 3. Транспорт соҳасига оид маълумотлар алмашинувини электрон шаклда, интеграция қилинган ахборот тизимлари орқали амалга ошириш.	2027 йил март 2027 йил сентябрь 2027 йил декабрь	Миллий статистика қўмитаси, Транспорт вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Марказий банк, тегишли вазирлик ва идоралар

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
		4. Турли маълумот манбаларига асосланган транспортга оид расмий статистикани эълон қилиш амалиётини йўлга қўйиш.	2028 йил март	
12.	Қурилиш ва инвестициялар статистикасини такомиллаштириш.	Рухсатномалар, лойиҳалар реестрлари, маъмурий манбаларни қурилиш ва инвестициялар статистикасига интеграция қилиш. Қуйидаги вазирликларнинг мавжуд ахборот тизимлари орқали маълумотларни Миллий статистика қўмитасига тақдим этиш: Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги – шакллантириладиган қурилиш объектларининг геолокацияси, манзили, тури, қиймати, қурилиш муддатлари, рухсатнома ва фойдаланишга қабул қилиш маълумотлари ва бошқалар. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги – ахборот тизимларида мавжуд ижтимоий соҳа объектларининг лойиҳа қуввати, лойиҳа қиймати, молиялаштириш манбалари, маблағларнинг ўзлаштирилиши, қурилиш ҳолати ва фойдаланишга топширилиши. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги – ҳисоби олиб бориладиган лойиҳаларнинг умумий қиймати, ишга туширилган қувватлар ва бошқа кўрсаткичлар тўғрисидаги маълумотлар.	2027 йил декабрь	Миллий статистика қўмитаси, Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги
13.	Ташқи савдо статистикасини такомиллаштириш.	1. Божхона ва бошқа маъмурий маълумотлардан самарали фойдаланиш, экспорт-импорт кўрсаткичларини шакллантириш методологиясини халқаро товарлар савдоси статистикаси бўйича халқаро стандартлар ва тавсияларга мувофиқ янгилаш. 2. Маълумотларни текшириш, таққослаш ва валидация қилиш механизмларини кучайтириш орқали ташқи савдо статистикасининг тўлиқлиги, тезкорлиги, ишончлилиги ва халқаро таққосланувчанлигини ошириш.	2028 йил декабрь	Миллий статистика қўмитаси, Божхона қўмитаси, Марказий банк

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
14.	Саноат статистикасини такомиллаштириш.	Саноат ишлаб чиқариши, маҳсулот турлари ва корхоналар фаолияти бўйича кўрсаткичларни халқаро стандартлар ва таснифларга мувофиқ янгилаш, энергия сарфи бўйича маъмурий маълумотлар билан таққослаш ва валидация қилиш механизмларини кучайтириш.	2028 йил декабрь	Миллий статистика қўмитаси, Энергетика вазирлиги
15.	Пул-кредит статистикасини такомиллаштириш.	1. Пул агрегатлари, кредитлар, депозитлар, фоиз ставкалари ва молиявий сектор кўрсаткичларини халқаро стандартлар ва тавсияларга мувофиқ қайта кўриб чиқиш. 2. Марказий банк ва бошқа молиявий ташкилотлар маълумотлари билан интеграция ва валидация қилиш механизмларини кучайтириш орқали пул-кредит статистикасининг ишончлилиги, тезкорлиги ва халқаро таққосланувчанлигини ошириш.	2029 йил декабрь	Марказий банк, Миллий статистика қўмитаси
16.	Соғлиқни сақлаш статистикасида хусусий сектор қамровини кенгайтириш.	1. Хусусий сектордаги тиббиёт ташкилотлари томонидан соғлиқни сақлаш соҳасига оид маъмурий ҳисоботларни Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш. 2. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан хусусий тиббиёт ташкилотларидан статистика ҳисоботларини марказлашган ҳолда йиғиш, текшириш ва умумлаштириш механизмини жорий этиш. 3. Йиғилган маълумотлардан расмий статистика маълумотларини шакллантиришда фойдаланиш учун Миллий статистика қўмитаси билан маълумот алмашинувини йўлга қўйиш.	2026 йил декабрь 2027 йил июнь 2027 йил декабрь	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Миллий статистика қўмитаси
17.	Меҳнат статистикасини такомиллаштириш.	1. Халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда ишчи кучи кузатувини институционал ва операцион жиҳатдан такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш. 2. Касблар бўйича ягона миллий меҳнат тизими ва солиқ маълумотларини стандартлаштириш. Бунда меҳнат кўрсаткичлари, даромад солиғи бўйича ёзувларни	2027 йил январь	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Миллий статистика қўмитаси, Иқтисодиёт ва молия

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
		Машғулотларнинг миллий классификаторидан фойдаланган ҳолда шакллантириш ва юритишни тўлиқ таъминлаш. 3.Бандлик, ишсизлик, тўлиқ бўлмаган бандлик, меҳнат ресурсларидан тўлиқ фойдаланмаслик ва ишчи кучига киритилмаган шахслар тушунчаларини Меҳнат статистикалари халқаро конференцияси (ICLS) резолюциялари ва Халқаро меҳнат ташкилоти тавсияларига мувофиқ такомиллаштириш.	2028 йил июнь	вазирлиги, Солиқ қўмитаси Миллий статистика қўмитаси, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги
18.	Атроф-муҳит статистикасини такомиллаштириш.	1. Атроф-муҳит статистикасини ривожлантириш қўлланмаси (FDES 2013) ва Атроф-муҳит ва иқтисодиёт ҳисоблари тизими (SEEA) халқаро стандартларини босқичма-босқич жорий этиш бўйича “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш. 2. Атроф-муҳит, иқлим ўзгариши, сув ресурслари, ердан фойдаланиш, чиқиндилар, ҳаво сифати ва табиий ресурслар бўйича асосий кўрсаткичларни халқаро стандартлар, жумладан, SEEA ва SDG кўрсаткичлари талабларига мувофиқ қайта кўриб чиқиш.	2027 йил январь 2027 йил декабрь	Миллий статистика қўмитаси, Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
19.	Инновациялар бўйича кузатувларни такомиллаштириш.	1. Корхоналарнинг инновацион фаолияти, янги маҳсулот ва жараёнлар, тадқиқот ва ишланмалар, рақамли технологиялардан фойдаланиш ҳамда инновация харажатлари бўйича кўрсаткичларни халқаро тавсиялар, жумладан, Осло қўлланмаси ва бизнес инновациялари кузатувлари бўйича UNECE тавсияларига мувофиқ янгилаш. 2. Маълумотларни йиғиш, валидация қилиш ва таҳлил қилиш механизмларини кучайтириш орқали инновациялар статистикасининг долзарблиги ва халқаро таққосланувчанлигини ошириш.	2028 йил январь	Миллий статистика қўмитаси, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
20.	Мультииндикатор кластер кузатувининг 7-раундини ўтказиш.	Ўзбекистон Республикасида болалар ва аёллар ҳолатини халқаро даражада баҳолаш, ижтимоий соҳалар бўйича ишончли ва таққосланувчан маълумотларни шакллантириш мақсадида мультииндикатор кластер кузатувининг 7-раундини ўтказиш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2026 йил сентябрь	Миллий статистика қўмитаси, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, тегишли вазирлик ва идоралар
5. Очиқ маълумотлар соҳасини янада ривожлантириш				
21.	Миллий маълумотлар платформаси (кейинги ўринларда – Платформа) доирасида белгиланган вазифаларни бажариш учун лойиҳа офисини ташкил этиш.	1. Рақамли ҳукумат марказининг Ахборот-таҳлил лойиҳа офиси доирасида Очиқ маълумотлар билан ишлаш бўйича лойиҳа офисини ташкил этиш. 2. Миллий статистика қўмитасига Платформа фаолиятини мувофиқлаштириш, маълумотлар тўпламларини юритиш, янгилаш ва сифатни назорат қилиш, шунингдек, метамаълумотларни яратиш ва тизимлаштириш учун Очиқ маълумотлар билан ишлаш бўйича лойиҳа офиси доирасида 4 штат бирлигини бириктириш. 3. Очиқ маълумотлар билан ишлаш бўйича лойиҳа офисини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш ва зарур меҳнат шароитини яратиш.	2026 йил декабрь	Рақамли технологиялар вазирлиги Миллий статистика қўмитаси
22.	Очиқ маълумотлар рейтингини жорий этиш.	Давлат органлари ва ташкилотлари учун Очиқ маълумотлар рейтингини жорий этиш.	2026 йил декабрь	Миллий статистика қўмитаси, Рақамли технологиялар вазирлиги, давлат органлари ва ташкилотлари

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
23.	Платформани ишлаб чиқиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.	1. Давлат органлари маълумотлар базаларини ягона архитектура асосида интеграция қилиш. Бунда Платформа орқали очиқ, маъмурий, статистик, геофазовий ва эгасизлантирилган микромаълумотлардан ягона кириш нуқтаси орқали фойдаланиш имкониятини яратиш. 2. Платформанинг техник архитектураси, маълумотлар оқими, ахборот тизимлари билан интеграция қилиш тартиби, API, идентификаторлар, классификаторлар, метамаълумотлар ва фойдаланувчи роллари бўйича талабларни тасдиқлаш. 3. Маълумотларни форматлаш, паспортлаш, метамаълумотлар, классификаторлар, идентификаторлар, эгасизлантириш, версиялаш, API барқарорлиги, сифат назорати ва синтетик маълумотлардан фойдаланиш талабларини белгилайдиган миллий маълумотлар стандартини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2027 йил июнь 2027 йил июнь 2027 йил декабрь	Рақамли технологиялар вазирлиги, Миллий статистика қўмитаси, давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг маълумотларни бошқариш бўйича ўринбосарлари Миллий статистика қўмитаси, Рақамли технологиялар вазирлиги, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Адлия вазирлиги
24.	Давлат органлари маълумотлар тўпламларини Платформага интеграция қилиш.	1. Халқаро тажриба асосида Платформасида эълон қилинадиган 50 та микромаълумотлар тўплами рўйхатини шакллантириш, уларни порталга жойлаштириш бўйича муддатлар ва масъулларни кўрсатган ҳолда тармоқ жадвалини тасдиқлаш учун Республика статистика кенгашига киритиш. 2. Давлат органлари ва ташкилотларидаги маълумотлар тўпламларини хатловдан ўтказиш, устувор маълумотлар тўпламларини аниқлаш ҳамда уларни ягона форматлар, классификаторлар, идентификаторлар ва метамаълумотлар асосида Платформага босқичма-босқич интеграция қилиш.	2026 йил декабрь 2027–2028 йиллар	Маълумотларни бошқариш комиссияси

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
25.	Миллий маълумотлар каталогини Платформа доирасида юритиш ҳамда API-сервислар ва версиялаш тизимини жорий этиш.	1. Платформада маълумотлар тўпламларининг ягона каталогини шакллантириш, унда маълумот эгаси, янгиланиш даврийлиги, формати, метамаълумотлар, кириш шартлари, сифат ҳолати ва қайта фойдаланиш имкониятларини акс эттириш.	2027 йил июнь	Миллий статистика қўмитаси, Рақамли технологиялар вазирлиги, давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг маълумотларни бошқариш бўйича ўринбосарлари
		2. Маълумотлардан автоматлаштирилган фойдаланиш учун барқарор API-сервисларни ишга тушириш, API версияларини сақлаш, маълумотлар тузилмаси ўзгарганда мавжуд интеграцияларни бузмаслик ва ташқи фойдаланувчилар учун техник ҳужжатларни эълон қилиш.	2027 йил июнь	Рақамли технологиялар вазирлиги, Миллий статистика қўмитаси
26.	Платформада BI-таҳлил, дашбордлар ва визуализация воситаларини жорий этиш ҳамда геомаълумотлар ва координатали маълумотлар тўпламларини жойлаштириш.	1. Иқтисодиёт, бандлик, ижтимоий ҳимоя, молия, қишлоқ хўжалиги, ҳудудий ривожланиш, гендер, БРМ ва атроф-муҳит бўйича интерактив дашбордлар, визуал таҳлил воситаларини ишлаб чиқиш. 2. Қишлоқ хўжалиги, инфратузилма, транспорт, экология, аҳоли пунктлари ва ҳудудий ривожланиш бўйича координатали маълумотлар тўпламлари, GIS қатламлари ва интерактив хариталарни шакллантириш ва Платформа орқали тақдим этиш.	2027–2028 йиллар	Миллий статистика қўмитаси, Рақамли технологиялар вазирлиги, Кадастр агентлиги, “Ўзбеккосмос” агентлиги, давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг маълумотларни бошқариш бўйича ўринбосарлари

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
27.	Платформа билан ишлаш бўйича кадрлар салоҳиятини ошириш.	Маълумотларни бошқариш бўйича ўринбосарлар, АТ ходимлари ва соҳа мутахассислари учун маълумотлар сифати, метамаълумотлар, API ва сунъий интеллектга яроқли маълумотлар бўйича ўқув курсларини ташкил этиш.	2027 йил июлдан бошлаб	Миллий статистика қўмитаси, Рақамли технологиялар вазирлиги, давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг маълумотларни бошқариш бўйича ўринбосарлари
6. Кадрлар салоҳиятини ошириш ва халқаро ҳамкорликни кенгайтириш				
28.	Расмий статистиканинг бошқа тайёрловчиларини статистика қонунчилиги бўйича ўқитиш.	“Расмий статистика тўғрисида”ги Қонун, расмий статистиканинг асосий принциплари ва мувофиқлаштириш тартиб-таомиллари бўйича тизим миқёсида ўқув курсларини ўтказиш.	2027 йил декабрь	Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти, расмий статистиканинг бошқа тайёрловчилари
29.	Талабалар илмий тадқиқотларини қўллаб-қувватлаш.	Миллий статистиканинг устувор йўналишлари бўйича талабалар тадқиқотлари ва диссертацияларига молиявий, техник ва менторлик кўмагини кўрсатиш. Талабалар танловлари ва кичик грантларни ташкил этиш, тадқиқотларнинг амалий ва статистик муаммоларга мослигини таъминлаш.	2030 йил декабрь	Миллий статистика қўмитаси, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
30.	Қисқа муддатли магистрлик ва сертификатлаш дастурларида ходимлар малакасини ошириш.	Миллий статистика қўмитаси ходимлари учун хорижда ёки масофавий шаклда қисқа муддатли (бир йилгача бўлган) магистрлик ва сертификатлаш дастурларини ташкил қилиш.	2030 йил декабрь	Миллий статистика қўмитаси, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
31.	Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институтида Маълумотларга асосланган бошқарув мактабини ташкил этиш.	1. “Coursera” таълим платформасида давлат хизматчилари учун маълумотларни бошқариш, таҳлил қилиш, сунъий интеллект ва далилларга асосланган қарор қабул қилиш бўйича сертификатли онлайн ўқув дастурларини жорий этиш. 2. Миллий статистика қўмитаси тизими ходимларини етакчи хорижий илмий ва таълим муассасаларида статистика, маълумотлар таҳлили ва рақамли технологиялар бўйича магистратура дастурлари асосида ҳамда қисқа муддатли мақсадли ўқув курсларида ўқитишни ташкил қилиш. 3. Белгиланган мавзулар доирасида онлайн ўқув курсларини муваффақиятли тамомлаган статистика органлари ходимларига қилинган харажатларни қоплаб бериш ҳамда сертификатларга мувофиқ рағбатлантириш механизмини жорий этиш.	2027 йил январь 2027 йил сентябрь 2028 йил январь	Миллий статистика қўмитаси, Рақамли технологиялар вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 10 сентябрдаги ПФ–190-сон Фармонига
3-илова

Рўйхатга олиш натижалари ва қишлоқ хўжалиги ерларига оид мавжуд идоравий маълумотлар базалари ўртасидаги тафовутларга аниқлик киритиш ва ўзаро бирхиллаштириш бўйича идоралараро ишчи гуруҳ ТАРКИБИ

1.	Б.С. Ҳамраев	–	Миллий статистика қўмитаси раиси, *Ишчи гуруҳ раиси*
2.	И.Р. Тангриев	–	Вазирлар Маҳкамаси котибият мудири, *Ишчи гуруҳ раиси ўринбосари*
3.	Қ.А. Юлдашев	–	қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари
4.	Р.Ж. Қаршиев	–	сув хўжалиги вазири ўринбосари
5.	М.Ю. Жураев	–	камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири ўринбосари
6.	К.Э. Собиров	–	Ўзбекистон фермерлари кенгаши раисининг биринчи ўринбосари
7.	*Келишувга кўра*	–	Чорвачилик ва яйлов хўжалигини ривожлантириш агентлиги директорининг биринчи ўринбосари
8.	Э.М. Мухитдинов	–	Ўрмон ва яшил ҳудудларни кўпайтириш, чўлланишга қарши курашиш агентлиги директори
9.	М.С. Мирмаксудов	–	Кадастр агентлиги директори ўринбосари
10.	М.С. Ибрагимов	–	Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги директори ўринбосари
11.	Л.Т. Мирсоатов	–	Миллий статистика қўмитаси раиси ўринбосари, *Ишчи гуруҳ котиби*

Изоҳлар:

Миллий статистика қўмитаси ишчи гуруҳнинг ишчи органи ҳисобланади ва унинг штаби ташкил этилади ҳамда унинг фаолияти даврида ўзига тегишли масалаларни ҳал этиш учун аъзо вазирлик ва идоралар томонидан штабга 1 нафардан малакали мутахассис сафарбар қилинади.

Ишчи гуруҳ аъзолари ва штабга ажратилган мутахассислар бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янгидан тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариш зиммасига юкланган шахслар киритилади.

Ишчи гуруҳ рўйхатга олишда аниқланган қишлоқ хўжалиги ерларининг жойлашган жойи, майдони, эгалик ҳуқуқи ва тоифаси бўйича маълумотларни шакллантиради ва ушбу маълумотлар қишлоқ хўжалигининг статистик регистрида акс эттирилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 10 сентябрдаги ПФ–190-сон Фармонига
4-илова

“Аҳолининг статистик регистри” ва “Қишлоқ хўжалигининг статистик регистри” ахборот тизимларига шахсга доир маълумотларни киритувчи давлат органи ва ташкилотлари ҳамда шахсга доир маълумотлар РЎЙХАТИ

Т/р	Шахсга доир маълумот номи	Масъул давлат органи ва ташкилотлари
I. Аҳолининг статистик регистри бўйича		
1.	**Шахснинг шахсий идентификация маълумотлари:** 1.1. Субъектнинг ЖШШИРи 1.2. Фамилияси, исми, отасининг исми 1.3. Туғилган санаси, туғилган манзили, жинси	Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги
2.	**Никоҳ ҳолати тўғрисидаги маълумотлари:** 2.1. Субъектнинг ЖШШИРи 2.2. Турмуш ўртоғи (эри, хотини)нинг ЖШШИРи 2.3. Никоҳ ёки ажрим қайд этилган сана	
3.	**Вафот этганлик тўғрисидаги маълумотлари:** 3.1. Субъектнинг ЖШШИРи 3.2. Ўлим қайд этилган сана 3.3. Ўлим сабаби (ММК-10 асосида)	
4.	**Яшаш жойи ва фуқаролик ҳолати тўғрисидаги маълумотлар:** 4.1. Субъектнинг ЖШШИРи 4.2. Фуқаролик ҳолати 4.3. Яшаш жойи ва вақти *(давлат, вилоят, туман (шаҳар), кўча, уй, квартира рақами)* 4.4. Турар жойи ва вақтинчалик яшаш муддати *(давлат, вилоят, туман (шаҳар), кўча, уй, квартира рақами)*	Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги
5.	**Мактабгача таълим тўғрисидаги маълумотлар:** 5.1. Субъектнинг ЖШШИРи 5.2. Мактабгача таълим ташкилотининг СТИРи	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
6.	**Шахснинг умумтаълим маълумоти тўғрисидаги ахборот:** 6.1. Субъектнинг ЖШШИРи 6.2. Умумий таълим ташкилотининг СТИРи 6.3. Умумий ўрта таълим олганлиги тўғрисидаги аттестат берилган сана	
7.	**Маълумоти тўғрисида ахборот:** 7.1. Субъектнинг ЖШШИРи 7.2 Таълим ташкилотининг СТИРи 7.3. Таълим даражаси 7.4. Таълим шакли, мутахассислик/йўналиш номи 7.5. Диплом берилган сана 7.6. Нострификациядан ўтган халқаро дипломлар тўғрисидаги маълумотлар	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги

Т/р	Шахсга доир маълумот номи	Масъул давлат органи ва ташкилотлари
8.	**Илмий даража, унвон тўғрисидаги маълумотлар:** 8.1. Субъектнинг ЖШШИРи 8.2. Илмий даража берилган/ маҳрум этилган сана 8.3. Унвон тури, берилган/ маҳрум этилган сана	
9.	**Консуллик ҳисобига қўйиш ва/ёки ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги маълумотлар:** 9.1. Субъектнинг ЖШШИРи 9.2. Консуллик ҳисобига олиш тури (вақтинчалик/доимий) 9.3. Консуллик ҳисобига олинган чет эл муассасасининг номи 9.4. консуллик ҳисобидан чиқарилган сана	Ташқи ишлар вазирлиги
10.	**Ҳисобланган пенсия ҳақида маълумотлар:** 10.1. Субъектнинг ЖШШИРи 10.2. Пенсия тайинланган сана 10.3. Пенсия тури 10.4. Пенсия миқдори 10.5. Пенсия муддати	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси
11.	**Тиббий маълумотлар:** 11.1. Субъектнинг ЖШШИРи 11.2. Ногиронлик гуруҳи	Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги
12.	**Шахснинг Ижтимоий реестрга киритилганлиги тўғрисида ҳужжат реквизитлари:** 12.1. Субъектнинг ЖШШИРи 12.2. Ижтимоий реестрга киритилган вақти 12.3. Ижтимоий реестрга киритиш асоси	
13.	**Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ва уларни муқобил жойлаштириш шакли тўғрисида маълумотлар:** 13.1. Субъектнинг ЖШШИРи 13.2. Фамилияси, исми, отасининг исми 13.3. Туғилган санаси, туғилган жойи, жинси 13.4. Муқобил жойлаштириш шакли, қабул қилинган сана ҳамда асословчи ҳужжат 13.5. Муқобил жойлаштириш шакли бекор қилинган (тугатилган) сана ва асословчи ҳужжат	
14.	**Ногиронлик тўғрисидаги маълумотлар:** 14.1. Субъектнинг ЖШШИРи 14.2. Шахсга ногиронлик белгиланган сана 14.3. Ногиронлик гуруҳи 14.4. Ногиронлик муддати 14.5. Ногиронликни тасдиқловчи ҳужжат серияси ва рақами	
15.	**Ҳисобланган ижтимоий нафақа ҳақида маълумотлар:** 15.1. Субъектнинг ЖШШИРи 15.2. Нафақа тайинланган сана 15.3. Нафақа тури 15.4. Нафақа миқдори	

Т/р	Шахсга доир маълумот номи	Масъул давлат органи ва ташкилотлари
	15.5. Нафақа муддати	
16.	**Меҳнатга оид маълумотлар:** 16.1. Субъектнинг ЖШШИРи 16.2. Ишчи/ишсиз 16.3. Иш жойи, лавозими 16.4. Ишсиз деб топилган ҳужжат санаси ва рақами 16.5. Ишга қабул қилинган сана 16.6. Ишдан бўшатилган сана	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги
17.	**Шахснинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан четга чиқиб-кирганлиги тўғрисидаги маълумот:** 17.1. Субъектнинг ЖШШИРи 17.2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан четга чиққан сана 17.3. Ўзбекистон Республикасига кириб келган сана	Миграция агентлиги
18.	**ЯТТ ва ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахслар маълумотлари:** 18.1. Субъектнинг ЖШШИРи 18.2. Фаолият тури 18.3. Рўйхатга олинган сана 18.4. Фаоллик ҳолати	Солиқ қўмитаси
19.	**Жисмоний шахслар кесимида меҳнатга ҳақ тўлаш даромадлари маълумотлари:** 19.1. Субъектнинг ЖШШИРи 19.2. Жисмоний шахс тури (резидент/норезидент) 19.3. Меҳнат шартномасининг ҳолати (амалда ёки бўшаган) 19.4. Шартнома тури 19.5. Иш вақти (ставка) 19.6. Иш ўрни (доимий, мавсумий) 19.7. Йил бошидан ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар 19.8. Ҳисобот даврида ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар 19.9. Жами ҳисобланган солиқ суммаси	
II. Қишлоқ хўжалигининг статистик регистри		
1.	**Чорва молларининг идентификация маълумотлари:** 1.1. Жисмоний ва юридик шахслар ЖШШИРи ва СТИРи 1.2. Жисмоний ва юридик шахслар номи 1.3. Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳудуд коди 1.4. Чорва моллари тури (рўйхат бўйича) 1.5. Чорва моллари бош сони	Чорвачилик ва яйлов хўжалигини ривожлантириш агентлиги
2.	**Деҳқон ва томорқа хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги фаолияти тўғрисидаги маълумотлари:** 2.1. Фуқаролар йиғинлари СТИРи 2.2. Фуқаролар йиғинлари номи 2.3. Фуқаролар йиғинлари ҳудуд коди	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги

Т/р	Шахсга доир маълумот номи	Масъул давлат органи ва ташкилотлари
	2.4. Қишлоқ хўжалиги экинлари экилган майдон (рўйхат бўйича)	
3.	**Ер ресурслари маълумотлари:** 3.1. Жисмоний ва юридик шахслар ЖШШИРи ва СТИРи 3.2. Жисмоний ва юридик шахслар номи 3.3. Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳудуд коди 3.4. Объект тури 3.5. Кадастр рақами 3.6. Ҳуқуқ тури 3.7. Ер фонди тоифалари 3.8. Фойдаланиш тури 3.9. Ер майдони	Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги
4.	**Сув ресурслари маълумотлари:** 4.1. Жисмоний ва юридик шахслар ЖШШИРи ва СТИРи 4.2. Жисмоний ва юридик шахслар номи 4.3. Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳудуд коди 4.4. Суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари 4.5. Сув тежовчи технологиялар жорий қилинган ерлари	Сув хўжалиги вазирлиги
5.	**Боғдорчилик, узумчилик ва иссиқхона маълумотлари:** 5.1. Жисмоний ва юридик шахслар ЖШШИРи ва СТИРи 5.2. Жисмоний ва юридик шахслар номи 5.3. Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳудуд коди 5.4. Мевали боғ ва узумзорлар майдони ва олинган ялпи ҳосил 5.5. Иссиқхона хўжаликлари майдони ва олинган ялпи ҳосил	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноатни ривожлантириш агентлиги
6.	**Товар-хомашё биржасида сотилган маҳсулотлар ҳажмлари тўғрисида маълумотлар:** 6.1. Юридик шахслар СТИРи 6.2. Юридик шахслар номи 6.3. Юридик шахсларнинг ҳудуд коди 6.4. Товар-хомашё биржасида сотилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмлари 6.5. Товар-хомашё биржасида сотилган минерал ўғитлар ҳажмлари	Товар-хомашё биржаси
7.	**Қишлоқ хўжалиги, ирригация ва мелиорация техникалари ва агрегатлари реестри:** 7.1. Жисмоний ва юридик шахслар ЖШШИРи ва СТИРи 7.2. Жисмоний ва юридик шахслар номи 7.3. Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳудуд коди 7.4. Ташкилот номи 7.5. СТИР ёки ЖШШИР 7.6. Ҳудуд коди (туман даражасида) 7.7. Техника номи 7.8. Техника русуми 7.9. Ишлаб чиқарилган йили 7.10. Техник ҳужжати	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси

Т/р	Шахсга доир маълумот номи	Масъул давлат органи ва ташкилотлари
8.	**“Ўрмон E-ijara” АТ маълумотлари:** 8.1. Жисмоний ва юридик шахслар ЖШШИРи ва СТИРи 8.2. Жисмоний ва юридик шахслар номи 8.3. Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳудуд коди 8.4. Ўрмон агентлигига тегишли майдон 8.5. Ўрмон билан қопланган майдон 8.6. Ижарага берилган ер майдони	Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ҳузуридаги Ўрмон ва яшил ҳудудларни кўпайтириш, чўлланишга қарши курашиш агентлиги
9.	**“Ўзбеккосмос” агентлигининг геомаълумотлари:** 9.1. Жисмоний ва юридик шахслар ЖШШИРи ва СТИРи 9.2. Жисмоний ва юридик шахслар номи 9.3. Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳудуд коди 9.4. Экилган экин номи 9.5. Экилган экин майдони 9.6. Экилган майдоннинг векторли полигонлари маълумотлари 9.7. Космик суратлар таҳлили	“Ўзбеккосмос” агентлиги
10.	**Қишлоқ хўжалиги корхоналари дала четларидаги ер майдонларида маҳсулот етиштириш:** 10.1. Жисмоний ва юридик шахслар ЖШШИРи ва СТИРи 10.2. Жисмоний ва юридик шахслар номи 10.3. Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳудуд коди 10.4. Экилган экин номи 10.5. Экилган экин майдони	Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси
11.	**Балиқчилик:** 11.1. Жисмоний ва юридик шахслар ЖШШИРи ва СТИРи 11.2. Жисмоний ва юридик шахслар номи 11.3. Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳудуд коди 11.4. Овланган балиқ тури номи 11.5. Овланган балиқ ҳажми тўғрисида маълумот 11.6. Балиқ ўрнини тўлдириш тўғрисида маълумотлар 11.7. Сув ҳавзалари майдонлари тўғрисида маълумот	Чорвачилик ва яйлов хўжалигини ривожлантириш агентлиги, “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси
12.	**Пиллачилик:** 12.1. Жисмоний ва юридик шахслар ЖШШИРи ва СТИРи 12.2. Жисмоний ва юридик шахслар номи 12.3. Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳудуд коди 12.4. Етиштирилган пилла ҳажми тўғрисида маълумот	“Ўзбекипаксаноат” уюшмаси
13.	**Асаларичилик:** 13.1. Жисмоний ва юридик шахслар ЖШШИРи ва СТИРи 13.2. Жисмоний ва юридик шахслар номи 13.3. Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳудуд коди 13.4. Асалари оиласи сони тўғрисида маълумот 13.5. Олинган асал ҳажми тўғрисида маълумот	Ўзбекистон асаларичилари уюшмаси
14.	**Қоракўлчилик:** 14.1. Жисмоний ва юридик шахслар ЖШШИРи ва СТИРи 14.2. Жисмоний ва юридик шахслар номи	Чорвачилик ва яйлов хўжалигини

Т/р	Шахсга доир маълумот номи	Масъул давлат органи ва ташкилотлари
	14.3. Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳудуд коди 14.4. Жами қўйлари сони 14.5. Шундан қоракўл зотли қўйлар сони 14.6. Олинган қоракўл терилар сони	ривожлантириш агентлиги
15.	**Мактабгача ва мактаб таълим ташкилотларининг қишлоқ хўжалиги фаолияти тўғрисидаги маълумотлар:** 15.1. Субъектлар СТИРи 15.2. Субъектлар номи 15.3. Субъектлар ҳудуд коди 15.4. Қишлоқ хўжалиги экинлари экилган ерлар майдони ва олинган ялпи ҳосил (рўйхат бўйича) 15.5. Чорва моллари бош сони ва чорвачилик маҳсулотлари ҳажми	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
16.	**Ички ишлар вазирлиги тизимидаги муассасаларнинг қишлоқ хўжалиги фаолияти тўғрисидаги маълумотлар:** 16.1. Субъектлар СТИРи 16.2. Субъектлар номи 16.3. Субъектлар ҳудуд коди 16.4. Қишлоқ хўжалиги экинлари экилган ерлар майдони ва олинган ялпи ҳосил (рўйхат бўйича) 16.5. Чорва моллари бош сони ва чорвачилик маҳсулотлари ҳажми	Ички ишлар вазирлиги
17.	**Соғлиқни сақлаш муассасаларининг қишлоқ хўжалиги фаолияти тўғрисидаги маълумотлар:** 17.1. Субъектлар СТИРи 17.2. Субъектлар номи 17.3. Субъектлар ҳудуд коди 17.4. Қишлоқ хўжалиги экинлари экилган ерлар майдони ва олинган ялпи ҳосил (рўйхат бўйича) 17.5. Чорва моллари бош сони ва чорвачилик маҳсулотлари ҳажми	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
18.	**Мудофаа вазирлиги тизимидаги муассаса (ҳарбий қисм)ларнинг қишлоқ хўжалиги фаолияти тўғрисидаги маълумотлар:** 18.1. Субъектлар СТИРи 18.2. Субъектлар номи 18.3. Субъектлар ҳудуд коди 18.4. Қишлоқ хўжалиги экинлари экилган ерлар майдони ва олинган ялпи ҳосил (рўйхат бўйича) 18.5. Чорва моллари бош сони ва чорвачилик маҳсулотлари ҳажми	Мудофаа вазирлиги
19.	**Чегара қўшинлари тизимидаги муассаса (ҳарбий қисм)лар қишлоқ хўжалиги фаолияти тўғрисидаги маълумотлар:** 19.1. Субъектлар СТИРи 19.2. Субъектлар номи 19.3. Субъектлар ҳудуд коди	Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари

Т/р	Шахсга доир маълумот номи	Масъул давлат органи ва ташкилотлари
	19.4. Қишлоқ хўжалиги экинлари экилган ерлар майдони ва олинган ялпи ҳосил (рўйхат бўйича) 19.5. Чорва моллари бош сони ва чорвачилик маҳсулотлари ҳажми	
20.	**Тижорат банкларининг қишлоқ хўжалиги фаолияти тўғрисидаги маълумотлар:** 20.1. Субъектлар СТИРи 20.2. Субъектлар номи 20.3. Субъектлар ҳудуд коди 20.4. Қишлоқ хўжалиги экинлари экилган ерлар майдони ва олинган ялпи ҳосил (рўйхат бўйича) 20.5. Чорва моллари бош сони ва чорвачилик маҳсулотлари ҳажми	Тижорат банклари
21.	**Маҳаллий ҳокимиятларнинг қишлоқ хўжалиги фаолияти тўғрисидаги маълумотлар:** 21.1. Субъектлар СТИРи 21.2. Субъектлар номи 21.3. Субъектлар ҳудуд коди 21.4. Қишлоқ хўжалиги экинлари экилган ерлар майдони ва олинган ялпи ҳосил (рўйхат бўйича) 21.5. Чорва моллари бош сони ва чорвачилик маҳсулотлари ҳажми	Туман ва шаҳар ҳокимликлари
22.	**Ифлослантирувчи моддаларнинг атроф-муҳитга чиқарилишини, чиқиндиларни чиқаришни ва чиқиндиларни Ўзбекистон ҳудудига жойлаштиришни амалга оширувчи корхона ёки ташкилотлар тўғрисидаги маълумотлар (EcoFund):** 22.1. Субъектлар СТИРи 22.2. Субъектлар номи 22.3. Субъектлар ҳудуд коди 22.4. Атроф-муҳитга чиқарилган чиқиндилар миқдори 22.5. Атроф-муҳитга чиқарилган чиқиндилар номи 22.6. Атроф-муҳитга чиқарилган чиқиндилар учун компенсация тўлови миқдори	Экология ва иқлим ўзгариш миллий қўмитаси
23.	**Давлат экологик экспертизасининг хулосалар реестри (eco-service.uz):** 23.1. Субъектлар СТИРи 23.2. Субъектлар номи 23.3. Субъектлар ҳудуд коди 23.4. Материал тури 23.5. Тоифа 23.6. Хулоса берилган сана ва хулоса рақами 23.7. Ҳолати	Экология ва иқлим ўзгариш миллий қўмитаси, Давлат экологик экспертизаси маркази
24.	**Ҳавони мониторинг қилиш станциялари рўйхати:** 24.1. Субъектлар СТИРи 24.2. Субъектлар номи	Экология ва иқлим ўзгариш миллий қўмитаси,

Т/р	Шахсга доир маълумот номи	Масъул давлат органи ва ташкилотлари
	24.3. Субъектлар ҳудуд коди	Гидрометеорология хизмати агентлиги
25.	**Рақамли геопортал ахборот тизими (об-ҳаво) маълумотлари:** 25.1. Вилоят коди 25.2. Туман коди 25.3. Об-ҳаво таҳлилий маълумотлари	Экология ва иқлим ўзгариш миллий қўмитаси, Гидрометеорология хизмати агентлиги
26.	**Агропортал маълумотлари:** 26.1. Жисмоний ва юридик шахслар ЖШШИРи ва СТИРи 26.2. Жисмоний ва юридик шахслар номи 26.3. Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳудуд коди 26.4. Ер фондининг ҳисоби 26.5. Қишлоқ хўжалиги ерлари реестри 26.6. Экинларни жойлаштириш 26.7. Ер ижара шартномалари 26.8. Шартномалар реестри 26.9. Молиялаштириш 26.10. Агротехника тадбирлари 26.11. Космик фотосуратлар таҳлили 26.12. Дронлар орқали ҳосилни прогнозлаш 26.13. ГПС орқали кузатув 26.14. Юк хати ва қабул варақалари 26.15. Ҳисоб-фактуралар 26.16. Дебитор-кредитор қарздорлик 26.17. Солиштирма далолатномалар **Геоахборот маълумотлари (ЖШШИР ва СТИР кесимида):** 26.18. Умумий ер майдони 26.19. Жами қишлоқ хўжалиги ерлари 26.20. Шудгорланадиган ерлар 26.21. Экилган экин номи ва гектари **Ижара маълумотлари (ЖШШИР ва СТИР асосида):** 26.22. Ижарага берилган майдон 26.23. Ижарага олинган майдон **Субсидия маълумотлари (ЖШШИР ва СТИР асосида):** 26.24. Берилган субсидия тури 26.25. Берилган субсидия миқдори **Экин маълумотлари (ЖШШИР ва СТИР асосида):** 26.26. Экин майдони 26.27. Массив номи 26.28. Экин тури 26.29. Экин номи **Рейтинг маълумотлари (ЖШШИР ва СТИР асосида):** 26.30. Пахта-тўқимачилик кластерлари бўйича автоматлаштирилган рейтинги ва қишлоқ хўжалиги кооперациялари бўйича реестри **Агробизнес маълумотлари (ЖШШИР ва СТИР асосида):** 26.31. Етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти номи	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги

Т/р	Шахсга доир маълумот номи	Масъул давлат органи ва ташкилотлари
	26.32. Етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳажми **Захиралаш маълумотлари (ЖШШИР ва СТИР асосида):** 26.33. Захирага олинган қишлоқ хўжалиги маҳсулот номи ва ҳажми **Уруғчилик маълумотлари (ЖШШИР ва СТИР асосида):** 26.34. Уруғлик учун экилган экин номи ва майдони **Шартномалар маълумоти (ЖШШИР ва СТИР асосида):** 26.35. Тузилган шартномалар тури, санаси ва қишлоқ хўжалиги маҳсулоти номи **Қабул қилинган ҳосил маълумотлари (пахта, ғалла ва пилла қабули бўйича бўйича ЖШШИР ва СТИР асосида):** 26.36. Экилган экин номи 26.37. Экилган экин майдони 26.38. Экилган экиннинг сифат кўрсаткичи (техник, уруғ ва синфи) 26.39. Ҳосилнинг физик ҳажми 26.40. Ҳосилнинг кондицион ҳажми 26.41. Йиғиб олиш усули (машина йиғими ёки қўлда) **Агротадбирлар маълумотлари (ЖШШИР ва СТИР асосида):** 26.42. Агротехника тадбири номи 26.43. Агротехника тадбири амалга оширилган экин номи ва гектари **Қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан дала четларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш (ЖШШИР ва СТИР асосида):** 26.44. Экилган экин номи 26.45. Экилган экин майдони **Балиқчилик маълумотлари (ЖШШИР ва СТИР асосида):** 26.46. Овланган балиқ тури номи 26.47. Овланган балиқ ҳажми тўғрисида маълумот 26.48. Балиқ ўрнини тўлдириш тўғрисида маълумотлар 26.49. Сув ҳавзалари майдонлари тўғрисида маълумот	

Изоҳ: *“Аҳолининг статистик регистри” ва “Қишлоқ хўжалигининг статистик регистри” ахборот тизимларига шахсга доир маълумотларни киритувчи давлат органи ва ташкилотлари қайта ташкил этилганда (бирлаштирилган, ажратиб чиқарилган, тугатилган ёки номи ўзгарганда), қонунчилик ҳужжатларига асосан ҳуқуқий ворис ҳисобланган ваколатли идоралар томонидан мазкур маълумотлар юқоридаги ахборот тизимларига тақдим этилади.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 10 сентябрдаги ПФ–190-сон Фармонига
5-илова

Расмий статистикани шакллантиришда фойдаланилаётган маъмурий маълумотлар РЎЙХАТИ

Т/р	Ташкилот номи	Интеграция қилиб олинаётган маъмурий маълумотлар	Даврийлиги
1.	Адлия вазирлиги	Якка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон хўжаликлари, оилавий тадбиркорлар, ҳунармандлар ва импорт товарлари сотувчилари тўғрисидаги маълумотлар	Реал вақт режимида
		Лицензия, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ёки хабарнома маълумотлари (“Лицензия” ахборот тизимидан)	Реал вақт режимида
		Туғилиш ҳақида маълумотлар	Реал вақт режимида
		Ўлим ҳақида маълумотлар	Реал вақт режимида
		Ажрашиш ҳақида маълумотлар	Реал вақт режимида
		Никоҳ ҳолати маълумотлари	Реал вақт режимида
2.	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги	Олий таълим ташкилотлари (ҳудудлар, мулкчилик шакли кесимида), уларга қабул қилинганлар, таҳсил олаётган талабалар, битириши кутилаётган талабалар, битирувчилар (ОТМлар, ҳудудлар, мулкчилик шакли, жинси, ёши, босқичлар, таълим турлари, йўналишлари ва мутахассисликлари кесимида), педагог ходимлар (ОТМлар, ҳудудлар, жинси, илмий даража ва илмий унвони бўйича) сони тўғрисидаги маълумотлар	Йиллик
		Касбий таълим (техникумлар) ташкилотлари (ҳудудлар, мулкчилик шакли кесимида), уларга қабул қилинганлар, таҳсил олаётган ўқувчилар, битириши кутилаётган ўқувчилар, битирувчилар (техникумлар, ҳудудлар, мулкчилик шакли, жинси, ёши, босқичлар, таълим турлари ва йўналишлари кесимида), педагог ходимлар (техникумлар, ҳудудлар, жинси, илмий даража ва илмий унвони бўйича) сони тўғрисидаги маълумотлар	Йиллик
		Академик лицейлар (ҳудудлар, мулкчилик шакли кесимида), уларга қабул қилинганлар, таҳсил олаётган ўқувчилар, битириши кутилаётган ўқувчилар, битирувчилар (академик лицейлар, ҳудудлар, мулкчилик шакли, жинси, ёши, босқичлар ва йўналишлари кесимида), педагог ходимлар (академик лицейлар, ҳудудлар, жинси,	Йиллик

Т/р	Ташкилот номи	Интеграция қилиб олинаётган маъмурий маълумотлар	Даврийлиги
		илмий даража ва илмий унвони бўйича) сони тўғрисидаги маълумотлар	
		Олий таълимдан кейинги таълим тўғрисидаги маълумотлар	Йиллик
3.	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги	Юридик шахсларнинг ходимлари ва иш ўринлари бўйича маълумотлар	Реал вақт режимида
		Деҳқон ва томорқа хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги фаолияти тўғрисидаги статистика маълумотлари	Реал вақт режимида
		Қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланувчилар маълумотлари	Реал вақт режимида
4.	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	Электрон тарози маълумотлари	Реал вақт режимида
		Пахта-тўқимачилик кластерлари тўғрисидаги маълумотлар	Реал вақт режимида
		Экин майдонларига жойлаштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари маълумотлари	Реал вақт режимида
		Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тўғрисидаги маълумотлари	Реал вақт режимида
5.	Ички ишлар вазирлиги	Миграция маълумотлари	Реал вақт режимида
		Юридик ва жисмоний шахсларнинг автотранспорт воситалари маълумотлари	Реал вақт режимида
6.	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги	Мактабгача таълим ташкилотлари ҳамда уларда тарбияланаётган болалар тўғрисидаги маълумотлар (ҳудудлар, жинси, ёши кесимида)	Йиллик
		Умумий ўрта таълим ташкилотлари, уларга қабул қилинганлар, таҳсил олаётган ўқувчилар, битирувчилар (ҳудудлар, жинси, ёши кесимида) ва ўқитувчилар (ҳудудлар, жинси, маълумоти ва ўқитаётган фанлари кесимида) сони тўғрисидаги маълумотлар	Йиллик
7.	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси	Юридик ташкилот томонидан бино ва иншоотларда бажарилган қурилиш-монтаж ишлари тўғрисидаги маълумот	Реал вақт режимида
		Юридик шахслар томонидан қурилган кўп қаватли турар жойлар ва нотурар жой бинолар тўғрисидаги маълумот	Реал вақт режимида
8.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	Соғлиқни сақлаш соҳасига оид тиббиёт кадрлари, аҳоли касалланиши, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, репродуктив саломатлик, ОИВ инфекцияси, профилактик эмлашлар ҳамда юқумли ва паразитар касалликлар бўйича статистика маълумотлари	Йиллик
9.	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	Бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан ўзлаштирилган инвестициялар тўғрисидаги маълумотлар	Реал вақт режимида

Т/р	Ташкилот номи	Интеграция қилиб олинаётган маъмурий маълумотлар	Даврийлиги
10.	Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги	Махсус иқтисодий зоналар, кичик саноат зоналари ҳамда ёшлар саноат зоналари таркибига кирувчи тадбиркорлик субъектлари ҳақидаги маълумотлар	Чораклик
11.	Солиқ қўмитаси	Корхоналарнинг “Бухгалтерия баланси” 1-шакл бўйича молиявий ҳисобот кўрсаткичлари маълумотлари	Йиллик
		Корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари ҳисоботи маълумотлари	Йиллик
		Айланма солиқ ҳисоботи маълумотлари	Ойлик
		Қўшилган қиймат солиғи ҳисоботи маълумотлари	Ойлик
		Фойда солиғи ҳисоботи маълумотлари	Чораклик
		Ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахслар маълумотлари	Реал вақт режимида
		Ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахслар томонидан тўланган ижтимоий солиқ маълумотлари	Реал вақт режимида
		Жисмоний шахслар кесимида меҳнатга ҳақ тўлаш даромадлари тўғрисида маълумотлар	Ойлик
		Якка тартибдаги тадбиркорлар тўғрисида маълумот	Реал вақт режимида
		Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи ҳисоботи кўрсаткичлари тўғрисида маълумот	Ойлик
		Электрон ҳисобварақ-фактура тўғрисидаги маълумотлар	Реал вақт режимида
		Электрон рақамли имзосига эга корхоналар тўғрисида маълумот	Реал вақт режимида
		Онлайн кассалар ёрдамида рўйхатга олинган товар чеклари сони тўғрисида маълумот	Реал вақт режимида
		Онлайн назорат-касса тизими орқали товар ва хизматлар нархлари маълумотлари	Реал вақт режимида
		Юридик ва жисмоний шахсларнинг йўналишсиз такси хизматлари ҳисоби маълумотлари	Реал вақт режимида
		Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот маълумотлари	Йиллик
		Фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот маълумотлари *(молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича)*	Йиллик
12.	Божхона қўмитаси	Божхона чегаралари орқали олиб ўтилган юклар (транспорт турлари бўйича) бўйича маълумотлар	Реал вақт режимида
		Экспорт-импорт юк ташиш маълумотлари (Божхона қўмитасининг ахборот тизимлари)	Реал вақт режимида
		Мамлакатлар бўйича юк ташиш (Божхона қўмитасининг ахборот тизимлари)	Реал вақт режимида
		Транзит юк ташиш маълумотлари (Божхона қўмитасининг ахборот тизимлари)	Реал вақт режимида
		“E-kontrakt” ахборот тизими маълумотлари	Реал вақт режимида

Т/р	Ташкилот номи	Интеграция қилиб олинаётган маъмурий маълумотлар	Даврийлиги
		Товарлар экспорти ва импорти (ташқи савдо божхона статистикаси асосида) тўғрисидаги маълумотлар	Реал вақт режимида
13.	Туризм қўмитаси	"E-mehmon" АТ маълумотлари	Реал вақт режимида
14.	Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси	"Рақамли маҳалла" платформаси маълумотлари. Маҳаллалар ва ҳар бир маҳалладаги оилалар сони тўғрисидаги маълумотлар	Реал вақт режимида
15.	"Ўзбеккосмос" агентлиги	Қишлоқ хўжалиги ва ер муносабатлари соҳаларида давлат космик мониторинги доирасида аниқланган маълумотлар	Ҳафталик
16.	Пенсия жамғармаси	Ҳудудлар кесимида пенсия маълумотлари	Реал вақт режимида
17.	Кадастр агентлиги	Мавжуд турар ва нотурар жой кадастр объектлари маълумотлари	Реал вақт режимида
		Умумий ер майдони тўғрисидаги маълумотлар	Реал вақт режимида
18.	Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги	Сертификатлар тўғрисидаги маълумотлар	Йиллик
19.	Товар-хомашё биржаси	Товар-хомашё биржаси орқали сотилган маҳсулот нархлари тўғрисида маълумотлар	Ҳафталик
20.	"Ҳудудгазтаъминот" АЖ	Табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизими (ГНҲАТ) маълумотлари	Ойлик
21.	"Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ	Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (ЭҲНАТ) маълумотлари	Ойлик
22.	IT-park	Технопарк резидентлари бўлган ташкилотлар фаолиятига оид маълумотлар	Реал вақт режимида
23.	"Ўзбекнефтгаз" АЖ	Нефть ва газ конденсатининг манбалари ва тақсимоти маълумотлари	Йиллик
		Нефть маҳсулотларини ишлаб чиқариш маълумотлари	Йиллик

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 10 сентябрдаги ПФ–190-сон Фармонига
6-илова

Маълумотларни бошқариш комиссияси ТАРКИБИ

I. Маълумотлар бошқарувчиси (Data Steward)

1. Б.С. Ҳамраев — Миллий статистика қўмитаси раиси, *Комиссияси раиси*

II. Маълумотларни бошқариш бўйича раҳбар ўринбосарлари (Chief Data Officers)

2. А.О. Султонов — рақамли технологиялар вазирининг биринчи ўринбосари, *комиссия раиси ўринбосари*
3. И.И. Норқулов — иқтисодиёт ва молия вазирининг биринчи ўринбосари
4. М.Ю. Жураев — камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг биринчи ўринбосари
5. У.М. Мамадаминов — энергетика вазирининг биринчи ўринбосари
6. С.Б. Раджабов — олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг биринчи ўринбосари
7. Н.Б. Сайфуллаев — маданият вазирининг биринчи ўринбосари
8. Н.У. Мухаммадиев — адлия вазири ўринбосари
9. З.К. Курбанов — ички ишлар вазири ўринбосари
10. Ш.Х. Гуламов — инвестициялар, саноат ва савдо вазири ўринбосари в.б.
11. Қ.А. Юлдашев — қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари
12. Ў.И. Шералиев — сув хўжалиги вазири ўринбосари
13. Д.К. Адилов — қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари
14. И.А. Абдугафаров — транспорт вазири ўринбосари
15. Р.П. Юсупов — тоғ-кон саноати ва геология вазири ўринбосари
16. О.М. Омонов — соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари
17. А.А. Турдиев — мактабгача ва мактаб таълими вазири ўринбосари
18. М.В. Исмаилов — спорт вазири ўринбосари
19. О.С. Абдуллаев — ташқи ишлар вазири ўринбосари
20. Н.М. Ачилов — Марказий банк раиси ўринбосари
21. О.Н. Қудратов — Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари
22. М.С. Мирмаксудов — Кадастр агентлиги директори ўринбосари
23. Ж.И. Абдиев — Солиқ қўмитаси раиси ўринбосари

24. Ф.Э. Карабаев — Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси раиси ўринбосари
25. С.Р. Бобокалонов — Туризм қўмитаси раиси ўринбосари
26. У.Х. Абдуллаева — Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари
27. Н.Д. Хусанов — Давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг биринчи ўринбосари
28. Ф.К. Аблаяров — Ёшлар ишлари агентлиги директори ўринбосари
29. Э.Д. Тоштемиров — Миграция агентлиги директори ўринбосари
30. Т.В. Машанпин — Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги директори ўринбосари
31. З.М. Зияев — Миллий статистика қўмитаси раиси ўринбосари, *Комиссия котиби*

Изоҳ:

Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади.

Республика статистика кенгаши томонидан Маълумотларни бошқариш комиссияси таркибига қўшимча ёки ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 10 сентябрдаги ПФ–190-сон Фармонига
7-илова

Маълумотларни бошқариш комиссиясининг вазифалари

1. Давлат органлари ва ташкилотларида маълумотларни бошқариш сиёсати, ягона идентификаторлар, классификаторлар, метамаълумотлар, маълумотлар алмашинуви стандартлари ҳамда маълумотлар сифатига оид талабларни жорий этиш ва уларнинг расмий статистика эҳтиёжлари билан уйғунлигини таъминлаш.

2. Давлат органлари ва ташкилотларининг маълумотлар базалари ва маълумотлар тўпламларини Миллий маълумотлар платформасига интеграция қилиш, маъмурий маълумотлардан расмий статистика, давлат дастурлари, мониторинг ва баҳолаш жараёнларида фойдаланиш учун уларнинг тўлиқлиги, долзарблиги, ишончлилиги, ўзаро мувофиқлиги ва статистик яроқлилигини таъминлаш.

3. Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан юритиладиган маъмурий маълумотларни йиғиш жараёнларини рақамлаштириш ва ўзаро интеграция қилиш орқали улар томонидан юридик ва жисмоний шахслардан тўпланадиган ҳисобот ва статистик маълумотларни босқичма-босқич мақбуллаштириш.

4. Давлат органлари ва ташкилотларида махфийлик, маълумотларни эгасизлантириш ва маълумотларга асосланган бошқарув маданиятини ривожлантириш бўйича ишларни ташкил этиш.

5. Давлат органлари ва ташкилотларида маълумотлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни Республика статистика кенгашида муҳокама қилиб бориш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 10 сентябрдаги ПФ–190-сон Фармонига
8-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 9 январдаги ПҚ–8-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат органларига тақдим этиладиган ҳисобот ва статистик маълумотларнинг ягона рўйхатининг 53-позицияси “Ҳисоботни қабул қилувчи орган” устунидаги “Статистика органлари” сўзлари “Соғлиқни сақлаш вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 24 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–75-сон қарорида:

(а) 5-бандниng биринчи хатбошисидаги “1 425 та” сўзлари “1 439 та” сўзлари билан ҳамда “3 та” сўзлари “4 та” сўзлари билан алмаштирилсин;

(б) 2-илованинг 22-бандидаги “уч” сўзи “тўрт” сўзи билан алмаштирилсин;

(в) 4-илованинг 10-позицияси “Лавозим номи” устунидаги “, бош аудитор” сўзлари чиқариб ташлансин.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

36 (1264)-сон
906-модда

Кўчирма

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2026 yil «_10_» сентябрь _ПФ–191_-son

Тиббиёт ва фармацевтика соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларни изчил давом эттириш ҳамда кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини халқаро стандартлар асосида ислоҳ қилиш мақсадида **қарор қиламан**:

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар тиббиёт ва фармацевтика соҳасида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш фаолиятининг **асосий мақсадлари** этиб белгилансин:

(а) соғлиқни сақлаш соҳасида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакаси ошириш тизимига касбий кўникма ва компетенцияларга асосланган ўқитишнинг халқаро стандартларини жорий этиш;

(б) тиббиёт таълими ва илм-фани самарадорлигини ошириш ва **сифат назоратининг таъсирчан воситаларини** жорий этиш;

(в) тиббиёт олий таълим муассасалари 2030 йилга қадар халқаро эътироф этилган рейтинг ташкилотларининг тиббиёт соҳаси бўйича биринчи **500 талик олий таълим ташкилотлари рўйхатига киришини таъминлаш**;

(г) тиббиёт таълими Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Бутунжаҳон тиббиёт таълими федерацияси стандартларига ва бошқа халқаро **тан олинган стандартларга мувофиқлигини таъминлаш**.

II. Тиббиёт таълимини трансформация қилиш

2. Белгилансинки, **2027/2028 ўқув йилидан бошлаб** бакалавриат таълим йўналишлари бўйича тиббиёт таълими соҳасига ажратилган давлат буюртмаси параметрлари таълим йўналишлари кесимида Соғлиқни сақлаш вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) томонидан тасдиқланади. Бунда:

(а) Аҳоли саломатлигини таҳлил қилиш илмий-тадқиқот маркази тиббиёт ва фармацевтика кадрларига бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжни ўрганиш бўйича асосий ишчи орган ҳисобланади;

(б) қабул кўрсаткичлари тиббиёт ва фармацевтика кадрларига бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёждан келиб чиқиб, ҳудудлар эҳтиёжи, тиббиёт ташкилотларининг эҳтиёжи ҳамда тегишли мутахассисликлар бўйича кадрлар етишмовчилигини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади.

3. Белгилансинки, **2027/2028 ўқув йилидан бошлаб** тиббиёт соҳасида кадрлар тайёрловчи олий таълим ташкилотларида:

(а) даволаш иши бакалавриат таълим йўналиши негизида **“5+1” шаклида**ги (битирувчи курс талабалари бир йил тўлиқ амалиёт ўташи шаклида) **6 йиллик умумий тиббиёт бакалавриат** таълим йўналиши жорий этилади;

(б) амалда даволаш иши бакалавриат таълим йўналишининг тегишли босқичларида таҳсил олаётган талабаларнинг **ўқув жараёнлари янги мослаштирилган ўқув режа ва дастурлар** асосида ташкил этилади;

(в) умумий тиббиёт бакалавриат таълим йўналиши битирувчилари **умумий амалиёт шифокори** квалификациясига эга бўлади ва улар белгиланган тартибда **оилавий шифокор лавозими**да фаолият юритиши мумкин бўлади;

(г) тиббиёт соҳасининг барча бакалавриат таълим йўналишларида **битирувчи курс талабалари учун тўлиқ ўқув йили давомида амалиёт ўташ** тизими жорий этилади;

(д) стоматология йўналишида талабаларнинг амалий машғулотларини ташкил этиш мақсадида тиббиёт олий таълим муассасаларига **стоматология поликлиникалари бириктириб** берилади.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра тор соҳа мутахассисларини тайёрлашда **клиник ординатура негизида** халқаро стандартлар асосида давомийлиги табақалаштирилган **резидентура дастурлари** босқичма-босқич жорий этилади. Бунда:

(а) резидентурада тор соҳа мутахассисларини тайёрлаш давлат тиббиёт таълим ташкилотлари ва тиббиёт муассасаларида **давлат гранти асосида** амалга оширилади;

(б) 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб оилавий тиббиёт йўналиши бўйича **резидентура** ташкил этилади ҳамда битирувчиларга **оилавий шифокор** мутахассислиги берилади;

(в) 2027/2028 ўқув йилидан бошлаб:

(i) тор соҳа мутахассисларини тайёрлаш **тўлиқ резидентура орқали амалга оширилади** ва ординатурага қабул тўхтатилиши ҳамда тиббиёт йўналишидаги тор соҳа мутахассисликлари бўйича магистратурага умумий давлат буюртмаси асосида ўқишга қабул қилиш параметрларини қисқартириш ҳисобига бўшайдиган маблағлар мутахассисларни резидентурада тайёрлашга йўналтирилади. Бунда мазкур кичик бандда назарда тутилган тартиб амалдаги магистратура ва клиник ординатура дастурларида таълим олаётганларга нисбатан татбиқ этилмайди;

(ii) давлат гранти асосида резидентурага қабул қилинган талабаларга Давлат бюджет маблағлари ҳисобидан **меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига нисбатан 2,15 коэффициент миқдорида стипендия** тўланишини назарда тутувчи тартиб жорий этилади;

(iii) резидентурага давлат гранти асосида қабул кўрсаткичлари соғлиқни сақлаш соҳасига магистратура ва ординатура учун ажратилган умумий қабул параметрлари ҳисобидан мутахассисликлар ва таълим йўналишлари кесимида Вазирлик томонидан тасдиқланади. Бунда қабул кўрсаткичлари тиббиёт кадрларига бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёждан келиб чиқиб, ҳудудлар эҳтиёжи, тиббиёт ташкилотларининг эҳтиёжи ҳамда тегишли мутахассисликлар бўйича кадрлар етишмовчилигини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади;

(iv) резидентура таълим дастурларини ўзлаштирганларга Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи ва Миллий малакалар рамкасининг 7-даражасига мос келувчи таълим тўғрисида давлат намунасидаги диплом берилади;

(v) тор соҳа мутахассисликлари бўйича бирламчи ва қўшимча ихтисослаштириш фақат **резидентура орқали** амалга оширилади;

(vi) магистратура қабул параметрларининг қисқаришига қадар бўлган миқдорининг 20 фоизгача қисми магистратура дастурлари учун сақланади;

(vii) тиббиёт соҳасида магистратура дастури орқали тор соҳа мутахассисларини тайёрлаш амалиёти бекор қилинади. Бунда мазкур кичик бандда назарда тутилган тартиб амалдаги магистратура дастурларида таълим олаётганларга нисбатан татбиқ этилмайди;

(viii) магистратура дастурлари бўйича ўқишга олий маълумотга эга номутахассис, бироқ турдош соҳаларда таълим олганларни ҳам қабул қилишга рухсат берилади;

(ix) магистратура дастурлари илмий-педагогик (номутахассислардан фақат илмий) ва бошқарув кадрларини тайёрлашга хизмат қилади;

(x) тиббиёт муассасалари ва таълим ташкилотларига ўзларининг молиявий имкониятидан келиб чиқиб, бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қўшимча резидентура дастурларини очишга рухсат берилади. Бунда резидентура дастурлари бўйича қабул параметрлари Вазирлик билан келишилади;

(xi) нодавлат тиббиёт ва таълим ташкилотларига тор соҳа мутахассисларига бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, ташкилотнинг ўз маблағлари ҳисобидан резидентура дастурлари бўйича ўқишни йўлга қўйишга рухсат этилади. Бунда резидентура дастурлари бўйича қабул параметрлари Вазирлик билан келишилади.

5. Белгилаб қўйилсинки, **оилавий тиббиёт йўналиши** бўйича резидентура талабалари Вазирлик томонидан тиббиёт олий таълим ташкилотига бириктириладиган **оилавий поликлиникаларда** тайёрланади. Бунда:

(а) оилавий поликлиникага бириктирилган аҳолига тиббий хизматлар тиббиёт олий таълим ташкилоти **профессор-ўқитувчилари ҳамда резидентура талабалари** томонидан ҳам кўрсатилади;

(б) оилавий поликлиникада резидентура талабалари бир вақтнинг ўзида ҳам таълим олади, ҳам амалиёт билан шуғулланади;

(в) тиббиёт олий таълим ташкилотларига ўзларига бириктирилган тиббиёт муассасаларида резидентура талабаларининг таълим олиши ҳамда амалий кўникмаларни шакллантириши учун молиявий имкониятлардан келиб чиқиб, бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан зарур моддий-техника базасини мустаҳкамлашга рухсат берилади.

6. Тиббиёт соҳасида бакалавриат таълим йўналишлари ва резидентура мутахассисликларининг профессор-ўқитувчи ва талабалар нисбати босқичма-босқич **1:6** га етказилсин.

III. Тиббиёт ва фармацевтика таълимига қўйиладиган умумий талаблар

7. 2027/2028 ўқув йилидан бошлаб тиббиёт ва фармацевтика соҳасида кадрлар тайёрловчи олий таълим ташкилотларида бакалавриат таълим йўналишларига, шу жумладан, мақсадли қабул параметрлари доирасида талабаликка қабул қилишнинг минимал чегараси кириш имтиҳонларида тўплаш лозим бўлган **максимал баллнинг 60 фоизи** этиб белгилансин.

Бунда, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ имтиёз асосида талабаликка қабул қилиниши белгиланган, бироқ қабул кириш имтиҳонлари натижалари асосида амалга ошириладиган абитуриентларга ҳам мазкур тартиб татбиқ этилади.

8. 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб тиббиёт ва фармацевтика соҳасида:

(а) бакалавриат таълим йўналишлари, магистратура ва резидентура дастурлари ҳар бир ўқув модулининг академик кўрсаткичларини ўзлаштиришда, шунингдек, давлат имтиҳонларида (олий таълим ташкилотига кириш имтиҳонлари бундан мустасно) минимал ўтиш баллари шифокор мутахассисликлари учун энг юқори баллнинг **70 фоизи**, ўрта тиббиёт ходими мутахассисликлари учун **60 фоиз** этиб белгилансин;

(б) қисқа муддатли қайта тайёрлаш курслари ёки дастурлари орқали тор соҳа мутахассисликлари бўйича (қўшимча) ихтисослаштириш бекор қилинсин (йўналиши бўйича чуқурлаштирилган тайёргарлик бундан мустасно);

(в) резидентура, шу жумладан, қайта тайёрлаш дастурлари тиббиёт ва фармацевтика соҳасида кадрлар тайёрловчи олий таълим ташкилотлари, республика даражасидаги тиббиёт муассасалари томонидан амалга оширилсин. Бунда резидентура ва қайта тайёрлаш дастурларини амалга оширувчи ташкилотлар илмий-педагогик салоҳияти ва клиник базасини инобатга олган ҳолда Вазирлик томонидан белгиланади;

(г) бирламчи мақсадли **ихтисослаштириш курслари** (интернатура)га қабул бекор қилинсин.

IV. Тиббиёт ва фармацевтика таълими тизимида бошқарувни такомиллаштириш

9. Белгилансинки, тиббиёт ва фармацевтика соҳасида кадрлар тайёрловчи нодавлат касбий, олий ва олий таълимдан кейинги таълим ташкилотлари (кейинги ўринларда – нодавлат тиббиёт ва фармацевтика таълим ташкилотлари) фаолиятини йўлга қўйишнинг қуйидаги янги тартиби жорий этилади:

(а) нодавлат тиббиёт ва фармацевтика таълим ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда кадрлар тайёрлаш тизимини мувофиқлаштириш бўйича Вазирлик ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган **Тиббиёт таълими ва илм-фани кенгаши** (кейинги ўринларда – Кенгаш) фаолияти йўлга қўйилади;

(б) Кенгаш коллегиал орган ҳисобланади;

(в) Кенгаш аъзолигига тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани соҳасида юқори малакага, шу жумладан, хорижий тажрибага ҳамда илмий даражага эга бўлган мутахассислар жалб этилади. Бунда соғлиқни сақлаш соҳасидаги давлат фуқаролик хизматининг раҳбар ва бошқарув ходимлари Кенгаш таркибига киритилмайди;

(г) нодавлат тиббиёт ва фармацевтика таълим ташкилотлари фаолияти ҳамда таълим йўналишлари ва мутахассисликларини лицензиялаш Кенгашнинг ижобий хулосаси асосида амалга оширилади;

(д) тиббиёт ва фармацевтика таълим йўналишлари ҳамда мутахассисликларини **махсус давлат аккредитацияси**дан ўтказиш Кенгашнинг ижобий хулосасига мувофиқ амалга оширилади;

(ж) тиббиёт ва фармацевтика соҳасидаги таълим ташкилотлари зиммасига ўзларининг клиникалари ва (ёки) клиник базалари, илмий-амалий тадқиқот лабораториялари, симуляцион марказлари ҳамда фармацевтика ташкилотлари билан ҳамкорликда таълим жараёнларини ташкил этиш (шу жумладан, шартнома асосида) мажбурияти юклатилади.

10. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2027 йил 1 мартдан бошлаб**:

(а) мулкчилик шаклидан қатъи назар тиббиёт ва фармацевтика соҳасида кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларининг ҳар йилги қабул параметрларини белгилашда уларда мавжуд моддий-техник ресурслар ҳисобга олинади;

(б) соғлиқни сақлаш соҳасида олий маълумотли кадрларга бўлган **эҳтиёж юқори бўлган ҳудудлар учун давлат гранти** асосида мақсадли қабул параметрлари доирасида талабаликка қабул қилиш, талабгорнинг яшаш жойидан қатьи назар, шартномада белгиланган муддатда мазкур ҳудудда ишлаб бериш шарти билан амалга оширилади.

11. Белгилансинки, **2027 йил 1 январдан бошлаб** бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари, шунингдек, туман (шаҳар) марказий шифохоналарида фаолият юритаётган тор соҳа мутахассисларини Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан хорижга юбориб, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилади.

V. Ўрта тиббиёт ходимлари мақомини ошириш

12. Белгилансинки, **2027/2028 ўқув йилидан бошлаб** ҳамширалик иши касбий таълим мутахассислиги негизида **тиббий ҳамроҳлик иши** мутахассислиги ҳамда олий ҳамширалик иши бакалавриат таълим йўналиши негизида **олий тиббий ҳамроҳлик иши** бакалавриат таълим йўналиши жорий этилади. Бунда:

(а) тиббий ҳамроҳлик иши мутахассислиги ҳамда олий тиббий ҳамроҳлик иши бакалавриат таълим йўналишини битирган хотин-қизларга **ҳамшира** ҳамда эркакларга **тиббиёт оғаси** квалификацияси берилади;

(б) олий тиббий ҳамроҳлик иши бакалавриат таълим йўналишида давлат буюртмаси қабул параметрлари **2030/2031 ўқув йилига қадар ҳар йили камида 20 фоизга** ошириб борилади.

13. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

(а) 2027/2028 ўқув йилидан бошлаб тиббиёт техникумларининг имтиёзли битирувчиларига Вазирлик ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан белгиланган тартибга мувофиқ **фақат олий тиббий ҳамроҳлик иши** бакалавриат таълим йўналишида иккинчи курсдан ўқишини давом эттириш ҳуқуқи берилади;

(б) 2027/2028 ўқув йилидан бошлаб:

(i) ўрта тиббиёт ходимларини тайёрлашнинг икки йиллик ўқув дастурларига қабул бекор қилинади;

(ii) олий тиббий ҳамроҳлик иши бакалавриат таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлашда ривожланган хорижий давлатларнинг олий таълим ташкилотлари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари

жорий этилади. Бунда ўқув дастурларининг камида **70 фоиз**ини хорижий олий таълим ташкилоти ўқув дастуридан ўзлаштиришга рухсат берилади;

(iii) тиббий ҳамроҳлик иши мутахассислигида илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш мақсадида магистратура дастури йўлга қўйилади.

14. 2027/2028 ўқув йилидан бошлаб Ҳамширалар академияси негизида Тошкент давлат тиббиёт университетида халқаро ҳамкорлик асосида **Илғор тиббий ҳамроҳлик мактаби** ташкил этилсин. Бунда:

(а) Илғор тиббий ҳамроҳлик мактаби декан томонидан бошқарилиб, ушбу деканга университет проректори учун белгиланган ваколатлар берилади;

(б) Илғор тиббий ҳамроҳлик мактабида олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим ва малака ошириш дастурлари йўлга қўйилади;

(в) Илғор тиббий ҳамроҳлик мактаби олий ва касбий таълимда кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича асосий муассаса ҳисобланади ҳамда ушбу йўналишдаги барча таълим ташкилотларига услубий раҳбарлик қилади.

15. 2027 йил 1 январдан бошлаб тиббиёт, фармацевтика ва педагог ходимларнинг ойлик маошларига қуйидаги миқдорларда базавий тариф ставкаси ёки лавозим маошига нисбатан ҳар ойлик устамалар белгилансин:

(а) бакалавриатни тамомлаган ҳамширалар ва тиббиёт оғаларига – **меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1 баравари**;

(б) магистратурани тамомлаган ҳамширалар ва тиббиёт оғаларига – **меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 2 баравари**;

(в) оилавий тиббиёт бўйича резидентурани тамомлаган оилавий шифокорлар ва шу йўналишда магистратурани тамомлаган педагог кадрларга – **меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 4 баравари**.

VI. Фармацевтика таълимини такомиллаштириш

16. 2027/2028 ўқув йилидан бошлаб:

(а) фармацевтика корхоналари ва ташкилотлари талаблари асосида меҳнат стажига эга ходимлар учун асосий фаолиятидан ажралмаган ҳолда халқаро таълим стандартларига мувофиқ дуал таълим шакллари жорий этилсин;

(б) Тошкент фармацевтика институтида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан республикада фармацевтика маҳсулотларини тартибга солиш борасида хорижий ва маҳаллий малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда янги “Фармацевтика маҳсулотининг сифатини баҳолаш ва тартибга солиш”, “Яхши лаборатория амалиёти (GLP)” ва “Фармаконазорат (GVP)” ўқув курслари йўлга қўйилсин;

(в) Тошкент фармацевтика институтидаги Ўқув-тажриба ишлаб чиқариш мажмуаси негизида талабаларда амалий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган хўжалик жамияти шаклида янги ишланмаларга асосланган Фармацевтика ишлаб чиқариш ва амалиёт илмий-ўқув маркази **“спин-офф” корхонаси** фаолияти йўлга қўйилсин. Бунда талабаларнинг малака амалиёти даврида дори воситасининг ҳаётий циклини (синтез, клиник олди синовлари, стандартлаш) тўлиқ яратиш жараёнида иштирок этиши йўлга қўйилади.

VII. Тиббиёт олий таълим муассасаларининг клиникалари фаолиятини ташкил этиш

17. Белгилансинки, **2026 йил 1 октябрдан бошлаб**:

(а) давлат тиббиёт олий таълим муассасалари ўзларига бириктирилган клиникаларнинг (кейинги ўринларда – клиникалар) муассиси ҳисобланади ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради;

(б) клиникалар юридик шахс мақомига эга бўлган давлат муассасаси ҳисобланади;

(в) тиббиёт олий таълим муассасаларига бўйсунувидаги клиникаларда қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш ва жиҳозлашга рухсат берилади;

(г) тиббиёт олий таълим муассасасининг бир нечта клиникалари мавжуд бўлганда, ҳар бир клиникада ажратилган маблағлар ва штат бирликлари доирасида бош шифокор лавозими жорий этилади ҳамда улар олий таълим муассасасининг даволаш ишлари бўйича проректорига бўйсунади;

(д) клиникалар бош шифокори тиббиёт олий таълим муассасаси ректори томонидан Вазирлик билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

(ж) тиббиёт олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, талабалари, резидентура талабалари ва магистрлари клиникалардаги даволаш ишларида бевосита иштирок этади.

VIII. Молиявий ресурслар

18. Белгилансинки, мазкур Фармон талабларига мувофиқ давлат буюртмаси (давлат гранти) асосида кадрлар тайёрлаш, шу жумладан, устамалар тўлаш билан боғлиқ харажатлар:

(а) 2026 йилда Вазирликнинг асослантирилган ҳисоб-китобларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг қўшимча манбаларидан шаклланган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади;

(б) 2027 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда назарда тутилади.

IX. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

19. Қуйидагилар:

(а) Тиббиёт ва фармацевтика соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича **чора-тадбирлар режаси** 1-иловага мувофиқ;

(б) Тиббиёт олий таълим муассасалари тасарруфига ўтказиладиган **стоматология муассасалари рўйхати** 2-иловага мувофиқ;

(в) Тиббиёт ва фармацевтика таълими тизимини такомиллаштиришнинг **мақсадли кўрсаткичлари** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

20. Вазирлик **уч ой муддатда**:

(а) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида;

(б) тиббиёт соҳасига ихтисослашмаган олий таълим муассасаларида мавжуд тиббиётга алоқадор ўқув йўналишлари фаолиятини ўрганиб, сифат кўрсаткичлари паст деб топилганларини мақбуллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

21. Вазирлик Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда **2027 йил 1 майга қадар** 2027/2028 ўқув йилидан бошлаб тўлов-контракт асосида ўқитиш қийматини бир талаба учун тўғри келадиган ўртача харажат миқдорини

инобатга олган ҳолда ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси таълим ташкилотларига қабул қилиш бўйича давлат комиссиясига таклиф киритсин.

22. Вазирлик Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги билан биргаликда қуйидагиларни назарда тутувчи тадбирларни амалга ошириш учун Жаҳон банкининг экспертлари ва маблағларини жалб қилиш чораларини кўрсин:

(а) касбий стандартларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш мақсадида хорижий экспертларни жалб этиш;

(б) компетенцияга асосланган олий таълим ўқув дастурларини, ўқув-услубий материаллар ва рақамли таълим ресурсларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, таълим жараёнларини мониторинг ва назорат қилиш ҳамда самарадорлигини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш;

(в) тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг билимларини мустақил баҳолаш тизимини жорий этиш. Бунда замонавий ахборот-ресурс мажмуаси ва ўқув-симуляцион базалар ташкил этиш;

(г) тиббиёт ва фармацевтика ходимлари фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини амалиётга татбиқ этиш;

(д) давлат тиббиёт олий таълим муассасаларининг бакалавриат таълим йўналишлари, резидентура ва магистратура мутахассисликлари бўйича таълим дастурларини босқичма-босқич Бутунжаҳон тиббиёт таълими федерацияси (WFME) аккредитациясидан ўтказиш;

(ж) ўқитувчилар учун етакчи халқаро тиббиёт таълим муассасаларида тренинглар, маҳорат дарслари ва кенгайтирилган хорижий амалиёт дастурини ташкил этиш;

(з) тиббиёт ходимларининг барча тоифалари учун миллий малака рамкаларини ишлаб чиқиш.

23. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 4-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

24. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсан жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири Э.Э. Адилов ҳамда олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А. Шарипов белгилансин.

25. Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 10 сентябрдаги ПФ–191-сон Фармонига
1-илова

Тиббиёт ва фармацевтика соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар режаси

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаш-тириш манбаси	Масъул ижрочилар
1.	“5+1” шаклидаги 6 йиллик умумий тиббиёт бакалавриат таълим йўналишини жорий этиш.	1. Даволаш иши бакалавриат таълим йўналиши негизида “5+1” шаклидаги, яъни битирувчи курсда бир ўқув йили давомида тўлиқ амалиёт ўташни назарда тутувчи 6 йиллик умумий тиббиёт бакалавриат таълим йўналишини жорий этиш бўйича малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлаш. 2. Умумий тиббиёт бакалавриат таълим йўналиши бўйича қабул ва ўқув жараёнини янги тасдиқланган малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурлари асосида танланган олий таълим муассасаларида ташкил этиш. 3. Амалда даволаш иши бакалавриат таълим йўналишининг тегишли босқичларида таҳсил олаётган талабаларнинг ўқув жараёнларини умумий тиббиёт йўналиши учун ишлаб чиқилган янги мослаштирилган ўқув режа ва фан дастурлари асосида босқичма-босқич ташкил этиш. 4. “Бемор ёнида” форматида кунлик ўқитиш соатларининг энг кам миқдорини икки академик соат этиб белгилаш. 5. Талабалар томонидан стационар ва амбулатор шароитда “бир талаба – бир бемор” шаклида	2027 йил апрель 2027/2028 ўқув йилидан бошлаб	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги

		индивидуал тарзда ҳафтасига камида уч марта бемор билан ишлаш амалиётини жорий этиш. 6. Аҳоли орасида энг кўп учрайдиган ва ўлим хавфи юқори бўлган касалликлар ҳамда ҳолатлар бўйича ўқитиш учун ажратилган кредит соатларини босқичма-босқич кўпайтириш. 7. Таълим жараёнига далилларга асосланган тиббиёт услубиётини қўллаш ҳамда симуляцион марказларда амалий кўникмаларни ўзлаштиришни мажбурий тарзда жорий этиш. 8. Бакалавриат таълим йўналишларининг клиник фанлар бўйича ротациялари (цикллик модуллари)да профессор-ўқитувчилар таркиби ва талабаларнинг сонини 2031/2032 ўқув йилида 1:6 га етказиш чораларини кўриш.			
2.	Бакалавриат битирувчи курсларида тўлиқ ўқув йили давомида амалиёт ўташ тизимини жорий этиш ҳамда стоматология поликлиникаларини бириктириш.	1. Тиббиёт соҳасининг барча бакалавриат таълим йўналишларида битирувчи курс талабалари учун тўлиқ ўқув йили давомида амалиёт ўташ тартибини тасдиқлаш. 2. Амалиёт ўташ базалари, талабаларнинг вазифалари, баҳолаш мезонлари ва раҳбарлик қилиш механизмини белгилаш. 3. Стоматология йўналиши талабаларининг амалий машғулотларини ташкил этиш учун тиббиёт олий таълим муассасаларига стоматология поликлиникаларини бириктириш.	2027 йил ноябрь 2026 йил декабрь 2027 йилдан бошлаб	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
3.	Тор соҳа мутахассисларини тайёрлашда муддати табақалаштирилган резидентура дастурларини жорий этиш.	1. Клиник ординатура негизида халқаро стандартларга мос муддати табақалаштирилган резидентура дастурларини жорий этиш мақсадида резидентура мутахассисликлари рўйхати, ўқиш муддатлари, малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурларини қайта кўриб чиқиш, ишлаб чиқиш ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлаш.	2027 йил май	Давлат бюджети маблағлари, бюджетдан ташқари маблағлар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги

		2. Тиббиёт мутахассисликлари номенклатурасини резидентура дастурлари орқали тайёрланадиган тор соҳа мутахассисликларини инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш. 3. 2027/2028 – 2028/2029 ўқув йиллари давомида резидентурага қабулни босқичма-босқич давлат гранти асосида ташкил этиш.	2027/2028 ўқув йилидан бошлаб		
4.	Магистратура, интернатура ва қайта тайёрлаш орқали тор соҳа мутахассисларини тайёрлаш тартибини қайта кўриб чиқиш.	1. Тиббиёт соҳасида магистратура орқали тор соҳа мутахассисларини тайёрлаш амалиётини бекор қилиш ва грант қабул параметрларини резидентура дастурларига йўналтириш. 2. Магистратура дастурларини илмий-педагогик кадрлар тайёрлашга ихтисослаштириш, турдош соҳада олий маълумотга эга талабгорларни қабул қилиш тартибини белгилаш. 3. Хотин-қизларга берилган тегишли имтиёзларни резидентура дастурларига татбиқ этиш механизмини ишлаб чиқиш.	2027/2028 ўқув йилидан бошлаб	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Адлия вазирлиги
5.	Оилавий тиббиёт бўйича резидентура ва педагог кадрлар учун бир йиллик магистратура дастурини жорий этиш.	1. Оилавий тиббиёт йўналиши бўйича резидентура ўқув дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Оилавий тиббиёт йўналиши бўйича резидентурага 2026/2027 ўқув йилида давлат гранти асосида 60 та қабул ўрни ажратиш, 2027/2028 ўқув йилидан бошлаб эса ҳар йили камида 200 тадан давлат гранти асосида қабул ўринларини ажратиб бориш. 3. Олий таълим ташкилотларига оилавий поликлиникаларни бириктириш, уларда профессор-ўқитувчилар ва резидентлар томонидан тиббий хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш.	2026 йил октябрь 2027/2028 ўқув йилидан бошлаб	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги

		4. Оилавий тиббиёт мутахассислиги бўйича педагогларни тайёрлаш учун бир йиллик магистратура таълим дастурини ташкил этиш. 5. 2030/2031 ўқув йилидан бошлаб оилавий тиббиёт йўналиши бўйича резидентурага давлат гранти асосида қабул квоталарини соҳа эҳтиёжи, дастур самарадорлиги ва кадрлар тақчиллиги таҳлилидан келиб чиқиб белгилаш.			
6.	Таълим дастурларида (педиатрия иши ва умумий тиббиёт) аҳоли орасида кўп учрайдиган ва ўлим хавфи юқори бўлган касалликлар, илмий тадқиқотлар, далилларга асосланган тиббиёт ва симуляцион тайёргарлик улушини ошириш.	1. Кардиология, шошилинч ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам, онкология ва бошқа устувор касалликлар бўйича ажратиладиган кредит соатларини кўпайтириш. 2. Таълим жараёнига илмий тадқиқот ва далилларга асосланган тиббиёт услубиётини мажбурий тарзда киритиш. 3. Симуляцион марказларда амалий кўникмаларни ўзлаштиришни ўқув режалари ва баҳолаш мезонларига киритиш.	2027/2028 ўқув йилидан бошлаб	Таълим муассасалари-нинг бюджетдан ташқари маблағлари, халқаро молия институтлари маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
7.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги давлат илмий тиббиёт кутубхонасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ахборот-кутубхона ресурсларини ривожлантириш.	1. Кутубхонанинг адабиётлар, электрон ресурслар, техника ва жиҳозларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш. 2. Ҳар йиллик асослантирилган ҳисоб-китобларни шакллантириш ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишиш. 3. Тошкент давлат тиббиёт университетининг кузатув кенгаши қарори асосида ўрнатилган тартибда маблағ ажратиш. 4. Кутубхона фондини янгилаш, рақамлаштириш ва халқаро илмий маълумотлар базаларига обуна бўлиш.	2026/2027 ўқув йилидан бошлаб	Тошкент давлат тиббиёт университети-нинг бюджетдан ташқари маблағлари, грантлар ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
8.	Тиббиёт ва фармацевтика таълим тизимини такомиллаштириш бўйича етакчи	Тиббий таълим тизимини такомиллаштиришга қаратилган ислоҳотларни амалга ошириш учун Жаҳон банки экспертлари ва кредит маблағларини жалб қилиш, шунингдек, ушбу	2027–2030 йиллар давомида	Жаҳон банкининг кредит ва грант	Соғлиқни сақлаш вазирлиги,

	хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш.	маблағлар доирасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қуйидаги ташкилотлар хизматларини “таклиф сўрови” тартиб-таомили асосида харид қилган ҳолда ҳамкорлик лойиҳаларини амалга ошириш чораларини кўриш: (а) Кембридж университетининг Тиббий таълим гуруҳи (CUMEG) билан — тиббий таълим дастурлари ва битирувчилар компетенцияларини халқаро стандартларга мослаштириш; (б) Пенсильвания университети Ҳамширалик иши мактаби (University of Pennsylvania School of Nursing) билан биргаликда Илғор тиббий ҳамроҳлик академияси фаолиятини йўлга қўйиш. (в) Битирувдан кейинги тиббий таълимни аккредитация қилиш кенгаши (ACGME) билан — резидентура дастурларини компетенцияга асосланган ёндашув асосида такомиллаштириш ва ташқи баҳолашни йўлга қўйиш; (г) Узлуксиз тиббий таълимни аккредитация қилиш кенгаши (ACCME) билан — тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг узлуксиз касбий таълими ҳамда таълим дастурлари аккредитацияси механизмларини жорий этиш.		маблағлари, халқаро молия институтлари ва донор ташкилотлар маблағлари, Тиббиётни ривожлан-тириш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари	Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
9.	Тиббиёт соҳаси бўйича ўқув дастурларини Жаҳон банки кўмагида халқаро талабларга мослаштириш.	1. Жаҳон банки кўмагида бакалавриат ва резидентура мутахассисликлари, шу жумладан, ҳамширалик йўналиши бўйича компетенцияга асосланган ўқув дастурлари, ўқув-услубий материаллар ва рақамли таълим ресурсларини ишлаб чиқиш. 2. Олий тиббий таълим муассасаларининг ўқув дастурларини босқичма-босқич Бутунжаҳон тиббий таълим федерацияси (WFME) стандартларига мувофиқлаштириш ва аккредитациядан ўтказиш.	2027 йилдан бошлаб	Жаҳон банкининг кредит ва грант маблағлари, халқаро молия институтлари маблағлари, Давлат бюджети ва бюджетдан	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги

		3. Касбий стандартлар, малака ошириш дастурлари ва давлат рўйхатидан ўтказиш механизмларини ишлаб чиқиш. 4. Тиббиёт ходимларининг миллий малака рамкаларини ишлаб чиқиш ҳамда олий таълим муассасалари ва техникумлар ўқитувчилари учун халқаро тренинглар, маҳорат дарслари ва хорижий амалиёт дастурларини ташкил этиш.		ташқари маблағлар	
10.	"Тиббиёт новаторлари" миллий тиббиёт ҳамжамиятини ташкил этиш.	1. "Тиббиёт новаторлари" миллий тиббиёт ҳамжамияти концепцияси, ташкилий тузилмаси ва фаолиятини ташкил этиш регламентини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш. 2. Ҳамжамият фаолияти учун ягона рақамли платформани яратиш бўйича техник топшириқни тасдиқлаш ва платформани босқичма-босқич ишга тушириш. 3. Ҳамжамият фаолиятини мувофиқлаштириш учун доимий фаолият юритувчи лойиҳа офисини ташкил этиш.	2026 йил ноябрь	Тиббиётни ривожлан-тириш давлат мақсадли жамғармаси, Ёшлар ишлари агентлиги, халқаро грантлар, ҳомийлик маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
11.	Тиббиёт ривожига ҳисса қўшган ходимларни ижтимоий ва моддий рағбатлантириш.	"Тиббиёт новаторлари" миллий тиббиёт ҳамжамияти аъзоларига ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида ишга жалб этилган ватандошлар ва хорижий экспертларни қўллаб-қувватлаш, меҳнатига муносиб ҳақ тўлаш, фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, шунингдек, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш мақсадида ижтимоий пакет ишлаб чиқиш. Бунда белгиланган тартибда ижтимоий пакетда назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш учун:	2026 йил ноябрь	Тиббиётни ривожлан-тириш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар

		2026 йилда Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси ҳисобидан маблағ ажратиш; 2027 йилдан бошлаб Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишган ҳолда Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармасига ушбу мақсадлар учун Давлат бюджетидан ҳар йили 100 млрд сўмдан ажратиб бориш.			
12.	Тиббиёт таълими тизимига ёшларни барвақт жалб этиш ва бу орқали таълим босқичлари узвийлигини таъминлаш.	Тошкент шаҳрининг 12 та мактабида тажриба-синов тариқасида тиббиёт йўналишига ихтисослаштирилган синфлар ташкил этиш. Бунда: мактабларни ва уларда лойиҳа менежерларини танлаб олиш; мактаблар умумий ўқув режаси доирасида унинг 20 фоизгача бўлган қисмини табиий фанларга ажратиш; мактабларга тиббиёт олий таълим ва тиббиёт муассасаларини бириктириш ҳамда уларда ўқувчиларнинг касб билан танишиш жараёнларини ташкил этишни назарда тутиш.	2026/2027 ўқув йили давомида	Тошкент шаҳар ҳокимлигининг бюджетдан ташқари маблағлари	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги
13.	Таълим ташкилотларининг клиник базалар, илмий-амалий лабораториялар, симуляцион марказлар ва фармацевтика ташкилотлари билан ҳамкорлик мажбуриятини белгилаш.	1. Олий таълим ташкилотларининг клиник базаси, илмий-амалий тадқиқот лабораторияси ва симуляцион марказларига қўйиладиган талабларни белгилаш. 2. Таълим ташкилотлари зиммасига клиникалар, клиник базалар, илмий-амалий тадқиқот лабораториялари, симуляцион марказлар ва фармацевтика ташкилотлари билан ҳамкорликда таълим жараёнларини ташкил этиш мажбуриятини юклаш.	2026 йил декабрь	Маблағ талаб этилмайди	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
14.	Ҳудудларга ишлашга мақсадли йўналтириладиган тиббиёт ходимларини моддий қўллаб-қувватлаш.	Ҳудудларга ишлашга мақсадли йўналтириладиган тиббиёт ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, имтиёзли ипотека ажратиш, шунингдек, оила аъзоларини ишга ва	2026 йил ноябрь	Маблағ талаб этилмайди	Бошқарув самарадорлиги агентлиги,

		фарзандларини мактабгача таълим ташкилотига жойлаштириш, санатор-курорт даволаниш кафолатларини назарда тутувчи таклифни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.			Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
15.	Туман (шаҳар) даражасидаги тиббиёт муассасалари тор соҳа мутахассисларини хорижий давлатларнинг етакчи тиббиёт таълими ва илмий-амалий муассасаларига резидентура (клиник ординатура), қайта тайёрлаш ва малака оширишга юбориш.	Давлат тиббиёт муассасалари тиббиёт ходимларини хорижий давлатларнинг етакчи тиббиёт таълими ва илмий-амалий муассасаларига резидентура (клиник ординатура), қайта тайёрлаш ва малака оширишга юборишни ташкил қилиш. Бунда: бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари ҳамда туман (шаҳар) марказий шифохоналарида фаолият юритаётган тор соҳа мутахассисларини Россия Федерациясининг етакчи тиббиёт таълими ва илмий-амалий муассасаларига 2030 йилга қадар йилига камида 500 нафардан клиник ординатура, қайта тайёрлаш ва малака оширишга юбориш; EDCF жамғармаси маблағлари ҳисобидан ташкил этилаётган Тошкент ихтисослаштирилган кўп тармоқли шифохонаси фаолиятини йўлга қўйиш лойиҳаси доирасида 2027 йилда Жанубий Кореянинг Сеул миллий университети Бунданг шифохонасига малака ошириш ва амалий стажировкадан ўтиш учун юбориш; 2026-2027 йилларда 400 нафаргача тор соҳа мутахассисларини Туркия Республикасининг етакчи тиббиёт таълими ва илмий-амалий муассасаларига малака ошириш ва амалий стажировкадан ўтиш учун юбориш; мутахассисларни танлаш ва юборишнинг осонлаштирилган тартибини ишлаб чиқиш;	2027-2030 йиллар	Тиббиётни ривожлан-тириш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар

		ўқитиш билан боғлиқ харажатларини, шу жумладан, бориш-келиш авиачиптаси, яшаш ва кунлик харажатларни Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш; ўқишга хорижга юборилган тиббиёт ходимларининг ойлик маошларини сақлаб қолиш чораларини кўриш.			
16.	Болалар онкологияси ва гематологияси йўналишида Марказий Осиё давлатларининг ҳамкорлигини қўллаб-қувватлаш.	Марказий Осиё давлатларининг болалар онкологияси ва гематологияси йўналишида 6 нафар тор соҳа мутахассисларини Вена халқаро тиббиёт университетига (Австрия) кузатув амалиёти (Observership) ўтиш учун юбориш масаласини кўриб чиқиш. Бунда Марказий Осиёнинг қуйидаги мамлакатларидан: Қозоғистон Республикасидан – 2 нафар; Тожикистон Республикасидан – 2 нафар; Қирғиз Республикасидан – 2 нафар мутахассислар юборишни инобатга олиш.	2026/2027 ўқув йили	Онкологик ва гематологик касалликларга чалинган болаларни соғломлаш-тиришга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Болалар онкологияси, гематологияси ва иммунологияси илмий-амалий тиббиёт маркази
17.	Ҳамширалар академияси негизида Тошкент давлат тиббиёт университетида Илғор тиббий ҳамроҳлик академиясини ташкил этиш.	1. Ҳамширалар академияси негизида олий тиббий ҳамроҳлик иши йўналиши бўйича халқаро ҳамкорлик асосида Илғор тиббий ҳамроҳлик академиясини ташкил этиш. 2. Илғор тиббий ҳамроҳлик академияси деканига университет проректори ваколатларини беришни назарда тутувчи низомни тасдиқлаш. 3. Ҳамширалик бўйича олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим ва малака ошириш дастурларини йўлга қўйиш. 4. Илғор тиббий ҳамроҳлик академиясини олий ва касбий таълимда кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича таянч муассаса сифатида белгилаш.	2027/2028 ўқув йилидан бошлаб	Давлат бюджети маблағлари, бюджетдан ташқари маблағлар, хорижий ҳамкорлар маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Тошкент давлат тиббиёт университети

		5. Ҳамширалар академиясига тегишли бино-иншоотларни Тошкент давлат тиббиёт университети тасарруфига ўтказиш.			
18.	Тиббий ҳамроҳлик иши бакалавриат таълим йўналиши бўйича давлат буюртмаси қабул параметрларини ошириш.	1. Ҳамширалик иши соҳасида меҳнат бозори конъюнктураси ҳамда соҳа эҳтиёжларини таҳлил қилиш орқали ўрта ва олий маълумотли ҳамшираларни ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари шакллантирилиши механизмини қайта кўриб чиқиш. 2. Олий тиббий ҳамроҳлик иши бакалавриат таълим йўналиши бўйича ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрларини ошириш. Бунда энг камида қуйидагича: 2027/2028 ўқув йилида 500 тадан; 2028/2029 ўқув йилида 600 тадан; 2029/2030 ўқув йилида 720 тадан; 2030/2031 ўқув йилида 860 тадан кам бўлмаган квоталар ажратиш.	2027/2028 ўқув йилидан бошлаб	Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
19.	Ўрта тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва олий тиббий ҳамроҳлик таълимини ривожлантириш тартибини янгилаш.	1. Ўрта тиббиёт ходимларини тайёрлашнинг икки йиллик ўқув дастурларини бекор қилиш. 2. Ўрта ва олий маълумотли тиббиёт кадрларини тайёрлашда хорижий тилларни ўқитиш ва сертификатлаш (**TOEFL**, **IELTS**, **Goethe-Zertifikat** ва бошқалар) механизмларини босқичма-босқич жорий этиш. 3. Тиббий ҳамроҳлик йўналишида илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш мақсадида магистратура дастурини йўлга қўйиш.	2027/2028 ўқув йилидан бошлаб	Давлат бюджети маблағлари, бюджетдан ташқари маблағлар, хорижий ҳамкорлар маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
20.	Хорижий тилларни юқори даражада биладиган тиббиёт ходимларини рағбатлантириш тартибини жорий этиш.	1. Даволаш-профилактика муассасаларида фаолият юритаётган ва хорижий тилни С1 ёки С2 даражада билишини тасдиқловчи халқаро ёки миллий сертификатга эга тиббиёт ва фармацевтика ходимларига ойлик лавозим маошига устама тўлаш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2027 йил январь	Мазкур мақсадлар учун ажратилган Давлат бюджети ва бюджетдан	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги,

		2. Мазкур тартибни босқичма-босқич амалиётга жорий этиш.		ташқари маблағлар	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
21.	Фармацевтика корхоналари ва ташкилотларда фаолият юритаётган талаблар (ходимлар) учун дуал таълим шаклларини жорий этиш.	1. Меҳнат стажига эга ходимлар учун асосий фаолиятидан ажралмаган ҳолда халқаро таълим стандартларига мувофиқ дуал таълим шаклларини ташкил этиш. 2. Иш берувчи буюртмаси, талабгорларни танлаш, уч томонлама шартнома, иш жойида ўқитиш ва баҳолаш механизмларини белгилаш. 3. Дуал таълим дастурларини фармацевтика корхоналари эҳтиёжларига мувофиқ ишлаб чиқиш.	2027/2028 ўқув йилидан бошлаб	Корхона ва ташкилотлар маблағлари, тўлов-контракт маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Тошкент фармацевтика институти
22.	Тошкент фармацевтика институтида фармацевтика маҳсулотини тартибга солиш бўйича янги ўқув курсларини йўлга қўйиш.	1. “Фармацевтика маҳсулотининг сифатини баҳолаш ва тартибга солиш”, “Яхши лаборатория амалиёти (GLP)” ва “Фармаконазорат (GVP)” ўқув курслари дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Республикада ва хорижда фармацевтика маҳсулотларини тартибга солиш соҳасида фаолият юритаётган малакали мутахассисларни жалб қилиш. 3. Курсларни малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим дастурлари билан уйғунлаштириш.	2027/2028 ўқув йилидан бошлаб	Тошкент фармацевтика институтининг бюджетдан ташқари маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Тошкент фармацевтика институти
23.	“Фармацевтика ишлаб чиқариш ва амалиёт” илмий-ўқув маркази “спин-офф” корхонаси фаолиятини йўлга қўйиш.	1. Тошкент фармацевтика институтидаги Ўқув-тажриба ишлаб чиқариш мажмуаси негизида амалдаги молиялаштириш тартибини сақлаган ҳолда марказ фаолиятини ташкил этиш. 2. Марказ фаолиятининг таълим жараёни билан интеграциялашуви тартибини тасдиқлаш. 3. Талабаларнинг амалий таълим учун ажратилган юкламаларини 60 фоизга етказиш. 4. Талабаларнинг малака амалиёти даврида дори воситасининг ҳаётий циклини (синтез, клиниколди синовлари, стандартлаш) тўлиқ яратиш жараёнида иштирок этишини йўлга қўйиш.	2027 йил январь 2027/2028 ўқув йилидан бошлаб	Амалдаги молиялаш-тириш тартиби, институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Тошкент фармацевтика институти

24.	Тиббиёт олий таълим муассасаларини ўзларига бириктирилган клиникаларнинг муассиси этиб белгилаш.	1. Олий таълим муассасаларининг клиникалар фаолиятини мувофиқлаштириш ваколатлари ва ҳисобдорлик тартибини белгилаш. 2. Профессор-ўқитувчилар, талабалар, резидентлар ва магистрларнинг клиникалардаги даволаш ишларида бевосита иштирок этиш тартибини белгилаш.	2027 йил январдан бошлаб	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, тегишли тиббиёт олий таълим муассасалари
25.	Кадавер материалларини илмий ва таълим мақсадларига олиб кириш, ташиш, сақлаш ва утилизация қилиш тартибини жорий этиш.	1. Олий таълим ташкилотларига илмий ва таълим мақсадларида тадқиқот ва ўқув жараёнларида фойдаланиш учун мурда ҳамда унинг материаллари (кадавер)ни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш, ташиш, сақлаш ҳамда утилизация қилиш тартибини ишлаб чиқиш. 2. Санитария-эпидемиологик, божхона, этик ва хавфсизлик талабларини белгилаш. 3. Тегишли рухсатномалар, ҳисоботлар ва назорат механизмларини жорий этиш.	2027 йил январдан бошлаб	Таълим ташкилот-ларининг бюджетдан ташқари маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Божхона қўмитаси, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 10 сентябрдаги ПФ–191-сон Фармонига
2-илова

Тиббиёт олий таълим муассасалари тасарруфига ўтказиладиган стоматология муассасалари рўйхати

Т/р	Олий таълим муассасаси номи	Стоматология муассасаси номи
1.	Тошкент давлат тиббиёт университети	2-сон болалар стоматология поликлиникаси
		1-сон болалар стоматология поликлиникаси
		4-сон болалар стоматология поликлиникаси
		5-сон болалар стоматология поликлиникаси
2.	Андижон давлат тиббиёт институти	Андижон вилоят болалар стоматология поликлиникаси
3.	Бухоро давлат тиббиёт институти	Бухоро вилоят ихтисослаштирилган болалар стоматология маркази
		Бухоро вилоят стоматология поликлиникаси
4.	Самарқанд давлат тиббиёт университети	Самарқанд вилоят стоматология поликлиникаси
		Самарқанд вилоят ихтисослаштирилган болалар стоматология поликлиникаси
5.	Урганч давлат тиббиёт институти	Хоразм вилоят болалар стоматология поликлиникаси
6.	Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти	Фарғона вилоят болалар стоматология поликлиникаси
		Фарғона вилоят стоматология шифохонаси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 10 сентябрдаги ПФ–191-сон Фармонига
3-илова

Тиббиёт ва фармацевтика таълими тизимини такомиллаштиришнинг мақсадли кўрсаткичлари

Т/р	Индикатор номи	Ўлчов бирлиги	2026 йил	2027 йил	2028 йил	2029 йил	2030 йил
1.	Бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режа ва дастурларини компетенциявий ёндашув асосида қайта кўриб чиқиш	фоиз	30	50	70	90	100
2.	Клиник протоколлар, стандартлар ва далилларга асосланган тиббиёт тамойиллари интеграция қилинган ўқув дастурлари улуши	фоиз	50	70	85	95	100
3.	Амалий кўникмаларни баҳолашнинг OSCE шакллари жорий этилган таълим дастурлари улуши	фоиз	30	50	70	85	100
4.	Бакалавриат таълим йўналишларида профессор-ўқитувчилар таркиби ва талабаларнинг сони нисбати	камайиш суръати	1:9,6	1:9	1:8	1:7	1:6
5.	Тиббиёт ОТМларида симуляцион таълим элементлари билан қамраб олинган асосий клиник фанлар улуши	фоиз	40	60	75	90	100
6.	Замонавий симуляцион марказ ёки симуляцион ўқув лабораториясига эга тиббиёт ОТМлари улуши	фоиз	60	75	85	100	100
7.	Резидентурада клиник амалиёт дастурларини меҳнат бозори эҳтиёжига мувофиқ кўриб чиқиш	фоиз	25	45	65	85	100

8.	Таълим жараёнида рақамли таълим платформалари орқали ўқитиладиган фанлар улуши	фоиз	35	50	65	80	90
9.	Электрон журнал, электрон портфолио ва талабаларнинг амалий кўникмаларини рақамли қайд этиш тизими жорий этилган ОТМлар улуши	фоиз	30	50	70	90	100
10.	Профессор-ўқитувчиларнинг замонавий педагогик технологиялар, симуляцион ва рақамли таълим бўйича малака ошириши	нафар	1 000	1 500	2 000	2 500	3 000
11.	Халқаро таълим стандартлари асосида қайта тайёрланган ёки стажировкадан ўтган профессор-ўқитувчилар улуши	фоиз	10	15	20	25	30
12.	Илмий даражага эга профессор-ўқитувчилар улушини ошириш	фоиз	45	50	55	60	65
13.	Халқаро ҳамкорлик асосида қўшма таълим дастурлари, академик алмашинув ва стажировка дастурлари сони	сони	10	15	20	25	30
14.	Чет тилларида, шу жумладан, инглиз тилида ўқитиладиган фанлар ёки модуллар улуши	фоиз	10	15	20	25	30
15.	Талабаларнинг клиник базаларда амалий машғулотлар билан қамровини ошириш	фоиз	70	80	90	95	100
16.	Амалий кўникмалар бўйича ягона минимал компетенциялар рўйхати асосида баҳоланадиган битирувчилар улуши	фоиз	30	50	70	90	100
17.	Битирувчиларнинг мутахассислиги бўйича ишга жойлашиш даражаси	фоиз	75	80	85	88	90

18.	Узлуксиз касбий таълим дастурларини электрон реестр орқали рўйхатга олиш ва юритиш	фоиз	40	60	80	90	100
19.	Тиббий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот фаолиятига жалб этилган талабалар улуши	фоиз	15	20	25	30	35
20.	Халқаро маълумотлар базаларида индексация қилинадиган илмий мақолалар сонини ошириш	ўсиш суръати	10%	15%	20%	25%	30%
21.	Таълим, илм-фан ва клиник амалиёт интеграцияси асосида ташкил этилган ўқув-клиник марказлар сони	сони	3	5	7	10	12

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 10 сентябрдаги ПФ–191-сон Фармонига
4-илова

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 26 февралдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–3214-сон Фармонига 2-иловада:

(а) номидаги “Юқори технологик ихтисослаштирилган” сўзлари “Ихтисослаштирилган” сўзи билан алмаштирилсин;

(б) қуйидаги мазмундаги 20-банд билан тўлдирилсин:

“20. Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси учун донорлик қилган шахслар”.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 ноябрдаги “Тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–184-сон Фармонида:

(а) 1-иловада:

(i) 11-позиция “Назорат соҳаси” устунидаги “Тиббий фаолият устидан назорат” сўзлари “Тиббий фаолиятни лицензия олмасдан амалга ошириш ҳолатларини аниқлаш ва бартараф этиш устидан назорат” сўзлари билан алмаштирилсин;

(ii) қуйидаги мазмундаги 11^2-позиция билан тўлдирилсин:

“

11^2.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Клиник аудит инспекцияси	Тиббий фаолият устидан назорат

”;

(б) 2-илова қуйидаги мазмундаги 1^3-позиция билан тўлдирилсин:

“

1^3.	Тиббий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бемор ўлими, беморга оғир ёки доимий зарар етказилиши, бир неча шахсга зарар етказиш хавфи, беморлар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Клиник аудит инспекцияси

	ҳаёти ва соғлиғига давом этаётган бевосита жиддий клиник хавф, шунингдек, клиник ҳодиса тўғрисидаги маълумотни қасддан яшириш ёки сохталаштириш аломатлари мавжуд бўлганда кечиктириб бўлмайдиган текширувлар.	

”.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 5 майдаги “Таълим сифатини таъминлаш ва таълим хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–76-сон Фармонида:

(а) 2-бандниng иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Белгилансинки, Агентлик ўрта махсус, касбий, олий ва олий таълимдан кейинги таълим, шунингдек, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, малакаларни баҳолаш соҳаларида ташқи сифат назоратини амалга оширувчи махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади, бундан тиббиёт ва фармацевтика ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ташкилотлари ҳамда таълим дастурлари мустасно. Мазкур соҳада ташқи сифат назорати ҳамда комплекс ва махсус давлат аккредитациясини амалга ошириш бўйича ваколатли давлат органи Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Узлуксиз касбий ривожланиш маркази ҳисобланади”;

(б) 4-банд “а” кичик бандининг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“(а) ўрта махсус, касбий, олий ва олий таълимдан кейинги таълим, шунингдек, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ташкилотларини (кейинги ўринларда – таълим ташкилотлари) комплекс ва махсус давлат аккредитациясидан ўтказади (бундан тиббиёт ва фармацевтика ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва ихтисослаштириш, шунингдек, резидентура бўйича кадрлар тайёрлаш фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар ҳамда уларнинг таълим дастурлари мустасно). Бунда:”;

(в) 1-иловаnинг “а” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“(а) ўрта махсус, касбий, олий ва олий таълимдан кейинги таълим, шунингдек, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ташкилотлари (кейинги ўринларда – таълим ташкилотлари)ни ташқи баҳолашни амалга ошириш (бундан тиббиёт ва фармацевтика ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва ихтисослаштириш, шунингдек, резидентура бўйича кадрлар тайёрлаш фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар ҳамда уларнинг таълим дастурлари мустасно)”.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 августдаги “Дори воситалари ва тиббий жиҳозлар муомаласини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–137-сон Фармонида:

(а) 2-бандниng “а” кичик бандидаги “мазкур Фармон кучга кирган санага қадар” сўзлари чиқариб ташлансин;

(б) 1-илова қуйидаги мазмундаги 6^1-позиция билан тўлдирилсин:

“

6^1.	2030 йил 1 январгача давлат рўйхатидан ўтказмасдан олиб кириладиган дори воситалари ва тиббий буюмлар рўйхатини тасдиқлаш.	1. Давлат рўйхатидан ўтказмасдан, мажбурий сертификатлаш шарти билан олиб киришга рухсат бериладиган дори воситалари ва тиббий буюмлар рўйхатини тасдиқлаш. 2. Давлат рўйхатидан ўтказмасдан, мажбурий сертификатлаш шарти билан олиб киришга рухсат бериладиган дори воситалари ва тиббий буюмлар рўйхатини Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Тиббиёт ва фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги сайтларида эълон қилиш.	Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил декабрь	Соғлиқни сақлаш вазирлиги *(Э. Адилов)*, Тиббиёт ва фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги *(А.Азизов)*

”.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 ноябрдаги “Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини гиёҳвандлик ва наркожиноятлардан самарали ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–207-сон Фармонига 1-илованинг 21-позицияси “Ижро муддати” устунида “2026 йил июль”, “2026 йил апрель–сентябрь” ва “2026 йил май” сўзлари “2026 йил декабрь” сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 5 майдаги “Тиббиёт соҳасида хусусий секторни қўшимча қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–74-сон Фармонида:


(а) 2-бандниng “в” кичик банди қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

“Бунда ихтисослаштирилган амбулатор тиббий хизматларни кўрсатиш ва жарроҳлик амалиётларини амалга ошириш пакетлари ҳамда уларнинг нархлари Жамғарма Кузатув кенгаши томонидан белгиланади”;

(б) 23-бандниng “а” кичик банди биринчи хатбошисидаги “уч ой муддатда” сўзлари “2026 йил якунига қадар” сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 5 майдаги “Соғлиқни сақлаш тизимида бошқарув самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–77-сон Фармонига 3-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ташкилий тузилмаси



9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 майдаги “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4310-сон қарорининг 4-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 апрелдаги “Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4666-сон қарорида:

(а) 3 банд “б” кичик бандининг учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

(б) 10-бандниng биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“10. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тиббиёт ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг тузилмаси Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири томонидан тасдиқланади”;

(в) 14-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“14. Тиббий-санитария ва фармацевтика кадрлари учун малака оширишни назарда тутувчи узлуксиз касбий таълим тизимини жорий этган тиббиёт олий таълим муассасалари (шу жумладан, нодавлат тиббиёт олий таълим муассасалари), республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ва уларнинг филиаллари, илмий-тадқиқот институтлари, ҳудудий кўп тармоқли тиббиёт марказлари ва нодавлат тиббиёт ташкилотлари малака оширишдан муваффақиятли ўтган мутахассисларга ўзлаштирилган ўқиш кредитлари кўрсатилган ҳолда Вазирлик томонидан тасдиқланадиган намунадаги сертификатни Вазирлик томонидан белгиланадиган ахборот тизими орқали электрон шаклда расмийлаштириш ҳуқуқи берилсин”;

(г) 3-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

(д) 4-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2020 йил 7 апрелдаги ПҚ–4666-сон қарорига
4-илова

Узлуксиз касбий тиббиёт таълимида тўпланадиган кредитлар ҲАЖМИ*

Т/р	Таълим олувчилар контингенти	Кредитларнинг жами ҳажми**	Шундан, бир йилда камида
1.	Олий маълумотли тиббиёт ходимлари	250	50
2.	Ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари	140	28

*Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан:

давлат тиббиёт ва фармацевтика ташкилотларида асосий иш жойи бўйича меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг ҳар йили 28 кредит тўплаши билан боғлиқ узлуксиз касбий таълим харажатлари тўлиқ қопланади;

бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида, туман (шаҳар) даражасидаги давлат тиббиёт ташкилотларида, шунингдек, шошилинч ва тез тиббий ёрдам тизимида асосий иш жойи бўйича меҳнат фаолиятини амалга ошираётган олий маълумотли тиббиёт ходимларининг ҳар йили 25 кредит тўплаши билан боғлиқ узлуксиз касбий таълим харажатлари қопланади.

Узлуксиз касбий тиббиёт таълимида кредитларни тўплаш билан боғлиқ Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланадиган харажатларни молиялаштириш тартиби ва уларнинг энг юқори миқдорлари Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан белгиланади.

** Кредитларнинг жами ҳажми беш йил давомида тўпланади".

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 июлдаги "Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ–5188-сон қарорининг 8-бандида:

(а) "а" кичик банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

(б) "б" кичик бандининг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"2030 йил 1 январга қадар Президент мактаблари битирувчиларига давлат олий таълим ташкилотларининг бакалавриат таълим йўналишларига халқаро A-Level имтиҳонларидан танлов фанларидаги йўналиши бўйича A*, A ва B даражадаги сертификатларни қўлга киритган тақдирда баллар кетма-кетлигида 2027/2028 ўқув йилида уларнинг 50 фоизи, 2028/2029 ўқув йилидан бошлаб 15 фоизи умумий белгиланган давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичларига нисбатан қўшимча давлат гранти асосида, қолган қисми эса умумий белгиланган қабул параметрларидан ташқари базавий тўлов-контракт асосида".

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги "Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–5199-сон қарорида:

(а) 1-банд "а" кичик бандининг еттинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“йўлланма ахборот тизимида автоматик тарзда шакллантирилади ва давлат ёки нодавлат тиббиёт ташкилотларида тиббий хизматлар олиш ҳуқуқини беради. Бунда йўлланма тасдиқлангандан сўнг 10 кун мобайнида бемор томонидан тегишли тиббиёт ташкилотига мурожаат қилинмаганда ушбу йўлланма ўз кучини йўқотади (патологик ҳомиладорлик ҳолатлари, “Вақф” хайрия жамоат фонди, “Саховат ва кўмак”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” жамғармалари, шунингдек, Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан даволаниш учун берилган йўлланмалар бундан мустасно)”;

(б) 1-илованинг изоҳ қисми қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази 2026 йил 1 октябрдан бошлаб Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни электрон ахборот тизими орқали ҳисобга олиш ва навбат асосида даволанишга йўллаш тизимидан чиқарилади”.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 майдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–5124-сон қарори 6-банди тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Белгилансинки, 2026 йил 1 июндан бошлаб тиббиёт муассасаларининг IT операторларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5349-сон Фармони 7-банди “г” кичик бандида назарда тутилган устама татбиқ этилади ҳамда тиббиёт муассасаларининг IT операторларига тиббиёт бригадалари амалиётчи ҳамширалари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этилади”.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 16 июндаги “Аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ–283-сон қарорида:

(а) 1-илованинг 16-позициясида “Чора-тадбир номи” устуни учинчи хатбошисидаги “2023–2025 йилларда” сўзлари “2027–2029 йилларда” сўзлари билан алмаштирилсин;

(б) 3-илованинг Изоҳ қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“**Изоҳ**: Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан йўлтанламас ва махсус автотранспорт воситаларига бўлган эҳтиёж асосида мазкур рўйхатга ўзгартиришлар киритилиши мумкин”.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлдаги “2022 – 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–307-сон қарорига 7а-илованинг 108-позицияси чиқариб ташлансин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 октябрдаги “Аҳолини сифатли дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–411-сон қарорининг 2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2. Белгилаб қўйилсинки:

а) қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда вақтинчалик танқислиги юзага келган деб топилган ҳамда давлат рўйхатидан ўтказмасдан мажбурий сертификатлаштириш шарти билан тиббиёт амалиётида қўллаш ва олиб киришга рухсат этилган рецепт билан бериладиган дори воситаларига нисбатан референт нархни шакллантириш тизими татбиқ этилмайди;

б) 2025 йил 1 апрелдан бошлаб референт нархлари қайд этилмаган ёки қайд этилган нархдан юқори бўлган рецепт билан бериладиган дори воситаларини сертификатлаштириш тақиқланади (ушбу бандниг “а” кичик бандида кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно)”.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги “2023–2026 йилларда фтизиатрия ва пульмонология хизматини янада ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–12-сон қарорида:

(а) қуйидаги мазмундаги 9^1-банд билан тўлдирилсин:

“9^1. Марказ 2026 йил 1 октябрдан бошлаб Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни электрон ахборот тизими орқали ҳисобга олиш ва навбат асосида даволанишга йўллаш тизимидан чиқарилади. Бунда Марказ ва ҳудудлардаги фтизиатрия ва пульмонология йўналишидаги тиббиёт муассасаларига Давлат бюджети ва бошқа манбалардан ажратиладиган маблағлар Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси маблағлари таркибида республика бюджети даражасида алоҳида

жамланади ҳамда туберкулёз ва нафас олиш органлари касалликларининг олдини олиш, эрта аниқлаш, даволаш, реабилитация қилиш билан боғлиқ тадбирлар ҳар бир даволанган ҳолат бўйича ва бошқа усулларда молиялаштирилади";

(б) 2-иловада:

(i) 10-позицияда:

"Амалга ошириш механизми" устунидаги "жами 4 млн нафар" сўзлари чиқариб ташлансин;

"Муддати" устунидаги "2023–2026 йиллар" сўзлари "2023 йилдан бошлаб" сўзлари билан алмаштирилсин;

(ii) 15-позицияда:

"Амалга ошириш механизми" устуни 1-бандидаги "80 мингта" сўзлари "Ҳар йили 20 мингтадан" сўзлари билан алмаштирилсин;

"Муддати" устунидаги "2023–2026 йиллар" сўзлари "2023 йилдан бошлаб" сўзлари билан алмаштирилсин;

(iii) 22-позициянинг "Муддати" устунидаги "2023–2026 йиллар" сўзлари "2023 йилдан бошлаб" сўзлари билан алмаштирилсин;

(в) 4-илованинг изоҳ қисми қуйидаги мазмундаги тўққизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

"Мазкур иловада келтирилган тиббий жиҳозлар 2027 йил якунига қадар етказиб берилади".

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 июндаги "Маъмурий ислоҳотлар доирасида соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–197-сон қарорида:

(а) 8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"8. Тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг малакасини баҳолаш маркази Тошкент шаҳри Яшнобод тумани Султонали Машҳадий кўчаси 197-уй манзилидаги бинога оператив бошқарув ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин";

(б) 2-илованинг 3-позицияси чиқариб ташлансин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 23 ноябрдаги "Аллергик касалликларнинг олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–371-сон қарорида:

(а) 2-банднинг “а” кичик бандидаги “Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг бемор вакилларини” сўзлари “ногиронлиги бўлган шахсларни” сўзлари билан алмаштирилсин;

(б) 3-банддаги “Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг бемор вакилларини” сўзлари “ногиронлиги бўлган шахсларни” сўзлари билан алмаштирилсин;

(в) 1-илованинг 7-позицияси “Чора-тадбирлар номи” устунидаги “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимига ёки Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг бемор вакилларига” сўзлари “ногиронлиги бўлган шахсларга” сўзлари билан алмаштирилсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 9 февралдаги “Қашқадарё вилоятида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда соғлиқни сақлаш тизимини янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–67-сон қарорига 1-иловада:

(а) 10-позициянинг “Амалга ошириш муддатлари” устуни “2024–2026 йиллар” сўзлари “2024–2027 йиллар” сўзлари билан алмаштирилсин;

(б) 15-позиция чиқариб ташлансин.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 15 майдаги “Учинчи Тошкент халқаро инвестиция форуми ва Хорижий инвесторлар кенгашининг навбатдаги йиғилиши доирасида эришилган келишувларнинг ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–179-сон қарорига 1-илованинг 43-позициясида:

(а) “Лойиҳа номи” устунидаги “Хорижий ҳамкор: “InterHealth Medical” (Австралия)” сўзлари чиқариб ташлансин;

(б) “Ижро муддати” устунидаги “2026 йил декабрь” сўзлари “2028 йил июль” сўзлари билан алмаштирилсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 22 ноябрдаги “Аёллар орасида онкологик касалликларни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–402-сон қарорига 2-иловада:

(а) қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“ Н.Э.Давлетова	—	Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Раҳбарининг шартнома асосида жалб қилинадиган маслаҳатчиси ”;

(б) иккинчи – йигирманчи хатбошилар тегишинча учинчи – йигирма биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 майдаги "Онкологик, гематологик ва иммунологик касалликларга чалинган болаларга тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–183-сон қарорига 4-илованинг 7-позицияси "Ижро муддати" устунидаги "2024–2025 йиллар" сўзлари "2026–2027 йиллар" сўзлари билан алмаштирилсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 сентябрдаги "Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ–311-сон қарорига 7-иловада:

(а) 16-бандниng олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Жамғарманинг тасдиқланган бюджети доирасида мақсадли дастурлар ва бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан, тиббий хизматларни кўрсатиш учун зарур бўлган жиҳозларни харид қилиш ва таъмирлаш, шунингдек дори ва сарфлов воситаларини харид қилиш учун тиббиёт ташкилотларига қайтариш шарти билан молиявий кўмак кўрсатиш";

(б) 23-бандниng тўртинчи хатбошиси "намунавий шаклини" сўзларидан кейин ", шунингдек, молиялаштириш усуллари ва механизмларини" сўзлари билан тўлдирилсин;

(в) 31-бандда "лавозим маошининг" сўзларидан кейин "(рағбатлантириш коэффициентларини ҳисобга олган ҳолда)" сўзлари билан тўлдирилсин.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 29 ноябрдаги "Тиббиёт муассасаларини фармацевтика маҳсулотлари ва тиббий жиҳозлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–408-сон қарори 4-бандининг "в" кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 24 декабрдаги "Қорақалпоғистон илмий-амалий тиббиёт академиясини ташкил этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ–453-сон қарорида:

(а) 2-бандниng "ж" кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“ж) Нукус шаҳри, А. Досназаров кўчаси, 104-уй манзилида жойлашган ўқув бинoларининг биринчи, тўртинчи ва олтинчи корпуслари Академияни ташкил этиш учун Хусусий шерикка Битимнинг амал қилиш муддатига тасарруф этиш ҳуқуқисиз эгалик қилиш ва фойдаланишга берилади.

Мазкур корпусларга бириктирилган ер участкаси Хусусий шерикка ушбу қарорнинг 6[1]-бандида белгиланган тартибда берилади”;

(б) қуйидаги мазмундаги 6[1]-банд билан тўлдирилсин:

“6[1]. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши бир ой муддатда Нукус шаҳри, А. Досназаров кўчаси, 104-уй манзилида жойлашган, майдони 13 013 кв.м бўлган ер участкасини Хусусий шерикка Битимнинг амал қилиш муддатидан ошмайдиган муддатга вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланишга бериш тўғрисида белгиланган тартибда қарор қабул қилсин.

Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси Хусусий шерикнинг мазкур ҳуқуқлари белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин”.

29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 22 апрелдаги “Тиббиёт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–149-сон қарорига 1-илованинг изоҳ қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

Изоҳлар:

1. Кузатув кенгаши аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига мазкур лавозимларга янгидан тайинланган ёки зиммасига тегишли вазифаларни бажариш юкланган шахслар киритилади;

2. Зарур ҳолларда, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Кузатув кенгаши таркибига ўзгартириш киритилиши мумкин”.

30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 майдаги “2025–2030 йилларда болалар саратонига қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий стратегиясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–186-сон қарорида:

(а) номидаги, II ва IV бўлимларнинг номидаги, 2-банддаги, 3-бандниг “а” ва “б” кичик бандларидаги, 4, 5, 6, 17, 20, 21 ва 22-бандлардаги,

24-бандниng “б” кичик бандидаги, 28-банддаги тегишли келишикдаги “Стратегия” сўзи тегишли келишикдаги “Дастур” сўзи билан алмаштирилсин;

(б) 11-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Америка Қўшма Штатларининг Dana-Farber Cancer institute ташкилоти Марказнинг асосий ҳамкори этиб белгилансин”;

(в) 1-иловада:

(i) номидаги “стратегиясини” сўзи “дастурини” сўзи билан алмаштирилсин;

(ii) 1-позициянинг “Амалга ошириш механизми” устунидаги “стратегияси” сўзи “дастури” сўзи билан алмаштирилсин;

(iii) 3-позициянинг “Тадбирлар номи” ва “Амалга ошириш механизми” устунларидаги “стратегиясини” сўзи “дастурини” сўзи билан алмаштирилсин;

(iv) 7-позициянинг “Тадбирлар номи” устунидаги “стратегиясини” сўзи “дастурини” сўзи билан алмаштирилсин;

(v) 19-позициянинг “Амалга ошириш механизми” устунидаги “стратегиясини” сўзи “дастурини” сўзи билан алмаштирилсин;

(vi) 23-позициянинг “Амалга ошириш механизми” устунидаги “Миллий стратегиянинг” сўзлари “Миллий дастурнинг” сўзлари билан алмаштирилсин;

(г) 2-илованинг номидаги “стратегиясини” сўзи “дастурини” сўзи билан алмаштирилсин;

(д) 5-илованинг номидаги “стратегияси” сўзи “дастури” сўзи билан алмаштирилсин.

31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 8 сентябрдаги “Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш ва соҳага замонавий технологияларни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–270-сон қарорида:

(а) 12-бандниng “а” кичик бандидаги “2026 йилда” сўзлари “2027 йилда” сўзлари билан алмаштирилсин;

(б) 2-илованинг изоҳ қисми қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази ва филиаллари учун белгиланган тиббий жиҳозларнинг сони ҳамда турига ўзгартириш киритиши мумкин”.

32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 8 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–275-сон қарорида:

(а) 2-бандниng “б” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“(б) Агентлик ўрта махсус, касбий, олий ва олий таълимдан кейинги таълим, шунингдек, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, малакаларни баҳолаш соҳаларида ташқи сифат назоратини амалга оширувчи махсус ваколатли давлат органи этиб белгиланган (тиббиёт ва фармацевтика ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ташкилотлари ҳамда таълим дастурлари бундан мустасно) маълумот учун қабул қилинсин”;

(б) 2-иловада:

(i) 2-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Агентликнинг кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасидаги ташқи сифат назорати бўйича ваколатлари тиббиёт ва фармацевтика ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ташкилотлари ҳамда таълим дастурларига татбиқ этилмайди”;

(ii) 10-бандниng “а” кичик бандидаги “ташкилотлари (кейинги ўринларда – таълим ташкилотлари)да” сўзларидан кейин “(бундан тиббиёт ва фармацевтика ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ташкилотлари мустасно)” сўзлари билан тўлдирилсин;

(iii) 11-бандда:

“а” кичик бандниng “ii” хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“(ii) идоравий мансублиги, мулкчилик ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар таълим ташкилотларини махсус ва комплекс давлат аккредитациясидан ўтказади, бундан тиббиёт ва фармацевтика ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ташкилотлари ҳамда таълим дастурлари мустасно”;

“ж” кичик бандниng “i” хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“(i) таълим сифати ва аккредитация билан боғлиқ жараёнларни рақамлаштириш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Узлуксиз касбий ривожланиш маркази томонидан аккредитациядан ўтказилган ташкилотлар ва таълим дастурлари тўғрисидаги маълумотларни электрон шаклда қабул қилиш ҳамда Давлат аккредитацияси реестрига киритиш чораларини кўради”.

34. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 20 январдаги “Ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларнинг олдини олиш чора-тадбирларини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ–20-сон қарорига 3-иловада:

(а) 6.1-позициянинг “Ижро муддатлари” устунидаги “2026 йил март” сўзлари “2026 йил декабрь” сўзлари билан алмаштирилсин;

(б) 8.1-позициянинг “Ижро муддатлари” устунидаги “2026 йил март” сўзлари “2026 йил декабрь” сўзлари билан алмаштирилсин.

36. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 24 июндаги “Саратон касалликларининг олдини олиш, эрта аниқлаш ва даволаш чора-тадбирларини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ–238-сон қарорининг 15-бандида “Жамғармага” сўзи “Соғлиқни сақлаш вазирлигига” сўзлари билан алмаштирилсин.

37. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 24 июндаги “Аҳолига паллиатив тиббий хизматлар кўрсатишни такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–239-сон қарорида:

(а) 4-бандниг “д” кичик бандидаги “кучли таъсир қилувчи” сўзлари “гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар, жумладан, ноинъекцион шаклдаги” сўзлари билан алмаштирилсин;

(б) 5-бандниг “ж” кичик бандидаги “болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокорининг паллиатив ёрдам бўйича ўринбосари” сўзлари “соғлиқни сақлаш бошқармасининг болалар паллиатив ёрдами бўйича ўринбосари (бунда мазкур лавозим учун алоҳида штат бирлиги ажратилмайди ҳамда Самарқанд вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳисобидан молиялаштирилмайди)” сўзлари билан алмаштирилсин;

(в) 9-бандниng “б” кичик бандидаги “гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг” сўзлари “гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар, жумладан, ноинъекцион шаклдаги дори воситаларининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

(г) 1-илованинг 13.1-позицияси “Муддати” устунидаги “2026 йил июль” сўзлари “2026 йил декабрь” сўзлари билан алмаштирилсин;

(д) 2-илованинг 1-позицияси “Қуввати (ўринлар сони)” устунидаги “20” рақами “15” рақами билан алмаштирилсин.

38. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 27 июлдаги “Тошкент шаҳрини 2026–2027 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–279-сон қарорига 8-илованинг 21-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

21.	Чилонзор тумани Боғистон кўчаси 1-уй манзилида жойлашган собиқ Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент шаҳар филиали ўрнида “яшил жамоат парки”ни ташкил этиш. “Яшил жамоат парки”даги давлатга тегишли бино ва иншоотларни, аҳоли ва ёшларни дуал таълимга ўқитиш мажбуриятини олган саноат, қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорлик субъектларига ижарага бериш.	2026 йил декабрь	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги

”.

39. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 22 июлдаги 204-сон қарори билан тасдиқланган Амбулаторияда даволанишда шахсларнинг айрим тоифаларини дори воситалари билан имтиёзли таъминлаш тартиби тўғрисида низомда:

(а) 12-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“12. Дорихоналардан дори воситаларини имтиёзли ажратиш врач томонидан расмийлаштирилган электрон рецептлар бўйича амалга оширилади”;

(б) 15-бандниng биринчи хатбошисидаги “даволовчи врач (умумий амалиёт врачи)” сўзлари “врачи” сўзи билан алмаштирилсин.

40. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 октябрдаги “Онкологик хизматни янада ривожлантириш ва онкологик касалликларнинг кечки босқичларини бошидан ўтказаётган беморларга тиббий-психологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 892-сон қарорида:

(а) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. Онкологик хизматни янада ривожлантириш ва онкологик касалликларнинг кечки босқичларини бошидан ўтказаётган беморларга тиббий-психологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда – Дастур) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин”;

(б) 2-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

(в) 8-банддан “, шунингдек, ушбу қарор билан тасдиқланган Концепциянинг амалга оширилишини” сўзлари чиқариб ташлансин;

(г) 2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

41. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 ноябрдаги 943-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлланилиши рухсат этилган онлайн назорат-касса машиналари, виртуал касса ва фискал модулга қўйиладиган техник талабларда:

(а) 3-бандда:

(i) қуйидаги мазмундаги ўн олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“рецепт билан бериладиган дори воситалари фақат электрон рецепт расмийлаштирилган ҳолдагина реализация қилиниши, электрон рецептни расмийлаштириш орқали рецепт билан бериладиган дори воситалари реализация қилинганда, чекда электрон рецепт рақамини (рецепт ID) мажбурий акс эттириш талабини эълон қилиш, ушбу талаб бажарилмаган тақдирда чекни шакллантириш имкониятини чеклаш механизмига эга бўлиши”;

(ii) ўн олтинчи – ўттиз учинчи хатбошилар тегишлича ўн еттинчи – ўттиз тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

(б) 6-бандда:

(i) қуйидаги мазмундаги ўн учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“рецепт билан бериладиган дори воситалари фақат электрон рецепт расмийлаштирилган ҳолдагини реализация қилиниши, электрон рецептни расмийлаштириш орқали рецепт билан бериладиган дори воситалари реализация қилинганда, чекда электрон рецепт рақамини (рецепт ID) мажбурий акс эттириш талабини эълон қилиш, шунингдек, электрон рецептнинг рақами акс эттирилмаган тақдирда, чекни шакллантириш имкониятини чеклаш механизмига эга бўлиши”;

(ii) ўн учинчи – йигирма саккизинчи хатбошилар тегишлича ўн тўртинчи – йигирма тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

42. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 13 октябрдаги “Гематологик ва онкологик касалликларга чалинган беморларни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 643-сон қарорида:

(а) 7-бандниng иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази фаолиятини самарали ташкил этиш ва ривожлантириш, салоҳиятли кадрлар билан таъминлаш ҳамда жиҳозлаш дастури (кейинги ўринларда – Дастур) 1-иловага мувофиқ”;

(б) 1-илованинг номидаги ва 2-бандидаги тегишли келишикдаги “концепция” сўзи тегишли келишикдаги “дастур” сўзи билан алмаштирилсин.

43. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 25 ноябрдаги “Андижон давлат тиббиёт институти ва унинг клиникаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 713-сон қарорининг 4-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

44. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 80-сон қарори билан тасдиқланган Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисида ягона низомда:

(а) 2-иловада:

(i) 5-позициянинг “Нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолияти учун лицензия” устунидаги “II. Ўрта махсус, касбий, олий ва олий таълимдан кейинги таълим хизматлари учун” бўлими қуйидаги мазмундаги “д” кичик банд билан тўлдирилсин:

“д) Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тиббиёт таълими ва фани кенгаши хулосаси (тиббиёт ва фармацевтика соҳасида таълим ташкилотлари учун)”;

(ii) 9-позициянинг “Олий таълим хизматлари бўйича лицензия талаблари ва шартлари” бўлими қуйидаги мазмундаги 10-позиция билан тўлдирилсин:

“

10.	Тиббиёт ва фармацевтика таълим йўналишлари бўйича олий таълим хизматларини кўрсатиш учун яратилган шароитларга қўйиладиган қўшимча минимал талаблар*:	а) ўзларининг клиникалари ва (ёки) клиник базалари мавжудлиги (шу жумладан, шартнома асосида); б) илмий-амалий тадқиқот лабораторияси мавжудлиги; в) симуляцион марказ мавжудлиги. *(Клиник база, илмий-амалий тадқиқот лаборатория ва симуляцион марказларга қўйиладиган талаблар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади)*

”.

(б) 29-илованинг 9-позицияси “Фармацевтика фаолияти учун лицензия” устунининг “а” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“а) рецепт билан бериладиган дори воситаларини чакана реализация қилишда уларнинг нархини давлат томонидан тартибга солишнинг белгиланган тартибига риоя қилиш”.

45. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 сентябрдаги 510-сон қарори билан тасдиқланган Бирламчи тиббий-санитария муассасаларида фаолият юритаётган шифокорлар ойлик иш ҳақига қўшимча ҳар ойлик устама тўланадиган олис ва чекка ҳудудлар рўйхатининг “Олис ва чекка ҳудуд номи” устунида:

(а) қуйидаги мазмундаги 23^1-позиция билан тўлдирилсин:

“Мискин” ОФЙ”;

(б) қуйидаги мазмундаги 30^1-позиция билан тўлдирилсин:

“Дийханабад” ОФЙ”;

(в) қуйидаги мазмундаги 34^1-позиция билан тўлдирилсин:

“Таза жол” ОФЙ”;

(г) қуйидаги мазмундаги 37^1-позиция билан тўлдирилсин:

“Бестобе” ОФЙ”.

46. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 18 сентябрдаги 477-сон қарори билан тасдиқланган Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентининг 21-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"21. Давлат хизматлари кўрсатилганлиги учун қуйидаги миқдорларда тўлов ундирилади:

шифокор ва фармацевтлардан – базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида;

"Олий тиббий ҳамроҳлик иши" мутахассислигига эга бўлган ҳамширалар, ўрта тиббиёт ва ўрта фармацевтика ходимларидан – базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида".

47. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 2 октябрдаги "Касалликларни амбулатор шароитда даволашда дори воситалари харажатларини қоплаш бўйича реимбурсация дастури тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 619-сон қарорига илованинг 8-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"8. Реимбурсация дастурининг бюджети Жамғарма бюджетининг бир қисми ҳисобланиб, ушбу дастурга киритилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва сарфлов воситаларини аҳолига тақдим қилиш учун талаб этиладиган маблағлар йиғиндисидан иборат бўлади. Бунда реимбурсация дастури бюджети республика даражасида алоҳида жамланади".

48. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 19 июндаги 382-сон қарори билан тасдиқланган Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланадиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари доирасида қўлланадиган дори воситалари, сарфлаш материаллари ва тиббий жиҳозлар рўйхатида:

(а) III бўлим қуйидаги мазмундаги 44^1-позиция билан тўлдирилсин:

"

44^1.	Тикагрелор***	таблетка (90 мг)

";

(б) изоҳ қисми қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

"*** Ушбу дори воситаси фақат коронар артерияларни стентлаш амалиётидан кейин қўллаш учун буюрилади".

49. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 20 июндаги “Республикада аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича тажриба-синов лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 384-сон қарорига 6-илованинг 12-бандида:

(а) биринчи хатбошидаги “дастлабки бир чорак давомида” сўзлари чиқариб ташлансин;

(б) бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Бунда ушбу устамалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 майдаги “Республикада соғлиқни сақлаш тизимини ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тамойилларини такомиллаштириш орқали соҳани ислоҳ қилишни изчил давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–88-сон Фармонига мувофиқ 2025 йил 1 июлдан ҳамда 2026 йил 1 январдан бошлаб соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели жорий этилган ҳудудлардаги тиббиёт муассасаларида 2027 йил 1 январга қадар, бошқа ҳудудларда соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели жорий этилгандан кейин дастлабки бир чорак давомида амалда бўлади”.

50. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 6 августдаги “Ўрта махсус, касбий, олий ва олий таълимдан кейинги таълим, шунингдек, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ташкилотларини комплекс ҳамда махсус давлат аккредитациясидан ўтказиш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 498-сон қарорида:

(а) 1-бандниng “б” кичик банди учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Агентлик идоравий мансублиги ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, ўрта махсус, касбий, олий ва олий таълимдан кейинги таълим, шунингдек, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ташкилотларини (кейинги ўринларда – таълим ташкилотлари) комплекс давлат аккредитациясидан, уларнинг таълим дастурларини махсус давлат аккредитациясидан ўтказиши ҳамда таълим ташкилотларини хавфни таҳлил қилиш асосида навбатдан ташқари ўрганиши (тиббиёт ва фармацевтика ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва ихтисослаштириш, шунингдек, резидентура бўйича кадрлар тайёрлаш фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар ҳамда уларнинг таълим дастурлари бундан мустасно)”;

(б) 1-иловада:

(i) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. Ушбу Низомнинг амал қилиши тиббиёт ва фармацевтика ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва ихтисослаштириш, шунингдек, резидентура бўйича кадрлар тайёрлаш фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларни ҳамда ушбу фаолият доирасидаги таълим дастурларини комплекс ва махсус давлат аккредитациясидан ўтказишга нисбатан татбиқ этилмайди.

Мазкур ташкилотлар ва таълим дастурларини давлат аккредитациясидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади”;

(ii) 2-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва ихтисослаштириш, шунингдек, резидентура бўйича кадрлар тайёрлаш фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларни комплекс ва уларнинг таълим дастурларини махсус давлат аккредитациясидан ўтказиш бўйича махсус ваколатли давлат органи Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳисобланади”;

(iii) 8-банд қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда тиббиёт ва фармацевтика соҳасида фаолият олиб борувчи таълим ташкилотларини комплекс ҳамда уларнинг таълим дастурларини махсус давлат аккредитациясидан ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тиббиёт таълими ва фани кенгашининг хулосаси олинади”;

(iv) 50-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“50. Агентликнинг расмий веб-сайтида барча учун очиқ бўлган Давлат аккредитацияси реестри юритилади. Реестрга таълим ташкилотлари ва таълим дастурларининг давлат аккредитацияси натижалари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан аккредитациядан ўтказилган ташкилотлар ва таълим дастурлари тўғрисидаги маълумотлар ҳамда якуний ҳисоботлар киритилади”.

51. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 4 ноябрдаги 694-сон қарори билан тасдиқланган Давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомда:

(a) 9-бандда:

(i) “д” кичик банднинг учинчи хатбошисидан “ҳудуд ёки” сўзлари чиқариб ташлансин;

(ii) “е” кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“е) беморнинг маълумотлари бир иш кунида ҳудудий даражада йўналиш бўйича ТТКлар томонидан ўрганилиб, текширув ва кўрик натижалари таҳлил қилинади ва беморнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 сентябрдаги “Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–311-сон қарори ёки 2021 йил 28 июлдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–5199-сон қарори доирасида даволаниш ҳуқуқини берувчи йўлланма электрон ахборот тизимида тасдиқланади.

Бунда тасдиқланган касалликлар рўйхатига мувофиқ беморга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 сентябрдаги “Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–311-сон қарори бўйича ҳудудий даражадаги тиббиёт ташкилотида стационар даволаниш белгиланса, йўлланма тасдиқлашда мазкур Низомнинг 9-банди “н” кичик банди татбиқ этилмайди”;

(iii) “ж” кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“ж) ҳудудий даражадаги ТТКлар томонидан тасдиқланган касалликлар рўйхатига мувофиқ бемор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–5199-сон қарори доирасида стационар даволаниши зарур деб топилса, бемор маълумотлари бир иш кунида йўналишлар бўйича республика даражасидаги ТТКга йўналтирилади. Бунда ҳудудий даражадаги ТТК томонидан заруратга кўра бир иш кунида беморга қўшимча текширув ва (ёки) тор соҳа мутахассиси кўриги белгиланиши мумкин”;

(iv) “м” кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“м) режали стационар тиббий хизмат олиш учун навбатда турган беморларга шакллантирилган йўлланма қабул қилувчи тиббиёт ташкилоти томонидан электрон ахборот тизими орқали бемор шифохонага ётиш учун таклиф қилинган кундан бошлаб 10 кун давомида амал қилади (патологик ҳомиладорлик ҳолатлари, “Вақф” хайрия жамоат фонди, “Саховат ва кўмак”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” жамғармалари, шунингдек, Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан даволаниш учун берилган йўлланмалар бундан мустасно)”;

(v) “п” кичик бандниng биринчи хатбошиси “Ижтимоий” сўзидан олдин “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 январдаги “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини молиялаштириш тартиб-таомилларини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ–17-сон Фармонининг 3 ва 4-бандлари доирасида” сўзлари билан тўлдирилсин;

(vi) “м” кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“м) режали стационар тиббий хизмат олиш учун навбатда турган беморларга шакллантирилган йўлланма қабул қилувчи тиббиёт ташкилоти томонидан электрон ахборот тизими орқали бемор шифохонага ётиш учун таклиф қилинган кундан бошлаб 10 кун давомида амал қилади. Бунда ҳомиладорлик давридаги патологиялари учун шакллантирилган имтиёзли йўлланманинг амал қилиш муддати ушбу ҳомиладорлик давомида чекланмайди”;

(б) 16-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“16. Беморларда тиббиёт ташкилотига ётиш учун расмийлаштирилган йўлланмада кўрсатилган ташхисдан бошқа касаллик аниқланганда ёки патология билан туғилган чақалоқларга дастлабки шошилинч тиббий ёрдам кўрсатилгандан кейин режали стационар тиббий ёрдамга зарурат туғилганда:

а) беморни қабул қилган тиббиёт ташкилотида уни даволаш имконияти мавжуд бўлганда, беморга шу тиббиёт ташкилотининг ўзида тиббий ёрдам кўрсатилиши мумкин. Бунда:

кўрсатилган тиббий ёрдам учун харажатлар янги аниқланган бошқа касаллик ёки ҳолатлар учун тасдиқланган базавий нархлар доирасида қоплаб берилади;

тиббий ёрдам кўрсатаётган тиббиёт ташкилотига аниқланган касаллик ёки ҳолатлардан келиб чиқиб, беморни даволаш учун қабул қилишга асос бўлган йўлланмадаги ташхисни электрон ахборот тизимида ўзгартиришга рухсат берилади. Мазкур ҳолатларнинг асосланган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан назорат қилинади;

йўлланмадаги ўзгартирилган ташхис асосида умумий қийматга электрон ахборот тизимида тегишли ўзгартиришлар киритилади;

б) беморни бирламчи қабул қилган тиббиёт ташкилотида даволаш имконияти мавжуд бўлмаганда, мазкур тиббиёт ташкилоти томонидан беморни бошқа тиббиёт ташкилотига ўтказиш учун имтиёзли йўлланма расмийлаштирилиб, бошқа тиббиёт ташкилотига навбатсиз ўтказилади;

в) патология билан туғилган чақалоқларга дастлабки шошилинч тиббий ёрдам кўрсатилгандан кейин режали стационар тиббий ёрдамга зарурат туғилганда уларни бошқа тиббиёт ташкилотига ўтказиш учун йўлланма электрон ахборот тизимида гўдак туғилган тиббиёт ташкилоти томонидан шакллантирилади ва қабул қилувчи тиббиёт ташкилоти билан келишилган ҳолда тўғридан-тўғри йўналтирилади ва навбатсиз қабул қилинади”;

(в) қуйидаги мазмундаги 17^1-банд билан тўлдирилсин:

“17^1. Фтизиатрия йўналишида беморларга тиббий ёрдам кўрсатувчи тиббиёт ташкилотларига фаол сил касаллиги билан мурожаат қилган беморлар, шунингдек, ташхислаш жараёнида фаол сил касаллиги аниқланган шахслар мазкур тиббиёт ташкилотлари томонидан электрон ахборот тизими орқали йўлланма расмийлаштирилиб, тўғридан-тўғри ва навбатсиз қабул қилинади”;

(г) 1-илованинг “5-босқич” позицияси “Ижро муддати” устунидаги “60 кун давомида” сўзлари “10 кун давомида” сўзлари билан алмаштирилсин.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
FARMONI

2026 yil «10» сентябрь ПФ–192 -son

Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини жорий қилиш тўғрисида

Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларни изчил давом эттириш, тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг касбий малакасини баҳолашнинг янги принциплари асосида уларни давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини жорий қилиш орқали тиббий хизматлар сифатини ошириш мақсадида **қарор қиламан**:

I. Мақсад

1. Ушбу Фармоннинг асосий мақсади этиб тиббиёт ва фармацевтика ходимларини халқаро стандартларга мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини жорий этиш ҳамда касбий малакасини очиқлик мезонлари асосида мустақил баҳолаш белгилансин.

II. Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини давлат рўйхатидан ўтказиш

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

(a) 2027 йил 1 июлдан бошлаб босқичма-босқич тиббиёт ва фармацевтика ходимларини давлат рўйхатидан ўтказиш орқали касбий фаолият билан шуғулланиш тизими жорий этилади. Бунда:

(i) давлат рўйхатидан ўтказиш тиббиёт ва фармацевтика фаолияти амалга ошириладиган ихтисосликлар номенклатурасига киритилган мутахассисликларга нисбатан татбиқ этилади;

(ii) ушбу номенклатура асосида махсус имтиҳон билан ёки махсус имтиҳонсиз давлат рўйхатидан ўтказиладиган мутахассисликлар рўйхати тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг беморга тиббий таъсир кўрсатиш даражасидан келиб чиққан ҳолда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади;

(iii) тиббиёт ва фармацевтика ходимларини давлат рўйхатидан ўтказиш, рўйхатдан ўтганлигини тўхтатиш, бекор қилиш ҳамда қайта давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади;

(б) давлат рўйхатидан ўтказиш ва касбий фаолият юритишни мониторинг қилиш ҳамда маълумотлардан эркин фойдаланиш имконини берувчи **Тиббиёт ва фармацевтика соҳаси мутахассисларининг ягона электрон реестри** юритилади;

(в) 2030 йилга қадар тиббиёт ва фармацевтика ходимлари мутахассислиги бўйича **ихтиёрий тартибда** махсус имтиҳон натижаларига кўра ёки малака тоифаларини бериш жараёнида автоматик равишда 5 йил муддатга давлат рўйхатидан ўтказилади;

(г) 2030 йилдан бошлаб:

(i) тиббиёт ва фармацевтика фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи фақат давлат рўйхатидан ўтказилган шахсларга **беш йил муддатга** берилади;

(ii) тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг давлат рўйхатидан ўтмасдан касбий фаолият юритиши тақиқланади;

(iii) тиббиёт ва фармацевтика ходимларига **малака тоифаси** бериш амалиёти бекор қилинади;

(iv) 2030 йилга қадар берилган малака тоифалари уларнинг амал қилиш муддати тугагунга қадар амал қилади ҳамда устамалар ва лавозимга оид ҳуқуқлар тегишли муддат давомида сақланади;

(v) **махсус имтиҳон** асосида давлат рўйхатидан ўтказиладиган амалдаги тиббиёт ва фармацевтика ходимлари имтиҳондан ўта олмаган тақдирда, **бир йил давомида имтиҳондан қайта ўтиш шарти билан** вақтинча давлат рўйхатидан ўтказилади ҳамда шу давр мобайнида иш фаолиятини давом эттиради;

(vi) давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг ўз мутахассислиги бўйича **уч йил ёки ундан ортиқ узлуксиз ишламаган** тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг касбий фаолият билан шуғулланишига ихтисослашув курсларини муваффақиятли тамомлагандан ҳамда ўз мутахассислиги бўйича қайта давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг рухсат берилади. Бунда давлат рўйхатидан ўтганлик даври амал қилиш муддати тугамаган талабгорлардан махсус имтиҳон топшириш талаб этилмайди;

(vii) давлат рўйхатидан ўтказилаётган мутахассислиги бўйича камида **20 йил иш стажи ва илмий даражага** эга тиббиёт ва фармацевтика ходимлари махсус имтиҳонсиз давлат рўйхатидан ўтказилади (бундан ушбу кичик бандниng “vi” хатбошисидаги ҳолатлар мустасно).

3. 2027/2028 ўқув йилидан бошлаб:

(а) тиббиёт ва фармацевтика соҳасида кадрлар тайёрловчи давлат ва нодавлат олий таълим ташкилотлари талабалари ҳамда битирувчиларини уларнинг билимларини **уч босқичли мустақил баҳолаш** бўйича ўтказиладиган **махсус имтиҳонлар** натижалари асосида давлат рўйхатидан ўтказиш тизими жорий этилсин. Бунда:

(i) **биринчи босқичда** – махсус имтиҳон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган таълим йўналишидаги **фундаментал** фанлар бўйича **иккинчи** ёки **учинчи курс** якунидан бошлаб ўтказилади ва муваффақиятли ўтган талабаларга иккинчи босқичда қатнашиш имконияти яратилади;

(ii) **иккинчи босқичда** – махсус имтиҳон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган таълим йўналишидаги **клиник фанлар** бўйича битирувчи курс талабалари ҳамда олий таълим ташкилотининг бакалавриат босқичини тамомлаганлар учун ўтказилади. Бунда ушбу босқичдан муваффақиятли ўтганлар **5 йил муддатга** давлат рўйхатидан ўтган ҳисобланади ва уларга тегишли касбий фаолият билан шуғулланишга рухсат берилади;

(iii) олий таълим ташкилотлари бакалавриат босқичи битирувчиларига клиник фанлар бўйича махсус имтиҳоннинг **иккинчи босқичидан ўтмасдан** резидентурада ўқишни давом эттиришга рухсат берилмайди;

(iv) **учинчи босқичда** – биринчи ва иккинчи босқичлардан муваффақиятли ўтган ҳамда тор соҳа йўналишида тегишли ҳужжатга эга бўлганлар **мутахассислиги бўйича махсус имтиҳон** натижалари асосида **5 йил муддатга** давлат рўйхатидан ўтказилади;

(б) тиббиёт ва фармацевтика соҳасида кадрлар тайёрловчи давлат ва нодавлат касбий таълим ташкилотлари битирувчиларини уларнинг билимларини **бир босқичли мустақил баҳолаш** бўйича ўтказиладиган **махсус имтиҳонлар** натижалари асосида давлат рўйхатидан ўтказиш тизими жорий этилсин;

(в) давлат рўйхатидан ўтган тиббиёт ва фармацевтика ходимларига ҳар 5 йилда муайян мутахассислик бўйича белгиланган тартибда **қайта давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг** касбий фаолиятни давом эттиришига рухсат берилсин.

4. Белгилансинки:

(а) тиббиёт ва фармацевтика ходимларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда махсус имтиҳонларни ташкил этиш **Тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг малакасини баҳолаш маркази** (кейинги ўринларда – Баҳолаш маркази) томонидан амалга оширилади;

(б) тиббиёт ва фармацевтика ходимларини давлат рўйхатидан ўтказишда касбий стандартлар асосида малакани баҳолашнинг янги усуллари жорий этилади. Бунда:

(i) амалий кўникмаларни баҳолаш бўйича топшириқлар банкини ва тест топшириқлари базасини шакллантириш, шунингдек, баҳоловчи-экспертларни тайёрлаш мақсадида нуфузли хорижий аккредитация марказлари билан “таклиф сўрови” харид қилиш тартиб-таомили асосида шартномалар тузишга рухсат берилади;

(ii) амалий кўникмаларни баҳолаш бўйича симуляцион марказлар тўлиқ ишга туширилгунга қадар тиббиёт ва фармацевтика ташкилотларининг халқаро стандартларга жавоб берадиган инфратузилмасидан фойдаланилади.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ ихтиёрий равишда махсус имтиҳонлар асосида давлат рўйхатидан ўтган тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг ойлик маошларига қуйидаги миқдорларда **ҳар ойлик устама тўланади**:

(а) шифокорлар ва олий маълумотли фармацевтика ходимларига – **меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 5 баравари**;

(б) ўрта тиббиёт ва ўрта фармацевтика ходимларига – **меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 2,5 баравари миқдорида**.

6. Белгилансинки, мазкур Фармоннинг 5-бандида назарда тутилган устамалар:

(а) 2027 йил 1 июлдан бошлаб ўтказиладиган махсус имтиҳонлар асосида давлат рўйхатидан **ихтиёрий равишда ўтган тиббиёт ва фармацевтика ходимларига** нисбатан татбиқ этилади. Бунда оила саломатлиги бўйича махсус курс якунида бериладиган сертификатга мувофиқ устама олувчи тиббиёт бригадаси ходимларига давлат рўйхатидан ихтиёрий равишда ўтганлик учун устамалар татбиқ этилмайди;

(б) тариф ставкасига мутаносиб равишда, аммо бир ставкадан ошмаган миқдорда ҳисобланади;

(в) тўланадиган тиббиёт ва фармацевтика ходимларига малака тоифаси учун белгиланган устамалар тўланмайди.

III. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

7. Қуйидагилар:

(а) Тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг малакасини баҳолаш марказининг **асосий фаолият йўналишлари** 1-иловага мувофиқ;

(б) Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини самарали ташкил этиш бўйича **чора-тадбирлар дастури** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. Вазирлар Маҳкамаси **2027 йил 1 апрелга қадар** тиббиёт ва фармацевтика ходимларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини ҳамда давлат рўйхатидан ўтказиш учун тўловлар миқдорларини тасдиқласин.

9. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Бошқарув самарадорлиги агентлиги билан биргаликда **уч ой муддатда** давлат тиббиёт муассасаларидаги инсон ресурсларини бошқаришга оид барча маълумотлар ва ҳужжатлар “hrm.argos.uz” электрон платформасига тўлиқ киритилишини ҳамда келгусида ушбу маълумотларнинг платформада мажбурий юритилишини таъминласин.

10. Баҳолаш маркази Тошкент шаҳри Яшнобод тумани Султонали Машҳадий кўчаси 197-уй манзилидаги биноларга оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул доимий жойлаштирилсин.

11. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш учун Жаҳон банкининг маблағлари ҳамда экспертларини жалб қилиш чораларини кўрсин:

(а) Баҳолаш маркази фаолиятини халқаро стандартларга мувофиқ йўлга қўйиш, тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг билимини мустақил баҳолаш тизимини жорий этиш;

(б) Баҳолаш маркази ҳудудий бўлинмалари учун ажратиладиган бинода тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг компетенцияга асосланган билимларини баҳолаш имконини берувчи замонавий талабларга жавоб берадиган имтиҳон ўтказиш мажмуаси ташкил этилади.

12. Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

(а) Баҳолаш маркази ва унинг бўлинмалари махсус имтиҳон жараёнларини ўтказишда таълим ва тиббиёт муассасаларининг махсус хоналари ва симуляцион марказлари базасидан бепул фойдаланишини ташкил этсин;

(б) Баҳолаш маркази ахборот тизимида хавфсизлик, мудофаа ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳаларидаги давлат органларининг тиббий таъминот бўйича тегишли таркибий бўлинмаларида фаолият юритаётган тиббиёт ва фармацевтика ходимларини алоҳида модулда давлат рўйхатидан ўтказиш чораларини кўрсин;

(в) уч ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритилишини таъминласин.

13. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсан жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири Э.Э. Адилов белгилансин.

14. Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 10 сентябрдаги ПФ–192-сон Фармонига
1-илова

Тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг малакасини баҳолаш марказининг асосий фаолият йўналишлари

Тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг малакасини баҳолаш марказининг (кейинги ўринларда – Баҳолаш маркази) асосий фаолият йўналишлари:

(а) идоравий мансублиги ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, тиббиёт ва фармацевтика фаолияти билан шуғулланувчи барча ташкилотларда фаолият юритадиган тиббиёт ва фармацевтика ходимларига, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги тиббиёт ва фармацевтика ташкилотларида фаолият юритаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга (кейинги ўринларда – тиббиёт ва фармацевтика ходимлари) малака тоифаларини бериш;

(б) тиббиёт ва фармацевтика соҳасида кадрлар тайёрловчи давлат ва нодавлат олий таълим ташкилотлари (кейинги ўринларда – олий таълим ташкилотлари) талабаларининг билимларини мустақил баҳолаш махсус имтиҳонларини ўтказиш;

(в) олий ёки касбий таълим олганлик тўғрисидаги диплом берилган шахсларни ҳамда тиббиёт ва фармацевтика ходимларини махсус имтиҳонлардан ва давлат рўйхатидан ўтказиш;

(г) мустақил баҳолаш махсус имтиҳонлари ҳамда малака имтиҳонлари мезонлари ва усулларини халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибаларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш;

(д) талабалар билимларини мустақил баҳолаш, малака имтиҳонлари ҳамда тиббиёт ва фармацевтика ходимларини давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини жорий этиш доирасида турли дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш, илмий-услубий конференция ва семинарлар ташкил этиш, малака ошириш мақсадида ходимларни хорижга юбориш ва чет эллик юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш;

(ж) декретив контингент вакиллари учун соғлом турмуш тарзи, санитария-гигиена кўникмаларини ҳосил қилиш бўйича тўлов-контракт асосида махсус курслар ташкил этиш;

(з) битирувчиларнинг магистратура, резидентура (клиник ординатура)да ва давлат тиббиёт муассасалари ходимларининг етакчи хорижий олий таълим муассасалари ва марказларида малакасини ошириш мақсадида уларнинг ҳужжатларини онлайн қабул қилиш ва танлов ўтказиш;

(и) Тиббий малака ва давлат рўйхатидан ўтказиш платформасида олий таълим ташкилотларига резидентура (клиник ординатура) мутахассисликлари бўйича ўқишга кириш учун номзодлар ҳужжатларини қабул қилишни ташкил этиш ва тест синовларини ўтказиш;

(к) Баҳолаш маркази фаолиятини самарали ташкил этиш доирасида ихтиёрий асосда тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг билимларини синаш бўйича диагностик тест синовларини ўтказиш, ўқув-симуляцион базада малака ошириш юзасидан қўшимча пулли хизматлар кўрсатиш ва резидентура (клиник ординатура) мутахассисликлари учун тест синовларини ўтказиш билан боғлиқ харажатларни Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишган ҳолда белгилаш;

(л) Тиббий малака ва давлат рўйхатидан ўтказиш платформаси таркибида “Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини давлат рўйхатидан ўтказиш” модулини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, шунингдек, Тиббий малака ва давлат рўйхатидан ўтказиш платформасини такомиллаштириш ва қўшимча модулларни яратиш, техник қўллаб-қувватлаш, маълумотларни сақлаш, ушбу ахборот тизимининг доимий ва узлуксиз фаолият юритиши билан боғлиқ барча харажатларни Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари, халқаро молия институтлари грантлари ва Баҳолаш марказининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга ошириш;

(м) “Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини давлат рўйхатидан ўтказиш” модулида тиббиёт ва фармацевтика ходимлари тўғрисида мунтазам равишда янгилаб бориладиган ҳудудлар бўйича реал вақт режимида мутахассисларнинг тақсимланиши, фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган жойи, доимий яшаш манзили, фуқаролиги, таълим олган муассасаси, маълумоти, мутахассислиги, малака ошириши, иш жойи, меҳнат стажи, илмий даражаси, малака тоифаси, давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотларни аниқлаш имкониятини яратиш;

(н) тиббиёт ва фармацевтика ходимларига малака тоифалари бериш, давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича кўрсатиладиган давлат хизматларидан фойдаланиш учун Давлат хизматлари марказлари, Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали, шунингдек, Тиббий малака ва давлат рўйхатидан ўтказиш платформаси орқали аризалар қабул қилинишини йўлга қўйиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 10 сентябрдаги ПФ–192-сон Фармонига
2-илова

Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини самарали ташкил этиш бўйича ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаш-тириш манбалари	Ижро учун масъуллар
1.	Тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг малакасини баҳолаш маркази фаолиятини такомиллаштириш.	1. Тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг малакасини баҳолаш маркази (кейинги ўринларда – Баҳолаш маркази) ва унинг ҳудудий бўлинмаларида тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг компетенцияга асосланган билимларини баҳолаш имконини берувчи замонавий ахборот-ресурс мажмуасини ташкил қилиш ва зарур моддий-техник база билан таъминлаш. 2. Баҳолаш маркази ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг фаолият юритиши учун мос бўлган бино ёки унинг қисмлари текин фойдаланиш учун Баҳолаш марказига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида беғараз ўтказиб берилишини таъминлаш. 3. Баҳолаш маркази ва унинг ҳудудий бўлинмалари давлат таълим ва тиббиёт муассасаларининг имтиҳон хоналари ва симуляцион марказларидан текин фойдаланишини йўлга қўйиш.	2027 йил март	Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари, Жаҳон банки маблағлари, халқаро молия институтлари грантлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаш-тириш манбалари	Ижро учун масъуллар
		4. Москва шаҳар соғлиқни сақлаш департаменти ҳузуридаги Кадрлар маркази билан амалий кўникмаларни баҳолаш бўйича топшириқлар (станциялар паспортлари) банкини ва тест топшириқлари базасини шакллантириш, шунингдек, баҳоловчи-экспертларни тайёрлаш бўйича тўғридан-тўғри битимлар асосида ҳамкорликни йўлга қўйиш.			
2.	Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини давлат рўйхатидан ўтказиш орқали касбий фаолиятга рухсат бериш тизимини жорий этиш.	Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини давлат рўйхатидан ўтказиш орқали касбий фаолиятга рухсат бериш тизимини жорий этиш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш. Бунда: тиббиёт ва фармацевтика ходимларини давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнларини рақамлаштириш; тиббиёт ва фармацевтика ходимларини давлат рўйхатидан 2027 йилдан бошлаб ихтиёрий ҳамда 2030 йилдан бошлаб мажбурий тартибда ўтказишни жорий қилиш; қайта давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини яратиш назарда тутилади.	2027 йил февраль	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги
3.	Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнларини рақамлаштириш.	Баҳолаш марказининг тиббиёт ва фармацевтика ходимларига малака тоифасини бериш бўйича аттестациядан ўтказиш ва уларга сертификат бериш ягона ахборот тизими ўрнига қўшимча хизматларни қамраб олган, илғор рақамли	2027 йил январь	Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари,	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаш-тириш манбалари	Ижро учун масъуллар
		технологиялар жорий этилган ҳамда замонавий талабларга жавоб берадиган Тиббий малака ва давлат рўйхатидан ўтказиш платформасини (кейинги ўринларда – Тиббий малака платформаси) ишлаб чиқиш. Бунда: тиббиёт ва фармацевтика ходимларига малака тоифасини беришга оид амалдаги ягона ахборот тизимидаги барча маълумотлар белгиланган тартибда Тиббий малака платформасига кўчириб ўтказилишини таъминлаш ҳамда мавжуд тизимни амалиётдан чиқариш; Соғлиқни сақлаш вазирлигини Тиббий малака платформасининг буюртмачиси, Баҳолаш марказини эса унинг мулкдори, ваколатли оператори ҳамда функционал администратори этиб белгилаш; тиббиёт ва фармацевтика ходимларини давлат рўйхатидан ўтказиш тизимида улар тўғрисида мунтазам равишда янгилаб бориладиган ҳудудлар бўйича реал вақт режимида мутахассисларнинг тақсимланиши, фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган жойи, доимий яшаш манзили, фуқаролиги, таълим олган муассасаси, маълумоти, мутахассислиги, малака ошириши, иш жойи, меҳнат стажи, илмий даражаси, малака тоифаси, давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш;		халқаро молия институтлари грантлари	

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаш-тириш манбалари	Ижро учун масъуллар
		Тиббий малака платформасини “Электрон ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформасига улаш ҳамда вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш; Тиббий малака платформасида ҳужжат қабул қилиш, имтиҳонларни ўтказиш, сертификат бериш, миллий реестрни юритиш, статистик маълумотларни автоматик шакллантириш ҳамда барча маълумотларни ягона дашборд орқали кўриш имкониятларини яратиш назарда тутилади.			
4.	Тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг меҳнат фаолиятини ташкил этиш.	Давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотларида тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг меҳнат фаолиятини тартибга солувчи тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш. Бунда: Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тиббиёт ва фармацевтика фаолияти билан шуғулланишнинг қонуний асосларини мустаҳкамлаш; тегишли қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилади.	2028 йил якунига қадар	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги
5.	Декретив гуруҳ вакиллари учун тўғри овқатланиш, соғлом турмуш тарзи, санитария-гигиена кўникмаларини ҳосил қилиш бўйича махсус курсларни ташкиллаштириш ва тизимли равишда амалга ошириш.	Декретив гуруҳ вакиллари учун тўғри овқатланиш, соғлом турмуш тарзи ва санитария-гигиена кўникмаларини шакллантириш бўйича махсус курсларни ташкиллаштириш ва тизимли равишда амалга ошириш тартиби тўғрисидаги идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.	2026 йил декабрь	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаш-тириш манбалари	Ижро учун масъуллар
		Бунда: аҳолининг декретив гуруҳ вакиллари учун фаолияти озиқ-овқат хомашёси, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимлик сувини ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ва сотиш, болаларни ўқитиш ва тарбиялаш, аҳолига коммунал ва маиший хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлган шахслар учун ишлаб чиқариш санитарияси ва гигиенаси бўйича ўқитиш курслари (кейинги ўринларда – санминимум курслари) тартибини белгилаш; санминимум курслари учун тўловларни давлат органлари ва ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига шартномага асосан амалга ошириш; санминимум курсларига ишга қабул қилишдан олдин ўқитиш Санэпидқўм томонидан, ишга қабул қилингандан кейин ўқитишни эса Баҳолаш маркази томонидан амалга ошириш; ўқув курсини тамомлаган шахсларга Тиббий малака платформаси орқали электрон сертификат бериш назарда тутилади.			
6.	Тиббиёт ва фармацевтика фаолияти амалга ошириладиган ихтисосликлар (мутахассисликлар) номенклатурасини қайта кўриб чиқиш.	Тиббиёт ва фармацевтика фаолияти амалга ошириладиган тиббиёт ва фармацевтика таълими йўналишлари, ихтисосликлар (мутахассисликлар) ҳамда лавозимлар турлари номенклатураси тўғрисидаги идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.	2027 йил март	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги,

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаш-тириш манбалари	Ижро учун масъуллар
		Бунда: амалдаги қонунчилик ҳужжатларини тўлиқ экспертизадан ўтказиш; таълим йўналишлари, ихтисосликлар ҳамда лавозимлар турларини кодлаш орқали рақамлаштирилишини таъминлаш; машғулотларнинг миллий классификаторига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилади.			Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

36 (1264)-сон
908-модда

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
FARMONI

2026 yil «11» сентябрь ПФ–193 -son

Барқарор иш ўринларини яратиш ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш орқали аҳоли даромадларини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Иқтисодий фаолликни ошириш, кичик бизнесни ривожлантириш, янги тадбиркорлик субъектлари ва барқарор иш ўринларини яратиш, бизнес юритиш харажатларини камайтириш ҳамда ушбу чоралар натижасида аҳоли даромадларини ошириш ва камбағалликни қисқартириш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Ташкилий чора-тадбирлар

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари раҳбарлигида барқарор иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш бўйича тегишлича **ҳудудий штаблар**, туман (шаҳар) ҳокимлари раҳбарлигида – **туман (шаҳар) штаблари** ташкил этилгани **маълумот учун қабул қилинсин**.

2. Ҳудудий ва туман (шаҳар) штабларининг асосий вазифалари **1 ва 1а-иловаларга мувофиқ** тасдиқлансин.

3. Ҳудудий ва туман (шаҳар) штабларининг ўз ваколати доирасидаги қарорлари давлат органлари, ташкилотлар ва давлат улуши мавжуд банклар ҳамда уларнинг бўлинмалари учун мажбурий этиб белгилансин.

II. Молиялаштириш механизмлари ва манбалари

4. 2026 йил якунига қадар туман (шаҳар) штаблари ихтиёрига қуйидаги манбалар ҳисобидан жами **3,2 триллион сўм** ресурс йўналтирилсин:

(а) оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари бўйича **1 триллион 370 миллиард сўм**;

(б) ёшлар тадбиркорлиги дастурлари бўйича **450 миллиард сўм**;

(в) Тадбиркорликни ривожлантириш компаниясидан фоиз харажатлари компенсацияси учун назарда тутилган **300 миллиард сўм**;

(г) “Саховат ва кўмак”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” жамғармаларининг **760 миллиард сўм**;

(д) Камбағалликни қисқартириш давлат мақсадли жамғармасининг **240 миллиард сўм**;

(ж) Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг **100 миллиард сўм**.

5. Туман (шаҳар) штаби қарорига асосан Ижтимоий реестрга киритилган оилаларни кооперацияга жалб қилган лидер тадбиркорларга **5 миллиард сўмгача** (жалб қилинган ҳар бир оила учун **50 миллион сўм** ҳисобда) гаров таъминотисиз кредит ажратилишига рухсат берилсин.

6. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва ёшлар тадбиркорлиги дастурларининг **имтиёзли кредит ресурсларини бошқариш ваколати туман (шаҳар) штабларига ўтказилсин**. Бунда улар маҳаллий шароит ва лойиҳа хусусиятидан келиб чиқиб, молиялаштириш йўналиши ва миқдорини, нақд ёки нақдсиз шаклини, муддати, имтиёзли даври ва тўлов графигини, уларни асосланган ҳолларда узайтириш ёки қайта кўриб чиқишни, шунингдек, молиявий хизматлардан фойдаланиш имконияти чекланган аҳоли учун махсус шартларни мустақил белгилайди.

7. 2026 йил 1 октябрдан бошлаб ўзини ўзи банд қилган шахслар ҳамда кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига туман (шаҳар) штаблари **қарорлари асосида** тижорат банклари кредитлари бўйича фоиз харажатларининг бир қисмини “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Компания) томонидан ёки белгиланган бошқа манбалар ҳисобидан **компенсация қилиш механизми жорий қилинсин**. Бунда:

(а) туман (шаҳар) штаблари маҳаллий шароит, лойиҳаларнинг самарадорлиги ва устувор йўналишлардан келиб чиқиб, **компенсация тақдим этиш тўғрисида қарор қабул қилади,** компенсациядан **мақсадли ва самарали фойдаланиш учун масъул ҳисобланади;**

(б) туман (шаҳар) штаблари**нинг қарорлари** компенсация тақдим этиш учун **асос ҳисобланади**. Компенсация тақдим этишда кредит тарихи, тадбиркор тоифаси, барқарорлик рейтинги ва бошқа талабларнинг жорий этилишига йўл қўйилмайди;

(в) тадбиркорлик субъектларининг қонунчиликда белгиланган умумий тартибда Компанияга компенсация олиш учун **бевосита мурожаат қилиш** ҳуқуқи сақлаб қолинади. Бунда компенсация харажатлари туман (шаҳар) штабларига ажратилган маблағлар ҳисобидан тўланади;

(г) бир молиялаштириш бўйича бир хил фоиз харажатларини икки марта компенсация қилишга йўл қўйилмайди.

8. Республикадан бириктирилган масъуллар маҳаллаларда амалга оширилаётган **лойиҳаларни мониторинг қилиб боради** ва ҳар чоракда таҳлил қилиб ҳудудий штабларга ахборот киритиб боради.

Бунда лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлиги, бизнес-режа асосида фаолият юритаётгани, иш ўринлари таҳлилларини амалга оширади ва шулар асосида кейинги даврлар учун сунъий интеллектдан кенг фойдаланган ҳолда устувор йўналишлар бўйича таклифлар киритади.

9. Белгилансинки, кредит, субсидия, ссуда ва компенсация маблағларидан фойдаланиш шартлари ва қоидаларини **Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари билан белгилаш амалиёти бекор қилинади**. Бунда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Марказий банк ушбу маблағларни молиялаштириш шартлари ва қоидаларини тасдиқлайди, шунингдек, заруратга кўра, **ҳудудлар салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда ҳар чоракда ўзгартиришлар киритиб боради**.

10. "Саховат ва кўмак", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари" жамғармалари сақлаб қолинган ҳолда уларнинг маблағларини тасарруф этиш ҳамда улар ҳисобидан ижтимоий ёрдам ва хизматлар кўрсатишни **ташкил этиш ваколатлари** туман (шаҳар) штабларига ўтказилсин. Бунда "Саховат ва кўмак", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари" жамғармалари маблағларидан фойдаланишнинг қуйидаги янги тартиби жорий этилсин:

(а) "Саховат ва кўмак", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари" жамғармаларининг амалдаги молиявий инструментлари сақлаб қолинган ҳолда уларнинг маблағлари ҳисобидан камбағал ва камбағалликка тушиш хавфи бор ҳамда бошқа эҳтиёжманд оилаларга туман (шаҳар) **штаблари қарорлари асосида** ушбу ва бошқа турдаги ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва тадбирларни амалга ошириш йўлга қўйилади;

(б) "Саховат ва кўмак", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари" жамғармалари маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган ёрдам ва тадбирларнинг янги йўналишлари ҳамда уларнинг миқдорлари ва тартиблари, шу жумладан, амалдаги молиявий инструментларни тақдим этишнинг **соддалаштирилган тартиби** Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров томонидан тасдиқланади.

11. Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров, Марказий банк раиси Т.А.Ишметов, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори М.П. Оллоёров, камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири Б.Э.Захидов ҳамда Бош прокурор ўринбосари И.М. Адхамов **уч кун муддатда**:

(а) мазкур Фармоннинг 4-бандида назарда тутилган ресурсларни камбағал ва ишсиз аҳоли сони, ҳудуднинг иқтисодий салоҳияти ҳамда лойиҳаларнинг тайёрлик даражасидан келиб чиқиб туман (шаҳар)лар кесимида тақсимласин;

(б) ҳудудий ва туман (шаҳар) штаблари, "маҳалла еттилиги", ҳоким ёрдамчилари, маҳалла банкирлари ва бошқа масъулларнинг ҳар бир оила ва лойиҳа билан ишлаши бўйича ягона амалий кўрсатмани тасдиқласин. **Бунда кўрсатмада:**

(i) молиялаштиришдан олдин **реал бозор, харидор, буюртма ва қайтариш манбасини** аниқлаш, тадбиркорлар фаолиятини кенгайтириш, янги иш ўринларини яратиш, аҳоли ва кичик бизнесни улар билан **кооперация ва етказиб бериш занжирлари** орқали боғлаш;

(ii) давлат ресурслари ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича штабнинг **қарор қабул қилиш ваколати ва таваккалчилиги**, тижорат банкининг молиявий оператор сифатидаги вазифалари, шунингдек, банкнинг ўз маблағлари ва таваккалчилиги ҳисобидан молиялаштириш масаласида мустақиллиги;

(iii) лойиҳанинг хусусияти ва пул оқимидан келиб чиқиб, молиялаштириш воситаси, муддати, имтиёзли даври ва тўлов графигини танлаш, истиқболли лойиҳаларнинг заруратга қараб **тўлов графигини ўзгартириш, муддатни узайтириш (пролонгация) ва реструктуризация қилиш**;

(iv) ер, инфратузилма, электр энергияси, рухсат бериш, хомашё, бозор билан боғлиқ ҳамда бошқа муаммоларни масъул органлар томонидан тезкор бартараф этиш ҳамда қуйи даражада ҳал этилмаган масалаларни юқори босқичга олиб чиқиш;

(v) натижани ажратилган маблағ ёки берилган кредит ҳажми билан эмас, **ишга тушган лойиҳалар, фаолияти кенгайган бизнеслар, яратилган барқарор иш ўринлари** ва **даромади ошган оилалар сони** асосида баҳолаш назарда тутилсин.

12. Белгиланган тартиб-таомилларга риоя этилган, коррупция, манфаатлар тўқнашуви, ҳужжатларни қалбакилаштириш ёки бошқа ноқонуний ҳаракатлар мавжуд бўлмаган тақдирда, лойиҳа бўйича кредит ёки тадбиркорлик таваккалчилигининг юзага келиши, жумладан, маблағнинг қайтмаслиги, лойиҳадан кутилган натижага эришилмаслиги, муддатининг узайтирилиши ёки реструктуризация қилиниши ўз-ўзидан қарор қабул қилган шахсни жавобгарликка тортиш учун асос ҳисобланмаслиги белгилансин.

III. Эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг янги механизмлари

13. Белгилансинки, **2027 йил 1 январдан** бошлаб:

(а) аҳолининг ижтимоий ёрдам ва хизматларга муҳтожлигини ўрганиш ҳамда Ижтимоий реестрга киритиш уларнинг молиявий ҳолатидан ташқари оила аъзоларидаги сурункали касалликлар, ногиронлик, ташқи меҳнат миграцияси, оиланинг кўп болали эканлиги каби мезонлар асосидаги **кўп ўлчовли баҳолаш тизими** орқали амалга оширилади;

(б) кўп ўлчовли баҳолаш тизими доирасида оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати **балли скоринг тизими** орқали баҳоланиб, унинг натижаларига кўра оилалар тегишли тоифаларга ажратилган ҳолда ижтимоий ёрдам ва хизматлар билан қамраб олинади.

14. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда **2026 йил 1 декабрга** қадар оилаларни кўп ўлчовли баҳолаш тизими орқали Ижтимоий реестрга киритиш, уларни тоифаларга ажратиш ва тегишли хизматларга йўналтиришнинг янги тизимини амалиётга жорий этишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

15. Белгилансинки, **2027 йил 1 январдан** бошлаб:

(а) меҳнат шартномаси асосида ишлаётган хотин-қизларга уларга берилган ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаган кундан бошлаб фарзанди бир ёшга тўлгунга қадар Давлат ижтимоий суғурта жамғармаси томонидан болани парваришлаш нафақасини тўлаш тартиби жорий этилади;

(б) мазкур Фармоннинг **2-илова**сида назарда тутилган давлат ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари ваучер орқали тақдим этилади.

16. Белгилаб қўйилсинки, Ижтимоий реестрнинг “**давлат таъминотидаги оила**” тоифасига киритилган оилалар аъзоларига оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида **2026 йилда** қўшимча равишда **100 миллиард** сўм, **2027 йилда 300 миллиард** сўм **фоизсиз кредитлар** ажратилади. Бунда ажратилган кредитларнинг фоиз харажатларини тижорат банкларига қоплаш учун Камбағалликни қисқартириш давлат мақсадли жамғармасига **Давлат бюджетидан 50 миллиард сўмгача** маблағ ажратилади.

17. Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров, иқтисодиёт ва молия вазирининг биринчи ўринбосари И.И. Норқулов, камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири Б.Э. Захидов икки ҳафта муддатда корхоналарнинг ходимлари, биринчи навбатда, Ижтимоий реестрга кирган ходимлари учун амалга оширган қуйидаги харажатлари **фойда солиғи базасидан чегирилишини ҳамда ер ва мол-мулк солиқларидан озод этилишини** назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини киритсин:

(а) ходимларининг фарзандлари учун мактабгача таълим объектларини қуриш ва ушбу объектларни топширилгандан кейин **3 йил муддатгача** сақлаш харажатлари;

(б) ходимлари учун корхонада ишлаган даврида вақтинчалик яшаш учун уй-жойларни қуриш, шунингдек, ушбу ходимларнинг **ижара ва уй-жойдан фойдаланиш** тўловларини қоплаб бериш харажатлари.

IV. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

18. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг **Қонунчилик палатаси** ва **Сенатига**, **Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси**, **вилоятлар, туман** ва **шаҳар халқ депутатлари кенгашларига** — ушбу Фармон ижроси ҳамда ажратилаётган молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги устидан мунтазам **парламент** ва **депутатлик** назоратини амалга ошириш тавсия этилсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси компенсациядан фойдаланишнинг **натижадорлиги ва самарадорлигини мунтазам мониторинг қилиб борсин**. Бунда тадбиркорлик субъектларининг фаолият кўрсаткичлари, **тушуми ва иш ўринлари сони** ҳамда **фаолияти кенгайганлигига алоҳида эътибор қаратилсин**.

20. Белгилансинки, мазкур Фармонда назарда тутилган молиялаштириш механизмлари қонунчиликда назарда тутилган давлат томонидан молиялаштириш дастурларининг умумий низом ва тартибларида ўзгача қоидалар ва чекловлар белгиланган ҳолатларда ҳам тўғридан-тўғри ва сўзсиз қўлланади.

21. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Марказий банк ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

22. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсан жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) ҳокимлари, Марказий банк раиси Т.А. Ишметов, камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири Б.Э. Захидов ҳамда давлат улуши мавжуд тижорат банклари бошқаруви раислари белгилансин.

23. Ушбу Фармон ижроси учун масъул вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар ҳамда тижорат банклари фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 11 сентябрдаги ПФ–193-сон Фармонига
1-илова

Барқарор иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш бўйича ҳудудий штабларнинг АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

1. Туман (шаҳар) штаблари фаолиятини мувофиқлаштириш, улар учун ҳудудий мақсадли кўрсаткичларни белгилаш ва ресурсларнинг натижадорлигини назорат қилиш.

2. Туман (шаҳар) даражасида ҳал этиб бўлмайдиган ҳудудлараро, инфратузилмавий, ер, муҳандислик тармоқлари ва рухсат бериш билан боғлиқ масалаларни жойида ҳал этиш.

3. Ҳоким ёрдамчилари фаолиятини қайта баҳолаш ва лавозимга тайинлаш жараёнини ташкил этиш, маҳалла банкирлари фаолияти бўйича банкларга мажбурий кўриб чиқиладиган таклифлар киритиш.

4. Туман (шаҳар) штаблари қарорлари юзасидан келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиш ва қонунийлик ҳамда маблағлардан мақсадли фойдаланилишини таъминлаш.

5. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва ёшлар тадбиркорлиги дастурлари доирасидаги ресурсларни тақсимлаш, умумий шартларини белгилаш, шундан ресурсларни нақд ёки нақдсиз бериш масаласини ҳал этиш.

6. Ҳар ой якуни бўйича иш ўринлари, аҳоли даромади ва камбағалликдан чиқарилган оилалар натижаларини танқидий муҳокама қилиш.

7. Туман (шаҳар) штабларига белгиланган мақсадли кўрсаткичларнинг бажарилиш ҳолатини доимий таҳлил қилиш, амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва лойиҳаларнинг натижадорлигини баҳолаш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 11 сентябрдаги ПФ–193-сон Фармонига
1а-илова

Барқарор иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш бўйича туман (шаҳар) штабларининг АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

1. Ҳар бир эҳтиёжманд оила ва ишсиз фуқаро бўйича ишга жойлаштириш, касбга ўқитиш, тадбиркорликка жалб қилиш ёки бошқа даромад манбасини яратишга қаратилган индивидуал режани (манзилли рўйхатни) тасдиқлаш.

2. Субсидия, фоизсиз ссуда, компенсация, кафолат ва бошқа давлат кўмагини ажратиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

3. Лидер тадбиркорлар билан кооперация асосида амалга ошириладиган лойиҳалар ва уларга бириктириладиган оилаларнинг манзилли рўйхатини тасдиқлаш.

4. Тадбиркорлик инфратузилмаси лойиҳаларининг ташаббускори ва бевосита буюртмачисини белгилаш, уларнинг лойиҳалаштирилиши, қурилиши, сифат назорати ва фойдаланишга топширилишини ташкил этиш.

5. “Маҳалла еттилиги”, ҳоким ёрдамчилари ва маҳалла банкирларининг ишини мувофиқлаштириш, ҳар бир лойиҳа бўйича масъул шахсни белгилаш ва натижагача кузатиб бориш.

6. Штабга ажратилган ресурслар ҳисобидан йил якунига қадар камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўйича аниқ мажбуриятларни қабул қилиш ҳамда уларнинг бажарилишини таъминлаш.

7. Самарадорлиги паст лойиҳаларни тўхтатиш ёки қайта кўриб чиқишни таклиф қилиш.

8. Ваколатлари доирасида ҳал этиш имкони бўлмаган тизимли масалалар ва уларни бартараф этиш юзасидан таклифларни ҳудудий штабларга киритиб бориш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 11 сентябрдаги ПФ–193-сон Фармонига
2-илова

Ваучер орқали тақдим этиладиган давлат ижтимоий қўллаб-қувватлаш чораларининг РЎЙХАТИ

Т/р	Давлат ижтимоий қўллаб-қувватлаш чорасининг номи	Ваучер тақдим этиш тартиби	Масъул идора
1.	Ижтимоий реестрга киритилган оилалар фарзандларининг **мактабгача таълим** ташкилотларидаги **бола таъминоти** учун белгиланган тўловларни қоплаш.	(а) ваучер “маҳалла еттилиги” томонидан тасдиқланадиган индивидуал режа ёки боланинг қонуний вакили томонидан қилинган мурожаат асосида шакллантирилади; (б) ваучер асосида давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига бола таъминоти учун тўловни амалга ошириш имконияти яратилади; (в) ваучернинг амал қилиш муддати ўн икки ой этиб белгиланади ва оила Ижтимоий реестрдан чиқарилганда ҳам оилага ваучер амал қиладиган муддат давомида ундан фойдаланиш ҳуқуқи берилади; (г) ваучер орқали мактабгача таълим ташкилотига у жойлашган ҳудудда бола таъминоти учун белгиланган тўловга тенг миқдорда маблағ ажратилади; (д) бола таъминоти учун белгиланган тўловлар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан мактабгача таълим хизматини кўрсатган ташкилотга қоплаб берилади.	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
2.	Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг **умумий ўрта таълим** ташкилотларидаги фарзандларини **қўшимча таълимга** жалб қилиш ҳамда уларнинг йўлкира (бориш-келиш) харажатларини қоплаш.	(а) ваучер “маҳалла еттилиги” томонидан тасдиқланадиган индивидуал режа ёки боланинг қонуний вакили томонидан қилинган мурожаат асосида шакллантирилади;	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги

Т/р	Давлат ижтимоий қўллаб-қувватлаш чорасининг номи	Ваучер тақдим этиш тартиби	Масъул идора
		(б) болалар ваучер асосида мулкчилик шаклидан қатъи назар қўшимча таълим хизматини таклиф этувчи ташкилотга қабул қилинади; (в) ваучернинг амал қилиш муддати ўн икки ой этиб белгиланади ва оила Ижтимоий реестрдан чиқарилганда ҳам ўқувчига ваучер амал қиладиган муддат давомида ундан фойдаланиш ҳуқуқи берилади; (г) қўшимча таълимга бориш ва келиш йўлкира харажатларини қоплаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваригача миқдорда маблағ ажратилади. Маблағ ўқувчининг қонуний вакили номига очилган ижтимоий карта орқали тўланади; (д) ўқувчини қўшимча таълимга жалб қилиш харажатлари мактабгача таълим хизматини кўрсатган ташкилотга, ўқувчининг қўшимча таълимга бориш ва келиш йўлкира харажатлари ўқувчининг қонуний вакилига Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.	
3.	Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг кундузги таълим шаклида таҳсил олаётган талаба фарзандларининг давлат олий таълим ташкилотларидаги **талабалар турар жойларидан фойдаланиш, давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган талабалар турар жойларида** яшаш ва ижара асосида хусусий уй-жойларда яшовчи талабаларнинг ижара харажатларини қоплаш.	(а) ваучер “маҳалла еттилиги” томонидан тасдиқланадиган индивидуал режа ёки боланинг қонуний вакили томонидан қилинган мурожаат асосида шаклланади; (б) ваучернинг амал қилиш муддати ўн икки ой этиб белгиланади, оила Ижтимоий реестрдан чиқарилганда ҳам талабага ваучер амал қиладиган муддат давомида ундан фойдаланиш ҳуқуқи берилади; (в) талабалар турар жойларидаги яшаш харажатлари талаба номига очилган ижтимоий картага Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

QMMB: 07/26/317/0912-son
09.09.2026-y.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
QARORI

2026 yil «9» сентябрь № ПҚ–317

Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида

“Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасига мувофиқ **қарор қиламан:**

1. 2026 йил 26 март куни Тошкент шаҳрида имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Тожикистон Республикаси Ҳукумати ўртасида 2021 йил 10 июнда имзоланган Тожикистон-Ўзбекистон инвестиция компаниясини таъсис этиш тўғрисидаги битимга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги баённома тасдиқлансин.
2. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ушбу халқаро шартномани амалга ошириш учун масъул бўлган ваколатли орган этиб белгилансин.
3. Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси томонидан мазкур халқаро шартноманинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички тартиб-таомиллари бажарилганлиги ҳамда уни амалга ошириш учун масъул бўлган ваколатли орган тўғрисида Тожикистон томонига тегишли билдиришнома юборсин.
4. Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари ушбу халқаро шартнома кучга кирганидан кейин белгиланган тартибда унинг қоидалари бажарилиши устидан назоратни таъминласин.
5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. Мирзиёев**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2026 yil « 10 » сентябрь №ПҚ–319

Тиббиёт ва фармацевтика соҳасида узлуксиз касбий таълим тизимини такомиллаштириш тўғрисида

Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини узлуксиз касбий ривожлантиришнинг замонавий тизимини йўлга қўйиш ҳамда илғор хорижий тажриба ва халқаро таълим стандартлари асосида такомиллаштириш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар мазкур қарорни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсадлар этиб белгилансин:

(а) узлуксиз касбий таълим тизимидаги барча жараёнларни рақамлаштириш асосида тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг узлуксиз касбий таълим билан **қамровини 100 фоизга етказиш**;

(б) узлуксиз таълим провайдерлари ва дастурларини **соҳавий аккредитациядан тизимли ўтказишни** таъминлаш;

(в) узлуксиз касбий таълим ташкилотлари фаолиятини самарали ташкил этиш ва **сифат кафолати механизмларини жорий этиш**.

II. Тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг узлуксиз касбий ривожланиш тизимини такомиллаштириш

2. Қуйидагилар:

(а) Соғлиқни сақлаш соҳасида узлуксиз касбий ривожланиш тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар режаси **1-иловага** мувофиқ;

(б) Тиббиёт ва фармацевтика соҳасида узлуксиз касбий таълим тизимини такомиллаштиришнинг мақсадли кўрсаткичлари **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

III. Узлуксиз касбий тиббий таълим тизимини самарали йўлга қўйиш

3. 2027 йил 1 июлдан бошлаб тиббиёт ва фармацевтика ходимлари учун қуйидагиларни назарда тутувчи янгича узлуксиз касбий тиббий таълим (кейинги ўринларда – узлуксиз таълим) тизими жорий этилсин:

(а) узлуксиз таълим бериш ўқув дастурлари тегишли аккредитациядан ўтган давлат ва нодавлат таълим ҳамда тиббиёт ташкилотлари, тиббиёт ва фармацевтика соҳасидаги нодавлат нотижорат ташкилотлар (кейинги ўринларда – узлуксиз таълим провайдерлари) томонидан амалга оширилади;

(б) узлуксиз таълим олишнинг анъанавий шакллари билан бир қаторда тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг бевосита иш жараёни билан уйғунлашган масофавий, кечки ва бошқа шакллари жорий этилади;

(в) узлуксиз таълим тизими тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг билим ва кўникмаларини доимий ошириб боришга қаратилади ҳамда **таълимнинг кредит-модуль** тизимига асосланади;

(г) олий маълумотли тиббиёт ва фармацевтика ходимлари йилига **50 кредитдан**, ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари йилига **28 кредитдан** кам бўлмаган миқдорда малака ошириш курсларини ўташи мажбурий этиб белгиланади;

(д) мажбурий тўпланиши белгиланган кредитлар:

(i) узлуксиз таълим шакли ва хусусиятидан (конференция, семинар, тренинг ва бошқалар) келиб чиқиб, табақалашган ўқув соатлари асосида ҳисобланади;

(ii) тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг малака тоифасини олиш ҳамда давлат рўйхатидан ўтиш синовларида қатнашиш имконини беради;

(iii) ҳисоби йиллик асосда юритилади;

(ж) тиббиёт ва фармацевтика ходимларига узлуксиз таълим провайдерини, малака ошириш шакли ва дастурларини эркин танлаш ҳуқуқи берилади;

(з) тиббиёт ва фармацевтика ходимлари учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан касбий малака оширишни молиялаштиришнинг амалдаги ҳажми сақлаб қолинади. Бунда:

(i) ажратиладиган маблағлар биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан бюджет сўровномалари асосида ҳамда бюджет қонунчилиги талабларига мувофиқ шакллантирилган давлат буюртмасини молиялаштириш учун белгиланган тартибда узлуксиз таълим провайдерларига йўналтирилади;

(ii) тингловчилар давлат буюртмаси доирасида узлуксиз таълим провайдери ҳамда малака ошириш дастурини эркин танлайди;

(iii) давлат буюртмасини шакллантириш ва молиялаштириш тартиби Вазирлар Маҳкамаси қарори билан белгиланади;

(и) халқаро аккредитацияланган узлуксиз касбий ривожланиш дастурлари ва тадбирлари бўйича берилган сертификатларни (кредитларни) эквивалент сифатида тан олиш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

IV. Узлуксиз касбий тиббий таълим маркази фаолиятини ташкил этиш

4. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлигининг **2026 йил 15 ноябрдан** бошлаб қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

(а) Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги “Тиббий таълимда ўқув ресурсларини яратиш ва ривожлантириш маркази” давлат муассасаси фаолиятини тугатиш;

(б) давлат муассасаси шаклидаги **Узлуксиз касбий ривожланиш марказини** (кейинги ўринларда – Марказ) ташкил этиш;

(в) Марказнинг тиббиёт соҳасида **узлуксиз касбий таълим бўйича маҳаллий аккредитация ташкилоти** сифатида фаолият кўрсатишини йўлга қўйиш. Бунда Марказ Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлиги томонидан рўйхатдан ўтказилади.

5. Белгилансинки:

(а) Марказнинг бошқарув штат бирликлари тугатилаётган “Тиббий таълимда ўқув ресурсларини яратиш ва ривожлантириш маркази” давлат муассасаси штат бирликлари ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг умумий штат бирликлари доирасида шакллантирилади;

(б) Марказ ходимларига Аҳоли саломатлигини таҳлил қилиш илмий-тадқиқот маркази ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этилади;

(в) Марказ 2030 йилдан бошлаб босқичма-босқич хўжалик фаолиятини юритишдан тушган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

6. Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир ой муддатда Марказнинг низомини, шунингдек, унинг тузилмасини тасдиқласин.

7. Қуйидагилар Марказ фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

(а) узлуксиз таълим провайдерларини ва уларнинг таълим дастурларини соҳавий (CPD) аккредитациядан ўтказиш;

(б) узлуксиз таълим дастурлари учун талаблар ва услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш;

(в) узлуксиз таълим жараёнларида қатнашувчи тренерлар ва ўқитувчилар учун малака талабларини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг узлуксиз таълим жараёнларидаги фаолиятини назорат қилиш;

(г) узлуксиз таълим жараёнлари сифатини баҳолаш механизмларини амалиётга жорий этиш ва даврий сифат назоратини йўлга қўйиш;

(д) узлуксиз таълим провайдерлари фаолиятини хавфни таҳлил қилиш (мурожаатлар, сўровнома натижасида аниқланган камчиликлар, оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар материаллари ва бошқа ишончли маълумотлар) асосида ўрганиш;

(ж) узлуксиз таълим жараёни халқаро стандартлар бўйича амалга оширилишини тартибга солиш;

(з) узлуксиз таълим соҳасидаги фаолиятга маҳаллий ва хорижий ташкилотларни кенг жалб қилиш, педагогика соҳасида илғор тажриба алмашиш борасида халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш;

(и) узлуксиз таълим провайдерлари ва дастурларининг электрон миллий реестрини юритиш, тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг электрон портфолиосини шакллантириш, узлуксиз таълим кредитлари ҳисобини юритиш ҳамда унинг ҳаққонийлиги, холислиги ва шаффофлигини таъминлаш.

8. Марказга қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

(а) узлуксиз таълим провайдерларидан маълумотларни талаб қилиб олиш;

(б) узлуксиз таълим провайдерлари ва уларнинг таълим дастурлари аккредитацияларини муддатидан олдин бекор қилиш;

(в) хавф таҳлили асосида узлуксиз таълим дастурларини тўхтатиб қўйиш;

(г) тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг касбий ривожланиш траекториясини ҳамда узлуксиз таълим провайдерлари фаолиятини доимий мониторинг қилиб бориш мақсадида **“Электрон тиббий таълим”** платформасида **Узлуксиз касбий ривожланиш модули**ни (кейинги ўринларда – Модул) юритиш;

(д) тиббиёт соҳасининг долзарб масалаларидан келиб чиқиб, янги малака ошириш дастурларини ташкил қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, илмий-амалий конференциялар ташкил этиш;

(ж) узлуксиз таълим провайдерлари ва уларнинг таълим дастурларини аккредитациядан ўтказиш жараёнларига тажрибали маҳаллий ва хорижий экспертларни жалб қилиш;

(з) узлуксиз таълим провайдерлари ва уларнинг таълим дастурларини аккредитациядан ўтказишдан тушадиган маблағларни аккредитация жараёнларига жалб этилган маҳаллий ва хорижий экспертлар хизматларига ҳақ тўлаш, Марказ фаолиятини ривожлантириш ва ходимларини моддий рағбатлантириш мақсадларига йўналтириш;

(и) Модулнинг мунтазам ишлашини таъминлаш, фойдаланувчиларни (ходимлар, узлуксиз таълим провайдерлари, иш берувчилар) рўйхатдан ўтказиш ва бошқариш, кредитлар ҳисобини юритиш, электрон сертификатларни шакллантириш ҳамда платформа маълумотлари асосида таҳлилий ҳисоботлар тайёрлаш.

V. Тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказлари трансформацияси

9. Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги **Узлуксиз тиббий таълим миллий институти** этиб қайта номлансин ва бунда:

(а) Узлуксиз тиббий таълим миллий институти узлуксиз таълим провайдери сифатида фаолият юритади;

(б) Узлуксиз тиббий таълим миллий институтининг узлуксиз таълим тизимини мувофиқлаштириш борасидаги фаолият йўналишлари Марказга ўтказилади;

(в) Узлуксиз тиббий таълим миллий институтининг болалар саломатлигига алоқадор йўналишидаги кафедралари Болалар саратони бўйича халқаро академик хабнинг ўқув бинолари тайёрлигига кўра унга кўчириб ўтказилади ҳамда ушбу йўналишларда узлуксиз таълим дастурлари нуфузли халқаро таълим ташкилотларини жалб этган ҳолда йўлга қўйилади.

10. Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги **Ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимларини касбий ривожлантириш институти** (кейинги ўринларда – Институт) этиб қайта номлансин. Бунда:

(а) Институт ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимларини қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ва ихтисослаштириш бўйича узлуксиз таълим провайдери сифатида фаолият юритади;

(б) Институт ходимларига давлат олий тиббий таълим муассасалари ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш шартлари татбиқ этилади;

(в) Институтнинг устави, ташкилий тузилмаси, штат жадвали ва меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланади.

VI. Рақамлаштириш

11. Рақамли технологиялар вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда **2027 йил 1 январга қадар** “Электрон тиббий таълим” платформасида **Узлуксиз касбий ривожланиш модулини** яратсин ҳамда Тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг малакасини баҳолаш марказининг Тиббий малака ва давлат рўйхатидан ўтказиш платформаси билан интеграция қилсин.

12. Модулда қуйидагилар инобатга олинсин:

(а) узлуксиз таълим провайдерлари ва улар томонидан амалга ошириладиган узлуксиз таълим дастурларининг ягона миллий реестрини юритиш;

(б) узлуксиз таълим дастурларининг базаси ва тақвимини доимий янгилаб бориш;

(в) тиббиёт ва фармацевтика ходимлари учун шахсий кабинетлар ташкил этиш;

(г) тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг ягона маълумотлар базаси билан интеграциялашган узлуксиз таълим кредитларини ҳисобга олиш;

(д) иш берувчиларга Модул орқали ходимларнинг шахсий портфолиоси ва йиллик ҳисоботи тўғрисидаги маълумотларини кузатиш имкониятини яратиш;

(ж) тиббиёт ва фармацевтика ходимлари учун узлуксиз таълим онлайн дастурларига Модул орқали кириш ҳамда баҳолашдан ўтиш имкониятини яратиш;

(з) муваффақиятли тугатилган малака ошириш курслари бўйича электрон сертификатларни Модул орқали автоматик равишда шакллантириб, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган ягона намуна асосида ходимнинг шахсий кабинетига юбориш;

(и) соҳадаги барча ходимларнинг узлуксиз таълим кредитларини йиғишининг умумлашган маълумотларини очиқ тарзда кўриш;

(к) халқаро узлуксиз касбий ривожланиш ташкилотлари учун узлуксиз таълим тизимида иштирок этиш имкониятини яратиш.

13. Модулни юритиш вазифаси Марказга юклатилиб, операторлик функциялари, техник қўллаб-қувватлаш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш “Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор – “UZINFOCOM” МЧЖ томонидан амалга оширилади.

VII. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

14. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлиги **икки ой муддатда**:

(а) Марказ Тошкент шаҳри Олмазор тумани Шифокорлар кўчаси 2-уй манзилидаги Аҳоли саломатлигини таҳлил қилиш илмий-тадқиқот марказининг бино ва иншоотларига текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилишини;

(б) Аҳоли саломатлигини таҳлил қилиш илмий-тадқиқот маркази Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани Паркент кўчаси 51-уй манзилидаги Узлуксиз тиббий таълим миллий институти бино ва иншоотларининг бир қисмига текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилишини таъминласин.

15. Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

(а) **уч ой муддатда** Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан Узлуксиз тиббий таълимни аккредитациялаш бўйича кенгаш (Accreditation Council for Continuing Medical Education) экспертлари қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадида жалб этилишини таъминласин:

(i) мавжуд узлуксиз касбий тиббий таълим тизимини баҳолаш, манфаатдор томонлар билан музокаралар ўтказиш ва тизимни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш;

(ii) узлуксиз таълим провайдерлари ва дастурларини аккредитациялаш стандартларини ишлаб чиқиш ҳамда ушбу стандартлар асосида аккредитация жараёнини амалга ошириш бўйича Марказ ходимларини тайёрлаш;

(iii) узлуксиз таълим провайдерлари учун ўқув машғулотларини ташкил этиш;

(iv) Модулни юритиш бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиш;

(v) узлуксиз таълим провайдерларини аккредитациядан ўтказишни йўлга қўйиш;

(vi) Марказни халқаро аккредитациядан ўтишга тайёрлаш;

(б) **2027 йилдан бошлаб** Узлуксиз тиббий таълим миллий институтида етакчи хорижий ҳамкорлар иштирокида аҳоли орасида кўп учрайдиган ва ўлим хавфи юқори бўлган касалликлар ҳамда ҳолатлар (кардиология, шошилинч ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам, онкология ва бошқалар) бўйича узлуксиз таълим дастурларини амалиётга жорий этиш чораларини кўрсин;

(в) 2026 йилда вазирликка ажратилган маблағлар ҳисобидан Марказ фаолиятини йўлга қўйиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш чораларини кўрсин;

(г) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда **бир ой муддатда** амалдаги тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг малака ошириши билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун ажратилаётган маблағлар миқдори узлуксиз таълим провайдерлари томонидан замонавий стандартлар асосида ўқитишни ташкил этиш талаблари асосида қайта кўриб чиқилишини таъминласин.

16. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қуйидаги масалаларда Марказга ҳар томонлама кўмаклашиб борсин:

(а) Марказни стратегик ривожлантириш, унинг халқаро нуфузини ошириш, таълим фаолиятини халқаро даражага кўтариш, илмий-педагогик ва моддий-техник салоҳиятини кучайтириш;

(б) узлуксиз таълимнинг илғор шакл ва усулларини, шу жумладан масофавий таълим инструментларини жорий этиш, ўқув-методик ресурсларни ишлаб чиқиш ҳамда узлуксиз таълим дастурларини доимий такомиллаштириб бориш;

(в) профессор-ўқитувчилар ҳамда тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг узлуксиз таълими соҳасида халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш.

17. Белгилаб қўйилсинки, мазкур қарор ижроси билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш 2026 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Соғлиқни сақлаш вазирлигига ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади, 2027 йилдан бошлаб эса Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

18. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсан жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири Э.Э. Адилов белгилансин.

19. Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 10 сентябрдаги ПҚ–319-сон қарорига
1-илова

Соғлиқни сақлаш соҳасида узлуксиз касбий ривожланиш тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар режаси

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
1.	Узлуксиз касбий ривожланиш тизимини жорий этиш бўйича идоралараро ишчи гуруҳни ташкил этиш ва “йўл харитаси”ни тасдиқлаш.	1. Ишчи гуруҳ таркиби ва иш режасини тасдиқлаш. 2. 2026–2027 йиллар учун “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш, муддатларни белгилаш. 3. Вазирлик ва идоралар бўйича масъулларни белгилаш.	2026 йил ноябрь	—	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлиги
2.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар пакетини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	1. Тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг узлуксиз касбий таълими ва резидентура тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритиш. Бунда: узлуксиз касбий тиббий таълим тизими; қайта тайёрлаш, бирламчи ва чуқурлаштирилган ихтисослаштириш таълим турларини тартибга солиш; узлуксиз таълим провайдерлари ва уларнинг дастурларини аккредитация қилиш тартиби;	2026 йил декабрь	—	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Адлия вазирлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
		давлат тиббиёт муассасаларининг тиббиёт ва фармацевтика ходимларини узлуксиз касбий тиббиёт таълими тизими билан қамраб олиш бўйича давлат буюртмасини шакллантириш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлашни назарда тутиш; таълим турлари бўйича кредит шкаласи ва ҳисоблаш қоидаларини (онлайн курс, семинар, тренинг, конференция ва бошқалар) тасдиқлашни инобатга олиш. 2. Болалар саратони бўйича халқаро академик хабнинг тузилиши ва ишлаш концепцияси такомиллаштирилишини ҳисобга олган ҳолда тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2026 йил декабрь		Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Болалар онкологияси, гематологияси ва иммунологияси илмий-амалий тиббиёт маркази
3.	Болалар саратони бўйича халқаро академик хаб фаолиятини такомиллаштириш.	1. Болалар саратони бўйича халқаро академик хаб фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қуйидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш:	2026 йил октябрдан бошлаб	Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси ҳамда халқаро	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Болалар онкологияси, гематологияси ва

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
		Болалар саратони бўйича халқаро академик хаб негизида халқаро нуфуздаги инновацион тиббиёт хабини ташкил этиш; хабнинг майдонини кенгайтириш ҳамда тиббиётнинг замонавий, рақамлаштирилган ва илғор йўналишларини ташкил этиш; хабнинг ўқув бинолари тайёрлигига кўра унга Узлуксиз тиббий таълим миллий институтининг болалар саломатлигига алоқадор йўналишдаги кафедраларини кўчириб ўтказиш чораларини кўриш. 2. Хаб фаолиятини такомиллаштириш мақсадида Дана-Фарбер онкология институти ҳамда Вена тиббиёт университетини жалб қилиш чораларини кўриш.		молия институтлари грант ва кредит маблағлари	иммунологияси илмий-амалий тиббиёт маркази
4.	Узлуксиз касбий ривожланиш маркази (кейинги ўринларда – Марказ) фаолиятини йўлга қўйиш.	1. “Тиббий таълимда ўқув ресурсларини яратиш ва ривожлантириш маркази” давлат муассасасини тугатиш ҳамда унинг негизида давлат муассасаси шаклидаги Узлуксиз касбий ривожланиш марказини ташкил этиш бўйича ташкилий чораларни амалга ошириш. 2. Марказнинг чекланган штат бирликларини Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг умумий штат бирликлари доирасида шакллантириш. 3. Марказ филиалларини босқичма-босқич ташкил этиш бўйича концепция, ҳудудлар, штат ва жойлашув таклифларини тайёрлаш.	2026 йил ноябрь	Мазкур мақсадлар учун ажратилган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар доирасида	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлиги
5.	Марказнинг устави, ташкилий тузилмаси,	1. Марказ устави ва ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.	2026 йил ноябрь	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги,

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
	штат жадвали ва меҳнатга ҳақ тўлаш шартларини тасдиқлаш.	2. Марказ ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартларини ҳамда штат жадвалини ишлаб чиқиш.			Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
6.	Марказни жойлаштириш ва инфратузилма билан таъминлаш.	1. Марказни Тошкент шаҳри Олмазор тумани Шифокорлар кўчаси 2-уй манзилидаги Аҳоли саломатлигини таҳлил қилиш илмий-тадқиқот марказининг бино ва иншоотларига жойлаштириш. 2. Аҳоли саломатлигини таҳлил қилиш илмий-тадқиқот марказини Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани Паркент кўчаси 51-уй манзилидаги бино-иншоотларнинг бир қисмига жойлаштириш. 3. Марказ бино-иншоотларини эҳтиёжга кўра таъмирлаш, жиҳозлаш ва ахборот-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш.	2026 йил декабрь	Мазкур мақсадлар учун ажратилган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар доирасида	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги
7.	Марказни Узлуксиз тиббий таълимни аккредитациялаш бўйича кенгаш (ACCME) халқаро аккредитациясига тайёрлаш.	1. ACCME экспертларини жалб қилиш ва иш режасини тасдиқлаш. 2. Мавжуд тизимни баҳолаш, манфаатдор ташкилотлар билан муҳокама ўтказиш ва ривожлантириш концепциясини тайёрлаш. 3. Аккредитация стандартлари бўйича Марказ ходимлари ва экспертларини тайёрлаш. 4. Узлуксиз таълим провайдерлари учун ўқув машғулотлари ва аккредитация жараёнларини йўлга қўйиш.	2026–2028 йиллар	Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси	Соғлиқни сақлаш вазирлиги *(келишувга кўра ҳамкор ACCME)*
8.	Узлуксиз тиббий таълим миллий институти	Узлуксиз тиббий таълим миллий институти бошқарув механизмларини такомиллаштириш	2027 йил март	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги,

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
	фаолиятини такомиллаштириш.	бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.			Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
9.	"Электрон тиббий таълим" платформасида Узлуксиз касбий ривожланиш модулини яратиш ва ишга тушириш.	1. Узлуксиз касбий ривожланиш модули учун техник топшириқларни тасдиқлаш. 2. Узлуксиз касбий ривожланиш модулининг қуйидаги қисмларини ишлаб чиқиш: узлуксиз таълим провайдерлари ва дастурларининг ягона миллий реестри; ходимлар, провайдерлар ва иш берувчилар учун шахсий кабинетлар; кредитлар ҳисоби, электрон портфолио, онлайн таълим дастурларига кириш, баҳолаш модуллари ва электрон сертификатларни автомат шакллантириш. 3. Узлуксиз касбий ривожланиш модулида халқаро CPD ташкилотлари иштирокини таъминлаш механизмларини жорий этиш.	2027 йил январь	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар	Рақамли технологиялар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "UZINFOCOM" МЧЖ
10.	Хорижий CPD сертификатларни тан олиш тартибини жорий этиш.	1. Тан олинадиган халқаро аккредитациялар, провайдерлар рўйхатини белгилаш. 2. Эквивалент кредит шкаласи ва экспертиза тартибини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш.	2027 йил март	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги
11.	Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини Узлуксиз касбий ривожланиш модулида тўлиқ рўйхатдан ўтказиш.	1. Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими, нодавлат ташкилотлар, бошқа вазирлик ва идоралар тизимидаги тиббиёт ва фармацевтика ходимларини рўйхатдан ўтказишни бошлаш. 2. Узлуксиз касбий ривожланиш модулида кредитлар ҳисоби, портфолио ва сертификатлаштиришни мажбурий тартибда юритишни ташкил этиш.	2027 йилдан бошлаб	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
12.	CPD аккредитация стандартлари ва тартибини тасдиқлаш.	1. Провайдерлар ва дастурлар учун соҳавий CPD аккредитация стандартлари, чек-листлар ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш. 2. Экспертлар реестри, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва апелляция тартибини белгилаш.	2027 йил май	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлиги
13.	Амалдаги провайдерлар ва дастурларни CPD аккредитациядан ўтказиш.	1. Амалдаги провайдерлар ва дастурларни Узлуксиз касбий ривожланиш модулида рўйхатдан ўтказиш. 2. Фақат CPD аккредитациядан ўтган провайдер ва дастурлар орқали кредит бериш механизмини жорий этиш.	2027 йил июль	Бюджетдан ташқари маблағлар ва қонунчиликда тақиқланмаган манбалар	Марказ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги
14.	Устувор клиник йўналишларда узлуксиз таълим контентини ишлаб чиқиш.	1. Кардиология, шошилинч ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам, онкология, она-бола саломатлиги ва бошқа устувор йўналишлар бўйича компетенциялар матрицасини тасдиқлаш. 2. Етакчи маҳаллий ва хорижий ҳамкорлар иштирокида курс контентини ишлаб чиқиш. 3. Курсларни Узлуксиз касбий ривожланиш модулига жойлаш ва қамровни мониторинг қилиш.	2027 йил январь 2027 йил март	Мазкур мақсадлар учун ажратилган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Марказ
15.	Болалар саратони бўйича халқаро академик хабда амалга оширилаётган қурилиш-таъмирлаш ишларини якунига етказиш.	1. 2026 йил якунига қадар ўзлаштириладиган маблағларга аниқлик киритиш. 2. Талаб этиладиган маблағларни 2027 йил ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритиш. 3. Объектни фойдаланишга топшириш.	2026 йил ноябрь 2026 йил декабрь 2027 йил декабрь	Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасидаги маблағлар	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 10 сентябрдаги ПҚ–319-сон қарорига
2-илова

Тиббиёт ва фармацевтика соҳасида узлуксиз касбий таълим тизимини такомиллаштиришнинг МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Т/р	Мақсадли кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2026 йил	2027 йил	2028 йил	2029 йил	2030 йил
1.	Олий маълумотли тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг узлуксиз касбий таълим билан қамрови	фоизда	30	55	70	85	100
2.	Ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг узлуксиз касбий таълим билан қамрови	фоизда	30	55	70	85	100
3.	Йиллик мажбурий кредит нормасини (олий – 50, ўрта – 28 кредит) тўлиқ тўплаган ходимлар улуши	фоизда	–	50	65	80	90
4.	Соҳавий (CPD) аккредитациядан ўтган узлуксиз таълим провайдерлари сони (жамланма)	та	–	20	40	65	100
5.	Аккредитациядан ўтган узлуксиз таълим дастурлари сони (жамланма)	та	-	100	300	500	700
6.	Узлуксиз касбий ривожланиш модулида рўйхатдан ўтган ва электрон портфолиога эга ходимлар улуши	фоизда	-	80	95	100	100
7.	Ташқи сифат баҳолаши (мониторинг) билан қамраб олинган провайдерлар улуши	фоизда	–	30	50	75	100
8.	Тингловчиларнинг узлуксиз таълим сифатидан қониқиш даражаси	фоизда	55	65	72	80	85

Изоҳлар:

2026 йил кўрсаткичлари базавий ҳисобланади.

Кўрсаткичлар мониторинги Узлуксиз касбий ривожланиш модули маълумотлари асосида амалга оширилади.

Мақсадли кўрсаткичлар зарурат бўлганда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг таклифи асосида қайта кўриб чиқилиши мумкин.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

QMMB: 07/26/320/0928-son
14.09.2026-y.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2026 yil «_11_» сентябрь №ПҚ–320

Халқаро шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида

“Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги Қонуннинг 22-моддасига мувофиқ **қарор қиламан**:

1. Қуйидагилар:

(а) 2026 йил 7 май куни Тошкент шаҳрида имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Австрия Федерал Ҳукумати ўртасида **миграция ва мобиллик бўйича шериклик тўғрисидаги битим**;

(б) 2026 йил 7 май куни Тошкент шаҳрида имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Австрия Федерал Ҳукумати ўртасида **дипломатик паспорт эгаларини виза талабларидан озод этиш тўғрисидаги битим** тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Австрия Федерал Ҳукумати ўртасидаги миграция ва мобиллик бўйича шериклик тўғрисидаги битимни амалга ошириш учун:

(а) Миграция агентлиги – ташқи меҳнат миграцияси қисми бўйича;

(б) Ички ишлар вазирлиги – реадмиссия қисми бўйича;

(в) Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги – талабалар ва академик алмашинув қисми бўйича **масъул бўлган ваколатли органлар** этиб белгилансин.

3. Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Австрия Федерал Ҳукумати ўртасида дипломатик паспорт эгаларини виза талабларидан озод этиш тўғрисидаги битимни амалга ошириш учун **масъул бўлган ваколатли орган** этиб белгилансин.

4. Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси томонидан ушбу халқаро шартномаларнинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички тартиб-таомиллари бажарилганлиги ҳамда уларни амалга ошириш учун масъул бўлган ваколатли органлар тўғрисида Австрия томонига тегишли билдиришнома юборсин.

5. Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари ушбу халқаро шартномалар кучга киргандан кейин унинг қоидалари амалга оширилиши устидан назоратни таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти — **Ш.Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

QMMB: 07/26/321/0929-son
14.09.2026-y.

36 (1264)-сон
912-модда

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
QARORI

2026 yil « 11 » сентябрь №ПҚ–321

Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида

“Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги Қонуннинг 22-моддасига мувофиқ **қарор қиламан**:

1. 2026 йил 7 апрель куни Мадрид шаҳрида имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Испания Қироллиги ўртасида **дипломатик паспорт эгаларини виза талабларидан ўзаро озод этиш тўғрисидаги битим** тасдиқлансин.

2. Ташқи ишлар вазирлиги ушбу халқаро шартномани амалга ошириш учун **масъул бўлган ваколатли орган** этиб белгилансин.

3. Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси томонидан ушбу халқаро шартноманинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички тартиб-таомиллари бажарилганлиги тўғрисида Испания томонига тегишли билдиришнома йўлласин.

4. Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари ушбу халқаро шартнома кучга кирганидан кейин унинг қоидалари бажарилиши устидан белгиланган тартибда назоратни таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.Мирзиёев**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

QMMB: 07/26/322/0930-son
14.09.2026-y.

36 (1264)-сон
913-модда

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
QARORI

2026 yil « 11 » сентябрь №ПҚ–322

Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида

“Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги Қонуннинг 22-моддасига мувофиқ **қарор қиламан**:

1. 2026 йил 10 июнь куни Тошкент шаҳрида имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Швеция Қироллиги Ҳукумати ўртасида **миграция ва мобиллик соҳасида кенг қамровли шериклик тўғрисидаги битим** тасдиқлансин.

2. Ушбу халқаро шартномани амалга ошириш учун:

(а) Миграция агентлиги – ташқи меҳнат миграцияси қисми бўйича;

(б) Ички ишлар вазирлиги – реадмиссия қисми бўйича;

(в) Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги – талабалар ва академик алмашинув қисми бўйича;

(г) Ташқи ишлар вазирлиги – дипломатик паспорт эгаларини виза талабларидан озод этиш қисми бўйича **масъул бўлган ваколатли органлар** этиб белгилансин.

3. Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси томонидан ушбу халқаро шартноманинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички тартиб-таомиллари бажарилганлиги ҳамда уни амалга ошириш учун **масъул бўлган ваколатли органлар** тўғрисида Швеция томонига тегишли билдиришнома юборсин.

4. Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари ушбу халқаро шартнома кучга киргандан кейин унинг қоидалари амалга оширилиши устидан белгиланган тартибда назоратни таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

QMMB: 07/26/325/0940-son
16.09.2026-y.

36 (1264)-son
914-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2026 yil « 12 » сентябрь № ПҚ–325

Электротехника саноатини ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқиш ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Мамлакатда электротехника саноатини илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси орқали жадал ривожлантириш, соҳага илғор технологияларни кенг жалб этиш, маҳаллий корхоналарнинг глобал қўшилган қиймат занжирлари ва ташқи бозорларга интеграциялашувини кучайтириш ҳамда тармоқда замонавий саноат экотизимини шакллантириш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар **2030 йилга қадар электротехника саноатини ривожлантиришнинг** асосий мақсадли кўрсаткичлари этиб белгилансин:

(а) тармоқда ишлаб чиқариш ҳажмини **130 триллион сўмга**, экспорт ҳажмини **5 миллиард АҚШ доллари**га етказиш;

(б) 3 миллиард АҚШ доллари миқдорида инвестицияларни жалб этиш ҳамда тармоқдаги бандликни **50 минг кишига** етказиш;

(в) соҳада **кенг кўламли илмий-технологик трансформацияни** амалга ошириш, мис хомашёсидан **қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш** даражасини **35 фоизга** олиб чиқиш;

(г) бюджет буюртмачилари томонидан амалга ошириладиган давлат харидлари доирасида электротехника маҳсулотлари бўйича **маҳаллий маҳсулот** улушини **70 фоиз**га етказиш.

QMMB: 07/26/325/0940-son
16.09.2026-y.

II. Корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш чоралари ва имтиёзлар

2. Белгилансинки, **2026 йил 1 октябрдан** бошлаб электротехника саноати корхоналари учун:

(а) айланма маблағлар билан таъминлашга тижорат банклари орқали қуйидаги шартларда кредитлар ажратилади:

(i) "Савдони ривожлантириш компанияси" акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Компания) маблағлари ҳисобидан **2 йил муддатгача 3 ойлик имтиёзли** давр билан йиллик **6 фоиз** (шундан 2 фоиз банк маржаси) ставкада битта тадбиркорлик субъекти учун кўпи билан **5 миллион АҚШ доллари** миқдорида. Бунда кредит қарздорлиги корхона томонидан биринчи йилда сўндирилган тақдирда кредит фоизи йиллик **4 фоиз** (шундан 1 фоиз банк маржаси) ставкада қайта ҳисоб-китоб қилинади;

(ii) кредитнинг **50 фоизига**, бироқ **20 миллиард** сўм эквивалентидан ошмаган миқдорда "Бизнесни кафолатлаш миллий компанияси" АЖ ҳисобидан кафиллик, **қолган қисмига** – корхона томонидан **ликвидли мол-мулк, суғурта полиси, экспорт шартномаси** (келгусидаги пул тушумларига талаб ҳуқуқи асосида) ва/ёки **бошқа турдаги таъминот** тақдим этилади;

(б) биржа савдолари орқали **мис хомашёсини** харид қилишда **ҳисоб-китоб** қилишнинг қуйидаги тартиби жорий қилинади:

(i) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 октябрдаги ПҚ–304-сон қарорининг 6-бандига мувофиқ ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилмаган қисми ҳисобидан Компания томонидан "Ўзсаноатэкспорт" АЖга тўғридан-тўғри **40 миллион АҚШ доллари миқдорида** маблағ ажратилади;

(ii) биржа савдоларида мис хомашёсини харид қилишда **25 фоиз** тўлов корхона томонидан, қолган **75 фоиз** тўлов "Ўзсаноатэкспорт" АЖ томонидан **уч кун ичида** амалга оширилади. Бунда битта тадбиркорлик субъектининг "Ўзсаноатэкспорт" АЖ олдидаги қарздорлиги **3 миллион АҚШ долларидан** ортиқ бўлишига йўл қўйилмайди;

(iii) корхоналар томонидан "Ўзсаноатэкспорт" АЖ олдидаги **мажбуриятини таъминлаш** учун суғурта полиси тақдим этилади;

QMMB: 07/26/325/0940-son
16.09.2026-y.

(iv) “Ўзсаноатэкспорт” АЖ томонидан амалга оширилган **75 фоиз** миқдоридаги тўлов корхоналар томонидан **90 кун ичида** қайтарилади. Бунда кечиктириб тўлаш имконияти берилган ҳар бир кун учун йиллик 6 фоиз ставкада фоиз ҳисобланади.

3. Мазкур қарорнинг 2-бандида кўрсатилган **молиявий қўллаб-қувватлаш чоралари** учун:

(а) Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси корхоналарни айланма маблағ билан таъминлаш мақсадларига Компанияга **2030 йил 1 январга** қадар қайтариш шарти билан **йиллик 2 фоиз ставкада 50 миллион АҚШ доллари** миқдорида, шундан **20 миллион АҚШ долларини бир ой муддатда**, қолган қисмини **2027 йилдан бошлаб** Компаниянинг буюртманомалари асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 10 январдаги ПҚ–15-сон қарорининг 4-бандида белгиланган маблағларнинг ўзлаштирилмаган қисми ҳисобидан босқичма-босқич ажратишни таъминласин;

(б) Инвестицияларни жалб қилиш, саноатни ривожлантириш ва савдони тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси (Ж.Ходжаев) **икки ҳафта муддатда** биржа савдолари орқали мис хомашёсини харид қилишда ҳисоб-китобларни “Ўзсаноатэкспорт” АЖ орқали амалга ошириш тартибини тасдиқласин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2026–2028 йилларда электротехника саноатида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларига тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредитлар бўйича “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖ томонидан Кредит фоиз харажатларини компенсация қилиш жамғармаси ҳисобидан, кредит миқдоридан қатъи назар, унинг **20 миллиард сўм** эквивалентидан ошмаган қисми бўйича:

(а) барқарорлик рейтинги ва ҳудуд тоифасидан қатъи назар, барча тоифадаги тадбиркорлик субъектларига **3 йил муддатга** қуйидаги миқдорларда компенсация тақдим этилади:

(i) фоиз ставкаси Марказий банк асосий ставкасининг **икки бараваридан ортиқ бўлмаган** миллий валютадаги кредитларнинг асосий ставкадан **4 фоиз** пункт юқори қисми, **бироқ 10 фоиз** пунктдан ошмаган миқдорда;

QMMB: 07/26/325/0940-son
16.09.2026-y.

(ii) хорижий валютадаги кредитлар фоиз ставкасининг **6 фоиздан** юқори қисми, бироқ **5 фоиз** пунктдан ошмаган миқдорда;

(б) компенсация "2+1" тамойили асосида дастлабки икки йилга тақдим этилади, маҳсулот (хизмат)ларни реализация қилишдан тушган йиллик тушум аввалги йилнинг мос даврига нисбатан **15 фоиз** ва ундан ортиқ миқдорда ошган тақдирда, компенсация учинчи йилда ҳам тўлаб берилади.

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар томонидан ўз эҳтиёжлари учун республика ҳудудига олиб кириладиган полиэтилен гранулаларини **2028 йил 1 январга қадар** акциз солиғидан озод қилиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

6. Тадбиркорлик субъектларига инвестиция дастури доирасида амалга оширилган ва фойдаланишга қабул қилинган электротехника саноати йўналишидаги янги лойиҳалар бўйича ишлаб чиқариш бинолари ҳамда технологик ускуналарни улар фойдаланишга қабул қилинган санадан бошлаб **уч йил давомида тезлаштирилган амортизация қилиш ҳуқуқи берилсин**.

III. Таянч инвесторларни жалб қилиш

7. Белгилаб қўйилсинки, **электротехника, электроника ва робототехника** соҳаларида сўнгги уч йилда **"Forbes Global 2000"** халқаро рейтинги ва халқаро етказиб бериш занжирларига кирган ҳамда киритадиган инвестиция ҳажми **камида 50 миллион АҚШ доллари бўлган таянч инвесторларни** (Anchor Investor) жалб этиш мақсадида:

(а) инвестиция шартномасида қўшилган қийматни уч йилда **40 фоиздан** ошириш ҳамда йиллик фойданинг камида **3 фоизини** илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига йўналтириш мажбурияти назарда тутилади;

(б) республикада халқаро тажрибага мувофиқ ташкил этилган махсус иқтисодий зоналардан **бинолар "тайёр ҳолда топшириш"** модели бўйича (электр тармоғи, газ, сув, тозалаш иншоотлари, темир йўл коммуникациялари билан таъминланган ҳолда) **ажратилади**;

QMMB: 07/26/325/0940-son
16.09.2026-y.

(в) инвесторларни жалб этиш, инвестиция лойиҳаларини баҳолаш, музокаралар олиб бориш, инвестиция шартномаларини тайёрлаш ҳамда уларнинг амалга оширилишини мониторинг қилиш жараёнларига жалб этиладиган **халқаро консалтинг компанияларининг хизматлари** қонунчиликда белгиланган тартибда молиялаштирилади;

(г) инвесторларга ер солиғи, мол-мулк солиғи, фойда солиғини тўлашдан **10 йил муддатга** озод этиш тарзидаги имтиёзлар тақдим этилади.

8. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги, "Ўзэлтехсаноат" уюшмаси билан биргаликда асосан таянч инвесторларни жалб қилиш учун хорижий давлатларда кенг миқёсда тарғибот ишларини ташкиллаштириш, шунингдек, **халқаро форумларда тақдимотлар ("Road Show")** ўтказиб бориш чораларини кўрсин.

IV. Тармоқда бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш ҳамда ёндош саноат тармоқларини ривожлантириш

9. Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлиги **2026 йил якунига қадар** ўзининг **Ягона электрон платформасида** (кейинги ўринларда – Платформа) "Ўзэлтехсаноат" уюшмаси билан биргаликда маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган электротехника маҳсулотлари учун зарур бўлган хомашё, материаллар, бутловчи қисмлар ва асбоб-ускуналар ҳамда ёндош саноат тармоқлари маҳсулотлари тўғрисидаги маълумотларни жамлаш, таҳлил қилиш, шунингдек, **етказиб берувчилар ва харидорлар ўртасида кооперация алоқаларини йўлга қўйиш имконини берувчи алоҳида модул** ишга туширилишини таъминласин.

10. Белгилансинки, Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлиги бошқарув кенгаши томонидан тавсия этиладиган электротехника саноати учун республикада ишлаб чиқарилмайдиган бутловчи ва эҳтиёт қисмларни ўзлаштирган маҳаллий етказиб берувчиларга Саноат кооперациясини ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқариш лойиҳаси доирасида харид қилинган асбоб-ускуналар қийматининг **30 фоизигача**, бироқ битта тадбиркорлик субъекти учун **бир йилда бир маротаба 10 миллиард сўмдан кўп бўлмаган миқдорда субсидия ажратилади**.

QMMB: 07/26/325/0940-son
16.09.2026-y.

11. Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлиги **ҳар йили камида бир маротаба** электротехника маҳсулотлари учун хомашё, материаллар, бутловчи қисмлар ва асбоб-ускуналар ҳамда ёндош саноат тармоқлари маҳсулотлари **саноат занжири кўргазмасини** Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлиги фаолиятига кўмаклашиш жамғармаси ҳамда Агентлик ҳузуридаги ташкилотлар маблағлари ҳисобидан ташкил этиб борсин.

12. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлигининг **қуйидаги таклифлари маъқуллансин**:

(а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 10 январдаги “Электротехника саноатининг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–15-сон қарорнинг 6-бандида назарда тутилган солиқ имтиёзлари муддатини **2030 йил 1 январга қадар узайтириш**;

(б) 2027 йил 1 январдан 2030 йил 1 январга қадар Платформада рўйхатдан ўтган электротехника тармоғи корхоналарига хомашё, материаллар, бутловчи қисмлар ва асбоб-ускуналарни етказиб берувчи маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга мол-мулк солиғи бўйича ставкани **50 фоизга камайтириш тарзида солиқ имтиёзини қуйидаги шартларда** тақдим этиш:

(i) ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича ушбу кичик бандда назарда тутилган маҳсулотларни реализация қилишдан тушган тушум миқдори умумий тушум ҳажмининг 50 фоизидан кам бўлмаслиги;

(ii) давлат корхоналари ҳамда устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз миқдорда ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсларга татбиқ этмаслик.

V. Саноат тармоқларида илмий-тадқиқот ишлари, инновациялар ва уларни тижоратлаштиришни қўллаб-қувватлаш

13. Саноат корхоналарининг илмий-тадқиқот, инновацион-экспорт фаолияти ва саноатда юқори технологияларни жорий этишни қўллаб-қувватлаш мақсадида Давлат активларини бошқариш агентлиги муассислигида “**Тўртинчи саноат инқилоби илмий-тадқиқот ва инновациялар маркази**” **давлат муассасаси** (кейинги ўринларда – Марказ) ташкил этилсин.

QMMB: 07/26/325/0940-son
16.09.2026-y.

14. Марказнинг **асосий вазифалари ва фаолиятининг устувор йўналишлари 1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

15. Марказ фаолиятини **самарали ташкил этиш** мақсадида:

(а) Вазирлар Маҳкамаси **икки ой муддатда** Марказ фаолиятини ташкил этиш бўйича Ҳукумат қарорини қабул қилсин;

(б) Тошкент шаҳар ҳокимлиги Марказ учун **зарур ер майдонини ажратсин**;

(в) Марказ фаолиятини умумий бошқариш ваколати "Ўзэлтехсаноат" уюшмаси ва Иқтисодиёт ва молия вазирлиги зиммасига юклатилсин;

(г) "Ўзэлтехсаноат" уюшмаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги билан биргаликда:

(i) Марказни унга юклатилган вазифаларни профессионал даражада амалга ошириш қобилиятига эга бўлган малакали кадрлар билан тўлдириш чораларини кўрсин;

(ii) Марказ фаолиятини **дастлабки уч йил давомида** бошқариш учун соҳада **илғор тажрибага эга чет эл компаниясини** жалб қилсин.

16. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

(а) Марказ фаолиятини ташкил этиш, уни моддий-техника базаси билан таъминлаш, зарур асбоб-ускуналар ва жиҳозларни харид қилиш, шунингдек, бино қуриш ва таъмирлаш ишлари, чет эл компаниясининг бошқарув харажатларини молиялаштириш учун **икки ой муддатда** 2026 йилда республика бюджетининг харажатларини мақбуллаштириш ҳисобидан **20 миллиард** сўм, 2027 йилда республика бюджетидан **60 миллиард** сўм маблағ ажратсин;

(б) келгуси йилларда Марказ фаолияти бўйича харажатларни республика бюджетида кўзда тутиб борсин.

17. "Ўзэлтехсаноат" уюшмаси, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Фанлар академияси, Инновацион ривожланиш агентлиги **икки ой муддатда** электротехника саноати йўналишидаги стартап лойиҳалар пакетини шакллантириб, уларни инкубация ёки акселерация дастурларида иштирок этиши учун "UzVC" миллий венчур фондига киритсин.

QMMB: 07/26/325/0940-son
16.09.2026-y.

Бунда:

(а) истиқболли стартап лойиҳалар инкубация ёки акселерация дастурларида қатнашиши билан боғлиқ харажатлар “UzVC” миллий венчур фонди ҳисобидан молиялаштирилади;

(б) истиқболли стартап лойиҳалар бўйича прототипларни тайёрлаш, уларни лаборатория синовлари ва бошқа синовлардан ўтказиш учун Марказ имкониятларидан бепул фойдаланиш ҳамда Марказ мутахассисларидан бепул маслаҳатлар олишга рухсат этилади.

18. “UzVC” миллий венчур фонди **2027 йилдан бошлаб ҳар йили** инкубация ёки акселерация дастурларида иштирок этган электротехника саноати йўналишидаги камида **10 тадан** истиқболли стартап лойиҳаларга хусусий сектор ёки хорижий венчур фондлар билан ҳамкорликда инвестиция киритиш чораларини кўрсин. Бунда 2027 йилдан бошлаб мазкур харажатлар учун **10 миллиард сўм** республика бюджети ҳисобидан маблағ ажратиш назарда тутилсин.

VI. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

19. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **уч ой муддатда** қуйидагиларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

(а) Солиқ қўмитаси билан биргаликда Солиқ кодексига мазкур қарорнинг 5-банди, 7-банди “г” кичик банди ва 12-банди “а” кичик бандидан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини;

(б) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар юзасидан таклифларни.

20. Электротехника саноатига инвестицияларни кенг жалб этиш, янги қувватларни барпо этиш, кооперация алоқаларини мустаҳкамлаш, экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича **“йўл харитаси” 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига **3-иловага** мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

QMMB: 07/26/325/0940-son
16.09.2026-y.

22. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсан жавобгар этиб Бош вазир ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоров ва Ж.А. Ходжаев белгилансин.

23. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

QMMB: 07/26/325/0940-son
16.09.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 12 сентябрдаги ПҚ–325-сон қарорига
1-илова

“Тўртинчи саноат инқилоби илмий-тадқиқот ва инновациялар маркази” давлат муассасасининг асосий вазифалари ва фаолиятининг устувор йўналишлари

1. Кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг **халқаро тендерларда иштирок этиши**, **ташқи бозорларга чиқишига кўмаклашиш**, шунингдек, хорижий давлатларда доимий фаолият юритувчи савдо вакиллари орқали **миллий маҳсулотларни илгари суриш**.
2. Саноат корхоналарига замонавий ишлаб чиқариш технологиялари, экспорт кўникмалари, халқаро стандарт ва сертификатлаш йўналишлари бўйича **инжиниринг ва консалтинг хизматларини кўрсатиш**.
3. Янги турдаги маҳсулотларнинг **рақамли занжирини яратиш** (CAD/CAM/CAE асосида), **прототиплаш**, **аддитив технологиялар**, **реверс-инжиниринг**, **технологияларни маҳаллийлаштириш**, **кичик серияли намуналар тайёрлаш**, шунингдек, амалий илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш.
4. Саноат корхоналарининг **технологик салоҳиятини ошириш** учун марказнинг юқори технологик ускуналари, синов-ўлчов лабораториялари ва инжиниринг инфратузилмасидан умумий фойдаланиш имкониятини яратиш.
5. Янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича **инновацион ғоялар ва илмий ишланмаларнинг** технологик тайёрлик даражасини (Technology Readiness Level – TRL) **баҳолаш**, инвесторлар ва саноат корхоналари билан ҳамкорликда **технологияларнинг тайёргарлик даражасини** босқичма-босқич ошириш.
6. Саноат корхоналарида **комплекс энергия аудитларини ўтказиш**, энергия **сарфи таҳлилини** амалга ошириш, ISO 50001 халқаро стандарти талабларига мувофиқ **энергия менежменти тизимларини жорий этишга** амалий кўмаклашиш.
7. Ишлаб чиқариш **таннархини пасайтириш** ва **ресурс самарадорлигини ошириш** бўйича **технологик жараёнларни оптималлаштириш**, электр энергияси, табиий газ, сув ва бошқа ресурслар сарфини камайтириш, маҳсулот таннархини пасайтиришга қаратилган **техник-иқтисодий ечимлар ишлаб чиқиш** ҳамда уларни **амалиётга татбиқ этиш**.

QMMB: 07/26/325/0940-son
16.09.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 12 сентябрдаги ПҚ–325-сон қарорига
2-илова

Электротехника саноатига инвестицияларни кенг жалб этиш, янги қувватларни барпо этиш, кооперация алоқаларини мустаҳкамлаш, экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича "ЙЎЛ ХАРИТАСИ"

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
I. Электротехника саноати корхоналари экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш				
1.	Марказий Осиёда Ўзбекистоннинг электротехника саноати маркази сифатидаги ўрнини мустаҳкамлаш мақсадида жорий йил "**E-Tech Expo**" электроника ва электротехника **халқаро кўргазмаси** ҳамда "**Uzbekistan Sourcing Week**" **халқаро форумини** юқори даражада ўтказиш.	**1.** Мазкур тадбирларни ташкил этиш концепцияси ва дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш. **2.** Хорижий давлатлардан **100 та йирик савдо тармоқлари**, **сорсинг** компаниялар раҳбарлари иштирокини таъминлаш. **3.** Тадбирларни ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни Савдога кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириш.	2026 йил октябрь 2026 йил ноябрь талабга мувофиқ	Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги *(Л.Кудратов)*, "Ўзэлтехсаноат" уюшмаси *(М.Юнусов)*, "Савдони ривожлантириш компанияси" АЖ *(Х.Бобоев)*
2.	Электротехника маҳсулотларини таваккалчилиги юқори бўлган мамлакатларга экспорт қилиш учун **суғурта механизмини** такомиллаштириш.	Шартнома қийматининг **80 фоизигача суғурта қопламасини**, 1–1,5 фоиз ставка асосида *(амалдаги тижорат суғуртаси 3–5 фоиз ўрнига)* таъминловчи экспорт битимларини суғурталаш механизмини жорий қилиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш. Ушбу тизимни **Африка**, **Яқин Шарқ**, **Афғонистон** ва давлат таваккалчилиги юқори бўлган мамлакатларга нисбатан жорий этиш.	2026 йил октябрь	Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги *(Л.Кудратов)*, "Ўзэлтехсаноат" уюшмаси *(М.Юнусов)*

QMMB: 07/26/325/0940-son
16.09.2026-y.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
3.	Ўзбекистонда мавжуд **синов лабораторияларини** халқаро аккредитациядан ўтказиш.	**1.** Ўзбекистонда мавжуд **синов лабораторияларини халқаро аккредитациядан ўтказиш**, бу орқали маҳсулотларни **CE, SASO, UL** каби сертификатлаш муддатини қисқартириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш. **2.** Ўзбекистонда берилган сертификатлар халқаро миқёсда тан олинишини таъминлаш мақсадида Халқаро электротехника комиссиясининг мувофиқликни баҳолаш тизими *(IECEE CB Scheme)*га аъзо бўлиш чораларини жадаллаштириш.	2026 йил октябрь 2026 йил декабрь	Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги *(А.Жуманазаров)*, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги *(Л.Кудратов)*, “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси *(М.Юнусов)*
4.	Электротехника саноати корхоналарини **ислом молияси йўналишида** молиявий қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш.	Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси томонидан тақдим этиладиган молиявий *(кафолат, компенсация)* механизмларни исломий молия тамойиллари асосида жорий этиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш. Бунда ислом молияси бўйича бериладиган банк кафолати ёки муробаҳа шартномаси бўйича устама (комиссия) тўловларининг бир қисмини қоплаш масаласини назарда тутиш.	2026 йил декабрь	Марказий банк *(Т.Ишметов)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(И.Норқулов)*, “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси *(М.Юнусов)*
5.	**Экспорт географиясини кенгайтириш** мақсадида янги экспорт бозорларини *(Африка, Яқин Шарқ)* ўзлаштириш.	**1.** Янги экспорт йўналишларини ташкил этишда **Африка ва Яқин Шарқ давлатлари** учун **электротехника маҳсулотлари** *(кабель-сим маҳсулотлари ва кучланиш қурилмалари)* **рўйхатини шакллантириш.** **2.** Ўзбекистоннинг **Африка ва Яқин Шарқ давлатларидаги** элчихоналари орқали импортёр корхоналар билан учрашув ўтказиб, ушбу рўйхатдаги маҳсулотлар бўйича батафсил маълумот етказиш.	2026 йил ноябрь	“Ўзэлтехсаноат” уюшмаси *(М.Юнусов)*, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги *(Л.Кудратов)*

QMMB: 07/26/325/0940-son
16.09.2026-y.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
6.	МДҲ давлатларининг давлат харидларида маҳаллий электротехника корхоналари иштирокини кенгайтириш ва давлатларга экспорт ҳажмларини ошириш.	**1.** Қўшни давлатларда амалга оширилаётган лойиҳалар бош пудратчилари ва харид менежерлари учун Ўзбекистонга **бизнес-турларни** ташкил этиш. **2. Арманистон, Афғонистон, Озарбайжон, Молдова, Туркманистон** давлатларида фаолият юритаётган элчихона савдо вакиллари томонидан ушбу давлатларнинг йирик импортчилари билан учрашувлар ўтказилиб, маҳаллий электротехника маҳсулотларини етказиб бериш бўйича ҳамкорликни кенгайтириш. **3.** Хорижий EPC *(лойиҳалаш, харид қилиш ва пудратчи)* компаниялари ва бош пудратчилар реестрини шакллантириш.	Икки ой муддатда 2026 йил октябрь 2026 йил декабрь	Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги *(Л.Кудратов)*, Ташқи ишлар вазирлиги *(Б.Саидов)*, “Савдони ривожлантириш компанияси” АЖ *(Х.Бобоев)*, “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси *(М.Юнусов)*
7.	**Янги бозорларда** маҳаллий корхоналар иштирокини кенгайтириш ҳамда **қулай транспорт-логистика йўналишларини** ишлаб чиқиш.	**1.** Маҳаллий электротехника маҳсулотларини экспорт қилиш учун **Ироқ, Сурия** каби давлатлар билан **савдо-иқтисодий алоқаларни** кенгайтириш. **2.** Ушбу давлатлар билан савдо-иқтисодий, транспорт-логистика масалалари бўйича **ишчи гуруҳ** ташкил этиш. **3.** Экспорт операцияларида талаб этиладиган сертификат ва бошқа ҳужжатларни ўзаро тан олиш бўйича ягона талаб, стандарт ва тартиботларни ишлаб чиқиш ҳамда келишиш. **4.** Ушбу давлатларнинг денгиз портларидан Ўзбекистон ташқи савдо юклари учун фойдаланиш истиқболларини ўрганиш.	2026 йил декабрь 2027 йил март	Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги *(Л.Кудратов)*, Савдо-саноат палатаси *(Д.Вахабов)*, Ташқи ишлар вазирлиги *(Б.Саидов)*, Божхона қўмитаси *(А.Мавлонов)*, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги *(А.Жуманазаров)*

QMMB: 07/26/325/0940-son
16.09.2026-y.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
		5. Логистика жараёнларини соддалаштириш бўйича ушбу давлатлар билан автомобиль қатнови тўғрисидаги битимлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, уларни хорижий томон билан келишиш ва имзолашга тайёрлаш.	2027 йил давомида	Транспорт вазирлиги *(И.Махкамов)*
II. Бюджет буюртмачилари томонидан амалга ошириладиган давлат харидларида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш.				
8.	Давлат харидларида **маҳаллий электротехника маҳсулотлари** улушини ошириб бориш.	**1.** Харидлар жараёнида **маҳаллий электротехника маҳсулоти** улуши бўйича таҳлилий, шу жумладан, мақсадли кўрсаткич бажарилиши юзасидан маълумотларни Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлиги Бошқарув кенгашига киритиб бориш. **2.** Давлат харидлари орқали харид қилинадиган маҳаллий электротехника маҳсулотларининг рўйхатини тасдиқлаб, заруратга кўра янгилаб бориш. **3.** Бюджет буюртмачилари томонидан **ҳар йили 1 декабрга** қадар келгуси йил учун электротехника саноати маҳсулотларига буюртмалар портфелини, техник шартларини тўлиқ кўрсатган ҳолда Давлат харидлари марказий ахборот порталига жойлаштириб бориш.	Ҳар чоракда Доимий равишда Ҳар йили 1 декабрга қадар	Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлиги *(Б.Хайдаров)*, “Ўзбекэкспертиза” АЖ *(У.Аъзамхўжаев)*, Бюджет буюртмачилари
9.	Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлигининг **ягона электрон платформасида** маҳаллий корхоналар учун зарур бўлган хомашё, материаллар, бутловчи	**1.** Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлигининг **ягона электрон платформасини** яратиш ва уни тегишли ахборот тизимлари ва электрон савдо платформалари билан интеграция қилиш.	2026 йил декабрь Доимий	Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлиги *(Б.Хайдаров)*, “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси *(М.Юнусов)*

QMMB: 07/26/325/0940-son
16.09.2026-y.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
	қисмлар ва асбоб-ускуналар ҳамда ёндош саноат маҳсулотлари тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш имконини берувчи **алоҳида модулни ишга тушириш**.	**2.** Электрон савдо платформалари, товар-хомашё биржалари томонидан мазкур интеграцияларни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотлар, техник ҳужжатлар ҳамда API уланишларини белгиланган тартибда тақдим этиб бориш.		
III. Электротехника саноатига инновацияларни жалб қилиш ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш				
10.	Кореянинг “**ROBOTIS**” компанияси томонидан **“Гуманоид роботлар ва уларнинг компонентларини ишлаб чиқариш”** инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун танланган ер майдонининг **қурилиш майдони нисбати *(ҚМН)*** кўрсаткичини қайта кўриб чиқиш.	Лойиҳа учун Тошкент шаҳри Янгиҳаёт туманида жойлашган **“Янги авлод” МСЗ** ҳудудидан танланган ер майдонининг **қурилиш майдони нисбати *(ҚМН)*** кўрсаткичини лойиҳа талабларидан келиб чиққан ҳолда **70 фоиз** этиб белгилаш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2026 йил ноябрь	Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги *(Л.Кудратов)*, Вазирлар Маҳкамаси *(Ж.Ходжаев)*, “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси *(М.Юнусов)*
11.	Хорижий брендларни Ўзбекистон Республикасига жалб қилишда **роялти** *(брендни ишлатиш ҳуқуқи учун тўлов)* **харажатини қисқартириш**.	Ўзбекистон Республикасида хорижий брендлар номи остида маҳсулот ишлаб чиқариш учун электротехника саноати корхоналарига **роялти** харажатини қоплаб бериш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш. Бунда роялти компенсацияси учун корхоналарга технологиялар трансфери ва бошқа аниқ мезонларни белгилашни назарда тутиш.	2026 йил октябрь	Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги *(Л.Кудратов)*, “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси *(М.Юнусов)*
12.	Электротехника саноатида **янги материаллар** йўналишини жорий этиш.	**1.** Электротехника саноатида юқори технологик қайта ишлаш занжирига эга материаллар рўйхатини шакллантириш. **2.** Мазкур маҳсулотларни ўзлаштириш бўйича хорижий инвесторларни қўллаб-қувватлаш	2026 йил ноябрь 2026 йил декабрь	“Ўзэлтехсаноат” уюшмаси *(М.Юнусов)*, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги *(Л.Кудратов)*,

QMMB: 07/26/325/0940-son
16.09.2026-y.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
		механизмлари бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиш.		Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси *(Ш.Вафаев)*
13.	Автомобилсозлик саноати эҳтиёжлари учун **электротехника бутловчи қисмларни** ишлаб чиқаришни ривожлантириш.	**1.** Автомобилсозлик саноати учун **электр ва электрон бутловчи қисмлар** *(автожгутлар, сенсорлар, электрон бошқарув блоклари қисмлари, зарядлаш тизимлари, кабель маҳсулотлари ва бошқа юқори қўшилган қийматли қисмлар)* ишлаб чиқаришни ташкил этиш дастурини шакллантириш. **2.** Дастур иштирокчиларини **рағбатлантириш** ва **қўллаб-қувватлаш механизмларини** жорий этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш. **3.** Маҳаллий автомобилсозлик саноатида барча мавжуд ва янги ишлаб чиқарувчиларга **шаффоф ва тенг шароитларни яратиш.**	2026 йил ноябрь 2026 йил декабрь 2027 йил октябрь	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(И.Норқулов)*, “Ўзавтосаноат” АЖ *(У.Розукулов)*, “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси *(М.Юнусов)*
IV. Қўшимча чора-тадбирлар				
14.	Муомалага чиқариладиган маиший **техника маҳсулотлари маркировкасини назорат қилиш** механизмини такомиллаштириш.	**1.** Мазкур соҳани назорат қилувчи органлар ваколатини кенгайтириш ва доимий назорат тизимини яратиш. Бунда: маиший техника маҳсулотлари track-and-trace рақамли маркировкасини истеъмолчининг мобил алоқа воситаси ёрдамида ҳақиқийлигини текшириш имкониятини яратиш ҳамда тизимни божхона, солиқ ва техник тартибга солиш ахборот тизимлари билан интеграция қилиш;	2026 йил октябрь	Солиқ қўмитаси *(Ф.Пулатов)*, назорат қилувчи органлар

QMMB: 07/26/325/0940-son
16.09.2026-y.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
		Солиқ қўмитасига бошқа назорат қилувчи органлар билан биргаликда назорат харидларини ўтказиш ва номувофиқ маҳсулотлар савдосини чеклаш ваколатини бериш; маркетплейс ва онлайн савдо қилинаётган маҳсулотларга нисбатан ҳам мажбурий маркировка талабларини қўллаш учун етказиб берувчини солидар жавобгар этиб белгилаш; номувофиқ ва хавфли маҳсулотларнинг оммавий рўйхатини Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги сайтига доимий жойлаштириш ва ОАВ орқали ёритиб бориш *(ЕИ Safety Gate/RAPEX тажрибаси асосида)*. **2.** Трансформаторларга нисбатан мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини йўлга қўйиш. **3.** Ўтказилган назорат тадбирлари бўйича таҳлилий маълумотларни Вазирлар Маҳкамасига киритиб бориш тизимини жорий этиш. **4.** Ушбу ҳолатлар такрорланишининг олдини олиш мақсадида амалга оширилган ўрганишлар натижаларини ОАВларда ёритиб бориш.	2027 йил 1 январдан ҳар чоракда доимий	Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси *(А.Джурабаев)*, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги *(А.Кўчимов)*
15.	Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалага чиқариладиган электротехника маҳсулотларининг техник регламентларда белгиланган мажбурий хавфсизлик талабларига	Давлат харидлари агентлиги, Божхона қўмитаси ва Солиқ қўмитаси “**Техник тартибга солиш**” **миллий ахборот тизимига** ўзаро интеграциясини амалга оширган ҳолда техник регламентларнинг инсон ҳаёти ва соғлиғи, мол-мулк ҳамда атроф-муҳит хавфсизлигига доир	2026 йил октябрь	Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги *(А.Жуманазаров)*, Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлиги *(Б.Хайдаров)*,

QMMB: 07/26/325/0940-son
16.09.2026-y.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
	мувофиқлиги устидан қатъий назорат ўрнатиш.	мажбурий талабларига номувофиқ маҳсулотлар рўйхатига киритилган электротехника маҳсулотлари эркин муомалага чиқарилишини ва давлат харидларидаги иштирокини тақиқлаш.		Божхона қўмитаси *(А.Мавлонов)*, Солиқ қўмитаси *(Ф.Пулатов)*, "Ўзэлтехсаноат" уюшмаси *(М.Юнусов)*
16.	Оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали фуқароларни республика бозорларида муомалага чиқарилган номувофиқ маҳсулотлар ва уларнинг хавфи тўғрисида хабардор қилиш.	**1.** Республика бозорларида муомалага чиқарилган номувофиқ маҳсулотлар ва уларнинг хавфи тўғрисида **аудио-, видео-, қисқа муддатли видео лавҳалар** тайёрлаш. **2.** Давлат ва хусусий оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар орқали фуқароларни ушбу турдаги маҳсулотлардан фойдаланиш хавфи бўйича тарғибот олиб бориш.	Номувофиқ маҳсулотлар аниқланганда	"Ўзэлтехсаноат" уюшмаси *(М.Юнусов)*, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги *(А.Кўчимов)*, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси *(А.Джурабаев)*
17.	Электротехника маҳсулотлари бўйича **ягона синов дастурларини** тасдиқлаш.	**1.** Электротехника маҳсулотлари бўйича ягона синов дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. **2.** Электротехника маҳсулотлари бўйича ягона синов дастурларини расмий веб-сайтларга жойлаштириш. **3.** Электротехника маҳсулотлари бўйича ягона синов дастурларини янгилаб бориш.	Бир ой муддатда Бир ой муддатда Заруратга кўра	Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги *(А.Жуманазаров)*, "Ўзэлтехсаноат" уюшмаси *(М.Юнусов)*
18.	**ЖСТ талабларига мувофиқ антидемпинг** суриштирувини бошлаш бўйича ўрганиш ўтказиш.	**1.** Электротехника маҳсулотлари импорти бўйича демпинг, маҳаллий ишлаб чиқариш тармоғига етказилган моддий зарар ёки зарар етказиш хавфи ҳамда улар ўртасидаги сабабий боғлиқликка доир далилларни дастлабки ўрганиш.	2026 йил сентябрь	Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги *(Л.Кудратов)*, Рақобат қўмитаси *(Х.Турахужаев)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(А.Хайдаров)*,

QMMB: 07/26/325/0940-son
16.09.2026-y.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
		2. Етарли далиллар мавжуд бўлган тақдирда, қонунчилик ва **Жаҳон савдо ташкилотининг Антидемпинг битими талабларига** мувофиқ антидемпинг суриштирувини бошлаш ва ўтказиш. **3.** Антидемпинг суриштируви натижаларига кўра ЖСТ талабларига мос антидемпинг ҳимоя чоралари бўйича Вазирлар Маҳкамасига тегишли хулосани киритиш.	2026 йил октябрь 2027 йил октябрь	Божхона қўмитаси *(А.Мавлонов)*, “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси *(М.Юнусов)*
19.	Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалага чиқариладиган трансформаторларга хавфсизлик, техник ҳолат ва минимал энергия самарадорлиги талабларини белгилаш.	**1**. Муомалага чиқариладиган, шу жумладан, илгари фойдаланишда бўлган трансформаторларнинг (уларнинг келиб чиқишидан қатъи назар) хавфсизлик ва минимал энергия самарадорлигини белгиловчи халқаро талаблар ва илғор хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш. **2.** Ўрганиш натижалари асосида миллий стандарт ишлаб чиқиш.	2026 йил октябрь 2026 йил декабрь	Энергетика вазирлиги *(Ш.Ходжаев)*, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги *(А.Жуманазаров)*, Энергия самарадорлиги миллий агентлиги *(З.Бадриддинов)*, “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси *(М.Юнусов)*
20.	Электротехника саноатини ривожлантириш бўйича юклатилган вазифаларни самарали амалга ошириш учун “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш.	“Ўзэлтехсаноат” уюшмаси фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ҳисобидан зарур маблағларни ажратиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.	2027 йил январь	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(А.Хайдаров)*, “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси *(М.Юнусов)*

QMMB: 07/26/325/0940-son
16.09.2026-y.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
21.	Давлат харидларида электротехника саноати корхоналари иштирокини кенгайтириш.	Давлат харидларида **кучланишли кабеллар ва техник мақсадли қурилмаларни** харид қилиш ҳужжатларида белгиланган етказиб бериш муддатини маҳсулотни ишлаб чиқариш технологик жараёнларини инобатга олган ҳолда **камида ўттиз кун** этиб белгилаш, бундан тайёр маҳсулотларни етказиб бериш мустасно.	Доимий	Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлиги *(Б.Хайдаров)*

QMMB: 07/26/325/0940-son
16.09.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 12 сентябрдаги ПҚ–325-сон қарорига
3-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 майдаги “Электротехника саноатини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва тармоқнинг инвестициявий ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4348-сон қарорининг 9-бандидаги “2027” рақами “2030” рақами билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 июлдаги ПҚ–332-сон қарори билан тасдиқланган Давлат харидига доир тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларини ва техник топшириқларни комплекс экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-банди қуйидаги мазмундаги ўнинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Марказ электротехника маҳсулотларини бюджет буюртмачилари томонидан амалга ошириладиган давлат харидлари бўйича харид қилиш ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш жараёнида харид предметининг маҳаллий ишлаб чиқарувчиларда мавжудлиги юзасидан ўрганиш ўтказади ва натижаларини экспертиза хулосасида кўрсатади”.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 10 январдаги “Электротехника саноатининг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–15-сон қарорида:

(а) 4-бандниng биринчи хатбошисидаги “2026” рақами “2028” рақами билан алмаштирилсин;

(б) 6-бандниng биринчи хатбошисидаги “2027” рақами “2030” рақами билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 19 февралдаги “Республикада мис хом ашёсини чуқур қайта ишлашни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–77-сон қарорига 1-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

QMMB: 07/26/325/0940-son
16.09.2026-y.

"Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2024 йил 19 февралдаги ПҚ–77-сон қарорига
1-илова

Мис хом ашёсини чуқур қайта ишлаш корхоналари фаолиятини ўрганиш бўйича комиссия

ТАРКИБИ

1.	Ж.А. Ходжаев	– Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, *Комиссия раҳбари*
2.	А.Я. Хайдаров	– иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари, *Комиссия раҳбари ўринбосари*
3.	Х.Ф. Тешабаев	– инвестициялар, саноат ва савдо вазири ўринбосари
4.	Ф.Э. Карабаев	– Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси раиси ўринбосари
5.	Д.А. Вахабов	– Савдо-саноат палатаси раиси
6.	М.М. Юнусов	– "Ўзэлтехсаноат" уюшмаси раиси
7.	А.Х. Хурсанов	– "Олмалиқ КМК" АЖ бошқаруви раиси
8.	Т.Ю. Рапиков	– Бош вазир ўринбосари котибияти мудири, *Комиссия котиби*

Маслаҳатчи сифатида жалб қилинадиган корхоналар вакиллари

9.	Т.М. Шарипов	– "Procab" ҚК МЧЖ таъсисчиси
10.	А.Н. Нодирхонов	– "Metal Processing Technology" МЧЖ директори
11.	Лавозими бўйича	– бошқа корхоналар вакиллари *(Комиссия таклифига асосан)*

Изоҳлар:

Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янги тайинланган ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади.

Комиссия ишига бошқа давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг вакиллари жалб қилиниши мумкин".

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сон қарори билан тасдиқланган Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом қуйидаги мазмундаги 37^2-банд билан тўлдирилсин:

QMMB: 07/26/325/0940-son
16.09.2026-y.

“37[2]. Давлат харидларида электротехника маҳсулотларини (кучланишли кабеллар ва техник мақсадли қурилмалар) етказиб бериш муддати ўттиз кундан кам бўлмаслиги керак. Бунда етказиб берувчи товарларни шартномада белгиланган муддатдан олдин етказиб бериши мумкин”.



QMMB: 07/26/326/0934-son
15.09.2026-y.

36 (1264)-son
915-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2026 yil « 12 » сентябрь № ПҚ–326

Аҳолини суюлтирилган газ билан таъминлаш тизимини ислоҳ қилиш ва бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Аҳолини суюлтирилган газ билан узлуксиз таъминлаш тизимининг барқарорлигини ошириш, суюлтирилган газ ресурсларидан самарали фойдаланиш, давлат томонидан кўрсатилаётган ижтимоий қўллаб-қувватлаш механизмларининг шаффофлиги ва манзиллилигини таъминлаш, давлат иштирокидаги корхоналар зиммасига юкланган квазифискал мажбуриятларни босқичма-босқич қисқартириш ҳамда мазкур соҳага бозор механизмларини жорий этиш учун ҳуқуқий ва институционал асосларни яратиш мақсадида **қарор қиламан**:

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар ушбу қарорни қабул қилишдан кўзланган **асосий мақсадлар** этиб белгилансин:

(а) мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланишни йўлга қўйган ҳолда суюлтирилган газни аҳолига ўз вақтида етарли миқдорда бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш асосида етказиб беришни йўлга қўйиш;

(б) соҳада узоқ муддатга мўлжалланган стратегияни шакллантириш ҳисобига инвестициялар ва **хусусий секторни жалб қилиш** имкониятларини кенгайтириш;

(в) соҳани тартибга солувчи **қонунчиликни такомиллаштириш**;

(г) суюлтирилган газни етказиб беришда замонавий, тезкор ва қулай технологик ускуналарни жорий қилиш, йўқотишларни камайтириш ва тизимни тўлиқ рақамлаштириш.

II. Суюлтирилган газ таъминотида бозор механизмларини жорий этиш

2. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Энергетика вазирлигининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

(а) аҳолини суюлтирилган газ билан таъминлаш соҳасидаги функцияларни ихтисослаштириш, мазкур фаолиятнинг молиявий шаффофлигини таъминлаш ва бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш мақсадида "Ҳудудгазтаъминот" АЖ таъсисчилигида **"LPG-Trade" масъулияти чекланган жамиятини** (кейинги ўринларда – "LPG-Trade" МЧЖ) ташкил қилиш;

(б) халқаро консалтинг компанияларини жалб қилган ҳолда суюлтирилган газ бозорини эркинлаштириш стратегиясини ишлаб чиқиш.

3. Белгилансинки, республикада суюлтирилган газ таъминоти тизимида бозор механизмлари босқичма-босқич жорий этилади. Бунда:

(а) аҳолига суюлтирилган газ етказиб бериш устуворлиги таъминланади;

(б) республика корхоналарида ишлаб чиқариладиган ва импорт қилинадиган суюлтирилган газ (ўз шохобчаларида сотиладиган ҳажмлардан ташқари) фақат биржа савдолари орқали сотилади. Бунда суюлтирилган газни биржа орқали сотиш нархининг уни биржа савдосига чиқариш нархига нисбатан ўсиш чегарасини (спред) белгилаш бекор қилинади;

(в) аҳолига суюлтирилган газ етказиб берадиган корхоналар маҳсулотни биржадан ва импортдан тўғридан-тўғри харид қиладилар. Бунда "LPG-Trade" МЧЖ томонидан суюлтирилган газни импорт қилишга рухсат берилмайди;

(г) аҳоли эҳтиёжлари учун етказиб бериладиган суюлтирилган газ таъминоти тизимида ислоҳотларни амалга ошириш ва хусусий секторни жалб қилиш орқали соҳада рақобат муҳити босқичма-босқич шакллантирилади ҳамда кросс-субсидиялаш амалиёти босқичма-босқич бекор қилинади;

(д) суюлтирилган газ таъминотидаги ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари давлат томонидан моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланади.

4. Белгилаб қўйилсинки:

(а) давлат томонидан аҳолига имтиёзли нархларда суюлтирилган газ етказиб бериш мақсадида “LPG-Trade” МЧЖ ўз фаолиятини республика бўйича ягона юридик шахс сифатида амалга оширади ҳамда республика ҳудудларидаги филиаллари орқали фаолият юритади;

(б) “Ҳудудгазтаъминот” АЖ таъсисчилигида “LPG-Trade” МЧЖни ташкил қилиш доирасида хўжалик жамиятларининг бир ташкилотдан бошқа бир ташкилотга ўтказилаётган мулки, мулкий ҳуқуқлари, шунингдек, устав капиталидаги акциялари (активлари) ва улушлари қиймати, шу жумладан, уларни қайта ташкил этиш ва тугатиш чоғида солиққа тортишнинг барча турлари бўйича солиқ солиш объектлари ҳисобланмайди;

(в) аҳолига суюлтирилган газни давлат томонидан тартибга солинадиган чакана нархларда етказиб бериш билан боғлиқ нархлар тафовути ҳамда иқтисодий жиҳатдан асосланган харажатлар “LPG-Trade” МЧЖга Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2026 йил 1 ноябрдан** бошлаб:

(а) “LPG-Trade” МЧЖ томонидан суюлтирилган газни биржа орқали сотиб олиб, аҳолига етказиб бериш тизими жорий қилинади. Бунда хусусий тадбиркорлик субъектлари импорт ҳисобидан ҳам аҳолига суюлтирилган газ етказиб беради;

(б) “Ўзбекнефтгаз” АЖ ва “Lukoil Overseas Supply and Trading Ltd” компанияси томонидан ишлаб чиқариладиган суюлтирилган газ тўлиқ ҳажмда товар-хомашё биржаларининг алоҳида савдо майдончаси орқали савдога қўйилади. Бунда бошқа тадбиркорлик субъектлари, жумладан, импорт қилувчи корхоналар суюлтирилган газни ихтиёрий равишда биржанинг алоҳида савдо майдончасида сотишлари мумкин;

(в) биржанинг алоҳида савдо майдончасида сотиладиган суюлтирилган газ “LPG-Trade” МЧЖ томонидан аҳолига етказиб бериш учун харид қилинади;

(г) биржанинг алоҳида савдо майдончасидан харид қилинадиган суюлтирилган газ ҳажмлари **аҳоли эҳтиёжлари учун етарли бўлмаган тақдирда,** “LPG-Trade” МЧЖ суюлтирилган газни биржанинг очиқ савдолари орқали харид қилади;

(д) ижтимоий соҳа объектлари эҳтиёжлари учун суюлтирилган газ бозор тамойилларига асосан шаклланадиган биржа нархларида “LPG-Trade” МЧЖ томонидан етказиб берилади.

6. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Энергетика вазирлиги билан биргаликда аҳолига суюлтирилган газ етказиб бериш тизими тўлиқ бозор механизмига ўтказилгандан сўнг товар-хомашё биржаларининг алоҳида савдо майдончасини ёпиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

7. Андижон вилояти ҳокимлиги ва Энергетика вазирлигининг **2026 йил 1 октябрдан бошлаб** Андижон вилоятида “LPG-Trade” МЧЖнинг фаолияти билан бир қаторда тажриба сифатида тадбиркорлик субъектлари томонидан импортдан олиб келинадиган суюлтирилган газни тўғридан-тўғри истеъмолчиларга маиший газ баллонларида эркин нархларда етказиб бериш лойиҳасини (кейинги ўринларда – Андижон лойиҳаси) амалга ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Бунда Андижон лойиҳасини амалга ошириш учун қуйидаги талаблар белгиланади:

(а) вилоят ҳудудида суюлтирилган газни импортдан олиб келиш ва маиший газ баллонларида истеъмолчиларга чакана тарзда сотиш фаолиятини камида 2 та тадбиркорлик субъекти (кейинги ўринларда – Оператор) томонидан амалга ошириш;

(б) Операторнинг суюлтирилган газни ташиш, қабул қилиш, сақлаш ва тарқатиш учун зарур инфратузилма ҳамда моддий-техника базасига эга бўлиши ёки ижара (аутсорсинг) шартномаси асосида фойдаланиш ҳуқуқининг мавжудлиги ҳамда тегишли фаолиятни амалга ошириш учун лицензия ва рухсат этиш ҳужжатларининг мавжудлиги;

(в) Операторнинг муҳандис-техник ва ишчи ходимлари хавфсиз иш юритиш усуллари бўйича ўқитилганлиги, аттестация ва даврий билим синовларидан ўтказилганлиги;

(г) истеъмолчиларга қулайлик яратиш мақсадида Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматларни онлайн амалга оширишни таъминловчи мобил иловани ишга тушириш.

8. Белгилансинки:

(а) Андижон лойиҳаси доирасида Оператор истеъмолчиларга суюлтирилган газни ўзига тегишли бўлган ва идентификация қилиш имконини берадиган (бар-код, логотип, ранг ва бошқа белгилар) турли ҳажмдаги маиший газ баллонларида чекланмаган миқдорларда етказиб беради;

(б) Оператор ва “LPG-Trade” МЧЖга ўз фаолиятларини олиб боришда Андижон вилояти ҳудудидаги суюлтирилган газ таъминоти объектлари, жумладан, газ тўлдириш иншоотлари, суюлтирилган газ сақлаш омборлари ва бошқа моддий-техника воситаларидан биргаликда фойдаланишга йўл қўйилмайди.

9. Андижон лойиҳаси доирасида истеъмолчиларга қўшимча қулайлик яратиш ва Операторнинг ташиш харажатларини камайтириш мақсадида:

(а) ҳудудлардаги истеъмолчилар сони ва жойлашув масофасидан келиб чиққан ҳолда Операторга шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига ҳамда ёнғин ва саноат хавфсизлиги талабларига жавоб берадиган маиший газ баллонларини сақлаш ва сотиш шохобчаларини ташкил этишга;

(б) Андижон вилояти ҳокимлигига Операторнинг мурожаатига асосан маиший газ баллонларини сақлаш ва сотиш шохобчаларини ташкил этишга туман (шаҳар) ҳокимликлари тасарруфидаги бўш турган ер участкаларини белгиланган тартибда ажратишга рухсат этилсин.

10. Солиқ қўмитаси ва Божхона қўмитаси **бир ой муддатда** Андижон вилоятида Оператор томонидан импорт қилинадиган ва истеъмолчиларга маиший газ баллонларида эркин нархларда сотиладиган суюлтирилган газ ҳажмларининг алоҳида ҳисобини юритиш тизимини жорий этсин. Оператор зиммасига Андижон лойиҳаси бўйича ҳисоботларни Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ва Энергетика вазирлигига **ҳар ойнинг 10-санасига қадар** тақдим этиш юклатилади.

11. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги **икки ой муддатда** халқаро тажрибани ўрганган ҳолда фуқаролик инфратузилма объектлари ва уларга ёндош ҳудудларда маиший газ баллонларини сақлаш ва сотиш шохобчаларини лойиҳалаш ва қуришга қўйиладиган талабларни янада такомиллаштириш бўйича норматив ҳужжатларга зарур ўзгартиришлар юзасидан таклиф киритсин.

12. Транспорт вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги **икки ой муддатда** маиший газ баллонларини ташувчи транспорт воситаларига қўйиладиган талабларни соддалаштириш, авариялар нинг олдини олиш ва инсон ҳаётига хавф солувчи омилларни инобатга олган ҳолда қонунчилик ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар юзасидан таклиф киритсин.

13. Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги **бир ой муддатда** маиший газ баллонларига қўйилган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган талабларни хатловдан ўтказсин ва уларни халқаро талабларга мувофиқлаштириш чораларини кўрсин.

14. Вазирлар Маҳкамаси **бир ҳафта муддатда** қуйидагиларни назарда тутувчи Ҳукумат қарори қабул қилинишини таъминласин:

(а) аҳоли эҳтиёжлари учун етказиб бериладиган суюлтирилган газнинг чакана нархи ва етказиб бериш бўйича кўрсатиладиган хизматнинг чекланган нархини белгилаш;

(б) ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига манзилли асосда кўрсатиладиган ижтимоий қўллаб-қувватлаш механизмларини жорий этиш;

(в) хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан Андижон лойиҳасини амалга ошириш тартибини белгилаш;

(г) “LPG-Trade” МЧЖ талаблари учун республиканинг барча ҳудудларига, ташиш масофасидан қатъи назар, аҳоли эҳтиёжлари учун етказиб бериладиган маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқариладиган суюлтирилган газни темир йўлда ташишнинг ягона тарифини татбиқ қилиш;

(д) “LPG-Trade” МЧЖ томонидан аҳолига давлат томонидан тартибга солинадиган чакана нархларда суюлтирилган газни етказиб бериш билан боғлиқ нархлар тафовути ва иқтисодий жиҳатдан асосланган харажатларни қоплаш мақсадида Давлат бюджетидан ажратиладиган субсидияларни ҳисоблаш, молиялаштириш ҳамда мониторинг қилиш тартиби.

15. Вазирлар Маҳкамаси (Қўчқоров) **бир ой муддатда** “Lukoil Overseas Supply and Trading Ltd” компанияси билан биргаликда компания объектларида ишлаб чиқариладиган суюлтирилган газ ҳажмларини тўлиқ товар-хомашё биржаларининг алоҳида савдо майдончасида сотиш бўйича келишувга эришиш юзасидан амалий чоралар кўрсин.

16. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Энергетика вазирлиги ва “Ўзбекистон Республикаси миллий инвестиция жамғармаси” АЖ билан биргаликда **уч ой муддатда** халқаро консалтинг компанияларини жалб қилган ҳолда “LPG-Trade” МЧЖнинг активларини хусусийлаштириш стратегиясини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

17. Вазирлар Маҳкамаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, Энергетика вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва “Ҳудудгазтаъминот” АЖ билан биргаликда “LPG-Trade” МЧЖнинг ҳудудий филиалларини тайёр лойиҳа сифатида босқичма-босқич хусусийлаштириш ишларини бошласин.

18. Энергетика вазирлиги Ўзэнергоинспекция, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, “Ҳудудгазтаъминот” АЖ билан биргаликда Андижон лойиҳаси доирасида хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан босқичма-босқич республиканинг бошқа ҳудудларида суюлтирилган газни импорт қилиш, сақлаш ва истеъмолчиларга маиший газ баллонларида эркин чакана нархларда етказиб бериш тизимини Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда амалиётга жорий этсин.

19. Ҳисоб палатаси “Ҳудудгазтаъминот” АЖдан “LPG-Trade” МЧЖга мол-мулкни, мулкий ҳуқуқларни, шунингдек, устав капиталидаги акцияларни (активларни) ва улушлари қийматини ҳамда ҳисоб рақамларидаги қолдиқларни ўтказиш жараёни устидан назорат ўрнатсин.

20. Энергетика вазирлиги “Ҳудудгазтаъминот” АЖ билан биргаликда “Ҳудудгазтаъминот” АЖдан “LPG-Trade” МЧЖга мол-мулкни, мулкий ҳуқуқларни, шунингдек, устав капиталидаги акцияларни (активларни) ва улушлар қийматини ўтказиш жараёнини тўғри ташкил этиш мақсадида катта тўртлик (“big four”) аудиторлик ташкилотларидан бирини “таклиф сўрови” харид қилиш тартиб-таомили асосида жалб қилсин.

21. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги “LPG-Trade” МЧЖга суюлтирилган газ етказиб бериш тизимини қайта ташкил этиш учун **200 млрд сўм** миқдорида Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ссуда ажратсин.

22. Белгилансинки, дизель ёқилғисини харид қилиш билан боғлиқ харажатларни қисман қоплаш мақсадида 2026 йил 1 июлдан бошлаб 2026 йил 1 декабрга қадар қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан товар-хомашё биржаларидаги савдолар орқали харид қилинадиган ҳар бир тонна дизель ёқилғиси қийматининг 15 миллион сўмдан ошган қисми учун, бироқ 2 миллион сўмдан кўп бўлмаган миқдорда Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ҳисобидан Аграр соҳада тўловлар агентлиги орқали амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда субсидия ажратилади.

III. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

23. Энергетика вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **уч ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

24. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги “LPG-Trade” МЧЖ томонидан аҳолига давлат томонидан тартибга солинадиган чакана нархларда суюлтирилган газни етказиб бериш билан боғлиқ нархлар тафовутини ҳамда иқтисодий жиҳатдан асосланган харажатларни қоплаш мақсадида:

(а) “2026 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

(б) 2027 йилдан бошлаб ушбу белгиланган мақсадлар учун зарур бўладиган маблағларни тегишли йил учун Давлат бюджети параметрларида алоҳида сатр билан белгилашни назарда тутсин.

25. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсан жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ҳамда энергетика вазири Ш.Х. Ходжаев белгилансин.

26. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. Мирзиёев**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри



УЧИНЧИ БЎЛИМ

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ

QMMB: 09/26/472/0908-son
09.09.2026-y.

36 (1264)-son
916-modda

КЎЧИРМА

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 7 » sentabr № 472 Toshkent sh.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ислоҳотларни илғор халқаро амалиёт асосида жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2026 йил 16 февралдаги ПФ–25-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ислоҳотларни илғор халқаро амалиёт асосида жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2026 йил 16 февралдаги ПФ–25-сон Фармонига асосан:

миллий сифат инфратузилмаси иштирокчиларининг мустақил фаолиятини йўлга қўйиш соҳани ислоҳ қилишнинг ташкилий асоси сифатида эътироф этилгани;

техник жиҳатдан тартибга солиш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш соҳасида амалдаги самарасиз назорат тизими бекор қилингани ва унинг ўрнига маҳсулотнинг бозор назорати амалиёти жорий этилиши белгилангани;

ҳар қандай даражадаги стандартлардан фойдаланишга ихтиёрий тус берилгани ва халқаро (минтақавий, хорижий) стандартларни республика худудида қабул қилишнинг халқаро амалиёти жорий этилгани ҳамда стандартларнинг расмий рўйхати миллий стандартлар даражасида шакллантирилиши;

Ўзбекистон илмий-синов ва сифат назорати маркази (кейинги ўринларда – Марказ) ҳамда унинг таркибидаги маҳсулотларни сертификатлаштириш идоралари фаолияти тугатилгани ҳамда Ўзбекистон стандартлар институти Марказни қўшиб олиш орқали қайта ташкил этилгани **маълумот учун қабул қилинсин**.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги Ўзбекистон стандартлар институтининг устави **1-иловага** мувофиқ;

Олий маълумотга эга бўлган шахсларни техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш ва метрология йўналиши бўйича касбий қайта тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низом **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

QMMB: 09/26/472/0908-son
09.09.2026-y.

3. Белгилансинки:

Ўзбекистон стандартлар институти Марказнинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Марказ томонидан сериали ишлаб чиқаришга расмийлаштирилган ва амалда бўлган барча мувофиқлик сертификатлари устидан даврий баҳолаш уларнинг амал қилиши тугагунига қадар Ўзбекистон стандартлар институти томонидан ўтказилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **3-иловага** мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **4-иловага** мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/472/0908-son
09.09.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил 7 сентябрдаги 472-сон қарорига
1-илова

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги Ўзбекистон стандартлар институтининг УСТАВИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) Ўзбекистон стандартлар институтининг (кейинги ўринларда – Институт) ҳуқуқий мақоми, асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Институт стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш, кадрларни қайта тайёрлаш соҳасида давлат муассасаси ҳисобланади.

Институт Ўзбекистон Республикасининг “Стандартлаштириш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ стандартлаштириш бўйича миллий орган ҳисобланади.

3. Институт ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, бошқа қонунчилик ҳужжатларига, Агентликнинг буйруқлари ва қарорларига ҳамда ушбу Уставга амал қилади.

4. Институт юридик шахс ҳисобланади, ўзининг алоҳида мулкига, худудий филиалларига, мустақил балансига, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва давлат тилида ўз номи ёзилган муҳрга, миллий ва чет эл валютасидаги ҳисобварақларга эга бўлади.

5. Институтнинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг Ўзбекистон стандартлар институти давлат муассасаси;

қисқартирилган номи – Ўзбекистон стандартлар институти ДМ;

б) инглиз тилида:

тўлиқ номи – state institution Uzbek Institute of Standards of the Agency for Technical Regulation of Uzbekistan under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan;

қисқартирилган номи – Uzbek Institute of Standards SI;

QMMB: 09/26/472/0908-son
09.09.2026-y.

в) рус тилида:

тўлиқ номи – государственное учреждение Узбекский институт стандартов Узбекского агентства по техническому регулированию при Кабинете Министров Республики Узбекистан;

қисқартирилган номи – ГУ Узбекский институт стандартов.

6. Институтнинг жойлашган жойи (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Чўпонота кўчаси, 9-В уй.

2-боб. Институтнинг вазифалари ва функциялари

7. Қуйидагилар Институтнинг **асосий вазифалари** ҳисобланади:

манфаатдор тарафларнинг ташаббусларига кўра стандартлаштириш бўйича техник қўмиталарни ташкил этиш, уларнинг фаолиятини бирлаштириш, тўхтатиб туриш ва тугатиш ҳақида қарорлар қабул қилиш, мувофиқлаштириш ҳамда халқаро амалиёт асосида уларни ривожлантиришга кўмаклашиш;

стандартлаштириш фаолиятини тартибли ташкил этиш ва бошқаришни назарда тутувчи техник қўмиталар тўғрисидаги намунавий низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, мувофиқликни баҳолаш ва метрология соҳаларида кадрларни қайта тайёрлаш;

стандартлаштириш бўйича ҳужжатларни, шу жумладан, хўжалик юритувчи субъектлар ва бошқа ташкилотларнинг буюртмалари бўйича шартнома асосида тарқатиш;

стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, мувофиқликни баҳолаш ва метрология соҳаларида илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш, илмий-техник ахборотни тарқатиш, шунингдек, уларни халқаро тизим билан уйғунлаштириш;

стандартлаштириш бўйича халқаро ва минтақавий ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларини ифодалаш;

очиқ бозор тамойилларга мувофиқ ҳолда мувофиқликни баҳолаш (маҳсулотларни сертификатлаштириш бундан мустасно), лаборатория синовларини ўтказиш ҳамда стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, мувофиқликни баҳолаш ва метрология соҳаларида кадрлар малакасини ошириш;

хорижий мамлакатларнинг стандартлаштириш бўйича миллий органлари билан битимлар тузиш ва улар билан ҳамкорлик қилиш;

савдодаги техник тўсиқлар бўйича ахборот марказининг фаолиятини амалга ошириш.

8. Институт ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги **функцияларни** амалга оширади:

а) манфаатдор тарафларнинг ташаббусларига кўра стандартлаштириш бўйича техник қўмиталарни ташкил этиш, уларнинг фаолиятини бирлаштириш, тўхтатиб туриш ва тугатиш ҳақида қарорлар қабул қилиш, мувофиқлаштириш ҳамда халқаро амалиёт асосида уларни ривожлантиришга кўмаклашиш соҳасида:

QMMB: 09/26/472/0908-son
09.09.2026-y.

стандартлаштиришнинг янги фаолият йўналишлари тўғрисидаги таклифларни, стандартлаштириш бўйича техник қўмиталар ташкил этиш ташаббусларини кўриб чиқади;

стандартлаштириш бўйича техник қўмиталарнинг фаолият йўналишларини ва соҳаларини белгилайди;

стандартлаштириш бўйича техник қўмиталарнинг фаолиятини ташкил этади, бирлаштиради, мувофиқлаштиради ва тугатишда иштирок этади;

лойиҳа бошқаруви тамойили асосида стандартлаштириш бўйича техник қўмиталарнинг фаолиятини режалаштириш, юритиш, мониторинг ўтказиш тизимини яратади ва доимий такомиллаштириб боради;

стандартлаштириш бўйича техник қўмиталарни ташкил этиш, уларнинг фаолиятини тўхтатиб туриш, бирлаштириш ва тугатиш ҳақида манфаатдор тарафларнинг мурожаатларига биноан қарорлар қабул қилади;

стандартлаштириш бўйича халқаро техник қўмиталар ва минтақавий ташкилотлар фаолиятида ҳамда миллий стандартларни халқаро даражада тарқатишда фаол иштирок этади;

б) стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, мувофиқликни баҳолаш ва метрология соҳаларида кадрларни қайта тайёрлаш соҳасида:

стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, мувофиқликни баҳолаш ва метрология соҳаларида кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, шунингдек, таснифлаш ҳамда кодлаш ишларини амалга оширади;

стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, мувофиқликни баҳолаш ва метрология, таснифлаш ва кодлаш масалалари бўйича кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш юзасидан ўз ўқув режаларини тузади ва тасдиқлайди;

кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича дастурларни, ҳар бир дастурнинг мазмуни, мақсади, қоидаларидан иборат дастур йўриқномаларини ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва очиқ манбаларда жойлаштиради;

стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, мувофиқликни баҳолаш ва метрология соҳасида малакасини оширилган ва қайта тайёрлашдан ўтган кадрларнинг, таснифлаш ва кодлашнинг ахборот-маълумот базасини яратади ва қўллаб-қувватлайди;

олий таълим ташкилотлари, илмий-тадқиқот муассасалари, хўжалик бошқаруви органлари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар, шунингдек, хусусий сектор билан стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, мувофиқликни баҳолаш ва метрология соҳаларида инновацияларни жорий этишга йўналтирилган ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

бакалавриат ва магистратура мутахассисликлари учун тегишли таълим йўналишларида янги ўқув дастурлари, дарсликлар, ўқув қўлланмаларини яратишга кўмаклашиш орқали ўқув-методик ишларнинг сифати ва даражасини оширади;

бакалавр ва магистрларни тайёрлашда илмий-методик кўмаклашади, шунингдек, Институт базасида стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, мувофиқликни баҳолаш ва метрология мутахассисликлари бўйича олий таълимдан кейинги таълимни ташкил этиш орқали билан олий малакали илмий кадрлар тайёрлашни амалга оширади;

иқтисодиёт тармоқлари учун стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, мувофиқликни баҳолаш ва метрология соҳасида кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш жараёнларига замонавий инновацион педагогик технологияларни, ўқитишнинг самарали шакл ва усулларини жорий этади;

стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, мувофиқликни баҳолаш ва метрология соҳасида мутахассислар тайёрловчи таълим ташкилотлари учун илмий, ўқув, ўқув-методик адабиётларнинг янги авлодини нашр этишга тайёрлаш ишларида иштирок этади;

стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, мувофиқликни баҳолаш ва метрология соҳаларида дастурлар, ўқув қўлланмалари, илмий асарлар тўпламлари, илмий-амалий конференциялар материаллари, методик кўрсатмалар, шунингдек, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича қўлланмалар тайёрлайди ва нашр қилади;

мутахассисларнинг аттестация ишларини ташкил этади;

корхоналарда менежмент тизимлари бўйича стандартлар талаблари асосида ўқув курс, семинар ва конференциялар ташкил этади;

в) стандартлаштириш бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тарқатиш соҳасида:

стандартлаштириш бўйича техник қўмиталар таклифига асосан миллий стандартларни қабул қилиш, бекор қилиш, уларга ўзгартириш ва қўшимчлар киритиш ҳамда реализация қилиш ишларини ташкил қилади;

стандартлаштириш ҳужжатларини ишлаб чиқишда ҳамда илмий-методик кўрсатмалар беришда кўмаклашади;

маҳсулотлар ва технологияларнинг янги турларини ишлаб чиқишни ўзлаштиришга кўмаклашадиган, шу асосда маҳаллий маҳсулотларнинг ташқи бозорларда рақобатбардошлигини таъминлайдиган, шунингдек, белгиланган тартибда мувофиқлик призумциясини таъминлайдиган илғор стандартлар стандартлаштириш бўйича техник қўмиталар орқали ишлаб чиқилишини ташкил этади;

техник регламентларни ишлаб чиқишда иштирок этади;

стандартларнинг ягона ахборот базасини юритади ва долзарблаштиради, шунингдек, назорат нусхалари сақланишини таъминлайди;

стандартлаштириш ҳужжатларининг йиллик кўрсаткичини (каталогини) тайёрлайди;

стандартлаштириш ҳужжатларининг ягона ахборот-маълумот базасини яратади ва кузатиб боради, ундан барча манфаатдор томонларнинг шартнома асосида фойдаланиш имкониятини беради;

стандартлаштириш ҳужжатлари бўйича ахборот маълумотлар базаларини шакллантириш, сақлаш ва фойдаланишнинг ягона тизимини яратади;

стандартлаштириш ҳужжатларини ишлаб чиқувчилар билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

манфаатдор томонларнинг буюртмаларига кўра стандартлаштириш бўйича ҳужжатларини шартнома асосида таржима қилади;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари, стандартлаштириш бўйича техник қўмиталар ва манфаатдор томонларнинг таклифларини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси миллий стандартларини ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқишнинг ҳар йилги дастурини шакллантиради;

халқаро стандартлаштириш ташкилотлари ва хорижий давлатларнинг стандартлаштириш идораларининг қоидалари ва шартномаларига мувофиқ халқаро ва хорижий давлатлар стандартларини тарқатади;

стандартларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва қўллашда Жаҳон савдо ташкилоти Савдодаги техник тўсиқлар келишувининг Стандартларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва қўллашда зарур амалиёт кодекси талабларининг бажарилишини таъминлайди;

стандартлаштириш тартиб-таомилларига тааллуқли зарур ахборотни ўзининг расмий веб-сайти орқали эркин олиш имкониятини яратади;

штрихли кодлаш ишларини амалга оширади;

стандартларни ишлаб чиқиш вазифаларни энг яхши амалиётларга мувофиқ сифатли бажариш мақсадида мустақил маслаҳатчилар ва экспертларни, шу жумладан, хорижий маслаҳатчилар ва экспертларни шартнома асосида ўз маблағлари ҳисобидан молиявий имкониятдан келиб чиқиб жалб қилади;

халқаро тажрибадан келиб чиқиб, стандартларни қабул қилиш, ишлаб чиқиш, келишиш, кўриб чиқиш (текшириш), қайта кўриб чиқиш, уларга ўзгартириш ва тузатиш киритиш ва уларни бекор қилиш тартиб-таомилни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

г) стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, мувофиқликни баҳолаш ва метрология соҳаларида илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш, илмий-техник ахборотларни тарқатиш, шунингдек, уларни халқаро тизим билан уйғунлаштириш соҳасида:

стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, мувофиқликни баҳолаш ва метрология соҳаларида илмий материалларни нашр этади;

стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, мувофиқликни баҳолаш ва метрология соҳаларида устувор йўналишларни шакллантиришда, фундаментал ва амалий илмий тадқиқотлар ўтказишда, инновацион лойиҳаларни амалга оширишда, шунингдек, иқтисодиёт тармоқлари ривожланишининг замонавий жаҳон тенденцияларини таҳлил қилишда иштирок этади;

стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, мувофиқликни баҳолаш ва метрология соҳалари бўйича янги қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалдагиларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, мувофиқликни баҳолаш ва метрология соҳаларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, стратегияси, истиқболли дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, мувофиқликни баҳолаш ва метрология соҳасида халқаро амалиётни доимий равишда ўрганади, унинг натижалари бўйича илғор амалиётларни жорий қилиш бўйича таклифлар киритади;

маҳсулотни экспорт қилишга кўмаклашиш бюросининг самарали фаолият кўрсатишини ташкил этади;

стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, мувофиқликни баҳолаш ва метрология соҳаларида эришилган ютуқларнинг илмий-техник тарғиботини амалга оширади;

стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, мувофиқликни баҳолаш ва метрология соҳаларида, шу жумладан, манфаатдор вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, олий таълим ташкилотлари, вазирликлар ва идораларнинг тасарруфида бўлган бошқа илмий муассасалар билан илмий-тадқиқот ишларини амалга оширади;

стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, мувофиқликни баҳолаш ва метрология соҳаларида илмий конференциялар, семинарлар, ҳамкорликдаги тадқиқотлар, лойиҳалар, ходимларнинг тажриба алмашиши ва уларни ўқитиш бўйича халқаро, хорижий илмий-тадқиқот муассасалари, институтлар ва марказлар билан ҳамкорликни ривожлантиради;

хорижий мамлакатларнинг стандартлаштириш бўйича миллий институтлари билан яқин ва фаол ҳамкорликни амалга оширади;

халқаро, минтақавий ва давлатлараро илмий-техник ҳамкорликни ривожлантиради;

хорижий давлатларда амалга оширилган мувофиқликни баҳолаш ишлари натижаларини Ўзбекистон ҳудудида белгиланган тартибда эътироф этиш ишларини ташкил этиш ва амалга оширишда иштирок этади;

д) стандартлаштириш бўйича халқаро ва минтақавий ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларини ифодалаш соҳасида:

халқаро ва минтақавий стандартлаштириш ташкилотларига Ўзбекистон Республикаси номидан аъзо бўлади, уларнинг ишида доимий иштирок этади ва миллий манфаатларни ҳимоя қилади;

халқаро стандартлар лойиҳаларини таҳлил қилади, улар бўйича таклифлар тайёрлайди;

илғор хорижий тажрибани ўрганади ва миллий стандартлаштириш тизимига жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

QMMB: 09/26/472/0908-son
09.09.2026-y.

миллий техник қўмиталар фаолиятини мувофиқлаштиради ва улар орқали халқаро техник қўмиталар ишида иштирокни таъминлайди;

е) мувофиқликни баҳолаш ва лаборатория синовларини ўтказиш соҳасида:

белгиланган тартибда аккредитациядан ўтган ҳолда синовларни, лабораториялар малакасини баҳолаш бўйича малака тестларини (провайдерлик) ўтказиш, ходимларни сертификатлаштириш, мустақил инспекция, валидация ва верификация хизматларини кўрсатади;

миллий ва халқаро стандартларни жорий этишда, шунингдек, мувофиқликни баҳолаш идораларини аккредитация қилиш, лабораторияларни мақуллаш бўйича ҳужжатларни тайёрлашда консалтинг хизматларини кўрсатади;

белгиланган тартибда аккредитациядан ўтган ҳолда маҳсулот ва хизматларни "ҳалол" талабларига мувофиқ сертификатлаштириш ишларини ташкил этади, ушбу йўналишда даврий баҳолаш ишларини ўтказади, сертификатларни рўйхатга олади, сертификатлаштирилган маҳсулотлар ва хизматлар реестрини юритади;

республикада реализация қилинадиган истеъмол товарларининг давлат тилидаги тамғалаш маълумотларини тайёрлаш хизматларини кўрсатади;

стандартлаштириш ва мувофиқликни баҳолаш тизимини халқаро талабларга уйғунлаштириш мақсадида транспорт воситаларини ишлаб чиқарувчиларнинг халқаро идентификация кодини (WMI-кодини) беради ва транспорт воситаларини турини (шасси) тасдиқлаш ҳужжатини рўйхатдан ўтказади;

ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси (ТИФ ТН) бўйича товар кодларини аниқлайди;

маҳсулотларни синаш соҳасида илмий ва услубий тадқиқотлар ўтказади;

тадбиркорларга мувофиқликни баҳолаш ишларида амалий ёрдам кўрсатиш ишларини ташкил этади;

ж) хорижий мамлакатларнинг стандартлаштириш бўйича миллий органлари билан битимлар тузиш ва улар билан ҳамкорлик қилиш соҳасида:

стандартлаштириш бўйича хорижий мамлакатларнинг миллий органлари билан икки томонлама ва кўп томонлама битимлар тузади;

стандартларни ўзаро мувофиқлаштириш ва уйғунлаштириш бўйича ҳамкорлик қилади;

қўшма илмий-техник лойиҳалар ва тадқиқотларни ташкил этади ҳамда мувофиқлаштиради;

мутахассислар тажриба алмашиши, малака ошириш бўйича қўшма семинар ҳамда конференциялар ўтказади;

техник тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ҳамкорликни ривожлантиради;

QMMB: 09/26/472/0908-son
09.09.2026-y.

з) савдодаги техник тўсиқлар бўйича ахборот марказининг фаолиятини амалга ошириш соҳасида:

Жахон савдо ташкилотига (кейинги ўринларда – ЖСТ) аъзо давлатларни Ўзбекистон Республикасида халқаро стандартларга асосланмаган ёки мавжуд халқаро стандартлардан сезиларли даражада фарқ қиладиган, қонуний мақсадларга эришиш учун зарур ва ЖСТга аъзо бошқа давлатлар билан товарлар савдосига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган янги техник регламентлар ёки мувофиқликни баҳолаш тартиб-таомиллари ишлаб чиқилаётгани ёхуд мавжуд техник регламентлар ва мувофиқликни баҳолаш тартиб-таомилларига ўзгартиришлар киритилаётгани тўғрисида ўз вақтида уларни ишлаб чиқиш босқичида хабарномалар бериш орқали хабардор қилади;

ЖСТга аъзо давлатларнинг ишлаб чиқилаётган техник регламентлар ва мувофиқликни баҳолаш тартиб-таомиллари тўғрисидаги хабарномаларга шарҳларини ва (ёки) эътирозларини тегишли республика ижро этувчи ҳокимият органларига уларни муҳокама қилиш, ишлаб чиқилаётган техник регламентлар ва мувофиқликни баҳолаш тартиб-таомиллари лойиҳаларига зарур ўзгартиришлар киритиш учун юборади;

ЖСТга аъзо давлатларнинг савдодаги техник тўсиқлар соҳасида режалаштирилган ёки қабул қилинган чоралари тўғрисидаги хабарномаларни тегишли республика ижро этувчи ҳокимият органлари, корхоналар ва бошқа манфаатдор томонларга уларнинг сўровига кўра тақдим этади.

3-боб. Институтнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

9. Институт ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлардан ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган ахборотни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

стандартлаштириш бўйича техник қўмиталарни ташкил этиш, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда стандартлаштириш бўйича тармоқ техник қўмиталарини ташкил этишда иштирок этиш;

Институтга юкланган вазифаларни бажариш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотларнинг мутахассисларини, шу жумладан, хорижий мутахассисларни шартнома асосида жалб қилиш;

Институт ходимларини соатбай ҳақ тўлаш асосида ўқув машғулотларига жалб этиш;

ўз ваколатларини бажариш доирасида халқаро, минтақавий ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни, жумладан, ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, мувофиқликни баҳолаш ва метрология тизимини ривожлантиришнинг долзарб ва истиқболли вазифаларини амалга ошириш учун ташкил этилган ишчи гуруҳлар йиғилишларида иштирок этиш;

QMMB: 09/26/472/0908-son
09.09.2026-y.

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида эксперт кенгашлари ҳамда комиссиялар ишида иштирок этиш;

ўз ваколатлари доирасида кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича йўриқномалар, чора-тадбирлар режалари ва бошқа ҳужжатларни тасдиқлаш;

стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, мувофиқликни баҳолаш ва метрология соҳаларида халқаро лойиҳалар ва дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш;

маҳсулотлар, хизматлар, ходимларни сертификатлаштириш, маҳсулотни синаш усуллари, ўлчаш ва синов воситалари ҳамда стандарт намуналари бўйича илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш;

стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, мувофиқликни баҳолаш ва метрология соҳаларида ноширлик фаолиятини амалга ошириш, илмий-техник ахборотни тарқатиш;

аҳоли ва турли ташкилотларга пулли таълим хизматларини кўрсатиш, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги фаолиятни амалга ошириш;

стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, мувофиқликни баҳолаш ва метрология соҳаларида минтақавий ва халқаро ташкилотларнинг ишчи кенгашларида ва йиғилишларида иштирок этиш;

стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, мувофиқликни баҳолаш ва метрология масалалари бўйича илмий-амалий конференциялар, семинарлар, форумлар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирларни ўтказиш;

халқаро стандартлаштириш ташкилотлари ва хорижий давлатларнинг стандартлаштириш идораларининг қоидалари ва шартномаларига мувофиқ ушбу ташкилотларга бадалларни тўлаб бериш;

энг яхши амалиётларга мувофиқ мустақил маслаҳатчилар ва экспертларни, шу жумладан, хорижий маслаҳатчилар ва экспертларни шартнома асосида жалб қилиш.

Институт қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

10. Институт ўзига юкланган вазифалар самарали бажарилиши учун жавоб беради.

4-боб. Институт фаолиятини ташкил этиш

11. Институт ўз фаолиятида бевосита Агентликка бўйсунади ва унга ҳисобот беради.

12. Институт фаолиятига Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда, Агентлик директори томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор умумий раҳбарлик қилади.

13. Институт директори:

Институт ваколатига кирадиган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади ва Институтга юкланган вазифалар ва функциялар амалга оширилиши учун шахсан жавоб беради;

Институтда илмий-тадқиқот ва илмий-методик ишларни бажариш учун шарт-шароитлар яратади;

Институт Илмий кенгашининг тавсиялари асосида ўқув дастурлари ҳамда илмий-методик ишлар режаларини тасдиқлайди;

Институт фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича концепциялар, дастурлар ва комплекс тадбирлар бажарилишини танқидий ва чуқур таҳлил қилади;

директор ўринбосарлари, Институтнинг бошқа мансабдор шахсларининг ваколатларини белгилайди;

Институт ходимлари, шунингдек, малака ошириш ва қайта тайёрлаш курслари тингловчилари учун бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар ва кўрсатмалар беради;

Институтнинг ташкилий тузилмаси ва штат жадвалини тасдиқлайди, уларга ўзгартиришлар киритади;

Институт ходимларини меҳнат қонунчилигида белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

Институт номидан хўжалик шартномалари тузади, ишончномалар беради.

Директор қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа ваколатларни амалга оширади.

14. Институт директори Агентлик директори билан келишган ҳолда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган ўринбосарларга эга бўлади.

15. Директор ўринбосарлари:

таркибий бўлинмалар фаолиятига бевосита раҳбарлик қилади, ушбу бўлинмаларга юкланган вазифалар ва функциялар бажарилишини ташкил этади;

Агентлик қарорлари, Институт директорининг буйруқлари ва топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлайди;

таркибий бўлинмаларга юкланган вазифалар бажарилишини назорат қилади ва мувофиқлаштиради;

таркибий бўлинмалар фаолияти бўйича қонунчиликни такомиллаштириш тўғрисида таклифларни ишлаб чиқади ва кўриб чиқиш учун директорга киритади;

директорга Институтнинг таркибий бўлинмаларида ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича таклифларни киритади, уларнинг касбий маҳоратини, малакасини, амалий тажрибасини, ишчанлик ва ахлоқий фазилатларини юқори даражада таъминлайди, уларнинг касбий малакаларини оширишга кўмаклашади, таркибий бўлинмаларда кадрлар захирасини шакллантиради;

QMMB: 09/26/472/0908-son
09.09.2026-y.

Институтнинг таркибий бўлинмалари ходимлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини тизимли таҳлил қилади, ҳисоботларини эшитади, якунлари бўйича зарур чораларни кўради.

16. Директор бўлмаган даврда унинг ваколатларини директорнинг биринчи ўринбосари амалга оширади.

17. Институт ҳузурида директор (Илмий кенгаш раиси), фаолиятнинг асосий йўналишларини мувофиқлаштирувчи унинг ўринбосарлари (лавозимига кўра), Институт таркибий бўлинмалари раҳбарлари, Фанлар академияси вакиллари, шунингдек, турдош илмий-тадқиқот институтларида ва ташкилотларда ишловчи етакчи олимлар, малакали мутахассислардан иборат таркибда Илмий кенгаш ташкил этилади.

Институт Илмий кенгашининг шахсий таркиби, аъзолари сони ва низоми Институт директори томонидан тасдиқланади.

Институт Илмий кенгашининг иш тартиби Институтнинг иш режаларига мувофиқ ташкил этилади.

5-боб. Институт фаолиятини баҳолаш мезонлари ҳамда унинг фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигининг ишчи индикаторлари

18. Институт фаолияти самарадорлиги мунтазам равишда баҳоланади.

19. Институт фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш Агентлик томонидан тасдиқланадиган Институт фаолиятини баҳолаш мезонларига ҳамда унинг фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигининг ишчи индикаторларига асосланади.

20. Институт фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш якунлари бўйича:

Институт раҳбарлари ва ходимларига нисбатан рағбатлантириш (тақдирлаш) ёки интизомий жавобгарлик чоралари;

Институт фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш чоралари кўрилади.

21. Институт фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш тартиби ва методикаси қонунчилик ҳужжатларида белгиланади.

6-боб. Институт фаолиятини молиялаштириш ва унинг ходимларини моддий рағбатлантириш

22. Институт фаолиятини молиялаштириш ва унинг ходимларини моддий рағбатлантириш қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

23. Қуйидагилар Институт фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгиланади:

Институт томонидан шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлардан, реализация қилинган стандартлардан тушадиган пул маблағлари;

бўш турган маблағларни тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан олинадиган даромадлар;

QMMB: 09/26/472/0908-son
09.09.2026-y.

қонунчиликка зид бўлмаган бошқа манбалар.

24. Институт ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш фонди лавозим маоши, узоқ муддат узлуксиз хизмати учун устама ҳақлар, мукофотлар, қўшимча ҳақлар ва устамалар, рағбатлантириш тўловларидан, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлардан иборат. Институтнинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тартиби қонунчилик ҳамда ички ҳужжатларда белгиланади.

25. Институт ходимлари учун (техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари) узоқ йиллик хизмати учун қўшимча устама коэффициенти миқдорлари қуйидагича белгиланади:

1 йилдан 3 йилгача – 0,3;

3 йилдан 5 йилгача – 0,6;

5 йилдан 10 йилгача – 0,8;

10 йилдан 15 йилгача – 1,0;

15 йилдан 20 йилгача – 1,2;

20 йилдан ортиқ – 1,5.

Бунда кўп йиллик хизмати учун ойлик устама ҳақлари коэффициентини ҳисоблашда ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар (якка тартибдаги тадбиркор ва ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида ишлаган давридан ташқари), барча ташкилотлардаги меҳнат фаолияти даври ҳисобга олинади.

26. Институт ходимларининг лавозим маоши Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашга доир тасдиқланган разрядлар ставкасининг 1,8 баравари миқдоридаги коэффициентни қўлланган ҳолда белгиланади.

27. Институт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш разрядлари қуйидагича белгиланади:

т/р	Лавозимлар номи	Ягона тариф сеткаси бўйича разрядлар
1.	Директор	16
2.	Директор ўринбосарлари	15
3.	Директор маслаҳатчиси	14
4.	Илмий котиб	13
5.	Бўлим (марказ) бошлиғи	13
6.	Бўлим (марказ) бошлиғи ўринбосари	13 (-5%)
7.	Сектор бошлиғи	12
8.	Бош мутахассис	11

QMMB: 09/26/472/0908-son
09.09.2026-y.

9.	Етакчи мутахассис	10
10.	Мутахассис	8

28. Институтнинг ходимларига қуйидаги рағбатлантириш тўловлари тўланади:

ходимларнинг KPI (энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини) бажаргани учун кўрсаткичларидан келиб чиқиб, лавозим маошининг уч бараваригача миқдорда ойлик устамалар;

иш участкасининг мураккаблиги ва муҳимлигини ҳисобга олиб, шунингдек, мамлакат иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида шахсий ҳиссасини қўшган, меҳнатда юқори натижаларга эришган, алоҳида муҳим вазифаларини сидқидилдан ва самарали бажараётган (ҳар бир бажарилган иш учун) раҳбар ва ходимларга лавозим маошининг икки бараваригача миқдорда шахсий устамалар;

умумхалқ байрамлари, чорак ва йил якунлари муносабати билан меҳнатга хақ тўлашнинг энг кам миқдорининг саккиз бараваригача миқдорда мукофотлар;

Институтда фаолият юритаётган фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) (ёки хорижий мамлакатларда уларга тенглаштирилган даражалар) илмий даражасига эга ходимлар лавозим маошига 30 фоизгача, шунингдек, фан доктори (DSc) (ёки хорижий мамлакатларда унга тенглаштирилган даража) илмий даражасига эга ходимлар лавозим маошига 60 фоизгача қўшимча хақ;

транспорт харажатларини қоплаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваригача миқдорида ойлик тўловлар;

ходимларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларнинг меҳнати самарадорлигини ошириш мақсадида ҳар ойда овқатланиш харажатларини қоплаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваригача миқдорида тўловлар;

ходим вафот этганда – вафоти тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси тақдим этилганда бир йўла меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг ўн бараваригача миқдорда моддий ёрдам тўловлари;

ходимнинг яқин қариндоши (ота-онаси, турмуш ўртоғи, фарзанди) вафот этганда – вафоти тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси тақдим этилганда, бир марта меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг ўн бараваригача миқдорда моддий ёрдам тўловлари;

алоҳида заруратга кўра (юбилей саналарида, ходимлар 50, 55 ва 60 ёшга тўлганда, бахтсиз ҳодиса, оғир касаллиги сабабли даволаниш, соғлиғини тиклаш, оиланинг кам таъминлангани ва молиявий ҳолатининг оғирлиги) бир марта меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг ўн бараваригача миқдорда моддий ёрдам тўловлари;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш учун ходимларга бир йилда бир марта меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг етти бараваригача миқдорда моддий ёрдам тўловлари.

QMMB: 09/26/472/0908-son
09.09.2026-y.

Мазкур Уставда ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш учун белгиланган барча тўловлар (қўшимча ҳақ, устама, мукофот, ижтимоий ҳимоя тўловлари ва бошқалар) кафолатланган тўлов ҳисобланмайди ҳамда Институтнинг молиявий шароитидан келиб чиққан ҳолда қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

7-боб. Якунловчи қоида

29. Институт қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ қайта ташкил этилади ва тугатилади.

QMMB: 09/26/472/0908-son
09.09.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил 7 сентябрдаги 472-сон қарорига
2-илова

Олий маълумотга эга бўлган шахсларни техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш ва метрология йўналиши бўйича касбий қайта тайёрлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш соҳалари бўйича фаолият юритадиган, олий маълумотга эга бўлган мутахассисларни стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш йўналиши (кейинги ўринларда – йўналиш) бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг Ўзбекистон стандартлар институтида (кейинги ўринларда –Институт) касбий қайта тайёрлаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

буюртмачи – қайта тайёрлаш курсларида таълим олиш учун мурожаат қилган жисмоний ёки юридик шахс;

олий маълумотга эга бўлган мутахассисларни йўналиш бўйича касбий қайта тайёрлаш курслари (кейинги ўринларда – қайта тайёрлаш курслари) – корхона ва ташкилотларнинг стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш йўналиши бўйича маълумот ҳамда билим талаб этадиган касб ва лавозимларида фаолият юритиш учун етарли даражада билим олиш ва кўникма шакллантиришни назарда тутадиган олий таълимдан кейинги ўқитиш шакли;

педагог-маслаҳатчи – таълим жараёнида тегишли ўқув курси (модули) бўйича тингловчилар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва йўналтирувчи, методик ёрдам кўрсатувчи, ўқиши ва билимини назорат қилувчи субъект;

тингловчи – қайта тайёрлаш курсларига қабул қилинган жисмоний шахс;

ўқув дастури – қайта тайёрлаш курсларининг таълим мазмунини, унинг тингловчилар томонидан ўзлаштирилишининг мақсадга мувофиқ усулларини ташкил этишни назарда тутадиган, ахборот манбаи бўлган, мутахассисликларнинг малака талаблари, ўқув курсининг асосий мазмуни ва методик тузилишини аниқлаб берувчи асосий ҳужжат;

ўқув режаси – блоклар ва ўқув фанлари (курслар)нинг номларини, уларни ўзлаштириш учун ажратилган соатлар ҳажмини ҳамда тингловчиларнинг билимларини назорат қилиш шаклларини белгилаб берувчи асосий ҳужжат;

QMMB: 09/26/472/0908-son
09.09.2026-y.

қайта тайёрлаш – стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш соҳаларида халқаро стандартлар ва талабларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ўқув дастурлари асосида зарур билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш орқали янги касбий фаолиятга йўналтиришга қаратилган ўқитиш шакли;

қайта тайёрлашнинг анъанавий шакли – ўқув дастурларини ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда, қайта тайёрлаш курсларида бевосита иштирок этиш орқали ўзлаштириш;

қайта тайёрлашнинг масофавий шакли – ўқув дастурларини ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда, онлайн (реал вақт режимида) ҳамда офлайн (видеомаърузалар, мавзуга доир маърузалар матни, ассесмент топшириқлари, амалиёт материаллари таҳлили, кичик назорат ишини бажариш орқали тегишли ўқув-методик ресурсларни мустақил равишда ўзлаштириш) тарзда ўзлаштириш.

3. Йўналиш бўйича қайта тайёрлаш курслари ушбу Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ ташкил этилади.

2-боб. Қайта тайёрлаш курсларида ўқиш тартиби

4. Институт томонидан қайта тайёрлаш курслари ҳар йили йилнинг бошида қайта тайёрлаш курсларини ўтказиш бўйича ишлаб чиқилган ҳамда тасдиқланган режа-жадвал асосида ташкил этилади.

5. Режа-жадвалда кўрсатилган саналар бўйича қайта тайёрлаш курсларини ўтказиш ҳақида корхона ва ташкилотларга мурожаатлар юборилади.

6. Буюртмачи қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш учун онлайн тарзда (Институтнинг расмий веб-сайти ёки Edu.tris.uz платформаси орқали) ёки бевосита Институтга ариза билан ёзма мурожаат қилади.

7. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

қайта тайёрлаш курсларида ўқиш учун буюртмачининг ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича анкетаси;

буюртмачи хорижий давлатларда таълим олган бўлса, хорижий давлатларда таълим олганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг ва ваколатли давлат органи томонидан берилган таълим тўғрисидаги ҳужжатнинг тан олингани ёки эквивалентлиги қайд этилган гувоҳнома нусхаси;

иш жойидан тавсифнома.

8. Аризалар икки кун муддатда кўриб чиқилиб, буюртмачи билан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шартнома расмийлаштирилади.

9. Қуйидагилар аризанинг рад этилиши учун асос ҳисобланади:

зарур даражада расмийлаштирилмаган ҳужжатларни тақдим этганлик ёки ҳужжатларни тўлиқ ҳажмда тақдим этмаслик;

тақдим этилган ҳужжатларда сохта маълумотларнинг мавжудлиги.

QMMB: 09/26/472/0908-son
09.09.2026-y.

Ушбу бандниng иккинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолатларни бартараф этиш юзасидан тингловчи икки иш куни ичида хабардор қилинади, унга қайта тайёрлаш курси бошланиши санасигача имконият берилади.

10. Мутахассислар Институт билан буюртмачилар ўртасида тузиладиган шартномалар асосида тўлов эвазига қайта тайёрланади.

11. Институтда қайта тайёрлаш курслари тингловчининг асосий иш жойидан ажралган ёки ажралмаган ҳолда қайта тайёрлаш шаклларида (анъанавий, масофавий) ташкил этилади.

Қайта тайёрлаш курслари анъанавий шаклда ташкил этилганда, тингловчиларнинг асосий иш жойидаги ўртача иш ҳақи меҳнат қонунчилигида белгиланган тартибда сақлаб қолинади.

Қайта тайёрлаш курслари масофавий шаклда ташкил этилганда, ўқув режаси ва дастурига мувофиқ таълимнинг назарий қисми Институт базасида (тегишли таълим платформаларида), амалий қисми тингловчининг асосий иш жойида (таълим жараёни билан бирга) ташкил этилишини назарда тутган ҳолда ишлаб чиқилади.

Институтда ташкил этиладиган қайта тайёрлаш курсларида аудитория ўқув юкламасининг энг кўп ҳажми, қоида тариқасида, ҳафтасига 36 соат этиб белгиланади.

Ўқитиш давомийлиги, қоида тариқасида, камида 576 соат (16 ҳафта)ни ташкил этади.

12. Қайта тайёрлаш курслари тингловчилари қуйидаги ҳолларда тингловчилар сафидан четлаштирилади:

ўз хоҳишига биноан;

ўқув интизоми ва Институт тингловчиларининг ички тартиб-қоидаларини мунтазам равишда ёки бир маротаба қўпол равишда бузганда;

узрли (яқин қариндошининг вафоти, тингловчининг меҳнатга лаёқатсизлик даври, фарзандининг бетоблиги, тингловчининг никоҳ маросими, судларда иштирок этган даври) сабабларсиз қайта тайёрлаш курслари бўйича ўқув машғулотларини ўттиз академик соатдан ортиқ қолдирганда;

шартнома мажбуриятларини бажармагани (бажарилмаганлиги) учун;

суд томонидан озодликдан маҳрум этилганда;

вафот этганда.

13. Тингловчи қайта тайёрлаш курси тингловчилари сафидан чиқарилганда, Институт бу ҳақида буюртмачига хабар беради.

14. Тингловчи ўз хоҳиши билан таълим олишни рад этганда, тўланган тўлов миқдори Институт томонидан қуйидаги тартибда қайтариб берилади:

қайта тайёрлаш курслари бошланмаган ҳолда буюртмачи томонидан тўланган тўловнинг тўлиқ миқдорида;

QMMB: 09/26/472/0908-son
09.09.2026-y.

бошланган ҳолда буюртмачи томонидан тўланган тўловнинг қайта тайёрлаш курслари қолган муддатига нисбатан мос миқдорда.

Ушбу Низомнинг 12-банди учинчи – бешинчи хатбошиларидаги ҳолларда тингловчи тингловчилар сафидан чиқарилган тақдирда, тўланган тўлов миқдори қайтарилмайди.

15. Айрим сабабларга кўра (меҳнат таътили, хизмат сафари, тингловчининг меҳнатга лаёқатсизлик даври, фарзандининг бетоблиги) қайта тайёрлаш курсларида қатнаша олмаган тингловчилар ташкилот раҳбарининг мурожаатига асосан кейинги қайта тайёрлаш курсларига аввалги тўланган тўловлар эвазига киритилади.

3-боб. Қайта тайёрлаш курсларининг ўқув жараёнини ташкил этиш механизмлари

16. Тингловчилар ўқув жараёнларига гуруҳларга киритилган ҳолда жалб этилади.

17. Ўқув жараёни белгиланган тартибда тасдиқланган давлат таълим талаблари ва буюртмачи билан келишилган ҳолда, Институт илмий кенгашида маъқулланган ҳамда Институт директори томонидан тасдиқланган ўқув режаси ва дастурларига мувофиқ ташкил этилади.

18. Тингловчи қайта тайёрлаш курсларига буюртмачининг мурожаатига асосан Институт директорининг буйруғи билан қабул қилинади.

19. Институтда ўқув жараёни, қоида тариқасида, 25 кишидан ортиқ бўлмаган тингловчилардан иборат гуруҳларда ташкил қилинади.

20. Барча турдаги аудитория машғулотларининг давомийлиги 80 дақиқани, ўқув машғулотлари ўртасидаги танаффус камида 10 дақиқани ташкил этади.

21. Ўқув жараёнида ўқув машғулотларининг асосий турлари, жумладан, маъруза, семинар ва амалий (лаборатория) машғулотлардан фойдаланади.

22. Ўқув машғулотларининг қўшимча турлари сайёр машғулотлар ва дарс машғулотларини ташкил этишнинг амалиётга йўналтирилган замонавий усуллари (кейс-стади, илмий тақдимотлар, жамоада ишлаш ва бошқалар) қўлланилиши мумкин.

23. Масофавий шаклдаги қайта тайёрлаш курсларида ўқув жараёни махсус таълим платформаларида онлайн (реал вақт режимида) ва оффлайн (тегишли ўқув-методик ресурсларни мустақил равишда ўзлаштириш) режимда ташкил қилинади.

24. Қайта тайёрлаш курслари тингловчиларнинг билими, қоида тариқасида, жорий назорат, оралиқ назорат ва якуний назорат турлари бўйича баҳоланади.

25. Масофавий шаклда ташкил этилган қайта тайёрлаш курслари якуний назорат, қоида тариқасида, тингловчининг бевосита иштирокида Институт аудиторияларида ўтказилади.

QMMB: 09/26/472/0908-son
09.09.2026-y.

Масофавий шаклда таълим олаётган тингловчиларга якуний назорат имтиҳонини топшириш (имтиҳон синовларидан ўтиш) даври учун ўртача ойлик маоши сақланган қўшимча таътил берилади.

26. Тингловчилар билимини баҳолаш шакллари ҳамда уларни ўтказиш тартибига доир талаблар Институт томонидан тасдиқланади. Бунда тингловчиларнинг фанлар (курслар)ни ўзлаштириш даражаси электрон тизим орқали назорат қилинади.

27. Муайян назорат турларидан (синовлардан, имтиҳонлардан) ўтолмаган тингловчиларга фақат бир марта тўловсиз қайта топшириш имконияти берилади.

4-боб. Масофавий таълимни ташкил этиш

28. Масофавий таълимнинг давомийлиги тегишли қайта тайёрлаш курслари учун ажратилган академик соатларда белгиланади.

29. Онлайн шаклдаги масофадан ўқитиш усули махсус жиҳозланган ўқув хоналарида реал вақт режимида амалга оширилади.

Тингловчиларнинг масофавий ўқишда иштироки буюртмачи ташкилотлар томонидан таъминланади.

30. Масофавий ўқиш бошланишидан уч кун олдин Институт томонидан тингловчиларни OneID ягона идентификация тизими орқали Институт расмий веб-сайтидан махсус бўлимига киришлари таъминланади.

31. Тингловчилар OneID ягона идентификация тизими орқали Институт расмий веб-сайтидаги махсус бўлимга кирадилар ва унда ўзининг шахсий кабинетига эга бўладилар.

32. Тингловчилар ўзларининг логин ва пароли ҳамда шахсий кабинетини бошқа шахсларга фойдаланиш учун бериши тақиқланади.

33. Масофавий таълим давомида тингловчилар қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш ва ўтказиш режаси, ўқиш давомийлигига амал қилиши, шунингдек, онлайн ва оффлайн режимдаги таълим жараёнида шахсан ўзи иштирок этиши талаб этилади.

34. Масофавий ўқиш жараёнида тингловчилар фаолияти, таълим жараёнини мувофиқлаштириш ва йўналтириш Институт директорининг буйруғи билан бириктириладиган педагог-маслаҳатчи томонидан амалга оширилади.

35. Тингловчилар билан доимий алоқани йўлга қўйиш, тингловчиларга зарур методик ёрдам бериш, якка тартибдаги машғулотни ўтказиш юзасидан назоратни амалга ошириш ва тингловчилар билимларини баҳолаш педагог-маслаҳатчининг вазифаларига киради. Педагог-маслаҳатчи якка тартибдаги топшириқнинг тингловчи томонидан бажарилиши холисона баҳоланиши учун жавоб беради.

Педагог-маслаҳатчи билан алоқа электрон почта, телефон ва бошқа электрон алоқа воситалари ёрдамида амалга оширилади. Педагог-маслаҳатчи билан алоқа сессиялар (бевосита юзма-юз мулоқот) тарзида ҳам амалга оширилиши мумкин.

QMMB: 09/26/472/0908-son
09.09.2026-y.

5-боб. Қайта тайёрлаш курслари тингловчиларини давлат аттестациясидан ўтказиш

36. Институт буйруғи билан қайта тайёрлаш курслари тингловчиларининг давлат аттестациясини ўтказиш бўйича давлат аттестация комиссияси тузилади.

37. Тингловчиларнинг аттестациясини ташкил этиш ва ўтказишга доир талаблар Институт кенгаши томонидан тасдиқланади.

38. Давлат аттестация комиссиясининг қарори Институт директори томонидан тингловчиларга белгиланган намунадаги дипломларни бериш тўғрисидаги буйруқ қабул қилиш учун асос ҳисобланади.

39. Давлат аттестацияси якунлари бўйича қониқарсиз баҳо олган тингловчиларга фақат бир марта, кейинги қайта тайёрлаш курслари якунлари бўйича давлат аттестациясини такроран топшириш имконияти берилади.

40. Давлат аттестация комиссияси аъзолари меҳнатига қонунчиликда белгиланган тартибда ҳақ тўланади.

41. Қайта тайёрлаш курсларининг ўқув режасига киритилган ўқув фанларини (курсларни) ўзлаштирмаган тингловчилар давлат аттестациясига қўйилмайди.

42. Қайта тайёрлаш курсини тамомлаган, аттестациядан муваффақиятли ўтган тингловчиларга ушбу Низомга 3-иловада белгиланган намунадаги (QR-код билан тасдиқланган) қайта тайёрлаш ҳақидаги диплом берилади.

Қайта тайёрлашга иккинчи олий таълим сифатида қаралмайди. Қайта тайёрлаш натижасида бериладиган ҳужжат (диплом) фақат муайян лавозимда белгиланган талабларга кўра фаолият кўрсатиш ҳуқуқини беради.

6-боб. Тингловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

43. Тингловчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўқув жараёнини янада яхшилаш, қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича Институт раҳбариятига таклифлар киритиш;

маънавий-маърифий ва маданий тадбирларда қатнашиш;

қайта тайёрлаш билан боғлиқ бўлган қўшимча маълумотлар ва маслаҳатлар олиш;

Институтнинг ахборот-ресурс маркази, ўқув хоналари ва компьютер техника воситаларидан фойдаланиш;

Институт ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан шикоят қилиш.

Тингловчилар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

44. Тингловчилар:

белгиланган тартибда ўқув режаси ва дастурлари асосида ўқиши;

ўқув машғулотларига ўз вақтида шахсан ўзлари иштирок этиши ва онлайн ўқув машғулотларида қатнашиши;

QMMB: 09/26/472/0908-son
09.09.2026-y.

ўқув дастурларида назарда тутилган назорат турларини ва якуний назорат имтиҳонини топшириши;

ўз назарий билимларини, касбий кўникмалари ва маҳорат даражасини ошириши;

ўқув жараёнида берилган топшириқларни ўз вақтида бажариши;

Институтга тегишли бўлган мол-мулкни асраб-авайлаши, Институт тингловчиларининг ички тартиб-қоидаларга қатъий риоя этиши лозим.

7-боб. Апелляцияларни кўриб чиқиш

45. Тингловчилар аттестация натижаларидан норози бўлса, якуний назорат имтиҳони ўтган санадан бошлаб уч иш куни мобайнида Институтга онлайн (Институтнинг расмий веб-сайти ёки Edu.tris.uz орқали) ёки ёзма шаклда апелляция бериш ҳуқуқига эга.

46. Апелляция комиссияси ҳар бир апелляцияни кўриб чиқиш учун заруратга кўра, шакллантирилади. Бунда Институт директорининг буйруғи билан уч нафардан кам бўлмаган таркибда соҳанинг етук мутахассислари ва олий таълим ташкилотининг тажрибали ходимлари, профессор-ўқитувчиларидан иборат апелляция комиссияси ташкил этилади.

Апелляция комиссияси таркибига давлат аттестациясида иштирок этган имтиҳон комиссияси аъзоларининг киритилишига йўл қўйилмайди.

Имтиҳонни қабул қилган имтиҳон комиссияси аъзоси апелляция жараёнида қатнашиб, ўз фикрини билдириш ҳуқуқига эга.

Апелляция шикоятлари имтиҳон натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб 24 соат ичида қабул қилинади ва апелляция комиссияси томонидан уч кун муддат ичида кўриб чиқилади.

Тингловчи апелляция шикоятини кўриб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Апелляция шикоятининг кўриб чиқилиш вақти ва жойи ҳақида тингловчига камида бир кун олдин онлайн (Институтнинг расмий веб-сайти ёки Edu.tris.uz орқали) ёки ёзма шаклда хабар берилади.

Апелляция комиссияси апелляцияни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор тўғрисида тингловчига онлайн (Институтнинг расмий веб-сайти ёки Edu.tris.uz орқали) ёки ёзма шаклда маълум қилади.

47. Кўриб чиқилган апелляция натижалари бўйича апелляция комиссияси қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

якуний назорат имтиҳони натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляцияни қаноатлантиришни рад этиш;

апелляцияни қаноатлантириш.

48. Апелляцияда келтирилган сабаблар тасдиқланмаган тақдирда, якуний назорат имтиҳони натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляцияни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинади.

QMMB: 09/26/472/0908-son
09.09.2026-y.

49. Апелляцияни қаноатлантириш тўғрисидаги қарор қабул қилинган тақдирда, Институт томонидан мазкур Низомга 3-иловада кўрсатилган намунадаги диплом берилади.

50. Институт икки иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинган қарор тўғрисидаги хабарномани апелляция берган буюртмачига онлайн (Институтнинг расмий веб-сайти ёки Edu.tris.uz орқали) ёки ёзма шаклда юборади.

51. Айнан бир масала бўйича апелляцияни такроран беришга йўл қўйилмайди.

52. Апелляция комиссиясининг қарори юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда судга шикоят қилиш мумкин.

8-боб. Қайта тайёрлаш курсларини битирганлик ҳақидаги диплом дубликатларини қайта расмийлаштириш ва тақдим этиш

53. Диплом йўқотилган ёки яроқсиз ҳолга келган ҳолларда дипломнинг дубликати (кейинги ўринларда – дубликат) берилади. Бунда Институт директори номига дипломнинг йўқолиш, яроқсиз ҳолга келиш ҳолати тўлиқ баён этилган ариза қайта тайёрлаш курсларини тамомлаган жисмоиний шахс томонидан Институтнинг расмий веб-сайти орқали электрон шаклда юборади.

54. Дубликат мурожаат қилинган санадан бошлаб ўн беш кун муддат мобайнида берилади.

55. Дубликатда ҳужжатларнинг аввалги қайд этилган рақами, серияси, берилган санаси кўрсатилади, янги бланканинг юқоридаги ўнг бурчагига “Дубликат” сўзи ёзилади.

56. Яроқсиз ҳолатга келган ёки бузилган диплом Институтга қайтарилиши ва қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда йўқ қилиниши лозим.

57. Дипломнинг қайта расмийлаштирилиши ёки дубликатининг тақдим этилиши учун қайта тайёрлашдан ўтиш талаб қилинмайди.

9-боб. Якунловчи қоидалар

58. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

59. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

QMMB: 09/26/472/0908-son
09.09.2026-y.

Олий маълумотга эга бўлган мутахассисларни метрология ва стандартлаштириш йўналиши бўйича касбий қайта тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

Қайта тайёрлаш курсларини ташкил қилиш ва ўтказиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ўзбекистон стандартлар институти (Институт)	1. Режа-жадвал ишлаб чиқади. 2. Қайта тайёрлаш курсини ўтказиш ҳақида корхона ва ташкилотларга мурожаат юборади.	Йил бошида
2-босқич	Буюртмачи	Ариза билан мурожаат қилади.	Режа-жадвалга мувофиқ
3-босқич	Институт	1. Ариза ва зарур ҳужжатларни қабул қилади. 2. Шартнома расмийлаштиради. 3. Ўқув режаси ва дастурларини тасдиқлайди.	Икки иш кунида
4-босқич	Институт Аттестация комиссияси	1. Қайта тайёрлаш курсларига тингловчиларни қабул қилади. 2. Ўқув жараёнини ташкил этади. 3. Аттестацияни ўтказади.	Уч иш куни мобайнида Режа жадвалга мувофиқ Ўқув жараёнининг якуни бўйича
5-босқич	Институт	Диплом беради.	Комиссия қарори асосида

QMMB: 09/26/472/0908-son
09.09.2026-y.

Олий маълумотга эга бўлган мутахассисларни
метрология ва стандартлаштириш йўналиши
бўйича касбий қайта тайёрлаш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-илова

Қайта тайёрлаш курсларида ўқиш учун буюртмачи АНКЕТАСИ

1. _____

(исми, фамилияси, отасининг исми)

2. _____

(туғилган санаси (кун, ой, йил)

3. _____

(фуқаролик паспорти/идентификацияловчи ID-картаси (серияси, рақами, берилган сана)

4. _____

(яшаш жойи, манзили, телефон рақами)

5. _____

(маълумоти, таълим ташкилоти номи, мутахассислиги, тамомлаган йили)

6. _____

(иш жойи ва лавозими)

Тўлдирилган сана ва имзо.

QMMB: 09/26/472/0908-son
09.09.2026-y.

Олий маълумотга эга бўлган мутахассисларни
метрология ва стандартлаштириш йўналиши
бўйича касбий қайта тайёрлаш тартиби
тўғрисидаги низомга
3-илова

Қайта тайёрлаш ҳақида давлат намунасидаги диплом
ШАКЛИ

OZBEKISTON STANDARTLAR INSTITUTI
Qayta tayorlash xaqida

DIPLOM
QT №000000

Qayd raqami: _____

Berilgan sana: 20__-yil "__"_____

Berilgan joy: _____

QR-kod

Mazkur diplom egasi

_____
(tinglovchining familiyasi, ismi, otasining ismi)

20___-yil "__"_____dan 20"__"_____-yilgacha

_____da
(tashkilot nomi)

_____ soatga moljallangan

_____
(kasbiy qayta tayorlash kursining nomi)

_____yonalishi boyicha kasbiy qayta tayorlash kursining oquv dasurini toliq ozlashtirdi. Attestasiya komisiyasining 20_-yil _____dagi _____-son qarori bilan _____sohasida _____ yonalishida kasbiy faoliyat yuritish huquqi berildi.

Rahbar _____ _____
(imzo) (familiyasi, ismi, otasining ismi)

Қайта тайёрлаш ҳақида давлат намунасидаги дипломнинг
ТАВСИФИ

Олий маълумотга эга бўлган мутахассисларни метрология ва стандартлаштириш йўналиши бўйича касбий қайта тайёрлаш ҳақидаги давлат намунасидаги диплом А5 форматдаги оқ қоғозда, офсет усулида, беш хил рангдан: матн учун – қора ранг, расмлар тасвири учун – яшил, кўк ва қизил ранглардан, фон учун – оч пушти рангдан фойдаланган ҳолда босиб чиқарилади.

Варақнинг чап юқори қисмида Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири ва давлат тилида лотин ёзуви билан қуйидагилар жойлаштирилади:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ГЕРБИ
ЎЗБЕКИСТОН СТАНДАРТЛАР ИНСТИТУТИ
Қайта тайёрлаш ҳақида
ДИПЛОМ
QT № 000000
Қайд рақами: _____
Берилган жой: _____
Берилган сана: 20__ йил "___" _____

QR-код жойи

Дипломнинг ўнг қисмида давлат тилида лотин ёзуви билан қуйидагилар кўрсатилади:

тингловчининг фамилияси, исми, отасининг исми;

ўқиш даври;

ташкилот номи;

қайта тайёрлаш курсининг умумий соати ва номи;

Аттестация комиссияси қарорининг санаси ва рақами;

ташкилот раҳбарининг электрон имзоси ва фамилияси, исми, отасининг исми;

Диплом:

тартиб рақами иккита лотин ҳарфидан “QT” ва олти рақамли сондан иборат бўлиши;

барча матн ва тасвирлар нақшли растрдан иборат оч – пушти ранг фонда акс эттирилиши;

такрорланмайдиган рақамлардан, олтита ҳимояга эга ва кетма-кет ўзгарувчи рақамлардан иборат бўлиши;

юқори сифатли офсет қоғозда чоп этилиши;

QR-код дипломнинг чап қисми ўнг томонига жойлаштирилади.

Мазкур диплом босма қоғоз ёки электрон шаклда берилиши мумкин.

QMMB: 09/26/472/0908-son
09.09.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил 7 сентябрдаги 472-сон қарорига
3-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 апрелдаги 122-сон қарори билан тасдиқланган Маҳсулотни экспорт қилишга кўмаклашиш бюроси тўғрисидаги низомда:

а) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“1. Маҳсулотни экспорт қилишга кўмаклашиш бюроси (кейинги ўринларда – Бюро) Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг Ўзбекистон стандартлар институти (кейинги ўринларда – Институт) таркибий бўлинмаси ҳисобланади ҳамда Институтнинг худудий филиалларида биттадан вакилга эга”;

б) 3-банддаги “давлат ва хўжалик бошқаруви органлари” сўзлари “республика ижро этувчи хокимият органлари ва хўжалик бошқаруви органлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 7-бандниng биринчи хатбошисидаги “Ўзбекистон илмий-синов ва сифат назорати маркази” сўзлари “Институт” сўзи билан алмаштирилсин;

г) 8-банд чиқариб ташлансин;

д) 10-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“10. Бюро бошлиғи Низом билан юкланган вазифаларнинг зарур даражада ва ўз вақтида бажарилиши учун шахсан жавоб беради”.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 25 апрелдаги 237-сон қарори билан рус тилида тасдиқланган Муомалага чиқарилаётган ғилдиракли транспорт воситаларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентда:

а) 34-банддаги “Национальным органом по сертификации” сўзлари “Узбекским институтом стандартов Узбекского агентства по техническому регулированию” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 42-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин.

“42. Сертификация единичного транспортного средства и малой партии транспортных средств проводится на соответствие требованиям, предусмотренным пунктами 1, 21, 23–26, 32, 38, 39, 41, 46, 47, 49, 52, 53, 55–61 приложения № 3, а также приложений № 2 и 6 к Техническому регламенту”;

в) 44-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“44. При представлении заявителем протоколов испытаний на конкретную модель, тип, марку, комерческое наименование автотранспортного средства, подтверждающие соответствие требованиям, указанным в пунктах 1, 21, 23–24, 32, 38, 47, 49, 52, 53, 55–61 приложения № 3 к Техническому регламенту, не проводятся.

При этом, срок давности протоколов испытаний не должен превышать срока, указанного в пункте 26 настоящего Технического регламента”.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг Ўзбекистон стандартлар институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2019 йил 14 мартдаги 220-сон қарорида:

а) 1-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи хатбошидаги “давлатлараро,” сўзи чиқариб ташлансин;

б) 2-банднинг иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

в) 3-иловада:

номланишидаги “давлатлараро,” сўзи чиқариб ташлансин;

1-банддаги “давлатлараро,” сўзи чиқариб ташлансин;

2-бандда:

учинчи хатбошидаги “ёки давлатлараро” сўзлари чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбошидаги “давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ва” сўзлари “республика ижро этувчи хокимият органлари ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда” сўзлари билан алмаштирилсин;

3-бандда:

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“стандартлаштириш режаси;”;

бешинчи хатбошидаги “Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигига” сўзлари “Стандартлаштириш бўйича миллий органга” сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги “давлатлараро,” сўзи чиқариб ташлансин;

қуйидаги таҳрирдаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Ҳалқаро, минтақавий стандартларни, хорижий мамлакатларнинг стандартларини, шунингдек, уларга киритилган ўзгартишларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга киритиш ва уларнинг амал қилишини бекор қилиш тўғрисидаги қарорлар ушбу Низом талабларини ҳисобга олган ҳолда, Стандартлаштириш бўйича миллий орган томонидан тасдиқланадиган тартиб-таомилларга мувофиқ қабул қилинади”;

5–6-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5. Республикада халқаро стандартлар ISO/IEC Guide 21 талабларига мувофиқ қабул қилинади.

6. Республикада халқаро стандартлар қуйидаги мувофиқлик даражалари бўйича қабул қилинади:

халқаро стандартлар билан айнан ўхшаш (IDT);

халқаро стандартга нисбатан модификацияланган (MOD);

халқаро стандартларга нисбатан эквивалент бўлмаган (NEQ).

QMMB: 09/26/472/0908-son
09.09.2026-y.

Бунда халқаро стандартларни қабул қилишнинг мувофиқлик даражалари ISO/IEC Guide 21 талабларида белгиланган мезонларга мувофиқ тегишли стандартлаштириш бўйича техник қўмиталарнинг хулосаси асосида белгиланади”;

10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“10. Халқаро стандартлар тегишли стандартлаштириш бўйича техник қўмиталар томонидан аниқлик киритилган мувофиқлик даражасидан келиб чиқиб миллий стандарт сифатида қабул қилинади”;

3-боб номланишидаги “ёки давлатлараро” сўзлари чиқариб ташлансин;

18-банддаги “ҳудудий ёки давлатлараро стандартларда республикада қабул қилинмаган бошқа халқаро, минтақавий ёки давлатлараро” сўзлари “минтақавий стандартларда республикада қабул қилинмаган бошқа халқаро ёки минтақавий” сўзлари билан алмаштирилсин;

19-банддаги “ёки давлатлараро” сўзлари чиқариб ташлансин;

30-бандда:

биринчи хатбошидаги “уч ойдан кечикмай кучга киради” сўзлари “камида олтмиш кундан кейин амалга киритилади” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Амалдаги миллий стандарт ўрнига стандарт қабул қилинган тақдирда ўтиш даври назарда тутилади. Бунда амалга киритилмаган стандарт талаблари ўтиш даври мобайнида қўлланилиши мумкин”;

31-банддаги “техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг Давлат фонди таркибига” сўзлари “ягона ахборот базасига” сўзлари билан алмаштирилсин;

33–35-бандлардаги “давлатлараро,” сўзи чиқариб ташлансин;

иловада:

номланишидаги “давлатлараро,” сўзи чиқариб ташлансин;

8-босқичнинг “Муддатлар” устунидаги “уч ойдан кечикмай” сўзлари “камида олтмиш кундан кейин” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 4-иловада:

36-банддаги “давлатлараро” сўзи “минтақавий” сўзи билан алмаштирилсин;

37-бандда:

олтинчи хатбошидаги “халқаро (давлатлараро, минтақавий)” сўзлари “халқаро, минтақавий” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги ўнинчи – ўн биринчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“муҳокама қилинадиган стандарт лойиҳасида келтирилган талабларнинг техник қўмита фаолият йўналиши доирасида тўғрилиги, ишончлиги ва асослантирилганини таъминлаш;

халқаро стандартларни қабул қилишнинг мувофиқлик даражаларини аниқлаш бўйича хулосалар бериш”;

ўнинчи хатбоши ўн иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

QMMB: 09/26/472/0908-son
09.09.2026-y.

56-бандниng учинчи хатбошисидаги “халқаро (давлатлараро, минтақавий)” сўзлари “халқаро, минтақавий” сўзлари билан алмаштирилсин;

58-бандда “халқаро (давлатлараро, минтақавий)” сўзлари “халқаро, минтақавий” сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 30 январдаги 43-сон қарори билан тасдиқланган Мажбурий тартибда мувофиқлиги баҳоланиши лозим бўлган маҳсулотлар рўйхатида:

а) 46-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

46.	Автотранспорт воситалари учун хавфсиз шиша, озиқ-овқат маҳсулотлари ва дориларни қадоқлаш учун шиша идиш, емакхона ва ошхона идишлари, лаборатория, гигиеник ва фармацевтик вазифалар учун шиша идиш	7008 00, 7009 91 000 0, 7009 92 000 0, 7010, 7013, 7016 10 – 7016 90 700 9, 7017, 7019

”;

б) қуйидаги мазмундаги 91^1-банди билан тўлдирилсин:

“

91^1.	Ойналар (шиша)	7003 12 – 7003 30 000 0, 7004 20 – 7004 90, 7005 10 – 7005 30 000 0, 7006 00 100 0, 7006 00 900 0, 7007

”.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Қимматбаҳо металларни биржа савдолари ва тўғридан-тўғри шартномалар асосида сотишда заргарлик соҳасида иш ўринларини яратган тадбиркорлик субъектларига чегирмалар бериш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2024 йил 4 мартдаги 109-сон қарорида:

а) 1-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва маҳаллий заргарларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 22 декабрдаги ПҚ–452-сон ҳамда “Заргарлик соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 15 октябрдаги ПҚ–303-сон қарорларида:

а) 2029 йил 1 февралга қадар “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ ва “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ томонидан ишлаб чиқарилган қимматбаҳо металларни биржа савдолари ва тўғридан-тўғри шартномалар асосида сотишда заргарлик соҳасида 75 дан 125 тагача иш ўринларини яратган тадбиркорлик субъектларига – Лондон қимматбаҳо металлар бозори уюшмасининг эрталабки фиксинг нархининг 1 фоизи миқдорида, 125 дан 200 тагача иш ўринларини яратганларга – 2 фоизи миқдорида, 200 дан 300 тагача иш ўринларини яратганларга – 3 фоизи миқдорида, 300 та ва ундан ортиқ иш ўринларини яратганларга – 4 фоизи миқдорида чегирма бериш жорий этилгани;

QMMB: 09/26/472/0908-son
09.09.2026-y.

б) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда “Ўзбекзаргарсаноати” уюшмаси билан биргаликда заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларининг рўйхатини ва улар томонидан яратилган заргарлик соҳасидаги иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар “Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси” АЖ, “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ ҳамда “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖга киритиб борилиши ва янгилаб борилиши;

в) чегирмалардан фойдаланадиган заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларининг рўйхати (кейинги ўринларда – рўйхат) қуйидаги мезонларни инобатга олган ҳолда шакллантирилиши:

заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектлари томонидан яратилган иш ўринлари сони;

яратилган иш ўринларига ишга қабул қилинган ходимлар билан белгиланган тартибда меҳнат шартномаси тузилганлиги, уларга камида олти ой давомида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг тўрт бараваридан кам бўлмаган миқдорда иш ҳақи ҳисобланган ҳамда ушбу ҳолат солиқ органлари томонидан тасдиқланган;

заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларида юқори қўшилган қийматли заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган моддий-техника базаси, ускуналар ва бошқа техника воситалари, шунингдек, заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш бўйича белгиланган талабларга жавоб берадиган ишлаб чиқариш майдонлари ва шароитларининг мавжудлиги;

тадбиркорлик субъекти заргарлик марказида камида бир ой давомида фаолият юритаётган бўлиши;

г) Қимматбаҳо металларни биржа савдоларида сотишда чегирмалар бериш учун заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларининг рўйхатини шакллантириш ва юритиш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланиши белгиланган маълумот учун қабул қилинсин”;

б) 2-банднинг бешинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

в) 3-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

г) қарорга 1-илова билан тасдиқланган Қимматбаҳо металларни биржа савдоларида сотишда чегирмалар бериш учун заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларининг рўйхатини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомда:

2-банднинг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Комплаенс назорат хизмати - Иқтисодиёт ва молия вазирининг комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат бўйича ўринбосари”;

4-банддаги “ишлаб чиқилади ва Комиссия томонидан” сўзлари чиқариб ташлансин;

7-бандда:

учинчи хатбошидаги “бир” сўзи “тўрт” сўзи билан алмаштирилсин;

QMMB: 09/26/472/0908-son
09.09.2026-y.

қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“заргарлик марказида камида бир ой давомида фаолият юритиши тўғрисида маълумот”;

олтинчи хатбоши еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

9-бандниng “в” кичик банди қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“тадбиркорлик субъекти заргарлик марказида камида бир ой давомида фаолият олиб бориши”;

10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“10. Ваколатли орган:

ҳар ойнинг 10-санасига қадар тадбиркорлик субъектларининг аризаларини ва улар юзасидан тегишли ташкилотларнинг хулосалари асосида тадбиркорлик субъектларининг рўйхатини шакллантириб, келишиш учун Комплаенс назорат хизматига киритади;

ҳар ойнинг 15-санасига қадар Комплаенс назорат хизмати билан келишилган тадбиркорлик субъектларининг рўйхатини “Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси” АЖ, “Тошкент товар хомашё биржаси” АЖ, “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ ҳамда “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖга киритилади”;

11-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

12-банддаги “Комиссия томонидан маъқулланган” сўзлари чиқариб ташлансин;

16-банддаги “Комиссия” сўзи “Комплаенс назорат хизмати” сўзлари билан алмаштирилсин;

18-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

д) Қимматбаҳо металларни биржа савдоларида сотишда чегирмалар бериш учун заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларининг рўйхатини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга 1-иловада:

“Тадбирлар” устунининг “2-босқич” бўлимидаги “Тадбиркорлик субъектларига тақдим этилган имтиёзларнинг тўғри қўлланилишини мувофиқлаштириш бўйича Комиссияга маъқуллаш учун” сўзлари “Иқтисодиёт ва молия вазирининг комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат бўйича ўринбосарига келишиш учун” сўзлари билан алмаштирилсин;

“Субъектлар” устунининг “3-босқич” бўлимидаги “Комиссия” сўзи “Иқтисодиёт ва молия вазирининг комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат бўйича ўринбосари” сўзлари билан алмаштирилсин;

“Тадбирлар” устунининг “3-босқич” бўлимидаги “маъқуллайди” сўзи “келишади” сўзи билан алмаштирилсин;

“Тадбирлар” устунининг “4-босқич” бўлимидаги “Комиссия томонидан маъқулланган” сўзлари “Иқтисодиёт ва молия вазирининг комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат бўйича ўринбосари билан келишилган” сўзлари билан алмаштирилсин;

QMMB: 09/26/472/0908-son
09.09.2026-y.

“Тадбирлар” устунининг “5-босқич” бўлимидаги “Комиссия томонидан маъқулланган” сўзлари “Иқтисодиёт ва молия вазирининг комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат бўйича ўринбосари билан келишилган” сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) қарорга 2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Стандартлаштириш фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2024 йил 30 мартдаги 177-сон қарорида:

а) 2-иловада:

5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5. Ягона ахборот базаси стандартларнинг электрон вариантларини ўз ичига олувчи қуйидаги платформалардан ташкил топади:

миллий стандартлар базаси – халқаро стандартларни адаптация (мослаштириш) қилиш орқали қабул қилинган миллий стандартлар ва миллий техник қўмиталар томонидан ишлаб чиқилган ҳамда стандартлаштириш бўйича миллий орган томонидан тасдиқланган миллий стандартлар тўғрисидаги маълумот;

стандартлар каталоги – халқаро, минтақавий, хорижий мамлакатларнинг стандартлари, шунингдек, бошқа тоифадаги стандартлар, стандартлаштиришга оид ҳужжатлар ҳамда улар ҳақидаги маълумотлар мажмуаси”;

9-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Стандартларнинг расмий рўйхати миллий стандартлар базасида мавжуд стандартлар асосида шакллантирилади ҳамда юритилади”;

15-банддаги “, хорижий мамлакатларнинг стандартларини” сўзлари “стандартларни” сўзи билан алмаштирилсин;

18-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“18. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида назорат инспекцияси назорат давомида айнан Стандартлар институтининг расмий веб-сайтидан олинган стандартлардан фойдаланишни назорат қилади”;

б) 4-иловада:

2-банд қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“таълим ташкилотлари – техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология, мувофиқликни баҳолаш, шунингдек, ветеринария, карантин ва санитария соҳалари мутахассисларининг малакасини ошириш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахс”;

4-бандниг иккинчи хатбошисидаги “(институт биносида)” сўзлари чиқариб ташлансин;

5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5. Мутахассисларнинг малакасини ошириш дастурлари таълим ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади”;

QMMB: 09/26/472/0908-son
09.09.2026-y.

6-банд “Стандартлар институти” сўзларидан кейин “ёки таълим ташкилотлари” сўзлари билан тўлдирилсин;

7-банддаги “Ўзбекистон стандартлар институтида” сўзлари “Ўзбекистон стандартлар институти ёки таълим ташкилотларида” сўзлари билан алмаштирилсин;

8-бандning биринчи хатбошиси “Стандартлар институти директорига” сўзларидан кейин “ёки таълим ташкилоти раҳбарига” сўзлари билан тўлдирилсин;

9-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

12-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“12. Ишга қабул қилинган мутахассис бир йилдан сўнг Стандартлар институти ёки таълим ташкилотларида малакасини оширганидан сўнг Стандартлар институтида аттестациядан ўтказилиши шарт.

Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология, мувофиқликни баҳолаш, шунингдек, ветеринария, карантин ва санитария соҳалар билан боғлиқ соҳаларда аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномага эга бўлган шахслар мазкур гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугашига икки ойдан кам бўлмаган муддатда Стандартлар институти ёки таълим ташкилотларида қайтадан малакаси оширилиб, Стандартлар институтида қайта аттестациядан ўтказилади”;

13-бандning учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида назорат инспекцияси назорат давомида мутахассислар аттестациядан ўтганлиги талабининг бажарилишини ҳам ўрганади”;

15-бандning учинчи – тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Стандартлар институти директорининг ўринбосари (Малака ошириш фаолиятига алоқадор бўлмаган) лавозими бўйича аттестация комиссиясининг раиси ҳисобланади.

Аттестация комиссияси таркибига келишувга кўра Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ва Стандартлар институтининг комплаенс назорати хизмати ходимлари, мутахассислари, малакали профессор-ўқитувчилар, баҳоловчилар, экспертлар, малакаси баҳоланаётган ташкилотнинг соҳа мутахассислари киритилади, бунда айни бир мутахассиснинг малакаси оширилишида иштирок этган комиссия аъзоси ушбу ходимнинг аттестациясига киритилмайди”;

17-бандда:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи – олтинчи хатбошилар тегишлича учинчи – бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Аттестациядан ўтказиш ва аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномани олиш учун БҲМнинг 1,5 баравари миқдорида ҳақ ундирилади”;

26-баднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

QMMB: 09/26/472/0908-son
09.09.2026-y.

“Ташкилотлар аттестация саволлари таркибига ўз таклифларини беришлари мумкин. Саволлар Стандартлар институти томонидан тасдиқланади ва манфаатдор томонлар танишиши учун ўзининг расмий веб сайтида жойлаштирилади”;

27-бандда:

иккинчи хатбошидаги “унинг” сўзи чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Кейинги ҳар бир қайта аттестация учун 17-бандда кўрсатилган миқдорда ҳақ ундирилади”;

28-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“28. Аттестациядан муваффақиятли ўтган талабгорларнинг 3-иловага мувофиқ шакл бўйича гувоҳномалари беш кун муддатда “Техник тартибга солиш” миллий ахборот тизими базасидаги ягона реестрга киритилади.

Талабгор аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномасини ўзининг шахсий кабинетидан олиши мумкин”;

29-бандниng биринчи хатбошисидаги “бир ой ўтгач,” сўзлари “бошлаб” сўзи билан алмаштирилсин;

6-боб ўз кучинчи йўқотган деб ҳисоблансин;

37-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“37. Стандартлар институти техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология, мувофиқликни баҳолаш билан боғлиқ соҳалар мутахассисларининг малакаси оширилганлиги ва аттестациядан ўтганлиги тўғрисидаги ахборот киритилган реестрни (кейинги ўринларда – Реестр) юритади.

Реестр электрон шаклда “Техник тартибга солиш” миллий ахборот тизими орқали юритилади”;

38-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

39-бандниng саккизинчи хатбошисидаги “ҳамда дубликат бериш” сўзлари чиқариб ташлансин;

41–42-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

43-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“43. Аттестациядан муваффақиятли ўтган мутахассиснинг гувоҳномасида унинг фамилияси, исми ёки отасининг исми ўзгарган тақдирда, ташкилотнинг ёки ўзининг аризасига асосан аттестация комиссияси томонидан “Техник тартибга солиш” миллий ахборот тизими базасидаги ягона реестрдаги гувоҳномага ўзгартириш киритилади”;

47-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“47. Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология, мувофиқликни баҳолаш, шунингдек, ветеринария, карантин, санитария ва улар билан боғлиқ соҳалар мутахассислари аттестациядан ўтказилади Стандартлар институти томонидан аттестациядан ўтказилади. Соҳа бўйича функциялари мулкчилик шаклидан қатъи назар, бошқа ташкилотларда аттестациядан ўтказишга йўл қўйилмайди”;

QMMB: 09/26/472/0908-son
09.09.2026-y.

2-иловада “Ўзбекистон Республикаси давлат герби тасвири” ҳамда “Ўзбекистон стандартлар институтида” сўзлари чиқариб ташлансин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 14 августдаги 502-сон қарори билан тасдиқланган Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 1-бандда:

иккинчи хатбоши “техник регламентларда” сўзларидан кейин “ва стандартларда (ихтиёрий)” сўзлари билан тўлдирилсин;

учинчи хатбоши “мажбурий” сўзидан кейин “ва ихтиёрий” сўзлари билан тўлдирилсин;

б) 93-банд қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“3А схема – айнан бир хил товарларга битта ташқи савдо шартномаси (контракти) доирасида келтирилган маҳсулотни (транспорт воситаларидан ташқари) сертификатлаштиришда мувофиқлик сертификати бир календарь йилдан ошмаган муддатга бир маротаба тақдим этишда қўлланилади ва сертификатланган маҳсулотларнинг мувофиқлик белгиси билан (импорт қилинган маҳсулотлар ариза берувчига қулай шаклда) тамғаланишини таъминлайди”;

бешинчи – ўнинчи хатбошилар тегишлича олтинчи – ўн биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 21 майдаги 325-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет ташкилотларининг харажатларини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 12-бандида:

иккинчи хатбошидаги “ва Истиқболли кадрларни тайёрлаш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармасида камида 25 фоизи” сўзлари “, Истиқболли кадрларни тайёрлаш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармасида, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида назорат инспекциясида камида 25 фоизи” сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги “соғлиқни сақлаш тизимидаги барча давлат тиббиёт муассасаларида 75 фоиз” сўзлари “соғлиқни сақлаш тизимидаги барча давлат тиббиёт муассасаларида, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида назорат инспекциясида” сўзлар билан алмаштирилсин.

QMMB: 09/26/472/0908-son
09.09.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил 7 сентябрдаги 472-сон қарорига
4-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб ҳисобланаётган айрим қарорлари РЎЙХАТИ

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2004 йил 6 июлдаги 318-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” 2005 йил 12 августдаги 196-сон қарорига 2-илованинг 43-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2007 йил 18 майдаги 104-сон қарори.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда рухсатномалар олиш тартиботларини такомиллаштириш ва соддалаштириш тўғрисида” 2009 йил 10 июндаги 158-сон қарори.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Сертификатлаштириш тартиботларини ва сифат менежменти тизимларини жорий этишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 28 апрелдаги 122-сон қарори 5-бандининг иккинчи хатбошиси ва қарорга 7-илова.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида” 2012 йил 18 июлдаги ПФ–4455-сон Фармони)” 2012 йил 31 июлдаги 232-қарорига илованинг 6-банди.

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2012 йил 16 июлдаги ПФ–4453-сон Фармони)” 2012 йил 1 ноябрдаги 313-сон қарорига 1-илованинг 66-банди.

8. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 30 апрелдаги ЎРҚ-352-сон Қонуни)” 2014 йил 3 мартдаги 45-сон қарорига 1-илованинг 19-банди.

QMMB: 09/26/472/0908-son
09.09.2026-y.

9. Вазирлар Маҳкамасининг ““Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2015 йил 14 октябрдаги 292-сон қарорига 3-илованинг 2-банди.

10. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари ўқув хоналарининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 10 майдаги 265-сон қарори.

11. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўқув асбоб-ускуналари ва анжомларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 2 июндаги 345-сон қарори.

12. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 28 апрелдаги ПҚ–2935-сон қарори)” 2017 йил 2 июндаги 348-сон қарорига илованинг 5-банди.

13. Вазирлар Маҳкамасининг “Ветеринария дори воситалари ва озуқа қўшимчаларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 11 ноябрдаги 905-сон қарори.

14. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 17 апрелдаги ПФ–5418-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 17 апрелдаги ПҚ–3671-сон қарори, “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 17 апрелдаги ПҚ–3672-сон қарори)” 2018 йил 7 декабрдаги 995-сон қарорига 1-илованинг 40-банди.

15. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг Ўзбекистон стандартлар институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2019 йил 14 мартдаги 220-сон қарорининг 1-банди иккинчи хатбошиси ва қарорга 1-илова ҳамда 3-илованинг 11-15-бандлари.

16. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2019 йил 21 майдаги ПФ–5723-сон Фармони)” 2019 йил 28 декабрдаги 1046-сон қарорига илованинг 52-банди.

QMMB: 09/26/472/0908-son
09.09.2026-y.

17. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 27 июндаги 532-сон қарорига 5-илованинг 7-банди.

18. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда маъмурий тартиб-таомилларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 23 апрелдаги ПҚ–4297-сон қарори)” 2019 йил 18 сентябрдаги 787-сон қарорига илованинг 2-банди.

19. Вазирлар Маҳкамасининг “Экологик хавфсизлик тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида” 2020 йил 18 февралдаги 95-сон қарори.

20. Вазирлар Маҳкамасининг “Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сон қарори билан тасдиқланган Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2020 йил 20 майдаги 302-сон қарори.

21. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида давлат бошқарувини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” 2021 йил 2 июндаги ПФ–6240-сон ва “Ҳудудларнинг саноат салоҳиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 9 июндаги ПФ–6244-сон фармонлари)”2021 йил 16 ноябрдаги 683-сон қарорига илованинг 2-банди.

22. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 25 июлдаги ПФ–6035-сон Фармони)” 2021 йил 19 ноябрдаги 694-сон қарорига 1-илованинг 12-банди.

23. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги тўғрисидаги ва Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасида давлат назорати департаменти тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2022 йил 11 мартдаги 114-сон қарорига 3-илованинг 7, 16, 18-бандлари ҳамда 22-банди “а” ва “б” кичик бандлари.

QMMB: 09/26/472/0908-son
09.09.2026-y.

24. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида” 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ-682-сон Қонуни)” 2022 йил 4 апрелдаги 153-сон қарорига илованинг 119 ва 788-бандлари.

25. Вазирлар Маҳкамасининг “Таълим муассасалари учун матбаа маҳсулотлари хавфсизлиги талабларини белгилашнинг техник регламентини тасдиқлаш тўғрисида” 2022 йил 28 декабрдаги 726-сон қарори.

26. Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ветеринария назорати соҳасидаги рухсат этиш хусусиятига эга айрим ҳужжатларни бериш тартиби тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 10 апрелдаги 148-сон қарорига 3-илованинг 2-банди.

27. Вазирлар Маҳкамасининг “Замонавий талаблар ва жамият эҳтиёжларига жавоб берадиган янги ўқув режалари, дастурлари ва ўқув-методик адабиётларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга киритиш муносабати билан Таълим муассасалари учун матбаа маҳсулотлари хавфсизлиги талабларини белгилашнинг умумий техник регламентига ўзгартиришлар киритиш ҳақида” 2023 йил 20 майдаги 209-сон қарори.

28. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилиги Жаҳон савдо ташкилоти битимларига уйғунлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” 2023 йил 21 августдаги 407-сон қарорига илованинг 4-банди.

29. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида” 2024 йил 25 мартдаги 153-сон қарорига 3-илованинг 6-банди.

30. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ва унинг тизимидаги ташкилотлари фаолиятини самарали йўлга қўйиш чоралари тўғрисида” 2024 йил 1 июлдаги 370-сон қарорига 3-илованинг 3-банди “е” кичик банди.

31. Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳсулотларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва мувофиқликни баҳолаш тартибларига оид низомларни тасдиқлаш тўғрисида” 2024 йил 14 августдаги 502-сон қарорига 6-илованинг 1-банди.

32. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2025 йил 21 октябрдаги 662-сон қарорига 1-илованинг 3-банди.

QMMB: 09/26/472/0908-son
09.09.2026-y.

33. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2025 йил 24 ноябрдаги 740-сон қарорига 1-илованинг 20-банди.



36 (1264)-son
917-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 7 » sentabr № 473 Toshkent sh.

Жамоат саломатлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида трансмиллий наркотаҳдидларга қарши курашиш мавзусидаги халқаро форум якунлари бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш тўғрисида

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, миллат генофондини асраш, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ уюшган жиноятчилик ҳамда трансмиллий наркотаҳдидларга қарши курашиш самарадорлигини илмий ёндашувлар асосида янада ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. 2026 йил 20-21 апрель кунлари Самарқанд шаҳрида Жамоат саломатлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида трансмиллий наркотаҳдидларга қарши курашиш мавзусидаги халқаро форум ўтказилгани **маълумот учун қабул қилинсин**.

2. Жамоат саломатлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида трансмиллий наркотаҳдидларга қарши курашиш мавзусидаги Самарқанд халқаро форумида илгари сурилган ташаббуслар ҳамда Олий ва юқори даражада ўтказилган учрашувларда эришилган келишувларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси (кейинги ўринларда – чора-тадбирлар режаси) **иловага мувофиқ** тасдиқлансин.

3. Чора-тадбирлар режасида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини таъминлаш ҳамда аниқ натижаларга эришиш юзасидан масъулият давлат органлари ва идораларининг шахсан биринчи раҳбарлари зиммасига юклансин.

4. Масъул давлат органлари ва идоралари **ҳар ойнинг якунида** чора-тадбирлар режасининг ижроси юзасидан ҳисоботларни Наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат қилиш агентлигига киритиб борсин.

5. Белгилансинки, Наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат қилиш агентлиги:

чора-тадбирлар режасида назарда тутилган топшириқларнинг изчил, сифатли ва ўз вақтида амалга оширилишини доимий равишда ва қатъий назорат қилиб боради;

ҳар ойнинг якунида масъул давлат органлари ва идоралар раҳбарларининг чора-тадбирлар режасида белгиланган устувор вазифаларнинг соҳалар кесимида ижроси юзасидан ҳисоботларини эшитади, натижадорлиги бўйича танқидий муҳокамалар ўтказади;

ҳар чоракда чора-тадбирлар режасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар ва эришилган аниқ натижалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб боради.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат қилиш агентлиги директори вазифасини вақтинча бажарувчи Ф.Хасанов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил "7" сентябрдаги 473-сон қарорига
илова

Жамоат саломатлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида трансмиллий наркотаҳдидларга қарши курашиш мавзусидаги Самарқанд халқаро форумида илгари сурилган ташаббуслар ҳамда Олий ва юқори даражада ўтказилган учрашувларда эришилган келишувларни амалга ошириш бўйича

ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ

(2026 йил 20-21 апрель, Самарқанд ва Тошкент шаҳарлари)

Т/р	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул вазирлик ва идоралар
Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуслари бўйича чора-тадбирлар жадвали				
1.	Марказий Осиё минтақавий ахборотларни мувофиқлаштириш маркази (МОМАММ) негизида тезкор маълумот алмашишга мўлжалланган Ягона минтақавий рақамли мониторинг платформасини яратиш.	1. МОМАММ иштирокчи давлатлари вакиллари ва донорлар билан музокаралар ўтказиш. 2. Платформа концепциясини яратиш. 3. Хусусий сектор вакилларини жалб қилган ҳолда платформани ишлаб чиқиш. 4. Платформани ишга тушириш.	2027 йил февраль 2027 йил апрель 2027 йил сентябрь 2027 йил ноябрь	Наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат қилиш агентлиги *(Ф.Хасанов)*, Ички ишлар вазирлиги *(А.Ташпулатов)*, Давлат хавфсизлик хизмати *(Б.Турсунов)*, Божхона қўмитаси *(А.Мавлонов)*, тегишли вазирлик ва идоралар
2.	Наркожиноятлардан олинган даромадларни легаллаштиришга алоқадор шубҳали молиявий операцияларни блоклаш бўйича "Халқаро рақамли қора код" тизимини ишлаб чиқиш ва синов тариқасида ишга тушириш.	1. Тизим концепциясини ишлаб чиқиш. 2. Евроосиё жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш гуруҳи (ЕАГ), БМТ НЖБ ва бошқа соҳа ташкилотлари ҳамда давлатлар билан музокаралар ўтказиш. 3. Ташаббус қўллаб-қувватланган тақдирда, ишга тушириш муддатларини белгилаш.	2027 йил апрель 2027 йил сентябрь 2028 йил октябрь	Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти *(Ж.Хатамов)*, Ички ишлар вазирлиги (*А.Ташпулатов*), Давлат хавфсизлик хизмати (*Б.Турсунов*), Марказий банк *(Т.Ишметов)*, Божхона қўмитаси *(А.Мавлонов)*, Наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат қилиш агентлиги *(Ф.Хасанов)*, Ташқи ишлар вазирлиги *(Б.Саидов)*, тегишли вазирлик ва идоралар

Т/р	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул вазирлик ва идоралар
3.	Марказий Осиё наркологлар ассоциациясини тузиш.	1. Ассоциация концепциясини ишлаб чиқиш *(мақсадлари, тузилмаси ва молиялаштириш манбаларини белгилаш)*. 2. Марказий Осиё давлатларининг соҳавий идоралари билан музокаралар ўтказиш. 3. Ассоциациянинг биринчи йиғилишини Ўзбекистонда ўтказиш чораларини кўриш. 4. Лойиҳага донорлик маблағларини жалб қилиш.	2026 йил октябрь 2027 йил май 2027 йил август Доимий	Соғлиқни сақлаш вазирлиги *(Э.Адилов)*, Наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат қилиш агентлиги *(Ф.Хасанов)*, Ташқи ишлар вазирлиги *(Б.Саидов)*, тегишли вазирлик ва идоралар
4.	Республикада гиёҳвандлик воситалари истеъмоли *(латент)* тарқалганлик ҳолатини аниқлаш бўйича эпидемиологик тадқиқот ўтказиш.	1. Лойиҳа концепциясини ишлаб чиқиш. 2. Лойиҳани амалга оширишга масъул бўлган ишчи гуруҳини шакллантириш. 3. Лойиҳага донорлик маблағларини жалб қилиш. 4. Лойиҳани амалга ошириш.	2026 йил октябрь 2026 йил ноябрь 2027 йил март 2027 йил сентябрь	Соғлиқни сақлаш вазирлиги *(Э.Адилов)*, “Ижтимоий фикр” ННТ *(Н.Рахимова)*, Наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат қилиш агентлиги *(Ф.Хасанов)*, тегишли вазирлик ва идоралар
5.	МОМАММ фаолиятини такомиллаштириш ва Ўзбекистоннинг раислигини самарали ташкил этиш мақсадида ташкилотга Туркия давлатини аъзо сифатида, Афғонистон давлатини кузатувчи сифатида қўшиш чораларини кўриш.	1. Мазкур масала бўйича томонлар билан музокаралар олиб бориш. 2. Туркия ва Афғонистонга МОМАММ орқали таклиф йўллаш. 3. Миллий мувофиқлаштирувчилар кенгашида Туркияни ташкилотга қўшиш ва Афғонистонни кузатувчи сифатидаги мақомини тиклаш чораларини кўриш.	2026 йил октябрь 2027 йил апрель 2027 йил сентябрь	Наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат қилиш агентлиги *(Ф.Хасанов)*, Ташқи ишлар вазирлиги *(Б.Саидов)*, Ички ишлар вазирлиги *(А.Ташпулатов)*, Давлат хавфсизлик хизмати *(Б.Турсунов)*, Божхона қўмитаси *(А.Мавлонов)*, тегишли вазирлик ва идоралар
6.	Ўзбекистон Республикасининг уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўйича 2027-2031 йилларга мўлжалланган миллий стратегиясини ишлаб чиқиш.	1. Идоралараро ишчи гуруҳни тузиш. 2. Миллий стратегия лойиҳасини ишлаб чиқиш. 3. Илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш. 4. Стратегияни тасдиқлаш ва ижрога қаратиш.	2026 йил сентябрь 2026 йил сентябрь 2026 йил октябрь 2026 йил ноябрь	Наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат қилиш агентлиги *(Ф.Хасанов)*, Ички ишлар вазирлиги *(А.Ташпулатов)*, Давлат хавфсизлик хизмати *(Б.Турсунов)*,

Т/р	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул вазирлик ва идоралар
				Божхона қўмитаси *(А.Мавлонов)*, Бош прокуратура *(Н.Йўлдошев)*, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти *(Ж.Хатамов)*, тегишли вазирлик ва идоралар
Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) бош директори билан олий даражадаги музокаралар якуни бўйича				
7.	БМТ Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўпшериклик траст фонди иккинчи босқичида ЖССТнинг фаол иштирокини таъминлаш.	1. ЖССТ билан Оролбўйи минтақасида янги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича музокаралар ўтказиш. 2. Оролбўйи минтақасида ҳаво ифлосланишининг саломатликка таъсирини баҳолаш бўйича қўшма дастур ишлаб чиқиш. 3. ЖССТ мутахассислари иштирокида Оролбўйи минтақасида тренинглар ва ўқув дастурларини ташкил этиш.	2026 йил ноябрь 2027 йил март 2027 йил август	Соғлиқни сақлаш вазирлиги *(Э.Адилов)*, Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси *(А.Абдухакимов)*, Гидрометеорология хизмати агентлиги *(Ш.Хабибулаев)*, Ташқи ишлар вазирлиги *(Б.Саидов)*, тегишли вазирлик ва идоралар
8.	ЖССТ кўмагида 2028 йил якунига қадар фармацевтика соҳасидаги тартибга солиш тизимининг “етуклик даражаси”га эришиш.	1. Селф-бенчмаркинг *(ўзини ўзи баҳолаш)* жараёнидан ўтиш. 2. Селф-бенчмаркинг натижаларини ЖССТнинг Глобал бенчмаркинг воситаси гуруҳига юбориш ва ЖССТ томонидан кўриб чиқиш. 3. ЖССТ экспертларининг Ўзбекистонга ташрифини ташкил этиш. 4. ЖССТ экспертлари тавсияларига кўра тартибга солиш тизими фаолиятини такомиллаштириш бўйича ЖССТ хулосасини олиш. 5. Ташкилот экспертларининг Ўзбекистонга навбатдаги ташрифини ташкил этиш ҳамда расмий бенчмаркингни амалга ошириш.	2026 йил октябрь 2027 йил март Келишилган муддатларда 2028 йил май Келишилган муддатларда	Соғлиқни сақлаш вазирлиги *(Э.Адилов)*, Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази (А.Темиров), Ташқи ишлар вазирлиги *(Б.Саидов)*, тегишли вазирлик ва идоралар

Т/р	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул вазирлик ва идоралар
		6. Баҳолаш натижаларига кўра тегишли даражани олиш.	2028 йил декабрь	
9.	ЖССТ Европа минтақавий қўмитасининг сессияларидан бирини Ўзбекистонда ўтказиш.	1. ЖССТ ваколатхонаси билан биргаликда расмий аризани тайёрлаш ва келишиш. 2. ЖССТ Европа минтақавий қўмитаси сессиясига мезбонлик қилиш бўйича расмий аризани белгиланган тартибда ЖССТга топшириш. 3. Ўзбекистоннинг тадбирга мезонлик қилиши юзасидан ЖССТ Ижроия кенгашига аъзо давлатлар билан сиёсий-дипломатик чора-тадбирларни амалга ошириш. 4. Сессиянинг ўтказилиш санаси ва жойини белгилаш. 5. ЖССТ Европа минтақавий қўмитаси сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг фармойишини ишлаб чиқиш. 6. Сессиянинг дастлабки дастури, кун тартиби ва унинг доирасида тадбирлар жадвалини ишлаб чиқиш. 7. Тадбир иштирокчилари рўйхатини шакллантириш. 8. Тадбирни юқори савияда ўтказиш.	2026 йил сентябрь Келишилган муддатларда Келишилган муддатларда Келишилган муддатларда Тадбирдан 6 ой олдин Тадбирдан 3 ой олдин Тадбирдан 1 ой олдин Келишилган муддатларда	Соғлиқни сақлаш вазирлиги *(Э.Адилов)*, Ташқи ишлар вазирлиги *(Б.Саидов)*, тегишли вазирлик ва идоралар
10.	Болалар саратони бўйича халқаро академик хаб негизида Саратонни ўрганиш халқаро агентлиги (IARC) билан ҳамкорликда минтақавий илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш.	1. Саратонни ўрганиш халқаро агентлиги билан Марказни ташкил этиш юзасидан ЖСТ билан музокаралар ўтказиш. 2. Марказ концепцияси ва техник-иқтисодий асосини ишлаб чиқиш, Саратонни ўрганиш халқаро агентлиги билан ҳужжатларни мувофиқлаштириш. 3. Саратонни ўрганиш халқаро агентлиги билан Марказни ташкил этиш бўйича меморандум имзолаш. 4. Марказ фаолиятини йўлга қўйиш, илмий-тадқиқот базасини шакллантириш.	2026 йил октябрь 2027 йил март 2027 йил сентябрь 2027 йил ноябрь	Соғлиқни сақлаш вазирлиги *(Э.Адилов)*, Ташқи ишлар вазирлиги *(Б.Саидов)*, тегишли вазирлик ва идоралар

Т/р	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул вазирлик ва идоралар
11.	Тиббиёт фанини ривожлантиришга қўшган улкан ҳисса учун Ибн Сино номидаги ЖССТ халқаро мукофотини таъсис этиш.	1. ЖССТ билан биргаликда Мукофот концепциясини ишлаб чиқиш ва келишиш. 2. Мукофот Ташкилий қўмитаси ва ҳакамлар ҳайъати таркибини шакллантириш. 3. Мукофотни таъсис этиш ва уни ЖССТ доирасида кенг тарғиб қилиш. 4. Мукофотнинг биринчи давраси ғолибларини тақдирлаш маросимини Ўзбекистонда ўтказиш.	2026 йил ноябрь 2027 йил январь 2027 йил май 2028 йил июнь	Соғлиқни сақлаш вазирлиги *(Э.Адилов)*, Ташқи ишлар вазирлиги *(Б.Саидов)*, тегишли вазирлик ва идоралар
12.	Синтетик наркотиклар истеъмол қилган беморларни даволаш, реабилитация ва реинтеграция қилиш бўйича миллий клиник протоколларни ишлаб чиқиш.	1. Миллий клиник протокол ишлаб чиқиш бўйича ЖССТ ва БМТ НЖБ шафелигида ишчи гуруҳ ташкил этиш. 2. Донорларни жалб қилган ҳолда олимлар иштирокида тадқиқотлар олиб бориш. 3. Тадқиқотлар натижасида эришилган натижалар асосида протокол ишлаб чиқиш. 4. Протоколларни синовдан ўтказиш. 5. Самарали деб топилган ва муваффақиятли ишлаб чиқилган миллий клиник протоколларни Республика бўйича ягона стандарт сифатида тақдим этиш чорасини кўриш.	2026 йил ноябрь 2027 йил июнь 2028 йил март 2028 йил август 2028 йил ноябрь	Соғлиқни сақлаш вазирлиги *(Э.Адилов)*, Ташқи ишлар вазирлиги *(Б.Саидов)*, тегишли вазирлик ва идоралар
13.	ЖССТ кўмагида Марказий Осиё давлатлари соғлиқни сақлаш тизимини рақамли трансформация қилиш, сунъий интеллект технологияларини жорий этиш бўйича минтақавий офис ташкил этиш.	1. Вазирлик ва идоралараро ишчи гуруҳ тузиш ҳамда соғлиқни сақлаш тизимини рақамли трансформация қилиш, сунъий интеллект технологияларини жорий этиш бўйича концепция лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2. Марказий Осиё давлатлари ўртасида Концепция лойиҳасини келишиш. 3. ЖССТ иштирокида концептуал келишув битим лойиҳасини тайёрлаш.	2026 йил сентябрь 2026 йил октябрь 2026 йил декабрь	Соғлиқни сақлаш вазирлиги *(Э.Адилов)*, Рақамли технологиялар вазирлиги *(Ш.Шерматов)*, Ташқи ишлар вазирлиги *(Б.Саидов)*, Адлия вазирлиги *(А.Ташкулов)*, тегишли вазирлик ва идоралар

Т/р	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул вазирлик ва идоралар
		4. Минтақавий офис ташкил этиш бўйича Ҳукумат қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш, бунда минтақавий офис мақомини белгилаш ва офис бинолари, IT-инфратузилмани тайёрлашни белгилаш. 5. Минтақавий офиси раҳбарини тайинлаш, ЖССТ ҳамда тиббиёт муассасаларининг тажрибали мутахассисларини жалб қилиш.	2027 йил февраль 2027 йил апрель	
Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси билан музокаралар якунлари бўйича ташаббуслар				
14.	БМТ НЖБнинг Марказий Осиё давлатлари учун 2027-2030 йилларга мўлжалланган дастурига тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.	1. Амалдаги 2027 йилгача мўлжалланган минтақавий дастурни муваффақиятли якунлаш ва натижадорлигини баҳолаш. 2. БМТ НЖБ билан ҳамкорликда янги дастур учун стратегик устувор вазифаларни ишлаб чиқиш.	2026 йил ноябрь 2027 йил май	Ташқи ишлар вазирлиги *(Б.Саидов)*, Наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат қилиш агентлиги *(Ф.Хасанов)*, Соғлиқни сақлаш вазирлиги *(Э.Адилов)*, тегишли вазирлик ва идоралар
15.	БМТ НЖБнинг вояга етмаганларда гиёҳвандлик воситалари истеъмолига қарши иммунитетни шакиллантириш бўйича “CHAMPS” дастурининг иккинчи фазасини амалга ошириш.	1. Лойиҳани амалга ошириш бўйича БМТ НЖБ вакиллари билан музокара олиб бориш. 2. Лойиҳани амалга ошириш бўйича ишчи гуруҳ тузиш. 3. Лойиҳани молиялаштириш бўйича донорларни жалб этиш. 4. “CHAMPS”нинг 2-фазасини амалга ошириш.	2026 йил сентябрь 2026 йил ноябрь 2027 йил апрель 2027 йил август	Наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат қилиш агентлиги *(Ф.Хасанов)*, Ташқи ишлар вазирлиги *(Б.Саидов)*, Соғлиқни сақлаш вазирлиги *(Э.Адилов)*, тегишли вазирлик ва идоралар
16.	БМТнинг Яқин ва Ўрта Шарқда Наркотиклар ҳамда унга алоқадор масалалар бўйича кичик қўмитасининг 58-сессиясини Ўзбекистонда ўтказиш.	1. БМТ НЖБ билан ҳамкорликда сессия концепцияси, таклифномалари ва дастурини тайёрлаш. 2. Сессияни ташкил этиш бўйича БМТ НЖБ билан молиявий битим тузиш.	2026 йил сентябрь 2026 йил сентябрь	Наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат қилиш агентлиги *(Ф.Хасанов)*, Ташқи ишлар вазирлиги *(Б.Саидов)*, Ички ишлар вазирлиги *(А.Ташпулатов)*,

Т/р	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул вазирлик ва идоралар
		3. Тадбирни юқори савияда ташкил этиш бўйича Ҳукумат фармойиши лойиҳасини ишлаб чиқиш.	2027 йил октябрь	Давлат хавфсизлик хизмати *(Б.Турсунов)*, Божхона қўмитаси *(А.Мавлонов)*, Бош прокуратура *(Н.Йўлдошев)*, тегишли вазирлик ва идоралар
17.	БМТнинг Жиноятчилик ва одил судлов бўйича конгрессларида иштирок этиш ва мезбонлик қилиш.	1. Абу-Дабидаги 15-конгрессда Ўзбекистон делегацияси иштирокини самарали ташкил этиш. 2. Жиноятчилик ва одил судлов бўйича 16-конгрессни 2031 йилда Ўзбекистонда ўтказиш бўйича таклифни илгари суриш.	2026 йил октябрь Доимий	Наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат қилиш агентлиги *(Ф.Хасанов)*, Ташқи ишлар вазирлиги *(Б.Саидов)*, Бош прокуратура *(Н.Йўлдошев)*, тегишли вазирлик ва идоралар
18.	Самарқанд декларациясини институтционаллаштириш бўйича тегишли чоралар кўриш.	1. Самарқанд декларациясини Ташқи ишлар вазирлиги орқали дунё ҳамжамиятига етказиш. 2. БМТ НЖБнинг Гиёҳвандлик воситалари бўйича комиссияси ташкилий қўмитасининг жорий йил ноябрь ойида бўлиб ўтадиган йиғилишида Самарқанд декларацияси мазмун-моҳиятини дунё ҳамжамияти эътиборига етказишга қаратилган брифинг ташкил этиш. 3. Самарқанд декларациясини илгари суриш ва халқаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш мақсадида Озарбайжон, Тожикистон ва Туркманистон давлатларига форум ташкил этиш бўйича таклиф йўллаш.	2026 йил сентябрь 2026 йил ноябрь Келишилган муддатларда	Ташқи ишлар вазирлиги *(Б.Саидов)*, Наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат қилиш агентлиги *(Ф.Хасанов)*, тегишли вазирлик ва идоралар
19.	БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига аъзо давлатлар конференциясининг 12-сессияси *(COSP 12)*ни Ўзбекистонда ўтказиш.	1. Конференцияни юқори савияда ташкил этиш бўйича Ташкилий қўмита тузиш ва “Йўл харитаси”ни тасдиқлаш. 2. БМТ НЖБ билан ҳамкорликда конференция концепцияси ҳамда дастурини ишлаб чиқиш.	2026 йил сентябрь 2026 йил ноябрь	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги *(А.Бурханов)*, Ташқи ишлар вазирлиги *(Б.Саидов)*, тегишли вазирлик ва идоралар

Т/р	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул вазирлик ва идоралар
		3. Тадбирни юқори савияда ташкил этиш бўйича Ҳукумат фармойиши лойиҳасини ишлаб чиқиш.	2027 йил май	
20.	Янги турдаги психофаол моддаларнинг ноқонуний муомаласи ва суиистеъмолидан эрта огоҳлантириш Миллий тизимини яратиш.	1. Эксперт криминалистика муассасалари ягона электрон базаси концепциясини яратиш. 2. Электрон маълумотлар базасини яратишга донорлар маблағларини жалб этиш. 3. Маълумотлар базасини Наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат қилиш агентлиги Ситуацион марказига интеграция қилиш.	2026 йил декабрь 2027 йил август 2027 йил октябрь	Наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат қилиш агентлиги *(Ф.Хасанов)*, Ички ишлар вазирлиги *(А.Ташпулатов)*, Давлат хавфсизлик хизмати *(Б.Турсунов)*, Божхона қўмитаси *(А.Мавлонов)*, Ташқи ишлар вазирлиги *(Б.Саидов)*, Адлия вазирлиги *(А.Ташкулов)*, Соғлиқни сақлаш вазирлиги *(Э.Адилов)*, тегишли вазирлик ва идоралар
21.	Наркотикларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашувчи бўлинмалар ходимларининг молиявий разведка йўналишидаги билим ва тажрибасини ошириш бўйича ҳамкорликда тадбирларни ташкил этиш.	1. БМТ Гиёҳвандлик ва жиноятчилик бўйича бошқармаси билан ҳамкорликда молиявий разведка йўналишида махсус ўқув дастурларини ишлаб чиқиш. 2. Хорижий экспертлар ва мутахассисларни жалб қилган ҳолда семинар, тренинг ва амалий машғулотлар ташкил этиш. 3. Илғор хорижий тажрибани ўрганиш мақсадида хизмат сафарлари ва стажировкаларни ташкил этиш.	2026 йил ноябрь 2027 йил апрель Келишилган муддатларда	Наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат қилиш агентлиги *(Ф.Хасанов)*, Ички ишлар вазирлиги *(А.Ташпулатов)*, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти *(Ж.Хатамов)*, тегишли вазирлик ва идоралар
Наркотик моддаларни назорат қилиш бўйича халқаро қўмита (қўмита) билан музокаралар якунлари бўйича ташаббуслар				
22.	Ўзбекистонда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар устидан ишончли давлат назоратини ўрнатиш мақсадида Қўмита билан ҳамкорликда соҳани рақамлаштириш чораларини кўриш.	1. Қўмита билан ҳамкорликда Кореянинг NIMS дастурини ўрганиш бўйича хизмат сафарини ташкил этиш.	2026 йил октябрь	Соғлиқни сақлаш вазирлиги *(Э.Адилов)*, Наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат қилиш агентлиги *(Ф.Хасанов)*,

Т/р	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул вазирлик ва идоралар
		2. Хорижий тажриба асосида “Электрон соғлиқни сақлаш” ахборот тизимларининг ягона комплексини такомиллаштириш.	2027 йил май	Ташқи ишлар вазирлиги *(Б.Саидов)*, Рақамли технологиялар вазирлиги *(Ш.Шерматов)*, тегишли вазирлик ва идоралар
23.	Халқаро наркотикларни назорат қилиш қўмитасининг Ўзбекистон Республикасига мониторинг миссиясини ташкил этиш.	1. Мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда Қўмита миссиясини ишлаб чиқиш ва келишиш. 2. Мониторинг миссияни ташкил этиш, гиёҳвандлик воситаларининг қонуний муомаласини назорат қилиш тизимини объектив баҳолаш. 3. Миссия якунлари бўйича ишлаб чиқилган амалий тавсияларни бажариш.	2026 йил ноябрь 2027 йил май 2027 йил октябрь	Соғлиқни сақлаш вазирлиги *(Э.Адилов)*, Наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат қилиш агентлиги *(Ф.Хасанов)*, Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази (А.Темиров), Ташқи ишлар вазирлиги *(Б.Саидов)*, тегишли вазирлик ва идоралар
24.	Қўмитанинг халқаро платформаларига республика мутасадди вазирлик ва идораларини улаш, шунингдек, платформалардан эркин фойдаланиш имкониятини яратиш.	1. Платформалар бўйича маълумот тайёрлаш *(PICS, GRIDS, PenOnline, IONIX, DMP)*. 2. Мазкур платформаларга уланиши мумкин бўлган вазирлик ва идора масъуллари рўйхатини шакллантириш. 3. Республика вакилларини платформаларга улаш бўйича Қўмита билан музокаралар олиб бориш. 4. Ходим ўзгарган *(бошқа лавозимга ўтиши ёки ишдан бўшаши)* вақтда хабардор қилиш ва ўрнига янги вакилни платформаларга киритиш механизмини жорий қилиш.	2026 йил сентябрь 2026 йил сентябрь 2026 йил ноябрь 2026 йил декабрь	Наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат қилиш агентлиги *(Ф.Хасанов)*, Ташқи ишлар вазирлиги *(Б.Саидов)*, тегишли вазирлик ва идоралар

Т/р	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул вазирлик ва идоралар
25.	Қўмита билан ҳамкорликда соҳа мутахассислари учун ихтисослаштирилган ўқув семинарларини ташкил этиш.	1. Қўмита билан ҳамкорликда соҳа ходимлари учун малака ошириш курслари режасини ишлаб чиқиш. 2. Режа асосида ўқув курсларини ташкил этиш.	2027 йил март 2027 йил октябрь	Наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат қилиш агентлиги *(Ф.Хасанов)*, Соғлиқни сақлаш вазирлиги *(Э.Адилов)*, Ташқи ишлар вазирлиги *(Б.Саидов)*, Божхона қўмитаси *(А.Мавлонов)*, Ички ишлар вазирлиги *(А.Ташпулатов)*, тегишли вазирлик ва идоралар
26.	Қўмитанинг Марказий Осиё давлатлари учун кучли таъсир қилувчи моддаларни назорат қилиш бўйича йўриқномасини ишлаб чиқиш.	1. Марказий Осиё давлатларининг ваколатли органлари ва Қўмита ўртасида мулоқотни ташкил этиш. 2. Қўмита билан ҳамкорликда йўриқнома лойиҳасини ишлаб чиқиш. 3. Йўриқномани Марказий Осиё давлатлари билан келишиш. 4. Қўмитанинг йиллик йиғилишида йўриқномани тасдиқлаш ва дунё ҳамжамиятига эълон қилиш.	2027 йил май 2027 йил ноябрь 2028 йил апрель 2028 йил сентябрь	Соғлиқни сақлаш вазирлиги *(Э.Адилов)*, Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази (А.Темиров), Наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат қилиш агентлиги *(Ф.Хасанов)*, Ташқи ишлар вазирлиги *(Б.Саидов)*, тегишли вазирлик ва идоралар

Изоҳ. *Чора-тадбирлар режасида белгиланган вазифалар ижроси муддатларига хориж томони билан музокаралардан келиб чиқиб, ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.*



QMMB: 09/26/474/0905-son
09.09.2026-y.

36 (1264)-son
918-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 8 » sentabr № 474 Toshkent sh.

Нодавлат суд-экспертиза ташкилотларининг суд экспертларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш ва соҳага замонавий технологияларни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 8 сентябрдаги ПҚ–270-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш ва соҳага замонавий технологияларни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 8 сентябрдаги ПҚ–270-сон қарорига мувофиқ **нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари экспертларининг касбий малакасини аниқлаш** ҳамда уларнинг мунтазам равишда билим ва кўникмаларини ошириб боришни таъминлаш мақсадида уларни **ҳар уч йилда бир маротаба аттестациядан ўтказиш** механизмини жорий қилиш белгиланган маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Нодавлат суд-экспертиза ташкилотларининг суд экспертларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом **иловага** мувофиқ тасдиқлансин:

суд экспертларини аттестациядан ўтказишни ташкил этиш;

аттестациядан ўтказиш учун тақдим этиладиган ҳужжатларини кўриб чиқиш;

аттестациядан ўтказиш натижалари бўйича якуний қарорлар қабул қилиш;

нодавлат суд-экспертиза ташкилотларининг аттестациядан ўтган суд экспертига аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномаларни бериш ҳамда уларни қайта расмийлаштириш;

нодавлат суд-экспертиза ташкилотларининг суд экспертларини аттестациядан ўтказишга доир маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш.

3. Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни **икки ой муддатда** ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазири А.Ж. Ташкулов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/474/0905-son
09.09.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил "8 сентябр"даги 474 -сон қарорига
илова

Нодавлат суд-экспертиза ташкилотларининг суд экспертларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари, шу жумладан суд-экспертлик бюроларида фаолият юритаётган суд экспертларини даврий аттестациядан ўтказиш, уларнинг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган малака талабларига мувофиқлигини аниқлаш, даврий аттестация натижаларига кўра қарор қабул қилиш ва қайта аттестациядан ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома – суд экспертининг аттестациядан муваффақиятли ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

даврий аттестация (кейинги ўринларда – аттестация) – нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари суд экспертларининг касбий малакасини аниқлаш ҳамда уларнинг мунтазам равишда билим ва кўникмаларини ошириб боришни таъминлаш мақсадида тест синовлари ҳамда суҳбат шаклида ўтказиладиган баҳолаш жараёни;

нодавлат суд-экспертиза ташкилоти – шартнома асосида фуқаролик, иқтисодий, маъмурий суд ишлари ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича суд экспертизасини ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари юзасидан тадқиқотлар ўтказишга ихтисослаштирилган нотижорат ташкилот;

суд эксперти – нодавлат суд-экспертиза ташкилотида ёки суд-экспертлик бюросида фаолият юритувчи ва маълум бир экспертиза тури юзасидан суд экспертизасини ўтказувчи суд эксперти;

суд эксперти сертификати – муайян суд экспертизаси тури бўйича нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари суд экспертининг касбий лаёқатини тасдиқловчи ҳужжат;

талабгор – нодавлат суд-экспертиза ташкилотларининг аттестациядан ўтганлик тўғрисида гувоҳномага эга бўлмаган ёхуд бундай гувоҳномасининг амал қилиш муддати тугаётган суд эксперти.

3. Суд экспертларини аттестациядан ўтказиш уларнинг ўз касбига муносиблиги даражасини холисона баҳолаш, суд экспертига қўйиладиган малака талабларига мувофиқлигини аниқлаш, шунингдек, уларнинг зиммасига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш юзасидан

масъулиятини ошириш ҳамда мунтазам равишда билим ва кўникмаларини ошириб боришини таъминлаш мақсадида амалга оширилади.

2-боб. Суд экспертларини аттестациядан ўтказишни ташкил этиш

4. Нодавлат суд-экспертиза ташкилотларининг суд экспертларини аттестациядан ўтказиш ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема асосида ташкил этилади.

5. Суд экспертлари сифатида ўз йўналиши бўйича олий маълумотга эга бўлган, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПҚ–4125-сон қарори билан тасдиқланган Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари томонидан ўтказилишига рухсат берилган суд экспертизалари турларининг рўйхатида кўрсатилган суд-экспертиза мутахассислиги бўйича қайта тайёргарликдан ўтган ҳамда суд эксперти сифатида касбий лаёқатни тасдиқловчи сертификат олган Ўзбекистон Республикаси фуқароси **ҳар уч йилда бир маротаба** аттестациядан ўтиши шарт, бундан суд-экспертлик фаолиятини йигирма йилдан ортиқ муддатда амалга оширган суд экспертлари мустасно.

Суд экспертларини аттестациядан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Эксперт-малака комиссияси (кейинги ўринларда – Комиссия) томонидан амалга оширилади.

Комиссия ваколатлари ва унинг фаолиятини ташкил этиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланади.

Нодавлат суд-экспертиза ташкилотларининг суд экспертларини бошқа ташкилотлар ёки коллегиал органлар томонидан аттестациядан ўтказиш тақиқланади.

6. Суд эксперти сифатида лавозимга қабул қилинган шахслар ишга қабул қилинган кундан бошлаб келгусида бир ёки бир нечта ташкилотларда фаолият юритишидан қатъи назар, умумий суд-экспертлик фаолиятини юритганига уч йил муддат тўлишидан икки ой олдин аттестациядан ўтказилиши керак.

Қуйидагилар аттестациядан ўтказилмайди:

суд-экспертлик фаолиятини йигирма йилдан ортиқ муддат амалга оширган суд экспертлари;

ижтимоий таътилдаги ҳомиладор аёллар, шунингдек уч ёшгача боласи бор аёл ёки уч ёшгача бўлган болани ёлғиз тарбиялаётган ота (васий) ҳамда ўн олти ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган болани ёлғиз тарбиялаётган ота-она (уларнинг ўрнини босувчи шахс) (ушбу тоифадаги ходимлар мазкур имтиёзли давр тугагандан сўнг олти ойдан кейин аттестациядан ўтказилади);

бир ойдан ортиқ вақт давомида даволанаётган ёки ҳарбий хизматни ўтаётган ходимлар (ушбу тоифадаги ходимлар хизмат вазифаларини бажаришга киришганидан сўнг олти ойдан кейин аттестациядан ўтказилади);

хизмат текшируви ўтказилаётган ёки бир ойгача бўлган муддатда меҳнатга лаёқатсизлик даврида бўлган ходимлар (ушбу тоифадаги ходимлар хизмат текшируви ёки вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик даври тугаганидан кейин аттестациядан умумий тартибда ўтказилади).

7. Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари ушбу Низомга 1-иловада назарда тутилган тегишли муддатлар ёки суд экспертларининг аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномасининг амал қилиш муддати тугашидан икки ой олдин, ушбу Низомда белгиланган тартибда Комиссияга мурожаат қилади.

3-боб. Суд экспертларининг ҳужжатларини кўриб чиқиш тартиби

8. Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари суд экспертларини аттестациядан ўтказиш учун зарур ҳужжатларни ёзма ёки электрон шаклда Комиссияга мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ схемада белгиланган муддатларда тақдим этади.

9. Суд экспертларини аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги мурожаати келиб тушган кундан бошлаб беш иш куни ичида кўриб чиқилади.

Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари томонидан аттестациядан ўтказиш учун юборилган суд экспертлари малака ошириш курсларида муайян суд-экспертлик фаолияти бўйича малакасини, шунингдек ҳуқуқий билимларини ошириб боргани тўғрисида белгиланган намунадаги сертификат олган бўлиши шарт.

10. Суд экспертларини аттестациядан ўтказиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

суд эксперти сифатида касбий лаёқатни тасдиқловчи сертификат;

суд экспертлари малака ошириш курсларида муайян суд-экспертлик фаолияти бўйича малакасини, шунингдек ҳуқуқий билимларини ошириб боргани тўғрисидаги сертификат;

суд экспертларини аттестациядан ўтгани тўғрисидаги гувоҳнома (биринчи маротаба аттестациядан ўтаётганлар бундан мустасно);

суд эксперти сифатида лавозимга қабул қилингани тўғрисидаги буйруқнинг кўчирмаси.

Комиссия давлат органлари ахборот тизимларида мавжуд ҳужжат ва маълумотларни талабгордан талаб қилишга ҳақли эмас ҳамда уларни идоралараро электрон ҳамкорлик орқали мустақил олади.

11. Қуйидагилар суд экспертини аттестацияга қўйишни рад этиш учун асос ҳисобланади:

суд экспертлари малака ошириш курсларида муайян суд-экспертлик фаолияти бўйича малакасини, шунингдек ҳуқуқий билимларини оширгани тўғрисидаги сертификатга эга бўлмаганда;

мазкур Низомнинг 10-бандида назарда тутилган ҳужжатлар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштирилмаган ҳолда тақдим этилганда ёки ҳужжатларни тўлиқ ҳажмда тақдим этилмаганда;

тақдим этилган ҳужжатларда ишончсиз ёки нотўғри маълумотлар мавжуд бўлганида.

Аттестациядан ўтишга қўйиш бошқа асослар бўйича рад этилишига йўл қўйилмайди.

Комиссия томонидан аттестацияга қўйишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади ва нодавлат суд-экспертиза ташкилотига тегишли билдиришнома юборилади.

12. Аттестациядан ўтишга қўйишнинг рад этилишига асос бўлган камчиликлар бир ой муддатда бартараф этилган тақдирда, суд экспертларини аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги хат такроран кўриб чиқиш учун юборилади. Бунда аввал тақдим этилган ва ўзгармаган ҳужжатларни қайта тақдим этиш талаб қилинмайди.

13. Аттестациядан ўтишга қўйишнинг рад этилиши учун асос бўлмаган тақдирда, талабгор нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари мурожаати келиб тушган кундан бошлаб икки ой муддатда аттестациядан ўтказилиши керак.

4-боб. Аттестацияни ўтказиш тартиби

14. Аттестацияни ўтказиш жойи ва вақти тўғрисида талабгорнинг иш жойи бўйича нодавлат суд-экспертиза ташкилотларига ҳамда талабгорнинг шахсий кабинети/электрон манзилига аттестация ўтказиладиган санадан камида ўн кун олдин билдиришнома юборилади.

15. Ҳужжатлари аттестациядан ўтишга тақдим этилган ҳамда аттестацияга узрли сабабларга кўра келмаган талабгорлар Комиссиянинг кейинги навбатдаги мажлисида аттестациядан ўтказилади.

Аттестацияга узрсиз сабабларга кўра келмаган талабгорлар бўйича улар ишлаётган нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари раҳбарларига билдиришнома юборилади. Аттестацияга узрсиз сабаб билан такроран келинмаган тақдирда, Комиссия тақдим этилган ҳужжатлар (материаллар) асосида талабгорни аттестациядан ўтмаган деб ҳисоблаш ва унга аттестациядан ўтганлик тўғрисида гувоҳнома беришни рад этиш ҳақида қарор чиқаришга ҳақли.

16. Комиссия унинг учдан икки қисми аъзолари ҳозир бўлганда, ваколатли ҳисобланади.

Комиссия аъзоси бўлган нодавлат суд эксперти ёки унинг ходими юзасидан аттестациядан ўтказиш масаласи кўриб чиқилаётган ҳолларда, улар Комиссия мажлисида қатнашишга ҳақли эмас.

Талабгор ишлайдиган нодавлат суд-экспертиза ташкилотларининг вакили Комиссия мажлисида маслаҳат овози билан қатнашиши мумкин. Аттестация тугагандан кейин вакилнинг фикр-мулоҳазаси эшитилади.

17. Комиссия мажлиси Комиссия аъзоларини талабгорларнинг ҳужжатлари билан таништиришдан бошланади.

18. Аттестация Комиссия томонидан умумий ҳуқуқий билимлар ва суд-экспертлик фаолияти бўйича махсус билимлар юзасидан икки босқичда – тест синовлари ҳамда суҳбат шаклида ташкил этилади.

Комиссиянинг аттестацияни ўтказиш бўйича йиғилишлари расмий веб-саҳифаларда реал вақт режимида трансляция қилинади.

19. Комиссиянинг битта мажлисида бир нечта талабгорлар учун аттестация ўтказилганда талабгорлар аттестацияга, қоида тариқасида, беш нафаргача талабгордан иборат гуруҳ шакллантирилиб, навбат бўйича киритилади.

Талабгор аттестацияга шахсини тасдиқловчи ҳужжат асосида ёки замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда электрон идентификациядан ўтказилиб, унинг шахсига оид маълумотлари тасдиқлангандан сўнг киритилади.

20. Тест ва суҳбат саволлари Комиссия раиси томонидан тасдиқланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда, мунтазам равишда янгилаб борилади.

21. Тест ва суҳбат саволлари талабгор томонидан ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, махсус электрон дастур орқали тасодифий равишда танланади.

Талабгор томонидан тасодифий равишда танланган саволлар Комиссия масъул котиби томонидан талабгорга тақдим қилинади.

22. Тест саволлари бешта ҳуқуқий ҳамда ўн бешта суд-экспертлик фаолиятига оид саволлардан иборат бўлади.

Суҳбат саволлари битта ҳуқуқий, учта суд-экспертлик фаолиятига оид саволлар ҳамда битта муаммоли вазият (казус)лардан ташкил топади.

23. Талабгорларга тест саволларини ечиш учун йигирма дақиқа ҳамда суҳбат саволларига жавоб беришга тайёргарлик кўришлари учун ўн беш дақиқа вақт берилади.

24. Аттестацияни ўтказиш жараёнида талабгорларга қуйидагилар тақиқланади:

алоқа ва телекоммуникация воситалари (телефон, компьютер, планшет ва бошқалар), китоб ҳамда шпаргалкалардан фойдаланиш;

бошқа талабгорлар билан суҳбатлашиш;

аттестация тугамасдан аттестация ўтказилаётган хонадан ташқарига чиқиш.

Талабгорнинг мазкур қоидаларга амал қилмаслиги уни аттестацияда қатнашишдан четлаштириш учун асос бўлади. Ушбу ҳолатда Комиссия

котиби томонидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган шаклдаги далолатнома расмийлаштирилади ва Комиссия аъзоларининг камида уч нафари томонидан имзоланади.

Аттестацияда қатнашишдан четлаштирилган талабгор икки ой давомида аттестацияга қўйилмайди.

25. Тайёргарлик кўриш учун берилган вақт тугагандан сўнг талабгор тест жавобларини тақдим қилган ҳолда, Комиссияга суҳбат саволлари бўйича жавоб беради. Комиссия аъзолари айрим жавобларни аниқлаштириш мақсадида суҳбат саволлари доирасида қўшимча саволлар бериши мумкин.

Талабгор саволларга жавоб бериб бўлганидан сўнг унинг хонадан чиқишига рухсат берилади.

26. Тест саволларининг ҳар бир тўғри жавоби икки баллик тизимда баҳоланади.

27. Аттестация натижаларини аниқлаш учун Комиссиянинг ҳар бир аъзоси бошқа аъзолардан мустақил ҳолда, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган шаклда баҳолаш бюллетенида талабгорнинг саволларга берган жавобини 10 баллик ҳамда казус жавобларини 20 баллик тизимда баҳолайди.

Бунда Комиссиянинг ҳар бир аъзоси талабгорни берилган саволларга тўлиқ ва аниқ жавоб бериши, фаолият соҳаси билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши, улардан ўз касб фаолиятида мустақил фойдаланиш қобилиятига кўра баҳолайди.

28. Баҳолаш бюллетенида балларни ҳамда тест натижаларини ҳисоблаб чиқиш учун Комиссия аъзолари орасидан беш кишидан иборат ҳисоблаш гуруҳи тузилади.

Ҳисоблаш гуруҳи томонидан баҳолаш бюллетенларидаги баллар ҳисоблаб чиқилади. Ҳисоблаш натижалари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган шаклдаги йиғма баҳолаш бюллетенига киритилади ва Комиссия аъзоларига эълон қилинади.

29. Аттестация натижаларига кўра 55 ва ундан юқори балл тўплаган талабгор аттестацияни муваффақиятли топширган деб топилади.

30. Комиссия талабгорнинг билимлари ва кўникмаларини ҳисобга олиб:

талабгорни аттестациядан ўтган деб эътироф этиш ва унга аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномани бериш ҳақида;

талабгорни аттестациядан ўтмаган деб эътироф этиш ва унга аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномани беришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.

31. Комиссиянинг қарорлари Комиссиянинг мажлисда ҳозир бўлган аъзолари томонидан берилган баллари натижаси бўйича қабул қилинади.

32. Аттестация натижалари балл қўйиш жараёни тамом бўлгандан кейин дарҳол эълон қилинади.

33. Нодавлат суд-экспертиза ташкилотларининг аттестациядан ўтган суд экспертига икки иш кунида ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома берилади.

Гувоҳноманинг амал қилиш муддати – уч йил.

Аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномалар реестри унинг серия рақами ва амал қилиш муддати кўрсатилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан электрон тизим орқали автоматик равишда юритилади.

34. Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари суд экспертлари аттестациядан ўта олмаган тақдирда, нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари мазкур суд экспертларини такрорий аттестациядан ўтказиш учун аттестация ўтказилган кундан камида уч ой ўтгач, бироқ олти ойдан кечикмай мурожаат қилиши мумкин.

Агар талабгор такрорий аттестациядан ўта олмаса ёки кўрсатилган муддатда такрорий аттестациядан ўтиш учун мурожаат қилмаса, аттестация комиссиясининг қарори билан талабгорнинг муайян экспертиза тури бўйича суд эксперти сифатида касбий лаёқатни тасдиқловчи сертификатининг амал қилиш муддати тўхтатиб турилади ҳамда унинг иш жойига билдиришнома юборади.

Бунда талабгор аттестациядан муваффақиятли ўтмагунига қадар ушбу Низомда белгиланган тартибда ва муддатларда такрорий аттестациядан ўтиш учун аттестация комиссиясига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

35. Суд экспертларининг аттестациядан ўтгани тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши Комиссия қарорига кўра тугатилиши мумкин.

Суд экспертлари унга берилган суд экспертлари аттестациядан ўтиши тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тугатиш масаласини кўриб чиқишда Комиссия мажлисида иштирок этиши мумкин. Мажлис ўтказиладиган жой ва вақт тўғрисида суд экспертларига мажлис ўтказилишидан камида ўн кун олдин хабар қилинади.

Гувоҳноманинг амал қилишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинишидан олдин суд эксперти иш материаллари билан танишиш, улардан нусха олиш, ёзма ва оғзаки тушунтиришлар бериш, далиллар тақдим этиш ҳамда вакил ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Суд экспертларининг Комиссия мажлисида қатнашмаслиги суд экспертларини аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилишга тўсқинлик қилмайди. Қабул қилинган қарор тўғрисида суд экспертларига уч кун ичида хабар қилинади.

36. Комиссиянинг қарори юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

Комиссия қарорининг ижросини назорат қилиш Комиссия котиби томонидан амалга оширилади.

Комиссия қарорининг ижросини назорат қилиш Комиссия котиби томонидан амалга оширилади.

37. Қуйидагилар суд экспертларининг аттестациядан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тугатиш учун асос бўлади:

суд экспертлари томонидан ўз хизмат мажбуриятлари бажарилмаслиги ёки зарур даражада бажарилмаслиги, давлат, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига зиён етказилишига олиб келган тақдирда;

суд эксперти вафот этганда;

белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганда, шунингдек қасддан содир этган жиноятлари учун суднинг ҳукми билан айбдор деб топилганда;

гувоҳнома қалбаки ҳужжатлардан фойдаланиб олинганлиги ҳолати аниқланганда.

Суд экспертининг хулосаси бошқа эксперт хулосасидан фарқ қилиши, процесс иштирокчиси ёки давлат органи унинг хулосасига рози эмаслиги ўз-ўзидан гувоҳноманинг амал қилишини тугатиш учун асос ҳисобланмайди.

5-боб. Аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномаларни қайта расмийлаштириш

38. Аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномани қайта расмийлаштириш суд экспертларининг фамилияси, исми ёки отасининг исми ўзгарган тақдирда, унинг аризаси асосида амалга оширилади.

Аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома қайта расмийлаштирилгунга қадар суд экспертлари ўз фаолиятини илгари берилган гувоҳнома асосида амалга оширади.

39. Қайта расмийлаштиришда аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги янги гувоҳнома берилади, ушбу гувоҳномада олдинги гувоҳномада кўрсатилган амал қилиш муддати қайд этилган бўлиши керак. Аттестациядан ўтганлик тўғрисида олдин берилган гувоҳнома бекор қилинади.

40. Аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома қайта расмийлаштирилиши учун аттестациядан ўтиш талаб қилинмайди.

6-боб. Якунловчи қоидалар

41. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари суд экспертларининг ягона ҳисобини юритади.

42. Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари суд экспертлари ҳисобга олинишини ва улар тўғрисидаги ахборотнинг тизимлаштирилишини ташкил этиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги нодавлат суд-экспертиза ташкилотларининг кадрлар таркиби, ушбу суд экспертлари аттестациядан ўтиши

Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари ҳар йили 1 июнга қадар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига суд экспертлари, шу жумладан нодавлат суд-экспертиза ташкилотларидаги мавжуд вакант ўринлар тўғрисида ахборот тақдим этади.

Йил давомида суд экспертлари тўғрисидаги маълумотлар ўзгарган тақдирда (бўшатиш ёки тайинлаш ва бошқалар), нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари ўн кун муддатда тегишли ахборотни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига юборади.

Ушбу бандниng иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилган ахборотлар, техник имкониятлар мавжуд бўлган тақдирда, электрон ҳужжат шаклида тақдим этилади.

43. Суд экспертлари маълумотлари базасини шакллантириш ва юритишнинг тартиби, маълумотлар базасига киритиш учун маълумотларни тақдим этиш шакли ва муддатлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

44. Суд экспертларини аттестациядан ўтказиш учун ҳақ ундирилмайди.

QMMB: 09/26/474/0905-son
09.09.2026-y.

Нодавлат суд-экспертиза
ташкилотларининг суд экспертларини
аттестациядан ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-илова

Нодавлат суд-экспертиза ташкилотларининг суд экспертларини аттестациядан ўтказиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Нодавлат суд-экспертиза ташкилоти раҳбари	Суд экспертларини аттестациядан ўтказиш учун тегишли ҳужжатларни ёзма ёки электрон шаклда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Эксперт-малака комиссиясига тақдим этади.	Суд-эксперт лавозимига қабул қилинганига **3 йил** муддат тўлишидан ёки гувоҳнома амал қилиш муддати тугашидан **2 ой олдин**
2-босқич	Комиссия	1. Тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади. 2. Ҳужжатлар тўғри расмийлаштирилган тақдирда, талабгорни аттестациядан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади, аттестация ўтказиладиган жой ва вақт тўғрисида нодавлат суд-экспертиза ташкилотига билдиришнома юборади. 3. Ҳужжатларда камчиликлар ёки номувофиқликлар асосида талабгорни аттестацияга қўйишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади ва нодавлат суд-экспертиза ташкилотига тегишли билдиришнома юборади.	1. Мурожаат келиб тушган кундан бошлаб **5 иш куни ичида** 2. Мурожаат келиб тушган кундан **2 ой ичида** *(билдиришнома аттестация санасидан камида **ўн кун олдин** юборилади)* 3. Камчиликлар бартараф этилган тақдирда, хат такроран кўриб чиқиш учун **1 ой муддатда** қайта юборилади
3-босқич	Комиссия	Талабгорларни *(гуруҳ шаклида)* навбат билан аттестацияга киритади, шахсини тасдиқловчи ҳужжат ёки электрон идентификация орқали шахсини аниқлайди.	Комиссия мажлиси ўтказиладиган кунда

QMMB: 09/26/474/0905-son
09.09.2026-y.

4-босқич	Комиссия	1. Тест синовини ўтказади. 2. Суҳбат ўтказади.	1. Жавоб бериш учун **20 дақиқа** берилади. 2. Тайёргарлик учун **15 дақиқа** берилади, сўнгра суҳбат ўтказилади
5-босқич	Комиссия	1. Комиссия аъзолари талабгорни баҳолайди. 2. Аттестация натижалари асосида якуний қарор қабул қилади ва эълон қилади.	1. Аттестация якунланганидан сўнг дарҳол 2. Балл қўйиш жараёни тугаши билан дарҳол
6-босқич	Комиссия, Адлия вазирлиги	Аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномани беради ҳамда реестрга киритади.	**2 иш кун** ичида
7-босқич	Нодавлат суд-экспертиза ташкилоти Комиссия	1. Аттестациядан ўтмаган суд экспертини такрорий аттестациядан ўтказиш учун мурожаат қилади. 2. Такрорий аттестациядан ўтганда ёки белгиланган муддатда мурожаат қилмаганда, суд экспертининг сертификати амал қилишини тўхтатиб туради ва иш жойига хабар беради.	Аттестациядан камида **3 ой ўтгач**, **6 ойдан** кечиктирмай
8-босқич	Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари	Суд экспертларининг аттестациядан ўтгани тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади.	Доимий асосда (ташкилотлар ҳар йили **1 июнга қадар** маълумот тақдим этади)
9-босқич	Адлия вазирлиги	Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари суд экспертларининг ҳисобини юритади, уларнинг аттестациядан ўтгани тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган марказлаштирилган маълумотлар базасини шакллантиради ва юритади.	Доимий асосда

QMMB: 09/26/474/0905-son
09.09.2026-y.

Нодавлат суд-экспертиза
ташкилотларининг суд экспертларини
аттестациядан ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-илова

НАМУНА

_____
(Nodavlat sud-ekspertiza tashkiloti nomi)

Nodavlat sud-ekspertiza tashkilotining sud ekspertini attestatsiyadan o‘tganligi to‘g‘risida
GUVOHNOMA

_____ № _____
(seriyasi)

_____ga
(familiyasi, ismi, otasining ismi)

Ekspert-malaka komissiyasining 20___-yil “___” _____dagi qarori

_____
(Nodavlat sud-ekspertiza tashkiloti nomi)

asosida _____ mutaxassisligi
(ekspert mutaxassisligi nomi)

bo‘yicha _____ ekspertizasini o‘tkazish bo‘yicha
(sud ekspertizasi turi)

nodavlat sud-ekspertiza tashkilotlarining sud eksperti sifatida attestatsiyadan o‘tganligi to‘g‘risida berildi.

Komissiya raisi _____
(imzo, familiyasi, ismi, otasining ismi)

Komissiya kotibi _____
(imzo, familiyasi, ismi, otasining ismi)

M.O‘.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO‘LIM
1

QMMB: 09/26/476/0906-son
09.09.2026-y.

36 (1264)-son
919-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 8 » sentabr № 476 Toshkent sh.

Navoiy viloyati “yashil” texnikumi faoliyatini tashkil etish chora-tadbirlari to‘g‘risida

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Eko-ma’naviyat” umummilliy loyihasi doirasida ekologik ta’lim, ilm-fan va targ‘ibotni jadallashtirishga oid kompleks chora-tadbirlar to‘g‘risida” 2026 yil 25 martdagi PQ–110-son qarori ijrosini ta’minlash hamda “Eko-ma’naviyat” umummilliy loyihasi doirasida malakali o‘rta bo‘g‘in kadrlarini tayyorlash maqsadida Vazirlar Mahkamasi **qaror qiladi**:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Eko-ma’naviyat” umummilliy loyihasi doirasida ekologik ta’lim, ilm-fan va targ‘ibotni jadallashtirishga oid kompleks chora-tadbirlar to‘g‘risida” 2026 yil 25 martdagi PQ–110-son qarorigа muvofiq:

Navoiy viloyati “yashil” texnikumi (keyingi o‘rinlarda – Texnikum) tashkil etilgani;

Markaziy Osiyo atrof-muhit va iqlim o‘zgarishini o‘rganish universitetining (Green University) (keyingi o‘rinlarda – Universitet) byudjet va byudjetdan tashqari mablag‘lari hamda Ekologiya va iqlim o‘zgarishi milliy qo‘mitasi huzuridagi Umummilliy ekologik muammolarni bartaraf etish davlat maqsadli jamg‘armasi mablag‘lari hisobidan Texnikumning moddiy-texnik bazasini mustahkamlash va pedagoglarni moddiy qo‘llab-quvvatlash uchun mo‘ljallangan ko‘makchi kuchlarni jalb qilishga rozilik berilgani ma’lumot uchun qabul qilinsin.

2. Texnikumning **asosiy vazifalari** etib quyidagilar belgilansin:

mehnat bozori ehtiyojlari hamda “yashil” iqtisodiyot uchun malakali o‘rta bo‘g‘in **kadrlarini tayyorlash** va o‘quvchilarda “yashil” ko‘nikmalarni shakllantirishda xalqaro tashkilotlar bilan **hamkorlik qilish**;

o‘quvchilarda energiya samaradorligi, resurslardan oqilona foydalanish, chiqindilarni boshqarish va ekologik **ma’naviyat ko‘nikmalarini shakllantirish**;

o‘quv dasturlariga “yashil” ko‘nikmalarga oid **mavzularni kiritish**;

“yashil” texnologiyalarni joriy etgan korxona va tashkilotlar bilan dual ta’lim shaklida o‘rta bo‘g‘in kadrlari **tayyorlashni yo‘lga qo‘yish**;

QMMB: 09/26/476/0906-son
09.09.2026-y.

кадрлар тайёрлаш жараёнига соҳа, корхона ва ташкилотлардан амалиётчи мутахассислар, олий таълим ташкилотларининг профессор-ўқитувчилари ҳамда малакали **хорижий мутахассисларни жалб қилиш**;

нуфузли хорижий таълим ташкилотлари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари асосида мутахассислар **тайёрлашни йўлга қўйиш**;

тегишли касбий таълим даражалари бўйича кадрлар тайёрлаш учун зарур моддий-техник, ўқув-методик базани яратиш ва ўқув жараёнига юқори иш тажрибасига эга бўлган амалиётчи мутахассисларни **жалб этиб бориш**.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Техникум Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Касбий таълим агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) тизимида **давлат муассасаси шаклидаги** касбий таълим ташкилоти ҳисобланади ҳамда унинг фаолияти касбий таълим ташкилотларини молиялаштиришнинг амалдаги тартиби асосида ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

Техникумга умумий ўрта таълим ташкилотларининг битирувчилари белгиланган тартибда давлат гранти ва тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинади ҳамда ўқув жараёни бошланғич, ўрта ва ўрта махсус касбий таълим дастурлари асосида ташкил этилади;

Техникумда ички ва ташқи меҳнат бозори эҳтиёжлари, фуқароларнинг мурожаатлари ҳамда иш берувчи корхона ва ташкилотларнинг таклифлари, Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси буюртмаси асосида асосий таълим дастурларига қўшимча равишда компетенцияларни ўзлаштириш ва квалификация бериш ҳамда хорижий тилларни ўқитишга мўлжалланган қисқа муддатли курслар ташкил этилади;

моддий-техник базасини яхшилаш, ўқув-методик қўллаб-қувватлаш ва таълим сифатини ошириш мақсадида Техникум Агентлик билан келишув асосида Университетга бириктирилади;

Техникум фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар бюджет маблағлари ҳисобидан 2026 йилда Навоий вилояти маҳаллий бюджетига ажратилган маблағлар доирасида молиялаштирилади, 2027 йилдан бошлаб эса Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

4. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси билан биргаликда:

бир ой муддатда Техникумда ўқув жараёнини ташкил этиш, таълим сифатини таъминлаш ва ўқувчилар учун зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиб, тасдиқласин;

2026 йил 15 сентябрга қадар Техникумнинг уставини тасдиқласин ҳамда унинг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

QMMB: 09/26/476/0906-son
09.09.2026-y.

2026/2027 ўқув йилидан бошлаб Техникумда “яшил” иқтисодиёт учун зарур бўлган ўрта бўғин кадрлари тайёрлашни йўлга қўйсин;

ўқувчиларни қабул қилиш параметрларига мос равишда юқори малакали педагогларни ишга қабул қилишни ташкил этсин;

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги билан ҳамкорликда **ҳар йили апрель-май ойларида** “Касб ва ёшлар” очиқ мулоқот ойлиги доирасида умумий ўрта таълим ташкилотларининг битирувчиларини Техникумдаги мавжуд касбларга йўналтириш чораларини кўрсин.

5. Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси:

а) **бир ой муддатда**:

Техникумда ўқитиладиган касб ва мутахассисликлар бўйича ҳудуддаги корхона ва ташкилотларни саноат ҳамкори сифатида бириктирсин;

бириктирилган корхона ва ташкилотларнинг буюртмаси асосида ўқувчиларни дуал таълим шаклида ўқитишни йўлга қўйишда, ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётларини ҳамда ишлаб чиқариш таълими усталарининг стажировкасини ташкил этишда кўмаклашсин;

б) Агентлик билан биргаликда **2027/2028 ўқув йилидан бошлаб** Техникумда халқаро таълим дастурини жорий қилиш чораларини кўрсин.

6. 2026/2027 ўқув йили учун Техникумга абитуриентларни давлат гранти ва тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш муддатини **2026 йил 1 октябрга қадар** узайтиришга рухсат берилсин.

7. Техникум Университетнинг Навоий вилояти Кармана тумани “Дўрмон” МФЙ, Янгиҳаёт кўчаси 1а-уй манзилидаги бино ва иншоотларига текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А. Шарипов ҳамда Навоий вилояти ҳокими Н.Т. Турсунов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO‘LIM
1

QMMB: 09/26/479/0907-son
09.09.2026-y.

36 (1264)-son
920-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 8 » sentabr № 479 Toshkent sh.

Илмий-техник ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш орқали аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасини 2030 йилгача ривожлантириш дастурини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан ишончли муҳофаза қилиш соҳасини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш тўғрисида” 2025 йил 20 октябрдаги ПФ–185-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, соҳада замонавий илмий-техник ва инновацион ечимларни амалга ошириш орқали аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш даражасини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. **Илмий-техник ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш орқали аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасини 2030 йилгача ривожлантириш дастури** (кейинги ўринларда – Дастур) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар Дастурнинг **асосий йўналишлари** этиб белгилансин:

иқтисодиёт объектларида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, хавфларни бошқариш ва техноген авариялярни ўз вақтида бартараф этиш бўйича инновацион ечимларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизимига сунъий интеллект, робототехника ва замонавий рақамли технологияларни жорий қилиш;

аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида инновацион технологиялар, шунингдек, муҳофаза воситаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

3. Белгилансинки, Дастур доирасида амалга ошириладиган лойиҳаларни молиялаштириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими таркибига кирувчи барча вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг бюджет, бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

QMMB: 09/26/479/0907-son
09.09.2026-y.

4. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги:

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Дастурда белгиланган илмий-техник ва инновацион лойиҳалар ўз вақтида амалга оширилиши учун зарур шарт-шароитлар яратилишини таъминласин;

Дастур ижроси бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар олти ой якунида Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб борсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ж. Раматов ва фавқулодда вазиятлар вазири А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/479/0907-son
09.09.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил 8 сентябрдаги 479-сон қарорига
илова

Илмий-техник ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш орқали аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасини 2030 йилгача ривожлантириш

ДАСТУРИ

Т/р	Лойиҳа номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаи	Масъул ижрочилар
I. Иқтисодиёт объектларида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, хавфларни бошқариш ва техноген авариялярни ўз вақтида бартараф этиш бўйича инновацион ечимларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш					
1.	Кимёвий зарарланиш эҳтимоли бўлган ҳудудларни аниқлаш учун кимёвий хавфли объектларнинг рақамли нусхаларини яратиш.	1. Кимёвий хавфли объектларда авария сценарийларининг рақамли моделларини ишлаб чиқиш. 2. Ишлаб чиқилган рақамли моделларни Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ахборот тизимига интеграция қилиш.	2027 йил декабрь	“Ўзкимёсаноат” АЖнинг маблағлари, Фавқулодда вазиятлар вазирлигига ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида, қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар	“Ўзкимёсаноат”АЖ, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги
2.	Атом энергиясидан фойдаланиш объектларида радиациявий авариялар келиб чиқиши эҳтимолини ва оқибатларини прогноз қилиш учун ушбу объектларнинг рақамли нусхаларини яратиш.	1. Атом энергиясидан фойдаланиш объектларида авария сценарийларининг рақамли моделларини ишлаб чиқиш. 2. Ишлаб чиқилган рақамли моделларни Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ахборот тизимига интеграция қилиш.	2027 йил декабрь	Атом энергияси агентлиги маблағлари, Энергетика вазирлиги ва Фавқулодда вазиятлар вазирлигига ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида, қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар	Энергетика вазирлиги, Атом энергияси агентлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
3.	Хавфли ишлаб чиқариш ва потенциал хавфли объектларнинг миллий Геоахборот тизими платформасини яратиш.	1. Хавфли ишлаб чиқариш ва потенциал хавфли объектларнинг ягона маълумотлар базасини шакллантириш. 2. Геоахборот тизими платформасини яратиш.	2028 йил октябрь	Фавқулодда вазиятлар вазирлигига ҳамда Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитасига ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида,	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси, манфаатдор

QMMB: 09/26/479/0907-son
09.09.2026-y.

		3. Платформани Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ахборот тизимига интеграция қилиш.		қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар	вазирлик ва идоралар
4.	Кўчки ва сел хавфи мавжуд ҳудудларни мониторинг қилишнинг инновацион тизимини (SmartGeoHazard) яратиш.	1. Рақамли муҳитда кўчки ва сел хавфлари билан боғлиқ сценарийларнинг моделларини яратиш учун техник шартларни ишлаб чиқиш. 2. Рақамли муҳитда кўчки ва сел хавфлари билан боғлиқ сценарийларнинг моделларини яратиш ва амалиётга жорий этиш. 3. Моделларни Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ахборот тизимига интеграция қилиш.	2028 йил август	Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитасига ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирлигига ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида, қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси
5.	Сув омборларида авариялар ва ҳалокатларнинг юзага келиш хавфи эҳтимолини прогноз қилиш учун гидротехника иншоотларининг рақамли нусхаларини яратиш.	1. Сув омборларининг авария хавфини прогнозлаш ва авариялар сценарийларининг рақамли моделларини ишлаб чиқиш. 2. Ишлаб чиқилган рақамли моделларни Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ахборот тизимига интеграция қилиш.	2028 йил ноябрь	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ маблағлари, Сув хўжалиги вазирлиги ва Фавқулодда вазиятлар вазирлигига ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида, қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ, Сув хўжалиги вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
6.	Сув тошқини хавфи мавжуд ҳудудларни мониторинг қилишнинг инновацион тизимини (FloodPredict AI) яратиш.	1. Рақамли муҳитда сув тошқинлари билан боғлиқ сценарийларнинг моделларини яратиш учун техник шартларни ишлаб чиқиш. 2. Рақамли муҳитда сув тошқинлари билан боғлиқ сценарийларнинг моделларини яратиш ва амалиётга жорий этиш. 3. Моделларни Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ахборот тизимига интеграция қилиш.	2028 йил ноябрь	Сув хўжалиги вазирлигига, Фавқулодда вазиятлар вазирлигига, Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитасига ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида, қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар	Сув хўжалиги вазирлиги, Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги

QMMB: 09/26/479/0907-son
09.09.2026-y.

II. Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизимига сунъий интеллект, робототехника ва замонавий рақамли технологияларни жорий қилиш					
7.	Роботлаштирилган ёнғин ўчириш платформасини яратиш.	1. Енгил турдаги роботлаштирилган ёнғин ўчириш қурилмасининг техник шартини ишлаб чиқиш. 2. Енгил турдаги роботлаштирилган ёнғин ўчириш қурилмасининг прототипини ишлаб чиқиш. 3. Роботлаштирилган ёнғин ўчириш платформасини синовлардан ўтказиш ва амалиётга жорий қилиш.	2027 йил декабрь	Мудофаа саноати комплексини ривожлантириш жамғармаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлигига ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида, ҳомийлик ҳайриялари, қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Мудофаа саноати агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
8.	Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий ресурсларнинг ҳисобини юритишни рақамлаштириш.	1. Вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг молиявий ва моддий ресурслар ҳисобининг электрон маълумотлар базасини шакллантириш. 2. Мониторинг қилиш имкониятини берувчи ахборот тизими учун техник шартни ишлаб чиқиш. 3. Мониторинг қилиш имкониятини берувчи ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.	2028 йил сентябрь	Фавқулодда вазиятлар вазирлигига ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида, қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари
9.	Республика ва трансчегаравий ҳудудларда ҳамда муҳим объектларда сейсмик хавфни SeisComP дастури орқали мониторинг қилиш тизимини яратиш.	1. Республика ва трансчегаравий ҳудудларда ҳамда муҳим объектларда сейсмик хавфни SeisComP дастури орқали мониторинг қилиш тизимини яратиш учун техник шартни ишлаб чиқиш. 2. Республика ва трансчегаравий ҳудудларда ҳамда муҳим объектларда сейсмик хавфни SeisComP дастури орқали мониторинг қилиш тизимини яратиш ва амалиётга жорий этиш.	2028 йил сентябрь	Маблағ талаб этилмайди	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Фанлар академияси

QMMB: 09/26/479/0907-son
09.09.2026-y.

10.	Мониторинг ва прогноз маълумотларининг рақамли платформасини ишлаб чиқиш.	1. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизимига кирувчи вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда мониторинг ва прогноз маълумотлари базасини шакллантириш. 2. Мониторинг ва прогноз маълумотларини рақамлаштириш ҳамда ягона платформа асосида маълумотлар базасини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.	2029 йил октябрь	Фавқулодда вазиятлар вазирлигига ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида, қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
11.	Роботлаштирилган разведка мажмуасини яратиш.	1. Фавқулодда вазиятларда хавфли ёки бориш имкони бўлмаган ҳудудларни кўздан кечириш учун мўлжалланган робот қурилмасига техник шартни ишлаб чиқиш. 2. Роботлаштирилган разведка мажмуасининг прототипини ишлаб чиқиш. 3. Роботлаштирилган разведка мажмуаси прототипини синовлардан ўтказиш ва серияли ишлаб чиқариш.	2029 йил декабрь	Мудофаа саноати комплексини ривожлантириш жамғармаси ва Фавқулодда вазиятлар вазирлигига ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида, ҳомийлик ҳайриялари, қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Мудофаа саноати агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
12.	Зилзила ва сейсмик хавф ҳақида барвақт хабар бериш тизимини такомиллаштириш.	1. Зилзила ва сейсмик хавфлар ҳақида автоматик хабар бериш тизими учун алгоритмни яратиш бўйича техник шартни ишлаб чиқиш. 2. Зилзила ва сейсмик хавф ҳақида автоматик хабар бериш тизими учун алгоритмни ишлаб чиқиш ва рақамлаштириш. 3. Сейсмик станциялар тармоғини ривожлантириш учун ишлаб чиқилган автоматик хабар бериш алгоритмини жорий этиш.	2030 йил октябрь	Маблағ талаб этилмайди	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Фанлар академиясининг Ғ.О. Мавлонов номидаги Сейсмология институти

QMMB: 09/26/479/0907-son
09.09.2026-y.

III. Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида инновацион технологиялар, шунингдек, муҳофаза воситаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш					
13.	Фавқулодда вазиятлар соҳасида миллий стандартлар тизимини шакллантириш.	Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича давлат стандартлари комплексининг асосий қоидаларини белгиловчи миллий стандартни ишлаб чиқиш.	2026 йил декабрь	Фавқулодда вазиятлар вазирлигига ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида, қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги
14.	Қутқарувчиларнинг қидирув-қутқарув тадбирларини ташкил этишдаги амалий кўникмаларини, руҳий, касбий, жисмоний ва махсус тайёргарлигини ошириш.	1. Фавқулодда вазиятларда авария ва қидирув-қутқарув тадбирларини ташкил этишда замонавий талабларга асосланган, ўқув, руҳий тайёргарлик, иссиқ-тутунхона ва ғаввос-қутқарувчиларни тайёрлаш учун мўлжалланган мажмуаларни тайёрлаш бўйича хорижий тажрибани ўрганиш. 2. Мажмуаларни тайёрлаш учун техник шартларни ишлаб чиқиш. 3. Мажмуаларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ва 3D-моделларини ишлаб чиқиш.	2026 йил декабрь	Фавқулодда вазиятлар вазирлигига ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида, қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия, манфаатдор вазирлик ва идоралар
15.	Виртуал машқлар орқали тингловчиларнинг фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш кўникмасини ошириб бориш.	1. Фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш кўникмасини ошириш учун виртуал машқларни ўтказишга қаратилган хорижий дастурий таъминотларни ўрганиш. 2. Фавқулодда вазиятларда (зилзила, сув тошқини, ёнғин) тўғри ҳаракат қилиш бўйича VR-кўзойнакка мўлжалланган дастурий таъминот учун техник шартни ишлаб чиқиш. 3. Фавқулодда вазиятларда (зилзила, сув тошқини, ёнғин) тўғри ҳаракат қилиш бўйича VR-кўзойнакка мўлжалланган дастурий таъминот ишлаб чиқиш ва ўқув жараёнларига жорий этиш.	2027 йил июнь	Фавқулодда вазиятлар вазирлигига ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида, қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар

QMMB: 09/26/479/0907-son
09.09.2026-y.

16.	Аҳолининг фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракатланиш тартибига оид ўқув материалларни рақамлаштириш.	1. Табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракатланишга оид электрон (QR-кодли) қўлланмалар учун техник шартларни ишлаб чиқиш. 2. Табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракатланишга оид электрон (QR-кодли) қўлланмаларни ишлаб чиқиш. 3. Тайёрланган электрон қўлланма, эслатма ва бошқа ўқув материалларини расмий веб-сайтлар орқали кенг жамоатчилик орасида тарқатиш.	2027 йил ноябрь	Фавқулодда вазиятлар вазирлигига ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида, қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
17.	Ис гази, табиий газдан заҳарланиш ва чақнаш билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича профилактика дастурини (телеграм-бот) яратиш.	1. Профилактика дастурини (телеграм-бот) яратиш учун техник шартни ишлаб чиқиш. 2. Профилактика дастурини (телеграм-бот) яратиш ва амалиётга татбиқ этиш.	2027 йил декабрь	Фавқулодда вазиятлар вазирлигига ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида, қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
18.	Ёнғин сабабларини аниқлаш бўйича ёнғин–техник экспертиза тадқиқотларини такомиллаштириш.	1. Электр симларининг ёнғинга тааллуқлилигини ва ёнғин ўчоғини аниқлашда дала тадқиқот қурилмаларини қўллаш бўйича хорижий тажрибани ўрганиш. 2. Ёнғин сабабларини аниқлаш бўйича янги услубиётларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.	2027 йил декабрь	Фавқулодда вазиятлар вазирлигига ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида, қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
19.	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси курсант ва тингловчиларини нафас олиш учун яроқсиз муҳитда синовдан ўтказишга мўлжалланган тренажёрларни ишлаб чиқиш.	1. Замонавий газ-тутундан ҳимоя аппаратидан фойдаланиш тренажёрлари бўйича илғор хорижий тажрибани ўрганиш. 2. Замонавий газ-тутундан ҳимоя аппаратидан фойдаланиш тренажёрининг техник шартини ишлаб чиқиш.	2028 йил август	Фавқулодда вазиятлар вазирлигига ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида, қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар

QMMB: 09/26/479/0907-son
09.09.2026-y.

		3. Замонавий газ-тутундан ҳимоя аппаратидан фойдаланиш тренажёрини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.			
20.	Фавқулодда вазиятлар зоналарини мониторинг қилиш ва хабардор қилиш учун учувчисиз учиш аппаратларини яратиш.	1. Фавқулодда вазиятлар кўламини баҳолаш ва фавқулодда вазиятлар ҳудудларида аҳолини хабардор қилиш учун мўлжалланган учувчисиз учиш аппаратларининг техник шартларини ишлаб чиқиш. 2. Учувчисиз учиш аппаратларининг прототипини ишлаб чиқиш. 3. Учувчисиз учиш аппаратларини синовдан ўтказиш ва амалиётга жорий қилиш.	2028 йил декабрь	Мудофаа саноати комплексини ривожлантириш жамғармаси ва Фавқулодда вазиятлар вазирлигига ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида, ҳомийлик хайриялари, қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Мудофаа саноати агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
21.	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академиясида ёнғиннинг терговга қадар текшируви ва экспертизаси лабораториясининг ўқув-амалиёт (лаборатория) синфини ташкил этиш.	1. Ёнғиннинг терговга қадар текшируви ва экспертизаси бўйича илғор хорижий тажрибани ўрганиш. 2. Ёнғиннинг терговга қадар текшируви ва экспертизаси лабораториясининг ўқув-амалиёт (лаборатория) синфи бўйича техник шарт ишлаб чиқиш. 3. Ёнғиннинг терговга қадар текшируви ва экспертизаси лабораториясининг ўқув-амалиёт (лаборатория) синфини ташкил этиш.	2029 йил апрель	Фавқулодда вазиятлар вазирлигига ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида, қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
22.	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси курсант ва тингловчилари учун фавқулодда вазиятларга мўлжалланган автотренажёрни ишлаб чиқиш.	1. Фавқулодда вазиятларга мўлжалланган замонавий автотренажёрлар бўйича илғор хорижий тажрибани ўрганиш. 2. Замонавий автотренажёр бўйича техник шартни ишлаб чиқиш. 3. Замонавий автотренажёр ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.	2029 йил май	Фавқулодда вазиятлар вазирлигига ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида, қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Мудофаа вазирлиги

QMMB: 09/26/479/0907-son
09.09.2026-y.

23.	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси курсант ва тингловчилари учун зилзилани симуляция қилиш тренажёрини ишлаб чиқиш.	1. Зилзилани симуляция қилишнинг замонавий тренажёрлари бўйича илғор хорижий тажрибани ўрганиш. 2. Зилзилани симуляция қилиш тренажёри бўйича техник шартни ишлаб чиқиш. 3. Зилзилани симуляция қилиш тренажёрини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.	2030 йил март	Фавқулодда вазиятлар вазирлигига ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида, қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 8 » sentabr № 480 Toshkent sh.

Давлат харидлари қийматини баҳолашнинг шаффоф тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат харидлари тизимида рақобат муҳити ва шаффофликни таъминлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” 2025 йил 26 декабрдаги ПФ–259-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ давлат харидлари қийматининг бозор нархларига мувофиқлигини баҳолаш учун давлат буюртмачиси очиқ ахборот манбаларидаги ахборотлардан ёки бошқа ишончли манбалардан фойдаланиши, шунингдек, давлат буюртмачиси ҳар бир давлат харидини амалга оширишда харид предметининг нархини ўрганиши шартлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат харидлари тизимида рақобат муҳити ва шаффофликни таъминлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” 2025 йил 26 декабрдаги ПФ–259-сон Фармонига мувофиқ давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталида (кейинги ўринларда – Портал) айрим турдаги товарларнинг ўртача бозор нархини сунъий интеллект технологиялари асосида ҳисоблаб берувчи электрон модуль синов режимида ишга туширилгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Давлат хариди предметининг ўртача бозор ҳамда бошланғич нархини аниқлаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом** 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

давлат харидларини амалга оширишда харид предметининг ўртача бозор нархини ўрганиш тартиби;

давлат харидларида ўртача бозор нархлари бўйича электрон модулни жорий қилиш;

харидларни амалга оширишда нархларнинг шакллантирилиши юзасидан давлат ва жамоатчилик назорати.

3. Белгилансинки, **2026 йил 1 октябрдан бошлаб** барча давлат буюртмачилари давлат харидларини амалга оширишдан олдин давлат харидлари предметининг ўртача бозор ва бошланғич нархини мазкур қарорга мувофиқ Порталнинг алоҳида модулида шакллантиради.

4. Ўзбекистон Республикаси Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлиги:

Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда **2027 йил 1 январга қадар** Порталда давлат хариди предметининг ўртача бозор ҳамда бошланғич нархини ҳисоблаб берувчи электрон модулда сунъий интеллект технологиялари тўлиқ жорий этилишини таъминласин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **2027 йил 1 октябрга қадар** давлат буюртмачилари томонидан давлат хариди предметининг ўртача бозор ҳамда бошланғич нархини аниқлаш тартибларини такомиллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси, Солиқ қўмитаси, Миллий статистика қўмитаси, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **2027 йил 1 январга қадар** тегишли ахборот тизимларини Порталга интеграция қилиш орқали товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) нархлари тўғрисидаги маълумотлар реал вақт режимида Порталга тақдим этилишини йўлга қўйсин.

Бунда тегишли ахборот тизимлари “Электрон ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали интеграция қилинади.

6. Белгилансинки, **2027 йил 1 январдан бошлаб** Порталдаги нархлар модули ушбу қарор билан тасдиқланган Вақтинчалик низомга иловада келтирилган рўйхатдаги товарларнинг ўртача бозор нархини сунъий интеллект технологиялари асосида автоматик равишда аниқлайди ҳамда давлат буюртмачилари учун тегишли таҳлилий маълумотларни шакллантиради.

Бунда автоматик равишда аниқланган ўртача бозор нархи давлат буюртмачиси томонидан харид предметининг бошланғич нархини белгилашда ахборот-таҳлилий асос сифатида қўлланади.

7. Ўзбекистон Республикаси Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлиги:

2026 йил 1 октябрдан бошлаб давлат харидларида ўртача бозор нархлари бўйича электрон модуль тўлиқ ишга туширилишини таъминласин;

2026 йил 1 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси билан биргаликда Давлат харидлари соҳасида фойдаланадиган товарлар (ишлар, хизматлар) миллий классификаторини Маҳсулот ва хизматларнинг идентификация кодлари (МХИК) ва Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси (ТИФ ТН) билан ўзаро мувофиқлаштирсин ва товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қайси кодларга тўғри келиши бўйича рўйхатни эълон қилсин ҳамда доимий янгилаб борсин;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда давлат хариди предметининг ўртача бозор нархини аниқлаш юзасидан ўқув курсларини ташкил этсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги 833-сон қарори билан тасдиқланган “Рақамли трансформация маркази” масъулияти чекланган жамиятининг электрон кооперация порталида ахборотни жойлаштириш ва харидларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO‘LIM
1

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 8 ” сентябрдаги 480-сон қарорига
1-илова

Давлат хариди предметининг ўртача бозор ҳамда бошланғич нархини аниқлаш тартиби тўғрисида
ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Вақтинчалик низом давлат буюртмачилари томонидан давлат харидларини амалга ошириш учун давлат хариди предметининг ўртача бозор ҳамда бошланғич нархини аниқлаш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Вақтинчалик низом 2028 йил 31 декабргача амал қилади.

3. Ушбу Вақтинчалик низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган – Ўзбекистон Республикаси Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлиги;

нархлар модули – харид предметининг ўртача бозор ҳамда бошланғич нархини аниқлаш имконини берадиган ва нархлар бўйича маълумотлар юритиладиган давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталининг (кейинги ўринларда – Портал) алоҳида модули;

товарнинг (иш, хизматнинг) бозор нархи (кейинги ўринларда – бозор нархи) – очиқ ахборот манбалари ёки бошқа ишончли манбалардан олинган маълумотларга кўра товарлар (ишлар, хизматлар) бозорида шаклланган нарх;

товарнинг (иш, хизматнинг) хусусиятлари – ўртача бозор нархини ўрганишда таққослаш (мувофиқликни баҳолаш) учун давлат буюртмачиси томонидан харид предметининг хусусиятидан келиб чиқиб белгиланадиган сифат ва миқдор кўрсаткичлари, функционал, техник ҳамда эксплуатация тавсифлари мажмуи бўлиб, зарур ҳолларда ушбу хусусиятлар стандартлар (техник регламентлар), комплектация, модель (марка), ишлаб чиқарилган йил, кафолат ва сервис шартлари, иш (хизмат) бўйича эса бажариш натижаси, ҳажми, муддати, бажариш жойи, топшириш-қабул қилиш, товар (иш, хизмат) нархига таъсир қилувчи шартлар ва омиллар, шунингдек, давлат харидларида барқарорлик принципини қўллашда эътиборга олинадиган ҳамда шунга ўхшаш бошқа талаблар билан тўлдирилиши мумкин;

харид предметининг ўртача бозор нархи – бозор нархларидан фойдаланган ҳолда давлат буюртмачиси томонидан ушбу Вақтинчалик низомга мувофиқ ўрганиб, шакллантириладиган ҳамда нархлар модулида юритиладиган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ўртача нархи.

4. Давлат буюртмачиси:

давлат харидлари учун ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиши, шу жумладан, товарларни (ишларни, хизматларни) харид қилишдан кўрилган фойда (наф), уларнинг сифати ва қиймати ўртасидаги мақбул нисбатни (фойдаланиш даври харажатларини ҳисобга олган ҳолда) таъминлаши;

давлат харидларининг мақсадга мувофиқлиги ва зарурлиги, товарни (ишни, хизматни) танлашда унинг хусусиятлари, шунингдек, давлат харидларини ўтказиш харажатларини ва товар (иш, хизмат) қийматининг асосланганини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириши;

ҳар бир давлат харидини амалга оширишда харид предметининг ўртача бозор нархини ўрганиши;

харид предметининг ўртача бозор нархини бозор нархларига мувофиқ шакллантириш учун давлат буюртмачиси фақат очиқ ахборот манбаларидаги ахборотлардан ёки бошқа ишончли манбалардан фойдаланиши;

ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб белгиланган миқдорлардан ортиқча ҳажмда ҳамда хусусиятларига кўра зарур бўлмаган товарларни (ишларни, хизматларни) харид қилмаслиги;

давлат харидларини амалга оширишда маблағларни талон-торож қилиш ҳамда товарлар (ишлар, хизматлар) нархини сунъий ошириб юбориш ҳолатларининг олдини олиши;

давлат харидлари натижаларига кўра тузилган шартномалардаги товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) нархлари тўғрисидаги маълумотларни очиқлаб бориши шарт.

5. Харид предметининг ўртача бозор ҳамда бошланғич нархи ушбу Вақтинчалик низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ шакллантирилади.

6. Харид қилиш тартиб-таомилларини амалга оширишдан олдин давлат буюртмачиси нархлар модули орқали харид предметининг ўртача бозор нархини шакллантиришда охирги 90 кунда шаклланган бозор нархлари бўйича маълумотлардан фойдаланади.

Охирги 90 кунда шаклланган бозор нархлари бўйича маълумотлар мавжуд бўлмаган тақдирда, охирги 365 кунгача бўлган маълумотлардан фойдаланишга рухсат берилади.

7. Харид предметининг ўртача бозор нархини шакллантиришда ўрганилаётган маълумотлардаги товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) хусусиятлари давлат буюртмачиси томонидан харид қилиниши режалаштирилаётган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) хусусиятлари билан, қоида тариқасида, ўзаро мос ёки тақкосланадиган бўлиши лозим, бироқ сифатни пасайтириш ҳисобига арзонроқ ҳамда тақкосланмайдиган вариантларни танлашга йўл қўйилмайди.

8. Нархлар модули давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган томонидан юритилади ҳамда у қуйидаги саҳифалардан ташкил топади:

харид предмети бўйича нархларни ўрганиш учун эълон жойлаштириш ва таклифларни электрон тарзда қабул қилиш ва жойлаштириш саҳифаси;

давлат харидларида иштирок этаётган салоҳиятли етказиб берувчилардан товар (иш, хизмат) нархларини манзилли сўраш саҳифаси;

аввалги давлат харидлари натижаларига кўра тузилган шартномалар бўйича нархларнинг маълумотлар базаси;

харид предметининг ўртача бозор нархи, юқори ва паст чегара нархлари, сўнгги тенденциялар ва динамик ўзгаришларни ҳисоблаш саҳифаси;

давлат буюртмачиси томонидан шакллантирилган харид предметининг ўртача бозор нархи бўйича расмийлаштирилган ҳужжатларни электрон тарзда юклаш, сақлаш ва очиқлаш имконияти;

ушбу Вақтинчалик низомга 3-иловада келтирилган рўйхатдаги товарлар бўйича сунъий интеллект технологиялари асосида автоматик равишда аниқланадиган ўртача бозор нархлари саҳифаси.

2-боб. Харид предметининг ўртача бозор нархини сунъий интеллект технологияларидан фойдаланган ҳолда ўрганиш

9. Нархлар модули Портал билан маълумотлар алмашинуви йўлга қўйилган тегишли вазирлик ва идоралар ахборот тизимлари ҳамда давлат харидлари электрон тизими операторларининг маълумотлари асосида сунъий интеллект технологияларидан фойдаланган ҳолда, ушбу Вақтинчалик низомга 2-иловада келтирилган схемага мувофиқ мазкур Вақтинчалик низомга 3-иловада келтирилган рўйхатдаги товарларнинг ўртача бозор нархларини автоматик равишда шакллантиради.

Ушбу Вақтинчалик низомга 3-иловадаги рўйхатга киритилган товар бўйича харид предметининг бошланғич нархи, қоида тариқасида, нархлар модулида сунъий интеллект технологиялари асосида автоматик равишда аниқланган ўртача бозор нархи асосида белгиланади ҳамда е-маълумотнома шу асосда шакллантирилади, ушбу Вақтинчалик низомнинг 19-бандида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Сунъий интеллект технологиялари асосида харид предметининг ўртача бозор нархини автоматик равишда аниқлаш имкони мавжуд бўлмаган ҳолларда, давлат буюртмачиси харид предметининг ўртача бозор нархини ушбу Вақтинчалик низом талабларига мувофиқ мустақил равишда шакллантиради.

10. Нархлар модулида сунъий интеллект технологияларидан харид предметининг ўртача бозор нархини аниқлаш, товарнинг хусусиятларини таққослаш, маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш, шунингдек, давлат буюртмачисига ахборот-таҳлилий ёрдам кўрсатиш мақсадида фойдаланилади.

11. Нархлар модулида сунъий интеллект технологиялари асосида аниқланган ўртача бозор нархлари, уларни ҳисоблашда фойдаланилган асосий параметрлар, манбалар сони, ҳисоблаш санаси ҳамда тегишли таҳлилий маълумотлар барча учун очиқ тарзда жойлаштирилади.

12. Давлат буюртмачиси томонидан мазкур Вақтинчалик низомга 3-иловада келтирилган рўйхатдаги товарларнинг бошланғич нархини белгилашда сунъий интеллект технологиялари асосида автоматик равишда аниқланган ўртача бозор нархи устувор манба сифатида қўлланади.

Давлат буюртмачиси сунъий интеллект технологиялари асосида автоматик равишда аниқланган ўртача бозор нархидан фойдаланишда унинг харид предмети хусусиятларига мослиги ёки таққосланадиган бўлишини, манбаларнинг етарлилиги ва ҳисоблаш натижасининг ишончлилигини инобатга олади.

Зарур ҳолларда, давлат буюртмачиси ушбу Вақтинчалик низом талабларига мувофиқ қўшимча ўрганиш ўтказиши мумкин.

3-боб. Харид предметининг ўртача бозор ва бошланғич нархи электрон маълумотномасини (е-маълумотнома) шакллантириш тартиби

13. Харид предметининг ўртача бозор ва бошланғич нархи электрон маълумотномаси (кейинги ўринларда – е-маълумотнома) ушбу Вақтинчалик низомга 4-иловага мувофиқ намунавий шаклда шакллантирилади ва унда қуйидагилар акс эттирилади:

харид предмети;

ўрганилган манбалар (номи ёки ҳаволаси), шу жумладан, товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақидаги маълумотлар;

харид предметининг ўртача бозор ва бошланғич нархини аниқлаш бўйича ҳисоб-китоблар.

Бир нечта товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича битта е-маълумотнома шакллантирилиши мумкин.

Ушбу Вақтинчалик низомга 3-иловада келтирилган рўйхатдаги товарлар бўйича е-маълумотномада сунъий интеллект технологиялари асосида автоматик равишда аниқланган ўртача бозор нархи, уни ҳисоблаш санаси, манбалар сони ҳамда зарур ҳолларда қўшимча ўрганиш ўтказилгани ҳақидаги маълумотлар ҳам акс эттирилади.

14. Е-маълумотнома нархлар модулида электрон тарзда Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўмда шакллантирилади.

Чет эл валютасида акс эттирилган бозор нархидан (нархларидан) фойдаланилган ҳолларда, е-маълумотнома у шакллантириладиган санадаги миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси асосида шакллантирилади.

Бунда шакллантирилган е-маълумотномадан тегишлилиги бўйича давлат харидлари тўғрисида эълон жойлаштирилган ёки иштирокчининг офертаси танланган ёхуд қонунчиликка мувофиқ тўғридан-тўғри, шунингдек, бошқача тарзда шартнома тузилган санадаги миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси асосида қайта ҳисоб-китоб қилиш орқали фойдаланишга рухсат берилади.

15. Харид қилиш тартиб-таомилларини е-маълумотнома мавжуд бўлган тақдирдагина амалга оширишга рухсат берилади ва у харид қилиш ҳужжатларининг ажралмас қисми сифатида илова қилинади, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Давлат буюртмачиси е-маълумотномадаги харид предметининг бошланғич нархидан (нархларидан) юқори бўлмаган нарх (нархлар) бўйича давлат харидларини амалга оширади, ушбу Вақтинчалик низомнинг 36-бандида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Е-маълумотнома давлат харидларининг режа-жадвалига бириктирилиши мумкин.

16. Давлат буюртмачиси харид қилиш тартиб-таомилларини амалга оширишдан олдин очиқ ахборот манбаларидан ёки бошқа ишончли манбалардан олинган камида учта нархларни солиштириш йўли билан ёхуд товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) камида учта салоҳиятли етказиб берувчиларидан нархлар бўйича тўпланган маълумотлар асосида е-маълумотномани нархлар модулидан фойдаланган ҳолда шакллантиради, ушбу Вақтинчалик низомга 3-иловада келтирилган рўйхатдаги товарлар бўйича сунъий интеллект технологиялари асосида автоматик равишда аниқланган ўртача бозор нархидан фойдаланиладиган ҳоллар бундан мустасно.

Агар давлат буюртмачиси бундай товарлар бўйича қўшимча ўрганиш ўтказса, ушбу банд талаблари татбиқ этилади.

Агар очиқ ахборот манбаларидан ёки бошқа ишончли манбалардан камида учта нарх ёхуд товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) камида учта салоҳиятли етказиб берувчиларидан нархлар бўйича маълумотлар топилмаса, давлат буюртмачиси бу ҳолатни асословчи далилларни, шу жумладан, бошқа маълумотларнинг мавжуд эмаслигини тасдиқловчи ахборотларни (қидирув натижалари, сўровлар ва жавоблар, скриншотлар ва бошқалар) нархлар модулига жойлаштиради.

Ушбу талабларга риоя этилган тақдирда, мавжуд маълумот (маълумотлар) асосида е-маълумотнома шакллантирилиши мумкин.

Ягона етказиб берувчидан давлат хариди амалга оширилишида е-маълумотнома ушбу Вақтинчалик низомнинг 27-бандида белгиланган манбаларнинг камида биридан фойдаланган ҳолда шакллантирилади.

Бунда нарх маълумотининг таркиби (ҚҚС, етказиб бериш, монтаж/ўрнатиш, кафолат ва сервис шартлари) аниқ кўрсатилиши шарт.

17. Давлат буюртмачисига е-маълумотномадан у шакллантирилган санадан бошлаб кўпи билан 90 кунгача бўлган муддатда фойдаланишга, шунингдек, такрорий фойдаланишга рухсат берилади.

Бунда такрорий фойдаланиш учун давлат буюртмачиси томонидан харид қилинаётган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) хусусиятлари ушбу давлат буюртмачисига тегишли илгари шакллантирилган е-маълумотномадаги товарнинг (ишнинг, хизматнинг) хусусиятларига тўлиқ мос келиши шарт.

Ушбу бандда назарда тутилган 90 кунлик муддат е-маълумотнома шакллантирилган ҳамда тегишлилиги бўйича давлат харидлари тўғрисидаги эълон жойлаштирилган ёки иштирокчининг офертаси танланган ёхуд қонунчиликка мувофиқ тўғридан-тўғри, шунингдек, бошқача тарзда шартнома тузилган саналар орасидаги фарқ билан аниқланади.

18. Е-маълумотнома давлат буюртмачисининг давлат харидларини ташкил этиш ва амалга ошириш учун масъул бўлган таркибий бўлинмаси ёки алоҳида ходими ёхуд коллегиал органи томонидан шакллантирилади ва у е-маълумотнома тўғри шакллантирилиши, қўшимча ўрганиш ўтказилган ҳолларда унинг натижалари тўғри расмийлаштирилиши учун масъул ҳисобланади.

19. Харид предметининг нархи ёки бошланғич нархи қонунчиликка мувофиқ тегишли ваколатли органлар томонидан белгиланган ёки тавсия этилган ёхуд тақдим этилган ҳолларда, ушбу нарх асосида давлат буюртмачиси томонидан нархлар модулидаги е–маълумотнома шакллантирилади.

20. Очиқ ахборот манбалари ёки бошқа ишончли манбалар қуйидагилардан ташкил топади:

ижро этилган давлат харидлари тўғрисидаги шартномалар (тўғридан-тўғри тузилган шартномалар бундан мустасно) бўйича давлат харидлари электрон тизимидаги ахборотлар;

товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) нархлари тўғрисида вазирлик ва идораларнинг ахборот манбаларидаги маълумотлар, жумладан, ҳисобварақ-фактура ва инвойс маълумотлари;

оммавий ахборот воситалари, электрон ва босма даврий нашрлар (каталоглар) ҳамда тижорат таклифлари маълумотлари;

нархлар модули орқали харид предметининг ўртача бозор нархини ўрганиш бўйича давлат буюртмачиси томонидан жойлаштирилган эълон, шунингдек, сўровнома асосида олинган таклифлар;

етказиб берувчилар, шунингдек, ягона етказиб берувчилар томонидан нархлар модулига жойлаштирилган товарлар (ишлар, хизматлар) нархлари;

биржа котировка маълумотлари;

етказиб берувчиларнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайтларидаги, оммавий оферталаридаги (таклифларидаги) ахборотлари;

хорижий давлатлар ҳамда халқаро ташкилотларнинг расмий ахборот манбалари;

эксперт, эксперт ташкилоти ёки ихтисослашган ташкилот томонидан харид предметининг ўртача бозор нархини ўрганиш бўйича расмийлаштирилган ҳужжатлар;

Ўзбекистон Республикасининг “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ баҳолаш объектларининг баҳолаш натижалари.

Нарх тўғрисидаги маълумотлар ушбу бандда назарда тутилган манбалардан расмий ёзишмалар, электрон почта, электрон ҳужжат алмашинуви тизимлари, нархлар модулида эълон жойлаштириш, сўровнома юбориш, очиқ ахборотни йиғиш ва таҳлил қилиш, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа усуллар орқали олиниши мумкин.

Бунда телефон алоқаси, мессенжерлар, видеоконференцалоқа ва бошқа тезкор алоқа воситалари орқали олинган маълумотлардан, агар бундай маълумотлар хизмат ёзуви, баённома, скриншот, электрон хабар ёки бошқа тасдиқловчи материаллар билан қайд этилган ҳамда нархлар модулига жойлаштирилган бўлса, фойдаланишга йўл қўйилади.

Ушбу бандда санаб ўтилган манбалар рўйхати чекланган ҳисобланмайди. Давлат буюртмачиси мазкур Вақтинчалик низомнинг 22-бандида назарда тутилган чекловларга риоя этган ҳолда нархни текшириш, таққослаш ва асослаш имконини берадиган бошқа очиқ ахборот манбалари ёки ишончли манбалардан ҳам фойдаланиши мумкин.

Ушбу бандда назарда тутилган манбалардан олинган барча маълумотлар, шу жумладан, уларни олиш усули ва тасдиқловчи материаллар давлат буюртмачиси томонидан нархлар модулига жойлаштирилади.

21. Давлат буюртмачиси харид предметининг хусусияти, бозор конъюнктураси, харид шартлари ва мавжуд ахборотдан келиб чиқиб, ўртача бозор нархини ўрганишда фойдаланиладиган манбалар ва усулларни, уларни қўллаш кетма-кетлигини, ўзаро таққослаш тартибини ҳамда қайси маълумотларни асос сифатида қабул қилишни мустақил равишда белгилайди, ушбу Вақтинчалик низомнинг 6, 7, 17, 19 ва 22-бандларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

22. Харид предметининг ўртача бозор нархини аниқлаш учун қуйидаги манбалардан олинган маълумотлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди:

Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилган етказиб берувчилардан;

аноним, манбаи номаълум ахборотлардан;

техник топшириқдаги талабларга ёки сўров предметига жавоб бермайдиган таклифлардан;

қонунчиликка мувофиқ аффилланган субъектларнинг нарх таклифларидан;

амал қилиш муддати кўрсатилмаган тижорат таклифларидан.

23. Давлат буюртмачиси харид предметининг ўртача бозор нархини ўрганиш учун эксперт, эксперт ташкилоти ёки ихтисослашган ташкилот хизматларидан фойдаланиши мумкин.

Эксперт, эксперт ташкилоти ёки ихтисослашган ташкилот очиқ ахборот манбалардан олинган маълумотларни тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштириши керак.

Бунда харид предметининг ўртача бозор нархини ўрганиш учун эксперт ушбу соҳада амалий тажрибага эга бўлиши, эксперт ташкилоти ва ихтисослашган ташкилот нархларни таҳлил қилиш бўйича ходимга эга бўлиши талаб этилади.

4-боб. Харид предметининг ўртача бозор нархини ўрганиш бўйича эълон жойлаштириш ҳамда сўровнома юбориш тартиби

24. Давлат буюртмачиси нархлар модулида ушбу Вақтинчалик низомга 5-иловага мувофиқ харид предметининг ўртача бозор нархини ўрганиш бўйича эълонни камида икки иш кунига жойлаштириши мумкин.

Давлат буюртмачиси эълонга қўшимча равишда харид предметининг ўртача бозор нархини ўрганиш бўйича ушбу Вақтинчалик низомга 6-иловадаги намунавий шакл асосида сўровномани салоҳиятли етказиб берувчиларга юбориши мумкин.

Эълонда (сўровномада) таклифларни тақдим этиш тартиби белгиланиб, унда нархлар аниқ ва асосли бўлиши, таклифда товарнинг (ишнинг, хизматнинг) бир бирлик нархи ва умумий ҳажми, шунингдек, таклиф расмий оферта эмаслиги ва шартнома тузиш мажбурияти юкланмаслиги кўрсатилади.

Зарур ҳолларда, давлат буюртмачиси товарнинг (ишнинг, хизматнинг) нархларини ўрганиш бўйича юборилган сўровга ишлаб чиқилган техник топшириқ ва бошқа ҳужжатларни илова қилиши ҳамда салоҳиятли етказиб берувчиларнинг малака маълумотларини сўраши мумкин.

25. Харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари (салоҳиятли етказиб берувчилар) ўз таклифларини давлат буюртмачиси томонидан эълонда (сўровномада) белгиланган талаблар асосида тақдим этади.

Таклифда белгиланган харид қилинадиган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) бир бирлик нархи, умумий ҳажми ва бошқа талаб этилган маълумотлар кўрсатилиши лозим. Бунда нархларнинг сунъий ва/ёки асоссиз равишда ошириб юборилишига йўл қўйилмаслигига алоҳида эътибор қаратиш назарда тутилади.

26. Давлат буюртмачиси келиб тушган таклифларни уларнинг эълонда (сўровномада) белгиланган талабларга мувофиқлиги, товарнинг (ишнинг, хизматнинг) хусусиятлари ҳамда нархларнинг асосланганини инобатга олган ҳолда кўриб чиқиб, белгиланган талабларга мувофиқ келган таклифлардан харид предметининг ўртача бозор нархини ўрганишда фойдаланади.

27. Ягона етказиб берувчи билан харид предметининг нархи қуйидаги манбалардан бири орқали ўрганилади:

ягона етказиб берувчилар томонидан нархлар модулига жойлаштирилган товарлар (ишлар, хизматлар) нархлари;

давлат буюртмачиси томонидан ягона етказиб берувчига ушбу Вақтинчалик низомга мувофиқ юборилган сўровнома асосида олинган товарлар (ишлар, хизматлар) нархлари.

5-боб. Харид предметининг ўртача бозор нархини шакллантириш тартиби

28. Нархлар модулида харид предмети бўйича ўрганилган бозор нархлари нархларнинг ўзгариш коэффициенти формуласи бўйича таққосланади.

29. Нархларнинг ўзгариш коэффициенти нархлар модулида автоматик равишда аниқланади.

30. Нархларнинг ўзгариш коэффициенти 30 фоиздан ошмаган тақдирдагина, харид предметининг ўртача бозор нархи ўрганилган деб ҳисобланади.

Агар нархларнинг ўзгариш коэффициенти 30 фоиздан ошса, давлат буюртмачиси харид предметининг ўртача бозор нархини қайта ўрганиши лозим.

31. Харид предметининг ўртача бозор нархини ўрганишда нархларнинг ўзгариш коэффициенти қуйидаги формулага асосан аниқланади:

$$\text{Нархларнинг ўзгариш коэффициенти} = \frac{\text{ўртача квадратик оғиш}}{\text{харид предметининг ўртача бозор нархи}} * 100$$

бу ерда:

а) ўртача квадратик оғиш қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{Ўртача квадратик оғиш} = \sqrt{\frac{(X1 - \text{ЎБН})^2 + (X2 - \text{ЎБН})^2 + \cdots + (Xn - \text{ЎБН})^2}{n-1}}$$

бу ерда:

X1,2…n – ҳар бир манба бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) нархлари;

ЎБН – харид предметининг ўртача бозор нархи;

n – ўрганишда фойдаланилган нархлар сони;

б) харид предметининг ўртача бозор нархи қуйидаги формула бўйича шакллантирилади:

$$\text{ЎБН} = \frac{(X1 * Y1 + X2 * Y2 + \ldots + Xn * Yn)}{(Y1 + Y2 + \ldots + Yn)}$$

бу ерда:

X1,2…n – ҳар бир манба бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) нархлари;

Y1,2…n – ҳар бир манба бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажмлари.

32. Харид предметининг бошланғич нархи қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{БН} = (\text{ЎБН} * v) * (1 + т/100)$$

бу ерда:

v – харид қилинадиган товар (иш, хизмат) миқдори (ҳажми);

т – харид предметининг бошланғич нархи ҳамда унинг ўртача бозор нархи ўртасидаги тафовут миқдори.

Бунда:

тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харидлар модулдаги харид предметининг ўртача бозор нархидан ошмаган ҳолда амалга оширилади, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

давлат буюртмачиси е-маълумотномада товар (иш, хизмат) миқдорини (ҳажмини) 10 фоиздан ошмаган миқдорда ўзгартириш ҳуқуқига эга. Бунда товарнинг (ишнинг, хизматнинг) хусусиятларини ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Мазкур ҳуқуқ битта е-маълумотнома доирасида бир марта қўлланади.

33. Давлат буюртмачиси харид предметининг бошланғич нархини ҳисоблаш мақсадида харид предметининг бошланғич нархи ҳамда унинг ўртача бозор нархи ўртасидаги тафовут миқдорини белгилаб, харид қилинадиган товар (иш, хизмат) миқдорини (ҳажмини) кўрсатган ҳолда, ушбу маълумотларни нархлар модулига киритади ва е-маълумотномани шакллантириш ва тасдиқлаш учун электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда тегишли топшириқни тасдиқлайди.

34. Нархлар модули е-маълумотнома шакллантирилгандан сўнг тегишли маълумотлар давлат харидлари электрон тизимларига юборилади.

35. Давлат харидлари электрон тизими давлат буюртмачисига е-маълумотнома бўйича келиб тушган маълумотлар асосида давлат харидларига рухсат беради. Е-маълумотнома бўйича маълумот шартнома тўғрисидаги ахборотда акс эттирилади.

36. Электрон дўкон тартиб-таомилида, шунингдек, электрон кооперация порталида иштирокчининг офертаси бўйича шартнома давлат буюртмачиси томонидан шакллантирилган харид предметининг бошланғич нархидан юқори нархда шаклланиш ҳолати юзага келганда, давлат буюртмачисига ушбу шартномани шакллантириш ёки шакллантиришни рад этиш имконияти яратилади.

Бунда давлат буюртмачиси бир иш куни ичида шартномани шакллантириш ёки шакллантиришни рад этиш бўйича сўровни қабул қилмаса, давлат харидлари электрон тизими шартномани шакллантиришни автоматик равишда рад этади.

37. Давлат харидлари электрон тизими Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 26 декабрдаги ПФ–259-сон Фармони 4-бандининг “а” кичик бандида белгиланган хавф-хатарлар тўғрисидаги ахборотлар давлат харидлари соҳасидаги назоратни амалга оширувчи органларнинг шахсий кабинетларига реал вақт режимида юборилишини таъминлайди.

6-боб. Харид предметининг ўртача бозор нархини ўрганиш жараёнида шахсий манфаатдорлик ва манфаатлар тўқнашуви

38. Харид предметининг ўртача бозор нархини ўрганиш жараёнида шахсий манфаатдорлик ва манфаатлар тўқнашувига, шу жумладан, аффилланганликка олиб келадиган ҳолатларга йўл қўйилмайди.

39. Харид предметининг ўртача бозор нархини ўрганиш жараёнида қуйидаги ҳолатлар тақиқланади:

маълум маҳсулот етказиб берувчиларнинг ахборотини асоссиз рад этиш ёки улардан фойдаланишга тўсқинлик қилиш;

маълум манфаатдор шахслар ёки аффилланган субъектларнинг нарх таклифларидан фойдаланиш;

нархни сунъий равишда юқори ёки паст кўрсатиш мақсадида маълумотларни тақдим этиш, танлаб ўрганиш ёки ўзгартириш;

бир ёки бир нечта субъект манфаатида ҳисоб-китобларни қалбакилаштириш;

бозор нархларини ўрганишда рақобатни чекловчи ёки манфаатлар тўқнашувига олиб келувчи ҳаракатларни содир этиш.

40. Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисидаги ахборотларни олган раҳбар ёки комплаенс-назорат бўлинмаси унинг олдини олиш ёки уни бартараф этиш бўйича ўз вақтида чоралар кўриши керак.

Агар давлат буюртмачиси ходими харид предметининг ўртача бозор нархини ўрганиш жараёнида манфаатлар тўқнашуви ҳолатига дуч келса, бу ҳақида ўзининг бевосита раҳбарига ёки комплаенс-назорат бўлинмасига дарҳол хабар бериши шарт. Бунда манфаатлар тўқнашувини аниқлашда иштирок этадиган ходимларга ишониб топширилган ёхуд уларга касбий, хизмат ёки меҳнат мажбуриятларини бажариши муносабати билан маълум бўлиб қолган шахсларнинг шахсга доир маълумотларини ошкор этишга йўл қўйилмайди.

41. Манфаатлар тўқнашуви ҳақида хабар олган раҳбар ёки комплаенс-назорат бўлинмаси Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ва “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги қонунларига мувофиқ зудлик билан тегишли чораларни кўриши шарт.

42. Харид предметининг ўртача бозор нархини таҳлил қилиш жараёнида манфаатлар тўқнашувини бартараф этмасдан ҳаракат қилган давлат буюртмачиси ходимлари ҳамда уларнинг раҳбарлари амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгар ҳисобланади.

43. Давлат буюртмачиси комплаенс-назорат бўлинмалари (ёки ушбу вазифа юкланган масъул шахслар) харид предметининг ўртача бозор нархини ўрганиш жараёнида иштирок этаётган ходимлар томонидан манфаатлар тўқнашувига ва коррупция ҳолатларига йўл қўймаслик устидан мунтазам назоратни амалга оширишлари шарт.

7-боб. Харид предметининг ўртача бозор нархи шакллантирилишида давлат ва жамоатчилик назорати

44. Порталда ва/ёки давлат харидлари электрон тизимида нархларни шакллантириш бўйича жамоатчилик назорати е-маълумотномалардаги, оферталардаги ҳамда давлат харидлари электрон тизимларида жойлаштирилган эълонлардаги, шунингдек, харид қилиш тартиб-таомиллари натижаларига кўра тузилган шартномалардаги шубҳали нархларга “огоҳлантириш” тугмаси орқали изоҳ қолдириш йўли билан амалга оширилади.

Портал ва/ёки давлат харидлари электрон тизими ушбу ҳолат хавф-хатарлар сифатида давлат харидлари соҳасидаги назоратни амалга оширувчи органларнинг шахсий кабинетларига реал вақт режимида юборилишини таъминлайди.

45. Давлат харидлари соҳасидаги назоратни амалга оширувчи органлар томонидан давлат буюртмачиси ва ягона етказиб берувчи ўртасида тузилган шартномалар бўйича нарх белгиланиши ва унинг асосланган юзасидан алоҳида назорат тадбирлари ўтказиб борилиши мумкин.

46. Агар қонунчиликда ёки мазкур Вақтинчалик низомда муайян харид объекти ёки алоҳида ҳолат учун мажбурий манба ёки усул тўғридан-тўғри белгиланмаган бўлса, давлат харидлари соҳасидаги назоратни амалга оширувчи органлар давлат буюртмачиси томонидан танланган манба, усул, ахборот олиш шакли ёки уларнинг қўлланиш кетма-кетлигини бошқача манба ёки усулдан ҳам фойдаланиш мумкин бўлгани важи билан нотўғри деб баҳолашга ҳақли эмас.

Фойдаланилган манба ёки усулнинг ўзи, шунингдек, уларнинг тури, агар давлат буюртмачиси томонидан харид предметининг ўртача бозор нархи ўрганилгани, фойдаланилган маълумотлар ва уларнинг манбалари қайд этилгани, уларнинг таққосланувчанлиги ва ишончлилиги асосланган, тегишли материаллар нархлар модулига жойлаштирилгани ҳамда мазкур Вақтинчалик низомда белгиланган мажбурий талабларга риоя этилгани мавжуд бўлса, харид тартиб-таомилини бузиш деб топиш учун асос ҳисобланмайди.

Давлат назорати ўртача бозор нархи ўрганилгани, фойдаланилган маълумотларнинг қайд этилгани, уларнинг ишончлилиги ва таққосланувчанлиги ҳамда қонунчиликда белгиланган мажбурий талабларга риоя этилгани доирасида амалга оширилади.

8-боб. Якунловчи қоидалар

47. Давлат буюртмачиси ғолиб бўлган таклиф акцептига қадар исталган вақтда харид предметининг ўртача бозор нархини бозор нархларига мувофиқлиги юзасидан қайта ўрганиш ҳуқуқига эга.

48. “Давлат харидлари тўғрисида” Қонуннинг 71-моддаси биринчи қисми 6-бандида назарда тутилган ҳолларда ҳамда табиий монополия субъектларидан харидлар амалга оширилганда е-маълумотнома шакллантириш талаб этилмайди.

49. Давлат томонидан қўриқланиши лозим бўлган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикасида мудофаа қобилиятини, хавфсизликни таъминлаш ва ички тартибни сақлаш учун давлат харидларига, давлат сирлари билан боғлиқ бўлган давлат харидларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловларига, Ўзбекистон Республикасининг референдумларига тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш учун давлат харидларига ушбу Вақтинчалик низом талаблари тавсиявий аҳамиятга эга.

50. Давлат буюртмачилари ушбу Вақтинчалик низомга мувофиқ харид предметининг ўртача бозор нархини ўрганиш учун расмийлаштирилган ҳужжатларни Порталга жойлаштирилиши ва 5 йил давомида сақланишини таъминлаши шарт.

Нархлар модулига жойлаштирилган ҳужжатлар камида 5 йил мобайнида сақланади. Жойлаштирилган ҳужжатлар жамоатчиликка очиқланиши лозим, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

51. Давлат буюртмачиси бозор нархлари тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланишда суиистеъмол қилиш ҳолатлари учун жавобгар ҳисобланади.

52. Давлат харидлари электрон тизимининг операторлари давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган ахборотнинг шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ сақланишини ва ошкор этилмаслигини таъминлайди.

53. Давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган харид предметининг ўртача бозор нархини шакллантиришда фойдаланилган маълумотлар бўйича келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар учун жавобгар бўлмайди.

54. Мазкур Вақтинчалик низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Давлат хариди предметининг ўртача бозор ҳамда бошланғич нархини аниқлаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомга
1-илова

Харид предметининг ўртача бозор нархини шакллантириш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Давлат буюртмачиси	Харид қилиниши режалаштирилган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) хусусиятларини аниқлайди.	Заруратга кўра
2-босқич	Давлат буюртмачиси	Зарур ҳолларда нархлар модулида ушбу Низом талаблари асосида харид предметининг ўртача бозор нархларини ўрганиш бўйича эълонни (Вақтинчалик низомга 5-иловага мувофиқ) жойлаштириши, шунингдек, эълон жойлаштириш билан бир вақтда салоҳиятли етказиб берувчиларга сўровнома (Вақтинчалик Низомга 6-иловага мувофиқ) юбориши мумкин.	Таклифларни қабул қилиш муддати тугашидан камида 2 иш куни олдин
3-босқич	Салоҳиятли етказиб берувчилар ёки иштирокчилар	Эълонда (сўровномада) белгиланган талабларга мувофиқ ўзининг таклифларини юборади.	Эълонда белгиланган муддат ичида
4-босқич	Давлат буюртмачиси	Таклифларни эълонда (сўровномада) белгиланган талабларга мувофиқлиги юзасидан кўриб чиқади ҳамда ушбу талабларга мувофиқ келган таклифлардан фойдаланади.	Заруратга кўра
5-босқич	Давлат буюртмачиси	Очиқ ахборот манбаларидан ёки бошқа ишончли манбалардан олинган камида учта нархни солиштириш йўли билан ёхуд камида учта товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) салоҳиятли етказиб берувчиларидан нархлар бўйича тўпланган маълумотлар асосида Вақтинчалик низомнинг 16-бандига мувофиқ е-маълумотномани нархлар модулидан фойдаланган ҳолда шакллантиради.	Давлат харидларини амалга оширишдан олдин
6-босқич	Нархлар модули	Давлат буюртмачиси томонидан ўрганилган барча маълумотлар асосида харид предметининг ўртача бозор нархини автоматик равишда ҳисоблайди. Агар нархларнинг ўзгариш коэффициенти 30 фоиздан ошса, давлат буюртмачисига харид предметининг ўртача бозор нархи қайта ўрганилиши кераклиги тўғрисида хабар беради.	Автоматик равишда

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
7-босқич	Давлат буюртмачиси	Харид предметининг бошланғич нархини ҳисоблаш мақсадида харид предметининг бошланғич нархи ҳамда унинг ўртача бозор нархи ўртасидаги тафовут миқдорини белгилаб, харид қилинадиган товар (иш, хизмат) миқдорини (ҳажмини) кўрсатган ҳолда ушбу маълумотларни нархлар модулига киритади ва е-маълумотномани шакллантириш ва тасдиқлаш учун электрон рақамли имзо орқали топшириқни тасдиқлайди.	Бошланғич нархни белгилаш жараёнида
8-босқич	Нархлар модули	Е-маълумотномани шакллантиради ҳамда тегишли маълумотларни давлат харидлари электрон тизимларига юборади.	Автоматик равишда
9-босқич	Давлат харидлари электрон тизими	Давлат буюртмачилари томонидан е-маълумотнома бўйича келиб тушган маълумотлар асосида давлат харидларини амалга оширишга рухсат беради ва е-маълумотнома маълумотларини шартнома тўғрисидаги ахборотда акс эттиради Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 26 декабрдаги ПФ-259-сон Фармонининг 4-банди “а” кичик бандида белгиланган хавф-хатарлар тўғрисидаги ахборотлар давлат харидлари соҳасидаги назоратни амалга оширувчи органларнинг шахсий кабинетларига реал вақт режимида юборилишини таъминлайди.	Автоматик равишда

Изоҳ.

2–4-босқичлар давлат буюртмачисининг ихтиёрига кўра амалга оширилади.

Ушбу схема Вақтинчалик низомга 3-иловадаги рўйхатга киритилмаган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича, шунингдек, сунъий интеллект технологиялари асосида автоматик аниқлаш имкони мавжуд бўлмаган ёки қўшимча ўрганиш талаб этилган ҳолларда қўлланади.

Давлат хариди предметининг ўртача бозор
ҳамда бошланғич нархини аниқлаш тартиби
тўғрисидаги вақтинчалик низомга
2-илова

Харид предметининг ўртача бозор нархини сунъий интеллект технологиялари асосида автоматик равишда шакллантириш
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Давлат буюртмачиси	Харид қилиш тартиб-таомилларини бошлашдан олдин харид предмети Вақтинчалик низомга 3-иловадаги рўйхатга киритилганлигини товар номи ва товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ягона миллий классификатори коди орқали аниқлайди. Харид қилинадиган товарнинг техник, функционал ва эксплуатация хусусиятлари, комплектацияси, етказиб бериш, кафолат ва сервис шартлари, миқдори, қонунчиликда белгиланган ҳолларда модели (маркаси) ҳамда нархга таъсир қилувчи бошқа шартларини Нархлар модулига киритиб, е-маълумотномани шакллантириш сўровини юборади.	Харид қилиш тартиб-таомилини бошлашдан олдин
2-босқич	Нархлар модули	Давлат буюртмачиси киритган маълумотларни Вақтинчалик низомга 3-иловадаги рўйхат ва тегишли товар коди билан автоматик солиштиради. Товар хусусиятларининг автоматик равишда мос ёки таққослаш мумкинлигини текширади. Товар рўйхатда мавжуд бўлмаган ёки автоматик равишда идентификация қилиш имкони бўлмаган ҳолларда, давлат буюртмачисига ўртача бозор нархини Вақтинчалик низомга 1-иловага мувофиқ шакллантириш зарурлиги ҳақида хабар беради.	Автоматик равишда
3-босқич	Нархлар модули / сунъий интеллект технологиялари	Охирги 90 кунда шаклланган нарх маълумотларидан, бундай маълумотлар мавжуд бўлмаганда эса охирги 365 кунгача бўлган маълумотлардан фойдаланиб, харид предметининг ўртача бозор нархи, юқори ва паст чегара нархлари, нархлар динамикаси ҳамда нархларнинг ўзгариш коэффициентини ҳисоблаб, давлат буюртмачисига тегишли маълумотларни тақдим этади.	Автоматик равишда

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
4-босқич	Нархлар модули	Нархларнинг ўзгариш коэффициенти 30 фоиздан ошган ёки манбалар сони ва сифати етарли бўлмаган ҳолларда, автоматик натижани “қўшимча ўрганиш талаб этилади” мақомида белгилайди ҳамда бу ҳақида давлат буюртмачисига хабар беради.	Автоматик равишда
5-босқич	Давлат буюртмачиси	Сунъий интеллект технологиялари асосида автоматик аниқланган ўртача бозор нархининг харид предмети хусусиятларига мослиги, манбалар етарлилиги ва ҳисоблаш натижасининг ишончлилигини инобатга олган ҳолда харид қилинадиган товарнинг сонини, шунингдек, зарур ҳолларда қонунчиликка мувофиқ харид предметининг бошланғич нархи ҳамда унинг ўртача бозор нархи ўртасидаги тафовут миқдорини Нархлар модулига е-маълумотномани шакллантириш учун киритади. Зарур ҳолларда ушбу Вақтинчалик низомга 1-иловага мувофиқ қўшимча ўрганиш ўтказади.	Харид қилиш тартиб-таомилини бошлашдан олдин
6-босқич	Нархлар модули	Сунъий интеллект технологиялари асосида аниқланган харид предметининг ўртача бозор нархи, ҳисоблаш санаси, манбалар сони, асосий параметрлар, зарур ҳолларда қўшимча ўрганиш натижалари ва бошқа маълумотларни бошланғич нархни аниқлаш учун ҳисоб-китоблари кўрсатилган е-маълумотномани Нархлар модулида, давлат буюртмачисининг шахсий кабинетида шакллантиради ҳамда е-маълумотнома ахборотларини давлат харидлари электрон тизимларига юборади.	Автоматик равишда
7-босқич	Давлат харидлари электрон тизими	Е-маълумотнома бўйича келиб тушган маълумотлар асосида давлат харидларини амалга оширишга рухсат беради, маълумотларни шартнома тўғрисидаги ахборотда акс эттиради ҳамда белгиланган хавф-хатарлар тўғрисидаги ахборотлар давлат харидлари соҳасидаги назоратни амалга оширувчи органларнинг шахсий кабинетларига реал вақт режимида юборилишини таъминлайди.	Автоматик равишда

Изоҳ. *Мазкур схема Вақтинчалик низомга 3-иловада келтирилган рўйхатдаги товарларга нисбатан қўлланади. Сунъий интеллект технологиялари асосида автоматик аниқлаш имкони мавжуд бўлмаган ёки қўшимча ўрганиш талаб этилган ҳолларда, давлат буюртмачиси харид предметининг ўртача бозор нархини Вақтинчалик низомнинг 1-иловага мувофиқ мустақил шакллантиради.*

Давлат хариди предметининг ўртача бозор ҳамда
бошланғич нархини аниқлаш тартиби тўғрисидаги
вақтинчалик низомга
3-илова

Нархлар модулида ўртача бозор нархи сунъий интеллект технологиялари асосида автоматик равишда аниқланадиган товарлар РЎЙХАТИ

Т/р	Товар номи	Давлат харидлари соҳасида фойдаланиладиган Товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ягона миллий классификатори коди	Мос келувчи МХИК
Компьютер, электрон ва оптик ускуналар			
1	Телевизор	26.40.20.122-00001	08528001001
2	Шахсий компьютер	26.20.13.000-00006	08471001002
3	Моноблок	26.20.13.000-00003	08471010009
4	Планшет компьютер	26.20.11.110-00003	08471001020
5	Ноутбук	26.20.11.110-00001	08471001001
6	График планшетлар	26.20.16.000-00001	08471001020
7	Интерфаол панель	26.20.13.000-00001	08471010010
8	Кўп функцияли мослама	26.20.18.000-00001	08443001028
9	Компьютерга уланадиган монитор	26.20.17.110-00001	08528002001
10	Электр қуввати ишлаб чиқарилиши ёки истеъмоли ҳисоблагичлари	26.51.63.130-00001	09028001005
11	Узлуксиз қувват манбаи	26.20.40.110-00001	08504006999
12	Компьютер сичқончаси	26.20.16.170-00001	08471012005
13	Клавиатура	26.20.16.110-00001	08471012004
14	Флеш хотира картаси	26.20.21.120-00002	08523001001
Электр ва бошқа ускуналар			
15	Маиший кондиционер	28.25.12.130-00001	08415001001
16	Маиший совиткич	27.51.11.110-00001	08418001001

Т/р	Товар номи	Давлат харидлари соҳасида фойдаланиладиган Товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ягона миллий классификатори коди	Мос келувчи МХИК
17	Маиший тикув машиналари	28.94.40.000-00001	08452001003
18	Электр плита	27.51.28.130-00001	08516006016
19	Газ плитаси	27.52.11.110-00001	07321001003
20	Электр гўшт қиймалагич	27.51.21.122-00001	08509001009
21	Электр сув иситкич	27.51.25.110-00001	08516001001
22	Бурчак силлиқлайдиган машина (болгарка)	28.93.13.132-00001	08467001096
23	Электр дастакли қўл дрели (пармадаста)	28.24.11.000-00005	08467001001
24	Перфоратор	28.24.11.000-00002	08467001002
25	Ўт ўчиргич	28.29.22.110-00001	08424001001
26	Электрмагнитли ишга тушириш аппарати	27.33.13.150-00001	08536007013
27	Автоматик бўлмаган ўчириб ёқиш мосламаси	27.33.11.140-00001	08536004016
Мебель			
28	Ёзув столи	31.01.10.000-00001	09403001127
29	Ёғочдан ясалган ишхона тумбаси	31.01.12.150-00001	09403001016
30	Ёғоч каркасли стул	31.01.12.160-00001	09401001030
31	Металл каркасли стул	31.01.11.150-00001	09401001030
32	Диван	31.09.12.111-00001	09401001012
Қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари			
33	Форматли оқ қоғоз	17.12.14.109-00001	04802001006
34	Офис техникаси учун суратга олиш қоғози	20.59.11.130-00001	04810001006
35	Кириш ҳужжатларини қайд этиш журнали	17.23.13.110-00001	04820001001
36	Блокнот	17.23.13.191-00001	04820008001
Бошқа тайёр буюмлар			
37	Канцелярия ручкаси	32.99.12.110-00001	09608001001
38	Қаттиқ пўстлоқли грифеллари бор оддий ва рангли қаламлар	32.99.15.110-00001	09609001001
39	Маркер	32.99.12.120-00001	09608001002
40	Шахмат ўйнаш учун тўплам	32.40.42.191-00001	09504001008

Т/р	Товар номи	Давлат харидлари соҳасида фойдаланиладиган Товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ягона миллий классификатори коди	Мос келувчи МХИК
Тўқимачилик ва тўқимачилик маҳсулотлари			
41	Гилам	13.93.11.100-00001	05705003001
42	Чойшаб тўплами	13.92.12.194-00001	06302001007
43	Тиббий дока	13.20.44.120-00001	03005001002
44	Дераза жалюзиси	13.92.22.120-00001	03925001006 06303001005 07610001001
Озиқ-овқат маҳсулотлари			
45	Қисқа муддат сақланадиган нон	10.71.11.110-00001	01905002004
46	Таъм берувчи қўшимчаларсиз қаттиқ пишлоқ	10.51.40.131-00001	00406001001
47	Сут	10.51.11.000-00001	00401001001
48	Мева ва (ёки) сабзавотлар шарбати	10.32.10.000-00001	02009001006
Бошқалар			
49	Мош дони	01.11.79.121-00001	00708005001
50	Алюминий радиатор	25.21.11.130-00003	07616003001
51	Металл эшик	25.12.10.000-00001	07326999999
52	Сув-газ ўтказувчи пўлат қувур	24.20.13.160-00001	07304001001
53	Бостирма плита	23.61.12.142-00001	06810006002
54	Раковина	23.42.10.130-00001	06910001001
55	Сопол плитка	23.31.10.125-00001	06907001012
56	Қуруқ қурилиш аралашмаси	23.64.10.110-00001	03214001003
57	Полиэтилен босимли қувур	22.21.21.122-00001	03917001001
58	Нометалл эшик	16.23.11.130-00001	04418002001 04418002006 07020999011
59	Кесилган тахта	16.10.21.119-00004	04407002001 04407002002

Т/р	Товар номи	Давлат харидлари соҳасида фойдаланиладиган Товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ягона миллий классификатори коди	Мос келувчи МХИК
			04407002003 04407002004 04407002005 04407002006 04407002007 04407002010 04407002011 04407002012 04407002013 04407002014 04407002015 04407002016 04407002102 04407002103 04407002104
60	Қурилиш қуми	08.12.11.130-00001	02505001004

Изоҳ. Давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган нархлар модулида сунъий интеллект технологиялари асосида ўртача бозор нархи автоматик аниқланадиган товарлар рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиши мумкин.

Давлат хариди предметининг ўртача бозор ҳамда бошланғич нархини аниқлаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомга
4-илова

Ўртача бозор ва бошланғич нарх бўйича маълумотнома – е-маълумотноманинг НАМУНАВИЙ ШАКЛИ

Е-МАЪЛУМОТНОМА

20___ йил “___” _____даги _____-сон

1.	**Давлат буюртмачиси тўғрисида маълумот**				
	Давлат буюртмачисининг	номи			
		СТИРи			
2.	**Харид предмети тўғрисида умумий маълумот**				
	Харид предмети номи:				
	Харид предметининг қисқача тавсифи:				
3.	**Харид предметининг ўрганилган бозор нархи манбалари бўйича маълумот**				
	Харид предметининг ўрганилган бозор нархи манбаи номи		*(1)*	*(2)*	*(...)*
	Лот рақами *(мавжуд бўлганда)*				
	Тадбиркорлик субъекти	номи			
		СТИРи			
	Товар (иш, хизмат) номи				
	Товарнинг (ишнинг, хизматнинг) хусусиятлари				
	Ўлчов бирлиги				
	Миқдори				
	Бир бирлик нархи				
	Валютаси				
	агар хорижий валютада бўлса,	*шу кундаги Марказий банкнинг сўмдаги валюта курси*			
		сўмдаги қиймати			
	Ягона миллий классификатор коди				
4.	**Сунъий интеллект технологиялари асосида автоматик равишда аниқланган маълумотлар** *(ушбу бўлим Вақтинчалик низомга 3-иловада келтирилган рўйхатдаги товарлар бўйича тўлдирилади)*				
	Сунъий интеллект технологиялари асосида автоматик аниқланган ўртача бозор нархи		_____ сўм		
	Автоматик ҳисоблаш санаси		20__ йил “__” _____		
	Автоматик ҳисоблашда фойдаланилган манбалар сони		___ та		
	Қўшимча ўрганиш ўтказилгани		ҳа / йўқ		
	Қўшимча ўрганиш ўтказилган бўлса, унинг асоси		*(давлат буюртмачиси томонидан тўлдирилади)*		
5.	**Юқоридаги маълумотлар асосида ҳисоб-китоблар**				
	Нархларнинг ўзгариш коэффициенти:				
	бу ерда:				
а)	ўртача квадратик оғиш: *(агар нархларнинг ўзгариш коэффициенти 30 фоиздан ошса, е-маълумотнома шакллантирилмайди)*				
б)	харид предметининг ўртача бозор нархи:				

в)	харид предметининг бошланғич нархи ҳамда унинг ўртача бозор нархи ўртасидаги тафовут миқдори	

Мазкур ҳисоб-китобларга кўра _____*(харид предмети номи)*нинг **бошланғич нархи _____ сўм** миқдорида белгиланди.

Давлат буюртмачисининг е-маълумотномани шакллантириш учун масъул бўлган таркибий бўлинмаси номи ёки масъул ходими маълумотлари (лавозими ва Ф.И.О) ёхуд коллегиал органи ҳақида маълумот:

_____

Ташкилот раҳбари (лавозими, Ф.И.О.):

_____

[*Электрон рақамли имзо билан тасдиқланади*]

Изоҳ. Давлат харидлари соҳасидаги ваколатли органга е-маълумотноманинг намунавий шаклига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилади.

Давлат хариди предметининг ўртача бозор ҳамда бошланғич нархини аниқлаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомга
5-илова

Харид предметининг ўртача бозор нархларини ўрганиш бўйича
ЭЪЛОН

Ҳудуд: _____ **20__ йил "___" _____**

Эълоннинг тугаш муддати _____

Мазкур эълон давлат харидларини амалга оширишда харид предметининг ўртача бозор нархини ўрганиш мақсадида жойлаштирилмоқда.

Сиздан қуйидаги жадвал ва сўровнома асосида ўз таклифларингизни тақдим этишингизни сўраймиз.

Ушбу жараёндаги ҳамкорлигингиз давлат харидларини оқилона ва самарали амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга.

I. Харид объекти бўйича маълумотлар:

Т/р	**Товар (иш, хизмат) номи**	**Ўлчов бирлиги**	**Талаб этилган миқдор**	**Ягона миллий классификатор коди**
1.				
2.				
…				

II. Сўровнома*:

1.	**Нарх бирлиги ва валюта:**	

Нарх таркиби:

Қўшимча қиймат солиғи	□ киритилган	□ киритилмаган
Бошқа солиқ турлари: _____	□ киритилган	□ киритилмаган
Божлар ва бошқа мажбурий тўловлар: _____	□ киритилган	□ киритилмаган
Етказиб бериш харажатлари	□ киритилган	□ киритилмаган
Монтаж/демонтаж ишлари ёки ўрнатиш ишлари	□ киритилган	□ киритилмаган
Қадоқлаш/юклаш-тушириш	□ киритилган	□ киритилмаган
Бошқа харажатлар: _____	□ киритилган	□ киритилмаган

2.	**Товар (иш, хизмат) хусусиятлари, жумладан:**	
-	истеъмол, функционал, техник ва эксплуатация хусусиятлари:	
-	стандартлар (техник регламентлар):	
-	комплектация (етказиб бериладиган тўплам таркиби):	
-	модел (марка)**:	

-	ишлаб чиқарилган йили:	
-	кафолат ва сервис хизмат кўрсатиш шартлари:	
-	қабул қилиш (топшириш-қабул қилиш) шартлари:	
-	товарни етказиб бериш жойи ёки иш бажариш (хизмат кўрсатиш) жойи:	
-	сифат кўрсаткичлари:	
3.	Таклифнинг амал қилиш муддати:	
4.	Етказиб берувчи ҳақида маълумот ва унинг реквизитлари:	
5.	Таклифнинг охирги тақдим этиш санаси ва вақти:	
6.	Етказиб бериш муддати (ишда/хизматда — бажариш графиги):	
7.	Етказиб бериш шартлари *(қабул қилиш ёки топшириш-қабул қилиш)* шартлари:	

III. Таклифларни тақдим этиш тартиби ва қўшимча талаблар:

Т/р	**Талаб номи**	
1.		
...		

IV. Давлат буюртмачиси маълумотлари:

1.	Юридик манзил:	
2.	Электрон почта:	
3.	Давлат буюртмачисининг телефон рақами:	
4.	Масъул шахс телефон рақами:	
5.	Етказиб бериш шартлари *(қабул қилиш ёки топшириш-қабул қилиш)* шартлари:	

Изоҳ:

** - давлат буюртмачиси сўровнома маълумотларини заруратдан келиб чиқиб тўлдиради ёки иштирокчилар (салоҳиятли етказиб берувчилар) томонидан тўлдирилиши мажбурий бўлган майдонларни белгилайди;*

*** - ушбу маълумотлардан давлат харидларини амалга оширишда қонунчилик ҳужжатларида рухсат берилган ҳолларда фойдаланилади.*

Ушбу эълон бўйича тақдим этиладиган таклиф расмий оферта ҳисобланмайди ва шартнома тузиш мажбуриятини юкламайди.

Ташкилот раҳбари (лавозими, Ф.И.О):

Электрон рақамли имзо

билан тасдиқланади

Давлат хариди предметининг ўртача бозор ҳамда бошланғич нархини аниқлаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомга
6-илова

Харид предметининг ўртача бозор нархларини ўрганиш бўйича
СЎРОВНОМА

Ҳудуд: _____ **20__ йил "___" _____**

Ҳурматли _____,
(тадбиркорлик субъекти номи)

Мазкур эълон давлат харидларини амалга оширишда харид предметининг ўртача бозор нархини ўрганиш мақсадида жойлаштирилмоқда.

Сиздан қуйидаги жадвал ва сўровнома асосида ўз таклифларингизни тақдим этишингизни сўраймиз.

Ушбу жараёндаги ҳамкорлигингиз давлат харидларини оқилона ва самарали амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга.

I. Харид объекти бўйича маълумотлар:

Т/р	**Товар (иш, хизмат) номи**	**Ўлчов бирлиги**	**Талаб этилган миқдор**	**Ягона миллий классификатор коди**
1.				
2.				
…				

II. Сўровнома*:

1.	**Нарх бирлиги ва валюта:**	

Нарх таркиби:

Қўшимча қиймат солиғи	□ киритилган	□ киритилмаган
Бошқа солиқ турлари: _____	□ киритилган	□ киритилмаган
Божлар ва бошқа мажбурий тўловлар: _____	□ киритилган	□ киритилмаган
Етказиб бериш харажатлари	□ киритилган	□ киритилмаган
Монтаж/демонтаж ишлари ёки ўрнатиш ишлари	□ киритилган	□ киритилмаган
Қадоқлаш/юклаш-тушириш	□ киритилган	□ киритилмаган
Бошқа харажатлар: _____	□ киритилган	□ киритилмаган

2.	**Товар (иш, хизмат) хусусиятлари, жумладан:**	
-	истеъмол, функционал, техник ва эксплуатация хусусиятлари:	
-	стандартлар (техник регламентлар):	
-	комплектация (етказиб бериладиган тўплам таркиби):	
-	модел (марка)**:	

-	ишлаб чиқарилган йили:	
-	кафолат ва сервис хизмат кўрсатиш шартлари:	
-	қабул қилиш (топшириш-қабул қилиш) шартлари:	
-	товарни етказиб бериш жойи ёки иш бажариш (хизмат кўрсатиш) жойи:	
-	сифат кўрсаткичлари:	
3.	Таклифнинг амал қилиш муддати:	
4.	Етказиб берувчи ҳақида маълумот ва унинг реквизитлари:	
5.	Таклифнинг охирги тақдим этиш санаси ва вақти:	
6.	Етказиб бериш муддати (ишда/хизматда — бажариш графиги):	
7.	Етказиб бериш шартлари *(қабул қилиш ёки топшириш-қабул қилиш)* шартлари:	

III. Таклифларни тақдим этиш тартиби ва қўшимча талаблар:

Т/р	**Талаб номи**	
1.		
...		

IV. Давлат буюртмачиси маълумотлари:

1.	Юридик манзил:	
2.	Электрон почта:	
3.	Давлат буюртмачисининг телефон рақами:	
4.	Масъул шахс телефон рақами:	
5.	Етказиб бериш шартлари *(қабул қилиш ёки топшириш-қабул қилиш)* шартлари:	

Изоҳ:

** сўровнома маълумотлари заруратдан келиб чиқиб тўлдирилади;*

*** ушбу маълумотлардан давлат харидларини амалга оширишда қонунчилик ҳужжатларида рухсат берилган ҳолларда фойдаланилади.*

Ушбу сўровнома бўйича тақдим этиладиган таклиф расмий оферта ҳисобланмайди ва шартнома тузиш мажбуриятини юкламайди.

Ташкилот раҳбари (лавозими, Ф.И.О.):

Электрон рақамли имзо

билан тасдиқланади

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 8 ” сентябрдаги 480-сон қарорига
2-илова

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги 833-сон қарори билан тасдиқланган “Рақамли трансформация маркази” масъулияти чекланган жамиятининг электрон кооперация порталида ахборотни жойлаштириш ва харидларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. Низомнинг 24-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“24. Агар нарх сўрови мобайнида иштирокчи томонидан таклиф қилинган нарх буюртмачи томонидан танланган нархдан 20 ва ундан ортиқ фоизга паст бўлса, иштирокчи буюртмачи танлаган офертанинг нархи ва ўзи таклиф этган нархнинг фарқи миқдоридаги қўшимча закалатни харид предметининг ҳар бир бирлиги учун олдиндан киритиши шарт (қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно). Бунда офертанинг суммаси:

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки минг беш юз бараваридан ошмайдиган ҳолларда, қўшимча закалат суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан;

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки минг беш юз бараваридан ошган ҳолларда, қўшимча закалат суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг минг бараваридан ошмаслиги керак.

Қўшимча закалат мавжуд бўлмаган тақдирда, ушбу таклифлар электрон тизим томонидан автоматик равишда рад этилади”.





БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 1782-6
2026 - yil 09 - Sentabr

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI BOSHQARUVI
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ISTIQBOLLI LOYIHALAR MILLIY AGENTLIGINING
QARORI

Banklarning qimmatli qog‘ozlar bozorida investitsiya vositachisi, investitsiya aktivlarining ishonchli boshqaruvchisi va investitsiya maslahatchisi sifatida professional faoliyatni amalga oshirishiga oid talablar to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar va qo‘shimcha kiritish haqida

O‘zbekiston Respublikasining “O‘zbekiston Respublikasining Markaziy banki to‘g‘risida”gi va “Banklar va bank faoliyati to‘g‘risida”gi hamda 2026-yil 27-martdagi O‘RQ –1126-son “O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga O‘zbekistonda islomiy bank faoliyatini joriy etishga qaratilgan qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi qonunlariga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi va Istiqbolli loyihalar milliy agentligi **qaror qiladi**:

1. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi va Davlat mulki qo‘mitasi huzuridagi Qimmatli qog‘ozlar bozori faoliyatini muvofiqlashtirish va nazorat qilish markazining 2008-yil 23-fevraldagi 299-V, 2008-05-son qarori (ro‘yxat raqami 1782, 2008-yil 2-aprel) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2008-y., 14-15-son, 105-modda) bilan tasdiqlangan Banklarning qimmatli qog‘ozlar bozorida investitsiya vositachisi, investitsiya aktivlarining ishonchli boshqaruvchisi va investitsiya maslahatchisi sifatida professional faoliyatni amalga oshirishiga oid talablar to‘g‘risidagi nizomga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar va qo‘shimcha kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

O‘zbekiston Respublikasi
Markaziy banki Raisi
2026-yil 2-sentabr
23/5-son

ISHMETOV TIMUR
AMINDJANOVICH

36 (1264)-сон
922-модда

Direktor
2026-yil 27-avgust
6-son



LI DMITRIY ROMANOVICH

QMMB: 10/26/1782-6/0913-son
10.09.2026-y.

O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki
boshqaruvining 2026-yil 2-sentabrdagi
23/5-son hamda Istiqbolli loyihalar milliy
agentligining 2026-yil 27-avgustdagi 6-son
qaroriga
ILOVA

Banklarning qimmatli qog‘ozlar bozorida investitsiya vositachisi, investitsiya aktivlarining ishonchli boshqaruvchisi va investitsiya maslahatchisi sifatida professional faoliyatni amalga oshirishiga oid talablar to‘g‘risidagi nizomga kiritilayotgan o‘zgartirishlar va qo‘shimcha

1. 1-bandning ikkinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“bank – bank hisobvaraqlarini ochish va yuritish, to‘lovlarni amalga oshirish, omonatlarga (depozitlarga) pul mablag‘larini jalb etish, o‘z nomidan kreditlar (qarzlar) berish bo‘yicha bank faoliyati sifatida aniqlangan operatsiyalar majmuini amalga oshiruvchi tijorat tashkiloti bo‘lgan yuridik shaxs;”.

2. Quyidagi mazmundagi 1^1-band bilan to‘ldirilsin:

“1^1. Ushbu Nizomning banklarga nisbatan belgilangan qoidalari islomiy bank faoliyatini amalga oshiruvchi banklarga nisbatan ham tatbiq etiladi.”.

3. 2-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“2. Bank O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bankidan bank faoliyatini amalga oshirish huquqini beruvchi litsenziyani va (yoki) islomiy bank faoliyatini amalga oshirish huquqini beruvchi litsenziyani olgan vaqtdan boshlab qimmatli qog‘ozlar bozorida investitsiya vositachisi, investitsiya aktivlarining ishonchli boshqaruvchisi va investitsiya maslahatchisi sifatida professional faoliyatni amalga oshirish huquqiga egadir.

Banklar mazkur bandning birinchi xatboshisida ko‘rsatilgan professional faoliyatni amalga oshirish uchun litsenziyalash va xabardor qilish tartib-taomillaridan o‘tishi talab etilmaydi. Bunda banklar tegishli professional faoliyat uchun belgilangan litsenziya va (yoki) xabardor qilish talablari va shartlarini bajarishdan ozod etilmaydi.”.

4. 9-banddagi “Boshqaruvchi kompaniyalar o‘z mablag‘lari miqdorining hisobi va investitsiya aktivlarining o‘rtacha yillik qiymatini aniqlash tartibi to‘g‘risidagi nizom (ro‘yxat raqami 1322, 2004-yil 5-mart)” degan so‘zlar “Investitsiya aktivlarini ishonchli boshqaruvchilarning o‘z mablag‘lari miqdori va investitsiya aktivlarining o‘rtacha yillik qiymatini aniqlash tartibi to‘g‘risidagi nizom (ro‘yxat raqami 3729, 2025-yil 18-dekabr)” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

36 (1264)-son
923-modda

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3935
2026 - yil 09 - Sentabr

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИ БОШЛИҒИНИНГ
БУЙРУҒИ

Бюджет тизими бюджетлари маблағлари мақсадли сарфланиши устидан назорат қилиш соҳасида “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 ноябрдаги ПФ–184-сон “Тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2026 йил 17 апрелдаги ПФ–63-сон “Тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувларни чеклаш ва назорат тадбирларининг шаффофлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 октябрдаги 611-сон “Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида давлат назоратини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Бюджет тизими бюджетлари маблағлари мақсадли сарфланиши устидан назорат қилиш соҳасида “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурорининг
ўринбосари — Департамент
бошлиғи
2026 йил 18 август
30-сон

ХАТАМОВ ЖАХОНГИР
ЖУРАЕВИЧ

Келишилди:

Раис
2026 йил 30 июль

ВАХАБОВ ДАВРОН
АБДУЖАЛАЛОВИЧ

Тадбиркорларнинг
ҳуқуқларини ҳимоя қилиш
бўйича вакил
2026 йил 16 июнь

БЎРИЕВ АБДУМАННОП
АБДУРАҲМАТОВИЧ

36 (1264)-сон
923-модда

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши
курашиш департаменти бошлиғининг 2026 йил
18 августдаги 30-сон буйруғига
ИЛОВА

Бюджет тизими бюджетлари маблағлари мақсадли сарфланиши устидан назорат қилиш соҳасида “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти қошидаги Давлат молиявий назорат инспекцияси (бундан буён матнда Инспекция деб юритилади) томонидан бюджет тизими бюджетлари маблағлари мақсадли сарфланиши соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларининг бузилишига оид ҳуқуқбузарликларни содир этиш хавфи мавжуд бўлган тадбиркорлик субъектларини аниқлаш имкониятини берувчи “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизимини жорий этиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

тадбиркорлик субъекти – белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслар;

текширув – тадбиркорлик субъекти томонидан фаолиятини тартибга солувчи қонунчиликка қай даражада риоя этилаётганлигини текшириш учун керакли материаллар, ҳужжатлар ёки уларнинг фаолиятига доир маълумотларни олиш ҳамда муайян ҳаракатларни амалга ошириш орқали Инспекция ваколати доирасида ўтказиладиган назорат тадбири;

“Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизими – Инспекция томонидан тегишли назорат соҳаси бўйича аниқ мезонларга асосланиб, тадбиркорлик субъекти фаолиятида қонунчилик бузилиш хавфи даражасини аниқлаш электрон тизими.

2. Инспекция томонидан “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 октябрдаги 611-сон қарори билан тасдиқланган Назорат қилувчи органларнинг “хавфни таҳлил этиш” тизимларига қўйиладиган минимал талабларга мувофиқ ишлаб чиқилиши лозим.

Минимал талабларга зид бўлган “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизими тадбиркорлик субъектида текширув ўтказиш ташаббуси билан чиқишга асос бўлмайди.

3. Ишлаб чиқилган “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизими асосида аниқланган ҳуқуқбузарлик хавфи қай даражада бўлишидан қатъи назар, тадбиркорлик субъектига нисбатан таъсир чораларини қўллашга асос бўла олмайди.

2-боб. Хавф даражасини таҳлил қилишга доир умумий талаблар

4. Тадбиркорлик субъектининг қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузиш хавфи даражасини таҳлил қилиш жараёни тадбиркорлик субъекти фаолиятини тўхтатиб туриш, унга тўсқинлик қилиш ёки фаолиятини амалга оширишга тўғридан-тўғри аралашишни назарда тутувчи хатти-ҳаракатларни ўз ичига олмаслиги зарур.

5. Хавф даражасининг таҳлили қуйидаги маълумотларни ўрганиш асосида амалга оширилади:

маъмурий маълумотлар (лицензия, рухсат этувчи ва давлат органларида мавжуд бошқа ҳужжатлар);

даврий статистика маълумотлари, жумладан, аввал ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланган тадбиркорлик субъектларини умумлаштирувчи белгилар, хабарлар ва бошқа корреляцион таҳлил натижалари;

юридик ва жисмоний шахслардан келиб тушган мурожаатлар;

оммавий ахборот воситаларидан ёки бошқа ташқи манбалардан (ижтимоий тармоқлар, веб-сайтлар) олинган маълумотлар;

назорат хариди натижалари асосида аниқланган камчиликларнинг таҳлили;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалардан ва тадбиркорлик субъектларининг одатий фаолиятига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатмаган ҳолда, давлат органлари ва бошқа тадбиркорлик субъектларидан олиниши мумкин бўлган бошқа маълумотлар.

6. Хавф даражаси таҳлили жараёнида тадбиркорлик субъектларидан ҳужжатлар ва ахборотлар талаб қилинишига йўл қўйилмайди.

7. Назорат ваколатига кирмайдиган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш тақиқланади.

3-боб. Хавф даражалари таснифи ва уларни мезонлашга доир талаблар

8. “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизимида хавф даражасини баҳолаш ўрганиладиган маълумотлар асосида шакллантирилган мазкур Низомнинг 1 ва 2-иловаларида кўрсатилган асосий кўрсаткичларга тадбиркорлик субъекти фаолиятининг мувофиқлигини “балл” тизими асосида баҳолаш орқали амалга оширилади.

9. Хавф даражасини баҳолаш учун қуйидаги асосий кўрсаткичлар “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизимига киритилади:

мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ Бюджет тизими бюджетлари маблағларидан мақсадли фойдаланиш соҳасида тадбиркорлик субъектлари томонидан қонунчилик талаблари бузилиши хавфини аниқлаш кўрсаткичлари;

мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ Тадбиркорлик субъектлари томонидан бюджет тизими бюджетлари маблағлари ҳисобига амалга оширилаётган қурилишлар бўйича қонунчилик бузилиши хавфини аниқлаш кўрсаткичлари.

Бунда тадбиркорлик субъектларининг хавф даражаси мазкур банднинг иккинчи ваучинчи хатбошиларида назарда тутилган кўрсаткичлар бўйича “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизимида автоматик равишда алоҳида аниқланади.

10. “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизимида тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи паст, ўрта ва юқори даражаларга таснифланади.

Бунда баҳолаш натижасида аниқланган хавф даражасининг умумий баллари асосида тадбиркорлик субъекти томонидан ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи қуйидаги уч хил тоифага таснифланади:

хавф даражаси юқори – баҳолаш натижалари бўйича 81 баллдан 100 баллгача бўлган балларни ташкил этувчи тадбиркорлик субъектлари;

хавф даражаси ўрта – баҳолаш натижалари бўйича 61 баллдан 81 баллгача бўлган балларни ташкил этувчи тадбиркорлик субъектлари;

хавф даражаси паст – баҳолаш натижалари бўйича 61 баллгача бўлган балларни ташкил этувчи тадбиркорлик субъектлари.

11. Баҳолаш натижаларига мувофиқ ҳуқуқбузарлик хавфи юқори ва ўрта таснифидаги тадбиркорлик субъектларида профилактика тадбирлари ҳамда текширувларни ўтказиш амалдаги қонунчилик ҳужжатлари, жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 ноябрдаги ПФ–184-сон “Тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2022 йил 13 сентябрдаги ПҚ–374-сон қарори билан

тасдиқланган Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ва профилактика тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 октябрдаги 611-сон қарори билан тасдиқланган Назорат қилувчи органларнинг “хавфни таҳлил этиш” тизимларига қўйиладиган минимал талаблар асосида амалга оширилади.

12. Хавф даражаси паст бўлган тадбиркорлик субъекти фаолиятида текширувлар ўтказилмайди.

4-боб. Якуний қоидалар

13. Хавфни таҳлил этиш натижаларидан норози бўлган тадбиркорлик субъектлари қонунчиликда белгиланган тартибда юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилишга ҳақли.

14. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

QMMB: 10/26/3935/0914-son
10.09.2026-y.

Бюджет тизими бюджетлари маблағлари
мақсадли сарфланиши устидан назорат қилиш
соҳасида “Хавфни таҳлил қилиш” электрон
тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги
низомга
1-ИЛОВА

Бюджет тизими бюджетлари маблағларидан мақсадли фойдаланиш соҳасида тадбиркорлик субъектлари томонидан қонунчилик талаблари бузилиши хавфини аниқлаш
КЎРСАТКИЧЛАРИ

Т/р	**Хавф даражасини баҳолаш кўрсаткичлари**	**Балл**	**Таҳлил якунига кўра қўйилган баллар**
1.	Тадбиркорлик субъектларига ажратилган бюджет (субсидия) маблағларидан фойдаланиш бўйича шартнома шартларига риоя этилмаганлиги, шунингдек товарлар етказиб берилмаганлиги ёки ишлар (хизматлар) тўлиқ бажарилмаганлиги	30	
2.	Тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат харидларини амалга оширишда қонунчилик талабларига риоя этилмаганлиги	30	
3.	Тадбиркорлик субъектларининг бенефициар мулкдорлари билан давлат харидлари бўйича буюртмачилар ёки субсидия маблағларини ажратишга масъул шахслар ўртасида манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари аниқланганлиги	20	
4.	Тадбиркорлик субъектларининг солиқлар ва йиғимлар бўйича муддати ўтган қарздорлиги, шунингдек суд қарорлари асосидаги бажарилмаган мажбуриятлари мавжудлиги	20	
Жами баллар йиғиндиси		**100**	

QMMB: 10/26/3935/0914-son
10.09.2026-y.

Бюджет тизими бюджетлари маблағлари
мақсадли сарфланиши устидан назорат қилиш
соҳасида “Хавфни таҳлил қилиш” электрон
тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги
низомга
2-ИЛОВА

Тадбиркорлик субъектлари томонидан бюджет тизими бюджетлари маблағлари ҳисобига амалга оширилаётган қурилишлар бўйича қонунчилик бузилиши хавфини аниқлаш
КЎРСАТКИЧЛАРИ

Т/р	**Хавф даражасини баҳолаш кўрсаткичлари**	**Балл**	**Таҳлил якунига кўра қўйилган баллар**
1.	Харажатлар сметасида фойдаланиладиган материаллар нархининг асоссиз равишда ошириб кўрсатилиши	20	
2.	Харажатлар сметасида иш ҳақи қийматининг белгиланган меъёрий кўрсаткичлардан асоссиз равишда юқори ҳисобланиши	20	
3.	Сметага киритилган ишлар ҳажмининг спецификацияларда белгиланган миқдорга нисбатан асоссиз равишда ошириб ҳисобланиши	20	
4.	Бажарилган ишлар сертификатларида кўрсатилган иш ҳажми билан лойиҳа ечимларида (чизмаларда) қайд этилган иш ҳажми ўртасида тафовут аниқланиши	20	
5.	Бажарилган ишлар далолатномасидаги нархларнинг тендер ҳужжатларида белгиланган қурилиш-монтаж ишлари нархларидан асоссиз равишда юқори кўрсатилиши	20	
Жами баллар йиғиндиси		**100**	

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3936
2026 - yil 09 - Sentabr

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING BUYRUG‘I

Karantinli va inson uchun xavfli bo‘lgan boshqa yuqumli kasalliklar tarqalishi xavfi mavjud bo‘lganda aholini profilaktik emlashdan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida

O‘zbekiston Respublikasining “Fuqarolar sog‘lig‘ini saqlash to‘g‘risida”gi Qonuni va O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 8-sentabrdagi PF–161-son “Islohotlarni huquqiy jihatdan ta’minlash samaradorligini oshirish hamda ijtimoiy munosabatlarni tartibga solishda vazirlik va idoralarning mas’uliyati va tashabbuskorligini kuchaytirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni hamda Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 29-yanvardagi 48-son “O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi huzuridagi Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi qo‘mitasi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qaroriga muvofiq buyuraman:

1. Karantinli va inson uchun xavfli bo‘lgan boshqa yuqumli kasalliklar tarqalishi xavfi mavjud bo‘lganda aholini profilaktik emlashdan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligi, Iqtisodiyot va moliya vazirligi, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo‘yicha vakil, O‘zbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi hamda O‘zbekiston Kasaba uyushmalari Federatsiyasi Kengashi bilan kelishilgan.

3. Ushbu buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Vazir
07-Avgust 2026-yil
17 son

ADILOV ELDAR
ERKINOVICH

Kelishildi:

Vazir
16-Iyun 2026-yil

KUCHKAROV DJAMSHID
ANVAROVICH

Vazir
08-May 2026-yil

ZAXIDOV BOTIR
ERKINOVICH

Rais
07-May 2026-yil

RAFIKOV KUDRATULLA
MIRSAGATOVICH

Tadbirkorlarning huquqlarini
himoya qilish boʻyicha vakil
05-May 2026-yil

BURIYEV ABDUMANNOP
ABDURAXMATOVICH

Rais
05-May 2026-yil

VAXABOV DAVRON
ABDUJALALOVICH

O‘zbekiston Respublikasi sog‘liqni saqlash vazirining
2026-yil 7-avgustdagi 17-son buyrug‘iga
ILOVA

Karantinli va inson uchun xavfli bo‘lgan boshqa yuqumli kasalliklar tarqalishi xavfi mavjud bo‘lganda aholini profilaktik emlashdan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi
NIZOM

Mazkur Nizom karantinli va inson uchun xavfli bo‘lgan boshqa yuqumli kasalliklar (bundan buyon matnda yuqumli kasalliklar deb yuritiladi) tarqalishi xavfi mavjud bo‘lgan taqdirda aholini profilaktik emlashdan o‘tkazish tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoida

1. Mazkur Nizomda quyidagi tushunchalar qo‘llaniladi:

profilaktik emlash – yuqumli kasalliklarning oldini olish maqsadida vaksinalarni qo‘llash orqali inson organizmida immunitet hosil qilishga qaratilgan tibbiy tadbir;

profilaktik emlash o‘tkaziladigan shaxslar guruhi – epidemik ko‘rsatkichlardan kelib chiqib, profilaktik emlash o‘tkazilishi belgilangan hududda yashovchi yoki faoliyat yurituvchi yoxud kasallikni yuqtirish xavfi yuqori bo‘lgan shaxslar guruhi.

2-bob. Profilaktik emlashni joriy etish

2. O‘zbekiston Respublikasi “Fuqarolar sog‘lig‘ini saqlash to‘g‘risida”gi Qonunining 28-moddasiga muvofiq yuqumli kasalliklar tarqalishi tahdidi mavjud bo‘lgan taqdirda O‘zbekiston Respublikasi Bosh davlat sanitariya vrachining (bundan buyon matnda Bosh davlat sanitariya vrachi deb yuritiladi) profilaktik emlashni joriy etish to‘g‘risidagi qarori asosida aholini profilaktik emlashdan o‘tkazish joriy etilishi mumkin.

3. Profilaktik emlashni joriy etish to‘g‘risidagi qaror asosida aholini profilaktik emlashdan o‘tkazish joriy etilishiga quyidagi holatlar asos bo‘ladi:

yuqumli kasalliklarning hududda aniqlanishi;

yuqumli kasalliklar bilan kasallanish koʻrsatkichlarining epidemiologik jihatdan xavfli darajada oshishi;

yuqumli kasalliklarning keng tarqalish xavfining mavjudligi;

aholining ayrim guruhlarida yuqumli kasalliklarni yuqtirish xavfining yuqoriligi.

4. Profilaktik emlashni joriy etish toʻgʻrisidagi qarorda quyidagilar belgilanadi:

yuqumli kasallikning nomi;

profilaktik emlashni joriy etish asosi;

profilaktik emlashni oʻtkazishdan koʻzlangan maqsad;

profilaktik emlash oʻtkaziladigan hudud;

profilaktik emlash oʻtkaziladigan shaxslar guruhi;

qoʻllaniladigan vaksina turi;

profilaktik emlashni boshlash muddati;

zarur hollarda profilaktik emlashni yakunlash muddati;

profilaktik emlashni tashkil etuvchi va amalga oshiruvchi davlat sogʻliqni saqlash tizimi muassasalari;

profilaktik emlashni nazorat qilish uchun masʼul Oʻzbekiston Respublikasi Sogʻliqni saqlash vazirligi huzuridagi Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi qoʻmitasining Qoraqalpogʻiston Respublikasi, viloyatlar va Toshkent shahar boshqarmalari, tuman (shahar) boʻlimlari (bundan buyon matnda hududiy sanitariya-epidemiologiya organlari deb yuritiladi);

zarur hollarda qoʻshimcha sanitariya-profilaktika tadbirlari.

5. Profilaktik emlashni joriy etish toʻgʻrisidagi qaror agar qarorda boshqacha muddat belgilanmagan boʻlsa, Bosh davlat sanitariya vrachi tomonidan imzolangan kundan eʼtiboran kuchga kiradi.

6. Profilaktik emlashni joriy etish toʻgʻrisidagi qaror Bosh davlat sanitariya vrachi tomonidan imzolangan kunning oʻzida tegishli davlat organlari, mahalliy ijro etuvchi hokimiyat organlari, tibbiyot, taʼlim, madaniyat tashkilotlari va boshqa tashkilotlar hamda profilaktik emlashdan oʻtkaziladigan shaxslar eʼtiboriga yetkaziladi.

Bunda profilaktik emlashdan o‘tkaziladigan shaxslar mazkur qaror haqida yozma yoki elektron tarzda yoxud ommaviy axborot vositalari, radio, televideniya va internet tarmog‘idagi rasmiy axborot resurslari orqali xabardor qilinadi.

7. Yuqumli kasalliklarning yangi holatlari kuzatilishi to‘xtaganligi aniqlangan kundan boshlab uch ish kuni ichida, hududiy sanitariya-epidemiologiya organlari tomonidan Bosh davlat sanitariya vrachiga profilaktik emlashni joriy etish to‘g‘risidagi qarorning amal qilishini tugatish haqida taklif kiritiladi.

Bosh davlat sanitariya vrachi mazkur taklifni o‘n besh ish kuni ichida ko‘rib chiqadi hamda profilaktik emlashni davom ettirish zarurati mavjud emasligi to‘g‘risida xulosa qilingan taqdirda, profilaktik emlashni joriy etish to‘g‘risidagi qarorning amal qilishini tugatish haqida qaror qabul qiladi.

8. Profilaktik emlashni joriy etish to‘g‘risidagi qarorning amal qilishini tugatish haqida qaror Bosh davlat sanitariya vrachi tomonidan imzolangan kunning o‘zida tegishli davlat organlari, mahalliy ijro etuvchi hokimiyat organlari, tibbiyot, ta’lim, madaniyat tashkilotlari va boshqa tashkilotlar e’tiboriga yetkaziladi.

Bunda aholi mazkur qaror to‘g‘risida ommaviy axborot vositalari, radio, televideniye va internet tarmog‘idagi rasmiy axborot resurslari orqali xabardor qilinadi.

3-bob. Profilaktik emlash o‘tkaziladigan shaxslar guruhini aniqlash va profilaktik emlashni rejalashtirish

9. Profilaktik emlash tadbirlari birinchi navbatda yuqumli kasalliklarni o‘ziga yuqtirish yoki ularni boshqalarga yuqtirish xavfi yuqori bo‘lgan shaxslar guruhi, shuningdek yuqumli kasalliklar o‘chog‘ida bemor bilan muloqotda bo‘lganlar hamda epidemiologik ko‘rsatma bo‘yicha profilaktik emlanishi lozim bo‘lgan shaxslardan boshlanadi.

10. Profilaktik emlash o‘tkaziladigan shaxslar guruhi epidemik ko‘rsatkichlar, yuqumli kasalliklarning tarqalish xususiyatlari va yuqtirish xavfi hamda vaksina qo‘llash bo‘yicha tibbiy yo‘riqnomadan kelib chiqib, Bosh davlat sanitariya vrachi tomonidan qabul qilinadigan profilaktik emlashni joriy etish to‘g‘risidagi qarorda belgilanadi.

Mazkur qaror qabul qilingan kundan boshlab bir ish kuni ichida davlat sog‘liqni saqlash tizimi muassasalari tomonidan profilaktik emlash tadbirlarini o‘tkazish rejasi ishlab chiqiladi.

11. Profilaktik emlash tadbirlarini o‘tkazish rejasida quyidagilar nazarda tutiladi:

profilaktik emlanishi lozim bo‘lgan shaxslar soni;

profilaktik emlashni o‘tkazish muddatlari;

profilaktik emlash o‘tkaziladigan joylar;

profilaktik emlashni amalga oshiruvchi tibbiyot xodimlari;

zarur vaksinalar miqdori;

profilaktik emlashdan oldingi tibbiy ko‘rikni tashkil etish;

profilaktik emlashdan keyingi tibbiy kuzatuvni tashkil etish.

4-bob. Profilaktik emlashni tashkil etish va o‘tkazish

12. Profilaktik emlash davlat sog‘liqni saqlash tizimi muassasalari tomonidan profilaktik emlash tadbirlarini o‘tkazish rejasiga muvofiq tashkil etiladi va amalga oshiriladi.

13. Profilaktik emlash tegishli malaka va ko‘nikmaga ega tibbiyot xodimlari tomonidan O‘zbekiston Respublikasi hududida davlat ro‘yxatidan o‘tkazilgan va tibbiyotda qo‘llanilishiga ruxsat etilgan vaksinalardan foydalangan holda amalga oshiriladi.

Profilaktik emlash o‘tkaziladigan shaxslar guruhini davlat sog‘liqni saqlash tizimi muassasalariga jalb etish mazkur muassasalar tomonidan amalga oshiriladi.

14. Profilaktik emlashdan oldin shaxs tibbiy ko‘rikdan o‘tkaziladi.

Tibbiy ko‘rik natijasiga ko‘ra shaxsning profilaktik emlashga monelik qiluvchi tibbiy holatlar mavjud yoki mavjud emasligi aniqlanadi.

15. Profilaktik emlashni o‘tkazishga monelik qiluvchi tibbiy holatlarga quyidagilar kiradi:

vaksina tarkibidagi komponentlarga yuqori sezuvchanlik;

ilgari tegishli vaksinalar qo‘llanilganda og‘ir allergik reaksiya kuzatilganligi;

vaksinani qo‘llash bo‘yicha tibbiy yo‘riqnomada belgilangan va boshqa qarshi ko‘rsatmalarning mavjudligi.

16. Tibbiy ko‘rik natijasiga ko‘ra profilaktik emlashni o‘tkazishga monelik qiluvchi holatlar vaksinaning muayyan turiga taalluqli bo‘lgan taqdirda, profilaktik emlash O‘zbekiston Respublikasi hududida davlat ro‘yxatidan o‘tkazilgan va tibbiyotda qo‘llanilishiga ruxsat etilgan boshqa vaksina bilan amalga oshiriladi.

Profilaktik emlashga monelik qiluvchi holat barcha vaksinalarni qo‘llashga taalluqli bo‘lgan taqdirda, emlash o‘tkazilmaydi va shaxs yuqumli kasallikni yuqtirish yoki boshqalarga yuqtirish xavfini kamaytirishga qaratilgan profilaktik va epidemiologik tadbirlarga jalb etiladi.

17. Vaksinani qo‘llashda uning ishlab chiqaruvchisi tomonidan belgilangan qo‘llash usuli, dozasi, yoshga oid cheklovlar, profilaktik emlashlar o‘rtasidagi intervallar va boshqa tibbiy talablar inobatga olinadi.

18. Profilaktik emlashdan oldin shaxsga tibbiyot xodimi tomonidan profilaktik emlashning maqsadi, qo‘llaniladigan vaksina, uning ehtimoliy ta’siri, profilaktik emlashdan keyingi kuzatuv hamda profilaktik emlashni rad etishning qonunchilikda belgilangan huquqiy oqibatlari to‘g‘risida ma’lumot beriladi.

19. Profilaktik emlashni amalga oshirgan tibbiyot xodimi emlashdan o‘tkazilgan har bir shaxs to‘g‘risidagi profilaktik emlashga oid ma’lumotlarni (emlangan shaxsning familiyasi, ismi, otasining ismi, emlash sanasi, vaksinaning nomi va seriyasi va boshqalar) profilaktik emlash o‘tkazilganidan keyin shu vaqtning o‘zida Yagona tibbiyot axborot tizimiga kiritadi.

20. Profilaktik emlashdan o‘tkazilgan shaxs emlashdan keyingi holatini kuzatish hamda yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan nojo‘ya holatlarni o‘z vaqtida aniqlash maqsadida dastlabki 30 daqiqa davomida tibbiyot xodimi kuzatuvida bo‘ladi, keyingi 3 kun davomida shifokor va patronaj hamshira tomonidan kuzatiladi.

21. Profilaktik emlashdan keyingi noxush holatlar aniqlanganda shaxsga davlat sog‘liqni saqlash tizimi muassasalari tomonidan zarur tibbiy yordam ko‘rsatiladi.

22. Profilaktik emlashni amalga oshirish uchun davlat sog‘liqni saqlash tizimi muassasalari tomonidan quyidagi xavfsizlik choralari ko‘rilishi lozim:

davlat sog‘liqni saqlash tizimi muassasalarining tibbiyot xodimlarini shaxsiy himoya vositalari (tibbiy xalat, tibbiy niqob, tibbiy qo‘lqop) bilan ta’minlash;

profilaktik emlash xonasi shamollatiladigan bo‘lishi;

profilaktik emlash xonasi boshqa davolash xizmatlari xonalaridan alohida bo‘lishi (alohida kirish joyi bilan);

profilaktik emlash xonasi oldida odamlarning to‘planishini chegaralash va zarurat bo‘lgan taqdirda qo‘shimcha profilaktik emlash xonalarini tashkil qilish hamda aholini xavfsiz profilaktik emlashni ta’minlash;

profilaktik emlashdan o‘tkaziladigan shaxslar o‘rtasida kutish vaqtida kamida 1 metr masofa saqlanishini ta’minlash.

23. Davlat sog‘liqni saqlash tizimi muassasalari profilaktik emlashni o‘tkazish jarayonida emlangan shaxslarda emlashdan keyin yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan nojo‘ya holatlar uchun intensiv terapiya va reanimatsiya yordami ko‘rsatilishini ta’minlashi, shuningdek shoshilinch yordam ko‘rsatish uchun zarur dori vositalari zaxirasini yaratishi lozim.

5-bob. Yakuniy qoida

24. Mazkur Nizom talablari buzilishida aybdor bo‘lgan shaxslar qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda javobgar bo‘ladilar.

36 (1264)-son
925-modda

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3937
2026 - yil 10 - Sentabr

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING QARORI

Banklarda aktivlar sifatini tasniflash va aktivlar bo‘yicha ehtimoliy yo‘qotishlarni qoplash uchun zaxiralar shakllantirish hamda ulardan foydalanish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida

O‘zbekiston Respublikasining “O‘zbekiston Respublikasining Markaziy banki to‘g‘risida”gi va “Banklar va bank faoliyati to‘g‘risida”gi qonunlariga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi **qaror qiladi:**

1. Banklarda aktivlar sifatini tasniflash va aktivlar bo‘yicha ehtimoliy yo‘qotishlarni qoplash uchun zaxiralar shakllantirish hamda ulardan foydalanish tartibi to‘g‘risidagi nizom 1-ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar 2-ilovaga muvofiq o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.

3. Mazkur qaror 2027-yil 1-yanvardan e’tiboran kuchga kiradi.

O‘zbekiston Respublikasi
Markaziy banki Raisi
14-Avgust 2026-yil
22/3 son

ISHMETOV TIMUR
AMINDJANOVICH

O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining
2026-yil 14-avgustdagi
22/3-son qaroriga
1-ILOVA

Banklarda aktivlar sifatini tasniflash va aktivlar bo‘yicha ehtimoliy yo‘qotishlarni qoplash uchun zaxiralar shakllantirish hamda ulardan foydalanish tartibi to‘g‘risidagi NIZOM

Mazkur Nizom O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bankining (bundan buyon matnda Markaziy bank deb yuritiladi) prudensial nazorati maqsadlarida banklar, shu jumladan mikromoliya banklari, islomiy bank faoliyatini amalga oshiruvchi banklar va mikromoliya banklarida (bundan buyon matnda bank deb yuritiladi) aktivlar sifatini tasniflash va aktivlar bo‘yicha ehtimoliy yo‘qotishlarni qoplash uchun zaxiralar (bundan buyon matnda zaxiralar deb yuritiladi) shakllantirish hamda ulardan foydalanish tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Mazkur Nizomda quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

aktivlar sifatini tasniflash – aktivlarni sifatiga ko‘ra “standart”, “substandart”, “qoniqarsiz”, “shubhali” va “umidsiz” toifalardan biriga guruhlash;

ehtimoliy yo‘qotishlarni qoplash uchun zaxiralar – standart aktivlarga yaratiladigan zaxiralar va maxsus zaxiralar;

standart aktivlarga yaratiladigan zaxiralar – bank faoliyati davomida umuman yoki biror-bir faoliyat turi natijasida ehtimoliy yo‘qotishlarni qoplash maqsadida shakllantiriluvchi zaxiralar;

maxsus zaxiralar – sifati “substandart”, “qoniqarsiz”, “shubhali” va “umidsiz” deb tasniflangan aktivlar bo‘yicha aniqlangan yo‘qotishlarni qoplashga mo‘ljallangan majburiy zaxiralar;

qarz oluvchi (kontragent) – mazkur Nizomning 2-bandida keltirilgan aktivlar boʻyicha bank oldida majburiyati mavjud boʻlgan jismoniy yoki yuridik shaxs;

qarz – mazkur Nizomning 2-bandida keltirilgan aktivlar boʻyicha bank oldidagi majburiyat;

restrukturizatsiya – bank oldidagi majburiyatlarini bajarishda moliyaviy qiyinchiliklarga duch kelgan yoki moliyaviy qiyinchiliklarga duch kelishi ehtimoli mavjud boʻlgan qarz oluvchiga yengillik taqdim etilishi;

yengillik – qarz oluvchi tomonidan bank oldidagi majburiyatlar bajarilishini ta’minlash maqsadida bank tomonidan shartnomaga boshqa holatlarda koʻrib chiqilmaydigan, qulay shartlarga asoslangan oʻzgartirishlar kiritilishi;

kredit tavakkalchiligi – qarz oluvchi tomonidan bank oldidagi majburiyatlari shartnoma yoki qonunchilik hujjatlarida koʻrsatilgan muddat va shartlarda bajarilmasligi (lozim darajada bajarilmasligi) oqibatida yuzaga kelishi mumkin boʻlgan yoʻqotish (zarar) va (yoki) rejalashtirilgan daromadni olmaslik tavakkalchiligi;

muddati oʻtgan qarzdorlik – qarz oluvchi tomonidan shartnoma yoki qonunchilik hujjatlarida koʻrsatilgan muddat va shartlarda bajarilmagan (lozim darajada bajarilmagan), shu jumladan toʻlovlar kamida bir kunga kechiktirilgan bank oldidagi majburiyatlar;

aktivning jami qiymati – aktivning bank balansida aks ettirilgan asosiy qarzi va unga hisoblangan foizlari, penya, komission va boshqa foizsiz toʻlovlari qoldigʻining mazkur aktiv boʻyicha yaratilgan zaxira chegirilguniga qadar miqdori;

muammoli aktivlar – sifati “qoniqarsiz”, “shubhali” va “umidsiz” deb tasniflangan, shu jumladan qadrsizlangan aktivlar;

qadrsizlangan aktivlar – 9-son Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga (bundan buyon matnda 9-son MHXS deb yuritiladi) muvofiq qadrsizlangan deb tasniflangan aktivlar;

obyektiv mezonlar – qarz oluvchining toʻlovga layoqatliligi yomonlashuvidan darak beruvchi omillarni, shu jumladan qarz oluvchining bank yoki boshqa kredit tashkiloti oldida muddati oʻtgan qarzdorligining mavjudligi yoki unga taqdim etilgan aktiv restrukturizatsiya qilinganligini inobatga oluvchi mezonlar;

to‘lov ehtimoli pastligi mezonlari – qarz oluvchining aktiv bo‘yicha muddati o‘tgan qarzdorligi mavjudligidan qat’i nazar, bank tomonidan tegishli choralar ko‘rilmasa, shu jumladan mazkur aktiv bo‘yicha ta’minot (agar mavjud bo‘lsa) realizatsiya qilinmagan taqdirda, ushbu aktiv bo‘yicha asosiy qarz, foizlar va (yoki) boshqa to‘lovlar to‘liq va o‘z vaqtida amalga oshirilishining ehtimoli past bo‘lishini nazarda tutuvchi mezonlar;

o‘zaro aloqador qarz oluvchilar – Bir qarz oluvchi, o‘zaro aloqador qarz oluvchilar guruhi, shu jumladan bankka aloqador shaxslar uchun tavakkalchilikning eng ko‘p miqdori to‘g‘risidagi nizom (ro‘yxat raqami 3283, 2020-yil 29-oktabr) talablariga muvofiq o‘zaro aloqador deb topilgan qarz oluvchilar;

foizlarni o‘stirmaslik – aktiv bo‘yicha hisoblangan foiz daromadini to‘liq olish va (yoki) aktivning asosiy summasini qaytarish ehtimoli mavjud bo‘lmaganda, aktiv bo‘yicha foizlarni hisoblashning to‘xtatilishi;

qayta moliyalashtirish – bank va (yoki) boshqa kredit tashkilotlari tomonidan qarz oluvchining amaldagi aktivi (aktivlari) bo‘yicha asosiy qarz, foiz va boshqa to‘lovlarni yangi shartnoma asosida to‘liq yoki qisman so‘ndirish maqsadida yangi aktiv taqdim etilishi;

garov qiymati – kelajakdagi yo‘qotishlarni o‘z ichiga olgan holda bozor narxlari asosida shakllangan va bozor narxidan oshib ketmagan hamda baholash tashkiloti tomonidan baholangan yoki qonunchilikda taqiqlanmagan boshqa tartibda aniqlangan holda ta’minot sifatida rasmiylashtirilgan garov shartnomasida ko‘rsatilgan mulk narxi.

2. Mazkur Nizom talablariga muvofiq quyidagi aktivlar sifati bo‘yicha tasniflanadi:

banklararo depozitlar va kreditlar, vakillik hisobvaraqlaridagi pul mablag‘lari;

banklararo hisob-kitoblarda foydalaniladigan mablag‘lar va banklarga joylashtirilgan boshqa mablag‘lar, shu jumladan REPO bitimlari bo‘yicha sotib olingan qimmatli qog‘ozlar bilan ta’minlangan talablar;

bankning kredit bo‘yicha talablari, shu jumladan qarz, kredit, mikroqarz, mikrokredit, overdraft (mijozlarning depozit hisobvaraqlaridagi debet qoldig‘i), lizing, faktoring;

qarz qimmatli qog‘ozlariga qilingan investitsiyalar, shuningdek REPO bitimlari bo‘yicha sotilgan qimmatli qog‘ozlar;

boʻlib-boʻlib toʻlash sharti bilan sotilgan aktivlar boʻyicha talablar;

toʻlab berilgan boʻnaklar va debitorlik qarzdorliklari;

balansdan tashqari hisobvaraqlardagi majburiyatlarning, shu jumladan bank kafolati va akkreditivning bank tomonidan bajarilishi natijasida vujudga kelgan aktivlar;

kredit tavakkalchiligi mavjud boʻlgan balansdan tashqari hisobvaraqlar, shu jumladan foydalanilmagan kredit liniyalari, kafolatlar, chaqirib olinmaydigan majburiyatlar, savdoga oid moliyalashtirishlar (akkreditiv va boshqalar);

mazkur bandda belgilangan aktivlar boʻyicha olinishi lozim boʻlgan hisoblangan va (yoki) undirilmagan foizli va foizsiz daromadlar, jarima va penyalar;

kredit tavakkalchiligi mavjud boʻlgan boshqa aktivlar va balansdan tashqari hisobvaraqlar, bundan mazkur Nizomning 3-bandida belgilangan aktivlar mustasno.

3. Quyidagi aktivlarga nisbatan mazkur Nizom talablari qoʻllanilmaydi:

Markaziy bankka va Oʻzbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligiga nisbatan toʻgʻridan-toʻgʻri talablarga, shu jumladan sotib olingan davlat qimmatli qogʻozlariga, basharti bank mazkur aktivlarning tasnifini 9-son MHXS talablariga muvofiq ushbu Nizom maqsadlarida qoʻllash boʻyicha qaror qabul qilmagan boʻlsa;

bankning savdo portfeliga kiritilgan aktivlarga, shu jumladan foyda yoki zarar orqali haqqoniy qiymatda baholanadigan aktivlarga;

hosilaviy instrumentlarga;

bankning nomoddiy aktivlariga;

bankning moliyaviy va (yoki) moliyaviy boʻlmagan tashkilotlar ustav fondidagi (ustav kapitalidagi) ulushlar va (yoki) aksiyalarga qilingan investitsiyalariga.

4. Bank aktivlari sifatiga koʻra “standart”, “substandart”, “qoniqarsiz”, “shubhali” va “umidsiz” toifalarga tasniflanadi.

Bank aktivlarini sifatiga koʻra tasniflashda obyektiv mezonlar va toʻlov ehtimoli pastligi mezonlaridan bir xil ustuvorlikda foydalaniladi, bundan boshqa banklar, nobank kredit tashkilotlari, sugʻurta tashkilotlari va lizing tashkilotlariga taqdim etilgan aktivlarni tasniflash mustasno. Bunda ushbu mezonlarga muvofiq aktiv sifati turli xil toifalarga mansub boʻlsa, aktiv sifatini tasniflashda eng past (yomon) toifa qoʻllaniladi.

Bank aktivlarni sifatiga koʻra tasniflashda oʻzining axborot tizimlari, kredit byurosi tomonidan taqdim etiladigan kredit hisoboti va boshqa rasmiy manbalardan olingan maʼlumotlardan foydalanadi.

5. Toʻlov ehtimoli pastligini aniqlashda kamida ushbu Nizomda keltirilgan mezonlardan foydalaniladi. Bank aktivning toʻlov ehtimoli pastligini aniqlash maqsadlarida quyidagi mezonlarga qoʻshimcha ravishda ushbu Nizomning 1-ilovasida keltirilgan mezonlarni ham inobatga olishi mumkin:

qarz oluvchining kredit tarixi;

qarz oluvchining faoliyatida va (yoki) u faoliyat yurituvchi sohada yuz bergan sezilarli oʻzgarishlar;

qarz oluvchi faoliyatining moliyaviy tahlili;

qarz oluvchining faoliyatiga ta’sir oʻtkazishi mumkin boʻlgan makroiqtisodiy koʻrsatkichlar hamda ushbu koʻrsatkichlar boʻyicha kutilmalar va (yoki) ssenariylar.

2030-yil 1-yanvardan boshlab qoldiq summasi bank birinchi darajali kapitalining 5 foizi va undan yuqori boʻlgan aktiv taqdim etilgan yuridik shaxs boʻlgan qarz oluvchilarning toʻlov ehtimoli pastligini aniqlashda ushbu Nizomning 1-ilovasida keltirilgan mezonlar inobatga olinishi lozim, bundan tashkil etilganiga 15 oydan oshmagan yuridik shaxs boʻlgan qarz oluvchilar mustasno.

6. Aktivlar boʻyicha asosiy qarz, foizlar va (yoki) boshqa toʻlovlar boʻyicha qarz oluvchining muddati oʻtgan qarzdorliklari miqdori kichik miqdorga teng yoki undan kam boʻlganda, ushbu aktiv sifatining tasnifi pasaytirilishi talab etilmaydi.

Kichik miqdor deganda jismoniy shaxsga, shu jumladan oʻzini oʻzi band qilgan shaxsga ajratilgan aktiv boʻyicha 100 000 soʻmdan, yuridik shaxs va yakka tartibdagi tadbirkorga ajratilgan aktiv boʻyicha 1 000 000 soʻmdan koʻp boʻlmagan hamda aktivning jami qiymatining 1 foizidan oshmagan miqdor tushuniladi.

7. Bank tomonidan qarz oluvchiga berilgan bir nechta aktivlar mavjud boʻlsa, bank oʻzi taqdim etgan aktivni mazkur bank tomonidan ushbu qarz oluvchiga berilgan barcha aktivlar ichida obyektiv va to‘lov ehtimoli pastligi mezonlari asosida eng past (yomonroq) toifada tasniflangan aktiv sifatidek tasniflashi lozim.

Bank tomonidan o‘zaro aloqador qarz oluvchilarga berilgan aktivlar mavjud boʻlsa, ushbu qarz oluvchilardan biriga taqdim etilgan aktiv sifatining yomonlashuvi unga aloqador bo‘lgan boshqa qarz oluvchilarga taqdim etilgan aktivlar sifatining tasnifini mazkur Nizomda belgilangan mezonlar asosida qayta ko‘rib chiqish uchun asos bo‘lib xizmat qilishi mumkin.

8. Aktiv sifatini tasniflash aktivning jami qiymati bo‘yicha hamda kredit tavakkalchiligi mavjud boʻlgan balansdan tashqari hisobvaraqning chaqirib olinmaydigan qismining nominal qiymati bo‘yicha amalga oshiriladi.

9. Aktiv bo‘yicha taqdim etilgan ta’minot hamda aktivning ta’minlanganlik darajasi ushbu aktiv sifatini tasniflashda yagona mezon sifatida inobatga olinmaydi. Bunda garov qiymati yoki garov likvidliligining pasayishi yoxud kafolat (kafillik) taqdim etuvchi shaxs moliyaviy holatining yomonlashuvi qarz oluvchining aktivni to‘liq va o‘z vaqtida qaytarish qobiliyatiga salbiy ta’sir ko‘rsatishi mumkin bo‘lsa, mazkur Nizom talablariga muvofiq to‘lov ehtimoli pastligi mezonlari asosida aktiv sifatiga nisbatan pastroq (yomonroq) toifa belgilanadi.

10. Aktiv sifatini tasniflash va uni bank balansida yoki balansdan tashqari hisobvaraqlarida aks ettirish bank hamda qarz oluvchi oʻrtasida tuzilgan shartnoma shartlarini oʻzgartirmaydi, shu jumladan shartnoma shartlariga muvofiq bank tomonidan asosiy qarz va unga hisoblangan foizlarni, shuningdek shartnoma shartlarini bajarmaganligi uchun jarima va penyalarni toʻliq miqdorda qarz oluvchidan undirish huquqini bekor qilmaydi.

11. Bank hisobotlari uning aktivlari sifatining haqiqiy holatini aks ettirishi lozim.

Hisobotlarning haqqoniy boʻlmasligi bank omonatchilari, kreditorlari va aksiyadorlari, shuningdek Markaziy bank va boshqa manfaatdor tomonlarni chalgʻitishga va yanglishtirishga urinish deb baholanadi hamda xavfsiz boʻlmagan, nosogʻlom

bank amaliyoti deb hisoblanadi.

12. Quyida keltirilgan omillardan hech boʻlmaganda bittasi mavjud boʻlishi Markaziy bank tomonidan bankning muayyan aktivlari sifatini salbiy deb tasniflash uchun asos boʻladi:

bankning kredit tavakkalchiligini boshqarish tizimi Markaziy bank talablariga nomuvofiq boʻlsa, shu jumladan uning ishonchliligi va samaradorligiga shubha boʻlsa;

bank aktivlarining, shu jumladan kredit (moliyalashtirish) portfeli umumiy holatining yomonlashuvi;

bankda aktivlarni berishga doir yetarli tahlil mavjud emasligi;

bankning maʼlum bir tarmoq va sohaga berilgan aktivlar konsentratsiyalashuvi natijasida zarar koʻrganligi;

yirik aktivlarning toʻplanishi;

nomaqbul iqtisodiy yoʻnalish va sharoitlar, xususan, qarz oluvchilarning bir yoki bir necha sanoat tarmoqlari yoki hududda katta miqdorda toʻplanishi;

bank tomonidan taqdim etilgan hisobotni tahlil qilish yoki Markaziy bank tomonidan oʻtkazilgan inspeksiya tekshirishlari natijasida qarz oluvchining yoxud bankning moliyaviy ahvoliga taalluqli boshqa aniqlangan holatlar.

Bunda Markaziy bank mazkur Nizom talablariga muvofiq bankdan ayrim aktivlar sifatining tasnifini va ular boʻyicha ehtimoliy yoʻqotishlarni qoplash uchun zaxiralarni qayta koʻrib chiqishni va (yoki) qoʻshimcha zaxiralar shakllantirishni talab qilishi mumkin.

13. Bank kuzatuv kengashi va boshqaruvi bank aktivlarining sifati toʻgʻri tasniflanishini va ular boʻyicha ehtimoliy yoʻqotishlarni qoplash uchun zaxiralarning yetarliligini taʼminlashi lozim.

14. Bank balansida va balansdan tashqari hisobvaraqlarida yuritilayotgan muammoli aktivlarning ulushi bank jami aktivlarining 10 foizidan ortiq boʻlsa, Markaziy bank tomonidan bank boshqaruvining malakasi Markaziy bank talablariga

muvofiq emas deb topilishiga hamda bankning kuzatuv kengashi tomonidan bank faoliyati ustidan oʻrnatilgan nazorat yetarli emas deb hisoblanishiga asos boʻladi.

15. Bank aktivlar sifatini tasniflash va ehtimoliy yo‘qotishlar uchun zaxiralar shakllantirish bo‘yicha ichki hujjatlarni mazkur Nizom talablariga muvofiq ishlab chiqishi, tasdiqlashi hamda joriy etishi lozim. Bunda:

obyektiv mezonlar hamda to‘lov ehtimoli pastligi mezonlarining amaliyotda qo‘llanishi, shu jumladan aktivlar sifati o‘z vaqtida va to‘g‘ri tasniflanishi hamda ular bo‘yicha yetarli zaxiralar shakllantirilishini ta’minlash uchun qo‘llaniluvchi avtomatlashtirilgan va inson aralashuviga asoslangan jarayonlar hujjatlashtirilishi;

aktiv sifatining yomonlashuvi natijasida mazkur Nizom talablariga muvofiq uni yomonroq toifaga tasniflash hamda zaxiralarni shakllantirishda kechikishlarga yo‘l qo‘yilmasligi;

aktivlar sifatini tasniflashda qo‘llaniluvchi mezonlar bank boshqaruvi va xodimlari uchun tushunarli bo‘lishi hamda kamida mazkur Nizomda belgilangan mezonlar inobatga olinishi;

bankning ichki reytinglari, 9-son MHXS va mazkur Nizom talablariga muvofiq aktivlar sifatining tasnifi o‘rtasida imkon qadar izchillik va o‘zaro muvofiqlik ta’minlanishi;

qarz oluvchilar to‘g‘risidagi ma’lumotlar ularga berilgan aktiv miqdori va risk-profiliga, shu jumladan aktiv sifatining tasnifiga mutanosib davriylikda va aktiv sifatiga ta’sir qilishi mumkin bo‘lgan voqealar yuz berganda yangilanishi;

bankning axborot tizimlari mazkur Nizom talablari kechikishlarsiz va to‘g‘ri bajarilishini ta’minlashi lozim.

2-bob. Aktivlar sifatini tasniflash tizimi

1-§. Aktivlar sifatini tasniflash tizimiga doir umumiy talablar

16. Aktivlar sifatini tasniflash quyidagi jadvalga muvofiq obyektiv mezonlar va to‘lov ehtimoli pastligi mezonlari asosida amalga oshiriladi, bundan mazkur Nizomda belgilangan alohida holatlar mustasno:

Tasnif guruhi	Obyektiv mezonlar	To‘lov ehtimoli pastligi mezonlari

Standart	Asosiy qarz va (yoki) foizlar boʻyicha 30 kundan oshmagan muddati oʻtgan qarzdorlik mavjud boʻlsa	Mazkur Nizomning 17-bandida keltirilgan holatlar mavjud boʻlsa
Substandart	Asosiy qarz va (yoki) foizlar boʻyicha 31 kun va undan ortiq, biroq 90 kundan oshmagan muddati oʻtgan qarzdorlik mavjud boʻlsa	Mazkur Nizomning 18-bandida keltirilgan holatlar mavjud boʻlsa
Qoniqarsiz	Asosiy qarz va (yoki) foizlar boʻyicha 91 kun va undan ortiq, biroq 180 kundan oshmagan muddati oʻtgan qarzdorlik mavjud boʻlsa	Mazkur Nizomning 20-bandida keltirilgan holatlar mavjud boʻlsa
Shubhali	Asosiy qarz va (yoki) foizlar boʻyicha 181 kun va undan ortiq, biroq 365 kundan oshmagan muddati oʻtgan qarzdorlik mavjud boʻlsa	Mazkur Nizomning 22-bandida keltirilgan holatlar mavjud boʻlsa
Umidsiz	Asosiy qarz va (yoki) foizlar boʻyicha 366 kun va undan ortiq kunga muddati oʻtgan qarzdorlik mavjud boʻlsa	Mazkur Nizomning 24-bandida keltirilgan holatlar mavjud boʻlsa

2-§. Sifati “standart” deb tasniflangan aktivlar

17. Asosiy qarz, foizlar va (yoki) boshqa toʻlovlar oʻz muddatida va toʻliq toʻlanishiga shubha tugʻdirmaydigan aktivlar sifati “standart” deb tasniflanadi. Bunda:

qarz oluvchi yuridik shaxs yoki yakka tartibdagi tadbirkorning moliyaviy holati barqaror hamda moliyaviy koʻrsatkichlari bank ichki hujjatlariga muvofiq qoniqarli boʻlishi, qarzning (majburiyatlarning) qarz oluvchi aktivlari, kapitali va daromadiga nisbati bank ichki hujjatlariga muvofiq past boʻlishi, qarzni (majburiyatni) oʻz muddatida va toʻliq, shu jumladan u ifodalangan valyutada qaytarish uchun yetarli boʻlgan pul oqimlariga ega boʻlishi;

qarz oluvchi jismoniy shaxsning, shu jumladan oʻzini oʻzi band qilgan shaxs hamda birgalikda qarz oluvchining qarz yuki (qarzning daromadga nisbati) koʻrsatkichi bank ichki hujjatlarida belgilangan mezonlarga muvofiq boʻlishi hamda daromadlari barcha mavjud majburiyatlarni oʻz muddatida va toʻliq qaytarish uchun barqaror va yetarli boʻlishi;

qarz oluvchining kredit tarixi bank ichki hujjatlariga muvofiq ijobiy boʻlishi;

aktiv ta’minlangan bo‘lsa, ta’minot, shu jumladan garov va kafolatga (kafillikka) doir taqdim etilayotgan barcha hujjatlar qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda rasmiylashtirilishi, ta’minot sifati va qiymati qarzni qoplash uchun yetarli bo‘lishi, ta’minot taqdim etuvchi shaxsning, shu jumladan kafilning moliyaviy holati barqaror bo‘lishi, qarz oluvchi o‘z majburiyatlarini bajarmagan holatda bankning garovni so‘zsiz nazorat qilish va tasarruf eta olish huquqi va (yoki) bankda kafildan kafolat (kafillik) bo‘yicha to‘lovni amalga oshirishni talab qilish huquqi bo‘lishi;

9-son MHXS talablariga muvofiq aktivning kredit tavakkalchiligi sezilarli darajada oshgan (2-bosqich) yoki qadrsizlangan (3-bosqich) bo‘lmasligi lozim.

3-§. Sifati “substandart” deb tasniflangan aktivlar

18. Qarz oluvchining moliyaviy holati barqaror hisoblansa, biroq uning faoliyatida yuzaga kelgan ayrim zaifliklar, salbiy holatlar yoki tendensiyalar o‘z vaqtida bartaraf etilmasligi kelgusida mazkur qarz oluvchining aktivni o‘z muddatida va to‘liq to‘lash qobiliyatiga salbiy ta’sir etsa, mazkur qarz oluvchiga taqdim etilgan aktiv sifati “substandart” deb tasniflanadi.

Quyida keltirilgan omillardan hech bo‘lmaganda bittasi mavjud bo‘lsa, aktivlarning sifati “substandart” deb tasniflanadi:

qarz oluvchining moliyaviy holati yoki ta’minotni nazorat qilish borasida shubhalar bo‘lsa;

kredit (moliyalashtirish) hujjatlari lozim darajada rasmiylashtirilmasa va buning oqibatida bankning kreditor sifatidagi huquqlarini amalga oshirish imkoniyati cheklanishi mumkin bo‘lsa;

qarz oluvchining pul oqimlari sekinlashuvi va (yoki) qarz oluvchi faoliyat yurituvchi tarmoq yoki bozor sharoitlarida kuzatilayotgan salbiy tendensiyalar uning moliyaviy holatiga salbiy ta’sir etishi mumkin bo‘lsa, bunda qarz oluvchining joriy moliyaviy holati va kutilayotgan pul oqimlari aktivni o‘z muddatida va to‘liq qaytarish uchun yetarli deb baholansa;

aktiv ta’minlangan bo‘lsa, garov likvidliligi va (yoki) qiymatining pasayishiga yoki kafilning moliyaviy holati yomonlashuviga oid salbiy tendensiyalar paydo bo‘lishi yoki bankning garovni monitoring qilish imkoniyati cheklangan bo‘lishi natijasida aktivning to‘liq va o‘z vaqtida qaytarilishi borasida shubhalar bo‘lsa;

qarz oluvchining “Standard & Poorʼs”, “Fitch Ratings”, “Moodyʼs Investors Service” va (yoki) Markaziy bank tomonidan tan olinadigan boshqa reyting kompaniyalari tomonidan berilgan reyting baholari (agar mavjud boʻlsa) unga aktiv taqdim etilgan sanadagi reyting baholaridan mos ravishda ikki yoki undan ortiq darajaga pasaytirilgan boʻlsa;

qarz oluvchi aktiv boʻyicha shartnoma shartlarida nazarda tutilgan shartlarni (kovenantlarni) buzgan boʻlsa, biroq mazkur holat ushbu qarz oluvchining aktiv boʻyicha toʻlovlarni toʻliq va oʻz vaqtida amalga oshirish qobiliyatiga salbiy ta’sir etmasa;

9-son MHXS talablariga muvofiq aktiv boʻyicha kredit tavakkalchiligi sezilarli darajada oshgan (2-bosqich) boʻlsa.

19. “Substandart” deb tasniflangan aktivning asosiy qarzi va (yoki) foizlari yoxud boshqa toʻlovlari boʻyicha muddati oʻtgan qarzdorliklar toʻliq toʻlangandan soʻng 3 oydan kam boʻlmagan muddat oʻtishi va mazkur muddat davomida qaytarish jadvaliga asosan:

1 oyda kamida bir marotaba toʻlanadigan aktivlar boʻyicha kamida ketma-ket 3 ta toʻlov;

1 oydan uzoqroq davriylikda toʻlanadigan aktivlar boʻyicha kamida 1 ta toʻlov oʻz vaqtida va toʻliq toʻlanganda hamda mazkur Nizomga muvofiq sifati “standart” deb tasniflangan aktivlarga doir talablarga mos boʻlsa, ushbu aktivning sifati “standart” deb qayta tasniflanishi mumkin (bundan restrukturizatsiya qilingan aktiv mustasno).

4-§. Sifati “qoniqarsiz” deb tasniflangan aktivlar

20. Quyida keltirilgan omillardan hech boʻlmaganda bittasi mavjud boʻlsa, aktivlarning sifati “qoniqarsiz” deb tasniflanadi:

asosiy toʻlov manbalari qarzni toʻlash uchun yetarli boʻlmasa, bunda qarzni toʻlash uchun aktiv boʻyicha taʼminotga qoʻyilgan mulkni va (yoki) qarz oluvchining boshqa asosiy vositalarini sotish yoxud qoʻshimcha toʻlov manbalarini topish talab etiladigan boʻlsa;

qarz oluvchining joriy moliyaviy holati yoki uning pul mablagʻlarining moʻljallanayotgan oqimi majburiyatlarni qoplash uchun yetarli boʻlmasa;

qarz oluvchi jismoniy shaxsning, shu jumladan oʻzini oʻzi band qilgan shaxsning qarz yuki (qarzning daromadga nisbati) koʻrsatkichi bank ichki hujjatlariga muvofiq boʻlmasa;

qarz oluvchining kapitali bank ichki hujjatlarida belgilangan talabdan past darajada boʻlsa;

qarz oluvchining moliyaviy holatini toʻliq baholash uchun yetarli, ishonchli va oxirgi ma’lumot muntazam tarzda mavjud boʻlmasa va buning oqibatida bank aktiv boʻyicha kredit tavakkalchiligini lozim darajada baholay olmasa;

aktiv ta’minlangan boʻlsa, ta’minot, shu jumladan garov va kafolatga (kafillikka) doir taqdim etilayotgan barcha hujjatlar qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda rasmiylashtirilmasa, ta’minot sifati va qiymati qarzni qoplash uchun yetarli boʻlmasa, garov qiymati yoki likvidliligining pasayishi yoki kafolat (kafillik) taqdim etuvchi shaxsning moliyaviy holatining yomonlashuvi qarz oluvchining aktivni toʻliq va oʻz vaqtida qaytarish qobiliyatiga sezilarli darajada salbiy ta’sir koʻrsatsa;

qarz oluvchi yuridik shaxs davlat soliq xizmati organlariga xodimlar soni boʻyicha nol koʻrsatkichli hisobot topshirgan boʻlsa, bundan tashkil etilganiga 15 oydan oshmagan yuridik shaxslar mustasno;

qarz oluvchiga taqdim etilgan aktivlardan biri boshqa kreditorga sezilarli iqtisodiy yoʻqotishlar bilan sotilgan yoki hisobdan chiqarilgan boʻlsa.

21. Aktivning sifati “qoniqarsiz” deb tasniflangandan soʻng (bundan restrukturizatsiya qilingan aktiv mustasno) quyidagi barcha shartlar bajarilgan taqdirda, ushbu aktiv sifati mazkur Nizomga muvofiq “substandart” deb qayta tasniflanishi mumkin:

aktivning asosiy qarzi va (yoki) foizlari yoxud boshqa toʻlovlari boʻyicha muddati oʻtgan qarzdorliklar toʻliq toʻlangandan soʻng 3 oydan kam boʻlmagan muddat oʻtishi va mazkur muddat davomida aktivni qaytarish jadvaliga asosan 1 oyda kamida bir marotaba toʻlanadigan aktivlar boʻyicha kamida ketma-ket 3 ta toʻlov yoki 1 oydan uzoqroq davriylikda toʻlanadigan aktivlar boʻyicha kamida 1 ta toʻlov oʻz vaqtida va toʻliq toʻlansa;

9-son MHXS talablariga muvofiq aktiv qadrsizlangan (3-bosqich) deb tasniflanmasa;

qarz oluvchining moliyaviy ahvoli aktiv boʻyicha asosiy qarz, foizlar va (yoki) boshqa toʻlovlarni toʻliq va oʻz vaqtida amalga oshirish uchun barqaror darajada yaxshilangan boʻlsa;

aktiv sifati “qoniqarsiz” deb tasniflanishiga sabab bo‘lgan omillar bartaraf etilgan bo‘lsa;

aktiv sifati “standart” yoki “substandart” deb tasniflangan aktivlarga doir talablarga mos bo‘lsa.

5-§. Sifati “shubhali” deb tasniflangan aktivlar

22. Sifati “qoniqarsiz” deb tasniflangan aktivlarga xos barcha xususiyatlarga ega boʻlib, mavjud sharoitda toʻliq qaytarilishining ehtimoli sezilarli darajada pasaygan aktivlarning sifati “shubhali” deb tasniflanadi. Bunda yoʻqotishlar koʻrish ehtimoli yuqori boʻlgan, lekin ayrim ijobiy omillar mavjud boʻlgan aktivlar sifati sharoit oydinlashguncha “umidsiz” deb tasniflanmaydi.

Quyida keltirilgan omillardan hech boʻlmaganda bittasi mavjud boʻlsa, aktivlarning sifati “shubhali” deb tasniflanadi:

qarz oluvchining moliyaviy holati sezilarli darajada yomonlashib, mavjud pul oqimlari aktiv bo‘yicha majburiyatlarni to‘liq bajarish uchun yetarli bo‘lmasa;

qarz oluvchining to‘lovga qobiliyatsizlikka uchrash ehtimoli yuqori bo‘lsa yoki to‘lovga qobiliyatsizligi haqida ariza berilgan bo‘lsa yoxud qarz oluvchiga nisbatan to‘lovga qobiliyatsizlik to‘g‘risidagi ish yuritilayotgan bo‘lsa;

qarzdorlik bo‘yicha sudning hal qiluv qarori qabul qilinsa va (yoki) ijroga qaratilgan bo‘lsa;

aktiv ta’minlangan bo‘lsa, garov qiymati yoki likvidliligining pasayishi yoxud kafilning moliyaviy holati yomonlashuvi aktivning to‘liq va o‘z vaqtida qaytarilishi ehtimolini sezilarli darajada pasaytirgan bo‘lsa;

aktivni qaytarish uchun garovni musodara qilish (sotish) zaruriyati vujudga kelsa;

qarz oluvchining reyting baholari (agar mavjud bo‘lsa) “CCC+”dan “C”gacha (“Standard & Poor’s”, “Fitch Ratings”) va (yoki) “Caa1”dan “Ca”gacha (“Moody’s Investors Service”) va (yoki) Markaziy bank tomonidan tan olinadigan boshqa reyting kompaniyalarining ushbu reyting darajasida bo‘lsa.

23. Aktivning sifati “shubhali” deb tasniflangandan soʻng (bundan restrukturizatsiya qilingan aktiv mustasno) ushbu aktiv sifati mazkur Nizomga muvofiq:

“qoniqarsiz” deb tasniflangan aktivlarga doir talablarga mos bo‘lsa, mazkur aktiv sifati “qoniqarsiz”;

mazkur Nizomning 21-bandi talablariga mos bo‘lsa, mazkur aktiv sifati “substandart” deb qayta tasniflanishi mumkin.

6-§. Sifati “umidsiz” deb tasniflangan aktivlar

24. Quyida keltirilgan omillardan hech bo‘lmaganda bittasi mavjud bo‘lsa, aktivlarning sifati “umidsiz” deb tasniflanadi:

qarz oluvchi tomonidan qarzni to‘liq yoki qisman qaytarilishi bo‘yicha bankning asosli kutilmalari mavjud bo‘lmasa yoki aktiv qaytmasligidan dalolat beruvchi omillar mavjud bo‘lsa;

qarz oluvchining faoliyati tugatilgan (tugatilayotgan) bo‘lsa va (yoki) qarz oluvchi sudning qaroriga asosan to‘lovga qobiliyatsiz deb topilgan bo‘lsa;

qarz oluvchiga onlayn kredit frod holati natijasida rasmiylashtirilishi oqibatida mazkur qarz oluvchi jabrlanuvchi deb e’tirof etilganligi to‘g‘risidagi surishtiruvchi, tergovchi, prokurorning qarori yoki sudning ajrimi kelib tushsa. Bunda surishtiruv, dastlabki tergov natijalari yoki sudning qaroriga asosan frod holati yuz bermaganligi aniqlanganda onlayn kredit sifatining tasnifi mazkur Nizom talablariga muvofiq yaxshiroq toifaga o‘zgartirilishi mumkin;

qarz oluvchining reyting bahosi (agar mavjud bo‘lsa) “D” (“Standard & Poor’s”, “Fitch Ratings”) va (yoki) “C” (“Moody’s Investors Service”) va (yoki) Markaziy bank tomonidan tan olinadigan boshqa reyting kompaniyalarining ushbu reyting darajasida bo‘lsa.

25. Aktivning sifati “umidsiz” deb tasniflangandan so‘ng (bundan restrukturizatsiya qilingan aktiv mustasno) ushbu aktiv sifati mazkur Nizomga muvofiq:

sifati “shubhali” deb tasniflangan aktivlarga doir talablarga mos bo‘lsa – aktiv sifati “shubhali”;

sifati “qoniqarsiz” deb tasniflangan aktivlarga doir talablarga mos bo‘lsa – aktiv sifati “qoniqarsiz”;

mazkur Nizomning 21-bandi talablariga mos bo‘lsa, mazkur aktiv sifati “substandart” deb qayta tasniflanishi mumkin.

26. 9-son MHXS talablariga muvofiq qadrsizlangan (3-bosqich) aktivlarning sifati mazkur Nizom talablariga muvofiq “qoniqarsiz”, “shubhali” va “umidsiz” toifalaridan birida tasniflanadi.

3-bob. Banklar, nobank kredit tashkilotlari, sugʻurta tashkilotlari va lizing tashkilotlariga taqdim etilgan aktivlarni tasniflash

27. Bank tomonidan boshqa banklar, nobank kredit tashkilotlari, sugʻurta tashkilotlari va lizing tashkilotlariga taqdim etilgan aktivlar, shu jumladan vakillik hisobvaraqlari, banklararo depozitlar, kreditlar va boshqa talablarning sifati mazkur Nizomning 28-bandida belgilangan:

obyektiv mezonlar asosida tasniflanishi lozim;

to‘lov ehtimoli pastligi mezonlari asosida (obyektiv mezonlarga qo‘shimcha ravishda) tasniflanishi mumkin.

28. Boshqa banklar, nobank kredit tashkilotlari, sugʻurta tashkilotlari va lizing tashkilotlariga taqdim etilgan aktivlar sifatining tasnifini baholashda inobatga olinuvchi mezonlar quyidagi jadvalda belgilangan:

Tasnif guruhi	**Obyektiv mezonlar**	**To‘lov ehtimoli pastligi mezonlari**
Standart	asosiy qarz va (yoki) foizlar boʻyicha muddati o‘tgan qarzdorlik mavjud bo‘lmasa;9-son MHXS talablariga muvofiq kredit tavakkalchiligi sezilarli darajada oshgan (2-bosqich) yoki qadrsizlangan (3-bosqich) aktiv bo‘lmasa.	o‘tgan moliyaviy yil uchun rentabellik ko‘rsatkichi ijobiy bo‘lsa;vakolatli nazorat organi tomonidan belgilangan prudensial talablarga muvofiq bo‘lsa;moliyaviy hisobot (mutlaq va nisbiy) ko‘rsatkichlari dinamikasi hech qanday ogohlantiruvchi belgilarni ko‘rsatmasa;auditorlik xulosasida izohlar mavjud bo‘lmasa yoki salbiy fikr bildirilmagan bo‘lsa.

Substandart	asosiy qarz va (yoki) foizlarni qaytarish 3 kundan oshmagan muddatga kechiktirilsa;kontragentning “Standard & Poor′s”, “Fitch Ratings”, “Moody′s Investors Service” yoki Markaziy bank tomonidan tan olinadigan boshqa reyting kompaniyalari tomonidan berilgan reyting baholari (agar mavjud bo‘lsa) unga aktiv taqdim etilgan sanadagi reyting baholaridan mos ravishda ikki yoki undan ortiq darajaga pasaytirilgan bo‘lsa;9-son MHXS talablariga muvofiq aktiv bo‘yicha kredit tavakkalchiligi sezilarli darajada oshgan (2-bosqich) bo‘lsa.	o‘tgan moliyaviy yil uchun rentabellik ko‘rsatkichi ijobiy bo‘lsa;vakolatli nazorat organi tomonidan belgilangan prudensial talablarga muvofiq bo‘lsa;moliyaviy hisobot (mutlaq va nisbiy) ko‘rsatkichlari dinamikasi hech qanday ogohlantiruvchi belgilarni ko‘rsatmasa;auditorlik xulosasida izohlar mavjud bo‘lmasa yoki salbiy fikr bildirilmagan bo‘lsa.
Qoniqarsiz	asosiy qarz va (yoki) foizlarni qaytarish 4 kun va undan ortiq, lekin 10 kundan oshmagan muddatga kechiktirilsa;9-son MHXS talablariga muvofiq qadrsizlangan (3-bosqich) deb tasniflangan aktiv bo‘lsa.	vakolatli nazorat organi tomonidan belgilangan kapital monandligi va likvidlilik koeffitsiyentlariga doir talablarga muvofiq bo‘lsa, biroq boshqa prudensial talab(lar)ga muvofiq bo‘lmasa;moliyaviy hisobot (mutlaq va nisbiy) ko‘rsatkichlari dinamikasi ba’zi ogohlantiruvchi belgilarni ko‘rsatsa;auditorlik xulosasida izohlar mavjud bo‘lsa yoki salbiy fikr bildirilgan bo‘lsa.
Shubhali	asosiy qarz va (yoki) foizlarni qaytarish 11 kun va undan ortiq, lekin 30 kundan oshmagan muddatga kechiktirilsa;9-son MHXS talablariga muvofiq qadrsizlangan (3-bosqich) deb tasniflangan aktiv bo‘lsa;kontragentning reyting baholari (agar mavjud	o‘tgan moliyaviy yil uchun rentabellik ko‘rsatkichi salbiy bo‘lsa;vakolatli nazorat organi tomonidan belgilangan kapital monandligi koeffitsiyentlariga doir talablarga muvofiq bo‘lsa, biroq likvidlilik

	bo‘lsa) “CCC+”dan “C”gacha (“Standard & Poor’s”, “Fitch Ratings”) va (yoki) “Caa1”dan “Ca”gacha (“Moody’s Investors Service”) va (yoki) Markaziy bank tomonidan tan olinadigan boshqa reyting kompaniyalarining ushbu reyting darajasida bo‘lsa.	koeffitsiyentlari va boshqa prudensial talab(lar)ga muvofiq bo‘lmasa;moliyaviy hisobot (mutlaq va nisbiy) ko‘rsatkichlari dinamikasi qarz oluvchining moliyaviy holati yaqqol yomonlashganini ko‘rsatsa;auditorlik xulosasida izohlar mavjud bo‘lsa yoki salbiy fikr bildirilgan bo‘lsa.
Umidsiz	asosiy qarz va (yoki) foizlarni qaytarish 31 kun va undan ortiq muddatga kechiktirilsa va (yoki) bank, nobank kredit tashkiloti, sugʻurta tashkiloti va lizing tashkilotining litsenziyasi bekor qilingan yoki boshqa tartibda tugatish bo‘yicha ishlar boshlangan bo‘lsa;9-son MHXS talablariga muvofiq qadrsizlangan (3-bosqich) deb tasniflangan aktiv bo‘lsa;kontragentning reyting bahosi (agar mavjud bo‘lsa) “D” (“Standard & Poorʼs”, “Fitch Ratings”) va (yoki) “C” (“Moodyʼs Investors Service”) va (yoki) Markaziy bank tomonidan tan olinadigan boshqa reyting kompaniyalarining ushbu reyting darajasida bo‘lsa.	o‘tgan moliyaviy yil uchun rentabellik ko‘rsatkichi salbiy bo‘lsa;vakolatli nazorat organi tomonidan belgilangan kapital monandligi va likvidlilik koeffitsiyentlariga doir talablarga muvofiq bo‘lmasa;moliyaviy hisobot (mutlaq va nisbiy) ko‘rsatkichlari dinamikasi qarzdorning moliyaviy holati yaqqol yomonlashganini ko‘rsatsa;auditorlik tashkiloti auditorlik xulosasini berishdan bosh tortsa.

29. Bank aktivlari joylashtirilgan banklar, nobank kredit tashkilotlari, sugʻurta tashkilotlari va lizing tashkilotlari “Standard & Poor’s”, “Fitch Ratings”, “Moody’s Investors Service” hamda Markaziy bank tomonidan belgilanadigan boshqa reyting kompaniyalarining bir nechtasi tomonidan berilgan:

ikkita reyting bahosiga ega boʻlganda mazkur reyting baholarining pastrogʻi;

uchta yoki undan ortiq reyting bahosiga ega boʻlganda – ikkita eng yuqori reyting bahosidan pastrogʻi ushbu Nizom hisob-kitoblarida hisobga olinadi.

4-bob. Investitsiyalarni tasniflash

30. Qarz munosabatlarini tasdiqlovchi qimmatli qogʻozlar sifatining tasnifi ushbu qimmatli qogʻozlar:

bank, nobank kredit tashkiloti, sugʻurta tashkiloti va lizing tashkiloti boʻlmagan yuridik shaxslar tomonidan chiqarilgan boʻlsa – mazkur Nizomning 2-bobiga;

bank, nobank kredit tashkiloti, sugʻurta tashkiloti va lizing tashkiloti tomonidan chiqarilgan boʻlsa – mazkur Nizomning 3-bobiga muvofiq belgilanadi.

31. “Standard & Poorʼs”, “Fitch Ratings”, “Moodyʼs Investors Service” yoki Markaziy bank tomonidan tan olinadigan boshqa reyting kompaniyalari tomonidan berilgan reyting bahosiga ega boʻlgan qarz munosabatlarini tasdiqlovchi qimmatli qogʻozlarning reyting bahosi ikki yoki undan ortiq darajaga pasaytirilgan boʻlsa, mazkur qimmatli qogʻozlar sifatining tasnifi kamida “substandart” deb tasniflanishi lozim.

32. Bank oʻzida mavjud qarz munosabatlarini tasdiqlovchi qimmatli qogʻozlar emitentining moliyaviy holatini har chorakda kamida bir marotaba, shuningdek emitentning moliyaviy holatiga taʼsir qiluvchi muhim hodisalar yuzaga kelganda qayta baholashi lozim.

5-bob. Kredit tavakkalchiligi mavjud boʻlgan balansdan tashqari hisobvaraqlarni tasniflash

33. Kredit tavakkalchiligi mavjud balansdan tashqari hisobvaraqlar bank tomonidan chaqirib olinadigan majburiyatlar hisoblansa, mazkur hisobvaraqlar sifatining toifasi “standart” deb tasniflanadi.

34. Kredit tavakkalchiligi mavjud boʻlgan, biroq chaqirib olinadigan majburiyat hisoblanmaydigan balansdan tashqari hisobvaraqlar sifatining tasnifi mazkur Nizomga muvofiq obyektiv va toʻlov ehtimoli pastligi mezonlari asosida belgilanadi.

35. Quyidagi holatlardan biri mavjud boʻlganda bank kafolati va akkreditivning sifati “umidsiz” deb tasniflanadi:

berilgan kafolat va (yoki) akkreditiv boʻyicha majburiyatni bank tomonidan bajarish holatlarining yuzaga kelishi;

prinsipialning kredit yoki boshqa qarzlari boʻyicha toʻlovlarning oʻz vaqtida amalga oshirilmaganligi;

prinsipialda toʻlovga qobiliyatsizlik alomatlarining mavjudligi.

6-bob. Restrukturizatsiya qilingan aktivlar sifatini tasniflash

1-§. Aktivlarni restrukturizatsiya qilish

36. Bank tomonidan moliyaviy qiyinchiliklarga duch kelgan yoki moliyaviy qiyinchiliklarga duch kelishi ehtimoli mavjud boʻlgan qarz oluvchiga berilgan aktiv boʻyicha mazkur Nizomda nazarda tutilgan yengillik taqdim etilsa, bunday aktiv restrukturizatsiya qilingan aktiv hisoblanadi.

37. Moliyaviy qiyinchiliklarga duch kelmagan yoki moliyaviy qiyinchiliklarga duch kelishi ehtimoli mavjud boʻlmagan qarz oluvchiga berilgan aktiv boʻyicha yengillik taqdim etilishi (bundan mazkur Nizomning 43-bandi toʻqqizinchi – oʻn ikkinchi xatboshilarida belgilangan yengilliklar mustasno), shu jumladan bunday qarz oluvchiga berilgan aktiv qayta moliyalashtirilishi restrukturizatsiya chorasi hisoblanmaydi.

38. Aktiv boʻyicha shartnoma shartlariga mazkur Nizomning 43-bandi toʻqqizinchi – oʻn ikkinchi xatboshilarida belgilangan oʻzgartirishlar kiritilsa, bunday qarz oluvchilar moliyaviy qiyinchiliklarga duch kelgan yoki moliyaviy qiyinchiliklarga duch kelishi ehtimoli mavjud boʻlgan deb hisoblanadi.

39. Aktiv boʻyicha restrukturizatsiya choralari:

aktiv sifatining haqiqiy tasnifini yashirish hamda ushbu aktiv boʻyicha zararlar tan olinishini kechiktirish maqsadida qoʻllanilmasligi;

qarz oluvchining restrukturizatsiyadan soʻng aktivni toʻliq va oʻz vaqtida qaytarish qobiliyati moliyaviy tahlil, pul oqimlari prognozi va tegishli hujjatlar asosida tasdiqlangan hollarda qoʻllanilishi lozim.

40. Aktivni (aktivlarni) restrukturizatsiya qilish toʻgʻrisidagi qaror bankning tegishli vakolatli organi tomonidan lozim darajadagi tahlil asosida qabul qilinishi, ushbu qaror bank ichki hujjatlariga muvofiq rasmiylashtirilishi hamda ushbu qarorga tasdiqlovchi hujjatlar va tahliliy maʼlumotlar ilova qilinishi lozim.

Qarz oluvchiga berilgan hamda jami qoldiq summasi bank birinchi darajali kapitalining 10 foizi va undan yuqori boʻlgan aktivni (aktivlarni) restrukturizatsiya qilish toʻgʻrisidagi qaror bank kuzatuv kengashi tomonidan qabul qilinadi. Bunda quyida keltirilgan va tegishli tartibda hujjatlashtirilgan maʼlumotlar mavjud boʻlishi kerak:

aktivni restrukturizatsiya qilishning asoslari (sabablari), shu jumladan qarz oluvchining moliyaviy holatiga salbiy taʼsir koʻrsatuvchi omillar;

qarz oluvchi moliyaviy holatining batafsil tahlili, shu jumladan restrukturizatsiyadan soʻng yangi shartnoma shartlariga muvofiq qarz oluvchining toʻlovga layoqatliligi, shuningdek iqtisodiy holat, tarmoq tendensiyasi va istiqbolini inobatga olgan holda qarz oluvchining moliyaviy holati prognozi;

xorijiy valyutada berilgan aktiv boʻlsa, valyuta kursining ehtimoliy sezilarli qadrsizlanishi holatida restrukturizatsiya qilingan aktivni soʻndirish uchun qarz oluvchi pul oqimlarining yetarliligi va barqarorligi tahlili;

aktiv boʻyicha avval taqdim etilgan yengilliklarning mavjudligi;

yangi shartnoma shartlarining dastlabki shartnoma shartlaridan asosiy farqlari.

2-§. Qarz oluvchining moliyaviy qiyinchiliklarini aniqlash

41. Quyida keltirilgan holatlardan hech boʻlmaganda bittasi mavjud boʻlsa, qarz oluvchi moliyaviy qiyinchiliklarga duch kelgan yoki moliyaviy qiyinchiliklarga duch kelishi ehtimoli mavjud boʻlgan deb hisoblanadi:

yengillik taqdim etish sanasida qarz oluvchida bank va (yoki) boshqa kredit tashkiloti tomonidan berilgan aktiv (aktivlar) boʻyicha 30 kun va undan ortiq muddati oʻtgan qarzdorlik mavjudligi, bundan muddati oʻtgan qarzdorlik miqdori kichik miqdorga teng yoki undan kam boʻlgan holatlar mustasno;

bank tomonidan qarz oluvchiga berilgan aktiv sifati yengillik taqdim etish sanasida ushbu Nizomga muvofiq “substandart” yoki undan yomonroq toifada yoxud 9-son MHXS talablariga muvofiq kredit tavakkalchiligi sezilarli darajada oshgan (2-bosqich) yoki qadrsizlangan (3-bosqich) aktiv sifatida tasniflanishi;

qarz oluvchida soʻnggi 6 oy ichida umumiy hisobda 60 kun va undan ortiq muddati oʻtgan qarzdorlik mavjudligi;

bank tomonidan yengillik taqdim etilmagan taqdirda qarz oluvchi keyingi 6 oy ichida oʻzining moliyaviy majburiyatlarini bajarmasligi yoki lozim darajada bajara olmasligi ehtimolining mavjudligi;

bankning ichki kredit reyting tizimiga muvofiq (agar mavjud boʻlsa) soʻnggi 6 oy ichida qarz oluvchining toʻlovga layoqatsizlikka uchrash ehtimoli oshganligi;

qarz oluvchi tomonidan bank bilan tuzilgan shartnomada belgilangan shartlarga (kovenantlarga) rioya etilmasligi natijasida bankda qarz oluvchidan aktivni muddatidan oldin soʻndirishni talab qilish huquqi vujudga kelganligi;

qarz oluvchining moliyaviy holatiga salbiy ta’sir koʻrsatuvchi muhim hodisalar yuz bergan boʻlsa, shu jumladan qarz oluvchining qimmatli qogʻozlari xorijiy va (yoki) mahalliy uyushgan (tartibga solinadigan) moliya bozorida savdo qilishga ruxsat etilgan listing roʻyxatidan listing talablariga nomuvofiqlik yoki moliyaviy sabablar tufayli chiqarilishi yoki chiqarilish jarayonida boʻlishi;

bankning ichki hujjatlariga muvofiq qarz oluvchi moliyaviy qiyinchiliklarga duch kelganligini yoki moliyaviy qiyinchiliklarga duch kelishi ehtimoli mavjud ekanligini ifodalovchi boshqa holatlar.

3-§. Yengillik va uning turlari

42. Oʻzgartirish kiritilganidan keyingi (yangi) shartnoma shartlari hamda oʻzgartirish kiritilguniga qadar (avvalgi) shartnoma shartlari oʻrtasida farq(lar) mavjud boʻlib, u(lar) aktiv qarz oluvchiga qulay shartlar asosida taqdim etilishini nazarda tutsa, bunday holatlar yengillik sifatida baholanadi.

43. Aktiv boʻyicha shartnoma shartlariga kiritilgan quyidagi oʻzgartirishlar yengillik sifatida baholanadi:

aktiv boʻyicha toʻlovlar, jumladan asosiy qarz, foiz va (yoki) boshqa toʻlovlarni toʻlash muddati uzaytirilishi;

asosiy qarz, foiz va (yoki) boshqa to‘lovlar bo‘yicha imtiyozli davr taqdim etilishi va (yoki) uzaytirilishi, shu jumladan aktiv bo‘yicha asosiy qarz va foizlar to‘lovi ma’lum muddat oralig‘ida faqat foiz to‘lanadigan shaklga o‘zgartirilishi;

foiz stavkasining pasaytirilishi, bundan shartnomada belgilangan o‘zgaruvchan foiz stavkasi pasayishi munosabati bilan foiz stavkasining pasaytirilishi mustasno;

aktiv valyutasi o‘zgartirilishi, bundan kredit valyutasi xorijiydan milliy valyutaga o‘zgartirilganda kredit bo‘yicha foiz stavkasi Markaziy bankning asosiy stavkasi + 2 foiz banddan kam bo‘lmagan holatlar mustasno;

garovga qo‘yilgan mol-mulklarning qisman yoki to‘liq garovdan chiqarilishi yoki ta’minot darajasining pasaytirilishi, bundan mazkur Nizomning 44-bandi uchinchi xatboshisida keltirilgan holatlar mustasno;

aktivning qarz oluvchi aksiyalariga (ulushlariga) konvertatsiya qilinishi;

aktivning qayta moliyalashtirilishi. Bunda qayta moliyalashtirilgan aktiv deb qayta moliyalashtirish doirasida qarz oluvchiga berilgan yangi aktiv hamda mazkur aktiv hisobidan qisman so‘ndirilgan amaldagi aktiv hisoblanadi;

to‘lanishi lozim bo‘lgan foiz va (yoki) boshqa to‘lovlarning kapitalizatsiya qilinishi;

asosiy qarz, foizlar va (yoki) boshqa to‘lovlarning bir qismi yoki barchasidan voz kechilishi, bundan aktivning foydalanilmagan qismi kamaytirilishi mustasno;

garovga qo‘yilgan mol-mulkni bank balansiga qabul qilish evaziga aktiv bo‘yicha to‘lovlardan qisman voz kechilishi;

qarz oluvchining boshqa qarz oluvchiga o‘zgartirilishi, bundan vafot etgan qarz oluvchining majburiyati uning huquqiy vorisiga o‘tishi mustasno.

4-§. Restrukturizatsiya sifatida baholanmaydigan holatlar

44. Qarz oluvchining moliyaviy ahvolidan qat’i nazar, aktiv bo‘yicha shartnoma shartlariga kiritilgan quyidagi o‘zgartirishlar restrukturizatsiya sifatida baholanmaydi:

aktivni qaytarish jadvalida asosiy qarz, foizlar va (yoki) boshqa to‘lovlar to‘lanadigan oy ichida to‘lov sanasining o‘zgartirilishi;

ta’minot turining o‘sha sifatdagi (likvidlilik, qiymat) yoki yuqoriroq sifatdagi ta’minot turiga o‘zgartirilishi, garovga qo‘yilgan mol-mulklarning qisman yoki to‘liq garovdan chiqarilishi yoxud kreditning ta’minlanganlik darajasining pasaytirilishi, bunda kreditning garovga nisbati ko‘rsatkichi bankning ichki hujjatlarida belgilangan chegaraga teng va (yoki) undan yuqori bo‘lishi lozim.

5-§. Restrukturizatsiya qilingan aktivlarni tasniflash

45. Bank restrukturizatsiya qilingan aktivlarni sifatiga ko‘ra tasniflashda mazkur Nizomga muvofiq to‘lov ehtimoli pastligi mezonlari hamda ushbu Nizomning 54-bandida belgilangan obyektiv mezonlardan foydalanadi. Bunda mazkur paragrafda restrukturizatsiya qilingan aktivlarni sifatiga ko‘ra tasniflashga oid alohida tartib belgilangan bo‘lsa, mazkur tartib qo‘llaniladi.

Aktiv bo‘yicha restrukturizatsiya chorasi qo‘llanilgan paytda ushbu aktiv sifati:

yaxshiroq toifada tasniflanishi mumkin emas;

yomonroq toifada tasniflanmasligi mumkin (bundan restrukturizatsiyaga qadar sifati “standart” deb tasniflangan aktivlar mustasno), basharti ushbu aktiv sifati mazkur Nizomga muvofiq yomonroq toifaga mos bo‘lmasa.

46. Sifati “standart” deb tasniflangan aktiv bo‘yicha restrukturizatsiya chorasi qo‘llanilsa, ushbu aktivning toifasi kamida “substandart” deb tasniflanishi lozim. Bunda mazkur Nizomning 58-bandiga muvofiq aktiv bo‘yicha to‘lovlar muddatini kechiktirish yoki uzaytirish holatlari inobatga olinmaydi.

47. Sifati “substandart”, “qoniqarsiz” va “shubhali” deb tasniflangan aktiv bo‘yicha restrukturizatsiya chorasi qo‘llanilsa, bank restrukturizatsiya qilingan aktiv sifatini mazkur Nizomda belgilangan mezonlar asosida qayta baholashi hamda uning sifati yomonroq toifaga mos kelsa, mazkur aktiv sifatining toifasini yomonroq toifaga o‘zgartirishi lozim. Bunda mazkur Nizomning 58-bandiga muvofiq aktiv bo‘yicha to‘lovlar muddatini kechiktirish yoki uzaytirish holatlari inobatga olinmaydi.

48. Restrukturizatsiya qilingan aktiv toifasi quyidagi holatlarda kamida “qoniqarsiz” deb tasniflanishi lozim:

aktiv bo‘yicha shartnoma shartlariga mazkur Nizomning 43-bandi to‘qqizinchi – o‘n ikkinchi xatboshilarida belgilangan o‘zgartirishlar kiritilsa;

asosiy qarz, foiz va (yoki) boshqa to‘lovlar bo‘yicha qo‘shimcha yoki yangi imtiyozli davr 24 oydan oshgan muddatga taqdim etilgan bo‘lsa.

49. Aktiv bo‘yicha restrukturizatsiya chorasi (bundan mazkur Nizomning 58-bandiga muvofiq aktiv bo‘yicha to‘lovlar muddatini kechiktirish yoki uzaytirish holatlari mustasno) qo‘llanilgandan so‘ng quyidagi barcha shartlar bajarilganda mazkur aktivning sifati yaxshilab borilishi mumkin:

sinov davri davomida restrukturizatsiya qilingan aktiv bo‘yicha asosiy qarz, foiz va (yoki) boshqa to‘lovlar yangilangan (o‘zgartirilgan) qaytarish jadvaliga muvofiq o‘z vaqtida, to‘liq va kamida ketma-ket 3 marotaba to‘lansa;

asosiy qarz va (yoki) foizlar bo‘yicha muddati o‘tgan qarzdorlik to‘liq to‘lansa;

restrukturizatsiya qilingan aktiv sifati mazkur Nizomga muvofiq yaxshiroq aktiv talablariga muvofiq bo‘lsa.

Restrukturizatsiya qilingan aktiv sifati “qoniqarsiz” deb tasniflangandan so‘ng quyidagi barcha shartlar bajarilgan taqdirda, ushbu aktiv sifati “substandart” deb tasniflanishi mumkin:

9-son MHXS talablariga muvofiq aktiv qadrsizlangan (3-bosqich) deb tasniflanmasa;

qarz oluvchining moliyaviy ahvoli aktiv bo‘yicha asosiy qarz, foizlar va (yoki) boshqa to‘lovlarni to‘liq va o‘z vaqtida amalga oshirish uchun yetarli darajada yaxshilangan bo‘lsa;

aktiv sifati “qoniqarsiz” deb tasniflanishiga sabab bo‘lgan omillar bartaraf etilgan bo‘lsa;

sifati “standart” yoki “substandart” deb tasniflangan aktivlarga doir talablarga mos bo‘lsa.

Sinov davri yangilangan (o‘zgartirilgan) qaytarish jadvaliga asosan imtiyozli davr tugaganidan so‘ng (agar mavjud bo‘lsa) birinchi to‘lovni amalga oshirish kunidan boshlanadi hamda restrukturizatsiya chorasini qo‘llash paytida sifati

“substandart” deb tasniflangan aktivlar bo‘yicha kamida 6 oyni hamda “qoniqarsiz”, “shubhali” va “umidsiz” deb tasniflangan aktivlar bo‘yicha kamida 12 oyni tashkil qiladi.

Bunda restrukturizatsiya qilingan aktiv bo‘yicha sinov davri ushbu aktiv bo‘yicha qo‘shimcha restrukturizatsiya chorasi qo‘llanilgan sanadan boshlab qayta boshlanadi.

50. Sinov davri mazkur Nizomning 49-bandida belgilangan talablarga muvofiq bo‘lmasa, restrukturizatsiya qilingan aktiv sifatining tasnifi yaxshilanmaydi hamda mazkur aktiv restrukturizatsiya qilingan aktiv toifasidan chiqarilmaydi.

51. Restrukturizatsiya qilingan aktiv sifatining toifasi bir vaqtning o‘zida ikki yoki undan ortiq toifaga yaxshilanishi mumkin emas.

52. Aktiv bo‘yicha:

so‘nggi 12 oy davomida ikki marotaba restrukturizatsiya choralari qo‘llanilgan bo‘lsa, ushbu aktiv sifatining tasnifi kamida bir toifaga pasaytirilishi;

so‘nggi 36 oy davomida kamida uch marotaba restrukturizatsiya choralari qo‘llanilgan bo‘lsa, ushbu aktivning sifati “umidsiz” deb tasniflanishi lozim.

Bunda mazkur Nizomning 58-bandiga muvofiq aktiv bo‘yicha to‘lovlar muddatini kechiktirish yoki uzaytirish holatlari inobatga olinmaydi.

53. Sinov davri mobaynida restrukturizatsiya qilingan aktiv bo‘yicha yangilangan (o‘zgartirilgan) qaytarish jadvaliga muvofiq 31 kun yoki undan ortiq muddati o‘tgan qarzdorlik yuzaga kelgan taqdirda, sinov davri ushbu qarzdorlik yuzaga kelgan sanadan boshlab to‘xtatiladi. Qarz oluvchi mazkur qaytarish jadvaliga muvofiq asosiy qarz, foiz va (yoki) boshqa to‘lovlarni o‘z vaqtida va to‘liq amalga oshirishni boshlaganidan so‘ng yangi sinov davri (boshidan) boshlanadi. Bunda ushbu aktiv bo‘yicha avvalgi sinov davrida o‘tgan vaqt yangi sinov davrida hisobga olinmaydi.

54. Restrukturizatsiya qilingan aktivlar obyektiv mezonlar asosida quyidagi jadvalga muvofiq tasniflanadi, bundan ushbu Nizomga muvofiq restrukturizatsiya qilingan aktiv sifati yomonroq toifada tasniflanishi lozim bo‘lgan holatlar mustasno:

	Restrukturizatsiya chorasi qo‘llanilgandan so‘ng muddati o‘tgan qarzdorlik mavjud bo‘lgan kunlar soni			
Restrukturizatsiya chorasi qo‘llanilgan sanada aktiv sifatining toifasi	**31-90 kun**	**91-180 kun**	**181-365 kun**	**366 kun va undan ortiq**
Substandart	Substandart	Qoniqarsiz	Shubhali	Umidsiz
Qoniqarsiz	Qoniqarsiz	Shubhali	Umidsiz	Umidsiz
Shubhali	Shubhali	Umidsiz	Umidsiz	Umidsiz
Umidsiz	Umidsiz	Umidsiz	Umidsiz	Umidsiz

55. Mazkur Nizomning 54-bandida belgilangan obyektiv mezonlar ushbu Nizomning 58-bandiga muvofiq to‘lovlar muddati kechiktirilgan yoki uzaytirilgan aktivlarga nisbatan qo‘llanilganda muddati o‘tgan qarzdorlik mavjud bo‘lgan kunlar sonining hisobi kechiktirilgan yoki uzaytirilgan muddat tugagan sanadan boshlanadi.

56. Restrukturizatsiya qilingan aktiv quyidagi barcha shartlarga muvofiq bo‘lsa, bunday aktiv restrukturizatsiya qilingan aktiv deb hisoblanishi to‘xtatiladi:

sinov davri davomida asosiy qarz, foiz va (yoki) boshqa to‘lovlar yangilangan (o‘zgartirilgan) qaytarish jadvaliga muvofiq o‘z vaqtida va to‘liq to‘lansa;

qarz oluvchining moliyaviy holati tahliliga asosan uning moliyaviy qiyinchiliklari bartaraf etilgan hamda mazkur tahlil hujjatlashtirilgan bo‘lsa;

qarz oluvchining bank yoki boshqa kredit tashkiloti oldida 30 kundan oshgan, miqdori kichik miqdordan katta bo‘lgan muddati o‘tgan qarzdorligi mavjud bo‘lmasa.

57. Aktiv ushbu Nizomning 39 va 40-bandlari talablariga rioya qilinmasdan restrukturizatsiya qilingan bo‘lsa, shu jumladan qarz oluvchining yangi (o‘zgartirilgan) shartnoma shartlariga muvofiq to‘lovlarni amalga oshira olish qobiliyatini

tasdiqlovchi dalillar mavjud boʻlmasa va (yoki) restrukturizatsiya chorasi aktiv sifatini yomonroq toifada tasniflamaslik uchun amalga oshirilgan boʻlsa, Markaziy bank bankdan ushbu aktiv sifatini restrukturizatsiya chorasiga qadar tuzilgan avvalgi qaytarish jadvaliga asosan qayta tasniflashni talab qilishi mumkin.

6-§. Muayyan hollarda toʻlovlar muddati kechiktirilgan yoki uzaytirilgan aktivlar sifatini tasniflash

58. Jismoniy shaxs boʻlgan qarz oluvchining murojaatiga koʻra bank tomonidan aktiv shartnomasi muddati mobaynida toʻlovlar muddati birinchi marotaba quyidagi holatlar natijasida kechiktirilganda yoki uzaytirilganda aktiv tasnifi yomonroq toifaga oʻzgartirilmasligi, mazkur chora restrukturizatsiya chorasi sifatida baholanmasligi hamda ushbu Nizomga muvofiq restrukturizatsiya qilingan aktivlarni tasniflashga oid qoidalar qoʻllanilmasligi mumkin:

qarz oluvchining 2 oydan ortiq davr mobaynida vaqtincha mehnatga layoqatsiz boʻlib qolishi;

qarz oluvchining mehnat shartnomasi bekor qilinishi va ish qidirayotgan shaxs sifatida tuman (shahar) kambagʻallikni qisqartirish va bandlikka koʻmaklashish boʻlimlarida roʻyxatga olinishi;

qarz oluvchining birgalikda qarz oluvchisi va (yoki) kafili boʻlgan turmush oʻrtogʻi vafot etishi;

I yoki II guruh nogironligi boʻlgan shaxslar qarz oluvchining qaramogʻiga olinishi yoki uning qaramogʻidagi I yoki II guruh nogironligi boʻlgan shaxslar sonining ortishi;

qarz oluvchiga nisbatan nogironlikning I yoki II guruhi belgilanishi;

jismoniy shaxs boʻlgan qarz oluvchining sogʻligʻiga zarar yetishiga, jiddiy moddiy talafotlarga hamda uning hayot faoliyati sharoitlari buzilishiga olib kelishi mumkin boʻlgan yoki olib kelgan tabiiy hamda texnogen xususiyatli favqulodda vaziyatlarning yuzaga kelishi;

qarz oluvchining homiladorlik va tugʻish taʼtiliga chiqishi.

Bunda mazkur bandning ikkinchi va uchinchi xatboshilarida nazarda tutilgan holatlar yuzasidan qarz oluvchi tomonidan aktiv shartnomasi boʻyicha toʻlovlar muddatini kechiktirish yoki uzaytirish toʻgʻrisida bankka murojaat qilinganda mazkur

murojaat sanasidan oldingi 2 oy davomida qarz oluvchining oʻrtacha oylik daromadlari soʻnggi 12 oy ichidagi oʻrtacha oylik daromadlariga nisbatan kamida 30 foizga kamaygan boʻlishi lozim.

Mazkur bandning ikkinchi – yettinchi xatboshilarida belgilangan holatlar qarz oluvchi aktiv shartnomasi boʻyicha toʻlovlar muddatini kechiktirish yoki uzaytirish yuzasidan bankka murojaat qilgan sanadan oldingi 4 oy ichida roʻy bergan boʻlishi lozim.

Aktiv tasnifi oʻzgartirilmasligi uchun aktiv shartnomasi boʻyicha toʻlovlar mazkur bandning:

ikkinchi – yettinchi xatboshilarida belgilangan holatlarda 6 oydan;

sakkizinchi xatboshisida belgilangan holatda 10 oydan koʻp boʻlmagan muddatga kechiktirilgan yoki uzaytirilgan boʻlishi lozim.

Bank qarz oluvchining murojaatiga koʻra aktiv shartnomasi boʻyicha toʻlovlar muddatini kechiktirish yoki uzaytirishda qarz oluvchi tomonidan taqdim etilgan tasdiqlovchi hujjatlardan yoki boshqa maʼlumotlardan foydalanishi mumkin. Bunda bank mazkur maʼlumotlarning haqqoniyligini tekshirish choralarini koʻrishi lozim.

59. Restrukturizatsiya qilingan aktivlar hamda mazkur Nizomning 58-bandida belgilangan toʻlovlar muddati birinchi marotaba kechiktirilgan yoki uzaytirilgan aktivlar hisobi alohida yuritilishi lozim.

60. Qonunchilik hujjatlari bilan favqulodda vaziyatlarning oldini olish yoki ularning oqibatlarini bartaraf etish, yuqumli va parazitar kasalliklar tarqalishining oldini olishga qaratilgan cheklovchi tadbirlar (karantin) belgilanishi natijasida qarz oluvchi tomonidan bank oldidagi majburiyatni bajarish yoki lozim darajada bajarish imkoniyati boʻlmaganda, aktivlar sifatini tasniflash, zaxira yaratish va restrukturizatsiya qilingan aktiv deb hisoblamaslik Markaziy bank tomonidan belgilanishi mumkin.

7-bob. “Foizlarni oʻstirmaslik” maqomidagi aktivni hisobga olish

61. 2028-yil 1-yanvardan boshlab muammoli deb tasniflangan aktivlarga mazkur Nizom maqsadlarida “foizlarni oʻstirmaslik” maqomi beriladi.

Aktivga “foizlarni oʻstirmaslik” maqomi berilganidan soʻng barcha hisoblangan, lekin olinmagan foizli va boshqa daromadlar teskari buxgalteriya oʻtkazmasi amalga oshirilgan holda, balansdan tashqari hisobvaraqlarga oʻtkaziladi. Foizli va boshqa daromadlar balansdan tashqari hisobvaraqlarga oʻtkazilganidan soʻng keyingi foizlar (daromadlar) hisoblanishi faqat mazkur hisobvaraqlarda kredit shartnomasida belgilangan muddat davomida amalga oshiriladi, bundan qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda qarzdor va kafilning majburiyatlari bekor boʻladigan holatlar mustasno.

62. Aktivga “foizlarni oʻstirmaslik” maqomi berilishi qarz oluvchini hisoblangan foizlar va boshqa toʻlovlarni, shu jumladan bankning balansdan tashqari hisobvaraqlarida hisobga olingan foizlar va boshqa toʻlovlarni toʻlash majburiyatidan ozod etmaydi.

63. Oʻzbekiston Respublikasi “Toʻlovga qobiliyatsizlik toʻgʻrisida”gi Qonunining 141-moddasiga muvofiq sud tomonidan qarz oluvchini bankrot deb topish va tugatishga doir ish yuritish tartib-taomilini boshlash toʻgʻrisida qaror qabul qilingan paytdan eʼtiboran qarz oluvchining barcha turdagi qarzlari boʻyicha neustoyka (jarima, penya) va foizlarni hisoblash tugatiladi.

Kredit boʻyicha qarzdorlikni undirish toʻgʻrisida sudning hal qiluv qarori chiqarilganda sud qarorida koʻrsatilgan, kredit boʻyicha undiriladigan summaga nisbatan Oʻzbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 327-moddasi birinchi va ikkinchi qismlarida hamda 734-moddasi birinchi qismida nazarda tutilgan foizlar, shuningdek neustoyka hisoblanishi toʻxtatiladi.

Bank frod holati natijasida nomiga onlayn kredit (mikroqarz) rasmiylashtirilgan qarz oluvchining jabrlanuvchi deb eʼtirof etilganligi toʻgʻrisidagi surishtiruvchi, tergovchi, prokurorning qarori yoki sudning ajrimi kelib tushgan kundan boshlab mazkur onlayn kredit (mikroqarz) va u bilan bogʻliq foizlar, neustoyka, jarimalarni hisoblashni hamda jabrlanuvchi deb eʼtirof etilgan shaxsdan undirishni toʻxtatadi. Bunda surishtiruv, dastlabki tergov natijalari yoki sudning qaroriga asosan frod holati yuz bermaganligi aniqlanganda bank onlayn kredit (mikroqarz) va u bilan bogʻliq foizlar, neustoyka, jarimalarni hisoblashni hamda jabrlanuvchi deb eʼtirof etilgan shaxsdan undirishni davom ettiradi.

64. Sudgacha sanatsiya davrida banklar qarz oluvchi bilan tuzilgan kelishuvga asosan kelishuvda belgilangan muddatga va faoliyatini tiklashga qaratilgan sanatsiya rejasini bajarish sharti bilan kreditlar boʻyicha foizlarni hisoblash va (yoki)

toʻlashni toʻxtatib turishi, keyinchalik sanatsiya rejasiga muvofiq restrukturizatsiya qilishi yoxud kreditni restrukturizatsiya qilishning boshqa choralarini koʻrishi mumkin.

Sud sanatsiyasi davrida sanatsiya rejasiga muvofiq va kreditorlar yigʻilishi (qoʻmitasi) roziligi bilan sud ajrimi asosida qarz oluvchining kreditlar boʻyicha foizlarini hisoblash va (yoki) toʻlash toʻxtatib turilishi, keyinchalik sanatsiya rejasida belgilangan tartibda restrukturizatsiya qilinishi yoxud kreditni restrukturizatsiya qilishning boshqa choralari koʻrilishi mumkin.

65. Balansdan tashqari hisobvaraqlarda hisoblangan foizli va boshqa daromadlar bankka haqiqatda kirim qilingan sanada, shu jumladan bank aylanma kassasiga va (yoki) mijozning tegishli bank hisobvaragʻiga mablagʻ kelib tushganda, bank daromadi sifatida tan olinadi.

66. Aktiv mazkur Nizom talablariga muvofiq “standart” yoki “substandart” deb qayta tasniflanganidan soʻng, uning “foizlarni oʻstirmaslik” maqomi bekor qilinadi.

8-bob. Aktivlar boʻyicha ehtimoliy yoʻqotishlarga doir zaxiralarni yaratish boʻyicha talablar

67. Aktivlar boʻyicha ehtimoliy yoʻqotishlarga doir zaxiralarni yaratish maqsadida aktiv sifatining toifasidan kelib chiqib, aktivning jami qiymatiga quyidagi jadvalda belgilangan zaxira me’yori koʻpaytirilgan miqdorda bank xarajati hisobidan zaxira shakllantirilishi lozim:

Zaxira turlari	**Aktiv sifatining toifasi**	**Zaxira me’yori**
Standart aktivlarga yaratiladigan zaxiralar	Standart	1 foiz
Maxsus zaxiralar	Substandart	10 foiz
	Qoniqarsiz	25 foiz
	Shubhali	50 foiz
	Umidsiz	100 foiz

68. Bank maxsus zaxiralarni aktivlarni tasniflash uchun mazkur Nizomda nazarda tutilgan asoslar vujudga kelgan sanadan boshlab shakllantirishi va ular boʻyicha buxgalteriya oʻtkazmalarini dasturlashgan holda amalga oshirishi lozim.

Balansdan tashqari hisobvaraq boʻyicha ehtimoliy yoʻqotishlarga doir zaxiralarni yaratish maqsadida balansdan tashqari hisobvaraq nominal qiymatining (foydalanilmagan qismi) kapital monandligi hisob-kitoblaridagi kreditni qayta hisoblash omili qoʻllanilgandan soʻng chiqqan balans ekvivalenti tegishliligi boʻyicha zaxira meʼyoriga koʻpaytiriladi.

69. Aktiv qaysi valyutada vujudga kelgan boʻlsa maxsus zaxira ham ushbu aktiv valyutasida har bir aktiv uchun alohida shakllantirilishi lozim.

Standart aktivlarga yaratiladigan zaxiralar sifati standart deb tasniflangan jami aktivlar qoldigʻiga nisbatan har oyning yakuniga qadar aktiv qaysi valyutada vujudga kelgan boʻlsa, ushbu valyutada yoki milliy valyutada shakllantirilishi lozim.

70. Aktivlar boʻyicha ehtimoliy yoʻqotishlarga doir zaxirani shakllantirish va undan foydalanishga oid buxgalteriya oʻtkazmalari Tijorat banklarida buxgalteriya hisobining hisobvaraqlar rejasiga (roʻyxat raqami 3336, 2021-yil 26-noyabr) muvofiq amalga oshiriladi.

71. Aktivlar maqbul taʼminot bilan taʼminlanganda ular boʻyicha ehtimoliy yoʻqotishlarni qoplashga moʻljallangan zaxira miqdori quyidagi formulaga muvofiq aniqlanadi:

$$Z = (AJM - TQ \times (1 - Ch)(1 - x)) \times m$$

bunda:

Z – shakllantirilishi lozim boʻlgan zaxira miqdori;

AJM – aktivning jami qiymati summasi (balansdan tashqari hisobvaraq nominal qiymatining (foydalanilmagan qismi) kapital monandligi hisob-kitoblaridagi kreditni qayta hisoblash omili qoʻllanilgandan soʻng chiqqan balans ekvivalenti);

TQ – mazkur Nizomning 80-bandida belgilangan maqbul taʼminot qiymati;

Ch – chegirma omilining mazkur Nizomning 80-bandida belgilangan miqdorlardan kam boʻlmagan miqdori;

x – valyutadagi tafovutni hisobga olish omili. Mazkur omil aktiv ifodalangan valyuta u boʻyicha qabul qilingan taʼminot valyutasidan farq qilmasa 0 ga, farq qilsa 0,1 ga teng boʻladi;

m – aktiv tasnifi boʻyicha shakllantirilishi lozim boʻlgan zaxira yaratish meʼyori.

Bunda aktivlar boʻyicha ehtimoliy yoʻqotishlarni qoplashga moʻljallangan zaxira miqdori 0 yoki undan kichik (manfiy) boʻlsa:

mazkur aktiv boʻyicha ehtimoliy yoʻqotishlarni qoplashga moʻljallangan zaxira shakllantirilmaydi;

mazkur aktiv kapital monandligi hisob-kitoblarida ehtimoliy yoʻqotishlarni qoplashga moʻljallangan zaxira shakllantirilmagan aktiv sifatida baholanadi.

72. Aktivlar boʻyicha ehtimoliy yoʻqotishlarga doir zaxiralar miqdori oyiga kamida bir marotaba qayta koʻrib chiqilishi (tuzatilishi) lozim. Bunda bank ichki hujjatlariga muvofiq aktivlar boʻyicha ehtimoliy yoʻqotishlarga doir zaxiralar miqdori hisobot sanasidan boshqa kunlarda qoʻshimcha ravishda qayta koʻrib chiqilishi (tuzatilishi) mumkin.

73. Zaxiralar yetarli boʻlmagan hollarda bank tomonidan zaxiralarga qoʻshimcha ajratmalar zaxiralarning yetishmovchiligi aniqlangan davrda amalga oshirilishi zarur.

74. Quyidagi hollarda aktiv u boʻyicha shakllantirilgan zaxira hisobiga balansdan tashqari hisobvaraqlarga oʻtkazilishi lozim:

9-son MHXS talablariga muvofiq aktiv qaytarilishi boʻyicha asosli kutilmalar mavjud boʻlmasa;

aktivning sifati “umidsiz” deb tasniflangan sanadan boshlab besh yil oʻtgan boʻlsa;

qarz oluvchiga onlayn kredit frod holati natijasida rasmiylashtirilishi oqibatida mazkur qarz oluvchi jabrlanuvchi deb eʼtirof etilganligi toʻgʻrisidagi surishtiruvchi, tergovchi, prokurorning qarori yoki sudning ajrimi kelib tushganda.

75. Belgilangan meʼyorlarga muvofiq yaratilgan zaxiraga nisbatan aktiv boʻyicha ehtimoliy yoʻqotishlar miqdorining oshib ketishi mumkinligidan dalolat beruvchi omillar va sharoitlar aniqlanganda, mazkur aktiv boʻyicha ehtimoliy

yoʻqotishlarni qoplash uchun qoʻshimcha zaxira yaratilishi kerak.

76. “E-kontrakt” tashqi savdo axborot tizimidagi ma’lumotlarga muvofiq tashqi savdo operatsiyalari boʻyicha muddati oʻtgan debitor qarzdorligi mavjud qarz oluvchilarga taqdim etilgan aktivlar boʻyicha ehtimoliy yoʻqotishlarga doir zaxiralar qoʻshimcha zaxiralarni inobatga olgan holda aktivning jami qiymatiga mazkur Nizomning 2-ilovasiga muvofiq jami zaxira me’yori koʻpaytirilgan miqdorda bank xarajati hisobidan zaxira shakllantirilishi lozim.

Bunda qoʻshimcha zaxiralarni shakllantirish maqsadlarida debitor qarzdorligi ulushi qarz oluvchining tashqi savdo operatsiyalari boʻyicha muddati oʻtgan debitor qarzdorligi summasining mazkur qarz oluvchining tashqi savdo operatsiyalari boʻyicha jami debitor qarzdorligi summasiga nisbati asosida quyidagi formulaga muvofiq aniqlanadi:

$$Debitor\ qarzdorligi\ ulushi\ = \frac{Muddati\ o'tgan\ debitor\ qarzdorligi}{Jami\ debitor\ qarzdorligi}\ x\ 100\ foiz$$

77. Mazkur Nizomning 76-bandiga muvofiq qarz oluvchilarga bank tomonidan taqdim etilgan aktivlar boʻyicha qoʻshimcha zaxira me’yorlari quyidagi jadvalga muvofiq belgilanadi:

Toifalar	**Debitor qarzdorligi ulushi**	**Qoʻshimcha zaxira me’yori**
1-toifa	0 foizdan - 25 foizgacha	0 foiz
2-toifa	26 foizdan - 50 foizgacha	1 foiz
3-toifa	51 foizdan - 75 foizgacha	2 foiz
4-toifa	76 foizdan - 100 foizgacha	3 foiz

78. Aktivning balansdan tashqari hisobvaraqlarga oʻtkazilishi uning qisman yoki toʻliq qaytarilishi mumkinligini inkor etmaydi.

9-bob. Maqbul taʼminotga qoʻyiladigan talablar

79. Taʼminot bank tomonidan taqdim etilgan aktivni toʻlashning ikkilamchi manbayi hisoblanadi. Bank tomonidan taʼminotga aktivni qoplashning asosiy manbayi sifatida qaralmasligi lozim.

80. Mazkur Nizom maqsadlarida maqbul taʼminot va mazkur ta’minot turlari boʻyicha chegirma miqdori quyidagi jadvalda belgilangan:

Ta’minot turi	**Chegirma omilining minimal miqdori**			
	Sifatining toifasi “standart” va “substandart” deb tasniflangan aktivlar	**Sifatining toifasi “qoniqarsiz”, “shubhali” va “umidsiz” deb tasniflangan aktivlar**		
		Aktiv sifati muammoli deb tasniflangan sanadan oʻtgan muddat		
		24 oygacha	**25 oydan 36 oygacha**	**36 oydan koʻp**
1-darajali yuqori likvidli qimmatli qogʻozlar garovi	0	0	0,5	1
2-A darajali yuqori likvidli qimmatli qogʻozlar garovi	0,15	0,15	0,5	1
2-B darajali yuqori likvidli qimmatli qogʻozlar garovi	0,5	0,5	0,8	1
Oʻzbekiston Respublikasi Hukumati va Markaziy bank tomonidan taʼminlangan yoki kafolatlangan aktivlar	0	0	0,5	1
Bank kapitali monandligi hisob-kitoblarida tavakkalchilik darajasi 0 foiz boʻlgan xorijiy	0	0	0,5	1

davlatlarning hukumatlari va markaziy banklarining kafolati				
Jahon banki guruhi (Xalqaro tiklanish va taraqqiyot banki, Xalqaro moliya korporatsiyasi, Xalqaro investitsiyalarni kafolatlash agentligi, Xalqaro taraqqiyot assotsiatsiyasi) hamda Osiyo taraqqiyot banki, Osiyo infratuzilma investitsiyalari banki, Yevropa tiklanish va taraqqiyot banki, Yevropa investitsiya banki, Yevropa investitsiya jamgʻarmasi, Islom taraqqiyot banki va Yevropa Kengashining taraqqiyot banklari kafolati	0	0	0,5	1
Kreditor bankdagi depozitlar yoki depozit sertifikatlari garovi	0	0	0,5	1
“Standard & Poor’s”, “Fitch Ratings” va “Moody’s Investors Service” kompaniyalarining investitsion reyting darajasidan kam boʻlmagan yoki Markaziy bank tomonidan tan olinadigan boshqa reyting kompaniyalarining ushbu reyting darajasiga teng boʻlgan reyting baholariga ega banklar kafolati va kafilligi	0,5	0,5	1	1
Ta’minotdagi affinlangan (affinaj qilingan) qimmatbaho metallar	0,5	0,6	0,7	1
Taʼminot sifatida garovga olingan qurilishi tugallangan koʻchmas mulk (garov qiymati)	0,5	0,6	0,7	1

Taʼminot sifatida garovga olingan transport vositalari (garov qiymati)	0,7	0,8	1	1

81. Affinlangan (affinaj qilingan) qimmatbaho metallar, koʻchmas mulk hamda transport vositalari mazkur Nizom maqsadlarida maqbul ta’minot hisoblanishi uchun ularning bozor qiymati Oʻzbekiston Respublikasining “Baholash faoliyati toʻgʻrisida”gi Qonuni hamda baholash faoliyati toʻgʻrisidagi boshqa qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda baholanishi va (yoki) qayta baholanishi, shuningdek mazkur baholash tegishli tartibda hujjatlashtirilishi lozim.

82. Mazkur Nizomga muvofiq maqbul ta’minotga qabul qilinuvchi garov turlari quyidagi talablarga javob berishi lozim:

tegishli tartibda hujjatlashtirilishi va barcha tomonlar uchun majburiy hisoblanishi;

qimmatli qogʻozlar, bankdagi depozitlar, depozit sertifikatlari garov sifatida qabul qilingan boʻlsa, ularning muddati tegishli aktivni soʻndirish muddatidan kam boʻlmasligi;

kreditor bankdagi depozit garov predmeti boʻlsa, garov shartnomasi shartlariga binoan qarz oluvchi oʻz majburiyatlarini bajarmagan yoki sudning qaroriga asosan toʻlovga qobiliyatsiz deb topilgan holatda bankning ushbu mablagʻlarni soʻzsiz nazorat qilish va ularni tasarruf eta olish huquqi boʻlishi;

ta’minot sifatida olinadigan mol-mulk garovga berilmagan boʻlishi;

kredit bergan bank tomonidan garovga olinadigan mol-mulkka boʻlgan huquq haqidagi yozuv qonunchilikda belgilangan tartibda garov reyestriga kiritilgan boʻlishi;

bank aktivi bankdagi depozitlar bilan taʼminlangan boʻlsa, depozit aktivni taʼminlash uchun tegishli hisobvaraqda yuritilishi hamda kredit shartnomasi yoki boshqa shartnomada qarz oluvchi tomonidan aktiv qaytarilmagan yoki majburiyatlari bajarilmagan holda bank akseptsiz tartibda depozitni tasarruf etishi, shuningdek qarz oluvchi ixtiyoriy ravishda ushbu depozitni u bilan taʼminlangan aktivni soʻndirish uchun yoʻnaltirishi mumkin ekanligi shart qilib qoʻyilishi lozim.

Bunda bank aktivni qaytarish muddati yetib kelgunga qadar depozitdan mablagʻlarni olishga yoʻl qoʻymaslik maqsadida zarur choralarni koʻrishi va nazorat oʻrnatishi kerak.

83. Mazkur Nizomga muvofiq maqbul ta’minotga qabul qilinuvchi kafolat bir vaqtning oʻzida quyidagi talablarga javob berishi lozim:

kafolat muddati va asosiy majburiyat muddatlari mos boʻlishi;

qarz oluvchi oʻz majburiyatlarini bajarmagan hollarda, shartnoma va (yoki) oʻzaro kelishuvda kafolat shartlarini bajarish muddatlariga doir hech qanday cheklovlar boʻlmasligi;

kafil tomonidan taqdim etilgan kafolat hujjatlashtirilgan majburiyat hisoblanishi;

bankning majburiyatni kafildan toʻgʻridan-toʻgʻri talab qilish huquqi boʻlishi;

qarz oluvchining bank oldidagi majburiyati boʻyicha taqdim etilgan kafolat miqdori aniq belgilangan boʻlishi;

kafolat chaqirib olinmaydigan va soʻzsiz boʻlishi, yaʼni bir tomonlama tartibda kafil kafolatni bekor qilishi, kafolat qiymatini oshirishi, kafolat muddatini qisqartirishi, shuningdek kafolat boʻyicha mablagʻlarni toʻliq yoki qisman toʻlamasligiga imkon yaratuvchi shartlarning mavjud emasligi;

qarz oluvchi kafolat bilan taʼminlangan majburiyatlarini bajarmagan hollarda, bank kafildan kafolat boʻyicha toʻlovni amalga oshirishini talab qilish huquqi boʻlishi.

10-bob. Bank mol-mulkiga nisbatan alohida talablar

84. Bankning quyidagi mulklari boʻyicha 100 foiz miqdorda bank xarajati hisobidan zaxira shakllantirilishi lozim:

bank balansiga qabul qilingan sanadan boshlab bir yil muddatda sotilmagan garov hisobidan undirilgan koʻchmas mulk va boshqa mol-mulklar;

bank faoliyatini amalga oshirish uchun zaruriyati mavjud boʻlmagan (foydalanilmaydigan) uch yil muddatda sotilmagan yoki foydalanilmagan koʻchmas mulk va boshqa mol-mulklar, bundan mazkur bandning ikkinchi xatboshisida koʻrsatilgan holatlar mustasno.

11-bob. Balansdan tashqari hisobvaraqlarda aktivlarni hisobga olish

85. Balansdan tashqari hisobvaraqlarga oʻtkazilgan sifati “umidsiz” deb tasniflangan aktivlar balans hisobvaraqlariga qaytarilmaydi. Bunda ushbu aktivlar boʻyicha kelgusida undirib olingan va (yoki) qaytarilgan mablagʻ bank daromadi sifatida tan olinadi.

86. Balans hisobvaraqlaridan balansdan tashqari hisobvaraqlarga oʻtkazilgan sifati “umidsiz” deb tasniflangan aktivlar hamda ular boʻyicha hisoblab yozilgan foizlar va boshqa toʻlovlar balansdan tashqari hisobvaraqlarda ular ushbu hisobvaraqlarga oʻtkazilgan paytdan boshlab 2 yildan kam boʻlmagan muddat mobaynida aks ettirilishi lozim, bundan mazkur Nizomning 90-bandida belgilangan holatlar mustasno.

Bunda bank 1 oyda kamida bir marta qarzdorga balansdan tashqari hisobvaraqlardagi qoldiqlarga mos keladigan asosiy qarz, hisoblangan foizlar va boshqa toʻlovlar boʻyicha muddati oʻtgan qarzdorlikning mavjudligini maʼlum qilgan holda aktiv boʻyicha qarzdorlikni qoplash va u boʻyicha hisoblangan foizlar va boshqa toʻlovlarni toʻlash talab qilingan daʼvo xatini, balansdan tashqari hisobvaraqlardan koʻchirma ilova qilingan holda, qarz oluvchi yoki uning huquqiy vorisiga (tugatilish jarayonida boʻlsa, tugatish komissiyasiga) yuborishi lozim, bundan frod holati natijasida nomiga onlayn kredit rasmiylashtirilgan qarz oluvchi jabrlanuvchi deb eʼtirof etilganligi toʻgʻrisidagi surishtiruvchi, tergovchi, prokurorning qarori yoki sudning ajrimi kelib tushganligi holatlari mustasno.

Mazkur bandning ikkinchi xatboshisida nazarda tutilgan daʼvo xatlarini olmaslik qarz oluvchini qarzini qaytarish majburiyatidan ozod etmaydi. Daʼvo xati va hisobvaraqdan koʻchirma bankning muddati oʻtgan asosiy qarzni va hisoblangan foizlarni undirib olish boʻyicha sudga murojaat etishi uchun asos boʻladi.

87. Bankning ichki audit xizmati va bank boshqaruvi har chorakda balansdan tashqari hisobvaraqlarga oʻtkazilgan sifati “umidsiz” deb tasniflangan aktivlarni undirish boʻyicha qoʻllanayotgan chora-tadbirlar haqida bank kuzatuv kengashiga yozma ravishda maʼlumot berishlari shart.

Bank kuzatuv kengashi moliyaviy yil yakuni boʻyicha bank aksiyadorlarining yillik umumiy yigʻilishi kun tartibiga bankning “umidsiz” aktivlarini undirish boʻyicha qoʻllangan chora-tadbirlar haqidagi masalani kiritadi.

88. Bank balansdan tashqari hisobvaraqlarda hisobga olingan aktivlar boʻyicha asosiy qarz summasi, foizlar va boshqa toʻlovlarni undirish yuzasidan barcha chora-tadbirlarni qoʻllashi zarur.

89. Aktivning balansdan tashqari hisobvaraqlarga oʻtkazilishi ushbu aktiv boʻyicha qarzlar hamda hisoblangan foizlar va boshqa toʻlovlarning hamda bankning mazkur aktivni moliyalashtirish uchun jalb qilingan mablagʻlar boʻyicha kreditorlar oldidagi majburiyatlarining bekor qilinishini anglatmaydi.

90. Balansdan tashqari hisobvaraqlarda hisobga olingan aktivlar quyidagi holatlarda bank kuzatuv kengashining tavsiyasi asosida aksiyadorlar umumiy yigʻilishi qaroriga koʻra hisobdan chiqarilishi mumkin:

bank aktivdan voz kechsa;

9-son MHXS talablariga muvofiq aktiv qaytarilishi boʻyicha asosli kutilmalar mavjud boʻlmasa;

aktiv balansdan tashqari hisobvaraqlarga oʻtkazilgandan keyin 2 yil davomida toʻlanmasa;

qarz oluvchi vafot etsa va uning qarzini qaytarish majburiyatini oʻz zimmasiga oladigan boshqa shaxs mavjud boʻlmasa;

sudning qarz oluvchini toʻlovga qobiliyatsiz deb topish toʻgʻrisida qonuniy kuchga kirgan qarori boʻlsa;

yuridik shaxs boʻlgan qarz oluvchi tugatilgan boʻlsa.

12-bob. Yakuniy qoida

91. Mazkur Nizom talablarining buzilishida aybdor boʻlgan shaxslar qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda javobgar boʻladilar.

Banklarda aktivlar sifatini tasniflash va aktivlar boʻyicha ehtimoliy yoʻqotishlarni qoplash uchun zaxiralar shakllantirish hamda ulardan foydalanish tartibi toʻgʻrisidagi nizomga
1-ILOVA

Toʻlov ehtimoli pastligini aniqlashda foydalaniladigan mezonlar

T/r	Mezonlar	Qoniqarsiz	Shubhali	Umidsiz
	$\frac{\text{Oʻz mablagʻlari manbalari}}{\text{Jami aktivlar}}$	(0,05; 0,1]	(0,01; 0,05]	0,01 va undan past
	$\frac{\text{Jami moliyaviy majburiyatlar}}{\text{EBITDA}}$ *(EBITDA: sof foyda (zarar) + foyda solig‘i + foizlar shaklidagi xarajatlar + asosiy vositalar eskirishi o‘zgarishi + nomoddiy aktivlar amortizatsiya summasi o‘zgarishi + valyuta kursi farqlaridan zararlar + to‘langan dividendlar + uzoq muddatli ijara (lizing) bo‘yicha foizlar ko‘rinishidagi xarajatlar +*	[6; 7)	[7; 10)	10 va undan baland

moliyaviy faoliyat bo‘yicha boshqa xarajatlar)			
$\frac{\text{EBIT}}{\text{Foizlar shaklidagi xarajatlar}}$	(1; 1,5]	(0,5; 1]	0,5 va undan past
(EBIT: sof foyda (zarar) + foyda solig‘i + foizlar shaklidagi xarajatlar + valyuta kursi farqlaridan zararlar + to‘langan dividendlar + uzoq muddatli ijara (lizing) bo‘yicha foizlar ko‘rinishidagi xarajatlar + moliyaviy faoliyat bo‘yicha boshqa xarajatlar)			
$\frac{\text{Joriy aktivlar}}{\text{Joriy majburiyatlar}}$	(0,7; 0,9]	(0,4; 0,7]	0,4 va undan past
$\frac{\text{EBITDA}}{\text{Qarz to‘lovlari}}$	(0,8; 0,9]	(0,7; 0,8]	0,7 va undan past
(Qarz to‘lovlari: foizlar shaklidagi qarz xarajatlari + qarzning asosiy to‘lovi)			
9-sonli Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari mezonlari	Aktiv 9-sonli MHXS talablariga	Aktiv 9-sonli MHXS talablariga	Aktiv qadrsizlangan toifasiga (3-

muvofiq kredit tavakkalchiligi sezilarli darajada oshgan sifatida (2-bosqich toifasi) tasniflanishi hamda uning butun muddati davomidagi kutilayotgan kredit yo‘qotishlari miqdori aktiv qiymatining 12 foizidan yuqori, biroq 25 foizidan oshmasligi;Aktiv qadrsizlangan toifasiga (3-bosqich) kiritilishi hamda uning	muvofiq kredit tavakkalchiligi sezilarli darajada oshgan sifatida (2-bosqich toifasi) tasniflanishi hamda uning butun muddati davomidagi kutilayotgan kredit yo‘qotishlari miqdori aktiv qiymatining 25 foizidan oshishi;Aktiv qadrsizlangan toifasiga (3-bosqich) kiritilishi hamda uning butun muddati davomidagi kutilayotgan	bosqich) kiritilishi hamda uning butun muddati davomidagi kutilayotgan kredit yo‘qotishlari miqdori aktiv qiymatining 50 foizidan oshishi

	butun muddati davomidagi kutilayotgan kredit yo‘qotishlari miqdori aktiv qiymatining 25 foizidan oshmasligi.	kredit yo‘qotishlari miqdori aktiv qiymatining 25 foizidan yuqori, biroq 50 foizidan oshmasligi.

Banklarda aktivlar sifatini tasniflash va aktivlar boʻyicha ehtimoliy yoʻqotishlarni qoplash uchun zaxiralar shakllantirish hamda ulardan foydalanish tartibi toʻgʻrisidagi nizomga
2-ILOVA

Tashqi savdo operatsiyalari boʻyicha muddati oʻtgan debitor qarzdorligi mavjud qarz oluvchilarga bank tomonidan taqdim etilgan aktivlar uchun zaxira me’yorlari

Aktiv sifatining toifasi	**Zaxira me’yori*(qo‘shimcha zaxirasiz)***	**Jami zaxira me’yori*(zaxira me’yori + qo‘shimcha zaxira me’yori)***			
		Toifa 1	**Toifa 2**	**Toifa 3**	**Toifa 4**
Standart	1 foiz	1 foiz	2 foiz	3 foiz	4 foiz
Substandart	10 foiz	10 foiz	11 foiz	12 foiz	13 foiz
Qoniqarsiz	25 foiz	25 foiz	26 foiz	27 foiz	28 foiz
Shubhali	50 foiz	50 foiz	51 foiz	52 foiz	53 foiz
Umidsiz	100 foiz	100 foiz	100 foiz	100 foiz	100 foiz

QMMB: 10/26/3937/0926-son
12.09.2026-y.

O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki
boshqaruvining 2026-yil 14-avgustdagi
22/3-son qaroriga
2-ILOVA

O‘z kuchini yo‘qotgan deb topilayotgan idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar
RO‘YXATI

1. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2015-yil 13-iyundagi 14/5-son “Tijorat banklarida aktivlar sifatini tasniflash va aktivlar bo‘yicha ehtimoliy yo‘qotishlarni qoplash uchun zaxiralar shakllantirish hamda ulardan foydalanish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarori (ro‘yxat raqami 2696, 2015-yil 14-iyul) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2015-y., 28-son, 374-modda).

2. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2017-yil 23-sentabrdagi 26/6-son “Tijorat banklarida aktivlar sifatini tasniflash va aktivlar bo‘yicha ehtimoliy yo‘qotishlarni qoplash uchun zaxiralar shakllantirish hamda ulardan foydalanish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori (ro‘yxat raqami 2696-1, 2017-yil 10-oktabr) (Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 11.10.2017-y., 10/17/2696-1/0091-son).

3. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2018-yil 31-martdagi 12/20-son “Tijorat banklarida aktivlar sifatini tasniflash va aktivlar bo‘yicha ehtimoliy yo‘qotishlarni qoplash uchun zaxiralar shakllantirish hamda ulardan foydalanish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida”gi qarori (ro‘yxat raqami 2696-2, 2018-yil 27-aprel) (Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 30.04.2018-y., 10/18/2696-2/1120-son).

4. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2021-yil 19-noyabrdagi 27/7-son “Tijorat banklarida aktivlar sifatini tasniflash va aktivlar bo‘yicha ehtimoliy yo‘qotishlarni qoplash uchun zaxiralar shakllantirish hamda ulardan foydalanish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida”gi qarori (ro‘yxat raqami 2696-3, 2021-yil 10-dekabr) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 10.12.2021-y., 10/21/2696-3/1152-son).

5. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2024-yil 22-apreldagi 11/2-son “Tijorat banklarida aktivlar sifatini tasniflash va aktivlar bo‘yicha ehtimoliy yo‘qotishlarni qoplash uchun zaxiralar shakllantirish hamda ulardan foydalanish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida”gi qarori (ro‘yxat raqami 2696-4, 2024-yil 20-may) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 21.05.2024-y., 10/24/2696-4/0354-son).

6. Oʻzbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 5-dekabrdagi 31/10-son “Tijorat banklarida aktivlar sifatini tasniflash va aktivlar boʻyicha ehtimoliy yoʻqotishlarni qoplash uchun zaxiralar shakllantirish hamda ulardan foydalanish tartibi toʻgʻrisidagi nizomga oʻzgartirishlar va qoʻshimcha kiritish haqida”gi qarori (roʻyxat raqami 2696-5, 2025-yil 23-dekabr) (Qonunchilik maʼlumotlari milliy bazasi, 24.12.2025-y., 10/25/2696-5/1198-son).

7. Oʻzbekiston Respublikasi adliya vazirining 2021-yil 28-iyuldagi 15-mh-son buyrugʻi (roʻyxat raqami 3313, 2021-yil 28-iyul) (Qonunchilik maʼlumotlari milliy bazasi, 28.07.2021-y., 10/21/3313/0724-son) bilan tasdiqlangan Vazirliklar, davlat qoʻmitalari va idoralar tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga kiritilayotgan oʻzgartirishlarning 295-bandi.

8. Oʻzbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2023-yil 27-maydagi 14/10-son qarori (roʻyxat raqami 3442, 2023-yil 9-iyun) (Qonunchilik maʼlumotlari milliy bazasi, 12.06.2023-y., 10/23/3442/0359-son) bilan tasdiqlangan Oʻzbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga kiritilayotgan oʻzgartirishlarning 3-bandi.

36 (1264)-сон
926-модда

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3938
2026 - yil 10 - Sentabr

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING QARORI

Banklarni sanatsiya qilishda baholash o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida

O‘zbekiston Respublikasining “O‘zbekiston Respublikasining Markaziy banki to‘g‘risida”gi va “Banklarni sanatsiya qilish va tugatish to‘g‘risida”gi qonunlariga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi **qaror qiladi:**

1. Banklarni sanatsiya qilishda baholash o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur qaror O‘zbekiston Respublikasi Davlat aktivlarini boshqarish agentligi, O‘zbekiston baholovchilar jamiyati, O‘zbekiston baholovchilar, ekspertlar va maslahatchilar jamiyati hamda O‘zbekiston Respublikasi Baholovchi tashkilotlar assotsiatsiyasi bilan kelishilgan.

3. Mazkur qaror rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

O‘zbekiston Respublikasi
Markaziy banki Raisi
14-Avgust 2026-yil
22/9 son

ISHMETOV TIMUR
AMINDJANOVICH

Kelishildi:

Direktor 16-Iyun 2026-yil		MURODOV SOHIBJON G‘OFURJONOVICH
Baholovchilar, ekspertlar va maslahatchilar jamiyati raisi 09-Iyun 2026-yil		NIGMANXANOV ZUXRIDDIN ZAYNIDDINOVICH
Baholovchilar jamiyati direktori 01-Iyun 2026-yil		MIRSOATOV FARXOD YO‘LDOSH O‘G‘LI
Baholovchi tashkilotlar assotsiatsiyasi raisi 29-May 2026-yil		ISLAMOV ADILJAN TAIROVICH

QMMB: 10/26/3938/0927-son
12.09.2026-y.

Oʻzbekiston Respublikasi
Markaziy banki boshqaruvining
2026-yil 14-avgustdagi
22/9-son qaroriga
ILOVA

Banklarni sanatsiya qilishda baholash oʻtkazish tartibi toʻgʻrisidagi

NIZOM

Mazkur Nizom banklarni, banklar guruhlarini va bank aksiyalarining nazorat paketiga egalik qiluvchi xolding kompaniyalarini sanatsiya qilish, shuningdek ularning aksiyadorlari va kreditorlari zararlarini aniqlash maqsadida baholash oʻtkazish tartibini, baholovchi tashkilotlarga qoʻyiladigan talablarni hamda baholovchi tashkilotni tayinlash tartibini belgilaydi.

Ushbu Nizomning banklarga taalluqli qoidalari banklar guruhlariga va bank aksiyalarining nazorat paketiga egalik qiluvchi xolding kompaniyalariga nisbatan ham tatbiq etiladi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Bankni sanatsiya qilishda baholash (bundan buyon matnda baholash deb yuritiladi) bankni sanatsiya qilish uchun baholash hamda sanatsiya qilish tartib-taomillari amalga oshirilganidan keyin sanatsiya qilinayotgan bank aksiyadorlari va kreditorlarining zararlarini baholashni (bundan buyon matnda aksiyadorlar va kreditorlarning zararlarini baholash deb yuritiladi) oʻz ichiga oladi.

2. Bankni sanatsiya qilish uchun oʻtkaziladigan baholashda bankning aktivlari va majburiyatlari, shuningdek balansdan tashqari moddalari baholanadi. Bunda baholash sanatsiya qilish toʻgʻrisida qaror qabul qilinguniga qadar oʻtkaziladi.

3. Bankni sanatsiya qilish uchun baholash oʻtkazish maqsadida baholovchi tashkilotning tayinlanmaganligi yoki baholashning oʻtkazilmaganligi mazkur bankni sanatsiya qilish toʻgʻrisida qaror qabul qilinishiga toʻsqinlik qilmaydi.

4. Aksiyadorlar va kreditorlarning zararlarini baholash sanatsiya qilish tartib-taomillari amalga oshirilganidan keyin sanatsiya qilinayotgan bank aksiyadorlari va kreditorlarining sanatsiya qilish natijasida koʻrgan zararlari sanatsiya qilish toʻgʻrisida qaror qabul qilingan kunda mazkur bank majburiy tugatilgan taqdirda ular koʻrishi mumkin boʻlgan zararlardan oshganligini yoki oshmaganligini aniqlash uchun oʻtkaziladi.

5. Baholash oʻtkazish Oʻzbekiston Respublikasining “Banklarni sanatsiya qilish va tugatish toʻgʻrisida”gi, “Baholash faoliyati toʻgʻrisida”gi qonunlari, Oʻzbekiston Respublikasining Yagona milliy baholash standarti (roʻyxat raqami 3487, 2023-yil 28-dekabr) va ushbu Nizomga muvofiq amalga oshiriladi.

6. Ushbu Nizom bilan tartibga solinmagan masalalar baholash faoliyati toʻgʻrisidagi qonunchilik bilan tartibga solinadi.

2-bob. Baholash oʻtkazish maqsadida baholovchi tashkilotni tayinlash

1-§. Dastlabki tanlangan baholovchi tashkilotlar roʻyxatini shakllantirish

7. Markaziy bank bankni sanatsiya qilishga tayyorgarlik koʻrish doirasida va sanatsiya qilish toʻgʻrisida oʻz vaqtida qarorlar qabul qilish maqsadida dastlabki tanlangan baholovchi tashkilotlar roʻyxatini shakllantiradi.

8. Markaziy bank dastlabki tanlangan baholovchi tashkilotlar roʻyxatini shakllantirish maqsadida oʻzining rasmiy veb-saytida va ijtimoiy tarmoqlardagi rasmiy sahifalarida xabarnoma eʼlon qiladi. Xabarnomada dastlabki tanlangan baholovchi tashkilotlar roʻyxatiga kirish istagida boʻlgan hamda banklarni sanatsiya qilish va tugatish toʻgʻrisidagi qonunchilikda belgilangan talablarga javob beruvchi baholovchi tashkilotlar Markaziy bankka yozma murojaat qilishi kerakligi nazarda tutiladi.

9. Markaziy bank ushbu Nizomning 8-bandida belgilangan xabarnomani e’lon qilish bilan birga baholovchi tashkilotlarga va (yoki) baholovchi tashkilotlarning professional jamoat birlashmalariga ushbu xabarnomani yuborishi mumkin.

10. Dastlabki tanlangan baholovchi tashkilotlar roʻyxatiga kirish istagida boʻlgan baholovchi tashkilotning Markaziy bankka yozma murojaatida kamida quyidagilar koʻrsatilishi lozim:

bankni sanatsiya qilish maqsadida baholash oʻtkazish boʻyicha tajribasi va imkoniyatlari toʻgʻrisidagi maʼlumotlar;

baholash oʻtkazuvchi xodimlarining malaka sertifikatlari toʻgʻrisidagi maʼlumotlar;

baholovchi tashkilotning fuqarolik javobgarligini sugʻurta qilish shartnomasi boʻyicha sugʻurtalovchining majburiyatlari kuchga kirganligini tasdiqlovchi sugʻurta polisining mavjudligi toʻgʻrisidagi maʼlumot;

manfaatlar toʻqnashuvini aniqlash boʻyicha ichki siyosati mavjudligi toʻgʻrisidagi maʼlumotlar;

baholash oʻtkazishga nisbatan ushbu Nizomda belgilangan talablarga rioya qilishga roziligi.

11. Markaziy bank baholovchi tashkilotning ushbu Nizomning 10-bandida nazarda tutilgan murojaatini va unga ilova qilingan hujjatlarni ikki oy muddatda koʻrib chiqadi.

Baholovchi tashkilotni dastlabki tanlangan baholovchi tashkilotlar roʻyxatiga kiritishda baholovchi tashkilotning baholovchi tashkilotlarning professional jamoat birlashmalari tomonidan berilgan reytingi, uning salohiyati, tajribasi va imkoniyatlari inobatga olinadi.

12. Baholovchi tashkilotni dastlabki tanlangan baholovchi tashkilotlar roʻyxatiga kiritishni rad etish toʻgʻrisida qaror qabul qilingan taqdirda, Markaziy bank bu haqda baholovchi tashkilotni tegishli qaror qabul qilingan kundan e'tiboran uch ish kuni ichida yozma ravishda xabardor qiladi.

13. Baholovchi tashkilot Markaziy bank boshqaruvi qarori bilan dastlabki tanlangan baholovchi tashkilotlar roʻyxatiga kiritiladi.

14. Markaziy bank baholovchi tashkilotni dastlabki tanlangan baholovchi tashkilotlar roʻyxatiga kiritish masalasini koʻrib chiqishda baholovchi tashkilotning xizmat koʻrsatish narxini ham inobatga olishi mumkin.

15. Markaziy bank dastlabki tanlangan baholovchi tashkilotlar roʻyxatiga kiritilgan har bir baholovchi tashkilot bilan axborot xavfsizligi talablariga rioya etilishini nazarda tutuvchi shartnoma tuzadi. Shartnomada baholovchi tashkilotga taqdim etilgan maʼlumotlarni oshkor etmaslik bilan bogʻliq talablar belgilanadi.

16. Dastlabki tanlangan baholovchi tashkilotlar roʻyxati Markaziy bankning rasmiy veb-saytida eʼlon qilinadi va doimiy yuritiladi.

17. Markaziy bank bir yilda kamida bir marta dastlabki tanlangan baholovchi tashkilotlar roʻyxatini koʻrib chiqishi va roʻyxatga kiritilgan baholovchi tashkilotlarning belgilangan talablarga muvofiqligini oʻrganib borishi lozim.

18. Markaziy bank ushbu Nizomning 17-bandiga muvofiq baholovchi tashkilotlarning belgilangan talablarga muvofiqligini oʻrganish maqsadida ulardan zarur hujjat va ma'lumotlarni taqdim etishni talab qilishi mumkin.

19. Markaziy bank baholovchi tashkilotni ushbu Nizomning 15-bandida belgilangan shartnoma shartlariga muvofiq, shuningdek baholovchi tashkilotning talabiga koʻra dastlabki tanlangan baholovchi tashkilotlar roʻyxatidan chiqarishi mumkin.

2-§. Baholash oʻtkazish maqsadida baholovchi tashkilotni tayinlash

20. Baholash Oʻzbekiston Respublikasi "Banklar va bank faoliyati toʻgʻrisida"gi Qonunining 75-moddasida belgilangan talablarga muvofiq boʻlgan auditorlik tashkiloti yoki baholovchi tashkilot (bundan buyon matnda baholovchi tashkilot deb yuritiladi) tomonidan oʻtkaziladi.

21. Bankni sanatsiya qilishda baholash oʻtkazish maqsadida Markaziy bank baholovchi tashkilotni dastlabki tanlangan baholovchi tashkilotlar roʻyxatiga kiritilgan baholovchi tashkilotlar orasidan tanlab oladi. Bunda Markaziy bank dastlabki tanlangan baholovchi tashkilotlar roʻyxatiga kiritilgan baholovchi tashkilotlarga baholash oʻtkazish boʻyicha oʻz takliflarini taqdim etish toʻgʻrisida xabarnoma yuboradi.

22. Baholovchi tashkilotlarning baholash oʻtkazish boʻyicha takliflari xabarnomada belgilangan muddatda Markaziy bankka taqdim etiladi.

23. Markaziy bank baholovchi tashkilotlarning baholash oʻtkazish boʻyicha takliflarini oʻn besh ish kunida koʻrib chiqadi va quyidagi mezonlar asosida baholovchi tashkilotni tanlab oladi:

baholovchi tashkilotning tajribasi va imkoniyatlari;

baholash oʻtkazish uchun taklif etilayotgan muddat;

baholash oʻtkazish haqi.

24. Ikki yoki undan ortiq baholovchi tashkilot mavjud boʻlmagan taqdirda Markaziy bank dastlabki tanlangan baholovchi tashkilotlar roʻyxatiga kiritilgan bitta baholovchi tashkilotga xabarnoma yuboradi.

Agar ikki yoki undan ortiq baholovchi tashkilotga xabarnoma yuborilgan boʻlsa, baholash boʻyicha esa faqat bitta baholovchi tashkilotdan taklif kelib tushsa, ushbu baholovchi tashkilot baholashni oʻtkazish uchun tayinlanadi.

25. Baholash oʻtkazish uchun baholovchi tashkilot Markaziy bank boshqaruvining qarori bilan tayinlanadi.

26. Tanlab olinmagan baholovchi tashkilotlar tegishli qaror qabul qilingan kundan e’tiboran uch ish kuni ichida yozma ravishda xabardor qilinadi.

27. Agar dastlabki tanlangan baholovchi tashkilotlar roʻyxatiga kiritilgan baholovchi tashkilotlar baholash oʻtkazish boʻyicha oʻz takliflarini taqdim etmasa, baholash oʻtkazishni rad etsa yoki Markaziy bank ularning hech biri bilan baholash oʻtkazish boʻyicha kelishuvga erisha olmasa, Markaziy bank dastlabki tanlangan baholovchi tashkilotlar roʻyxatiga kiritilmagan, biroq ushbu Nizomda belgilangan talablarga javob beruvchi boshqa baholovchi tashkilotni baholash oʻtkazish uchun tayinlashi mumkin.

28. Baholovchi tashkilotni tanlab olish jarayonlari dastlabki tanlangan baholovchi tashkilotlar roʻyxatiga kiritilgan har bir baholovchi tashkilot bilan alohida amalga oshiriladi hamda baholovchi tashkilot tayinlangunga qadar e’lon qilinmaydi. Markaziy bank sanatsiya qilish jarayoni davomida yoki u yakunlanganidan soʻng baholovchi tashkilotni tanlab olish jarayoni toʻgʻrisidagi ma’lumotlarni oshkor qilishi mumkin.

29. Markaziy bank baholash oʻtkazish uchun tanlab olingan baholovchi tashkilot bilan Markaziy bank boshqaruvining baholovchi tashkilotni tayinlash toʻgʻrisidagi qarori qabul qilingan kundan e’tiboran uch ish kuni ichida baholash oʻtkazish toʻgʻrisida shartnoma tuzadi.

30. Baholash oʻtkazish toʻgʻrisidagi shartnomada kamida quyidagilar nazarda tutiladi:

baholashning bankni sanatsiya qilish yoki aksiyadorlar va kreditorlarning zararlarini aniqlash uchun oʻtkazilishi;

bankni sanatsiya qilish uchun oʻtkaziladigan baholashning dastlabki yoki yakuniy baholash ekanligi;

baholash obyektlari;

baholash oʻtkazish muddati, shu jumladan baholash toʻgʻrisidagi hisobotni Markaziy bankka taqdim etishning aniq muddati;

baholash oʻtkazish haqi;

baholovchi tashkilotning baholash oʻtkazuvchi xodimlarining malaka sertifikatlari toʻgʻrisidagi maʼlumotlar;

baholovchi tashkilotning fuqarolik javobgarligini sugʻurta qilish shartnomasi boʻyicha sugʻurtalovchining majburiyatlari kuchga kirganligini tasdiqlovchi sugʻurta polisining mavjudligi toʻgʻrisida maʼlumot;

zarur hollarda, qiymat diapazonlariga oid kutilmalar;

Markaziy bank baholovchi tashkilot inobatga olishi zarur deb hisoblaydigan farazlar.

31. Baholash oʻtkazish toʻgʻrisida shartnoma tuzishda baholovchi tashkilot baholashni oʻz vaqtida va xolis oʻtkazishiga taʼsir koʻrsatishi mumkin boʻlgan holatlar haqida Markaziy bankni oldindan xabardor qilishi shart.

32. Baholash oʻtkazish toʻgʻrisida shartnomada koʻrsatilgan baholashni oʻtkazish uchun zarur boʻlgan barcha toʻlovlar, agar bankning moliyaviy holati imkon bersa, mazkur bank hisobidan amalga oshiriladi. Aks holda Markaziy bank mazkur to‘lovlarni oʻz hisobidan amalga oshiradi hamda Oʻzbekiston Respublikasining “Banklarni sanatsiya qilish va tugatish toʻgʻrisida”gi Qonunida belgilangan tartibda sanatsiya qilinayotgan bankdan undiradi.

33. Aksiyadorlar va kreditorlarning zararlarini baholashdan oʻtkazish maqsadida Markaziy bank tomonidan bankni sanatsiya qilish uchun baholashni oʻtkazgan baholovchi yoki Markaziy bank tomonidan belgilangan talablarga javob beradigan boshqa baholovchi tayinlanishi mumkin.

3-bob. Baholovchi tashkilotga qoʻyiladigan talablar

1-§. Baholovchi tashkilotning mustaqilligi

34. Baholash oʻtkazish uchun tayinlanadigan baholovchi tashkilot manfaatlar toʻqnashuvini aniqlash, oldini olish va boshqarishga qaratilgan ichki siyosat hamda tartib-taomillarga ega boʻlishi lozim.

35. Baholash oʻtkazish uchun tayinlanadigan baholovchi tashkilot baholash oʻtkazishni boshlashidan oldin sanatsiya qilinayotgan bank bilan manfaatlar toʻqnashuvi mavjudligi yoki mavjud emasligi toʻgʻrisidagi maʼlumotni Markaziy bankka taqdim etadi.

Baholashni oʻtkazish jarayonida manfaatlar toʻqnashuvi yuzaga kelgan yoki aniqlangan taqdirda Markaziy bankni zudlik bilan bu haqda xabardor qiladi.

36. Markaziy bank manfaatlar toʻqnashuvi yuzaga kelishi mumkin boʻlgan holatlar yuzasidan baholovchi tashkilotdan tushuntirish berishni talab qilishi mumkin.

37. Baholovchi tashkilotning xolis va mustaqil baholash oʻtkazishiga salbiy taʼsir koʻrsatishi mumkin boʻlgan holatlar manfaatlar toʻqnashuvi deb hisoblanadi hamda kamida quyidagi holatlarni oʻz ichiga oladi:

baholash oʻtkazish toʻgʻrisidagi shartnoma tuzilgan sanada baholovchi tashkilotning sanatsiya qilinayotgan bankka xizmat koʻrsatayotganligi;

baholash oʻtkazish toʻgʻrisidagi shartnoma tuziladigan sanadan oldingi oʻn ikki oy ichida baholovchi tashkilotning sanatsiya qilinayotgan bankka xizmat koʻrsatganligi;

baholovchi tashkilotning yoki uning baholash oʻtkazishda ishtirok etuvchi xodimining sanatsiya qilinayotgan bankda ahamiyatli manfaatga egaligi. Manfaatning ahamiyatli ekanligi Markaziy bank tomonidan har bir holat uchun belgilanadi;

baholovchi tashkilot yoki uning baholash oʻtkazishda ishtirok etuvchi xodimi bilan sanatsiya qilinayotgan bank rahbariyati yoki xodimlari oʻrtasida moliyaviy munosabatlar mavjudligi;

baholovchi tashkilot yoki uning baholash oʻtkazishda ishtirok etuvchi xodimi sanatsiya qilinayotgan bank yoki Markaziy bankka aloqador shaxs ekanligi;

baholovchi tashkilotning mustaqil va xolis baholash oʻtkazishiga salbiy taʼsir koʻrsatishi mumkin boʻlgan boshqa holatlar.

38. Ushbu Nizom maqsadlarida quyidagi holatlar manfaatlar toʻqnashuvi deb hisoblanmaydi:

sanatsiya qilinayotgan bankda baholovchi tashkilotning talab qilib olinguncha saqlanadigan depozit hisobvaragʻiga ega boʻlishi, shuningdek, baholovchi tashkilot xodimlarining mazkur bank tomonidan emissiya qilingan bank kartasiga ega boʻlishi;

aksiyadorlar va kreditorlarning zararlarini baholashda baholovchi tashkilotning mazkur bankni sanatsiya qilish uchun baholash oʻtkazganligi.

39. Baholovchi tashkilotga baholash oʻtkazganlik uchun haq Markaziy bank yoki sanatsiya qilinayotgan bank tomonidan toʻlanishi baholovchi tashkilotning mustaqilligiga ta’sir etuvchi holat deb hisoblanmaydi.

2-§. Baholovchi tashkilotning tajribasi va imkoniyatlari

40. Baholovchi tashkilotning sanatsiya qilinayotgan bankda baholash oʻtkazishda ishtirok etuvchi xodimlari ushbu baholashni sifatli oʻtkazish uchun zarur malaka, bilim va tajribaga ega boʻlishi lozim.

41. Sanatsiya qilinayotgan bankda baholash oʻtkazuvchi baholovchi tashkilot quyidagi talablarga javob berishi lozim:

baholovchi tashkilotning shtatdagi malakali baholovchilarning eng kam soniga oid talablarga javob berishi;

baholovchi tashkilotlarning professional jamoat birlashmalaridan biriga aʼzo boʻlishi;

baholovchi tashkilotning fuqarolik javobgarligini sugʻurta qilish shartnomasi boʻyicha sugʻurtalovchining majburiyatlari kuchga kirganligini tasdiqlovchi sugʻurta polisi mavjud boʻlishi.

42. Baholovchi tashkilot baholash oʻtkazish uchun unga taqdim etilgan maʼlumotlarning maxfiyligini taʼminlash imkonini beruvchi axborot xavfsizligi tizimiga ega boʻlishi lozim.

4-bob. Baholash oʻtkazish

1-§. Baholash oʻtkazishga oid talablar

43. Bankni sanatsiya qilish maqsadida baholash oʻtkazishda baholash sanasi Markaziy bank tomonidan belgilanadi. Agar baholash sanasi Markaziy bank tomonidan belgilanmagan boʻlsa, baholovchi tashkilot baholash sanasi sifatida bankni sanatsiya qilish toʻgʻrisida qaror qabul qilingan sanani yoki unga imkon qadar yaqin boʻlgan sanani belgilashi lozim.

44. Baholash kamida quyidagi maʼlumotlarga asoslanishi lozim:

bankning moliyaviy hisobotlariga, shu jumladan buxgalteriya balansi hamda foyda va zararlar toʻgʻrisidagi hisobotiga;

bank hujjatlari va bankda mavjud boshqa maʼlumotlarga;

bankning balansdan tashqari aktivlari va majburiyatlari toʻgʻrisidagi maʼlumotlarga;

bozor tahlili ma’lumotlariga;

Markaziy bankning bank moliyaviy holatiga oid maʼlumotlariga;

muayyan bankning xususiyatlariga moslashtirilgan tarmoq va bozor koʻrsatkichlariga;

muayyan bankning xususiyatlariga moslashtirilgan baholashga doir tarixiy maʼlumotlarga;

baholovchi tashkilot tomonidan ahamiyatli deb topilgan boshqa maʼlumotlarga.

45. Baholovchi tashkilot baholash oʻtkazishda qoʻllaniladigan asosiy farazlar va (yoki) baholash obyekti qiymatiga taʼsir koʻrsatishi mumkin boʻlgan kamida quyidagi omillarni hisobga olishi lozim:

bankka va (yoki) uning aktivlari va majburiyatlariga taʼsir koʻrsatishi mumkin boʻlgan makroiqtisodiy va (yoki) moliya sektoriga oid sharoitlarni;

bankning kapital monandligi va likvidlilik koeffitsiyentlarini hisoblashda foydalaniladigan asosiy koʻrsatkichlarni, shu jumladan, tavakkalchilikka tortilgan aktivlarga taʼsir etuvchi omillarni;

bankning biznes modeli va undagi oʻzgarishlarni;

bankning tavakkalchiliklarni boshqarish siyosatini, xususan, bankning kredit tavakkalchiliklarini boshqarish va investitsiya siyosatini;

bankning baholash natijasiga taʼsir koʻrsatishi mumkin boʻlgan boshqa xususiyatlarini.

46. Baholash oʻtkazishda baholovchi tashkilot bank tomonidan ishlab chiqilgan yondashuvlar, usullar va modellardan yoki oʻzi maqbul deb topgan yondashuvlar, usullar va modellardan foydalanishi mumkin.

47. Baholovchi tashkilot baholash oʻtkazishda bankning aktivlari, huquqlari va majburiyatlarining aniq qiymatini belgilashi lozim. Agar aniq qiymatni belgilashning imkoni boʻlmasa yoki uni belgilash maqsadga muvofiq boʻlmasa, baholovchi tashkilot qiymat diapazonini belgilashi mumkin. Bunda qiymat diapazonini belgilash uchun asos boʻlgan tegishli maʼlumotlar baholash toʻgʻrisidagi hisobotda aks ettirilishi lozim.

48. Baholovchi tashkilot baholash obyektining aniq qiymatini aniqlash maqsadida oʻzi asosli deb hisoblagan farazlardan foydalanishi mumkin. Bunda baholovchi tashkilot baholash oʻtkazishda qoʻllanilgan farazlar hamda ularning asoslari toʻgʻrisidagi maʼlumotlarni baholash toʻgʻrisidagi hisobotda aks ettirishi lozim.

49. Agar baholash oʻtkazishda baholovchi tashkilot tomonidan qoʻllanilgan farazlar bankning moliyaviy hisobotlarida yoki bank tomonidan tegishli vakolatli organlarga taqdim etilgan hisobotlarda keltirilgan farazlardan sezilarli darajada farq qilsa, baholovchi tashkilot mazkur farqning sabablarini asoslashi lozim.

50. Baholovchi tashkilot baholash oʻtkazishda mavjud noaniqliklar, jumladan, buxgalteriya hisobi standartlari va (yoki) qonunchilik doirasida hisobga olib boʻlmaydigan kutilayotgan zararlar boʻyicha inobatga olingan chegirmalar toʻgʻrisidagi maʼlumotlarni baholash toʻgʻrisidagi hisobotda aks ettirishi lozim.

51. Baholovchi tashkilot ahamiyatli noaniqliklar mavjud boʻlgan hollarda qiymat diapazonini belgilashi mumkin. Ahamiyatli noaniqliklar mavjud boʻlgan holatlarga kamida quyidagilar kiradi:

qarzdorning moliyaviy holati yomonlashganligi sababli qaytmaslik xavfi mavjud boʻlgan aktivlarni baholash;

faoliyat yuritmayotgan yuridik shaxslarga tegishli aktivlarni baholash. Bunda ushbu aktivlar qiymatini belgilashda ularning daromad keltirish xususiyatini

yoʻqotganligi hamda bozor qiymatini aniq belgilash imkoni mavjud emasligi ehtimoli inobatga olinadi;

adolatli qiymat boʻyicha baholanadigan, biroq bozor qiymatini darhol aniqlash imkoni mavjud boʻlmagan moliyaviy instrumentlarni baholash;

gudvill va boshqa nomoddiy aktivlarni baholash;

bankning sud nizosi predmeti boʻlgan majburiyatlarini baholash;

shartli majburiyatlarni baholash;

hisobga olinmagan foyda yoki zararlarni baholash;

bir martalik (qayta takrorlanmaydigan) foyda yoki zararlarni baholash;

baholash natijalariga sezilarli taʼsir koʻrsatishi mumkin boʻlgan boshqa holatlar.

52. Baholovchi tashkilot bank va (yoki) uning aktivlari qiymatiga jiddiy taʼsir koʻrsatishi mumkin boʻlgan maʼlumotlarni aniqlaganida, shuningdek bankning auditorlik tekshiruvidan oʻtgan moliyaviy hisobotlaridagi ma’lumotlardan yoki bank tomonidan tegishli vakolatli organlarga taqdim etilgan maʼlumotlardan sezilarli darajada farq qiluvchi maʼlumotlar aniqlanganda, bu haqda Markaziy bankni zudlik bilan xabardor qilishi lozim.

53. Baholovchi tashkilot bankning aniqlangan va shartli (aniqlanishi mumkin boʻlgan) aktivlari hamda majburiyatlari roʻyxatini, shuningdek taʼminlangan majburiyatlari va ularning taʼminoti boʻlgan aktivlari roʻyxatini shakllantirishi lozim.

54. Baholovchi tashkilot axborot xavfsizligi yoki axborotni oshkor etmaslik talablari buzilgan, shuningdek ularning buzilishi xavfi yuzaga kelgan holat haqida Markaziy bankni zudlik bilan xabardor qilishi lozim.

2-§. Bankni sanatsiya qilish uchun baholash oʻtkazish

55. Bankni sanatsiya qilish uchun oʻtkaziladigan baholashda quyidagilar aniqlanishi lozim:

muayyan sanatsiya qilish vositasi qoʻllanilganda bankning har bir turdagi aksiyadorlari va kreditorlari olishi mumkin boʻlgan qiymat;

bankni sanatsiya qilish toʻgʻrisida qaror qabul qilingan kunda mazkur bankni majburiy tugatish jarayoni boshlangan taqdirda bankning har bir turdagi aksiyadorlari va kreditorlari olishi mumkin boʻlgan qiymat;

hisobdan chiqarilishi va (yoki) konvertatsiya qilinishi talab etiladigan majburiyatlar qiymati;

aktiv, huquq va majburiyatlarning oʻtkazilish (sotilish) qiymati hamda aktiv, huquq va majburiyatlar oʻtkazilganda (sotilganda) bank yoki uning aksiyadorlariga toʻlanadigan qiymatlar.

56. Baholovchi tashkilot baholash oʻtkazish maqsadida muayyan yondashuvlar, usullar va modellarni tanlashda Markaziy bank tomonidan qoʻllanilishi mumkin boʻlgan sanatsiya qilish vositalarini inobatga olishi lozim.

57. Markaziy bank bankka nisbatan qoʻllashi mumkin boʻlgan sanatsiya qilish vositalari haqida baholovchi tashkilotni oldindan xabardor qiladi.

58. Agar Markaziy bank sanatsiya qilinayotgan bankning aktivlari, huquqlari va (yoki) majburiyatlarini mazkur bank balansida saqlab qolishni rejalashtirgan boʻlsa, baholovchi tashkilot ularning qiymatini aniqlashda mazkur aktivlar, huquqlar va majburiyatlarni muddati tugaguniga qadar yoki hisob-kitob toʻliq yakunlangunga qadar saqlab turish natijasida olinishi kutilayotgan pul oqimlarining joriy qiymatini inobatga olishi lozim. Bunda baholovchi tashkilot kelgusidagi pul oqimlariga taʼsir koʻrsatishi mumkin boʻlgan omillarni inobatga olishi mumkin.

59. Agar Markaziy bank tomonidan sanatsiya qilinayotgan bankning aktivlari, huquqlari va majburiyatlarini oraliq bankka yoki boshqa oluvchiga oʻtkazish rejalashtirilgan boʻlsa, baholovchi tashkilot ularning qiymatini aniqlashda asosiy baholash yondashuvi sifatida yoʻq qilish qiymatidan foydalanishi lozim. Bunda baholovchi tashkilot qiymatni aniqlashda baholash obyektining kelajakdagi tijorat jozibadorligi va daromad keltirish salohiyatini hisobga olishi mumkin. Yoʻq qilish qiymati deganda baholash obyektining uni tashkil etgan aktivlar, huquqlar yoki majburiyatlarning bozor qiymatiga teng qiymati, yaʼni amaldagi bozor sharoitlarida aktivlar, huquqlar yoki majburiyatlar sotilganda (oʻtkazilganda) olinishi kutilayotgan qiymat tushuniladi.

60. Baholovchi tashkilot har bir sanatsiya qilish vositasini qoʻllashning baholash natijalariga taʼsirini inobatga olishi lozim. Bunda baholovchi tashkilot har bir sanatsiya qilish vositasi qoʻllanishi natijasida yuzaga kelishi mumkin boʻlgan zararlarni hisobga olishi hamda ularni baholash natijalarida aks ettirilishi lozim.

61. Agar ushbu Nizomning 55-bandida belgilangan sanatsiya qilish vositalari doirasida majburiyatlarni aksiyalarga konvertatsiya qilish nazarda tutilgan boʻlsa, baholashda mazkur aksiyalarning qiymati ham aniqlashtirilishi lozim.

62. Zarur hollarda baholash natijalari qiymat diapazonlarini oʻz ichiga olishi lozim. Qiymat diapazonlari oqilona belgilangan boʻlishi hamda Markaziy bankning sanatsiya qilish tartib-taomillarini amalga oshirish boʻyicha qaror qabul qilishida baholash natijalaridan foydalanish imkoniyatiga toʻsqinlik qilmasligi lozim.

63. Baholovchi tashkilot Markaziy bank va bankdan baholash oʻtkazish uchun zarur boʻlgan maʼlumotlarni talab qilib olishi mumkin.

3-§. Bankni sanatsiya qilish uchun dastlabki va yakuniy baholash oʻtkazishning oʻziga xos xususiyatlari

64. Bankni sanatsiya qilish uchun toʻliq baholashdan oʻtkazishga toʻsqinlik qiluvchi holatlar hamda sanatsiya qilish maqsadlariga erishishni xavf ostiga qoʻyuvchi

boshqa holatlar mavjud boʻlgan taqdirda, Markaziy bank yoki Markaziy bank tomonidan tayinlangan baholovchi tashkilot bankning aktivlarini, majburiyatlarini va balansdan tashqari moddalarini dastlabki baholashdan oʻtkazadi.

65. Bankni sanatsiya qilish maqsadida dastlabki baholashni oʻtkazishda noaniqliklar mavjud boʻlgan yoki zararlar yuzaga kelishi kutilayotgan hollarda baholash obyekti qiymatini aniqlashda qoʻshimcha chegirmalar belgilanishi lozim.

66. Qoʻshimcha chegirmalar miqdorini belgilashda Markaziy bank yoki baholovchi tashkilot qoʻllaniladigan sanatsiya qilish vositalarining muayyan aktivlar boʻyicha pul tushumlariga va ularning qiymatiga koʻrsatadigan taʼsirini inobatga olishi mumkin.

67. Dastlabki baholashni oʻtkazishda Markaziy bank yoki baholovchi tashkilot zararlarni baholashda zarur hollarda ekstrapolyatsiya usulidan foydalanishi, yaʼni bir aktiv boʻyicha aniqlangan zararni oʻxshash aktivlarga yoki muayyan aktivlar guruhi boʻyicha aniqlangan zararni bank balansining muayyan qismiga nisbatan tatbiq etishi mumkin.

68. Agar bankni sanatsiya qilish maqsadida ushbu paragrafga muvofiq dastlabki baholash oʻtkazilgan boʻlsa, Oʻzbekiston Respublikasi “Banklarni sanatsiya qilish va tugatish toʻgʻrisida”gi Qonunining 18-moddasida belgilangan talablarga javob beruvchi yakuniy baholash baholovchi tashkilot tomonidan imkon qadar tezroq oʻtkazilishi lozim.

69. Yakuniy baholash natijalaridan Markaziy bank quyidagi maqsadlarda foydalanadi:

aksiyadorlarning va (yoki) kreditorlarning talablarini hisobdan chiqarish yoki qanoatlantirish toʻgʻrisidagi qarorni asoslantirish yoxud majburiyatlar boʻyicha amalga oshirilgan toʻlovlar summasini oshirish yoki kamaytirish;

bankning avval oʻtkazilgan aktivlari va majburiyatlariga qoʻshimcha tarzdagi aktivlari va majburiyatlarini oraliq bankka oʻtkazish yoki avval oʻtkazilgan aktivlari va majburiyatlarini qaytarish.

70. Oʻzbekiston Respublikasining “Banklarni sanatsiya qilish va tugatish toʻgʻrisida”gi Qonunida belgilangan talablarga muvofiq oʻtkazilgan yakuniy baholash:

aktivlar va majburiyatlarni oʻtkazish (sotish) vositasini qoʻllash chogʻida oluvchilar tomonidan amalga oshirilgan toʻlovlarga;

aktivlar va majburiyatlarni oʻtkazish (sotish) vositasini qoʻllash maqsadida hisobdan chiqarishni va (yoki) konvertatsiya qilishni amalga oshirishda sanatsiya qilinayotgan bank aksiyadorlari va kreditorlari tomonidan olingan mablagʻlarga taʼsir koʻrsatmaydi.

4-§. Aksiyadorlar va kreditorlarning zararlarini baholash

71. Sanatsiya qilish tartib-taomillari amalga oshirilganidan keyin sanatsiya qilinayotgan bank aksiyadorlari va kreditorlarining sanatsiya qilish natijasida koʻrgan zararlari sanatsiya qilish toʻgʻrisida qaror qabul qilingan kunda mazkur bank majburiy tugatilgan taqdirda ular koʻrishi mumkin boʻlgan zararlardan oshganligini yoki oshmaganligini aniqlash uchun Markaziy bank qisqa muddat ichida baholash oʻtkazilishini taʼminlaydi.

72. Aksiyadorlar va kreditorlarning zararlarini baholash bankni sanatsiya qilishni boshlash toʻgʻrisida qaror qabul qilingan kunda mazkur bankni majburiy tugatish jarayoni boshlangan taqdirda bankning aksiyadorlari va kreditorlari olishi mumkin boʻlgan qiymatni aniqlash maqsadida oʻtkaziladi.

73. Aksiyadorlar va kreditorlarning zararlarini baholashdan oʻtkazishda bankni sanatsiya qilish uchun baholash oʻtkazgan baholovchi tashkilot yoki banklarni sanatsiya qilish va tugatish toʻgʻrisidagi qonunchilikda belgilangan talablarga javob beruvchi boshqa baholovchi tashkilot tayinlanishi mumkin.

74. Aksiyadorlar va kreditorlarning zararlarini baholash bankni sanatsiya qilish uchun oʻtkazilgan baholash bilan bir xil sana holatiga oʻtkaziladi.

75. Bank aksiyadorlari va kreditorlarining zararlarini baholashda sanatsiya qilish tartib-taomillarini amalga oshirish natijasida bankning aksiyador va kreditorlari amalda olgan qiymat bilan ushbu Nizomning 72-bandida nazarda tutilgan qiymat oʻrtasidagi farq aniqlanadi. Bankning aksiyadorlari va kreditorlari amalda olgan qiymat Aksiyadorlar va kreditorlarning zararlarini baholash oʻtkazish sanasiga diskontlangan holda hisoblanadi.

76. Agar sanatsiya qilingan bank kreditorlarining talablari bank aksiyalariga konvertatsiya qilingan boʻlsa, baholovchi tashkilot ushbu aksiyalarning qiymatini aniqlash orqali mazkur kreditorlarning bankni sanatsiya qilish natijasida amalda olgan qiymatini belgilaydi.

77. Bankni sanatsiya qilish toʻgʻrisida qaror qabul qilingan kunda mazkur bankni majburiy tugatish jarayoni boshlangan taqdirda bank aksiyadorlari va kreditorlari olishi mumkin boʻlgan qiymatni aniqlashda baholovchi tashkilot quyidagilarni inobatga olishi lozim:

Oʻzbekiston Respublikasining “Banklarni sanatsiya qilish va tugatish toʻgʻrisida”gi Qonunida belgilangan bankni majburiy tugatishga oid qoidalarni, jumladan, kreditorlar talablarini qanoatlantirish navbatini;

Oʻzbekiston Respublikasining “Aksiyadorlik jamiyatlari va aksiyadorlarning huquqlarini himoya qilish toʻgʻrisida”gi Qonunida belgilangan tugatilayotgan jamiyatning mol-mulkini aksiyadorlar oʻrtasida taqsimlashga oid qoidalarni;

bankni majburiy tugatish bilan bogʻliq barcha xarajatlarni, jumladan, aktivlarni saqlash, realizatsiya qilish va undirish bilan bogʻliq xarajatlarni;

banklarda avval yuz bergan to‘lovga qobiliyatsizlik holatlariga oid ma’lumotlarni, jumladan, to‘lovga qobiliyatsizlik yoki boshqa moliyaviy qiyinchilik holatlarida tuzilgan bitimlarda belgilangan qiymatlarni;

bankni majburiy tugatishda aktivning realizatsiya qilinish ehtimolini.

78. Bankni sanatsiya qilish to‘g‘risida qaror qabul qilingan kunda mazkur bankni majburiy tugatish jarayoni boshlangan taqdirda bank aksiyadorlari va kreditorlari olishi mumkin bo‘lgan qiymatni aniqlashda baholovchi tashkilot sanatsiya qilingan bankka ko‘rsatilgan tashqi moliyaviy yordamni, shu jumladan Markaziy bank tomonidan likvidlilikni favqulodda qo‘llab-quvvatlash doirasida taqdim etilgan mablag‘larni inobatga olmaydi.

79. Aksiyadorlar va kreditorlarning zararlarini baholash quyidagi shartlarga asoslanishi lozim:

bankni majburiy tugatish jarayoni mazkur bankni sanatsiya qilishni boshlash to‘g‘risida qaror qabul qilingan sanadan e’tiboran boshlangan deb hisoblanishi;

hech qanday sanatsiya qilish vositalari yoki vakolatlari qo‘llanilmaganligi;

davlat tomonidan bankka moliyaviy yordam ko‘rsatilmaganligi.

80. Bank aksiyadorlari va kreditorlari zararlarini baholashdan o‘tkazishda baholovchi tashkilot bankni sanatsiya qilish to‘g‘risida qaror qabul qilingan sanada mavjud bo‘lgan ma’lumotlarga asoslanishi lozim.

81. Baholovchi tashkilot sanatsiya qilish tartib-taomillarini amalga oshirish natijasida bankning aksiyadorlari va kreditorlari olgan mablag‘lar hamda nomoliyaviy kompensatsiya qiymatini aniqlashda ushbu Nizomning 80-bandida nazarda tutilgan ma’lumotlar bilan bir qatorda bankni sanatsiya qilish natijalariga oid ma’lumotlardan ham foydalanishi mumkin.

82. Aksiyadorlar va kreditorlarning zararlarini baholashda baholovchi tashkilot tomonidan qo‘llaniladigan qiymat diapazonlari asosli bo‘lishi hamda bankning aksiyadorlari va kreditorlari bankni sanatsiya qilish natijasida ko‘rgan zarar mazkur bank majburiy tugatilgan taqdirda ular ko‘rishi mumkin bo‘lgan zarardan oshgan yoki oshmaganligini aniqlash imkonini berishi lozim.

5-§. Baholash to‘g‘risidagi hisobot

83. Baholovchi tashkilot baholash o‘tkazish jarayoni yakunlanganidan so‘ng Markaziy bankka yozma shakldagi baholash to‘g‘risidagi hisobotni taqdim etadi.

84. Baholash to‘g‘risidagi hisobot quyidagi buxgalteriya hujjatlariga va boshqa hujjatlarga asoslanadi:

bankning baholash hisoboti tuzilayotgan sanadagi buxgalteriya balansiga, shuningdek foyda va zararlari to‘g‘risidagi hisobotiga;

bank aktivlari va majburiyatlarini hisobga olish qiymatining tahliliga va baholanishiga;

bank buxgalteriya hisobotining balansdagi va balansdan tashqari hisobvaraqlarida aks ettirilgan majburiyatlarning roʻyxatiga, ularni bajarish muddati koʻrsatilgan holda;

baholash uchun ahamiyatga ega boʻlgan, Markaziy bank tomonidan talab qilinadigan boshqa maʼlumotlarga.

85. Baholash toʻgʻrisidagi hisobot Markaziy bankning sanatsiya qilishga oid qarorlar qabul qilishi uchun zarur boʻlgan barcha maʼlumotlarni oʻz ichiga olishi lozim.

86. Baholash toʻgʻrisidagi hisobotda Oʻzbekiston Respublikasining Yagona milliy baholash standartining (roʻyxat raqami 3487, 2023-yil 28-dekabr) 56-bandida belgilangan ma’lumotlar bilan bir qatorda kamida quyidagilar aks ettiriladi:

baholovchi tashkilot tomonidan qoʻllanilgan hamda qiymat va qiymat diapazonini belgilashga asos boʻlgan va (yoki) taʼsir koʻrsatgan barcha farazlarning batafsil tavsifi;

baholash oʻtkazishda qoʻllanilgan yondashuvlar, usullar va modellar boʻyicha batafsil tushuntirish va asoslantirishlar, shu jumladan qoʻllanilishi mumkin boʻlgan turli yondashuv, usul va modellar orasidan muayyan yondashuv, usul va modellarni tanlash sabablari;

belgilangan qiymat diapazonlari boʻyicha batafsil asoslantirishlar;

baholash oʻtkazishda mavjud boʻlgan noaniqliklar va (yoki) murakkabliklar tavsifi, xususan, maʼlumotlarning mavjudligi va (yoki) ishonchliligi bilan bogʻliq noaniqliklar va (yoki) murakkabliklar tavsifi;

bankning sanatsiya qilish toʻgʻrisida qabul qilingan sanadagi barcha zararlari.

87. Bankni sanatsiya qilish uchun oʻtkazilgan baholash toʻgʻrisidagi hisobotda mazkur Nizomning 86-bandida belgilangan maʼlumotlar bilan bir qatorda quyidagilar aks ettirilishi lozim:

sanatsiya qilishning har bir vositasi qoʻllanilganda bankning har bir turdagi aksiyadorlari va kreditorlari olishi mumkin boʻlgan qiymat;

bankni sanatsiya qilish toʻgʻrisida qaror qabul qilingan kunda mazkur bankni majburiy tugatish jarayoni boshlangan taqdirda bankning har bir turdagi aksiyadorlari va kreditorlari olishi mumkin boʻlgan qiymat.

88. Aksiyadorlar va kreditorlarning zararlarini baholash toʻgʻrisidagi hisobotda, mazkur Nizomning 86-bandida belgilangan maʼlumotlar bilan bir qatorda quyidagilar aks ettirilishi lozim:

bankni sanatsiya qilish toʻgʻrisida qaror qabul qilingan kunda mazkur bankni majburiy tugatish toʻgʻrisida qaror qabul qilingan taqdirda bankning har bir turdagi aksiyadorlari va kreditorlari olishi mumkin boʻlgan qiymat;

bankni sanatsiya qilish natijasida bankning har bir turdagi aksiyadorlari va kreditorlari amalda olgan qiymat;

bankning aksiyadorlari va kreditorlari bankni sanatsiya qilish natijasida olgan qiymat bilan bank majburiy tugatilgan taqdirda ular olishi mumkin boʻlgan qiymat oʻrtasidagi farq.

89. Agar baholovchi tashkilot baholash oʻtkazishda auditorlik tekshiruvidan oʻtkazilmagan va (yoki) tasdiqlanmagan maʼlumotlardan foydalangan boʻlsa, baholovchi tashkilot ushbu maʼlumotlar bilan bogʻliq noaniqliklarni baholash toʻgʻrisidagi hisobotda aks ettirishi lozim.

90. Baholash toʻgʻrisidagi hisobot baholash oʻtkazish jarayonida baholovchi tashkilotning belgilangan tartib-taomillarga rioya etganligini tekshirish imkonini beruvchi barcha maʼlumotlarni oʻz ichiga olishi lozim.

91. Oʻtkazilgan baholash toʻgʻrisidagi hisobotning qisqacha mazmuni Markaziy bankning rasmiy veb-saytida belgilangan tartibda eʼlon qilinadi. Bunda baholash toʻgʻrisidagi hisobotdagi quyidagi maʼlumotlar eʼlon qilinmaydi:

sanatsiya qilinayotgan bankka yoki bankning mijozlari, kontragentlari, xodimlari yoki aksiyadorlariga tegishli sir saqlanadigan maʼlumotlar;

baholovchi tashkilot tomonidan baholash oʻtkazishda qoʻllanilgan sir saqlanadigan maʼlumotlar, shu jumladan baholash yondashuvi, usuli va modellari.

92. Agar Markaziy bank baholash toʻgʻrisidagi hisobotning qisqacha mazmuni eʼlon qilinishi sanatsiya qilish maqsadlariga erishishga salbiy taʼsir koʻrsatishi mumkin deb hisoblasa, baholash toʻgʻrisidagi hisobotning qisqacha mazmunini eʼlon qilishni sanatsiya qilish jarayoni yakunlanguniga qadar kechiktirishi mumkin.

5-bob. Maʼlumot taqdim etishga doir talablar

93. Banklar baholovchi tashkilotning baholash oʻtkazish uchun zarur boʻlgan maʼlumotlarni taqdim etish toʻgʻrisidagi soʻrovini bajarishi shart. Agar bank baholovchi tashkilotning maʼlumot taqdim etish toʻgʻrisidagi soʻrovini bajara olmasa, bu haqda Markaziy bankni va baholovchi tashkilotni zudlik bilan xabardor qilishi lozim.

94. Banklar baholash oʻtkazish uchun baholovchi tashkilot talab qilishi mumkin boʻlgan maʼlumotlarni, jumladan, tegishliligi boʻyicha ushbu Nizomning 44-bandida belgilangan maʼlumotlarni oʻz vaqtida taqdim etishni taʼminlash maqsadida axborot tizimiga ega boʻlishi, shuningdek, tegishli maʼlumotlarning doimiy saqlanishini taʼminlashi va ularni muntazam yangilab borishi lozim.

95. Baholovchi tashkilot baholash oʻtkazishda foydalanilgan barcha maʼlumotlarning kamida uch yil davomida xavfsiz saqlanishini taʼminlashi lozim. Agar baholash toʻgʻrisidagi hisobot yuzasidan nizo kelib chiqqan boʻlsa yoki baholash toʻgʻrisidagi hisobot koʻrib chiqilayotgan sud ishida dalil sifatida qoʻllanilishi mumkin

boʻlsa hamda bunday nizo yoki sud ishi uch yildan ortiq davom etsa, baholovchi tashkilot tegishli hujjatlar va maʼlumotlarni nizo yoki sud ishi toʻliq yakunlanguniga qadar saqlashi shart.

6-bob. Baholash oʻtkazish toʻgʻrisidagi shartnomani bekor qilish

96. Markaziy bank quyidagi hollarda baholovchi tashkilot bilan baholash oʻtkazish toʻgʻrisida tuzilgan shartnomani bekor qilishi mumkin:

baholovchi tashkilot baholash oʻtkazishni boshlash yoki davom ettirish imkoniga ega boʻlmasa;

baholovchi tashkilot shartnomada belgilangan muddatda baholash toʻgʻrisidagi hisobotni taqdim etmasa;

baholovchi tashkilotning mustaqilligiga salbiy taʼsir koʻrsatuvchi yoki manfaatlar toʻqnashuviga olib keluvchi holatlar aniqlansa.

7-bob. Yakuniy qoidalar

97. Baholash ustidan shikoyatlar sanatsiya qilish toʻgʻrisidagi qarordan alohida tarzda koʻrib chiqilishi mumkin emas.

98. Mazkur Nizom talablarining buzilishida aybdor boʻlgan shaxslar qonunchilikka muvofiq javobgar boʻladilar.